

84(59)7
К 52

Нурали ҚОБУЛ



**ЧИНГИЗХОННИНГ
ОЛТИН
ТАХТИ**

Шарҳий роман

IV

Нурали ҚОБУЛ

**ЧИНГИЗХОННИНГ ОЛТИН
ТАХТИ**

ёхуд

ТАХТ ТАГИДАГИ ЗИНДОН

Тарихий роман

Тошкент-2015

УЎК:821.512.133-3

КБК:84(5Ў)6

Қ-52

Қобул, Нурали

Чингизхоннинг олтин тахти: тарихий роман/ Н.Қобул. –Т
«Kamalak» нашриёти, 2015. 352 б.

УЎК:821.512.133

КБК:84(5Ў)6

*“Чингизхоннинг олтин тахти ёхуд тахт тагидаги зиндон” ро-
ни илгари ўқиганингиз “Буюк Турон амири”, “Етти иқлим хоқони
ва “Султоннинг сўнги куни” китобларининг тўртинчисидир.*

*Сиз асарда улусимизнинг бош миллий қаҳрамони Буюк Ами
Темурнинг арабу ажам сафарларини, Эрону Ироқни юз эллик йи-
бошқариб, халифаликни араб ҳукмдорларидан олган жалойир турк-
лари салтанати ва ушбу сулола вакили Султон Аҳмад Жалойир
ҳамда Усмонли султони Йилдирим Боязид билан кечган зиддият-
ли муносабатларнинг парда орқаси баробарида XI–XII асрларда
Ҳиндистонни тасарруф этган тўғлуқийлар, Қутбиддин Ойбек каби
қатор машҳур турк-ислом ҳукмдорлари салтанати тарихидан ҳам
воқиф бўласиз.*

*Ушбу асар билан бирга қўлингизга муаллифнинг бешинчи китоби:
“Жаҳон мулкининг султони ёхуд Фотиҳ Темур ва Йилдирим Боязид”
романи ҳам етиб бормоқда.*

Т а к р и з ч и л а р :

Ашраф АХМЕДОВ – тарих фанлари доктори, профессор.

Тоҳир ҚАҲҲОР – филология фанлари номзоди, доцент.

ISBN: 978-9943-4375-4-8

Abdulla Qodiriy nomidagi

viloyati AKM

INV № 1685 BB - 2019

© «KAMALAK» нашриёти, 2015



БИРИНЧИ БОБ

Ҳақиқатни айтиши мумкин бўлмаган одамга ҳеч қачон тўғри гапни гапирма.

Ўлимидан аввал ўлмоқни билганларгина ўлимидан сўнг яшайдилар.

Илминг билан мағрурланма, уни бировдан олгансан, мулки давлатинг билан ўзингдан кетма, уни бировга топширасан, фарзандинг билан мактанма. унга биров эга чиқади.

Машойихлар ҳикмати

Тонг отар, кун ботар, ойу кун сувдек утар эди.

Табриздан ярим кечада кимсага шоён этмай йўлга чиққан, ёғ ичида яйрамаган Хонзодабегимнинг ичига чироқ ёқса ёришмас, афтода бир аҳволи руҳиятда эди.

Мироншоҳ Мирзо билан ораларидаги яқинлик аллақачон барҳам топган, эр-хотинлик муносабати ҳам душман кўзи эди.

Малика ўзининг айна балоғат ёшини жуфтидан айрилган қуш каби меҳрга интиқ, муҳаббатга зор ўтказар эди. Бу совуқлик ўғли Халил Султон туғилганидан кейиноқ бошланган, не қадар жонини жабборга бермасин, эр-хотин орасидаги муносабат тuzалмади, қайта ўнгарилмади.

Хос канизақдан сархуш эрининг қарахт қолда уйқуга кетганлигини билган Хонзода бир неча сидра кийим-кечагини бўғчага тугди-да, ўзининг кўнғирот уруғидан бўлган бош кўримаси навқари Отабек Жондор йигитлари билан кутиб турган жойга тўрт нафар канизаги билан етиб келди. Отабек Жондор йўлчилар учун бешта учқур араб отини ҳозирлаганча, юрагини ҳовучлаб маликани беклар эди.

Асл исми Севинч бека бўлган Хонзодабегимни илк бор

онаси, Жўчи улусининг еттинчи хони Гиёсиддин Муҳаммад Ўзбекхоннинг қизи Шакарбека эркалаб, Хонзода деб атади. Шу-шу исми Хонзода бўлиб кетди. Онаси Шакарбека, Хоразм волийси Хусайн Сўфийнинг укаси Оқ Сўфийнинг бош хоними эди.

Улуғ Амир уни тўнғич ўғли Жаҳонгирга сўраттирди. Бу пайтларда Самарқанд ва Хоразм орасидаги муносабатлар шу қадар таранг, чигал ва нозик эдики, икки тараф ҳам арзимаган баҳона билан қўлига қилич олмоққа тайёр турарди. Хусайн Сўфий тирик бўлганида уни темурийларга хотинликка бермас эди. Акаси ўрнига Хоразм волийси бўлган Юсуф Сўфий барлос турклари салтанатига хайрихоҳ бўлмаса-да, душман ҳам эмас эди. У бу никоҳга очик-ойдин розилик билдирмаса-да, қаршилиқ ҳам қилмади. Хонзода эса икки ўт орасида қолганди. Самарқандликларнинг кўнғиротлар устига қилган кетма-кет юришлари сўфийлар юрагини олиб қўйганди. Ҳеч ким улар билан очикдан-очик яроғ тили билан кўнишмоққа журъат этолмасди. Шундай, ярим уруш, ярим яраш шароитида Севинч бека карнай-сурнай ва ногора садолари остида Самарқандга келин бўлиб бориши керак эди. Уни доврўғи етти иклимга етган тўю тантаналар билан Самарқандга олиб келдилар. Эри Жаҳонгир мирзо босиқ, очик кўнгилли ва самимий инсон эди. Хонзода бу дабдабали никоҳни ҳеч қачон унутма олмайди. У шу пайтга қадар бу каби гўзал ва фусункор тўю томошани кўрмаган ва эшитмаган эди. Келинни Хоразмдан олиб келмоқ учун Қорачор нўён ўғлонларидан Ёдгор Барлос, Довудбек ва Ўлжойтубеклар тўп-тўп атласуадрас, кимхобу шойи, баркуту бахмал, олтин қутичаларда марвариду жавоҳирлар, зардўзи нимчаю камзуллар, саҳтиён этикчалару, Самарқанднинг ширин-шакар тотли қандолатларини тоғ-тоғ қилиб келтирган эдилар. Келиннинг ота ва она уруғи улуғларидан кичигигача юборилган саруполар кўзни қамаштирарди. Бу сепу тўёнларни кўрган Юсуф Сўфийнинг ақли шошди. Таомилга кўра қиз тараф

ҳам келган ҳадяларга муносиб совға-салом тайёрлаши лозим бўларди. Оз бўлса эплаб кўр, кўп бўлса сеплаб кўр деганлари шу экан...

Хонзодабегимнинг Самарқандга муносиб кузатмоқ учун жўчи қавмлик маликалар сандиқларининг энг ноёб, бегона назарлардан авайлаб-асраб сақланаётган кимса билмас қимматбаҳо буюмлар ҳам келинчак сепига айланди. Улуғ хоқон келинининг олтин сандиқчасидаги зеби-зийнатлар орасида Султон Санжарнинг суюкли хотини билагузугидан тортиб, Муҳаммад Такаш Хоразмшоҳ саройининг бош маликаси Туркон Хотун ва Жўчихон ҳарамидаги хонимларнинг кўз қамаштирувчи тақинчоқларигача бор эди. Ёшлигидан бу каби қимматбаҳо ашёларни кўравериб кўзи ўрганган Хонзодабегим эса сандиқ тўла олтин узумрад, зарзебарларни эмас, бундан кейинги ҳаёти қандай кечажаги ҳақида ўйларди. У эсини таниб бирор бир хонзодаю маликанинг бахтли, ҳаётдан рози бўлганини кўриб туймади. Хонзода зоти борки, мавжуд таомилга кўра албатта бирорта шахзода ёхуд амирзодага узатилади. Эркак хону хонзода, амиру амирзода зоти борким, кўзи тушган гўзал билан ётмаса уйқуси келмайди. Саройда никоҳида бир неча хотини бўлса-да, ёш қизларга тўймайди. У ҳам иффату назокатини асраб, авайлаб шундай бир шахзода ҳузурига бормоқда. Эрта кунда бошига не ташвишлар тушажак, қисмат унга нени тортиқ этажак ёлғиз яратганга аён эди ўша дамда.

Меҳмон ва мезбонлар учун шу қадар кўп оқ чодир тикилган эдики, шомийона ва оқ уйларни кўрган киши осмондаги барча ёруғ юлдузлар ерга тўкилибди деган ҳаёлга борар эди. Келин-куёв, яъни малика ва шахзода учун тикилган хос оқ уйнинг ичи ва ташига қадалган қалин даъл ва жавҳар орасига бармоқ сиғмас эди. Кундузи қуёш, кечаси ой гулхану машъалалар ёруғида оқ саропарда ёниб, ярқираб кўринар, узоқ тикилиб қолган кишининг кўзи қамашар эди.

Улуғ Амир хоҳиш-иродаси билан Чингизхоннинг набираси Ўқдай қооннинг ўғли Қайдухоннинг келини Кўртуқа хотин бошчилигидаги мингдан ортиқ маликаю канизак,

бегиму оғолар келинни Котда қаршилаб, Самарқандга олиб келган эдилар. Бу дабдабаю асырадан Хоразм аҳли, хукмдор кўнғирот қавми шошган эди.

Хонзодабегим Жаҳонгир Мирзо билан икки йил чамаси яшади. Ундан тўнғич ўғли, бугунги валиаҳди замон Муҳаммад Султонни туғди. Йигирма ёшида оламдан ўтган Жаҳонгир Мирзонинг иккинчи хотини, Ил'ес Ясурийнинг кизи Бахт Малик оғодан иккинчи ўғли амирзода Пир Муҳаммад туғилган эди. Иккинчи амирзода Жаҳонгир Мирзо вафотидан қирк кундан сўнгра дунёга келганди.

Амирзода Жаҳонгирнинг ўлими Хонзодани ақлдан оздираёзди ўша дамда. Ўн етти ёшли гулдек навниҳол келинчак ҳаётнинг бундай қақшатқич зарбасига тайёр эмас эди. Кечагина дабдабали ҳаёт қайнаётган ҳайбатли сарой хувиллаб, ютаман дер, ёлғиз қолган эди.

Айрилиқ унинг бутун орзу-умидларини кунфаякун қилган, уйқусидан ҳаловат, ҳаётдан тузу-тот кетган эди. Тушқунлик тунлар малика вужудини кемираётган, ўзини идора қилолмасди. Сарой хоналарини айланиб юрадиган одат чиқарди. Унинг аҳволини англаган Буюк биби келинининг шарпа каби кезишлари гап-сўзларга сабаб бўлмаслиги учун эътироз билдирмас, ўзига келиши вақт иши эканлигини билса-да, энг яхши табибларни унинг даргоҳига юборди.

Бошини қай тошга урарини билмай аросатда қолган келинчак охири оназот хонзода амакиваччаси Алиқул ўғлон орқали отаси Оқ Сўфийнинг қардоши, айнаи дамда Хоразм юртини сўраб турган Юсуф Сўфийга ўзини Самарқанддан олиб кетиш ҳақидаги сўровини етказди.

– Амакингиз ила кўнишдим, хонзодам, – деди бир ойдан сўнг қайтиб келган, нигоҳидан ишнинг ижобий ҳал бўлмаганлиги сезилиб турган ўғлон ўксик ва ғамгин оҳангида. – Амакингиз айнан шундай дедилар: “Бугунги кунда алар отининг жиловидан кимса тутиб қололмайди. Бундай гап қайнотаси, улуғ Амир ва Буюк бибиси томонидан чиқмас экан, биз оғиз очиб бир нима дея олмаймиз. Зотан алар ила куда-анда бўлиб, жўчи хонзодала-

ри билан орамизни етарли қадар бузиб олдик. Қизимиз қайтиб келса ҳам, эрта кунда яна бирор бир ўрда хонзодаси унга оғиз солади. Аҳволинг шул экан, ўша пайтда қизингга совчи қўйган Тўхтамишхон ёхуд бошқа бир чингизий ўғлонга берсанг бўлар эди-ку дея устимиздан кулиб, иддао қиладилар. Қизимиз шуни яхши англасинларким, у даргоҳга келинлик-ла кетди, энди кафанлик-ла чиқажак. Қавми турк ила оту аврот бобида довлашибу ёвлашиб бўлмас. Бошига ҳар хил фикр ила мулоҳазани келтирмай, қайнотасининг сўнг қарорини бекласун. Зотан бу гап-сўзларсиз ҳам алар ила орамиздаги муносабат, мурсою мадоранинг ишлари чигал, кўр ва сертугундир. Қизимизга Темур саройида бош малика каби егани олдида, емагани ортида бўлиб ўтиргани кўп кўринмоқдами? Бу сўрову рижоси билан бир ишни икки иш, этикни ковуш қилмасинлар. Минган отнинг бошига урилмас” дедилар, — дея амакисининг гапини жиянига сўзма-сўз етказди Аликул ўғлон.

Маликанинг дами ичига тушиб кетди. Шу-шу қайтиб бу кўнуда ҳеч кимга оғиз очмади. Ич дарди ичида қолди.

Орадан олти йил ўтиб, айрилиқ жароҳатлари унутилгандек бўлганида-Буюк Биби ва улуғ Амирнинг рижоси ва рижоси билан уни амирзода Мироншоҳга никоҳлаб бердилар. Бу дамда у йигирма учга кирган, навнихол, кўкраклари бўлиқ, вужудидан ҳаётга ва муҳаббатга ташналиқ уфуриб турган, малоҳатли жувонга айланган эди. Олти ярим йилдирки, саройда яшаб, эркак зоти нималигини билмас, ўғли ва Бибихонимдан бўлак кимса ила мулоқот қилмас эди.

Мирзо Мироншоҳ никоҳига кирганидан сўнг икки йил ўтиб, амирзода Халил Султон туғилди. Халил Султон икки ойлик бўлганида буюк бобо рағбати билан Сароймулкхоним Хонзодабегим шарафига тўйлар бериб, амирзодани ўз тарбиясига олди.

Улуғ амир ва Бибихонимнинг Хонзодабегимга меҳр-муҳаббати алоҳида эди. Энг аввало, бу унинг садоқатли ва ифбатли келин эканлигидан бўлса, иккинчи тарафдан наслнасаби жиҳатидан у ҳам Бибихоним каби Жўчинажот эди.

Хонзодабегим ҳам қайнотаси ва Бибининг ҳурматини жойига кўяр, улар шарафига имкон топди дегунча тўй бериб, сочқилар сочарди. Мироншоҳнинг бошқа хотинидан бўлган ўғиллари тўйини ҳам ўзи бош-қош бўлиб ўтказар, келинлар сепи учун ҳеч нимасини аямас эди. Амирзода Абу Бакр ўйланганда эса бисотида асраб юрган, Искандар Зулқарнайнинг суғдиёналик хотини Равшанак таққан балдоқни келинга ҳадя этди. Бу балдоқ Миср маликларининг Жўчи хонларига қилган қимматбаҳо тухфалари орасида келган экан.

Султония орқали Кулзум денгизи бўйлаб жадал от сураётган Хонзодабегим ва унинг ҳамроҳлари Наса шахрига етгунга қадар дам олмадилар ҳисоб. Наса даруғаси Сафар Қипчоқ ва кутволи Алибек Солин маликани отда кўриб шошиб қолдилар. Бегим одатда доимо тахтиравонда юрар эди. Баланд девор билан ўралган, атрофидан кенглиги ўн икки газли ариқ ўтказилиб, сув оқиб турадиган, тоғ бағрига жойлашган бу қадимий шаҳар ҳаволи ва гўзал эди. Қадимда қатор султонликларнинг пойтахти вазифасини ўтаган шаҳар қалъаси марказидаги хоннинг тўрт устунли ҳашаматли саройи ва унга туташ бинолар оппоқ, ёғин-сочин таъсир этмайдиган ғалати оҳак билан бўялган, тўрт бурчакли катта-катта пишиқ фиштлардан ясалган сарой ҳашамат ва маҳобатда беназир эди.

Табриздан анча узоқлашган, бироз ўзига келган Хонзодабегим даруға ва кутволнинг бош хонимлари билан қалъанинг кун ботиш томонидаги салобатли тоғлар этагига туташ соя-салқин булоқ бўйида бироз ўзига келиб, хордик чиқарган бўлди.

— Бу манзилдан қирқ чақирим нарида жуда ғаройиб ер ости кўли бор. Суви ёзда совуқ қишда илиқ бўлади. Минг бир дардга даво дейдилар. Бир томоша қилсангиз бўлур эди, маликам! — дея оғзини тўлдириб сўзлар эди икки юзи лорсиллаган кенг пешонали даруға Сафар Қипчоқ. — Саван замонида бутун бошли минглик ёғийдан яширинса бўлади.

Тарихга ва жўгрофияга қизиқувчан Хонзодабегим даруғанинг ҳикоясини мароқ билан тинглар эди.

– Сиз айтган ер ости маконларинг энг буюги Усмонли турклари худудида, эски Рум давлатлари замонида ўн, юз минглаб кишилар сифадиган ер ости шаҳарлари қазилган. Албистон (ҳозирги Калппадокия) деган жойда, – иштиёқ билан суҳбатга қўшилди малика. – У ерларда ўйиш ва ишлов бериш осон бўлган ғаройиб юмшоқ тошлар бор. Шу тошлардан ер юзида ҳам насроний ибодатхоналари, турар жойлар, қабрлар ясашган. Кўриб ақлингиз шошади. Биз ўтирган бу ерлар қадимдаги Парфия ва Марғиёна каби давлатлар замонида тараққий этган тарихий манзиллар бўлган. Худо хоҳласа, қайтишимда сиз айтган жойни бориб кўраман.

Хонзодабегим ҳақида орқавортда яхши гаплар эшитган даруға ҳам унинг зукколигига, мушоҳадаси кенглигига, у тўғрисидаги гап-сўзларнинг, таърифларнинг чинлигига имон келтирмоқда эди.

Бир тўйиб ухлаган малика ва йўлдошлари тонг отар-отмас, яна йўлга тушдилар. Машаққатли йўл азоби унга улуғ ҳоқон билан бўлажак нохуш суҳбатни дамба-дам хотирлатар, гарчи йўлга шахт билан отланган эса-да, арз-додимни эшитган қайнотам не хаёлларга борар экан, деган ўйда кўнгли хижил тортар эди. Султон суяғини хўрламас дегандек, барибир пушти камаридан бўлган жигаргўшаси тарафида турса керак. Яна худо билади. Бироқ фарзандими, набирасими айби бўлса, улуғ амир адолатдан юз ўгириб, уни ҳимоя қилмайди, деган ўй таскин берарди.

Чиндан ҳам улуғ Амир дастлаб бу давлатни барпо этмоқ учун мард ва жасур кишиларни бирлаштира олди. Бир сўзли ва аниқ мақсад йўлида ҳеч нимадан қайтмайдиган бу одамлар шу аснода катта кучга айландилар. Бундай кучни йўналтирмоқ ва бошқармоқ учун эса фақат адолатли ва кучли бўлмоқ, ҳақиқатдан бир қадам бўлса-да чекинмаслик лозим эди. Бу кишиларнинг орасида ҳоқон каби бошқа инсонлар ҳам бор эдики, агар юртни бирлаштиришдек иш унинг бўйнига тушмаганида, дўстларидан бири байроқ кўтариб чиқар эди. Ақлли Темур буни билар ва кадрларди.

Шу боис, ўз салафларига доимо дўст ва биродар каби муносабатда бўлар, уларни ўз давлати ва мулкининг шериклари дея эълон этиб, улар хурматини жойига қўярди. Қўлидан иш келадиган бирорта қобилиятли кишини назардан четда қолдирмас, имконига қараб бирор иш берар, оиласини, бола-чақасини боқишга имконият яратиб қўяр эди. Бошқа ҳукмдорлар замонида олиму уламолар, шоиру ёзарлар, умуман зиёли одамлар кун кўрмоқ учун деҳқончилик ва чорвачилик ёки хунармандлик каби бирор бир касб-хунар билан шуғулланишар, билиму кўникмасини қўлламоқ учун доимо ҳам шароит бўлмас эди. Улуғ амир бундай одамларни давлати узуги кўзидаги гавҳар деб билар эди.

Бироқ малика улуғ Амир авлодларининг бирортасида ҳам отасидаги зако ва салоҳиятни кўрмас эди. Ўтган йилнинг кузида, Нахчивоннинг Пирумар тўқайзорида ов қилиб юрган амирзода Мироншоҳ отдан йиқилиб тушди-ю, бошқача одам бўлди-қолди. Кийикни тириклайин ушламоққа аҳд қилган амирзода мункиган отдан учиб кетди. Ўзига келганида табиблар қуршовида ётар эди.

Хонзодабегим шу олатасирда бир хиёнатни пайқади. Табиблар ва хос қоровулнинг, амирзодага яқин хос бекларнинг пичир-пичиридан шу нарсани сездики, эроний табиблар бошидан лат еган бу туроний султонни даволашда гўёки янглишгандек бўлдилар. Бу воқеа эрининг бошида ҳақ деб ўтирган маликага Алп Эр Тўнга – Афросиёбни захарлаган Эрон шоҳининг воқеасини эслатди. Бироқ йигирма чоғли ҳакиму табиб орасидан айириб бир кишининг ёқасидан ушлаб бўлмас эди. Табиблар асосан араб, мусовий, эроний бўлиб, ҳатто бир нафари армани ҳам эди. Хонзоданинг ич дарди ичида қолди. Тиззасини муштлаганча тишини тишига қўйди. Бўлиб ўтган воқеаларни улуғ амирга айтиб, оқни оққа, қорани қорага ажратмоқдан бўлак нажот йўлини кўрмади.

Орадан ўн кун, чамаси, фурсат ўтиб, бу ташвиш ҳам ҳолва бўлиб қолди. Бироз ўзига келган амирзоданинг

хузурига кирган Хонзодабегим эрини орқа-олдига қараб ҳаракат этмоққа, эрта бир куни қиблагоҳ хузурига юзи шувут бўлиб қолмасликка даъват этмоқчи бўлди.

– Бизнинг уруғ-аймоқда ҳеч қачон хотин ақли билан юрилмаган. Сен давлат ва салтанат ишларига бурнингни сукма! – деди амирзода Мироншоҳ кўлидаги йирик-йирик қаҳрабонали тасбеҳини малика томон улоқтирар экан.

Бегим на ота юртида, сўнгра, Темурийлар саройига келин бўлиб тушгач ҳам ҳеч кимдан ва ҳеч замон бундай ҳақоратомуз сўз эшитмаган эди. Жазаваси тутган Мироншоҳ бу билан чекланмади. Ўрнидан туриб маликани сочидан тутиб, судраганча эшик оғзига олиб келди.

– Йўқотинг бу ақли кўпайиб айниган товукмияни! Ўзининг ўша бетайин юртига жўнатинг! – дея ҳайқирди эшик оғаси, девонбеги ва хос қоровуларга. – Бу қавмдан ҳеч қачон бизга хайр келмаган. Жўчининг жосуси! Бу насли ёвузларнинг кимлигини жумла жаҳон билади. Берган ваъданг битта дарёни кечиб ўтгандан сўнг ўз кучини йўқотади деган қотил қасами буюк бобоси Чингиздан қолган. Икки дунёда одам бўлмайди бу ит феъл уруғ!

Бироқ унинг сўзини кимса эшитмагандек, барча бирдек сукутда эди. Ҳеч ким келиб маликани судраб олиб кетмади. Бундан қаҳри кўзиган амирзода ҳайқирганча амирлашқар Акрам Арғунни чақира бошлади.

– Жаллод! Жаллод! – дея ўшқирарди у саройни танг қилиб.

Иш яхшилик билан тугамаслигига ақли етган девонбеги Баҳром Баҳрин билан эшик оғаси Бекқул Бурулдай оҳистагина, ер билан битта бўлиб йиғлаётган маликани тургазиб, хонаси томон олиб кетдилар.

– Менинг амримни ўз вақтида бажармагани учун девонбеги, итдан тарқаган Баҳром Баҳрин ва эшик оғаси, ҳароми Бекқул Бурулдайларнинг териси шилинсин! – ўшқирди кўзидан ўт чақнаб, Эрону Озарбайжон ҳукмдори.

Амирлашқар Акрам Арғун бир зум боши айланиб, талмовсираб қолди. Девонбеги салтанатдаги бош вазир

макомидаги одам эди. Уни амирзоданинг қаҳр устида айтган бир оғиз сўзи билан қатл этмок?! Эрта кунда улуғ хоқон, Баҳром Баҳриннинг авлод аждоди, қолаверса эл-юрт олдида ҳисоб бермоқ бор. Бир эҳтиётсиз ва қонунсиз амрнинг ижроси билан ўзининг етти пушти куйиб кетиши ҳеч гап эмас. Шу ўйлар билан оёғини зўрға кўтариб босаётган амирлашкар ҳарам томон кетаётган девонбеги ва эшик оғасига қараб юрди. Жаллодлар қуршовида келаётган лашкарбошини кўрган Баҳром Баҳриннинг авзои бирдан ўзгарди. Юзи тош қотганидан киприклари ҳам аранг очилиб-юмилар, малика ҳам бир аҳволда эди.

– Аларга қўлингизни теккизманг, Акрамбек! Амирзода ақлдан озганлигини кўриб турибсиз! Ҳар ҳолда сизнинг эс-хушингиз жойида бўлса керак! – тўзгиган сочларини тўғрилаб, бўғиқ оҳангда сўз қотди Хонзодабегим.

– Бўлмаса, ҳозироқ буларнинг куни менинг бошимга тушади, – кўзлари ола-кула бўлиб жавоб қилди Акрам Аргун. – Буюринг маликам, мен гумроҳ не қилсам тўғри бўлур?

Маликанинг ҳам ақли шошган эди. Вазият шу қадар қалтис эдики, кичик бир ўйланмаган ҳаракат оқибатида Хонзодабегимдан бошқа барчанинг боши кетиши турган гап эди.

– Учингиз ҳам фурсатни ғанимат билиб, ҳозироқ султон соҳибқирон хузурларига отланинг! Ул ҳазрат Ҳиндистон фатҳидан қайтаётган бўлсалар керак! Бўлган воқеани оқизмай-томизмай айтинг ва менинг рағбатим ила келганингизни билдиринг! Оллоҳ мушкулимизни осон қилар! Ё худоё худованди карим! Не кунларга қолдик-а! Инсон ҳаётининг эшрафли дамлари қаторида эшшакли онлари ҳам бўлади деганлари шу экан-да. Эртагаёқ мен ҳам йўлга чиқаман. Оллоҳ насиб этса Самарқандда кўришурмиз! Амирзода ўзининг номуносиб ҳаракатлари билан нафақат улуғ Амирни, бутун бошли салтанатининг обрўсини тўкаётганини очик-ойдин сўзланг! Гапингизда бир оғиз ҳам ёлғон бўлмасин! Улуғ хоқон-хоинлик ва ёлғонни кечирмай-

дилар! — йўлчиларга сўнгги тавсияларни берди Хонзодабегим. Ўзи ҳам шоша-пиша сафар тадоригини кўра бошлади.

Дарвоқе амирзода Мироншоҳнинг феъли-атвори ўзгариб, каттаю кичик, шоҳу гадо ундан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолганди. Улуғ ҳокон Турон ўрдуси билан Ҳинд сари отланганини туйиши билан черигини сафга тизган амирзода Мироншоҳ Бағдод сари юзланди. Султон Аҳмад Жалойир Темур Самарқандга қайтганидан сўнг орадан кўп вақт ўтмай, Миср султонининг қутқуси билан Бағдодни қайтариб олган, айна дамда шу шаҳарда ўлтирар эди. Бундан хабар топган ҳокон мийиғида кулиб қўйди. Бироқ амирзодага Султон Аҳмад Жалойирни Бағдоддан ҳайдаб чиқар дея буюрмади. Шунга қарамай амирзода отасининг изнисиз шаҳарни фатҳ этиш мумкин бўлмаган ёз шароитида бу ишга қўл урди. Ҳеч бир фикр-мулоҳаза тўғри ёки нотўғри маслаҳатни эшитмай қўйган, ақлига не келса шуни қила бошлаган ҳукмдорга амиру лашкарбошилари оғиз очиб бир сўз дея олмадилар. У ким ўзининг хоҳиш истагига қарши сўзласа душман кўзи билан боқар, ҳеч бўлмаганда ясога торттирар ёки қувиб юборар эди.

Амирзода кўшини билан келаётганини эшитган Султон Аҳмад Жалойир яна илгаригидек Бағдодни ташлаб чиқиб кетади дея хаёл қилган эди. Султон Аҳмад эса фақат Турон Султони Темурнинг отини эшитгандагина оёқ-қўли бўшашиб, шайтонлаб қолар, бошқа унча-бунча шоҳу султон, амиру маликка мирламас эди. Ўзини маълум ва машҳур араб халифаларидан устун кўрса кўрардики, кам кўрмас эди.

Амирзода Мироншоҳнинг келаётганини эшитиб, бир сергак тортди-да, барча дарвозаларни яхшилаб беркитишга, шаҳар деворининг буржу бораларини мустаҳкамлаб, лашкарни жангга шай туришга фармон берди. Дарвоқе, ёзнинг бу жазирама кунларида ақлидан озган лашкаргина Бағдоднинг забти учун келар эди. Тангадек соя тушмайдиган саҳрода лашкар қозондаги этдек қовурилар эди.

Лашкар шайх Иброҳим Малик мазорига етганида бошкент Табризда амирзоданинг зулмига қарши исён

кўтарилгани ҳақида билги келди. Мироншоҳ бу хабарга эътибор бермай, кунда икки манзил кўчиб, Бағдод сари юришни давом эттирди. Султон Аҳмаднинг пинагини бузмай шаҳарда ўтирганини билган Мироншоҳ сархушлик ва манманлик оғушида ҳамон янглиш келаётганини англамас эди. Устма-уст Табриздан нохуш хабарлар олиб келаётган чопарлар аслида уни яна бир шармандалиқдан асраб қолган эдилар. Бағдодни оламан деб ўз пойтахтини қўлдан бериб кўяжагига ақли етган амирзода ўйлаб-нетиб ўтирмай, оти жиловини орқага бурди. Яна кунига икки кўч йўл босиб, шиддат билан Табризга қайтди. Исён етакчилари, жами юз чоғлик одамни қиличдан ўтказди. Қатл этилганлар ичида шоир Рустам Усмон Балхий ҳам бор эди.

– Унутма! Эй ифлос амирзода! Сен албатта қилич зарбидан ўласан! – дея ҳайқиради эди Балхий жаллод уни кунда томон олиб борар экан.

Кўзи қонга тўлган Мироншоҳ бу билан чекланмади. Саййид Али Шакий Арлотни ўзига душман билиб, унинг Шаки вилоятига босиб кириб, чопқин қилди. Амирзода-нинг калтабинлик билан қилган ишлари, Улуғ хоқоннинг Ҳиндистон фатҳи билан машғуллиги салтанат муҳолифлари сонини орттирган, катта-кичик ғалаёнлар бошланган эди.

Темурнинг фармойишига кўра Султон Аҳмад Жалойирнинг ўғли шаҳзода Тоҳир Жалойир Озарбайжондаги Аланчуқ қалъасида ўз жамоати одамлари билан сақланар эди. Тоҳирга шаҳзодага хос барча шарт-шароит яратиб берилган бўлиб, фақат ҳаракат доираси чекланган, сайру саёҳат ҳам махсус кўриқчилар кузатувида эди. Уни кўриш ва сақлаш қутвол Султон Санжар ва даруға Ҳожи Сайфуддинга юкланган эди.

Саййид Али Шакийнинг асоссиз равишда Амирзода Мироншоҳ ғазабига учраганлиги ва вилояти таланганлиги, темурийларга тиш қайраб юрган гуржиларни ҳам ҳаракатга келтирганди. Улар ҳам кучли ва хавфли ёғийга қарши иттифоқчи изламоққа киришган эдилар. Ниҳоят гуржи князлари Саййид Али Шакий билан иттифоқ тузиб, шаҳзода

Тоҳир Жалойирни озод этмоқ учун Озарбайжон ерларига бостириб кирдилар ва у сақланаётган Аланчуқ қалъаси томон юрдилар. Бу ҳаракатлари билан улар Бағдодда биқиниб ўтирган Султон Аҳмад Жалойирни ҳам курашга ундамоқчи бўлгандилар.

Воқеадан хабар топган қалъа кутволи Султон Санжар турумни тушунтирмоқ учун амирзода ҳузурига, Табриз томон от қўйди. Қора терга тушган бир ҳол-аҳволда, ярим кечаси Табризга етиб келди.

Қоровуллардан амирзоданинг ухламай нард ўйнаб ўтирганини туйгач, оёғи тортмаса-да ҳузурига киритмоқни сўйлади. Амирлашкар Акрам Арғун кутволни киритишни ҳам, киритмасликни ҳам билмай боши қотди. Киритса нега сархушлигимда ҳузуримга одам киритасан дея сўқади. Киритмаса шундай муҳим хабар билан келган экан, нега киритмадинг дея зуғум қилади. Шундай амирлашкар бўлгандан кўра, сайисхонада отбоқар бўлганим маъқул дер эди ич-ичидан эзилиб. Кейинги пайтда амирзоданинг ёнида турмоқ жар ёқалаб юрмоқ ила баробар бўлиб қолди. Озгина эҳтиётсиз ҳаракат қилдингизми, ҳукмдорнинг хурмачаси тўлиб-тошганида ёки елкаси тиришиб турганида дуч келиб, кўзига кўриниб қолдингми, тамом. Жар тубига тос тепанг билан тушасан. Хизматингга алоқадор ҳеч бир иш, нарсасенга боғлиқ эмас. Бир телбанинг кайфияти, аҳволи — руҳиясига боғлиқ. У кўп миқдорда ўткир ароқ ичганида астойдил қаҳри кўзирди. Гоҳида эса шу қадар самимий бир инсонга айланиб, саҳийлиги тутиб кетар, барчани бағрига босиб, меҳр-мурувват кўрсатарди. Ичкидан кўра афюн ёки кўкнори истеъмол қилса қаттиқ сархуш бўлмас, кўзга кўринганни тергаб, афти-ангори ёқмаган, ғашига текканга бақириб-чақириб сўқинар ва охири ухлаб қоларди.

Бугун аввал-бошда ички, устидан кўкнори чакидасини эзиб ичди. Бундан сўнг кишининг оёғи ердан узилади. Ҳалиям бу одам эмас, айиқ. Бошқа бир кимса бўлганида бу қадар чоғир ва афюн истеъмолидан сўнг тентак бўлиб улоқиб ёхуд ўлиб кетарди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам у ўз-

Ўзини назорат этмокни юзда юз йўқотмайди. Ўшқириб сўкинса-да, гапидан адашмайди. Айниқса, отаси ҳақида гап кетса бир зумда ўзига келиб, аслига қайтади. У хайикадиган, астойдил кўркадиган бирдан бир одам ҳам фақат отаси эди. Бошқа ҳеч ким раъйини қайтариб, сўзини икки қила олмас, барча бирдек кош-қовоғига қарарди.

Қутвол Султон Санжарга ҳовлида беклашни айтган амирлашқар юрагини ҳовучлаганча хукмдор нард сураётган хос бўлма томон юрди.

Аланчук қутволи не мақсад ёхуд муносабат билан келганини амирлашқарга маълум қилмади. Хукмдордан бошқага сўйламадими, демак, жиддий бир гап борга ўхшайди. Хайрли мужда келтирган бўлса хўпи-хўп. Олам гулистон. Бирор нохуш дарак билан амирзоданинг таъбини тирриқ қилса уйи қуйди. Катта энасини Ҳожитархонда, бобосини Боғдодда кўради. Бу орада худо уриб, пайғамбар ҳассаси билан туртган мен шўрқисган бир бечора банда оладиганимни олиб, муборак оғизларидан чиқадиган теша тегмаган ҳароратли ҳақоратлардан курук қолмасам керак. Амирлашқар шу хаёллар билан ўзича пичирлаб борарди. Умрим емаган санбусага пул тўламок билан ўтади, шекилли. Недан ҳам шу шоҳу султонлар, амирул умаролар хизматига кирмокни орзулаб, саройларнинг кўзни камаштирувчи оҳанграбосига учдим? Энди бу кунингдан баттар бўл дейдиган одам йўқ. Одам боласи аввал инсон, сўнгра хукмдор бўлса-да. Хон бўлиб туғилган банданинг одамга айланиши кийин кечаркан. Ва у шундайлигича ўтиб кетаркан. Тепасида қилич ўйнаб, боши ёрилган ким? Лашқар билан фуқаро! От келса тепкилайди! Ит кутурса торткилайди! Фурсат пойлаб, болоқдаги битлар ҳам қимирлайди, турткилайди. Ҳа дунёи кўтир-а! Устигинасида орқангни-ю елкагинангни кишиб ўтир-а!

Киши шарпасини сезган амирзода эшик томон ўгирилди. Кирган одам кўзига дастлаб иккита, сўнгра тўртта, ниҳоят саккизта бўлиб кўринди.

– Қопудан кирган кимдир? – сўради у зўрға тили айланиб ўзи билан нард ўйнаётган Абдулмўмин Гўяндадан.

– Амирлашкар Акрам Аргунбек жаноблари ташриф буюрдилар, амирзодам! – жавоб қилди нардноши сўл кўлини кўксига қўйиб тавозе билан бошини эгаркан.

– Ярим тунда роҳатимни бузиб, не иши бор экан бу лашкарваччанинг? – гулдиради амирзода узатган оёқларини йиғиб, чордона қуриб ўтираркан. Сўнгра чап кўзини юмиб, нард зарларини отди. Кўзлари очик ҳолда нард зарлари ўнларча, юзларча бўлиб кўринарди.

– Сўйла, не хабар? – деди амирзода нарддан кўз узмай, амирлашкарнинг афтига қарамай.

– Аланчук қутволи Султон Санжар оёғингизни ўпмок умидида келмишлар, – деди амирлашкар титрок овозда кўрқа-писа.

– Ярим тунда, имом таҳорат олмасдан оёқ ўпилар эканми? Бирор фалокат юз берган бўлса керак-да! – деди ҳамон нарддан бош кўтармай. – Бекордан бекорга ярим кечада келмайди бу дордан қочган қутволинг. Чорла. Кирсун!

Амирзода ҳазратлари бинойидек одам эдилар-а! Қай бир шайтон йўлдан урдию, кейинги пайтда шундай телбанамо бўлиб қолдилар. Кимсани тингламайди. Кўнглига келганини кетига уради дея ўйлар эди қутволни амирзода хузурига йўллаган амирлашкар ҳамон боши қотиб.

Терлаб шалоббоси чикқан, бир ҳолу аҳволдаги қутвол ҳам кўзига саккизта бўлиб кўринди. Пар ёстикқа суянганча чап кўзини юмиб, қутволга тикилиб қараб қолди. Хайрли хабар билан келмаганини ҳис этиб, елкаси тиришиб, афти буришди.

Қутвол ер билан баробар бўлиб таъзим бажо келтирди. Сўнгра йиғига ўхшаш овозда Аланчук қалъаси ва атрофидаги аҳволни баён қилди.

– Ҳим-м! Шундай дегин Султон Санжар. Отанг ўша машхур салжукий Султон Санжарга таҳасиб қилиб сенга шу исмни берган бўлса керак. Сен эса яғийни кўришинг билан ўтаканг ёрилиб, олдимга қочиб келиб ўтирибсан. Қойил! Фақат отинг Султон Санжар экан-да! Қочиб келиб, кўп яхши иш қилибсан! Душман билан юзма-юз келмай, эсон-

омон пойтахтга етиб келганингни муносиб тақдирлаймиз! Қочоқ қутволнинг салтанат олдидаги хизматлари мувофиқ равишда мукофотлансин! Бул кўрқоқ муттаҳамнинг елкасига хачир терисидан тикилган пўстин ёпилсин! Яна шундай хизмат қилмоқда давом этсанг, бошингга кўппак терисидан тумоқ кийдириб, эшак терисидан тикилган пўстин ҳада этамиз! Тушундингми? Ваҳ-ҳа-ҳа! – Ёқимсиз алжираб қутволни таҳқирлар эди амирзода ўнг кўзини қисганча. – Менга қара? Ким эдинг сен? – бўйнини чўзиб қутволга ўқрайди. – Отинг нима эди?

– Қутвол Султон Санжарман, ҳазрати олийлари.

– Ҳа, Султон Санжар эдинг-а! Эсимдан чиқиб кетибди, қара. Нега ўлсанг ҳам урушмадинг, итвачча? Сен ҳам одамман деб юрибсан-да!

– Мен бир юзлик билан беш минглик кўшинга қарши уруша олмас эдим, ҳазрати олийлари! – тиз чўкиб ёлворганча вазиятни англатмоқчи бўларди Қутвол.

– Мен сенга бир нима деяётганим йўк! Хурматли қочоқ! Қоралаётганим ҳам йўк! Тўғри қилгансан! Бу хабарни бизга етказмай душман қўлида итдек ўлиб кетганингда улар Табризга ҳам етиб келган бўлурдилар! Хайриятки сен қочоқ борлигинг туфайли бу фалокатдан хабар топдик! Йўқол! Афти-башарангни ювиб, дам ол! Эртага кўшинга куловузлик қилиб, йўлга чиқасан! – қутволни жеркиганча ҳайдаб солди амирзода. – Ҳе энангни...

Эрталаб боши ёрилгудек бўлиб оғриётган амирзоданинг кайфи таркагандек эди. Ун саккиз ёшли ўгли Абу Бакр Мирзо билан бирга Султон Санжар, Ҳожи Абдуллоҳ Аббос, Муҳаммад Фиръавн ва Шайх Муҳаммад Тавачиларни ҳузурига чорлади. Бўлган воқеани қисқача баён этиб, фурсатни бой бермай Аланчук қалъаси томон кўшин тортишни буюрди. Отасининг кейинги пайтдаги хатти-ҳаракатларидан дили хуфтон бўлиб юрган Абу Бакр Мирзо гап-сўзсиз бош ирғаб, маъкул ишорасини қилди-да, кўринишхонани тарк этди.

Абу Бакр Мирзо ўрдуси етиб келгунга қадар Саййид

Али Шакийнинг гуржилар билан бирлашган чериги Тохир Жалойирни озод қилиб, қалъани эгаллаган эди. Қалъа гуржилардан уч киши ҳамда Ҳожи Солиҳ ва Саййид Аҳмад Ўғилшоҳийлар тасурруфига ўтганди.

Гуржилар ва Саййид Али Шакий Арлотнинг бирлашган кўшини сон жиҳатидан Табриз черигидан кўп бўлиб, вазият оғир эди. Бироқ жасур Абу Бакр Мирзо шошиб қолмади. Бундай шароитда уруш майдонини ташлаб чекинмоқдан кўра жанг қилиб шаҳид кетмоқ буюк шарафдир дея фикр қилди.

Туронликлардан қасос олмоқ иштиёқида урушга кирган гуржилар Табриз кўшинининг ўнг ва сўл кўлини суриб кела бошлади. Мироншоҳнинг бебошликлари учун унинг ўғлидан ўч олмоққа киришган Саййид Али Арлот ёш амирзодани менсимай тўппа-тўғри унга қараб от қўйди. Амирзода эса мерганликда кийикнинг кўзидан урадиганлардан эди. Жойидан жилмай турганча қиличини сермаб келаётган Саййид Алини нишонга олди. Ўқ унинг бўйнига тегиб, отдан йиқилди. Бу ҳолат урушдаги вазиятни бирданига ўзгартириб юборди. Ғолиб келаётган гуржилар ва иттифоқчилари бу талофотдан кўрқувга тушиб, чекинди-лар. Абу Бакр кўшинининг қолган-қутган қисми Табризга қайтди. Қош кўяман деб кўз-чиқарган гуржилар отлари жиловини ортга бурганларича ҳеч нимани кўрмагандек, ўз ерларига жўнадилар. Улар бир кун, бир дақиқа бўлса-да Темур давлати худудида турмоқдан чўчирдилар.

Алп Туркашнинг изғиб юрган одамлари бўлиб ўтган воқеаларни аллақачон Темурга етказишган, улуғ хоқон воқеа тафсилотларини диққат билан, ботиний ёхуд зохирий туйғусини ошкор этмаган ҳолда тинглаб, бошини ирғаганча ўйга толган эди.

Хонзодабегим Самарқандга етиб келганида Темур Дилкушо боғида эди. Боғнинг хонимлар бўлмасида ювиниб, тараниб ўзини тартибга келтирган маликани қайнотаси кутиб ўтирарди. Қиблагоҳига кўзи тушиши билан беихтиёр бегимнинг кўзидан ёши қуйилди. Оёқларини аранг кўтариб

босиб, улуғ хоқон ёнига етиб, таъзим қилди, этагини ўпди. Темур меҳр билан келинига хонтахта ёнидан ўтирмоққа жой кўрсатди.

Малика бир муддат ҳаяжондан, тили калимага келиб сўзлай олмади. Кўзидан ёш куйилар, бўғзига алланима тикилиб қолгандек эди.

– Барча бўлиб ўтган воқеалардин хабарим бор, азиз қизим. Таассуфдамен. Амирзода тарафидан бул каби ҳолатлар юз бериши етти ухлаб тушимга кирмаган эрди. Бироқ чорасиз дард, иложсиз ташвиш йўқ! Сиз бу ерда қолиб, бироз буюк бибингиз ёнида бўлинг. Ўзингизга қаранг. Мендин фармон бўлгач, буюрган манзилимга келурсиз, – деди Темур меҳрли оҳангда.

– Амирзодани атрофидаги беш-ўн нафар майхўрдан халос этмасангиз бўлмас. Улар Мирзони хароб қиладилар! – деди ҳамон ҳаяжонини босолмай Хонзодабегим.

– Тинчланинг. Барчаси сиз ва биз истаганимиз каби бўлур! Ҳар нарсанинг чеки-чегараси бор.

Зийрак малика усиз ҳам ўғлининг қилмишларидан изтироб чекиб турган одамга бошқа гап-сўз ортиқчалигини англади, тисарилганча кўшкни тарк этди.

Темур Ҳиндистон сафаридан сўнг салтанат пойтахти Самарқандда уч ярим ой, чамаси, бўлди. Эрону Озарбайжон, Ироку Ажамдан келаётган хабар ва маълумотлар уни юришга чорлар, чарчоғи ёзилмасдан туриб, яна сафарга отланмоқ керак эди.

Шу куни кечаси билан Боғи Дилкушода ёлғиз қолиб, ўзича фикр қилган хоқон нонуштадан сўнг амир Боботурк ва Алп Туркаш ҳамкорлигида боғ айланди.

– Мана авлодларим, – деди улар қаср ҳовлисига етганларида. – Сизларни боғ кездириб, дам олдирдим. Шу билан Ҳиндистон сафаридан сўнгги ҳордиғимиз тугади. Тушлик емакка хон ҳазратлари, барча вазирлар ва бекарларни чорланг. Табиийки, бошкентдаги амирзодаларни ҳам. Йўллар отларимиз тақаларини соғиниб қолган кўринадир.

Улуғ амир шундай деб боғнинг масжидига қараб юрди. Икки амир эса отлари боғлиқ турган дарвозахона томон йўналдилар.

Ошчилар тушлик емагига кўзи гўштидан қайнатма шўрва, той этидан ковордоқ ва палов ҳозирлаган эдилар. Куз бўлгани учун Самарқанднинг узуму анори, олмаю ноки, неки бор мева-чева дастурхонни тўлдирган эди. Асосий емақдан сўнг мева-чева еганлар қимиз ичишмас, қимиз ичганлар эса мева ейишмас эди.

– Мана қорнимиз тўйиб, қайғумиз кетди. Энди ишга ўтсак ҳам бўлса керак-а, хон ҳазратлари, – деди хоқон ўнг томонида ўтирган Султон Маҳмудхонга ўгирилиб.

Хон самимият билан бош ирғаб, маъкул ишорасини қилди. Бироз тин олган Темур бошини кўтарганча томоғини кириб қўйиб сўзламоққа киришди:

– Улуғ салтанатимизнинг захматкаш беклари ва наварлари бўлмиш сиз – азизларга мурожаат қилиб шуни сўйламоқ иштаманким, давлатимиз ясо ва йўсунлари етти иқлимда қарор топиб, раият ҳар қачонгидан тинчу осойишта яшамокда. Бироқ ўзга фатҳлар ила машғул бўлуб, биз Эрону Араб ишини сўнгига еткурмадик. Шул боис, маъкул кўрсангиз, бугундан эътиборан сафар тадоригини кўрсак. Тавачиларни ҳар сари чоптуриб, черикка жар еткурингим, яроғлари ила ҳозир бўлсунлар!

Хоқон шу ерда сўздан тўхтаб, ўтирганларга разм солди. Ҳеч бир иштирокчининг юзида қаршилиқ ёким нохайрихоҳлик аломатини кўрмади.

– Демак, юришга розисиз? – баланд овозда сўради яна амиру лашкарбошлиқлари узра нигоҳини юритиб.

– Розимиз!

– Маъкул!

– Юрмасак бўлмайди, – бирин-кетин садолар келди.

– Битинг! – дея бош бахшига қаради у қўли билан мунший хонтахтасини кўрсатиб, фармони олийнинг матнини айтар экан.

– Шаҳзодаини валийаҳд Муҳаммад Султон Туронзамин

бошқаруви ва бошкентни йўналтирмақ учун Самарқанду фирдавсмонандда қолгусидур! Амирзода Искандар Умаршайх ўғли Андигон сарҳадининг забти учун юборилсун! Беклар Бердибек Сари Буға, Худойдоди Хусайний, амир Шамсуддин Аббос, Сиддик Тобон, Арғуншоҳ Ахтачи, Илёс Хожа ва Шайх Али Баҳодурлар раҳнамолигидаги бек ва умаролар мўғул сарҳадининг забти ила машғул бўлмоқда давом этсунлар! Саййид Хожаи Шайх Али Баҳодур, Жаҳон Малик Мулкат ва Пир Муҳаммад Пўлодлар чериклари билан Ҳирот томон жўнасулар ва амирзода Шоҳруҳга бизнинг қароримизни етказуб, амирзода етакчилигида Озарбайжон сари юрсунлар! Сулаймоншоҳбек эрса барчадин илгари Табриз томон отлансун! Барчангизга худо ёр, пирлар мадаккор бўлсун! Оллоҳнинг қулбандаси, энг катта навкар Темур Муҳаммад Тарағай ўғли урушга ҳозир ва сизнинг ҳам асбоби анжомингиз мукамал бўлиб, ёнида турмоғингизни рижо этадур!

Барча дув этиб ўрнидан кўзгалди. Амир Сулаймоншоҳ зиммасидаги оғир масъулият ҳиссини туйганча ҳаёли қочиб, улуғ хоқон томон келарди.

Болалик исми Сулаймон Мирзо бўлган, улуғ хоқон рағбати ва мурувватига сазовор бўлгач, Сулаймоншоҳ отини олган, салтанатнинг ҳал қилувчи шахсиятларидан бирига айланган бек, хоқоннинг опаси Қутлуғ Туркон оқа ва Амир Довуднинг ўғли эди. Ўзи эса улуғ амирнинг катта кизи Султон Бахт бегимга уйланганди. Хоқон оила ичидаги бу нозик ва қалтис масалани ўрганишни фарзанди каби кишига буюрган эди.

— Шаҳзода Мироншоҳнинг димоғи халал топқон кўринадур. Сиз зудлик билан Табриз томон йўлга чиқинг! Маслаҳатлашмоқ лозим бўлса унинг ўғли Абу Бакр ва Рай даруғаси Баён Қавчин билан кўнишинг. Мен етиб боргунга қадар вазиятни ўрганиб турумни ойдинлатинг. Ҳақиқат! Фақат ҳақиқат! Менинг иззат-ҳурматимни қилиб, амирзоданинг қилмишларини хаспўшламоқ, янги хиёнат ва муам-

мо уруғини экади, — амирни йўлчи этиб деди Темур. — Ёнингизга Саййид Хожани олсангиз ҳам бўлур, — кўшиб кўйди сўнгида.

Милодий минг уч юз тўқсон тўққизинчи йил тўққизинчи ойининг ўнида, хижрий тарих саккиз юз икки, туркий товушқон йилида, чоршанба куни, муҳаррам ойининг саккизида Самарқанддан отланиб чиққан улуғ хоқон Қаро Тепа боғига бориб тушди. Бу гўзал масканда бир кеча ётиб, Кеш томон юрди. Кешда Шайх Шамсиддин Кулол, Термизда Хожа Муҳаммад ал-Ҳаким Термизий, буюк шайх Абу Бакр Барроқ ва ўзга машойиху киборлар кўйиндиларини зиёрат қилган Темур Жайхун сувидан ўтиб, Ҳисори Ҳиндувонда кўш ташлади. У бу теварак-атрофдаги муқаддас манзиллар, — Хожа Ақоша, Хожа Замон, Султон Аҳмад Ҳазравийи, Фазл Аёз ва Сўфён Сурий қабрларини зиёрат қилиб, фақиру фуқарога садақалар улашди.

Улуғ Амирни Жайхун соҳилида хос пешкашлар билан кутиб олган садоқатли амири ва акрабоси Ёдгор Барлос Балхда даруға эди. У сабоҳдан оқшомга қадар улуғ Амир хизматида бўлиб, хоқон учун жонинида фидо этмоққа ҳозир бир инсон эди. Темур Ҳисори Ҳиндувондан кўчиб, Сарикамишга етганида шахзода Шохрухнинг оила аъзоларини зиёрат учун хузурига келмоғига ижозат этди. Ҳарамдаги оғолар улуғ Амирни дуолар этиб, амирзоданинг никоҳига кирган Милкат оғодан туғилган амирзода Сунурғатмишни улуғ бобоси қошига келтирдилар. Темур уни кўлига олиб, пешонасидан ўпди, бошини силади.

Ҳиротдан келган амир Оқ Буға ҳазрат хузурига етишиб, лозим йўруқларни олди. Олий ўрду Сарикамишдан Жом сари юрди ва Соҳибқирон ихлос билан бу ерларнинг улуғи Зинда Пил Аҳмад Жом мазорини зиёрат этди. Шу ерда амирзода Рустамни акаси Пир Муҳаммадмирзо ёнига, Шерозга юборди. Уларнинг бирлашиб, Бағдод томон юришларини тайинлади.

Улуғ амир бу йўллардан ўтиб қайтар экан, Харжирд ва Фароҳ саҳросида ов қилмоқни хуш кўрар эди. Бу дашт-

да улар ҳеч бир ерда учратмаган ғалати ҳайвонлар бўлиб, ов мароқли кечарди. Эрталабки емақдан сўнг оқ ўтови олдида ўтирган Темур овчилар пири Севинчакбекни йўқлаттирди. Зум ўтмай қаршисида чаққон ва эпчил лашкарбоши ҳозир бўлди.

– Овга қалайсиз, бек? – сўради Темур хуш кайфиятда.

– Биласиз-ку, ҳазрат! Ов деса ўзимизни томдан ташлаймиз! – жавоб қилди Севинчак тиз чўкиб, таъзим этар экан.

– Ҳар замон улуғ хоқонимиз кўнгилларини олмоқдан шараф туядурмиз!

– Қанча одам лозим бўладур сизга?

– Икки минг нафар этар, хоқон ҳазрати олийлари!

– Тамом. Менинг хос аскарларимдан шунчасини олинг.

Бир хузур қилайлик.

Давра ясаган черик икки кундан сўнг, бир бирига етишди. Бу халқа овчилар тилида жирга деб аталар эди. Жирга бир-бирига етгач, улуғ Амир унга кирди. Ҳавас учун отиб, ов жараёнини томоша қилди.

Жомдан тўғри Рай томон юрдилар ва унинг Айвонак кентига етиб, тушдилар. Мавжуд тартибга кўра қўшин шаҳарларга кирмас, бундай катта лашкар ҳеч бир шаҳарга сиғмас эди. Мозандарон йўлидан келаётган амирзода Шохруҳ учун бу юриш оғир кечди. У Самарқанддан хабар олгач, лашкар Домғон ва Бистом йўли орқали келарди. Жажарли манзилига етганида Тўкал Қарқара етиб келиб, Улуғ амирдан Хуросон чериги Шосмон, Астробод ва Сори йўлидан юрсин, Бистом ва Домғон йўлидан катта қўшин юражак деган хабарни айтди. Шохруҳ шу заҳотиёқ қўшинини Шосмон йўли томон бурди. Имкон қадар қўшин юрган йўлда дарё соҳиллари, ўтлоғу яйловлар топталмаслиги, табиат оёқ ости бўлмаслигига ҳаракат қилинарди. Бирок Шосмон йўлидан юрмоқ оғир кечди. Жуда кўп оту хачирдан айрилиб, Ферузкўҳга етиб келдилар.

Улуғ Амир кўрсатмаси билан Табриз томон жадал от суриб бораётган амир Сулаймоншоҳ шаҳарга кирмай, Рай томон бурилди. Амирзоданинг аҳволи ва сўнгги воқеалардан даруға Баён Қавчин ҳам хабарсиз эди. Улар ўлтиришиб, узоқ-маслаҳатландилар.

– Амирзода билан улуғ Амир ҳазрати олийларининг ўзлари гаплашганлари маъқул, – дея маслаҳат берди Баён Қавчин Мироншоҳнинг Темурдан бўлак кишининг сўзига кулоқ осмаслигини яхши билгани учун.

– Мен ҳам шу фикрдамен. Ҳазрат сўйлаганлари каби амирзорда Абу Бакр билан алоқа боғлаб, ҳозирча Ҳамадонга бориб тураман, – жавоб қилди ўйга толиб Сулаймоншоҳ. – Зудлик билан Абу Бакр Мирзога бизнинг келганимиз ҳақида хабар етказмоғимиз лозим ва ул кишимнинг рағбатига кўра ҳаракат этишимиз жоиз деб ўйлайман.

Табризга юборилган чопар Фатхулла Пурниё бироз кечикди. Даруға ва амир бу ҳолатдан безовта бўла бошлаганларида у тили оғзига тиқилганча етиб келди. Қўйнидаги мактубни чиқариб, амир Сулаймоншоҳга узатди. Мактуб Абу Бакр Мирзодан эди. У отасининг беқлари билан маслаҳатлашганини таъкидлаб, амирни зудлик билан Табризга етиб келишини тайинлаган эди.

Амир мактуб кўлига теккани заҳоти йўлга тушди. Уни шаҳар дарвозасида Абу Бакр Мирзо кутиб олиб, отаси хузурига элтди. Амир Сулаймоншоҳ амирзода Мироншоҳга оғиз очиб, улуғ Амир ҳазратларининг топшириқлари билан ўғли Абу Бакр Мирзо ва Шайх Али Баҳодирни Қорабоққа юбориб, Мироншоҳни Рай томон келаётган қиблагоҳи хузурига етиб боришини айтди ва ўзи ҳам амирзода узангисиди бирга бормоққа ҳозир эканлигини билдирди.

Темур Рай ва Шаҳриёрдан ўтганида амирзода Мироншоҳ етиб келди. Бироқ айна шу куни улуғ амир ўғлини қабул этмади. Темур кун бўйи Пир Муҳаммад Умаршайхнинг Шероздан етиб келган хос навқари Омон Оқсой билан суҳбатлашиб, у тарафдаги вазиятни ипидан игнасигача сўраб-суриштирди.

Эртаси куни эрталаб амирзода отасининг этагини ўпишга мушарраф бўлди. Жуда кўп ва қимматли ҳадялар тақдим этди. Бироқ Темур бу совға-саломларга қайрилиб ҳам қарамади. Ўғлига ҳеч бир илтифот кўрсатмади. Амирзода ўзини йўқотиб, гарангсиб қолган эди. Беихтиёр, бу ҳолатни кўриб турган амиру лашкарбоши, ҳатто навқару

хизматчилар ҳам Мироншоҳдан ўзларини олиб қоча бошладилар. Худди шу дам, дақиқа ва сонияларда Мироншоҳ дунёни титратиб турган Жаҳонгир отасининг эътиборидан қолмоқ не қадар буюк фожиа эканлигини ҳис этди. Бироқ кеч бўлган, ҳайит ўтган эди. Шундан сўнг, токи падари бузруквори сўрамагунча ҳафта давомида чодиридан чиқмади. Ўйлаб кўрса, ҳаётининг шу кейинги бир ҳафтаси давомида ички ичмабди. Дастлабки икки кун шаробни қумсаб, феъли айниб турди. Бироқ отасининг қаҳри ва кўркув олдида аста-секин шароб ичмоқ ҳам эсидан чиқди. Ҳаёли жойига келиб, илгариги, ҳалим бир инсон ҳолига қайтди.

Темурнинг махсус ҳукми билан Темур Хожа Оқ Буға ва Жалол ал-Ислом Мироншоҳ содир этган жиноятларни текширмоқ учун Табризга юборилди. Шунинг баробарида давлат хазинасининг тасарруфи ҳам тафтиш этила бошланди ва ҳатто девони хоё, яъни бевосита улуғ Амирга тегишли молларнинг ҳам йўқ қилингани маълум бўлди. Амирзоданинг бошини айлантириб, айш-ишратни ташкил этувчи бир гуруҳ отарчию раққослар, созандаю ҳофизлар, ноибу беклар ҳибсага олинди, бир қисми бадарға қилинди, дор остига борганлар ҳам бўлди. Темурни қаҳрнинг учқур отига миндирган бир нохуш ҳолат бор эдиким, буни эл-улусга очиқ-ойдин айтиб, ошқора қилиб бўлмас эди. Бу ҳокон ҳеч қачон кечирмаган, ким бўлса-да жазосини чеккан баччавозликдек жирканч жиноят эди.

Бу ишдан ҳўлу қуруқ баробар ёниб, хателиғ юз берганини Темур кейин, Боботурк асл ҳолатни тушунтиргандан сўнг, англади. Англадию, кўлини тиззасига урганча, афсус чекди. Мироншоҳнинг ноибларидан мавлоно Муҳаммад Кўхистоний барча илмларда тенгсиз бир олим эди. Устоз Кутбиддин Найий, Ҳабиб Удий ва Абдулмўмин Гўяндалар мусиқа илмининг шоҳи-султонлари эдилар. Бир телба ҳукмдорнинг касофати шундай азиз ва мўътабар инсонларга урган эди.

Бу хатолиғ ва адолатсизлик учун ҳокон умрининг сўнгига қадар ўз-ўзини кечира олмади. Виждон азобида, из-

тироб чекиб яшади. Бирок тоғ кўчган, бошни тошга урсанг-да фойдасиз эди. Бўлар иш бўлиб, ўлар кишилар ажалидан бурун ўлиб кетган эдилар.

Одамлар узоқ йиллар, ҳали-хануз мавлоно Кўхистонийнинг дор остида сўзлаган сўзини айтиб юрадилар. У бундай деган эди:

– Устоз Қутбиддиннинг хизматлари буюқдир! Бул кишим барчадин пешво ва муқаддамдирлар! Шул боис, мен улуғ устоддин сўнг бошимни дор ҳалқасига солсам!

Бу сўзни эшитиб турган жаллод дастлаб устод Қутбиддин Найийни дор остига олиб қелади. Мавлоно Муҳаммадни эса энг охирида дор остига олиб бордилар. Мавлоно Кўхистоний мағрур бошини кўтарганча ушбу сатрларни ўқийди:

*– Поёни қор ва охир дур аст мул хидо
Гар боядат ва гар на ба даст ихтиёр нисм.
Мансурвор гар ба рандат ба пойи дор,
Мардона пой дор, жаҳон пойдор нест!*

Амир Боботуркнинг сўзидан кейин ҳоқон бир ҳафтагача ўзига келмади.

– Ҳар қандай гуноҳи бўлса-да санъаткорни жазоламаслигимиз керак эди, хато, жиноят қилдик, кўзимиз кўр бўлади, – деди дили хуфтон бўлиб. – Сизлар қаерда эдингиз?

Шу нохуш қайфиятда у ўғли Мироншоҳни хузурига чақиртирди. Унинг афтига қарашга ҳам тоқати йўқ эди. Амирзода чодир остонасидан ҳатлаб ўтиб, тиз чўқди. Бошини эгди. Темур камдан-кам ҳолатларда ўғиллари ва набираларини сенсирар, бу сенсираш дорга осмоқдан-да ҳақоратомуз саналарди.

– Не жиноят ва гуноҳлар қилганингни билурмисан, эй боши юмалоқ, бути айри? – деди ота боши эгик ўғлига қаҳр билан.

– Билурман, гуноҳим бўйнимдадир! – жавоб қилди амирзода бўғиқ ва титроқ овозда.

– Шу ҳаракатларинг боис, соғ бўлсанг-да барча сени телбага чиқариб ўтирибди. Мен сени бошидан лат еб, хаста-

ланган бўлса керак деб ўйлаган эдим. Маълум бўлдимки, сен неки номакулчиликка йўл қўйган бўлсанг ақл-идрок билан қилгансан. Аҳмоқона қилмишларинг ила салтанат пойдеворига болта ургансан. Аслида биринчи бўлиб Табризнинг улуғ кишилари эмас, сен дорга осилишинг керак эди. Бу беъмани ишларингни давом эттирадиган бўлсанг; ул кун ҳам узоққа ўхшамайдур. Менга тўртта аҳмоқ ва нобакор авлоддан кўра ҳақиқат ва адолат устундир. Бу хусусдаги фикрим, кимса учун янгилик эрмас. Усмон баҳодирнинг хунига зомин бўлганинда ер ўпиб тавба-тазарру қилган эдинг! Мен сен бетайинга ишонган эдим! Отангни алдадингми, демак, ҳеч тап тортмай ўзгаларни ҳам алдайсан! Демак, ҳоин ва сотқинсан! Ҳозир жиноятинг учун осилсанг-да кимса оғиз очиб бир нима демайди! Аксинча, адолат қарор топди дея байрам қиладилар. Аслида ибдом саҳфосидагилар ёнида эди сенинг жойинг! Бироқ нобакор фарзандини ўлдирган жохил ва қотил подшоҳ сифатида сенинг касофатинг-ла мен ҳам абадул-абад бадном бўламан! Наҳотки сен шуларни ўйламаган бўлсанг?! Наҳотки икки нафс йўлида сен ҳамма нарсани унутсанг, бетавфик! Өжизага, бунинг устига маликага қўл кўтарган кўрқоқ номард! Суф сенга!

— Бир қошиқ қонимдан кечинг, падари бузруквор, — деди гулдираб амирзода. — Кўзим очик эркан, бундай хатти-ҳаракат такропланмайди.

— Истасанг-да бундан сўнг сен ношукур ва ношуд бандага бу имконият берилмайди. Бошинг кунда устида ва қилич остида яшайсан! Менсиз бир тошни иккинчи жойга олиб қўймайсан! Элда нокас билан ошно бўлма, ошно бўлсанг-да, ош-нон ема деган нақл бор. Сен нобакор бу ота сўзининг нақадар ҳақлигини изоҳ этилмас тарзда бутун халойиққа исботлаб бердинг! Сен-ла дўст-ёр тутиниб, бир суфрада ўтириб улфатчилик қилганларнинг аксари осилди, зиндонбанд ёхуд юртидан бадарға бўлди. Энди уларнинг аждод-авлоди бизни қарғаб ўтади. Қон ва жон чикқандаги қарғиш эса тошни тешади! Энди ёғ босган кўзингни очиб, қисмат қасосини беклайсан! Бу дунёда ҳар бир қилмишнинг

кидирмиши бор! Адолатсизлик қиличи охир-оқибатда ай-ланиб келиб, ўзини кашф этган ва қўллаганларнинг бошига тушади! Сен кўзи юмукларга бот-бот сўйлаймен. Ҳукмдор учун улусга зулм ўтказмоқнинг энг разил йўли – давлату ҳокимиятнинг юксак рутубатларини номуносиб, жоҳилу нобакор кимсаларга топшириб қўймоқдир. Бу шарафсиз ва дордан қочганлар учун ҳам эрта бир куни, ҳатто у дунёда ҳам ўша ҳукмдор жавоб берадур. Раиятга хизмат, Оллоҳ бандаларига ҳурмат, шафқат ва марҳаматдан айри тушган бундай кимсалар аслида юрту улус вужудидаги тузалмас чипқондир. Агар тепада турган кимса сен каби дунёбеҳабар ва такаббур бўлса, қўл остидаги соғ, эс-хуши бутун киши-лар ҳам одамгарчиликдан чиқиб, насли шайтонга айланади. Наҳотки сен, шундай улкан мамлакатни бошқарган, менинг ўғлим, шу ёшга кириб, зулм-ла обод ўлганнинг сўнги хайр ўлмаслигини англаб етмаган бўлсанг! Сен нонкўрларга бу давлату салтанат, ота соясида осмондан тушди! Шунинг учун уни қадрига етмайсан! Улусни ризо этмайсан! Не-ники хор этсанг, шунга зор бўлажаксан! Сен ношукур бу тахту салтанатга мендек ит каби дайдиб, куну тун бошинг дору кунда орасида юриб, ёғийлар зиндонининг тупроғини ялаб эришганингда эди, балки шунда англардинг! Ҳайф инсонлик! Ҳайф ҳукмдорлик! Унутма, кўрмаган кўзлар кўр, англамаган ўзлар хор бўлгувсидир! Не замону макон-да яшаётганингни унутма. Ёвлашибу довлашиб юрган бу улусларнинг қорни тўйиб, мол-мулк соҳиби бўлгани, дав-ру даврон шамоллари оқимида тепага чиқиб қолгани бор-ки, фозилу комилларни, улуспарвару юртсеварларни оёқ учида кўрсатиб, шарафсизларча иш тутиб келгандир. Бу кетишда сен ҳам шуларнинг бири бўлиб қоласан. Бундай қавму қабиалар ва уларнинг сохта йўлбошчилари ҳеч қачон дунёнинг оқил ва одил фикрловчи халқлари сафга қўшила олмайдилар. Замонлар келади, авлодлар улус боши-га тушган ҳар бир яхши-ёмон ишни сўроқлайдилар. Шун-да бу саволлар миллатдан эмас, унга йўл кўрсатмоқ даъво-сида бўлганлардан сўралади. Шунда суягим зирқирамасин

десанг, орқа-олдингга қараб оёқ бос! Инсон деганинг ким бўлмасин, унинг асл қадр-қиймати қасрда яшаб, тахтда ўтирганида эмас, қабрга тушганидан сўнг маълум бўлади!

Ўрнидан туриб кетган хоқон асабийлашганча саропарданинг у бошидан бу бошига юрар, ўғлининг юзига боқмай юрагини эзган энг оғир сўзларни айтар эди.

– Унутма, довул кўтарсанг, тўфон оласан. Бировнинг ноҳақ ерда қолган қони жон талаб қилаверади. Бева-бечора, факир-фуқаро, кунини аранг, кунлаб юрган кўли калта инсонларга нисбатан жабру-зулмнинг авжига чиқмоғи мулку давлат елдан кетажaginiнг муждасидир! Мафкурамиз адолат, ҳадафимиз инсонпарварлик деган эгу-эътиқодларимизни оёқ ости қилдинг! Энди бундай сўзларга ҳар кимсани ишонтира олмайсан! Хукмдорликнинг энг биринчи шарти очик кўзу очик юзлилик, бағрикенглигу кечиримлиликдир! Шундай бўлмасанг, ёнингда, одам нари турсин, кўппагу мушук ҳам қолмайди! Қўрққанидан ёки парча экмак учун атрофингни ўраганлар ҳам инқирозинг, қазою қадарингни кутиб яшайди! Салтанату давлатда афв эшигини очик тутмас экансан, билки эрта кунда бошингга худди шу, афв этилмаганларнинг куни тушади!

Хоқон тиз чўккан ўғли қаршисига тўхтаб, унга тикилиб қолди.

– Йўқол кўзимдан бетафвик! – ўшқирди тахт томон юрар экан. – Ҳайфи инсонлик! Ҳайфи тарбият! Ҳайфи салтанат!

Амирзода тисарилганча ташқарига чикди ва кўркувдан саросимага тушиб, саропарда қасавасига суянганча туриб қолди.

Эртаси куни сабоҳда амирзода Мироншоҳ хусусида фармони олий чикди “Йўл кўйган хато ва жинойтлари учун шаҳзода Мироншоҳ Табриз халқи олдида сазойи қилинсун! Ҳокимият ва ўрдудан маҳрум этилиб, Форс ва Озарбайжон улуси ҳокимлиги ўғли Умар Баҳодур Мирзога берилсун! Алоҳида фармони олий бўлмагунга қадар амирзода Мироншоҳга шаҳзода сифатида ҳеч қандай енгилликлар ва имтиёзлар берилмасун!”



ИККИНЧИ БОБ

Сиёсатда кишини қониқтирадиган олий нуқта бўлмайди. Одамлар уч ҳолатда астойдил ёлгон гаптирадилар. Уруш вақтида, сайлов олдидан ва овдан сўнг.

Бисмарк

Ялов чексиз кенгликлар, дара ва биллурдек шаркирок сойларни ортда қолдириб, Султония томон илгариларди.

Тахтиравонда кетаётган хоқон Тоҳир тарихчи ва китобдор Бухорий билан гурунглашиб борарди.

– Инсон зоти бу дунёдан ном-нишонсиз ўтиб кетмаслик учун тўғрими-нотўғрими ақлига келган ҳар ишни қилар экан, – деди китобдор тарихчига қараб.

– Яратганнинг энг мўъжизавий кашфиёти бу ёруғ олам ва одамдир. Ҳар иккисининг сиру синоатини ўрганмоқ, инсоният ақлини танигандан бери жумбоқ бўлиб келмоқда. Бу хусусда чин, юнон ва рум файласуфлари кўп изланишлар қилдилар. Олам ва одамни англамоқ йўлида тер тўқдилар. Инсонларни не қадар чуқур ўрганмоққа уринсангиз, шу қадар чигалликларга дуч келиб, чалкашиб кетасиз. Аксарий ҳолларда кишилар ўз манфаатлари, мавқе ва шахсий хузурлари йўлида не-не ғоялар, дину мазҳаблар, тариқату шариатлар, фикру фалсафаларни ўйлаб топиб, кашф этмадилар. Мақсад, атрофидаги одамларни ўзларига қаратиб, тобе этмоқ улардан устунлигини исботламоқ ва охиروқибатда манфаатдор гуруҳ орқали ўзини-ўзи авлиё ёхуд пайғамбар сифатида тақдим этмоқ бўлган. Шу боис ҳам охирзамон пайғамбарига қадар сон-саноксиз пайғамбарлар бўлган. Агарда Оллоҳнинг расули башорат этмаганларида, ер юзини пайғамбар босиб кетган бўлармиди, – дея фикрини изох этди Тоҳир тарихчи.

Хоқон уларнинг фикрига қўшилганини билдириб, бош ирғади. Ҳаял ўтмай узоқдан улкан миноралар қад ростлай бошлади. Улар сеvimли набираси Мирзо Улуғбек таваллуд топган Султония шаҳрига кириб келишган эди.

Темурнинг бутун салтанат худудида икки юздан ортиқ хос қасри ва саройи бўлиб, Султониядагиси энг эски ва мухташам саройларидан бири эди. Улуғ Амир ўзини ғалати хотиралар оғушига етаклайдиган бу қасрда бўлмокни севарди. Унинг сержило кошин ва устунларини томоша қилиб узоқ айланарди.

Султонияга кириши билан Исфаҳон волийси Музаффар Назарий етиб келиб, тансиқ совғалар тақдим этди, маслаҳатларини олди. Султонияда бир ҳафта, чамаси, истироҳат этган улуғ Амир Қародара ва Ардабил йўли орқали Қорабоғ томон юрди. Октом ва Муғом даштларида ов уюштириб, Арас сувига етиб, қўш ташлади.

Хумоюн ўрду Қорабоғнинг Қўтур кентини кишлоқ учун танлади. Бу ер Темурнинг энг номдор лашкарбошиларидан Умар Тобоннинг юрти эди.

Эртаси куни хоқон хузурига унинг бу худудлардаги энг ишончли кишиси, барчанинг кўз ўнгида иним, жигарим деб атовчи Ширвон амири Шайх Иброҳим етиб келиб, юкунди. Улуғ Амир бу очиқ кўнгил, тамиз юрак ва болафешъ инсонни қардоши каби яхши кўрар, ардоқлар ва бир илтифотига ўн марҳамат ила жавоб қайтарар эди.

Шайх Иброҳимнинг теша тегмаган гаплари, суҳбат ва ҳадя тақдимоти давомидаги кўнгилни кўтарувчи ҳазил-мутойибалари хоқонга хуш ёқар, улар ота-бола каби турк улуси тарихи, келажак ҳақида узоқ суҳбатлашиб ўтиришарди. Рум ва араб султонлари, бошқа диндаги хукмдорлар ва уларнинг мамлакатларга доир билгиларни ундан сўраб-суриштириб аниқлар, унинг ҳар бир сўзига ишонар эди. Озарийлар шоҳи хоқонни турк улусининг отаси, бош бўғин аждодимиз дея улуғлар иззат-хурматини жойига қўярди. Атрофини ўраган ғайридин қавмлар кўз ўнгида Темурдек жаҳонгир билан ота-бола каби муно-

сабатда бўлмоқ уни Қофиқоз ҳудудида хоқондан кейинги шахсиятга айлантирган эди. Бу ўлкаларнинг катта-кичик ҳукмдорлари совға-саломлар билан келиб, ундан маслаҳат, йўл-йўриқ сўрашарди. Улуғ хоқон амирга бу хусусда ваколат берган бўлиб, у Турон ҳукмдори номидан иш кўраверар эди.

Совға-саломлар, малаксифат канизаклар, туя ва ҳачирлардан ташқари олти минг от ҳадыя этган амир зотдор араб отларини ўзи етаклаб келарди.

Амирнинг келишини завқ билан кузатиб турган хоқон одатдагидек ундан ғаройиб хатти-ҳаракатлар, гап-сўз беклар эди.

Хоқон Шайх Иброҳимни кучоқ очиб кутиб олди. Ўнг тарафига ўтказиб, илтифот кўрсатди.

– Қусурга боқманг, буюк хоқоним, олти минглик уюримизни жиловдорингизга тақдим этдик. Маъна бу саккизта асл араб отини ўзим олиб келдим, – деди амир тавозе билан.

– Нечун саккизта? Биз туркларда тўққиз саноғи мукаддас эмасму? – сўради хоқон табассум билан.

– Тўққизинчи тулпорингиз ўзимдирман, ҳазрати олийлари! – жавоб қилди амир Шайх Иброҳим улуғ Амирга садоқатини билдириб.

– Оллоҳ сиздин рози бўлсин, авлодим. Умид ҳам шунчалик. Биз ҳам сизнинг бул юксак вафодорлигингизга садоқат, меҳр-муҳаббат ила жавоб бергаймиз. Сиз Турон салтанатининг бу чексиз ҳудудлардаги тийрак нигоҳисиз, – самимиятини изҳор этди улуғ хоқон.

– Амру фармонлари ҳар замон бошимиз ва кўзимиз устидадир. Кўзимиз очик эркан, бутун турк улусининг буюк қиблагоҳи, султони аъзам, хоқони ақрам ҳазратларининг сўзлари сўз, фармонлари фармондир! Адлу ихтиёр, азму қарор ҳар доим онҳазратимизнингдир! – деди таъзим бажо келтириб озарий амири.

– Хў-ўш, садоқатли жигарим Иброҳимбек. Энди бул ҳудудлардаги янгиликлардан сўйланг? Гуржи деган қавм мусулмонларнинг эски душмани деб эшитганман. Бироқ

Саййид Али Арлотни не жин урди? Нечун мусулмонлардан юз ўгириб, ғайридинлар ила бирлашиб, еру мулкимизга хужум этди? Нечун сиз уни бу хатарли йўлдан қайтармадингиз? — Ширвон ҳокимини сўроққа тутди улуг Амир.

— Барча сўровларингиз ўринли, буюк ҳокон аъло ҳазратлари. Гапнинг ростини айтсам, мен ҳар замон уни сиз тарафга оғдириб хизматингизни қилдириб келганман. Бир қошиқ қонимдан кечингу, бу ерда ишнинг чиришини бузган амирзода Мироншоҳ бўлдилар. Ҳе йўк, бе йўк, амирзодамиз Шаки юртида чопқин уюштирди. Бунга чидай олмаган Саййид Али Арлот гуржиларнинг кутқусига учиб, улар билан иттифоқ тузди. Бу орада мен ҳам унга ёлғончи бўлиб қолдим. Боиси, доимо унга сенга ҳеч қачон темурийлардан ёмонлик келмайди, ота юртимиз Турон шулар замонида ҳақиқий эгаларининг қўлига ўтиб, ясою йўсуни мукаммал бир давлатга айланди дея таъкидлаб, ишонтириб келардим. Охир-оқибатда барча айтганларим пуч бўлиб чиқди. Бирок бу вилоят биз ила ёвлашиб яшай олмайди. Саййид Али Арлот Абу-Бақр Мирзонинг ўқидан ҳалок бўлганидан сўнг ўрнига ўғли Саййид Аҳмад отасининг қилмишларидан афсус чекиб, хузуримга келди. Отасининг ғайридинлар билан бирлашиб, Табриз ўрдусига қарши курашганлиги хатолиғ эканлигини тан олиб, ўзини сизнинг олий даргоҳингизга олиб келишимни ва бўлиб ўтган воқеалар учун гуноҳидан ўтмоғингизни сўради. Бола ақлли ва тадбирли кўринадур, — батафсил ҳисоб берди Шайх Иброҳим.

Эртаси куни эса Шайх Иброҳим улуг амир шарафига тўй-тантана уюштирди. Зиёфат учун шу қадар кўп кўй сўйилдики, қассоблар санаб саноғига етмолмадилар.

Тўй авжига чиққанида Шаки ҳокими Саййид Аҳмад ҳам етиб келди. Шайх Иброҳим уни Темурнинг оқ ўтовига олиб кирди.

— Отангизнинг хатоси сизга сабоқ бўлсин. Тадбирсиз ўғилнинг ношудлиги эса бизга! — деди Темур бўлиб ўтган воқеаларни хотирлаб. — Келинг, энди орқага эмас, олдинга

карайлик. Отангизнинг мулкини сизга берурман. Бироқ сиздан ҳеч нима истамайдурман. Раиятингизга яхши қараб, уни рози қилсангиз, вилоятингиз ҳудудида салтанатимиз одамлари эмин-эркин юрсалар бас! Буни таъмин эта олмасангиз унда гуноҳ бўйнингиздадир, авлодим!

Шаки ҳокими Саййид Аҳмад тиз чўкиб, таъзим бажо келтириб, улуғ Амир шартларини қабул қилди.

Шайх Иброҳимга миннатдорчилик билдириб йўлчи этган хоқон оқшом усти ўтовига Амир Боботурк, Алп Туркаш, Шоҳ Малик ва Шайх Нуриддинларни чорлади. Бироздан сўнг эса ҳаллосланганча Тоҳир тарихчи етиб келди. Хонтахта устида Табризнинг ҳусайни узуми, ироқ пистаси ва эрон бодоми турар, сархил мевалар шамлар нурида товланар эди. Улуғ Амир негадир биллур идишларни севар, неки ичимлик ичса, биллур идишдан фойдаланарди.

– Салтанатимиз атрофидаги давлатларда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни бир тафаккуримиз элагидан ўтказиб, маслаҳатлашсак деган эдим? – дея салафларига бир-бир қараб чикди.

Улуғ Амирнинг нигоҳи Алп Туркашда тўхтаган эди. Демак, илк ахборот ундан тингланажак. Чуқур бир нафас олган соҳибхабар кўйнидан ёзиғлик қоғозларини чиқариб, бир кўз югуртирди-да, сўзламоққа тутинди.

– Рухсатингиз билан сўзни Дашти Қипчоқдан бошласам, – дея диққат билан сўз бошлади Алп Туркаш. – Тўхтамиш биздан енгилганидан сўнг, бироз тушкунликка тушиб юргану, сўнгра илгаригидек бўлмаса-да, ўртача бир кўшин тўплашга эришиб, жилла курса Идил дарёси этакларини қўлга киритиш учун кураш бошлаган. Нафақат бу ҳудудларни эгаллаш, қайтиб Ўрда тахтига ўтириш нияти ҳам йўқ эмас эди. Биз Қрим ва Кафани ташлаб чиқиб кетганимиздан сўнг, Тўхтамишнинг ниятлари қаршисида тургандек туюлади ва у Қримга хужум бошлаб, Кафа шаҳрини қамал қилади. Биздан сўнг Қримни генуяликлар эгаллайдилар. Тўхтамиш генуяликларга қарши хужум бошлайди ва шаҳарни эгаллайди. Ўз номини улуғлаб кўшни мам-

лакатларга элчилар ҳам юборган. Бизга маълумки, Темур Қутлуғ Ўрдада ҳокимиятини мустақкамламоқ учун кураш олиб бормоқда. У кейинги пайтларда ўзини ахмоқона тутиб, бизга қарши сўзлар айтиб, муҳолифатдан дам урган. Темур Қутлуғ ва Идику Тўхтамишнинг ҳаракатига чек қўйиш учун унга қарши юриш бошлайдилар. Тўқнашувда Тўхтамишхон енгилади ва Киев томон, Литва кинози Витовт хузурига қочиб боради. Витовт ўзининг Русга қарши ва буюк салтанат куриш сиёсатини амалга оширмоқда тажрибали Тўхтамишдан фойдаланишни мўлжаллайди. Темур Қутлуғ ва Идикуни Тўхтамишнинг бу туруми ҳам қониқтирмайди ва улар Витовтга уни тутиб беришни, мол-мулкани олиб қолишни сўраб, мактуб ёзадилар. Витовтнинг бу хатдан аччиғи чиқиб, уруш очиш билан пўписа қилиб, элчиларни ҳайдаб юборади ва юришга тайёргарлик кўра бошлайди.

– Бу юриш аслида киноз Витовтнинг ўрдаликларга қарши учинчи юриши бўлган. Улар илгари бундан бир-икки йил бурун ҳам икки мартаба тўқнашишган, – Алп Туркашнинг гапини тўғрилади Тохир тарихчи.

– Тўғри! Сизнинг билгиларингиз мукамал. Давом эттира билурсиз – тарихчига сўз навбатини берди бош хабарнавис.

Улуғ Амир давом этинг дегандек Тохир тарихчига қаради.

– Витовт ва Ўрда чериклари дастлаб Тана дарёси водийсида учрашадилар. Бир йил ўтиб эса, Узи дарёсининг этагида урушадилар. Ўрдаликлар Витовтнинг яхши қуролланган, ғарбдан турли уруш асбоблари олган қўшинига тузук-қурук қаршилиқ кўрсата олмайдилар. Бу икки ғалабанинг сурури билан кўзини ёғ босган Витовтнинг иштаҳаси очилади ва Ўрда томон яна юриш бошлайди. Шу ўринда Витовтнинг қўшини қаршисида сўзлаган нутқи диққатга сазовордир: “Татарлар ерини босиб олиш учун борамиз. Подшо Темур Қутлуғни енгиб, унинг ерларини тортиб оламиз! Ҳад-ҳудудсиз ер-мулкани, бойликларини бўлишамиз! Темур Қутлуғнинг Ўрда подшолигига, Кафа, Азов, Қрим,

Ўзгурхон, Ёйиқнинг нариги томонидаги Ўрда, бутун денгиз бўйи ва Қозонга Тўхтамишни подшо қилиб ўтказамиз! Буларнинг ҳаммаси бизники бўлади, подшо ҳам бизники бўлади!” деган

– Ўҳ-хў! Иштаҳаси карнай-ку? – деди Темур унинг сўзларидан ҳайрон бўлиб.

– Ҳа, иштаҳаси биздан ҳам карнай! – ҳазиллашиб гап қўшди Шайх Нуриддин.

Енгил кулги кўтарилди.

– У тарафларда не воқеалар содир бўлмишу биз дунё беҳабар юраверган эканмизда-а, Туркашбек! – писанда қилди хоқон махфий бошлиғига маъноли боқиб.

– Биз Ҳиндистон сафарида эдик, ҳазрат. Масофа олис. Одам боласининг имкониятлари чекланган, – жавоб қилди Алп Туркаш хижолатли оҳангда.

– Маъкул. Ҳақсиз. Давом этинг. Ким сўзлайдур? Сизми ёки Тоҳирбекми?

– Мен сўзлайдурман, ҳазрат. Парда ташқарисидаги воқеа ва ҳодисалар тафсири менга доир. Парда ичкарасидаги, киши билмас тафсилотларни Туркашбекдан сўрайсиз, – табассум ила сўзида давом этди Тоҳир тарихчи. – Витовт Ўрдани ўзига вассал қилиб, охир-оқибатида рус хуудлари ҳисобидан Литва ерларини кенгайтиришни, Масков кинозлигини кучсизлантиришни мўлжаллайди.

– Агар бу нарса унга жуда зарур бўлганида, Масков билан англашиб амалга оширса бўлмасмиди? – тарихчининг сўзини бўлди хоқон.

– Ул киноз ўз имкониятларига анча ортиқча баҳо берган. Айтишларича, биров шошқалоқ ва мақтанчоқ эрмиш.

– Дунё ўзи шунақа, Тоҳирбек. Ақлли ва тўғрининг иши камдан-кам юришади.

– Хулласи калом, кечган йилда Витовт ғилдиракларига темир занжирлар ўралган аравалар, тўпу замбараклар, ўтсочар милтиқлар-ла қуролланган катта қўшин билан йўлга чиқиб, Ворскла дарёси бўйида тўхтаб, истехком қурган. Литваликларнинг туриш-турмуши ва катта

қўшинини кўрган Темур Қутлуғнинг ҳуши бошидан учиб, ақли шошади. Савашмоққа юраги дов бермай, ярашмоқни таклиф этади. Бироқ бу фикр мағрур Идикуга маъқул келмайди. Яраш таклифини бекор қилдириб, урушсалар енгажакларига Темир Қутлуғдан тортиб барча бек ва саркардаларни ишонтиради. Ўзи бош бўлиб, қўшинни жангга олиб киради. Витовт қўшини сафида Тўхтамишнинг чериги, олмон лашкари ҳам бўлган. Тадбирли Идикунинг ҳисоб-китоби тўғри чиқади. Ўрда қўшини Литвания черигини енгади. Улар мол-мулк қурол-аслаҳаларини ташлаб, қочадилар. Ўрдалиқлар уларни қувиб, шаҳар ва қишлоқларини талайдилар. Бунинг устига Киев уч минг олтин танга миқдорда товон тўлайди. Бу уларда жуда катта пул экан. Ушбу жанг янглишмасам Тўхтамишнинг тақдирини ҳал этган кўринадур. Уни Туман томонга кетган дейдилар. Ўн беш ўғлидан хонликка даъвогар тўққиз ўғли ҳам тўққиз тарафда беркиниб, пайт пойлаб, юрган эмиш. Иккитаси Масковда эркан.

Солинга жимлик чўқди. Тарихчининг ҳикояси таъсир қилган ҳокон саропарда қопусига тикилганча ўйга толган эди. Бошини маъноли ирғаган ҳолда ўтирганларга юзланди.

— Бул жўчинажот биродаримиз кетларига жир битиб, оёққа туриб, муаззам кучга эга бўлгач, биз ила ҳазинамиз тубида чанг босиб ётган буюк қоон Чингизхоннинг олтин тахтини талашди. Иқтидорга келганимизда мен бу қимматли ашёни илк ҳазинабонимиз, ҳақнинг раҳматига қовушган амаким Атабек Барлостурк устозга диққатла сақламоқни топширган эрдим. Шунга ҳам чорак асрдан ортиқ замон кечибди. Ҳазина хизматчилари вақти-вақти билан ашёлар ҳисоб-китобини қилганда санаб, уни ҳам артиб қўйишар экан. У қимматли буюм ўлароқ элимизнинг бир сарватидир. Чингизхону Чигатойхон, Ботухону Беркахон, Жўчихону Ўзбакхонларга вафо қилмаган бу тахт Амир Темуру Тўхтамишхон, Қутлуғ Темуру Идику Манғитига вафо қилардими! Қуш уйқуси каби кўз очиб юмгунча ўтиб кетажак умр-ағалмиш бу савдони

одам зоти ўзи кўриб турганидан бошқани илғамайдиган ва фаҳмламайдиган фикри зикри ила ўлчайди. Кўрмоқ, билмоқ ва англамоқ истаган кўзлар учун эрса чексиз йўллар ва худудсиз уфқлар очикдир! Бизлар учун Дашти Қипчок сари оқ отга ўтқазиб йўлга солганимиз ўғлон ва бекнинг кимлиги не қадар муҳим бўлса, ким тарафда эканликлари ҳам шу қадар аҳамиятлидир. Боиси, биздин сўнг ва келажак замонларда миллатимиз бошига неки келса шулар ва шу тарафдан келажакдир. Улар ҳеч қачон низому интизом, сиёсату диёнат қоидаларига кўра иш тутмайдилар. Улардан бу каби эътиқодларга амал қилмоқни бекламоқ қуриган наҳр ўзанидан сув изламоқ кабудур. Яратгандан қўрқмаган, яралгандан ҳайиқмас. Тангри кимни жазоламоқчи бўлса, уни ақлу фаросатдан қисади ва феъл-атворига яраша абгор этиб, асл яралган ҳолига туширади. Биз қилган ва қилажак ишларимиздан ҳеч бир замон шаҳиду шуҳадоларимизнинг кемиклари зиркирамаслиги, келгуси авлодларимиз боши эгилмаслиги керак. Буюк ва улуғ ишлар доимо оғир ва санчикли кечади. Зотан, барча қилиб юрган ишни барча қила олади. Қалбимизда юрт, улус ва бошимиз узра ҳилпираб турган байроқ севгиси яшар экан, тупроқларимиз обод, элимиз озод яшагайдир!

– Иншооллоҳ!

– Омин!

– Ҳақсиз, хоқоним! – Овозлар эшитилди.

Хоқон сўзини ҳаяжонли оҳангда тугатар экан, ўткир нигоҳида куч-қудрат, ҳаракатида журъату жасорат акс этарди.

Хонтахта устидаги биллур қадахдан бир неча қултум сув ичаркан, сўз олмоққа тутинган Алп Туркашга қаради.

– Энди яна парда орқасидаги маълумотларни биздин эшитинг, устоз, – деди Алп Туркаш бир Темурга ва бир Тоҳир тарихчига қараб қўяркан. – Яқин кунларда Темур Қутлуғхон тўйиб ички ичиб ухлагану, қайтиб уйғонмаган. Демак, Жўчи улуси энди янада батамом Идиқунинг кўлига ўтган. У Қутлуғ Темурнинг ўғли Шодибекни хон қилиб

кўтарган. Айтишларича, Шодибекхон айш-ишратда отасини ҳам ортда қолдирадиган кўринармиш. Шунингдек, Малик аз-Зоҳир Барқуқ ҳам вафот этиб, ўрнига у қадар салоҳиятли бўлмаган ўғли Фараж ўтирибди. Хитойнинг кофир подшоҳи Тўнғизхон ҳам ўлим тўшагида эрмиш. Дўстимиз ва ақрабомиз Хизр Хожа ўғлоннинг қазосидан хабарингиз бор, — дея ҳисоботини тугатди Алп Туркаш.

— Мен киму ким, амир Идику билан Темур Қутлуғ ўғлоннинг бизга тутун қайтаришини кутмаганман. Ҳар ҳолда Идику ақли-хуши бошида бир киши. Бироқ аждодлари каби феъли тор ўғлоннинг атворида ўйламай-нетмай, орқа-олдига қарамай қўнишмоқ нуқсонни бор эди. Тили узуннинг иши хуржун деганлари тўғри чиққан, чамаси, — соҳибхабар сўзини бўлди улуғ амир. — Боботурк айтганидек, аларнинг авлиёсига ҳам ишониб бўлмас.

— Шунинг учун бул саҳройи қавмлардан авлиёлар етишиб чиқмайди, ҳазрати олийлари. Уларда на ўликка ҳурмат, на тирикка эътиқод бор, — устозининг рағбатидан дадиллашиб фикрини баён этди амир Боботурк. — Ҳатто амирул умаро Идику Манғитга ҳам ишониб бўлмайди. У ҳам ўшаларнинг биридир.

Боботурк Амир Идику ҳам сиздан ҳайиққанидан, кучи етмаслигидан думини кисиб юрибди. Эрта кунда биринчи бўлиб авлодларимизга от ўйинини айнан шу Идику кўрсатиши мумкин, демоқчи бўлди-ю, тилини тийди. Улуғ хоқоннинг хуш ҳолати, кайфиятини бузмоқни истамади.

Зийрак амирнинг тахмини кейинчалик тўғри чиқди. Буюк хоқон қайтишидан кўп ўтмай Идику Хоразмни босиб олиб, ўғлини ҳоким этиб тайинлади. Бироқ, айна дамда бу воқеалар кимсанинг тушига ҳам кирган эмасди. Барча бирдек дунёвий салтанатнинг куч-қудрати, фатху зафарлар оғушида сармаст юрарди.

— Хизр Хожа ўғлон вафотидан сўнг жете элида тўс-тўпололлар бошланмиш. Ўғиллари Шамъи Жаҳон, Муҳаммад, Шер Али ва Шоҳ Жаҳон ўғлонлар ота тахтини тала-

шиб, бир-бирига қарши кураш бошлаганлар. Бу нотинчликдан фойдаланиб, мўғул мулкини кофир чинлар босиб олади, — суҳбатга қўшилди Шохмалик.

Амир Шохмаликнинг бу сўзи Темурни сергак торттирди.

— Дарвоқе, бу хавфнинг олдини олмоқ лозим, — деди Шайх Нуриддинга қараб.

— Амирзода Муҳаммад Султоннинг черигини ул тарафга юбормоқ керак, — фикр билдирди Шайх Нуриддин.

Темур не дейсиз дегандек ўлтирганларга қаради. Улар маъқул ишорасини қилдилар. Шу кечасиёқ, улуғ амирнинг хос чопари Эртўғрул Турон Самарқанд сари учди.

Қорабоғ узра қишнинг илк баҳор каби туни чўқар, хаво тоза ва беғубор эди. Мулозимлари ила ташқарига чиққан Темур уларни йўлчи этгач, эшик оғасига курси олиб чиқишни сўради. Курсига оғир чўкканча юлдузлар порлаётган самога тикилди. Кўз ўнгиди айна дамда юлдузлар эмас, у билан замондош бўлиб юрт сўраган подшоҳлар бирин-кетин ўтаётгандек туюлди.

Темур Қутлуғ ўғлон, Малик аз-Зоҳир Барқуқ. Тўнғузхон ва Хизр Хожа ўғлон... Буларнинг барчаси билан Темур турдича муносабатда эди. Фақат ёши бир жойга бориб, қизини Улуғ амирга берганидан сўнг Хизр Хожа ўғлон дўстга айлангандек бўлди. Бироқ бу ҳам зоҳиран. Ботинан Темурнинг вассали бўлиб яшаб, ўлпон тўлаб туришни ҳазм қила олмас эди. Сиёсатнинг қуроли шундай. Гоҳида дўсту душманингнинг кўзига қараб туриб, ўйлаганингдан бошқасини айтишга тўғри келади. Сиёсатда ростгўй, ҳалол ва самимий бўлсанг, сени тўғри тушунмайдилар. Тахт, давлат ва катта мулкни жуда камдан-кам ҳолатларда ҳалоллик билан қўлга қиритиш мумкин экан. Боиси, одам зоти чексиз бойлик ва катта мансаб олдида ўз ақл-заковати ва жисмоний мувозанатини йўқотаркан. Бу атрофда у билан ғойибдан мулоқотда бўлиб турган Усмонли турклар султони Йилдирим Боязид ғоят ақлли, тадбирли ва жасур киши. Бунинг устига ёш. Қирчиллаган қирқ ёшида. Ўзининг ва Султон Бо-

язид, яъни икки турк ва ислом давлатининг сўзи бир ердан чиқса, уларга бас келадиган куч бу дунёда йўқ ҳисоб. Бирок олинаётган маълумотларга кўра султон бироз шошмашошар ва кейинги зафарларидан ангчагина бурни кўтарилган эмиш. Ҳос суҳбатларида бекларига “Мен Никополда Оврупаларнинг энг сўнгги силоҳлар-ла қуролланган қудратли кўшинини синдирдим, оқсоқ Темур бўлса датта билан уят жойини ўраган ўнта ялангоёқ мўлтонини енгса енгибди-да” деган гап қилипти. Давлатлараро муносабатларда бундай деди-веди гапларга эътибор берилмайди. Душманлар атаёлаб ҳам шундай гап-сўзларни тарқатаверадилар. Ёғийларга қолса бутун насроний олами, арману гуржилар бу икки турк хоқонининг тўқнашувини истайди. Масалага кенгроқ қаралганда у Турон давлатига нисбатан ўзини тўғри тутмаётир. Султонни ҳам тушунмоқ керак. Салтанат худудларида шундай катта кўшиннинг юриши ва кўшниларини забт этишидан безовта бўлиши табиий. Бу султонликнинг ислом душманлари, салибчиларга қарши қилган мужодалаларига ҳам ҳақ бермоқ лозим. Бу айна замонда арабу эрон бўлсин бирор бир мусулмон давлатнинг қўлидан келмайдиган буюк хизматдир.

Узоқроқ ўтириб қолганидан эти жунжикиб, оёқлари уюша бошлаган хоқон ўрnidан туриб бироз наридан бери юргач, ўтовн томон йўналди.

Оқ уйнинг туйнугидан бир парча осмон, ой ва юлдузлар кўриниб турарди. У беихтиёр юлдузларни санади. Демак хайрли сана хаёлидан ўтди. Шундай манзара қачон ва қаерда кўз олдида намоён бўлганини хотирлашга ҳаракат қилди. Ниҳоят эслади. Алибек Жоникурбонийнинг ҳибсидан чиқиб, Наса шахрига яқинлашган эдилар. Амир Ҳусайн шахарга киришга кўрқиб, шу атрофдаги чўпонлардан бирор егулик олиб, йўлимизда давом этайлик деди. Темур эса шахар бозорига бормоқ ниятида эди. Охири улар аёлларни қолдириб, бозорга тушдилар. Пишиқ ва пухта Амир Ҳусайн-аллақаерларига жуда қимматбаҳо марвариду олмосларни беркитиб қўйган экан. Бир қадимий

марварид кўзли узукни қимматбаҳо тошларни англайдиган заргарга катта пулга сотди. Бозордан ўзлари ва хотинлари учун тоза кийим-кечак, егуликлар харид қилдилар. Бир савдогар четроқда иккита антика, қимматбаҳо камарни кўйнига солиб юрар, башанг кийинган, бой-бадавлат кўринган одамларнинг олдига бориб, секингина камарни кўнжидан чиқариб, гап-сўзсиз аввал учини, сўнгра бутунлай кўрсатар, арзонга беришини таъкидлар эди.

Темур ва Амир Хусайннинг кийган кийимлари бу савдогарнинг диққатини тортадиган даражада эмас эди. Шу боис улар савдогар томон юришганда нарироқ кета бошлади. Қароқчиларга менгзатган эди икки бекни. Амир Хусайн камарнинг куёш нурида ялтираётган тўғасини, унга қадалган ёқут кўзларни кўрган, бу хил нарсаларга қизикқани учун ичига ўт тушган эди. Улар савдогарга яқин бориб, четроққа чиқишни ишора қилдилар. Муштарийларнинг юзига боқиб кўнгли тинчиган арабсифат савдогар улар ортидан юрди. У туркчани деярли гапира олмас, форсчада бироз кўнишар, арабчани яхши билар эди. Темур унга бир неча арабча сўз гапирганида юзи ёришиб кетди.

– Сен арабмисан? Қаердансан? Талаффузинг Бағдодникига ўхшайди, – деди у ўз миллатдошини учратиб суюнгандай.

– Онам араб асилли, – деди Темур кулиб унинг кўнгли учун.

– О-О! Жуда соз! – деди араб савдогар ва харидорнинг тилидаги ғализликдан шубҳаланиб унга синчковлик билан тикиларкан. Лекин келбатидан яхши одамлардан эканлигини англаб, хотиржам тортганича гапларига ишонгандай давом этди: – Қавмдошимни кўриб хурсанд бўлдим. Қохираданман! Мени ул ерда ит ҳам танийди! Бу фалокат саҳроларда қароқчиларга таланиб, хонавайрон бўлдим. Юртида юмрон ўйнасин бу одамларнинг! На отим, на туям қолди. Бундан буёнги ҳаётим мана шу икки камарга боғлиқ! Уни сотсам, бир амаллаб ватанимга етиб оламан. Акс ҳолда шу қумлар орасида ўлиб кетаман, шекилли.

— Сизнинг ишингизни мана бу улуғ киши ҳал этади. Фақат нарх бораси-да осмондан келмасангиз бўлди, — деди Темур Амир Хусайнни кўрсатиб.

— Бул киши келбатидан мўғул бекларига ўхшар экан. Сени эса онанг араб бўлсада қиёфанг туркка ўхшайди, — деди синчков савдогар зимдан уларга тикилиб. — Не қилсаларинг қилинглари, менинг ишимни битиринглари. Худо хайрларингни берсин, — ёлворибга ўтди тужжор.

Кўйнидан қамарларни чиқариб кўрсатганда Амир Хусайннинг кўзлари ёниб кетди. У бу каби антиқа ашёларни яхши кўрар ва яхши тушунар эди.

— Қанча сўрайсан иккисига? — деди Амир Хусайн қамарларни кўлига олиб диққат билан кузатар экан. — Унчалик ваҳима қилмасанг ҳам бўлади. Истасанг Бухоро бозоридан бунақа қамарлардан ўнтасини топиб бераман, — гапни олиб қочар эди Амир Хусайн араб савдогарнинг молини арзонроқ олиш учун ерга уриб.

— Бугун англамасангиз эртага англайсиз. Ўзингиз билмасангиз биладиганроқ одамга кўрсатасиз. Тепамда худо турибди. Бу асл антиқа мол. Сизларга исмим ва отам отини, яшаш жойимни ҳам айтиб кетаман. Қоҳирадаги Ўзбакия маҳалласига туташ Усмония маҳалласида яшайман. Абулжаъфар Муборак десангиз мушук ҳам менинг уйимни кўрсатади. Энди қамар сирини очадиган бўлсам, булар икки юз йил бурунги Миср султонларига тегишли. Ота-боболарим улар саройида лашкарбоши бўлганлар. Шунга қараб ўзларингиз бир нима бераверинглари. Нимани лозим топсангиз шуни беринг. Фалон танга беринг демайман, — дангал савдога ўтди қоҳиралик.

— Ҳар бирига беш олтин тангадан ўн олтин танга. Берсанг бердинг, бўлмаса ўзинг биласан! — деди овозини баландлатиб Амир Хусайн олишга ул қадар иштиёки йўқ одамдек қамарни эгасига қайтариб бераркан.

— Розиман! Бер! — деди савдогар қамарга қўл узатмай. — Буюрсин сенга!

Амир Хусайн чўнтагидан ўн тилло тангани чиқариб сав-

догарнинг кафтига санаб солди. Камарнинг яхшироғини кафтани остидан белига боғлаб, бундайроғини Темурга узатди. Икки камар ҳам қимматбаҳо эди.

— Мендан сизга хотира бўлсин. Бошимиздан кечган оғир кунларни, озод бўлиб, мана шу бозорни кезиб юрганимизни эслаб юрасиз. Энди билдим инсон озодлигининг қадрини, — деди Амир Хусайн ғалати ва ғамгин овозда.

Темур камарни унинг қўлидан олиб белига тақди. Олтин тангаларни синчковлаб кўриб, қўнига урган араб шарпадек бир зумда кўздан ғойиб бўлган эди.

— Миср султонларининг камарини улуғ қоон Чингизхоннинг хос узугига алмаштирдик, — деди улар бозордан қайтаётганларида Амир Хусайн.

— Англамадим. Не дедингиз? — сўради хаёл босиб келаётган Темур.

— Бозорда сотганимиз зумрад кўзли узук буюк қоон Чингизхонга тегишли бўлиб, раҳматлик отамдан ёдгорлик эди, — деди Амир Хусайн бўшашган овозда.

— Йўғ-е? Нега уни сотдингиз? — хайрон бўлди Темур.

— Нима қилардим уни? Гўримга орқалаб кетаманми? Курол билан олтиннинг эгаси бўлмайди. У кимнинг қўлига кечса ўшаники. Сўнгра яна бошқа бировнинг қўлига ўтиб кетаверади ёки ўрнингни пойлаётган муттаҳам болаларингдан бири эга чиқади.

Шундан сўнг улар хонимлари хузурига келгунларига қадар қўнишмадилар. Мана шу воқеага ҳам қирқ йил бўлибди. Бир йигитнинг умри. Даҳшатлиси шундаки, Амир Хусайн қатл этилганида яктаги остидан ўша, Насада олган султоний камари ялтираб кўриниб турар, бунга кўзи тушган Темурнинг кўнгли алланечук бўлиб кўзи ғилқ ёшга тўлганди.

Балхда, Буюк Турон Амири эълон этилиб, улуғ қоон Чингизхондан мерос олтин тахтга ўтқазганларида ҳам белида Амир Хусайн ҳадя этган ўша антиқа камар бор эди. Остида эса Чингизхон ўлтирган олтин тахт. Бировнинг бахти бировнинг кўзини чиқаради...

У тақдирнинг барча азоб-уқубатларини, ҳақсизлик ва вафосизликларини бир одаму хукмдор сифатида кўп кўрди. Вақти замони етиб, инояту марҳаматидан баҳраманд бўлди. Борида икки-икки, йўғида кўшша-кўшша тепки деганларини ҳам бор бўй-басти билан ҳис этди.

Бу оғир, аянчли хотиралар уйқусини қочирган, ўй-хаёлларини тўздириб юборганди.

Қоон шу тахтда ўтирганча, Турон юртига қилган босқинининг бош сабабчиси Инолчиқ Қипчоқни Самарқандга олиб келтириб, кўзи ва қулоғига эритилган кумуш куйдирган, ўн ёшли хоразмшоҳ шаҳзодаси Абулмузаффарнинг юрагини тириклайин суғуртириб, олтин лаганда итига едирган эди...

Ўшанда улуғ Амир бу тахтга илк ва сўнгги бор ўтирган, бошкентга келгач, бош хазиначи Атабек Барлостуркга тахтни хазина омборининг ичкари, хос бўлмасида сақлашни буюрганди.

Қорабоғ узра тун сокин, қорамтир пардасини ёйган, қоровулларнинг чарсиллаб ёнаётган гулханларигина бу юртларда ҳам ҳаёт борлигидан, одамлар кечаю кундуз ғимирлашиб, тирикчилик пешида кўшаётганлигини муждаларди...



УЧИНЧИ БОБ

Довул уфурсанг, тўфон оласан.

Аҳмоқ ўзини овулар, қўлтигини совулар.

Халқ ҳикмати

Мўғул хони Хизр Хожа Ўғлоннинг қазоси дастлаб Андижон мулкининг соҳиби амирзода Искандарга етди. Бу ўлкалар унинг раҳматли отаси Умаршайх мирзога тегишли бўлганлиги боис, улуғ амир Фарғона оваси тасарруфини Умаршайх ўғилларига топширган эди.

Хизр Хожа Ўғлоннинг тўрт ўғли мавқе талашиб, тўс-тўполон бошланганини эшитган ўн беш ёшли амирзода юрагига ғулгула тушди. Жета улусини фатҳ этиб, айбдорларни жазолаб, мол-мулкни қўлга киритиб қаҳрамонлик кўрсатиб, буюк бобоси эътиборини қозонмоқ истаги жунбушга келди. Отабеги Баён Темур Беккичикдан бу ҳақда сўраганида у эътиборли амирларни тўшлаб, кенгашмоқни маслаҳат берди.

Отабеги ва амирзоданинг Мўғулистон забти учун берган қарори шу баҳонада бир нималик бўлиб олишни кўзлаган Тоғай Барлос, Нурак Барлос, Пир Ҳожи Малаш, Шерматбек ва Баҳмон Жониқурбон каби амирларга ёғдек ёқиб тушди. Улар фурсатни ғанимат билиб, Жета сари от сурдилар. Ҳеч ким, улуғ Амир сафарга жунаш олдидан Турон юртининг бошкентига валиаҳд Муҳаммад Султонни қолдирган, унинг олдидан ўтиб, бу ҳақда билдирмасак яхши бўлмас дея амирзодага маслаҳат бермади. Улар бу юриш ҳақида ҳатто билги бермоқ маъносида ҳам чопар юбориб, валиаҳдга маълум қилмадилар.

Амирзода Искандарнинг Андижон чериги тоғлар оша шитоб билан юриб, Қашқарга етиб келганида улуғ Амир томонидан бу худудлар муҳофазаси учун юборилган Сиддик

Тобон, Довуд Малик Барлос, Шамсиддин Аббос, Худойдод Хусайний ва Пир Муҳаммадбеклар унга келиб қўшилдилар. Бирлашган қўшин Қалпин водийсидан ўтиб, Ёркентга кирди.

Амирзода Оқсувда хоннинг ҳазинасини қўлга туширди. Унинг ҳарами Малик ого ва қизи Ихсан Малик ҳам асирга тушган эдилар. Сўнгра, ўрду Хўтан сари юрди. Хўтандан Чин вилоятининг пойтахти Хонбалиқ юз олтмиш бир манзил эди. Чинлилар уни Пекин ёки Бежин дея атар, бу шаҳарнинг туркча номи Хонбалиқ эди. Хўтандан Қашқаргача ўн беш кунлик йўл бўлиб, Қашқардан Самарқандга қадар йигирма беш манзил эди.

Хўтанликлар Андижон қўшинига қаршилик кўрсатмай, амирзода Искандарни ҳадялар билан кутиб олдилар. Амирзода Хўтандан Қоронғутоғ томон юрди ва ундан қайтиб, қишни Қашқарда ўтказди.

Амирзода Искандар Қашқардан туриб, хур каби мўғул қизларидан икки тўққизини ҳозирлатиб, улуғ Амирга юборди. Бир тўққиз қиз ва бир тўққиз отни валиаҳд Муҳаммад Султон учун Самарқандга жўнатди. Соҳибқирон ҳадялари ва фатҳлар тафсилоти ҳақидаги мактуб билан Шайх Ясовул Шом сари йўлга тушди.

Темурнинг хос чопари Эртўғрул Турон Самарқандга етиб келганида валиаҳд Муҳаммад Султон Жета ва Мўғулистонни тартибга келтирмоқ учун йўлга тушган, унинг чериги Тошкентга етиб қолган эди. Муҳаммад Султон Туркистонга етиб келганида хос мулозимлари амирзода Искандардан, Жетадан ҳадялар ва канизаклар келганини билдирдилар. Валиаҳд бир зум не қиларини билмай, шошиб қолди. Наҳотки ҳали оғзидан она сути кетмаган ўн беш ёшли Искандар ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, ўзбошимчалик ила бундай ишга қўл урган бўлса? Ҳатто кўнгил учун ҳам чопар юбориб, хабар бериб қўймаганига не дейсан?

— Канизакларни ҳарамга топширинг. Уларни хайдаб юбормоқ яхши эрмас. Отлар ва бошқа тухфаларига эҳтиёжимиз йўқ! — деди аччиғи чиқиб валиаҳд.

Шу куніёқ у черикка Самарқандга қайтмоқ амрини берди. У ҳаётида ҳеч қачон ва ҳеч кимдан бу қадар хафа бўлмаган эди. Бошкентга қайтиб келиб, амирзода Искандардан хабар беклади.

Баҳор келиши билан Андижонга қайтган амирзоданинг кайфи чоғ эди. Ҳали ҳеч бир теңурийзода унинг ёшида бу қадар катта ҳудудни фатх этиб, ҳазинага бунчалик мол-мулк олиб келмаган эди. Андижонда бир ҳафта, чамаси, бўлган Искандар мирзо ҳадяларини ҳозирлатиб, валиаҳд Муҳаммад Султонни зиёрат этмоқ учун Самарқандга йўл олди. Бирок ярим йўлда, Оққўтал манзилига етганида Муҳаммад Султон у юборган отларини олмагани ва унга нисбатан феъли бузилгани ҳақидаги гап-сўзлардан воқиф бўлди. Бу воқеадан хабар топиб тарвузи қўлтиғидан тушган амирзода Искандар неқиларини билмай, отининг жиловини бўш қўйганча орқага, Андижонга қайтди ва шаҳар қалъасига кириб ўтирди.

Амирзоданинг амиру лашкарбёшилари эса аросатда, тахликага тушиб, не қилишни билмай қолдилар. Бири бу хусусда Муҳаммад Султон ҳақ деса, бошқа бири амирзода Искандар ҳақли дея баҳслашарди. Ниҳоят беклардан Тоғай Буға Барлос билан Пир Ҳожидан Малаш амирзоданинг қалъага кириб ўтириб олганини муҳолифатга йўйдилар-да, Андижон қўшинини тўплаб, қалъани ўраб олдилар. Афтода бир ахволдаги амирзода Искандар икки бек билан гаплашиб, қалъадан чиқди ва отаси Умаршайх Мирзо барпо этган Гулистон боғидаги қасрга бориб турди. Боғни амирзоданинг хос навкарлари қўриқлар эди. Беклар ўзаро келишиб, Искандар Мирзонинг қўриқчи ва қоровулларини ҳибсга олдилар-да, бўлиб ўтган воқеа ҳақида Самарқандга, валиаҳд Муҳаммад Султонга хабар юбордилар. Андижон ҳукмдори Искандар Мирзонинг муҳолифат ҳаёли ҳам йўқ эмаслигини таъкидладилар.

Зомину Ўратена, Канибодому Хўжандни елдек учиб ўтган валиаҳднинг хос чопари Ҳасан Пишағарий чопару элчиларга хос бўлмаган журъат билан амирзода хузурига кириб борди.

— Барча бек ва мулозимларингиз ила валиахд Муҳаммад Султон хузурларига ташриф буюрар экансиз. Мана, валиахд ҳазрати олийларининг нишонлари, — дея тобуғ расмини бажо келтирмай, қўлидаги ўроғлик мактубни амирзодага узатди чопар. — Шунингдек, Андижон черигининг валиахд хузурда ҳозир бўлмоғига ҳам алоҳида ёрлик бўлди ва айни дамда қўшин йўлга чиқди.

Тарвузи қўлтигидан тушган Искандар Мирзо бек ва мулозимлари йўлдошлигида истар-истамас Самарқанд йўлига тушди.

Амирзода бошлиқ Андижон беклари Самарқандга яқинлашганда валиахд Қорадарё бўйидаги хос қароргоҳида эди.

Валиахд зотли отларни яхши кўрарди. Қаерга бормасин, унга насли қорабайир, араб ва ахал айғирларини ҳадя қилишар ёки сотиб оларди. Бирорта яхши отнинг дарагини эшитиб қолгудек бўлса, бутун ишни йиғиштириб шунинг пешига тушарди. Не қадар вақт ва масраф кетмасин ўзи борар ёки бировни юбориб олиб келтирарди. Унинг хос отхонасида икки мингдан ошиқ сара тулпорларга шу санокдан кам бўлмаган отбоқарлар чериги қарар эди.

Айни дамда дарё соҳилида, соя-салқинда истироҳат этганча ҳар бирининг Самарқандга келтирилиши алоҳида бир тарих бўлган юз чоғли асл чопқир отни ювдирмоқ учун дарёнинг адирга туташ сувотига олиб чиққан эди. Йилқичи ва навқарлар салтанат суворийларига тегишли бу сувотга бир ой мобайнида ҳеч бир қатта-кичик мол-ҳолни йулатмай, теварак-атрофдаги яйлов ва бўзаламни оёқ ости қилдирмай, валиахднинг олтин қуббали, осмонранг саропардасининг тикилиши ҳамда тулпорларини ювдиришга олиб чиқишига ҳозирлаган эдилар. Йилқичилар тулпорларнинг туёғидан тортиб сағрисиғача тиниқ сувда совунлаб ювишар, жиловдорлар қўлдан чиққан отларнинг сувини сизғиши учун нўхтасидан етаклаб кўкаламда айлантиришарди.

Ойлаб кўк ва қуруқ беда, арпа билан боқилиб тулаган йилқилар ер тепиниб пишқирай, ишқалаб ювилган сағрилари қуёш нурида товланарди.

Мухаммад Султон отбоқар ва уларга кўмаклашаётган навкарлар ишини назорат қилганча иш буюриб, соҳил бўйлаб наридан бери юрарди. Амакиваччаси билан кечади-ган нохуш кўришув ва ёқимсиз мулоқот олдидан асабий-лашганча ўнг қўлдаги дастаси олтин қопламали қамчисини ўнг этиги кўнжига урар, ғижиниб сўкинарди.

Хос кўрима юзлиги амирзода Искандарни ўраганча асир каби валиахд хузурига олиб келди. Шахзода ёш ҳукмдорга сен ҳам одаммисан дегандек паст назар билан бир муддат тикилиб турди.

Амирзода Искандар амакиси ила очиқ чехра ва самимий туйғулар-ла кўришмоқ учун ёнига энтикиб борди. Бироқ валиахд унинг юзига қайрилиб қарамади.

– Мен сен ўзбошимча хоин билан сўрашмоқни ҳам истамайман! – деди қаҳрини ошкор этиб. – Улуғ хоқон ҳазратлари, буюк бобо олдиларидан ўтмоқ жоиз бўлмаганида эди, ҳозирок кўзинг очилмай йўғонлашган бўйнингни юлиб терингни шилдириб, сёмон тикдирар эдим!

– Мен кимсага ёмонлик қилмадим! Салтанатимиз худудини кенгайтириб уни мустаҳкамладим, холос! Бу ерда менинг ҳеч қандай айбим йўқ! – панжаларини ёзганча ўзини ҳимоя этди амирзода Искандар. – Менга ташаккур билдирмасангиз-да, ўз ҳолимга қўймоғингиз жоиз, амаки-жон!

– Уни ҳибсга олиб, Кўксаройнинг қоронғу хужраларидан бирига қамаб қўйинг! Емак ҳам берманг! – буюрди Мухаммад Султон хос навкарларига. – Йўқ, Кўксаройга эмас, ҳозирча зиндонбанд этинг! Сўнгра қаерга олишингизни айтаман! Мош сиғмаган кетига ловия итарган тирранча! Турон мулки сенга қолганди-я!

– Бундай қилмоққа ҳақингиз йўқ, амирзодам! Мен сизнинг қондош ва жондош биродарингизман! Элу юртдан уялинг! – навкарлар судраб кетаркан бақириб борар эди Искандар Мирзо.

– Барча айб аслида сенда! – дея ёшли-бошли, амирзо-

данинг отабеги Баён Темур Беккичкка сенсираб юзланди Муҳаммад Султон қахрли нигоҳини қадаб. — Бир оғиз маслаҳатинг билан иш мутлақо бошқача ҳал бўлиши мумкин эди! Ахир, улуғ Амир хазрати олийлари мени бу ерда полизга қоровуллик қилмоқ учун қолдирмагандир? Хўп, бу зумраша ҳали ёш, тажрибасиз экан! Бир кўзи камлиги учун уни эркалатавериб, талтайтириб, охири шу ҳолга келтирдилар. Аслида унинг нонни нанна деб юрган бола эканлигини сен қари туллак билардинг-ку!

— Хато қилган бўлсам кечиринг! Гуноҳимдан ўтинг, акажон! — Ҳамон бақирарди Искандар Мирзо.

Қаҳри кўзиган валиаҳд амирзоданинг овози тингунча гапдан тўхтаб, яна дарё бўйлаб юра бошлади. Севимли оти Сувсарни юваётган отбоқар ва навкарнинг ишини бироз кузатиб турди-да, ҳайкалдек қотиб турган амир Беккичкнинг олдига қайтиб келди.

— Гунг ва кар бўлмасанг, ақлинг бошингда бўлса сўйла? Недан бу маҳмаданани янглиш йўлдан қайтармадинг? Недан мени одам ва валиаҳд ўрнида кўрмай, мана бу очкўзу-нокас беклар билан ёнгиндан мол қочиргандек, Жета тараф отландинг? Ахир Хизр Хожа улуғ қиблагоннинг қайин падарлари, унинг ўғиллари қайин биродарлари-ку? Шунга фаҳми-фаросатинг етмадимми? Мени хабардор этсанг, ўлжани ярмини олиб кўярмидим, муттаҳам! Гапир! Жавоб бер!

— Ҳар не десангиз, ҳақсиз, валиаҳдим! Гуноҳим бўйнимдадир! Бир қошиқ қонимдан кечинг! Биз бу воқеа сизнинг ғурурингизга бу қадар тегиб кетишини чуқур ўйламабмиз. Биздан катта хато ўтган. Бироқ орада ўлим-нетим йўқ! Ҳеч кимнинг бурни қонаб, жонига жабр қилинмади, валиаҳдим! Бироқ не демайин, ўз қилмишимизни хаспўшламайман. Яна тақрор сиз аъло ҳазратдан бир қошиқ қонимни сўрайман! — дея жавоб қилди кутилмаган ҳақорату таҳқирдан кўзида ёш филтиллаб кекса амир.

— Ҳайит ўтгандан сўнг хинони қаерга қўймоқни мендан яхши билсанг керак, баччанинг устози! — ўшқирди Муҳаммад Султон.

Валиахднинг нафратли муносабатидан ўзини йўқотиб, боши айланиб қолган отабеги Баён Темур Беккичик зўрға бошини кўтариб, қаҳри жунбушга келган валиахдга бошдан-оёқ разм солди. Феъли астойдил бузилганидан чўчиб, аъзойи бадани музга айлана бошлади.

Наҳотки қазои қадар етган бўлса? Наҳотки шу салтанатни деб жонини жабборга бериб, ёзни ёз, қишни қиш демай итдай елиб югурса-ю, охир-оқибат она сути оғзидан кетмаган бир бойваччанинг аҳмоқона амри билан омонатини Эгасига топширса! Не-не инсонларга ақл бўлган, йўл кўрсатган азиз бошидан ажралиб ўтирса! Темур бот-бот сўйлайдиган адолат, ҳақиқат деганлари қани? Ул зотнинг ўзи қайда? Наҳотки шунча бегуноҳ одамнинг қисмати мана шу гўдакнинг қўлида қолса?! Ким берди буларга бу чексиз ҳокимиятни? Мўғулларни золим деганлар бу кетишда улардан ошиб тушадилар-ку! Ё Оллоҳ! Ўзинг асра! Бул ҳаддидан ошганларнинг қаҳри-ғазабидан ўзинг сақла!

– Бир қошиқ эмас, бир челак қонинг оқади, қари тулки! Билиб кўй, ботирларнинг қони юракка, хоинларники эса челакка томади! Сен фитначига кўйиб берса, ўрнимга шогирдингни валиахд эълон эттирмоққа-да тортинмайсан! Бирок энди тушингни сувга эмас, оққан қонингга-айтасан!.....

Отабеги билан шахзода ўртасидаги четин муносабатни юрагини ҳовучлаб кузатиб турган андижонлик бек ва мулозимлар орасида ғала-ғовур бошланган, қилич ва найзаларнинг шақирлагани эшитиларди.

– Жаллод! – дея қичқирди валиахд қамчисини пошнасига бор кучи билан уриб. – Мана бу кимса бошлиқ йигирма олти кишини ҳозироқ майдонга олиб бориб бошларини танашидан жудо этинг! – ўшқирди қамчиси билан отабегини кўрсатиб жаллодбошига.

Амирзода Искандарнинг мулозимлари орасида тўстўполон, қий-чув кўтарилди. Юз чоғлик валиахд навкарлари андижонлик бекларга ташландилар. Орада уруш бошланиб кетди. Узоқ давом этмаган қирпичоқда амирзоданинг барча мулозимлари қиличдан ўтказилди.

Дарё қонга беланган, соҳилда даҳшатли манзара ҳукмрон эди. Жони чиқиб улгурмаган одамлар бақириб-чақириб ҳаракатланишар, хириллаган паст-баланд овозда кўмак сўраб ёлворишарди.

Мулозимларни чопаетган навкарлардан бири келиб ўзининг ҳам бошини кесажагига ақли етган отабеги қиблага қараб кўлини дуога очди.

– Илоҳи омин! Сен валиаҳди жаллод, жувонмарг бўл! Йигит ёшингда йиқил! Шунча одамнинг қонини тўқдинг, ўзингнинг ҳам, авлодингни ҳам шундай қони тўқилсин! Аслида сенинг она аждодинг қотил эди, наслингга тортдинг. Бу муқаддас юрт сен насли бузук қонхўрларга буюрмасин! Омин оллоху акбар!

У шундай дея юзига фотиҳа тортиб бўлиши билан отда орқасидан учиб келган навкар бўйнига қилич солди. Боши сапчадек узилиб тушди.

Улуғ Амирнинг хос чопари Эртўғрул Турон вужуди музга айланганча бу даҳшатли манзарани кузатиб турар, кўзидан селдек куйилиб ёш оқарди. Бироқ у оддий бир навкар, чопар. Бу қонли, машъум воқеага аралашиб, тўхтатиб қолиш кўлидан келмайди. Отабеги, мулозимлар қанча ёлвориб, худонинг зорини қилмасин, валиаҳд улар тақдирини улуғ Амир ҳал этишига қолдирмади. Билиб-билмай Искандар Мирзо қилган хатонинг минг баробар қонлисини, даҳшатлисини, кенирилмасини қилди. Ёш амирзоданинг ўзбошимчалиги салтанат учун у қадар оғриқли эмасди. Валиаҳд эса давлат илдизига болта урганди.

Валиаҳд менсилмаган подшоҳлик ғурурини қон билан ювиб таскин топмоқчи бўлди. Ёнида турган бирорта ҳам амиру мулозимлари бу ишнинг нотўғри эканлигини, ҳеч бўлмаганда улуғ Амир келгунга қадар кутиб турмоқ лозимлигини айтмади, айта олмади. Демак, у подшоҳ бўлса ҳам қонхўр бўлади, амир Беккичикнинг айтганидай наслига тортади ва узоққа бормайди. Хаёлидан ўтказди Эртўғрул Турон. Мана энди миллат тақдири кимнинг кўлида қолади? Демак, халқнинг шўрига шўрва тўқилади.

У шу оғир хаёллар билан оти жиловини шаҳар томон бурди. Саройга қарашли карвонсаройга бориб, валиахд, Сароймулкхоним ва бошқаларнинг улуғ Амирга бериб юборадиган мактубларини кутди. Ўзи билан бирга келган уч ёрдамчиси ҳам шу ерда эди. Бўлиб ўтган воқеаларни эшитиб, уларнинг ҳам ақли бошидан учган, бир-бирларига кўрқаписа қарашганча мулзам ўтиришарди.

Валиахд чопарларни узоқ беклатмади. Фожиадан икки кун ўтгач мактуб тўла халтани хуржунига солган хос чопарнинг саман оти Бухородан ўтиб, Қоракум саҳросида елдек учиб борар эди. Унинг ичига чироқ ёқса ёришмас, назарида шунча йиллар итдек югуриб салтанатга қилган хизмати бир пулдек, куни кеча сўйилган кўйдек қиймаланган, боши чопилган одамлар каби унинг ҳаёти ҳам а=моқона равишда барҳам топадигандек эди. Борибоқ амир Боботуркга учрайман, хос чопарлигини топшириб, ота-бобом қилган касб, чўпонлик билан шуғулланаман дея хаёлидан ўтказди кўзидан ёш оқаркан. Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи ва бир чақа. Инсонлар ўз мақсадларига етмоқ учун ақллариغا келган номаъкулчиликларни қиладилар. Халқни алдаб урушга соладилар, жиход қилмоқ лозим дея қон тўкадилар. Диндорларнинг иккиюзламачилигидан эса одам боласининг ақли озади. Подшоҳ чақириб ўз ахлатингни ўзинг егин деса, шунимемоққа ҳам қонун-қоида ўйлаб топади. Ё тавба! Халқ бечора ўзи билан ўзи. Қорни тўйиб, усти бут бўлса бас. Дин, иймон, миллат, адолат! Бу тушунчалар ҳақида юзда тўқсон тўққиз киши ўйламайди. Қайтамга, буни ўйлаганлар устидан кулиб, уни масхара қиладилар. Бундай ҳолатларни кўравериб, одам зоти толиқар, ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлар экан. Табризда не-не буюк инсонлар дорга осилиб кетди. Музаффарийлар сулоласини ҳам қиличдан ўтказдилар. Демак, Мухаммад Султон ҳам куш каби уясида кўрганини қилади. Унинг жисмида барлос қонидан кўра мўғул қони кўпроқ оқа бошлабди. Улар шу тахлит салтанатни уш-

лаб турамиз дея ўйлайдилар. Булар ўз ҳақиқатларига амал қилиб яшамокдалар. Дунёда эса бундан-да буюк ва улуғ ҳақиқатлар бор-ку! Нахотки уни кўра олмасалар?!

Улуғ Амир кейинги йилларда энг марокли ва сокин ўтган қишни ўзи ном берган Қорабоғда ўтказди. Бу ернинг юмшоқ ва мўътадил об-ҳавоси вужуди ва сихатига уйғун эди. Чанг-тўзонли иқлимларда нафас олмоғи бироз қийин кечарди. Бу ерда димоғ ва нафас йўллари очилиб, ўзини қушдек енгил ҳис этарди. Ширвон ва Дарбанд ҳокими, қадрдони Шайх Иброҳим юборган бир эркак ва бир хоним ошчи ҳафиф ва тотли озарий, арабий ва эроний емаклар тайёрлашарди. Бу емакларда мева-сабза ва турли хил кўкатлар мўл бўлиб, зайтун ёғида кўп мазали пишарди. Емаклар ичида унга энг маъқул тушгани каклик, бедана ёхуд турли парранда эти билан мева ва сабзалар аралаштирилиб, тандирда пишириладиган қовун дўлма эди. Улуғ Амирга ҳафтада тайёрланадиган емаклар ичида бир-икки маротаба қуйруқ ёғида Туркистон палови ва раҳматли онаси тайёрлайдиган қулчатоӣ ҳам бор эди.

Ойлаб ичкиликни оғзига олмайдиган Темур кайфияти яхши бўлганида, базму-зиёфатларда муносиб емаклар билан бода, мусаллас, ароқ ёки шарбаи муадд ичар эди. Бу ичимликлар дунёнинг тўрт тарафидан хону султонларнинг ҳадяси сифатида келар, ундан ташқари улуғ амир сихатини қўримоқ учун табиблар томонидан рухсат этилган хос ичимлик ҳозирловчилар ҳам бор эди. Мусалласга шакар қўшиб кучли шароб-бода, узумни эзиб, бир неча йил сақлаб соф қуруқ шароб мусаллас, узум сиркасигача (спирт) тоза булоқ ёки сой суви қўшиб ароқ, шарбаи шарбати оловда қизитилиб, махсус ҳозирланадиган ўткир ичимлик шарбаи муадд ҳам тайёрлашарди.

Ҳоконнинг мағриб сафари Шом ва Миср билан боғлиқ эди. У бу ҳудудларда ўзи хон, кўланкаси майдон бўлиб юрган Қаро Юсуф туркман, яхши сўз билан ўзига эш бўлмаётган Султон Аҳмад Жалойирнинг танобини тартиб қўймоқчи эди. Бироқ Шеки ва гуржилар исёни оёғи

остидан чиқди. Шеки муаммосини мунозара ва сулҳ билан ҳал қилди. Ҳоким Саййид Аҳмаднинг елкасига зарбоф тўнлар ёпиб отасининг ўрнини қайтариб берди. Бироқ аслида бу бебошликни бошлаган гуржиларнинг бошлиқлари эди. Улар гўёки ҳеч нима бўлмагандек, улуғ Амирдан ўзларини олиб қочиб юрибдилар. Ваҳоланки улар салтанат худудининг Қорабоғдан Табризгача бўлган майдонини талон-тарож қилган, мусулмонларни қийратган эдилар.

Сўнгги бор унинг ҳузурда бўлган Шайх Иброҳим ҳам гуржилар шу ҳолда индамай ташлаб кетилса, эрта кунда бундан каттароқ жиноятларга қўл уришлари мумкинлигини таъкидлади. Саййид Аҳмад эса қизариб-қумсарганча сўкут сақлади. Унинг бу ҳаракати Темурга ёқди. Кеча отасининг иттифоқчилари бўлганларни Темурга ёмонлаб гиж-гижламади. Ҳар ҳолда виждони бор экан. Вазиятга қараб тусланмас экан, хаёлидан кечди хоқоннинг. Бироқ Темур одобсизлик ва жиноят қилган гуржилар ҳукмдорларини жазоламокни айтганда, Шайх Иброҳим ёнида кўшини билан олий ўрдуга келди.

Иккиси холис қолганда Шайх Иброҳим бир гапни айтдики, шундан сўнг Темур узоқ ўйланиб, юриш режасига ўзгартиришлар киритди.

— Бу ҳудудларда биз мусулмон ва туркларни жини суймайдиган икки кучли қавм борки, қачон бўлмасин бир ҳақиқий турк хоқони уларнинг яхшилаб, астойдил белини синдириб, ҳеч бўлмаганда елкасини бошлаб ерга теккизиб қўймоғи керак. Шу билан булар бир неча юз йил ўз ёғига ўзи қовурилиб, ўзларига келолмай яшайдилар. Бу ишни уддаламоқ учун усмонли султонларининг қўли етмайди. Ўз салтанати ҳудудларини эплаб ҳимоялаб олсалар ҳам катта гап. Сиздан бошқа ҳеч ким на Турон тарафдан ёки Ўрда ёқдан бўлсин бу ишнинг уддасидан чиқадиغان султон зоти қўринмайдур. Бу менинг, аввало, турк ва сўнгра мусулмон бир инсон сифатидаги рижойимдур. Бу барча мусулмонларнинг хоҳишу иродасидир.

Темур Шайх Иброҳимнинг фикрига “ҳа” ҳам демади, “йўқ” ҳам демади. Узоқ хаёл сургунча бошини ирғади.

– Сизни тушундим. Мендан хабар бекланг, – деди анчадан сўнг, унинг чап елкасига ўнг кўлини қўйиб. – Биз ҳақ йўлдан боруرمىз ва Оллоҳ ҳамиша бизга ўнг кўзи ила боққай! Барчаси сиз ва биз истагандек бўлғусидир.

Гуржиларнинг Турон ўрдуси билан ҳисоблашмаслигига асослари бордек эди. Улар ўзларини ўраб турган тошқиррали тоғлар, шу пайтгача ҳеч бир қўшин ўтмаган чангалзор ўрмонлардан ҳар қандай душман ўтиб келолмайди деб ўйлардилар. Улуғ Амирнинг фармони билан ўрмонларни кесиб, ўтгиз минглик черик ўтадиган йўл ҳозирлаш учун ҳар ўнликдан учтадан навкар қурол-аслаҳаси ва ўн кунлик озуқаси билан сафарбар этилди. Черикнинг қолган қисми билан ўғруқ Қорабоғда қишлаб тураверади.

Ярим йилдирки қўшин урушмай, еб-ичиб ётарди. Шом сафари олдидан Темур оёғи чигилини ёзиб, лашкар машқини кўрмоқ истади. Аскар емаги учун эт ҳам лозим эди. Темурни безовта қилган яна бир нарса бор эдики, Гуржистон подшоҳи Георгий еттинчи ҳамон – Султон Аҳмад Жалойирнинг ўғли шахзода Тохир Жалойирни иттифокчи сифатида меҳмон қилиб турар, махфийлар хабарига кўра, биргалашиб Темурга қарши курашмоқ режасини пишитишарди.

Бек ва мингбошилари билан машварат ўтказган Темур Георгий еттинчининг ўзига бўлган муносабатини билмоқ учун унга мактуб йўлламоққа қарор қилди.

“Салом сенга, малик Гўргин! Агар ўз жонинг ва хонумонинг саломатлигини хоҳласанг, Султон Аҳмаднинг ўғлини биз томонга юбор. Шунда ғалаба ёр лашкар қаҳридан омон қоласан! Вилоятинг ҳам ўзингга топширилади.”

Гуржистон подшоҳи Георгий еттинчи Темурнинг хос элчисини жуда совуқ, елкаси тиришиб, ҳатто ижирғаниб қабул қилди. Ёнидаги князлари эса элчинини ўлдириш лозимлигини таъкидлар эди. Хушёр Георгий уларнинг кутқусига учмади.

– Битта турк элчиси учун усиз ҳам кўп бўлмаган халқимизнинг қирлиб кетишини истамайман! – дея қаҳр билан жавоб берди подшоҳ вазирларига. – Энди барчанг урушга тайёргарлик кўравер! Оқсоқ Темур бу жавобимиз учун бизни кечирмайди. Ўлим-қолим урушига кирадиганга ўхшаймиз.

Гуржи подшоҳининг ажин босган буғдойранг юзидан қон қочиб, буришди. Миллати буюк бир фалокат олдида турарди. Бироқ у ўз халқининг урф-одатига қарши бориб, уйда меҳмон бўлиб турган мусофирни душманига топшира олмас эди. Ақлининг бир четида арзимаган қочоқ бир шаҳзода учун шундай буюк ўрду машаққат чекиб устимизга босиб келмаса керак деган фикр ҳам йўқ эмасди.

Хос элчи қайтиб келиб, бўлган гап-сўзни улуғ хоқонга оқизмай-томизмай етказди.

Улуғ Амир ўнг қўлини кўтарганча, бош муншийга сўнгги фармони олийни сўйлади:

– Черик Гуржистон ва Арманистон фатҳига ҳозирлансун ва эртан сабоҳдан йўлга чиқсун! Ҳар кимки тилини калимаи шаҳодат била очиб, исломига кирар экан, омонлик берилсун! Жиҳод қисқа фурсатда ниҳоясига етказилсун!

Турон ўрдуси, бир ерда депсиниб, куч-қудратини қай тарзда сарф этмокни билмай турган эди. Суворийлар ёй ўқи мисоли гуржи вилоятлари устига ёғилдилар.

Гуржистоннинг бошкенти Тифлис шаҳрига етгунга қадар ўн беш қалъа фатҳ этилган эди. Темур лашкарини кўрган Георгий еттинчи урушмоқ фойдасизлигини англади.

Улуғ Амир Тифлис муҳофазаси ва шаҳарда тартиб сақламоқ учун Хуросон лашкарини қолдириб, ўзи ҳеч бир шаҳару кентга сизмайдиган катта қўшин билан Макрон даштида тўхтади.

Вазияти хароблигига ақли етган Георгий от устида давлатининг улуғ кишиларини тўплаб, Темур хузурига тавба тазарру учун юборди. “Мен борсам теримни шилади у ёввойи”, деди у кўз ёшларини артиб.

Гуржистоннинг номдор кишилари ер билан битта бўлиб улуг хоқон хузурига келдилар. Узр тиладилар. Антиқа совғалар келтирдилар. Темур уларнинг узрини қабул қилиб, исломга ўтишга даъват этди. Улар секин-аста калимаи шаҳодатни қайтариб, тўп-тўп бўлиб, ислом динига кира бошладилар.

Темур Саидхожани Самово йўлидан илғор сифатида жўнатиб, орқасидан ўзи етиб келди ва Гори¹ манзили атрофида қўш ташлади. Амир Жаҳоншоҳни эса гуржи подшоҳини қидириб топиш учун отлантирди. Бироқ тўқайзору тоғу тош оралаб қочиб юрган Георгийни тутишнинг имкони йўқ эди. Уни қувиб бориб Зурят қалъасига дуч келдилар. Беш кунлик қамалдан сўнг қалъа забт этилиб, бузиб ташланди. Шу дақиқада қоровуллар Георгийни Сванет қалъасида турганлиги ҳақида хабар келтирдилар. Суворийларнинг жилови Сванет томон бурилди. Бироқ Георгий қалъани тарк этиб, Абхаз томон қочиб улгурган эди. Георгийнинг кетидан никовуллар, яъни суворий таъкибчи лашкар гуруҳи жўнатилади. У Курлон ва Ййғир дарёларидан бир амаллаб ўтиб, жонини қутқариб қолди.

Ғариб бир қиёфада, устидаги кийимлари титилиб кетган гуржиларнинг номдор подшоси Георгийнинг ёнида думдек эргашиб, юрагини ховучлаганча, шаҳзода Тохир Жалойир ҳам борар эди. Мулзамлик ва хижолатдан иккиси бир-бирининг юзига қарай олмас, бошларини қуйи эгиб, ҳансираб нафас олганча бундан буён не қилмоқлик хусусида ўйлашарди.

— Энди мен сизни ҳимоя эта олмайман. Аҳволимни кўриб турибсиз, шаҳзода ҳазратлари. Қайтамга менга эргашиб, ёш жонингизга жабр қилманг. Бизга келган билгиларга кўра султон отангиз Султон Ййлдириим Боязид хузурига

¹ Ушбу воқеалардан беш асрча вақт ўтгач, бу ерда Иосиф Виссарионович Жугашвили (Сталин) туғилади ва Темур қилган ишлар учун 1937–1953 йилларда ўша пайтда СССР таркибига қирган турк-мусулмон республикалари халқларидан ўч олади. У сархуш бўлганида доимо Темурни бўралатиб сўқар эди.

паноҳ истаб борибдилар. Тўғри қилибдилар. Миср ва Шом маликларига ишониб бўлмади. Улар усмонлиларни ҳам, жалойирларни ҳам ҳуш кўрмайдилар. Сизларга биргина усмонлилар яхшилик қилиши мумкин. Бир амаллаб усмонли худудларига етиб олинг. Шундагина Темур деган худонинг балосидан қутуласиз. Бизнинг эса бу теварак-атрофда қочиб боражак еримиз, ишонган кишимиз йўқ. Византиялик ва слав диндошларимиз эса узоқда. Улар ҳузурига етиб бормоқ учун ҳам ислом давлатлари мулкларидан ўтишга тўғри келади. Бир худо ва тоғу тошларимиздан бўлак паноҳимиз қолмади, — деди феъли ўзгарган гуржи малиги йиғига ўхшаш овозда.

Шаҳзода Тоҳир Жалойир икки кун бурун Георгийнинг бирдан ўзгариб қолганлигини пайқаган эди. Иккисида ҳам йигирма чоғлидан одами қолган, княз четроққа чиқиб, ўз тилида кишилари билан гужурлашиб талашиб тортишарди. Шаҳзода гуржи навкарларнинг талабини пайқамай қолмади. Улар ўз подшосига “шу бир одамни деб бутун бошли кўшиндан, уй-жойимизу ўлкамиздан айрилиб, қочқин ҳолига тушдик. Уни Темурга топширайлик-да, бу ғавгодан қутулайлик” дейишар, Малик Георгий эса “шунча муддат бирга туз едик, уят бўлади, эртага Темур ўз юртига қайтиб кетса яна шулар билан мулоқот қилиш керак бўлади” дея кўнмас эди.

— Туркманларнинг қайи уруғидан бўлган усмонлилар туркларга ётади. Биз жалойирлар эса мўғулларга товунмиз. Азал-азалдан бу икки улуснинг гапи бир жойдан чикмаган. Доимо бир-биридан ҳадиксираб, бир бирига қарши чоратдирини кўриб келган, — жавоб қилди шаҳзода йигитларига кўч-кўронни йиғиштиришга ишора этаркан.

Агарда ҳозир гуржининг қўл остидаги чериги меникидан кўп бўлганида эди, бемалол оёқ қўлимни боғлаб, Темурга совға қилиб жўнатар эди, фикр қилди хаёли қочиб.

— Қўлга қилич олиб жанг майдонига тушганда, эски дўсту душманлик, гина-кудурат унутилади. Уруш — сиёсатнинг энг сўнги, даҳшатли куролидир. Ҳаёт-мамот

дақиқасида қандай қонли йўл билан бўлмасин, бутун куч-қудрат, эътибор асл муддаога эришмоққа қаратилади, иним, — деди тажрибали Георгий, ҳорғин нигоҳда қаршидаги юксак тоғларга маънос боқиб.

— Темур бу ўлкаларда қолғувчи ҳукмдор эмас. Усмонлилар эса бу юртларнинг узоқ йиллик эгалари ва Темур каби борар юртлари йўқ. Шу боис, қандай бўлмасин биз усмонлилар ила муносабатларни бузмаслигимиз керак. Икки сулоланинг умумий душмани эронилар борки, буларга қарши ҳам тадбир олиб юрилмаса бўлмас. Шунинг учун ҳам отам Темурнинг таклифу рағбатларига илиқ боқмадилар. Қолаверса, темурийлар аждод ва қон ўлароқ усмонлиларга биздан кўра яқинроқдир. Улар не қадар талашиб-тортишмасинлар, эртага яна апоқ-чапоқ бўлиб, бирлашиб кетадилар. Уларда “ўзлик-ўзлик топишар, ётга бало ёпишар” деган бир ота сўз бор. Ўртада биз салтанатимиздан мосуво бўлиб, ёмонотлиққа чиқиб қоламиз.

— Рақибидан ақлли ва тадбирли бўлмаган ҳукмдор, менинг ҳолимга тушади, шаҳзодам. Бизнинг хатоларни такрорламанг. Ўйлаб қаралса, ҳар қандай ёмон сулҳ энг-яхши жангу жадалдан афзал экан, — дея кўноғи билан совуқроқ хайрлашди гуржи подшоҳи.

Шаҳзода апил-тапил юқларини йигирма чоғли навқарига орқалатиб, отлари боғлоғлик сой томон инди.

Унинг қаршисида икки нарса — саргардонлигу ўлим ёки Бағдоднинг тахти турар эди. У сўнгги манзилни мўлжаллаб югани билан ютоқиб ўтлаётган арабий отининг узангисига оёқ қўйди.

Малик Георгий улар оти туёқларининг саси эшитилмай қолгунга қадар кунчиқиш томондаги дарага тикилиб турди. Сўнгра ёнига имо билан қўмондонларидан Вахтангни чақирди.

— Агар эпласаларинг, уни қувиб етиб, қўлга олинглар! — Кечаю кундуз мендан шуни талаб қилаётган эдинглар! — деди писанда қилиб қўмондонга.

Вахтанг бош ирғаганча, шерикларига имо қилиб, жа-

лойирлар ортидан қувмоққа тушди. Бирок кечга яқин сувга тушган экмакдай шалпайиб, қўллари бўш қайтдилар. Огдан йиқилиб бир аскар ўлган, бири яраланган эди.

— Уларнинг отлари асл араб отлари эди. Қувиб етолмадик, — деди хансираб қолган қўмондон Вахтанг Георгийга ҳисоб бериб.

— Буни бошда ўйлаш керак эди. Бу ҳаракатинг билан шунча муддатлик кўноқпарварлигимизни ҳам бир пул қилдинг. У бизга дўст ўлароқ, кетгани маъкул эди. Энди эса ашаддий душман бўлиб кетди! Ҳозироқ махфийлар ва чопарларга буюр! Одамларимиз тоғларимизда қочиб юрган Султон Аҳмад Жалойирнинг иккинчи ўғли Султон Исмоилни тутиб, менинг ҳузуримга олиб келсинлар! Халқимни ва мамлакатимни қутқариб қолмоқ учун мен уни Темурнинг олдига олиб бориб, орани очиқ қиламан! Ўз юртимизда ўғрига ўхшаб яшамоқ менинг миллатимга ярашмайди! — барча эшитадиган овозда амр берди малик.

Георгий бошлиқ отликлар жиловларини Шайх Иброҳим давлати ҳудудлари томон бурган эдилар. У қўмондон Вахтангга сўнгги топшириғини берди:

— Ёнингга ўн чоғли йигитни ол-да, тўпа-тўғри Шоҳ Шайх Иброҳим ҳузурига бор. Менинг ҳурмат ва эҳтиромларимни, садоқатим чексизлигини билдир. Орага тушиб, Буюк Темурдан бир қошиқ қонимни сўрасин. Бундан сўнг биз Турон султонига қарши ёғийлик мақомида турмаймиз! Хизматида бўлиб, моли-омон ва божу хирожини тўлаймиз!

Можаронинг сулҳу тинчлик билан битишидан қониқиш туйган қўмондон Вахтанг бир ўнликни олиб, Ширвон томон от қўйди.

Улуғ ҳокон билан гуржилар орасига киришни узоқ мушоҳада этган Ширвон шоҳи охири бу таклифга рози бўлди. Қофиқоздаги насронийларни яхшилаб бир пўстагини қоқиб қўймоқни ҳокондан ўзи сўраганди. Аҳду шижоатда қатъий ва бир сўзли улуғ Амир Ширвоншоҳнинг талабини қойилмақом қилиб ўринлатди. Энди азалий душманлари ундан нажот тилаб келмоқдалар. Бу ҳам тепадагининг иро-

даси. Шох Иброҳим бу дақиқаларни орзу этган эди. Князь Георгий лацкарбоши Вахтангдан сўнгра совға-салом, кўша-кўша оту хачирлар билан яна икки бор элчи юборди.

Улуғ хоқоннинг бағрикенлигини, хар қандай вазиятда, ҳам ишни сулҳу адолат, ярашу битим билан битиришга хайрихоҳлигини яхши билган шох Шайх Иброҳим ҳадяларини юз туяга юклаб устози хузурига отланди. Турумни улуғ Амирга англатди.

— Бир узрини қабул этажагим шул гуржи шоҳи қолган эрди Шайх Иброҳим жигарим. Бир оғиз сўзингиз учун афв чизигини тортдим! — деди хоқон бу каби ишларга суяги йўқ Шайх Иброҳимга кулиб боқаркан. — Бу қавмлар ҳақида менга билги берсангиз маъкул бўлар эди. Ҳеч сўзида турмайдиган улусга ўхшайдилар, чамаси.

— Шундай, хоқон ҳазратлари. Булар бизга кучи етиши мумкин бўлган сония ва дақиқадаёқ тоғ ҳавоси каби тез ўзгарадилар ва тўнларини тесқари кийиб оладилар. Биз, яхудийлар каби пишиқ ва пухта, ғоят ўжар элатлардан кучли ва устун бўлсагина бу худудларда яшаб, салтанат сура оламиз. Акс ҳолда имконини топгани замон киприклари қилг-этмай, бешиқдаги боламизгача чопиб ташламоқдан тоймайдилар. Айниқса, арман дегани бориб турган ажалнинг ўқидир. Ожиз эркан, оёғингизни ўпади. Кучайгани замон эса бошингга чиқиш билан ҳам чекланмайди. Бошингни олибгина кўнгли жойига тушади. Булар билан қўшни бўлиб яшамоқ, кескир қилич тиғи устида юрмоқ ила баробардир, хоқоним, — ичини ёрди Ширвон шоҳи.

— Бироқ яхудий каби ўз имлосига эга бўлган қадимий қавмлардир булар. Бизнинг эски турклар эса ўз имлоларини йўқотиб, чинлар-ла урушмоқдан бешиб, бу тарафларга келиб қолдилар. Бу халқлардан ўрганадиган кўп нарса ҳам бор, — фикр билдирди хоқон. — Аҳмоқ дўстдан ақлли душман афзалдир. Рақибингиз нақадар кучли ва доно бўлса, сиз ҳам шунинг ҳисоб-китобини қилиб, бўйлашиб бораверасиз. Кучсиз ёғийни енгиб ўргансангиз, охири қоқиласиз. Мўлжални шунга қараб олинг, Шайх Иброҳимбек.

— Унинг исломни қабул этмоқ нияти йўқ эмас, — хоқон ҳазратлари, — қўшиб қўйди шоҳ Исмоил.

— Бу масалани унинг ўзига қўйиб беринг. Ўзи ҳал қилсин. Бизнинг ундан талабимиз битта: аҳли исломга озор бермасин! Модомики гап гуржилар мавзусида кетар экан, уларга боғлиқ, яна бир ниятимизни сизга ошкор этмоқни жоиз деб биламан. Уларнинг Йўҳанна деган бўйни йўғон бегини яхши биламиз. Унинг вилоятини тасарруфимизга киритиб, Қорақалқонлик¹ ўлкасидаги диндошларимизни Йўҳаннанинг зулмидан озод қиламиз.

Сиз булар билан эски қўшни ўлароқ яхши муносабатда бўлиб, тинч-тотув яшамоқда давом этинг. Ораларингизга совуқлик солмаслик учун Ахсика сафарига сизни ва қўшинингизни жалб этмадик. Биз юртга дўнғандан сўнг ҳам сиз булар билан ёнма-ён яшаб, муросою мадора қилишингиз керак. Не арз-додлари бўлса бизга сўйласинлар ва биздан домангир бўлмасинлар, — деди улуғ хоқон саропарда саҳнида Шайх Иброҳимни кузатар экан. — Ҳа, сўнг сўзим, — дея яна Шайх Иброҳимга юзланди. — Биз сўнгра Шом томон юрамиз. Сиз бу худудлар аҳволидан хабардор бўлинг ва ҳар ҳафтада менга чопар юбориб, вазиятни билдириб туринг.

Шайх Иброҳим улуғ амирнинг дуосини олиб, юртига қайтди. Бу орада бутун Гуржистон ва Арманистон фатҳ этилди.

Қофқоз ўлкасидан кўнгли тинчиган хоқон оти жиловини Мингкўл воҳаси томон бурди. Яйлови кенгиш, серсув бу ова сурув ва қўшиннинг узокроқ турмоғи учун кулай эди.

Хумоюн ялов Мингкўлга етиб келганида тоғ ва тоғ ён бағирларидаги беш қалъага жойлашиб олган курд ва гуржиларнинг сулҳга кўнмаётгани маълум бўлди. Бош кўмондон олиниши қийин бўлган қалъаларни забт этмоқдан завқ туяради. Ихчам бир черик билан йўлга чиққан хоқон қисқа муддатда беш қалъанинг ҳам ҳисоб-китобини тўғрилади. Ҳар бир қалъага кутвол тайинланди.

¹ Жанубий Гуржистондаги ҳозирда Мцхета деб аталувчи ўлканинг эски туркча номи. Манбаларда Акуска ҳам дейилади. Бу ўлка Месхет ёки Ахсика турк мусулмонларининг ота юрти ҳисобланади.

Бундай тошқалъаларни фатҳ этиш жараёнида қўшиннинг бу борадаги маҳорати синовдан ўтар, такомиллашар эди. Мустаҳкам, баланд девор ва сув тўлдирилган хандақ билан ўралган, мудофаа воситалари ва истехкомлари мукамал бу кўрғонларни олмоқ қўмондон ва аскарлар учун завқ иши бўлиб, турли услуб ва усуллар синаб кўриларди. Қалъа олувчи ва кўприк солувчи мингликлар учун илгари бу уруш, жангу-жадал иши бўлса, тажриба ортгани сари ов овламоқ каби мароқли машғулотга айланиб борарди.

Қалъалар фатҳи баробарида қўшиннинг орқа томони хавф-хатардан холи бўлган эди. Бу юришда Шайх Нуриддиннинг қўшини илғор вазифасини ўтаб, ўзининг юксак ҳарбий санъатини намойиш этди.

Бу фатҳлардан ўтакаси ёрилган Георгий ҳам Темурнинг кўнглини олмоқ учун султон Аҳмад Жалойирнинг иккинчи ўғли Султон Исмоилни тутиб, хоқон хузурига юборди.

Хоқон Мингкўлда қўшинни жамлаш мобайнида бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларни мушоҳада чиғиригидан ўтказиб, тегишли хулосаларга келди. Ўғил ва набиралари туфайли юз берган нохуш ҳолатлардан кўнгли хижил, қалби безовта эди. Набираларнинг бир-бирини емоққа ҳозирлигидан изтиробга тушди.

Валиаҳд Муҳаммад Султон билан амирзода Искандар орасида бўлиб ўтган воқеалар эса фиғонини фалакка чиқарди. Ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, ҳатто хабар ҳам бермай, буюк бобосининг қайнотаси юртига бостириб борган набираси Искандарнинг хатти-ҳаракатидан чўчиб кетди. Муҳаммад Султоннинг бобо ва хоқоннинг бор-йўқлиги бефарқдек бутун бошли Андигон ўлкасининг улуғларини тигдан ўтказганини эшитиб, шом туби қоронғу бўлди. Булар одам бўлмайдурғон кўринадур. Охири бахайр бўлсин, деди ич-ичдан эзилиб. Чек-чегарасиз салтанат фуқаролари ва Мўғул юрти кишиларига бу аҳмоқона жинойтлар Темурнинг ақли-идроки ва амри ташқарисида содир бўлган, унинг бу ишлардан хабари йўқ эди дея қандай англатасан? Қандай ишонтирасан?



ТҮРТИНЧИ БОБ

*Бошсиз элга бош бўлма.
Халқ сўзи*

Хос чопар Эртўғрул Туроннинг сафар хуржунидаги энг юракка тегадиган мактуб бош малика Бибихонимдан эди. “Булар минг бир машаққат билан тиклаган салтанатингизни шу тахлит иш юритсалар, хароб қиладилар. Мисқоллаб йиққан шону шарафингизга соя соладилар” дея куйиниб ёзган эди малика.

Мактублар билан танишиб чиққан хоқоннинг руҳи тушиб, алп қомати чўккандек эди. Кўл ишораси билан ўзини холи қолдиришларини сўради.

Эртўғрулни эргаштирган амир Боботурк бошини эгганча ўз чодир томон юрди.

Самарқанд, Андигон ва Жета ҳудудлари тафсилотларини шогирдидан атрофлича сўраб ўрганган амирнинг ҳам кўнгли хижил, меҳрли кўзлари қардоши каби бўлиб-қолган йигитга ғамгин боқарди.

– Мен садоқатли қулингизга ижозат берсангиз, амир жаноблари? – деди узок сукутдан сўнг хос чопар Эртўғрул тили зўрға айланиб.

– Нега ижозат этайин? – болаларча хайрон бўлиб суҳбатдошига боқди амир.

– Бу адолатсиз, қонли ишларни кўравериб, чарчадим, – деди кутилмаганда.

– Қаёққа кетасан? Ўйлаб гапиряпсанми? Амир Темурдек одамнинг хос чопари урушдан қочган аскардек бир зумда ғойиб бўла олмайди. Бу хатти-ҳаракатинг нотўғри тушунилади ва бунга йўл қўйилмайди. Тил ва ҳаракатингга эҳтиёт бўл. Атрофинг тўла айғоқчи ва хоин.

Сенинг мақомингга етмоқ орзусида юрганлар ҳам сочинг тукидан кўп. Недан бирдан бу фикрга келдинг? – шогирди кўзига тик қараб сўради амир.

– Қаерда бўлмайин сизнинг маслаҳатингиз ила иш татажакман. Зотан сиздан бошқа ҳеч кимим йўқдир. Маъкул кўрсангиз Ойқор тоғи этагидаги Новқат кенти устига ерлашсам. Кўй боқиб мол-ҳол қилиб, кунимни кунласам, – жавоб қилди чопар терга тушиб.

– Сен ўйлаган иш менингда орзуйим эди, Эртўғрул. Менида бу югур-югур, бу сарсону саргардонликлардан чарчамаган деб ўйлайсанми? Бироқ сиёсату салтанат асри бўлиб, ўз кўлим билан оёқ кўлимни боғлаб қўйганман. Энди бизга чекинадиган жой қолмаган. Салтанатнинг катта ташвиши билан юрган номдор одамлар энди Ойқорнинг бир сойи, ёхуд Новқатга сиғмайди. Биринчидан, устозни ташлаб кетмоқ, сотқинлик ила баробардир. Иккинчидан, устознинг кўзини ёғини еб, коса лаби каж келган дамда сотмоққа ҳозир турганлар атрофларида етарли қадар бор. Ул кишим менга ўзлари каби ишонадилар. Бу эътиқод, инончу ишончни қандай-суийестемол-қилмоқ мумкин? Сен менинг одамимсан. Сен тарафдан содир этилган ҳар бир ҳатти-ҳаракатнинг орқасида мен турганлигим ҳатто отингга ҳам аён. Кишнаб, гижинглайди. Ёки сўзим нотўғримми? – гапдан тўхтаб сўради амир шогирдининг юзига боқиб.

– Тўғри! – деди шогирд паст овозда.

– Баракалла! Сени тушуниб турибман. Қорадарё бўйидаги қотиллик руҳиятингга қаттиқ таъсир қилган. Бегуноҳ кишилар қатлидан изтироб чекмоқдасан! Ҳақсан! Виждонлисан! Ноҳақликка юз буриб кета олмайсан! Инсоннинг ҳақиқий инсонлиги ҳам ана шунда. Қалбида ҳақу ҳақиқат ҳис-туйғуси кўз очмаган ёки сўнган кимсалар бу каби воқеаларга кўз юмиб кетаверадилар. Хоқоннинг ёнида туриб, Табриз зиёлиларини дор остидан кутқариб қолмоқ ҳеч кимнинг кўлидан келмаганидан мен ҳам ўзимни қотил санамоқдаман. Бойси, шу давлатнинг бир бегиман. Турон салтанати дегани бу фақат хоқон Темур дегани эмас. Шу-

нинг баробарида ким бўлмасин, хоқондан тортиб сен каби чопар ёхуд Фарход фаррошгача яратганинг ожиз; кул бандасидир. Одам боласи ҳеч қачон ўзи истагани каби яшай олмайди. Фақат кўнглига ўтирган кишиларни ўз атрофида йиға билмайди. Бунинг иложи ва имконияти йўқдир.

Ҳаяжонланган амир гапдан тўхтаб, хонтахта ўстидаги мева сувидан ҳўплади. Томоғини қириб қўйиб, сўзида давом этди: — Халиям болалигинг бор экан Эртўғрул, деди босиқ оҳангда амир ўйга толиб. — Бу ур-сўр, бу жоҳилият замонида Ойқор тоғи этагига бориб олиб, тинчгина тирикчилик ўтказаман деб ўйлайсанми? Атрофингдалилар сени бирор жиноят қилиб қочиб келган ёки ҳукмдор ҳайдаб юборган деб ўйлайди. Мен ва сен каби оддий ўлим бандаларининг ўз ихтиёрларимиз билан кимсан жаҳонгир Темур хизматида истеъфо ила чекиниб, хилват бир тўшада кун кечирмоққа аҳд қилганимизга Ойқор тоғининг шоҳи саналмиш энг хурматли малла айиқлар ҳам ишонмайди, — сўзида давом этди амир кулиб.

Устозинг гапига чопар ҳам кулди. У энги билан пешона терини артганча амирнинг оғзига қараб ўлтирарди.

— Бундан ташқари бир тоғнинг орасига бориб, кун кўрмоқнинг ўзи бўлмайди. Осмонда юлдуз куп, қирда қирғиз кўп дегандек, тоғу тош борки қочган-писган, ўғрию қароқчига тўла. Бунинг устига Зомину Қорақишлоқ йули азал-азалдан қарвон ва ўтган-кетганлар учун хавф-хатарли йўл бўлган. Қарвонни талаган қароқчилар тоғ орасига кириб кетганлар ва уларни излаб топилшининг имкони бўлмаган. Кечмишда бу тўдалар жуда куп кишиларнинг хунига зомин бўлганлар. Шу боис ҳам Пишағарнинг этагидаги кентни Зомин деб атайдилар. Сомониилар давридан бери у ер шу номда аталади. Ундан ташқари сен айтган худудлар Самарқандга яқин. Бир манзил масофа. Кечмишдаги каби ҳукмдорлар қамоннинг ўқидан тез-тез алмашиб турса борми? Бири эмас, бири сурувингни тортиб олиб, ўзингни махв этмаса-да кул ёки асир қилиб олиб кетади. У ерларда муқим

яшаб бўлмайди. Айни замоннинг шарт-шароити, ёзилиб-ёзилмаган тартиб-қоидаси шундай. Бироз шошмай тургин. Бу юртларда кезиб, янги-янги мамлакатларни кўрмоқ, элу элат, одамларни ўрганмоқ ҳам катта мактаб, сабоқ. Бу ҳам ҳар кимга насиб этавермайди. Ношукурлик қилмаслигимиз керак. Улуғ устоз мендан “Шоҳруҳияга ҳоким бўлиб борасанми?” дея сўраган эдилар. “Сиз Ёрайлоққа чўпон бўлиб бор десангиз ҳам кетавераман” дея жавоб бергандим. Балки эрта-индин мен Шоҳруҳияга бош чўпон, сен эса чўлик этиб тайинланармиз. Шоҳруҳия атрофидаги тоғ ва яйлоқлар ҳам чорпочилик учун ғоят қулай. Бироз беклайлик. Устоз яна оғиз очиб қоларлар. Ул кишим сўз ва қатъият одами-дир. Ҳеч бир калималари ва берган ваъдаларини эсдан чиқармайдилар. Атабек Барлостурк бобо каби сени ҳам ўн минглик бой қиламиз. Бизга моддий дастак бўласан.

Эртўғрул чордона қуриб, бошини эгганча устозини тинглар, кўзидан сизаётган ёшни сездирмасликка ҳаракат қиларди. Амир ҳамон чодир эшигига боққанча шогирдига насиҳат қиларди.

– Биласан-ку, Эртўғрул, менинг ҳам-ҳеч кимим йўқ. Ҳокимият тепасига қанча юқори кўтарилсанг, шу қадар қариндош-уруғдан узилиб, узоқлашиб кетар экансан. Кўз яқин, кўнгил яқин деганлари тўғри экан. Хешу ақрабо ҳам бўри оралаган сурувдай тум-тарақай бўлиб кетган. Укам жигарим ўлароқ сендан яқин кишим йўқ. Кетсанг бағрим ярим бўлиб қолади. Усиз ҳам кўнгил ярим...

Амирнинг овози ўзгариб, кўзида ёш ғилтиллади. Эртўғрул ўтирган жойида устозини қучоқлаб бағрига босди.

Устоз шогирд анчагача бир-бирларини қўйиб юбормадилар...

– Амир Соҳибқирон пири устозлари Мир Саид Барака ҳазратларининг дамқисма хасталигига чалинган қардошлари, мударрислар устози Мир Саид Халилуллоҳ жанобларига Навқатнинг кун чиқиш томонидаги хушхаво сойни теварак-атрофи билан суюрғол қилиб бергандилар. Мударрис ҳазратларини иқто этилган манзилга элтиб қўймоқни менга буюрган эдилар. Зотан, мударрисга бу масканни суюрғол қилиб

бермоқни улуғ ҳокон ҳазратларига мен айтган эдим. Вақти соати етиб салтанат хизматида қолсам ёнларига шоғирд ўларок келмоққа сўз берганман. Буни қараки, икқимизнинг кўнглимизга ҳам худо бир ниятни солган экан. Дилимиз ва тилимиз бир бўлгани боис ҳам ака-ука, жон-жигардан да яқин қардош бўлган эканмиз, Эртўғрул, — деди амир, шоғирдига дардини тўкиб. — Бу дунёда фақат бир нарса, орамиздаги меҳр-муҳаббат, улус учун қилинган хайрли иш қолади. Қолган барчаси ўтқинчидир...

Ҳаяжонини босмоқ учун амир бот-бот ти олиб, дам-сар урарди. Шоғирдига ғамгин тикилган устоз сўзида давом этди:

— Эртўғрул, жигарим. Тоза қонли асл авлодим. Шунини унутмаким, биз давлату салтанат хизматида четлашиб ота-боболаримиз машғул бўлиб келган тирикчиликка қайтган кунимиз эришганимиз барча унвону рутбалардан ажралган, юксалганимиз мартабадан тушган саналамиз. Тушганининг эса дўсти бўлмайди. Асл одамгарчиликдан узоқ кишилар бирда кутарилганида ёру-дўстларини унутиб йўқотсалар, бирда мансабдан тушганларида улардан айриладилар. Мулки давлат, тожу тахт, менман деган кишиларнинг ҳам кўзини кўр, қулогини қар қилганини кўрдим. Бирок нақадар яхши, не қадар ҳалим инсон бўлмагин амал шохсупасидан инганинда аҳду садоқатдан дами лоф уриб юрган жон дўстларинини ҳам сенга нисбатан муносабати ўзгаради. Нафақат ёру дўстларинг, хешу ақраболаринг, ҳатто болаларинг ҳам. Не қадар юксалсанг, сени кутар-кутар қилгувчи амалинг дўстлари кўпайгани каби рақибу душманларинг ҳам ортиб бораверади. Аслида энг жонқидо дўстинг ҳам сенинг юлдузлашмоғининг ҳам эта олмайди. Юз-юзга тушганда сени кўкларга кутарса-да, ичидан қиринди ўтиб турган бўлади. Боиси, инсонлар, авлод-аждодингми ёхуд етти ёт бегонами ким бўлмасин, қонан ва табиатан ўзгаларнинг омаду муваффақияти, олий мақому мулки давлатини ҳам эта олмайдилар. Омади келиб, иши юришганларга доимо ҳасад ва ёғийлик кўзи билан боқадилар. Бу қусур одам зотининг қонида, қафа ёписида мавжуддир. Не қадар буюк

ва улуғ инсон бўлсанг, рақибу душманларинг ҳам шу қадар катта ва кўп бўлади. Кичик ва паст кимсаларнинг рақиблари ҳам ўзлари кабидур. Аҳмоқ ва нодоннинг эса душмани бўлмайди. Кишилар улардан ўзларини олиб қочадилар ва нафратланадилар. Бундайлардан барча бирдек хавфсирайди ва чўчийди. Эс-хуши жойида бўлмаган номи улуғ супраси куруклар ақли-хуши бутунларнинг ёнида ўзларини эмин-эркин ҳис этиб, роҳат-ла оёқ узатиб, яшай олмайдилар. Иложу имкони топилган захоти уларни йўлдан олиб ташлайдилар. Зотан, қоронғуликнинг душмани ёруғликдир...

Кўнгли тўлиб кетган бек бир зум тин олиб, яна шарбат хўплади. Чодир эшигининг куёш нурида товланаётган қизғиш рангига тикилганча сўзида давом этди:

— Йигирма уч ёшимда устоз амирлик рутбасини бердилар. Бу албатта дарёдан сув бағишлаган улуғ устоз ҳазратларининг чексиз иноятлари ва ишончларидир. Салтанатда энг ёш бек эдим. Бу мартаба менинг етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган, ақлимнинг бир учидан ҳам кечмаган эди. Шунда теварак-атрофимдаги кишиларнинг бирдан ўзгариб шайтонлаганларини кўриб ҳайратга тушганман. Бир душманим ўн, бир рақибим минг бўлган. Зотан, бу пайтда, мен иту битга ҳам яхшилик қиладиган, одамлар хизмати учун елиб югурадиган, ҳеч кимга бирор бир ёмонлик қилишга улгурмаган бир ёш йигит эдим. Кимсанинг сўзини қайтармас эдим. Оллоҳ мени улуғ устоздек шахсият ишончини қозониб, унинг-ла баробар ҳалишмоқни насиб этган, қўлим узун, сўзим сўз экан, барчага бирдек яхшилик қилишим, менга иши тушганларнинг кўнглини олишим, оғирини енгиллатмоғим керак дея ўйлар ва амалда кўрсатмоққа интилардим. Ўйлаб ўйимга етганимда, инсон дея аталмиш махлуқотнинг хийлаю найрангларини ақлим доираси, идроким уфқи қадар англаб етганимда ҳар қандай хом сут эмган бандаси ўзгаларнинг ўзидан ўзиб кетишини ақлига сиғдира олмаслигини фаҳмладим. Ҳатто вали ёхуд авлиё, даҳо ёки пайғамбар бўлсанг ҳам атрофингдагилар сенинг ақли-салоҳиятингни ўзларининг бурнидан нарини

кўрмайдиган закоси билан ўлчамоққа ўрганиб қолган эканлар. Киши не қадар жоҳил ва мутаассиб бўлса, шу қадар ўжару нодон бўлар экан. Ўжарлик эса жонзот қавмини безағувчи хислатдир. Одам боласини англамоқ жаддида бўлган, ҳар қандай шароитда уни тушунмоққа ҳозир турган инсон ҳақиқий инсондир. Ҳақу ноҳақманми ўзим амал қилган бу тўпори ҳаёт, фалсафам, тажрибаларимни сенга айтиб кўймоқни акалик, қардошлиқ бурчим деб билдим. Балки айрим кўнуларда юзда юз ҳақ эмасдирман. Бироқ яқин кишилар ҳар замон фикр алмашиб, ўз кўз қарашлари, фикр-мулоҳазаларини тафтиш қилиб турмоқлари лозимдир. Бу дунё инсон меҳр-муҳаббатининг устига қурилиб, оқибату садоқатининг нурида, сарчашмасида қад ростлагандир Эртўғрул. Бундан сўнг ҳам инсонлик буюк қалблардаги шафқату мурувват шарофати ила яшаб, яшнағувсидир! Одам зотини, бу ёруғ оламни ана шу энг юксак олийжаноб инсоний туйғулар ушлаб туради, жигарим. Ана шу эътиқодлардан бебаҳраларнинг эзулик ва адолатга даҳли йўқдир!

Амирзодалар Рустам ва Пир Муҳаммад Бағдодга юриш амри берилди. (Амирзода Пир Муҳаммадлар икки-та бўлганлиги боис, Жаҳонгир Мирзонинг ўғлига Кобулий, Умаршайх Мирзо ўғлига Шерозий тахаллуси берилган эди.) Уларнинг бирлашган қўшинига шаҳардан Султон Аҳмад Жалойирни чиқармоқ вазифаси юкланган эди. Хоқон Ҳиндистон сафарида эканлигида, у гўёки ҳеч бир воқеа содир бўлмагандек пойтахтига қайтиб келганди. Бағдод тасарруфи учун қолдирилган кучлар улуғ Амирдан фармон бўлмаганлиги боис султон қўшинига қарши урушга кирмаганди.

Амирзодалар Шерозни бошқармоқни Саид Барлос ва Алибек Исабекларга юклаб, олий ҳукми ижро этмоқ учун Бағдод томон отландилар. Йўл-йўлакай Лури Астарк, Баура ва Бакса кентларини забт этиб, султон лашкарбошиси Али Қаландарга топширилган Мандали шаҳрига етиб келдилар.

Амирзода Искандар Пир Муҳаммад Шерозийни кутиб,

шаҳар кун ботишидаги водийда уч кун турди. Бироқ Пир Муҳаммаддан дарак йўқ эди. Амирзода юборган чопар унинг феъли айниб, ярим йўлда ортга қайтиб, Шерозга борганини айтиб келди.

Шерозлик салтанат рақиблири бўлган форслар амирзода Пир Муҳаммад Шерозий атрофидаги тожиклар билан тил бириктириб, уни халифалик бошкенти Бағдод устига юрмасликка, олий ҳукми бажармасликка кўндирган эдилар. Шу тахлит набира бобоси фармони бажармоқдан бош тортгани.

Бу воқеадан хабар топган Шероз даруғаси Саид Барлос ва кутвол Алибек Исабекнинг боши қотди. Улар аввалига бу воқеанинг юз берганига ишонмадилар. Вазият ойдинлашгач, амирзодани йўлдан урган бек ва мулозимларидан ажратиб олиб, Кўхандиз қалъасига олиб келдилар. Қалъани кўримоқни ўз бўйнига олган Саид Барлос Шерознинг уюлсавобини Алибекка топшириб, улуғ Хоқонга хабар юборди.

Улуғ Амир саропардаси атрофидаги ғала-ғовур кулоғига чалинган амир Боботурк шогирдини эргаштириб чодирдан чиқди. Ховлида Саид Барлоснинг укаси Худойберган Барлоснинг суворийлари туришарди.

– Яна бир нохуш воқеа юз берганга ўхшайди, Эртўғрул, – деди амир улуғ хоқон қопусига яқинлашар экан.

Улар хангу манг амр беклар экан, куйи томондан ҳаллосланганча Халил Султоннинг отабеги амир Худойдод Хусайний келарди. У амир билан бош ирғаб саломлашдида, саропардага кириб кетди. Кўп ўтмай, улуғ Амир Боботуркни ҳам чақиртирди.

– Бу ишни диққат-эътибор билан тафтиш этасиз! – дея буюрди улуғ хоқон амир Худойдодга. – Боботурк ёнингизда бўлади. Турум бир қадар ойдинлашгач, уни илк билгилар ила хузуримга қайтариб юборинг. Сизга вазиятга қараб иш тутмоқ ҳуқуқини бераман. Самарқанддаги суваракларнинг ташвиши етмай тургандек, – деди улар саропардадан чиқар экан улуғ Амир қаҳр билан.

Амир Худойдоднинг чериги ва тафтишчилари Шерозга

етиб келди. Амир Саид Барлосга амирзодани ранжитмасдан мухофаза этишни тайинлаб, Шероздаги вазиятни ўрганмоққа киришди.

Худойдод Хусайний бир кун мобайнида аҳволни ойдинлатиб, фитна иштирокчилари ва гувоҳларни сўроқ қилди. Амирзодани йўлдан адаштириб, бобосига қарши қўймоқда айбланган Муҳаммад Халифа, Саййид Жарроҳ ва Рустам Хуросонийлар ясоққа етказилди. Муставий Қушчининг оёқ-қўли кесилди. Муборак Хожа, Муҳит Шарбатдор ва Шайхзода Фаридлар зиндонга ташланди. Боботурк қайтиб келиши билан улуғ хоконнинг Шероз тахтини амирзода Рустамга берилгани ҳақидаги нишони Ироқи Арабга юборилди. Амирзода Мандалида нишонни олиб, Шерозга қайтди.

Банди Пир Муҳаммад Шерозий Қорабоғга келтирилиб, шармандаларча чўби ясоққа тортилди. Барчанинг кўз ўнгида уни юз дарра урдилар.

Бу ҳолат улуғ Амирнинг руҳиятига жуда ёмон таъсир этди. Амирлару мулозимларидан уялиб, уч кун оқ уйдан чиқмади. Искандар мирзони ёш дейиш мумкин, бироқ Пир Муҳаммад ёш эмас-ку? Ёки ўз жигарию бегона бўлсин, Темурнинг сиёсатидан бездими? Дарҳақиқат, улар бу ҳаётдан чарчагандирлар? Бундай хоинликларни, исёнларни ўзгалардан кутиб ўрганиб қолган эди. Бироқ ҳар бири Миср султонидан-да яхши шароитларга эга бўлган ўғли ва набираларидан?! Кўзи тириклигида улар шунчаликка бориб етмоқдалар. Унинг қазойи қадаридан сўнгра не ҳолатлар юз беражак? Бу шарафсизлар Турон мулкини кўпқари қилмайдилар деб ким айта олади?

Яратган унга тўрт нафар ўғил ато этган эди. Икки тўнғичини қайтариб олди. Мироншоҳ эса айни дамда ўлик бўлиб гўрда йўқ, тирик бўлиб сонда йўқ мақомида яшамокда. Валиаҳд деб истиқболига кўз тиккани Муҳаммад Султон ҳеч бир асосиз равишда салтанат учун хизмати синган, айби бўлса-да жинойтга қўл урмаган одамларни қийратиб, тавқи лаънат ботқоғига ботиб ўтирибди. Валиаҳддан кейин турадиган одам эди бу Пир Муҳаммад ҳам. Наҳотки у эккан дарахтларнинг аксари мева бермаса?

Барча умид кенжа ўгли Шохруҳмирзодан, шекилли. Шу пайтгача унинг ғашига теккан қилиқ қилмаган ягона инсон ҳозирча шу. Балки уни валиахд эълон этмоқ лозимиди? Бироқ бу иш илгарироқ, Муҳаммад Султон валиахд эълон этилмасдан бурун қилинмоғи керак эди. Кеч бўлди. Энди бир ишни бузиб икки иш, этик бузиб кавуш қилгандай бўлади. Ишқилиб у мисқоллаб йиққан салтанат обрўсини бу ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир, ҳаёт ва меҳнат нималигини билмаганлар ботмонлаб совурмасалар бўлди!

Улуғ Амирнинг Мингкўлдаги саропардаси улкан ва маҳобатли чодир эди. Мажлис ва курултой қилса беш минг нафаргача одам сиғарди. Бу сарой шаклидаги чодирга Эро-ну Хуросон, Ширвону Озарбайжон, Арабу Ажам, Арзинжону Трабзон, Курдистону Обулистон (Каппадокия) бекликларнинг беклари келиб, улуғ Амирни зиёрат этиб, ҳисоб бериб, йиллик хирожларини ҳазинага топшириб кетар эдилар. Темур Бағдодга кетган Алп Туркашнинг қайтишини кутаётган эди. Олинган маълумотларга қараганда у ерда икки ёғий – Султон Аҳмад Жалойир билан Қора Юсуф туркман ўртасида ўт чиқиб, Темур қаршисида турган муаммо ўз-ўзидан ҳал бўладиганга ўхшарди.

Эрталаб келиши кутилган Алп Туркаш кечга яқин Мингкўлга етиб келди. Тўхтамай йўл юргани учун ҳорғин, юзлари қорайиб кетган эди. Улуғ Амир ёниб кетадиган даражада зарур гап бўлмаса, уни дам олиб, бироз истироҳат этгач, хузурига келишини тайинлади. Алп Туркаш кўчма масжид ёнидаги ҳаммом сари юрди. Шомга яқин уйғотишини навбатчи навқарга тайинлаб, чодирга кириб чўзилди.

Темур хузурига келганида уйқуси чала, кўзлари қизариб кетган эди. Темур садоқатли мулозимининг елкасига қоқиб қўйди.

– Боракалло, Туркашбек! Ҳеч ким сиз ва амир Боботуркдек тез ва аниқ ишламайди. Агар барча амиру мулозимларимиз сизлар каби тиришганларида эди, ҳозир биз Мингкўлда эмас, Нил дарёсини томоша қилиб ўлтирган бўлура эдик, – деди улуғ Амир уни ўтирмакка таклиф этаркан.

Бу сиз, аъло ҳазратнинг таълимлари. Бул буюк мак-

табдан фақат маънан кўр ва кар одамгина унумли сабоқ олмаслиги мумкин, — назокат билан жавоб қилди Алп Туркаш. — Хизматингизда бўлмоқдин ҳар замон шараф гуядурмиз!

— Бу сўзларингизга юзда юз муносиб бўлганимда мен ҳам тожимни осмонга отган бўлур эдим, — жавоб қилди Темур хижолатдан қизаринқираб. — Ҳеч қачон ўз фаолиятимдан қониқиш ҳосил қилмаганман. Яна қолгани Оллоҳга маълум. Яхшиси, Бағдод тафсилотларидан гапиринг! У ерда не воқеалар юз бермоқда? Давр дарёси кимнинг тегирмонига томон оқмоқда? Шулардан сўйланг, — муддаога ўтди хоқон.

— Амирзода Рустам сизнинг олий буйруғингиз билан амир Севинчакни икки минг чериги билан Султон Аҳмаднинг Мандали кентини химоя қилиб турган амир Али Қаландарни таъқиб этмоқ учун юборган. Али Қаландар Бағдодга кочиб бориб, Султон Аҳмадга Ширвонбекни ўзининг айғоқчиси деб айтибди. Аслида, Ширвонбек Хузистон хирожини йиғиш топширилганда тўпланган мол-мулкни ўзлаштириб, миқдоридан ортиқ бермаганларни ўлдириб, юртда тўполон бошлагангач, боши кетишидан қўрқиб, Бағдод томон жуфтакни ростлаган бизнинг одамимиз эди. Улуғ Темурнинг етқили ноибларидан бирини ўз ҳузурига паноҳ излаб келишини султон илоҳий бир каромат деб билган ва унга шоҳона илтифотлар кўрсатган. Чексиз мол-мулк соҳиби бўлган Ширвонбек султон девонидаги хониму мулозим ва навкарларга олтин танга улашаверади. Али қаландарнинг гапларидан кейин барчадан кўп, ўн минг олтин танга олган Рафи деган навкарини Султон ўз қиличи билан тилкалаб ташлаб, сўнг, бу ишни тафтиш қилмоққа киришади. Султон Ширвонбекни Ўйротга юборгач, орқасидан одам жўнатиб, бошини кесиб Бағдодга элтишларини амр этади. Беклари Ёдгор Ахгачи, Қутб Ҳайдарий ва Мансурлар бу вазифани бажарадилар. Қаҳри кўзиб, барчани хоин деб тахмин қилган султон бир ҳафта мобайнида ўз кишиларидан икки мингини қиличдан ўтказди. Ўзини эмизиб ўстирган онаси ўрнидаги Вафо хотунни Воситга юбориб, оғзига ёстик

бостириб ўлдиртиради. Ўз хотин ва тамгаларидан еттигасини ўлдиртириб, Дажла сувига чўктириб юборади. Ўзича кашф қилган ёғийларини саранжомлаб бўлгач, кемада Дажла сувидан ўтиб, Қора Юсуф туркман элида пайдо бўлади.

– Ҳеч бир чериксизми? – сўради Темур хайрон бўлиб.

– Беш-ўн чоғли навқари билан, – жавоб қилди Алп Туркаш.

– Ҳақиқатан телба ёки ботир бир инсон экан бу Султон Аҳмад Жалойир, – деди Темур бошини қимирлатиб, давом этинг дегандек.

– У бутун Бағдод элини ўзига душман деб билади ва Қора Юсуф туркманга Бағдодни талаб, додини беришни айтади.

– Қора Юсуф туркман лашқари Бағдодга яқин келиб, Дажла бўйида хужумга ҳозирлик кўраётганида Султон Аҳмад Бағдодга қайтиб келиб, туркманлар йўлини тўсади ва уларга анча-мунча нарса бериб, қайтариб юборади. Тафтишларимиз ва махфийларимиздан олган маълумотларга кўра унинг айвоқлари ҳам ёмон ишламайди. У ҳозир Румга, Усмонли Султони Йилдирим Боязид паноҳига қочиб боришни мўлжаллаб турибди экан.

Алп Туркаш билан бўлиб ўтган суҳбатнинг эртаси куни кўшин йўлга чиқди.



БЕШИНЧИ БОБ

...Ҳар кимсанинг тилида бўлган Темурдан эмас, билъақс бутун ислом оламининг таважжухини қозонган Усмонўғшларидан кўрқаман¹.

Султон БАРҚУҚ

Ироқи араб ҳукмдори Султон Аҳмад Жалойир Турон кўшини Шом ва Рум ерларига юрса қай томонга чекинишни узоқ ўйлади. Боши қотганча Бағдоддан чиқиб, Фирот наҳридан ўтгач, оти жиловини усмонли худуди томон бурди.

Ҳалабга етганида ҳоким Темуртош султон йўлини тўсиб чиқди. От-улови дадилроқлар қочиб кутулди. Қўш ва ўғруқнинг ярми асирга тушди. Асирлар орасида Султоннинг синглиси Дилшодбегим ҳам бор эди.

Султон Аҳмад Жалойир Темур кўшинидан кўрқиб қочмаган эди аслида. Хоқонга қарши тил бириктирган дўсти, ҳадафдоши Қора Юсуф билан ораларидан қора мушук ўтган, туркманларнинг машхур амири султонни Бағдоддан суриб чиқарган эди.

Султон Йилдирим Боязиднинг янглиш ҳаракати ва орага нифоқ солувчи султон атрофидаги ғайридинларнинг кутқуси билан Турон урдуси Сивос томон юрмоқ мажбуриятида қолди. Каппадокия яйловларида ёйилиб юрган олий урдуга тегишли ўттиз минг отни султонга қарашли одамлар ҳайдаб кетган эдилар. Бу – кўшиннинг тўртдан бири пиёда қолди деган гап эди.

¹ Султон Барқуқ бежизга хавотирланмаган эди. Орадан юз йилдан ортиқроқ вақт ўтиб, 1517 йилда Ёвуз Султон Салим ўрдуси Миср мамлуқлари кўшинини енгади. Халифалик мамлуқлардан усмонли султонларига ўтади. Улар бу тарихий вазифани тўрт юз йилдан ошиқ муддат шараф ила адо этадилар.

Улуғ Амирнинг Сивосга юрмоқ нияти ҳам йўк эди. Дарвоқе, хоқон Султон Йилдирим Боязидни астойдил хурмат қилар, у каби улуғ мужоҳид турк ва мусулмон хукмдор билан фахрланарди. Ун йил мобайнида унинг давлати чегараларига туташ ўлка ва худудларни фатҳ этиб юрган бўлса-да, усмонли турклар тупроқларига қайрилиб қарамади. Унинг душманлари билан яқинлашмади. Султон аждодларининг дини исломга қилган хизматлари, салибчи ёғийларни ислом ўлкаларидан тозалашдаги қахрамонликларини ҳар замон қайд этар ва кадрлар эди.

Никополь майдонида ғарбликларни тиз чўктиргандан сўнг, унга Йилдирим, яъни чакмоқ каби учувчи деган тахаллус берилганди. Ақлли, зийрак ва жасур Султон Йилдирим Боязид бироз қизиққон ва сабр-тоқатсизроқ киши ва хукмдор эди.

Сивос ҳокими Султон Бурхониддиннинг Қора Усмон Қорақўюнли билан узоқ давом этган ёвлашуви қорақўюнли туркманларнинг ғалабаси билан тугади. Султон Бурхониддин қатл этилди. Сивос ва унинг теварак-атрофини талаган туркманлар ўлжаларини оту-теваларига ортганча кадрдон дашту саҳролари томон чекиндилар.

Сивос Ўрта Шарқнинг ажойиб, жуғрофий қулай ерлашган гўзал шаҳри эди. Унинг катта-катта харсанглардан ясалган сервиқор иморатлари ва мудофаа учун қулай истехкомлари бўлиб, хукмдорлари бу шаҳарда тинч ва хавфсиз яшардилар. Шаҳардаги маҳобатли макбаралар, қадимий обидалар барчанинг диққатини тортарди. Бу ернинг суви тоза ва ҳавоси ҳар қандай одамнинг миждозига мос келадиган бўлиб, одамлари сертакаллуф, сахий ва инсонпарвар эдилар. Шом, Озарбайжон ва Румга туташ бу шаҳар буюк савдо карвон йўлининг устида эди.

Қаландар кўрққувдан Қуръонни қўлига олади дегандек, Султон Бурхониддин қатлидан кейин боши гангиб қолган сивосликлар ўз тақдирларини кимга топшириш ҳақида ўйланиб, узоқ баҳслашдилар. Бу ердаги араб асилли қавмлар Миср Султони Носируддин Фаражга тобе бўлишни

истасалар, салжуқийлар сулоласидан келувчилар Қахрамон ўғилларини чорламоқ лозим деб чикдилар. Сўнгги, асосий гуруҳ эса улуғ ғозий Султон Йилдирим Боязиддан бошқа кимса ўзларини химоя эта олмаслигини таъкидлади. Охири улар сўнгги қарорда тўхтадилар. Зудлик билан Султонга чопар юбориб, уни ўз юртларига даъват этдилар. Бундан илгари Ойдин, Ментеша, Қирмиён ва Қахрамон бекликларини ўзига тобе этиб, усмонли турклар салтанати тупроқларини кенгайтирган Султон Йилдирим Боязидга бу таклиф ёғдек ёқиб тушди.

Аслида усмонлиларни усмонли бўлишига бош сабабчи салжуқийлар эди. Султон Алоуддиннинг пойтахти Кўниё шаҳри бўлиб, ўз мулкининг шимолий-ғарбий томонларини кўриқлаб туриш мажбурияти билан усмонли турклар давлатнинг асосчиси Усмон ўғли (1224–1258) Эртўғрулга (вафоти 1281 йил) Анқара атрофида Сакуд қасабасини атрофи билан берди. Минг икки юз саксон тўққизинчи йили салжуқий султон Алоуддин Кайкубод Учинчи отаси вафотидан кейин унинг тахтига ўлтирди ва у Усмонга бей (бек), яъни амир унвонини берди. Мўғуллар босқини ва истилодидан сўнг салжуқийлар ҳокимияти тугатилгач, минг икки юз тўқсон тўққизинчи йили Усмонбей ўзининг мустақил беклигини эълон этди. Шу тариқа жаҳон тарихида энг узун муддат яшаган олти юз йиллик Усмонли турклар давлати бунёдга келди.

Шавкатли ва қудратли подшоҳ Султон Йилдирим Боязиднинг сон-саноксиз лашкари еру кўкни ларзага келтириб, Сивос остоналарига етиб келди. Давлати қонунқоидаларини бу ерда жорий этиб, шаҳар ва вилоят ҳаётини изга солмоқ учун катта ўғли Сулаймонни Сивосга волий этиб тайинлайди. Улуғ бекларидан Якуб Увроний, Ҳамза Башар, Қуж Али, Мустафо ва Даводорни унинг узангисига қўйди. Сивоснинг даруғаси этиб Мустафо тайин этилди. Мустафонинг ўғли эса Малатияга ҳоким этиб юборилди.

Сивосни сочининг бир туки тўкилмаёй фатҳ этган Султон Йилдирим Боязид ерли халқнинг кўнглини олиб, Ар-

зинжон томон юрди. Арзинжон ҳоқими Тахуртан эса ўз жонини зўрға кутқариб, Темур томон қочди. Арзинжонни ҳам урушсиз қўлга киритган султон, Тахуртаннынг мол-дунёси, хазинаси ва ҳарамини эгаллади. Малика ва канизакларни ўзининг дуч келган қул ва хизматкорларига бўлиб берди. Бу аслзода аёлларнинг вазифаси Султоннинг зиёфат ва маишатларида рақс тушиб, соқийлик қилишдан иборат эди.

Тахуртаннынг мол-мулкани от-туяларга ортган Йилдирим Боязид орқага, Истанбулга қайтиб, шаҳар қамалини давом эттирди.

Арзинжон ҳоқими Тахуртан Темурнинг буюк саропардасини кўриши билан хўнграб йиглаб юборди. У улуғ Амирни астойдил ҳурмат қилар, ҳаётида ҳеч кимдан унингчалик яхшилиқ кўрмаган эди. Тилчилар ва қоровулбеги эса аллақачон бу ҳақда хоконга етказишган, у Тахуртанны кутарди.

— Арзинжон бу ердан неча кунлик йўл? — дея сўради Темур ҳоқимни ёнига ўтқазиб.

— Мен тўхтамасдан юриб, беш кунда келдим! — зўрға хаяжонини босиб жавоб қилди Тахуртан.

— Тушунарли. Демак, бир ҳафтадан сўнг сиз ўз тахтингизда савлат тўқиб ўтирасиз! Ўқинманг, биродарим! Бизнинг садоқатли амиримиз ва Арзинжондаги ноибимиз сифатида вақти соати келиб, у билан тенгма-тенг гаплашасиз. Бироқ у сизнинг авратингизни таҳқирлаб, биз туркларда кечирилмас саналмиш гуноҳга қўл урибди! Замон етиб, бунинг учун ҳам ҳисоб беражак! Куйинманг ва изтироб чекманг! — дея елкасига қоқиб кўнглини кўтарди. — Итнинг марди овга, йигитнинг марди ёвга чиқиб ўлади дейдилар. Биз сизни уларнинг зуғумига ташлаб қўймаймиз.

— Мен сиздан фақат яхшилиқ кўрдим! Ҳаёт эканман, сиз улуғ ҳазратнинг обрўси, шаън-шавкатини бошимга тож қилиб яшагайман! — жавоб қилди Тахуртан.

— Амир Тахуртаннынг елкасига шоҳона тўнлар ёпилсин. Олтин камар ва садаф сопли қилич ҳадя этилсин! Бир подшоҳга лозим бўлган саропарда, оқ уйлар, чодирлар, хиз-

матчи, қоровул ва ошчилар берилсин! Ул кишимнинг хавфсизлигини таъминламоқ учун беш юз нафар суворий ажратилсин! Бул азиз дўстимиз ва биродаримизнинг яшамоғи учун хазинадан, емак ичмак учун неки лозим бўлса истакларига кўра мухайё этилсин! Асира канизаклардан тўққизтаси тухфа этилсун!

Тахуртан ўтирган жойида ҳайкалдек қотиб қолган эди. Ҳақиқатан ҳам бу Темур деганлари шунчаки бир оддий одам эмас экан дея, ҳайратла ақлидан кечарди.

– Биз Султон Йилдирим Боязидга аввал мактуб битиб, инсофга чақирамиз. Ўйлайманки, у бир турк ҳукмдори сифатида бундан буён ўйлаб ҳаракат этар, – деди Темур ҳамон Султонга нисбатан дўстлик мақомида туриб.

Темур Сивосни Йилдирим Боязид мулки деб биларди. Шу боис султонга ёзилажак мактубга жавоб олинмасдан шаҳарга ҳужум қилмади. Фақат Тахуртанни ўз мансабига тиклаб қўйиб, йўл-йўлакай Мординга кирди.

Темур мунший мавлоно Шамсуддинни хузурига чорлаб, Султон Йилдирим Боязидга муносиб бир мактуб ёзмоқни айтди. Улар ўзаро маслаҳатлашиб, макбул бир матн ҳозирладилар. Йилдирим Боязид Тахуртанга ёзган сўнгги мактубида, “керакки, бизга мутеъ ва фармонбардор бўлиб, Арзинжон ҳамда унинг атрофидаги жойларнинг хирожини йиғиб, бу томонга жўнат” дея таъкидлаб, яна бир қанча ўз ҳаддидан ортиқ сўзларни ўйламай-нетмай битган эди. Зотан, Арзинжон Темур салтанати худудига кирганига ўн йилча бўлиб қолган эди. Бу улуғ амирга оғир ботди ва у ҳам ўз навбатида шу пайтгача ҳеч кимдан эшитмаган сўзларни туйгани учун мактуб насиҳат оҳангида бўлиб, бироз қаттиқроқ эди. Зотан, улуғ амирнинг ёши Йилдирим Боязиддан йигирма беш ёш катта эди.

“Бисмиллаҳи раҳманир раҳим!

Бизким Эрону Турон мулкининг хоқони Амир Темур Муҳаммад Тарағай сўзимиз! “Аллоҳ таоло ўз қадри ва даражасини билган ва ўз ҳадди ва мақомидан ташқари қадам босмаган бандасининг раҳмат қилгусидир”. Бугун, худога

шукурки, рубъи маскун мамлакатлари бизнинг тасарруфимиз ва фармонимиз остидадир. Атрофу жавониб малиқлари бизга мутеъ ва фармонбардордир. Мамлакат ишлари тўғри йўлга қўйилган, жаҳоннинг гарданкашлари бизга итоат ҳалқасидан бўйин тобламайдилар. Мамлакатлар сардорлари бизнинг ҳукмимизга саркашлик қила олмайдилар. Жаррор лашкарлар бизнинг ҳамламизга қарши туrolмайди. Айланиб турган фалак бизга мутобаатдан бош тортмайди. Биз сенинг насаб ва хонадонинг аҳволини биламиз ва аслу наслингни таниймиз. Агар ўз ҳаддингни сақлаб, ўз қадринг палоси ўлчамидан ташқарига қадам босмасанг — бу сенинг учун кўп яхшидир. Яна билгинки, сен Бизонс лашкарига қарши ғазот ва жанг қилаётганингни эшитиб, то ҳозирга қадар сенинг диёрингта даҳл қилмадик ва у мамлакатга бизнинг нусратли Турон лашкаридан бирор зарар етишини хоҳламадик. Чунки бу мусулмонларнинг тинчлик-фаровонлиги ва бединларнинг шикасту бахтсизлигига сабаб бўлғай. Ҳозирда сен, иним, мағрурлик мақомига қадам қўйиб, ўз ҳаддингдан ташқари сўзларни айтаяпсан. Ўзингга бориб етмайдиган нарсани истаяпсан. Балони зўрлаб ўзингга тортаяпсан. Тинчлик ва саломатликнинг қадрини билмаяпсан. Биз сен сари борсак, мусулмонлар ташвишга тушиб, кофирлар шодмон бўлғайлар. Зотан, сен кофирлар ила ғазога машғулсан. Зинҳор-базинҳорким атоларинг тариқаларини сақлагил ва аёғингни ўз ҳаддингдан узотмағил. Ўзунга мағрур бўлмағил! Эй сен, қайиқчининг боласи! Орқа-олдингга қара! Оёғинг остида ер, тупроқ турганини унутма! Буни мен ҳам ҳеч қачон унутмайман! Эрта кунда барчамиз сўзсиз бир сиқим тупроқ, ер бўламиз! Бироқ қай шаклда ер бўлмоқнинг фарқи бор. Ўпкангни бос ва ўзингга кел! Ҳар нарсанинг ҳам худуди бор! Агар сен бошдан мени тан олмай ёғий бўлганингда эди, ҳеч нима демас эдим. Қайтамга ҳурматингни жойига қўйиб, муносиб равишда урушар эдик. Бироқ сен сўзингдан қайтиб, нафақат подшоҳлик, эр кишига ҳечам ярашмайдиган ишни қилмоқдасан! Ёки менга бундан ўн йил бурун Эдирнадан ёзган хатингни унутдингми? Ҳали ҳам кеч эр-

мас. Бизнинг даргоҳимиз кенг. Бағримиз очиқ! Яхшилаб, совуқ ақл билан ўйлаб кўр! Заковатингни ишлат. Акс ҳолда бул яхши ишламайдиган бошни топширишга тўғри келади. Ўзингдан кетиб, фитнаю бало эшигини ўз юзингга очма! “Тарк этган нарсангиз (совут)ни тарк этинглар деган иборатга амал қил”! Сўзим тамом! Вассалом!”

Темур иш кўрган ва тажрибали хос элчиси Эртўғрул Туронни хузурига чорлаб, ушбу мактуб ва пайғомларни Султон Йилдирим Боязидга етказмоқни топширди. Самарқанд сафаридан дили хуфтон бўлиб қайтган буюк элчи Туронбек гап-сўзсиз муншийи равшанзамир мавлоно Шамсуддиннинг кўлидан мактубни олиб, улуғ Амирга таъзим бажо келтирди.

– Агар биродаримиз сиз ила инсон каби мулоқотга киришса, англанинг Эртўғрулбек. Биз ул мамлакатни ўзимизга диндош ва миллатдош билурмиз. Шу кунга қадар ҳар доим элчиларига ва раиятига қардошлиқ, инсофу адолат нуқтаи назаридан ёндошиб, усмонли салтанатининг обрў ва шарафини сақлаб келмоқдамиз. Муносабатларда биз тарафдин ахлоқсизлик ҳамда одобсизликка йўл қўйилмади. Бундан буён ҳам иншаоллоҳ, шундай бўлғай. Арзинжон хусусига келсақ, биз уни султондан бурун ўз тасарруфимизга киритганмиз ва ул ҳудуд бизнинг тобеъимиздир. Бу маънодаги даъволари асоссиз ва фитна кўзғовчидир. Барча гапни мактубга сиғдириб бўлмайди. Сиз менинг сўзларимни унга англанинг. Модомики, орада англашилмовчиликлар бўлса, ул кишимга битта-яримта вилоят керак бўлса мен ҳадя этамен! Буни элчилар воситасида ҳал қилишимиз мумкин. Истаса ўз ўғил, қариндош-уруғларини биз томонга юборсун! Улар бизнинг тажрибаларимиздан сабоқ олсунлар. Биз улардан ўрганайлик. Қон-қариндош қавммиз, – астойдил, самимий сўзлар деди хоқон.

Хос элчи Эртўғрул Турон уч ёрдамчиси билан йўл масрафалари ва ҳафталик озуқини хуржунга солиб, асл – ахал ва араб отларига қўнганча Бурса томон учдилар.

Элчи жўнаб кетганидан сўнг улуғ амир таҳорат олиб, пе-

шин намозини ўқиди. Саропарда эшиги олдида Темур ҳада этган садаф қопламали шоҳмот кутисини кўлтиқлаб турган Тоҳир тарихчига шом намозидан сўнгра келишини тайинлади. Бироз чўзилиб, ҳордиқ чиқармоқчи бўлди. Султонга мактуб ёзиш давомида асабийлашган эди.

Чалқанча ётганча, мизғимоқчи эди. Бироқ фикрлар ғужғон ўйнар, хотира тизгини ўй-хаёлларини бундан олти йил бурун Қорабоғда, Султон Йилдирим Боязиднинг элчилари билан бўлган суҳбат воқеаси томон судрарди.

...Султон Мурод Биринчи шаҳид бўлган Приштина шаҳри ёнидаги Косово майдонидаги жанг Оврупанинг учдан бир тақдирини ҳал этган эди. Бироқ шавкатли подшоҳ Султон Мурод Биринчи жангда ўлдирилмади. Уни серб князи Лазарнинг куёви Милош Обилич турк мулозими кийимида, исломни қабул қилмоқчи эканлигини султонга билдириб, рағбатини олмоқ баҳонасида соқчиларни чалғитиб, чодирига кириб чавақлади. Бу ҳолдан турк ўрдуси дастлаб эсанкираб қолгандек бўлди. Серблар турклар қароргоҳидаги бу саросима ва тўс-тўполондан фойдаланиб, усмонлиларнинг кўзини очмоқчи эдилар.

Вазиятни кўриб-билиб, ўша-замоноқ воқеалар жиловини кўлига олган йигирма тўққиз ёшли шаҳзода Боязиднинг ўзи кўшин олдига тушиб, қиличинини яланғочлаганча ёғийга ҳамла қилди. Бу ҳолат бош кўмондонидан ажралиб, ганғиб турган лашкарни тўлқин каби ларзага келтирди. Даҳшатли тўқнашув туркларнинг ғалабаси билан тугади. Ёғий кўмондонлари Лазарь, Вук Браннович асир олиниб, шу ернинг ўзида қатл этилди. Косовода имзоланган шартномага кўра Сербия Усмонли турклар императорлигига қарамликни тан олди. Лазарнинг ўғли Стефан эса лашкари билан Султон Боязид кўшини сафига олинди ва синглиси Марияни Султонга хотинликка берди. Бу ғалаба Византия императори Йўханна Палеологнинг ҳам тўнини бичган эди. Усмонли Султонининг Византия устидан олий хукмронлигини тан олмоқдан бошқа чораси қолмаган эди. Султон Боязид бу билан чекланмади. Минг уч юз тўқсон

ва тўқсон олтинчи йиллар мобайнида Булғария, Македония ва Фессалияни бўйсундириб, Морея ва Мажористонга қадар борди.

Бу фатҳлар Ғарбнинг Фарангистон, Алмония ва Мажористон каби буюк давлатларини ларзага келтирган эди. Улар бирлашиб, солиб юриши уюштиришга қарор қилдилар. Бу фурсатда ҳисобни аниқ олган Султон Боязид ғарбликлар билан асосий тўқнашувга ҳозирлик кўраётган бир дамда Турон саҳроларидан келган, айгишларича, мўғуллар каби даҳшатли, бироқ улардан анча одамшаванда ва ақлли бўлган оқсоқ Темурнинг жаҳлини чиқариб, ўзига қарши қилич қайрашини истамади. Агар айни шу пайтда Темур билан тўқнашса, Ғарбда мағлубиятга учраши турган гап эди.

Шул боис, у ўша пайтда Қорабоғда ўтирган Темур ҳузурига сўз устаси, катта қози Шамсиддин Фаридунбейни арзигулик совға-саломлар ва ғоят назокат-ла битилган мактуб билан юборди. Буюк элчи Темурнинг ўғли Шоҳруҳбек ва амир Шоҳмаликни танир эди. Темур саройининг бу икки буюк одами орқали иззат-хурмат билан улуғ Амир қабулида бўлди. Темур уни илиқ ва самимий қаршилади. Оғаларча бағрига босиб, келганидан боши осмонга етганлигини қайд этди.

— Биз аллақачон муносабатлар ўрнатиб, қон-қардошлик ришталаримизни боғлашимиз, яхши-ёмон кунларда ёнма-ён турмоғимиз лозим эди, — дея лутф этди очиқ чехрали, кулар юзли ва сипо Шамсуддинбекни ёнига ўтқазиб. — Биз бир-биримизни тан олмасак, дўст ўрнида кўрмасак, бу ўринни ёғийларимиз эгаллайдилар, банд этадилар, — алоҳида уқтириб, маъноли оҳангда таъкидлади Темур.

— Муҳтарам султонимизнинг сиз аъло ҳазратга бўлган ҳурмат ва эҳтиромлари чексиздир. Ул кишим сизни ва-линеъмат деб биладилар ва ота юртимиз Улуғ Туроннинг яккаю яғона, қудратли хоқони деб тан оладилар. Султон ҳазрати олийлари икки гапларининг бирида Турон мулки сизчалик буюк ва адолатли зотни кўрмаганлигини таъкид-

лайдилар. Мактубларида қайд этганларидек, рубъи маскунга подшоҳлик қилиш ва бахту иқбол халъати ҳазрат Соҳибқироннинг муборак қоматига ярашгандур. Шу боис, биз ҳам онҳазратга итоат ва хизматкорлик мақомида турурмиз. Бундин буён оёғимизни итоат ва хизматкорлик ҳалқасидан зинҳор чиқормағаймиз дейдилар, – самимий оҳангда сўзлар эди буюк элчи Шамсиддин Фаридунбей.

– Султон Йилдирим Боязид бу сўзни нечун, не мақсадда ва не қадар самимий сўзлаган сўзламаганлари менга қоронғудир. Бироқ сиз каби дунё кўрган, доно ва фозил инсоннинг тилидан бу каломлар ғоят самимий ва ишончли янграмоқда, – жавоб қилди Темур султоннинг меъёрдан ортиқ илтифотига шубҳали қараркан, улуслараро муносабатлар қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда сиполик билан. – Боязидхоннинг ўз мамлакати мусулмонларини дини ислом ёғийларидан нечук ҳимоя этаётгани ва улар устига ғазо қилиш борасидаги саъйи-ҳаракатлари бизга маълум ҳамда унинг бул жасоратларини қадрлаймиз. Фақат ул зоти олийга Қора Юсуф ва Султон Аҳмад хусусида маълум эътирозларимиз борким, бул ҳақда элчиларимиз султоннинг ўзларига очик-ойдин сўйлагандир. Мен-сизга яна бу хўсуда ўз оғзим билан айтиб, масаланинг не қадар муҳимлигини қайд этмоқчиман. Юқорида исми-шарифлари қайд этилган ул икки кимсанинг мамлакатлари ва табаалари мусулмон мамлакатлари ўртасида жойлашган бўлиб, ҳаж ёки умра зиёратчилари дейсизми, тужжору оддий йўловчи дейсизми уларга ҳар ҳамон одобу ахлоқ доирасидан ташқарида муносабатда бўлмоқдалар. Улар ва атрофларидаги кишилар муфсидлик ва бадқирдорликдан ўзларини тия олмаётирлар. Улар бепоклик ва гўрг раббонийлик тариқига кириб, Батхоға борувчи зиёратчиларни ҳамда Мисру Шомга қатнаб турган карвонларни шафқатсиз талаётирлар. Эндиликда улар муҳаққаж жазодин қочиб, султон паноҳига кирмоқдалар. Бу ҳолатдан Боязидхоннинг не қадар хабари бор-йўқлиги бизга маълум эмасдир. Бироқ султон ноиблари аларга бошпана бериб, ўз жамоатларига қўшиб олгонликлари аниқдур. Биз

буни ўзимизга нисбатан қилинган нописандлик дея қабул этмоқдан бошқа чорамиз йўқ. Бир-икки бадкирдор учун орамизга совуқлик тушишига ҳеч биримиз йўл қўймаслигимиз керак. Бу ҳолат ҳақиқий подшоҳлик мақомларига тўғри келмайди. Султон ҳазратларига сўйланг, ул кимсаларни ўзи бир ёқлик қилсун, ёки тутиб бизнинг илгимизга топширсун. Ёким бўлмаса, мамлакати худудидан ихрож этсун, токи низо ва ёмонлик илдизи қўпорилиб, мувофиқлик ва дўстлик ришталари мустаҳкамлансун. Шундан сўнг, агар ҳазрати олийлари мувофиқ ва маъкул кўрсалар кофирлар устига биргалашиб ғазо қилурмиз, — дея бошини кўтариб элчининг сўзларига муносабатига разм солган бўлди. — Бироқ Арзинжон хусусида султон ҳазратлари ноҳақлар ва буни сиз ул кишимга ийича англадинг, — дея сўзини тугатди.

Сўнгра буюк элчи Шамсуддинбейнинг елкасига зарбоф чопон ташланиб, ўзига ва Султон Боязидга совғалар тақдим этилди. Фурсати бўлса қолиб, ўз амирлари билан танишиб, Қорабоғда бир муддат меҳмон бўлмоқни таклиф этди. Султоннинг сабрсизлигини яхши билган элчи ташақкур билдириб, кетмоққа изн суради.

Темур атрофидаги тартиб-интизом, аскар фаолиятидаги саранжом-саришталик, одамлар юзи ва кўзидаги аниқ мақсад, унга астойдил интилиш ҳисси ва руҳи усмонли давлати элчисида чуқур таассурот қолдирган эди. Наҳотки, Султон бу одамдан фойдаланишни ўйлаб кўрмаган бўлса? Ахир Темур деганлари дўст бўлса бор қиладиган, душман бўлса йўқ қиладиган хоқон экан-ку. Бу фикрларини Султонга айтса, у қандай қабул қилар экан? Ўша оқсоққа сотилиб келдингми дея тутун қайтариб қолмасмикан? Султон ҳазратлари аксари барча подшоҳлар каби оёққа туриб, салтанат жиловини ростакан қўлига тутгунча қадар, барчани кўнглини олган бўлиб, кимлигидан қатъи назар хузурига чорлаб, амал этмаса-да маслаҳат сўрар, яхши гаплар билан ўзига яқин тутиб, сиёсатига хизмат қилдиран эди. Подшоҳликка яқинлашиб бирор нималик бўлиб қолиш орзусида яшайдиган ўткинчи кишилар учун бу

нарса қисматнинг инояти каби бир нарса эди. Ақлли, вазмин, подшоҳликка яқин бўлмоқлик кўпинча ташвишу маломат, келтиришини биладиган фозил шахсиятлар эса бундай таклифу марҳаматларга эҳтиёткорлик билан ёндашардилар. Буюк элчи Шамсиддин Фаридунбей ҳам шу — кейинги тоифа кишилар қаторида эди. Султон чақириб бирор вазифа буюрса бажарар, ўз ташаббуси билан сарой остонасини оёқости қилавермас эди. Доно элчи подшоҳ ва подшоҳликлар иккига бўлинишини яхши англади. Бир тур подшоҳнинг назари тушган одам ҳеч қачон бурни қонаб, завол топмайди. Бирига яқинлашган киши эса фалокатга дучор бўлади.

Дарвоқе, Қорабоғдан қайтиши лозим бўлган элчисини Султон Боязид сабрсизлик билан кутарди. Турон саҳроларидан келган бу одам тек турмас экан, султоннинг барча режалари тўзиб салибчиларга қарши кўраётган чора-тадбирлари пучга чиқиб, бутун тоат-ибодат бир пул бўлади. Нима қилиб бўлса ҳам унинг охурига ем ташлаб, оғзини ва кўлини банд қилиб турмоқ керак. Ул саҳройи амир дунёнинг тизгини ва тақдири бизнинг илкимизда эканлигини англаб етмайди чоғи, хаёл қилди Султон Боязид еничарлари машқини кўриб, қониқиш билан Эдирнадаги саройига қайтаркан. Элчи Шамсуддин не хабарлар билан келди экан.

Султон отини йўрттириб, етиб келганида элчи уни сарой ҳовлисида кутиб турар эди. Улар ҳовлида наридан бери юриб суҳбатлаша бошладилар.

— Темурбек жанобларини гоят жиддий кўрдим, — дея сўз бошлади элчи томоғини қириб қўйиб, ўйчан оҳангда. — Бизга бўлган муносабати ва хайрихоҳлигида носамимийлик йўқ. Астойдил ва очик мақсадларини айтди. Асосий талаби ўша — Қора Юсуф билан Султон Аҳмад. Агар бизга топширмасалар, салтанат худудидан чиқариб юборсинлар дея сўради.

— Ахир Султон Аҳмад билан Қора Юсуф ўз юрти ва раиятини химоя этмоқда-ку, — жавоб қилди Султон Темурнинг бу инжиқлиги гашига тегиб.

– Улуғ Амир ҳам шуни айтмоқда. Модомики, ўзини химоя этар экан, Рум худудида эмас, ўз юртида химоя этсин демоқда. Бу ишни биздан талаб этмаётир.

Султон тўхтаб, чап томонида кетаётган элчи томон ўгирилди-да, тикилиб кўзига каради. Мулозим пардали қилиб Темурнинг сўзини такрорлаётган эди. Чуқур нафас олган Султон йигирма қадамлар индамай юрди.

– Сизнингча, нима қилмоқ лозим? – дея сўради ерга тикилганча овозини пастлатиб.

– Вазият мендан кўра сизга янада очик-ойдин ва равшандур, ҳазрати олийлари. Сиз биздан-да узокни кўра билурсиз. Мен бандаи ожизнинг фикрини сўрасангиз чорак асрдан бери елкаси ерга тегмаган Темурдек подшоҳ билан яхши муносабатда бўлганимиз маъкул. Модомики, Султон Аҳмад билан Қора Юсуф оддий инсоний бир илиқ сўз билан бу муаммони бартараф эта биладилар, яъни туронлилар ҳукмдорлигини тан олиб, арзимас солигини тўласалар бас. Темур уларнинг мартабасини янада ошириб, тахтларини ўзларига ҳадя қилиб кетади. Модомики, иш яхшилик билан битар экан, нечун шул арзимас муаммо учун икки буюк давлат ўртасидаги муносабат бузилсин, – фикрини очик айтди элчи. – Ғозийлар султони, Оллоҳ раҳматига олган бўлсин падари бузрукворингизнинг Темурга муносабати ҳам ижобий эди.

– Сиз менга асосий гапни айтинг, – элчини сўзини бўлди Султон. – Унинг яқин замонида биз томон юриш нияти борми, йўқми?

– Менга кўра йўқ! – жавоб қилди элчи Шамсуддин.

– Бизга шуниси керак, – деди суҳбатни қисқа қилиб Боязид. – Қолганига Оллоҳ подшоҳ! У не деса, шу бўлажак! Мен сизни яна бафуржа хузуримга чорлайман ва кўрганларингиз ҳақида батафсил сўзлаб берасиз, – дея элчи билан хайрлашди султон.

Қисқа давом этган суҳбат тугаган эди. Султон Боязиднинг эс-хуши ўзига қарши юришга ҳозирланаётган овруполик салибчиларда эди. Демак, Темур инсофли ва сабр-

тоқатли одам. Султон ерларига кўз олайтириш нияти йўқ. Боязидхон салибчиларни кулини кўкка совурсин. Буни эшитган оқсоқ Темур сўзининг ҳам оҳанги ўзгариб қолса, ажаб эмас. Султон шу хаёллар билан сарой томон юрди. Овруподан келаётган хабарлар эса бир-биридан нохуш эди.

Гарданига тақдир Болқон мусулмонлари халоскори масъулиятини юклаб қўйган шавкатли подшоҳ Султон Йилдирим Боязид мана шу залворли ташвиш юки остида оғир ўйга толганча тахти томон оҳиста юриб борар эди. Емга ўрганган от тўрва тешади деганларидек, бу Темур дегани бизни ҳам Тахуртан ёхуд Шайх Иброҳим каби бир бек деб ўйлаётир, чамаси. Шундай катта хоқон экансан, шу икки қочоқ билан не ишинг бор? Мамлакатларини сенга ташлаб айикдан кўрққан итдек менинг хузуримга қочиб келган бўлсалар. Тушунмадим сени, Темур!

Икки кун ўтиб у хузурига яна Шамсуддин Фаридунбейни чақирди.

– У сиз билан қайси тилда қўнушди? – дея сўради Султон элчига ўтирмақ учун жой кўрсатиб.

– Мулозимлари унинг араб, турк ва форс тилларида бемалол сўзлаша билишини сўйладилар. Унинг асли турк бўлгани учун саломдан сўнгра туркча сўз бошладим. У хурсанд бўлди. У туркчанинг озари лаҳжасида ҳам гўзал қўнишар экан. Турон туркчаси ҳам мукамал, – жавоб қилди элчи.

– У ростдан ҳам турк эканми? Туркчани билар эканми? – ўрнидан туриб кетди Боязидхон. – Уни мўғул дейишарди-ку?

– У ўзини Турон султони деб билади ва шу унвонда фармонларига имзо чекади.

– Саройида қай бир тилда сўзлашар экан?

– Мулозиму аскарлари туркча гаплашишади. Ёзишмаларида форсча, дину диёнат ишларида араб тили қўлланилар экан.

– Сиз унинг турклигига-ишонасизми?

– Ишондим, ҳазрати олийлари!

— Менинг шубхам бор, — деди Боязидхон ўйга чўмиб. — Мен уни чинлик бир мўғул деб ўйлаб юраман. Мусулмонлигига ҳам шубҳа билан қарайман. У анча-мунча мусулмоннинг ёстиғини қуритган.

— У салтанат ясо-йўсунига бўйсунмаган одамни диндан қатъи назар қаттиқ жазолар, сўзига кирганларни эса ақлбовар қилмас даражада ардоқлар экан. Усмонли шаҳзодалардан бирортасини саройига юборишингизни ҳам сўради, — кўшиб кўйди элчи.

Султондан садо чиқмади. Ўйга толганча хона даричасидан ҳовлига тикилиб қолди. Унинг бир елкасидан салибчилар, иккинчисидан эса Темур тоши босиб турар эди.

— У бир куни осмондан балодек ёғилиб, бошимизга тушадиганга ўхшайди, Шамсиддинбей, — деди табиатига ёт бўлган руҳсиз овозда. — Биз сиз билан узанги йўлдошмиз. Уша энг кенжа ўғли ва еткили амири билан алоқани мустаҳкамлаб, совға-саломлар юбориб, уни тинчитиш керак. Унинг олдига фаранг, византиялик ва бошқа элчилар бўзчининг моқисидек катнамоқдалар. Эҳтиёт бўлмасак, орада ўт чиқаришлари мумкин. Бутун Оврупо бизга қарши курашга ҳозирлик кўрмоқда. Бу гал сўзсиз бизни ер билан яқсон қилмоқларига аминлар. Шу пайтгача улар бу қадар катта кўшин тўпламаган эдилар. Фаранглар сўворийси нари турсин, ҳатто отларига ҳам совут кийдириб, темур зирхга ўраб, биз томон келмоқдалар. Биз эса аскарга совут етиштира олмаймиз. Бу ёғийларни бартараф этсак, сўнгра керак бўлса Темур деганнинг ҳам суробини тўғрилаб кўярдик. У дағдағасини арабу ажам шоҳларига қилсин! Усмонли салтанатнинг шохини қайирадиган ҳукмдор ҳали онасидан туғилгани йўқ!

Султон Боязид сўздан тўхтаб, хос мулозимидан сўзига жавоб беклади.

— Ҳар қандай шароитда Темурдек одамдан ўзимизга душман ясамаслигимиз керак, султон ҳазратлари, — деди оғир тин олгач унинг кўзига тик қараб элчи Шамсуддинбей. — Ўттиз йилдан бери мағлубият нималигини билмай

келаётган лашкар, доимий ва давомли ҳарбий хизматда бўлиб, машқи такомилга етган ўрду билан ўйнашмоқ не даркор? Мен сизнинг кўзингизга ҳар замон худди бугунгидек тик ва тўғри қарамоқни истаيمان. Худойлигимни сўйласам, жаҳонда улардан кўра бизга яқинроқ қавм ва халқ йўқ. Барчамизнинг ота-оналаримиз ўша тарафлардан бу юртларга келганлар. У усмонли тупроқлари ва молмулкига ҳеч қандай даъвойим йўқ дея бот-бот такрорлади. Сўзига ишонса бўладики, сабаби у бунга муҳтож эмас. Чиндан Бағдодгача, Ҳинддан Дашти Қипчоқгача бўлган худудни эплаб, бошқармоқ ҳам осон эрмас. У орийат одамига ўхшайди. Ғурур ва нафсониятига теккан одамни кечирмас экан...

– Ўша дашт тулкисининг кечиринч-кечирмаслигига муҳтож эмасман, – қизишганча элчининг сўзини бўлди Боязидхон. – Мен унинг амири ёки мулозими эмасман!

– Бевосита сиз хусусингизда айтаётганим йўқ. Умумий вазиятни англашмоқдан, ҳазрати олийлари. Мен ноҳақ сўйласам-да тинглаб, қарор бермоқ сиздан. Бироқ сўзим учун жавоб бермоққа ҳар замон ҳозирман, – сўздан тўхтаб гапирайми, йўқми дегандек-султонга термулди элчи. – Амр султонимизнингдир!

– Узр, Бироз қизишдим, – деди Боязидхон чуқур тин олганича ўзини босишга ҳаракат қилиб. Сўнг суҳбатни ичкарига кириб давом этдиришни ишора этиб, ўзи илгари юрди.

– Мен унинг ўрдасидаги турли тоифа одамлар билан сўзлашиб, фикрларини ўргандим. Вазиятни таҳлил этдим. Шу боис сизга ҳақиқатни, эшитганларимни сўйламоқдан. Сизга кўнгилни кўтарувчи ёлғонни гапириб хузурингиздан чиқиб кетишим ҳам мумкин. Бироқ тепамда худо, қаршимда унинг ердаги сояси бор. Эрта бир кунда сиз менинг ҳар бир сўзим учун ҳисоб сўрайсиз. Мен асл турк қонли инсонман. Қонимда бизга ёғий бўлган, икки улуғ турк хоқони тўқнашувидан роҳат туядиган ғайритурк ва ғайримусулмон қони йўқдир. Бундай одамлар бизнинг саройимизда ҳам-етарли қадар бор. Бу кучлар кўза кунни-

га эмас, кунда синажагини англаб етмаклари лозим. Агар инсон инонган сўзини айтгани учун гунохли саналиб, жазоланиши лозим бўлса, бунга ҳам ҳозирман, – деди қатъий оҳангда Шамсуддинбей, йўл-йўлакай сўзида давом этиб.

Султон Боязид қирмизи холи тўшалган каттакон хонага киришгач, кўлини орқасига қилганча, наридан бери юра бошлади. У қанчалик бош қотирмасин, элчининг сўзларини хазм қила олмаётган, Темур ҳақидаги ҳар бир илиқ гап унинг асабига тегиб, энсасини қотирарди.

– Сизни ёшлигингиздан биламан, Шамсуддинбей. Доимо фикрингизда собит, бир сўзли инсонсиз. Сиз бул хусусда чалишмоқда давом этинг. Янгиликлар бўлса сўзлаб туринг. Истаганингиз замон хузуримга кела билурсиз, – деди Султон ҳафсаласи пир бўлган оҳангда.

Шамсуддинбей султон ила суҳбатидан кўнгли тўлмай қайтди. Кейинги пайтларда ҳеч кимнинг сўзига кулоқ солмайдиган бўлиб қолган Боязидхон камдан-кам одамни тинглар, буни ҳам бирор нарсани ўрганиб билмоқ учун эмас, ўша одамнинг теварак-атрофдагилар билан муносабати қай даражадалигини англаб етмоқ учун сўраб-суриштирарди.

Султоннинг кўкайида шундай ҳис пайдо бўлдики, агар ўйинни ўзи бузиб, Темурни астойдил безовта қилмаса, у ҳали-бери бу тарафларга қадам босмайди. У энди оврупо ғайридинларининг ҳисоб-китобини қилиши керак. Модомики, Темур дегани турк экан, мусулмон экан, у билан ҳар қандай шароитда келишиш мумкин. Бироқ гап уқмас ва манман насронийларнинг яхшилаб бир кўзини очиб, таъзирини бериб қўймоқ лозимки, қайтиб бош кўтаришмасин.

Эшик оғаси улуғ беклардан Темуртош ва Бол Фарах пошшолар Султон хузурига кирмоқчи эканликларини айтди. Боязидхон бош ирғади.

Кириб келган амирларига нима гап дегандек маъноли қаради.

– Хочлилар юриш учун тайёргарликни ниҳоясига етказган кўринадилар, – сўз бошлади Темуртош вазмин оҳангда. – Яқинда бу юришда қатнашадиган бутун мамлакатларнинг қўмондонлари тўпланишиб, уруш режаларини сўнг

бор муҳокама этибдилар. Унда Мажористон қироли Сегизмунд бундай дебди: Султон Боязид истаса келсин, истама-са келмасин. Биз келажак ёз арманилар кўмагида Сурияга кириб, Яффо ва Байрут дарвозаларини турклардан оламиз! Сурияга бормоқ учун, бошқа шаҳарларни ҳам забт этиб, Куддуси шарифни фатҳ этажакмиз! Агар Султон бор кўшини билан қаршимизга келса, у билан жанг қиламиз! Агар бу муҳорабада ўлсак, ҳазрати Исонинг лутфига қовушажакмиз!

Султон Боязид рақибининг сўзини диққат билан эшитди. Юзи аввал жиддий тус олди, сўнгра қошини чимирганча мийиғида кулди.

– Подадан олдин тўзон кўтараётган ул муттаҳам ниятига албатта қовушажак! – деди Султон залворли овозда. – Улар кўшини сони қанча эмиш?

– Олтмиш-етмиш минг атрофида. Бундан ортиқ лашкар тўплай олмайдилар, – жавоб қилди лашкарбоши Бол Фараҳ пошшо.

– Шайтонсифат арманиларни нечун йўқлаб қолди у? Де-мак, алоқалари яқин, имконини топсалар бирлашиб устимизга ёпириладилар, шекилли? – лашкарбошини сўроққа тутди Боязидхон.

– Алоқаси бўлганда қандай. Арманилар кўзлари тўрт бўлиб, хочлиларнинг ғалабасини кутиб ётибдилар. Улар сафида армани чериклари ҳам бор. Яқинда Темур арманиларнинг ҳам, гуржиларнинг ҳам адабини берган. Ундан қочган гуржи ва арманилар хочлилар черигига бориб кўшилган. Ми-яси айниб қолган мажор қироли арманилар юртидаги вазиятни тузук-қуруқ билмайдиганга ўхшайди. Унинг бу гапини яна бир мусулмон ҳукмдори Темурга етказмоқ керак. Мабо-до хочлилар у тарафларга ўрмалайдиган бўлса, бизга иш ҳам қолмайди. Оқсоқ Темурнинг ўзи уларнинг танобини тортиб, ҳисоб-китобини тўғрилаб қўя қолади.

Амирлашкар Бол Фараҳ пошшо Султон бекламаган гапларни айтаётган эди. Дарвоқе, бу жуда яхши ғоя. Зо-тан, Темур хатида ва сўзида-султоннинг хочлиларга қарши жиҳодини қўллаб-қувватлаган.

Хочлилар черигининг сонини эшитган Боязиднинг кўнгли жойига тушди. Боиси, унинг кўшини икки юз мингдан ошиқ. Агар у шундай катта ва тартиб-интизомли кўшин билан хочлиларни енгмаса, Султон Боязид исмини бошқа кўйиб, оқсоқ Темур иддао қилганидек, ота касби чўпонлик ёки кемачилик қилишига тўғри келади.

— Ўрдуга амр беринг! Сафарга ҳозирлансун! Биз ул малъунларга қарши йўлга чиқамиз ва учраган жойида ер тишлатамиз! Тилимга бу калималарни Оллоҳ солмоқда ва музаффарият биз томондадур! — деди ғайритабий, ҳаяжонли овозда Султон.

Амирлар апил-тапил саройни тарк этиб, ишга киришдилар. Орадан икки кун ўтиб, икки юз минглик усмонли лашкари Булғаристон тупроқларини тўзитиб, шимол томон кетиб борар эди. Салибчилар эса аллақачон қирол Сезигмунднинг умумий кўмондонлигида Дунай дарёсидан кечиб ўтиб, Булғорияга тегишли Никопол шаҳрини ўраб олишга киришганди. Жадал юрган турк лашкари ҳам Никопол яқинига етиб келиб, сафларини тартибга келтира бошлаганди.

Салибчилар лашкарининг энг кучли, қалби саналмиш черик граф Невер кўмондонлигидаги саккиз минг кишилик француз бўлинмаси эди. Улар сафида италянлар, испанлар, инглизлар, алмонлар, чехлар ва валахияликларнинг ҳарбий машқи маромига етган қисмлари бор эди.

Султон Боязиднинг ҳисоб-китоби аниқ чиқди. Шамолли кун ҳайқирма, товушинг зое кетади деганларидек, туилмаган болага кийим биғиб-тикканган салибчилар Никопол остоналарида бўри оралаган сурувдек тўзиб кетди.

Ўзаги еничарлардан (янги черик демак) иборат доимий машқли ўрду овропаликларнинг бирлашган кўшинини тормор этди. Қирол Сегизмунд бир қисм лашкари билан асир тушмоқдан сўнг сонияларда қутулиб, қайиқларга ўтирганча жуфтакни ростлади. Граф Невер эса қолган-қутган аскари билан кўлга тушди.

Никопол зафаридан сўнг, бутун Болқон ярим оролидаги халқлар ва давлатлар усмонли ҳокимиятини тан олди. Ис-

лом олами кўз тикиб турган Византия давлати ва пойтахти Константинополнинг туруми ҳам ҳавас қиларлик эмасди. Усмонли қамали оқибатида очарчилик бошланиб, аҳвол оғирлашган эди. Император Мануэл Палеолог бошқарувни усмонлилар билан келиша оладиган Йўҳаннага топшириб, Овropa томон йўлга тушди.

Бу зафардан сўнг Султонга елдек учувчи маъносида Йилдирим лақаби берилди ва уни Султон Йилдирим Боязид деб атайдиган бўлдилар. Боязид сўзи Абу Язид сўзининг алмашиб айтилишидир.

Бутун Ғарб давлатлари қиролларининг пайтавасига қурт тушган, уйқусида ҳаловат қолмаган эди. Улар Султоннинг икки юз минглик қўшини ватанига қайтадими ёки Овropa бўйлаб юришни давом эттирадими дея юрак ҳовучлаб кутмокда эдилар. Ёқубпошшо ва Эвернусбейларнинг илғор қисмлари Валахияни забт этиб, Мореяга киргани ва Штиримага етиб келганлиги Афина ҳамда Парижни бирдек ташвишга солди.

Буюк усмонли турклар салтанати тарихининг шонли ва шарафли варақларидан яна бири очилган эди...



ОЛТИНЧИ БОБ

— *Биз худодан бошқа ҳеч кимдан кўрқмаймиз!*
Бисмарк,
Алмония империяси бош вазири.

— *Сен худодан бошқа ҳаммадан кўрқасан!*
Горчаков,
Россия империяси бош вазири.

Хоқон усмонли султонининг турумини яхши билар, салибчилар билан орасида кечаётган чатин муносабатлар ва ҳар икки томоннинг қирғинбарот жангга ҳозирлик кўраётганидан хабардор эди. Ич-ичидан султонни кувватлар ва ундан дини ислом душманларига қарши мужодала ва ғазотда ёрдам сўрашини кутар эди.

Бироқ Косово майдон жангининг қахрамони ўз кучига ишонган ҳолда ислом оламининг тек бир қахрамони ва йўлбошчиси даъвосида бўлгани боис, бу шон-шухратни ҳеч ким билан бўлишмоқчи эмасди.

Улуғ Амир унга чин юракдан дўстлик ва хайрихоҳлик мақомида турар, атрофидаги ҳеч бир кимсанинг султон ҳақида фиску-фасод гапларни ўзига етказиши ва тарқатишига йўл кўймасди.

Овропани титратган ғалабаларидан ҳаволаниб юрган усмонли султони Темур ҳақидаги асл маълумотни элчиси Шамсиддинбейдан эшитган бўлса-да, хоқон ҳақидаги фикри ўзгармади. Курол-яроғлари ибтидоий бўлган қандайдир саҳройилардан чўчимокқа ҳожат йўқ деб ўйлади ўзича.

Аслида эса Боязидхон Темурнинг Султон Аҳмад Жалойир, Миср султони Носируддин Фараж ёки бошқа бир хукмдор ила тўқнашуда синишини кутарди. Бироқ Эдирнадан унинг буюк хоқонлигини тан олиб, мактуб ёзганига ўн йил кечибдики, сочини бирор туки тўкилганлиги ҳақида ҳам нохуш хабар ололмади.

Ёки одамларнинг у ҳақда кўшиб-чатиб гапирган гаплари тўғримики? Дарвоқе, кучли бўлмаса Мисрнинг бўғзигача етиб келмайди-ку? У Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ етиб келган худудлардан ҳам анча илгарига ўтиб кетди. Султон Жалолиддиннинг тайинли бошкенти йўқ, мўғуллар каби чодирдавлат ҳукумат ва ҳокимияти бўлган эди. Бу эса ҳақиқий фотиҳ каби иш тутмоқда.

Соҳибхабар Туркашнинг усмонли тупроғидаги одамлари султоннинг кайфияти ва паст-баланд сўзларини олий мақомга етказиб турардилар. Унинг носамимий хатти-ҳаракатлари кейинги пайтда хоқоннинг ғашини келтира бошлаганди. Бироқ арқонни узун ташлаган улуғ амир ҳамон султон Йилдирим Боязиддан сулҳу англашмага элтадиган жўяли гап кутар эди.

Унга бир сабоқ бериб, кўзини очиб қўймоқ керакка ўхшайди. Бу унинг Арзинжонга нисбатан қилган муносабатига жавоб тариқасида Сивос фатҳи бўлади. Акс ҳолда у ҳаддидан ошиб, яна бирор можарони бошлайди. Боязидхон ўзига келгунига-қадар, Султон Аҳмад-и-ла-Қора Юсуф муаммосини ҳам ҳал этса бўлар.

Хумоюн мажлис Сивос масаласини муҳокама этиб турганда Никополь зафаридан сўнг, ҳали-ҳамон шаштидан тушмаган Султон Йилдирим Боязиддан зид ва салбий жавоб келди. У ўз ерларини ҳимоя этмоқ нари турсин, Турону Эрон давлатининг қоқ марказига бориб, Те-мурни тиз чўктиришни таъкидлаган эди. “Кўп муддатдан бери унга қарши чиқиб, жанг қилишни кўнглимга тугиб юрибман. Ўн йилдирки, у менинг давлатим худудларида ўралашади. Фурсатим етганида эди, аллақачон уни келган ўша саҳроларига ҳайдаб юборар эдим. Бироқ афсуски, бунок жиҳод билан бандман. Ҳозир эса шундай қарор қилдимки, унга юзланмоқ фурсати етганга ўхшайди. Агар у келмаса, мен, Табриз ва Султонияга бораман!”

Улуғ Амир Боязиддан бундан ортиқ жавоб кутмаган бўлса-

да, бу қадар ўзидан кетган оҳангдаги мактубни бекламаганди. Шу заҳотиёқ лашкарни тартибга келтириб, ҳаракатга тушишни буюрди.

Учи-куйрини кўз илғамас Турон ўрдуси дашту биёбон, тоғу дараларни ларзага келтириб, йўлга тушган эди. Кунда икки манзил¹ кўчган лашкар Арзинжонга етиб борди. Арзинжон ҳокими Тахуртан чериги билан келиб қўшилди.

Минг тўрт юзинчи йилнинг йигирма иккинчи августида лашкар Сивосга қараб юрди. Бутун шаҳар атрофини чодиру оқ уй тутиб кетган, бу катта қўшин устидан учиб ўтаётган қуш ҳам қўнишга жой топа олмай толиқар эди.

Хоқоннинг режасидан хабар топган Султон Йилдирим Боязид ўғли шаҳзода Сулаймон ва улуг беги Темуртош кўмондонлигидаги қўшинни рақибга қарши юборди. Турон ўрдусининг салобатини ҳис этиб вазиятни англаган шаҳзода ва бек фурсатни ғанимат билиб, отлари жilовини орқага қараб бурдилар.

Шаҳзода Сулаймоннинг кўркувдан дами ичига тушиб, отини гоҳ учуриб, гоҳ йўрғалатиб борар, амир Темуртош эса асабийлашганча, оти жilовини силтаб, шаҳзодага етиб юрмоққа ҳаракат қиларди. Улар юз чоғли яхши отларни минган хос мулозиму навкарлар билан анча илгарилаб-кетишган, лашкар эса кўз илғамас масофада ортда қолиб кетганди.

— Отангизга сўйланг, мухтарам шаҳзодам. Биз бу тажрибали ва кучли Темур қўшини билан урушмаслигимиз керак! — деди улар пасттекисликка тушиб отлари жilовини бўш қўйганча, бир маромда кетишаётганда нафаси бўғзига тикилиб амир Темуртош. — Агар биз уни енгсак-да, ўз халқимиз учун ҳам, ота юртимиз, авлодларимиз учун ҳам яхшилиқ қилмаган бўламиз. Сабаби, Темур кетса, Туронда ҳокимият яна эронийлар ёки мўғулларнинг қўлига ўтади. Енгилсак, бундан Оллоҳнинг ўзи кўрисин.

— Мен ҳам Темур ҳақида отам каби ўйлар эдим. Қўшинини кўриб фикрим ўзгарди. Ҳақиқатда у билан ёв-

¹ Бир манзил. Катта қўшин отлиғу пиёда бир кунда ўттиз километр атрофида йўл юрган. Шу масофа бир манзил деб аталган..

лашиб, обрў топиб бўлмайди. У жуда ҳам даҳшатли ва раҳмсизга ўхшайди, — ҳамон овози титрар эди шахзоданинг.

— У суйганини султон қилиб, суймаганини ултон¹ қиладиган даражада экан.

— Ўттиз беш санадурки шундай, — шахзоданинг фикри ҳам кўнглидан кечаётган ўйларга уйғун келганини ҳис қилган Амир Темуртош анча дадилланди. — Кўзи очиқ экан, ўз ясо ва йўсулларини, одамларга муносабат тарзини ўзгартирмайди. Мен султон ҳазратларига буни тушунтирмақчи бўлдим. Бироқ имкони бўлмади. Улуғ боболаримиз руҳи ҳаққи-хурмати сиз, буни астойдил англатинг! Худо кўрсатмасин, биз у билан урушсак, бутун Эрону Турон, Хуросону Мўғулистон билан урушган бўламиз. Бу ғалванинг кимга кераги бор? Унинг қаҳрига учраган Султон Аҳмад Жалойир билан Қора Юсуф бизга дўст деб ўйлайсизми? Ўлганнинг кунидан, Темурдан кўркиб, усмонли тупроғини ялаб ўтирибди. Сиёсату салтанат ишида буюк давлат манфаатлари кичик, уфоқ-тефак нарсаларга қурбон этилмайди, шахзодам. Мен бу хархашанинг сўнгида буюк бир фожиани кўрмакдамен. Ишқилиб Оллоҳ хайрлисини берсин!

Улуғ амир Темуртош бу тўқнашув натижаси ўлароқ усмонли кучлари мағлуб бўлса миллат тўзиб, мамлакат парчаланиб кетиши каби мулоҳазаларни ҳам айтмоқчи бўлдию, тилини тийди. Подшоҳликлар тарихида жуда камдан-кам тўғри, ақлли фикр берган бош соғ-омон қолганлигини у отабоболари қисматидан яхши биларди. Тўғри гап, шоҳ нари турсин, туққанингга ҳам ёқмайди.

Улар Қайсариядан ўн чақирим ўтганларида, орқаларидан етиб келган йигирма чоғли суворий Турон чериги уларни қувиб етиб савалагани, бир қисм черик нобуд бўлгани ва қолган қутгани бошини кутқармоқ учун тумтарақай қочганини сўзлади.

Шахзода Сулаймон кўркув чўккан кўзларини, нақадар

¹ Ултон. Ишланган тери. Яъни теридек сийкасини чиқариб, жонини олади дегмакчи.

ҳақсиз, дегандек амир Темуртошга қадади ва ёғий ўзининг ҳам орқасидан етиб келадигандек беихтиёр, товонига учли темир қадалган этигини отининг биқинига ниқтади.

— Мен отамдан черик юбориб, ёрдам бермоқни сўраган эдим, — деди шаҳзода Сулаймон. — Чопарга зўғум қилибди. “Мен Истанбул муҳосараси билан бандман, ўзимга ёрдам керак” дебди аччиғи чиқиб. Энди хузурига қочиб борган суворийларига не деркин? Амирлашкар Мустафонинг тўрт минглик чериги бу катта лашкар қаршисида нима ҳам қила оларди.

Темуртош бошини ирғаганча, бошқа бир сўз демади. Вазият ойдин эди. Охири бир тарафнинг бошини ейдиган ғавғо бошланганди. Темур энди Сивос ва Малатияни олади. Султон Йилдирим Боязид эса унинг бу қилмишини кечирмайди. Худди Темур унинг Арзинжонга нисбатан юритган сиёсатини кечирмаганидек. Бу ҳақда у шаҳзодага ёрилмоқчи бўлди.

Йилдирим Боязиднинг шу худудларга ҳоким бўлган ўғлининг қочганлигидан биринчи бўлиб, жанг пайтида хос чопарликдан ташқари қоровулбеги вазифасини ҳам бажарувчи Эртўғрул Турон хабар топди. Улуғ Амирга чопар ёки қоровуллардан бирини юбормоқчи бўлди. Бироқ сарой тартибига кўра бу одобдан саналмас эди. Оғир бир хўрсинган Эртўғрул отига минди. У Самарқанддаги валиаҳд уюштирган қатлиомдан сўнг салтанатга хизмат қилмоқдан юраги безиллаб қолган эди.

— Авлодим, Эртўғрулбек! Черигингизга қайтмай, бизнинг ёнимизда қолсангиз, — деди Темур унга маъноли қараб. Сўнгра амиру лашкарбошилари томон юзланди. — Сулаймоншоҳбек, Жаҳоншоҳбек, Шайх Нуриддинбек, Севинчак, Шайх Али Баҳодир ва Дона Хожалар! Ҳозирок султоннинг ўғли орқасидан қувишсин! Шаҳзода ва амирларга тиг теккизилмасун! Имкони бўлса шаҳзодани тутиб, хузуримга келтуринг! Отаси англамаган ҳақиқатни балки у тушуниб етар! Сизлар бўшсиз! Йўлингиз оқ, йўлдошингиз ҳақ бўлсин!

Амирлар апил-тапил йўлга чиқдилар. Қайсариядан

ўтгандан сўнг, шахзода Сулаймон черигига етдилар ва уни кийратиб, сон-саноксиз молу мулкни ўлжа туширдилар. Бироқ шахзода ва унинг амирларига етиб бўлмади. Улар кечаю-кундуз йўл юриб, узоклашиб кетишганди.

Лашкарнинг олди шаҳарга етиб, ўрай бошлаган эди. Хоқон кун ботиш тарафдаги теварак-атроф яхши кўринадиган тепаликка чиққунга қадар ҳеч бир кўрсатма бермади. Ҳорғин улуғ Амирнинг кайфияти йўқ эди. Унинг Миср, Шом ва Ҳалаб режаси бузилган, ишлар терсига қараб кетганди.

Феълан, у ҳар бир катта-кичик ишга, аввало, ўзини руҳан ҳозирлар, ибодат ила машғул бўлар ва бу жараён маълум бир фурсатни олар эди.

Кутилмаганда оёғининг остидан Сивос ва Арзинжон муаммоси чиқди. Унинг усмонлилар билан урушмаслик режаси ва қарори бузилган эди.

Шундай қалтис бир шароитда ўзим келмай бошқа бировни юборсам бўлар экан, дея ўйлади Эртўғрул юраги сиқилиб. Сўз оҳанги ва боқишидан амир Боботурк ораларида бўлиб ўтган гапни хоқонга айтган кўринади. Одатига кўра улуғ амир ҳеч бир нарсани эътибордан четда қолдирмайди. Эртўғрул эсини таниб, бундай хотираси мустаҳкам одамни кўрмади. Улуғ Амир кун бўйи юз эллик нафар амиру зобит, мулозиму чопарни қабул қилиб, уларга турли амри-фармон берса-да, барчасини эслаб қолар ва бу буйруқлар ким томондан ҳамда қачон бажарилишини ёдда сақларди. Вазифани вақтида бажармаган маъмурга жазо берилишини барча билар ва шунга кўра бенуқсон ишламоққа ҳаракат қиларди.

– Хўш, авлодим, Эртўғрулбек, қалайсиз? – деди Темур отдан тушиб, хос мулозим олиб келган курсига ўтириб, ярадор чап оёғини узатар экан. – Сивос шаҳрида ҳозир ким ҳоким ва қанча лашкар бор? – сўради Темур оҳиста ва ҳеч бир гап-сўздан хабари йўқдек.

– У ерда Мустафо исмли амирлашкар бор, хоқони ақрам ҳазратлари. Чериги тўрт минг атрофида. Бироқ шаҳарда

бизни жини суймайдиган армани деган қавм ҳам борки, уларнинг нуфуси беш-олти минг атрофида, – жавоб қилди хос чопар Турон, ҳокон қаршисида ҳайкалдек қотиб.

– Яхши. Ҳозирок йигитларингиздан бирини ул биродаримиз Мустафобекка юборинг. Яхшилик ва сулҳ билан шаҳарни топширсин. Биз унга ёмонлик тиламаймиз. Бироқ борган чопарга жавобини зудлик билан берсинки, бу ерда узоқ қолмоқ ниятимиз йўқ.

– Лозим топсангиз хос чопаримиз Эркин Қорани юборамиз. Изн берсангиз ўзим бориб кела билурман, – жавоб қилди Эртўғрул.

Темур ўйга толди. Бир қалъа томон, бир Эртўғрулга қаради-да, ўнг кўлининг кўрсаткич бармоғини Эркин Қорага қадади. Вазифани улуғ Амирнинг ўз оғзидан эшитган Эркин Қора таъзим бажо келтирганча тисланиб, оти томон юрди. Чопар узоқлашиб, кўздан ғойиб бўлгунга қадар Темур унга тикилиб турди. Улуғ Амирнинг ҳисоби бўйича у узоғи билан икки намоз ораси муддатда қайтиши керак эди.

– Ҳузуримда хос чопар Эртўғрулбек қолсин! – деди Темур ёнидагиларга.

Темур тахт вазифасини ўтовчи суянчиқли курси этагига тўшалган гиламни кўрсатиб, Эртўғрулга ўтирмақ ишорасини қилди.

– Самарқанддаги қонли воқеадан ғоят изтироб чекканингдан хабардормен, авлодим, – деди Темур ғамхўр овозда. – Сен менга ота қадрдон бир инсонсан. Бу салтанатни раҳматли отанг Турон Баҳодир каби инсонлар тиклаган. Ўту сувдан тирик чиққан мен қари бўрининг чекига тушди бу оғир вазифани бошқармоқ. Барчаси Оллоҳдан: Сени тушунаман, жаллод эмассан. Қалбинг ва иймонинг бутун, ўз фикрингга, қарашингга эга бир инсонсан. Сенга ҳақ бераман. Онасининг қорнидан шахзода бўлиб тушган ана у эшшаклар жиноятга қўл урганлар. Одатда бир нодонлик, иккинчи нодонликни, бир қотиллик навбатдаги қотилликни туғдиради. Худойлигимни айтсам, мен учун ўзини билмас

авлоддан кўра, сен каби кўзи очик, ўзлигини топган ватан-дошим яқин ва афзалдир! Сени англамаган, англамоққа интилмаган киши кимлигидан қатъи назар сенга охиригача дўст бўла олмайди. У ҳатто жон-жигаринг, қон-қардошинг бўлса-да! Пайғамбаримиз ҳазратлари таълим берганларидек, бундай мунофиқлар энг яқин хешу ақрабонг бўлса-да улардан этагингни кесиб қочасан. Боиси, ўзингдан чиққан хоин ва душман, ўзга душмандан ўн чандон хавфли ва разил бўлгувсидир. Дунёни фатҳ этган жаҳонгир бўлсам-да мен ҳам худонинг бир ожиз кулбандасидирман. Инсон нақадар юксақликка кўтарилгани сари шу қадар ёлғизлашиб борар экан. Ўғлинг еб ўрга кетар, қизинг еб қирга деган гап шоҳу гадога бирдек тегишлидир. Айниқса, авлодларинг тахтинг бўшадини пойлаб ўтирган муттаҳамлар бўлса! – овоз оҳанги ўзгарди улуғ Амирнинг.

Ҳаяжонини босиб биров тин олгач, сўзида давом этди:– Атрофимни ўраган бу одамларга нон ва мансаб бериб турганим учун, ҳато ва жиноят қилсалар кечирганим ва қаттиқ жазоламаганим учун ўлиб-тирилиб елиб-югурадилар. Мени бошларига кўтарадилар. Мен ўз куч ва имкониятим билан уларни йўлга солганман. Айни дамда улармендан ишончли паноҳни топа олмайдилар. Фақат кучли хукмдорларга хизмат қилсалар узоқроқ даври-даврон суришларини яхши биладилар. Булар фикрлашининг сен ва Боботурк истаган инсоний муносабатлар даражасига етмоғига ҳали жуда кўп қовун пишиғи бор, авлодим. Шунга кўра иш тут ва келажакка умид ва ишонч ила боқ. Сенга кўп гапирдим ва насиҳат қилдим. Ўғлим каби инсонсан. Отанг Турон Баҳодир раҳматли дўстим бўлгани боис, бунга ҳақим бор деб ўйлайман. Зотан, сен ундан менга омонатсан. Сиёсат шундай тирикчиликки, унда ҳеч ким юз фоиз ҳақ бўла олмайди. Юзда-юз ҳақ бўлиб-да, қатъий қарорлар қабул этмоқ янада қийиндир. Бу олиймақом масҳарабозликда катта ақл ва ҳақиқатга амал қилмоқдан кўра манфаатлар устунлиги, ўртамиёналарнинг яшаш учун курашга бўлган ҳаракатлари умумбашарий эътиқодларни-босиб-кетади.

Фикрини яқунлаган хоқон беихтиёр, хос кўрима навкар-

ларининг этакдаги махсус майдончада чухрабоши—Раҳим-
Ҳаққул этакчилигида қилаётган машқларига қараб қолди.
Чухралар улуғ Амирнинг шахсий танқўриқчилари бўлиб,
кечаю кундуз саропарда ичу ташида сергак турардилар.

— Энди сен гапир, авлодим. Юрагингда неки бўлса
очиқ айт. Ҳеч нарсани яширмасдан рўйи-рост сўйлайвер.
Халқнинг яхши-ёмон аҳволини миридан-сиригача билган
подшоҳ ҳақиқий ҳукмдордир. Мамлакатдаги паст-баланд
гаплар, асл вазиятни менга сен, Боботурк ва Алп Туркашлар
айтмасангиз, кимса сўйламайди. Нуқсонларни ҳам тортин-
май айтавер. Чопар қайтиб келгунга қадар фурсатимиз бор.
Қалъага ҳужумни келган жавобга қараб бошлаймиз.

Бундай суҳбатга тайёр бўлмаган Эртўғрулнинг фикрла-
ри чалкашиб кетган эди. Гапни нимадан бошлашни билмай,
бир муддат жим қолди.

— Сиздан рижойим шулким, улуғ Амир ҳазрати олий-
лари, менинг ул воқеага мунсабатимни ҳеч замон муҳоли-
фат назари дея тушунманг. Менимча, бу оддий адолатсиз-
ликдир. Сиз давлат ва салтанат тамалини адолат дея шиор
этсангиз, уни юритганлар бунга амал қилмасалар! Мени
безовта қилган нарса шудир, ҳазрати олийлари, — ўзини бо-
сиб олиб равон оҳангда сўзлай бошлади хос чопар. — Мил-
лат кўркувдан, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятига ета ол-
маганидан бугун сукут сақлаши мумкин. Бироқ эртага ёки
индин бу ҳақда гапиради. Асир тушган арабу форслар бир
хатога ўнтасини кўшиб-чатиб сўйлайдилар. Сизни сўнгида
фақат ўз миллатингиз сотади! Бу менинг шахсий фикрим!
Ёлгон ёки чала адолатни сўйласам гуноҳим бўйнимдадир.
Биз ўзимизнинг хом ишларимиз билан ноҳайрихоҳлар кема-
сининг елканига эпкин яратмаслигимиз керак деб ўйлайман.

Темур оддий бир хос чопардан бунчалик гап чиқади
деб ўйламаган эди. Вазирга хос салоҳияти борга ўхшайди,
— фикр қилди хоқон. — Нега уни шу пайтгача пайқамадик?
Одатда ёнидагилар ўзидан ақллиларни подшоҳга яқин
йўлатавермайдилар. Кўпчилик ҳукмдорлар эса ақлли ёрдам-
чиларни хуш кўрмайдилар.

— Ҳақсан, авлодим! Ҳақдирсан! — деди хоқон бур-

жу бораларида усмонли туғлари ҳилпираётган Сивос қалъасига нигоҳини қадаганча. — Шариат дейдики, ўлдир илонни, тариқат дейдики, оғритма жонни. Ҳаёт ва яшамок одам боласи ўйлагандан оғир ва машаққатлидир, жигарим. Вақти-вақти билан ҳузуримга келиб, ўз фикрларингни шундай рўйи-рост айтиб тургин. Ва бир нарсани ҳеч қачон унутма! Ватанпарварлик — буюк бир муҳаббат, севгидир! Севги эса қурбон талаб қилади! Эл-юрт, ҳақу ҳақиқат учун ҳаётини тиккан инсон ўз тинчи, роҳат-фароғатини ўйламайди!

Улуғ Амир эртаси куни тушгача қалъадан хабар кутди. Бироқ Эркин Қорадан дарак йўқ эди. Шундан сўнггина тоқати тоқ бўлган Темур қалъа забтига буйруқ берди. Алоуддин Кайқубод Салжукли қурган бу ҳисор беҳад юксак ва тошдан қилинган бўлиб, ҳар бир тошнинг узунлиги икки уч қарич, қалинлиги эса бир қарич эди. Қалъани айланиб кўрган Темур унинг ғарб томонидан нағам солиб, кавлашни буюрди. Қолган уч тарафи сувли хандақлар билан ўралган эди.

— Ҳисобим бўйича нағамлар ўн етти кунда битади. Шулар ҳисобда ўн саккизинчи куни қалъани забт этамиз, — деди Темур не қиларини билмай, ер депсиниб турган катта кўшинга нигоҳ ташлар экан.

Ниҳоят, ўн саккизинчи куни қалъанинг буржлари қулаб тушиб, лашкар лак-лак бўлиб ҳисорга от кўймоқчи бўлиб турганида бирорта ҳам навкарнинг қалъага кирмаслиги буюрилди. Бу ҳолатни кўрган қалъа халқи ҳайрон эди. Даруға Мустафо ер билан битта бўлиб шаҳардан чиқди. Уламоий машойхларни ёнига олганча, оқ байроқ кўтариб келиб, ўзини Темурнинг оёғига ташлади.

— Ўрнингдан тур, муттаҳам! Бизнинг элчимиз Эркин Қорани нима қилдинг? Шундан сўнг, мен сен билан гаплашаман! — деди Темур қахрли қиёфада.

— Бизга ҳеч қандай элчи келмади, — жавоб қилди Мустафо даруға, кўзларини ҳайратдан катта-катта очиб.

Ҳақиқатан ҳам юз қиёфасидан унинг элчи келганидан беҳабарлиги билиниб турар эди.

— Элчи қайси дарвозадан кирган эди? — сўради улуғ Амир хайрон бўлиб, ўз одамларига қаракан?

Амирлар унга Эркин Қора кириб кетган дарвозани кўрсатишди.

— Англадим, улуғ Амир ҳазратлари. Бу дарвозани арманий черигимиз қўриқлаётган эди. Уларнинг иши. Ишқилиб ўлдиришмаган бўлсин, кофирлар, — деди ранги кув оқарган Мустафо безовта бўлиб. — Рухсат этинг, ҳозирок мен уларнинг бошлиғини топиб, бу масалага ойдинлик киритсам.

Тўрт нафар темурий бек билан кетган Мустафо хўшшайганча оёқ-қўли бўшашиб, қайтиб келди.

— Муртад арманилар уни ўша куниек ўлдиришган экан, — дея жавоб қилди хоқоннинг кўзига нажоткорона боқиб.

Улуғ Амирнинг ташвишли нигоҳи, тўпланиб турганлар орасидан беихтиёр Эртўгрулни изларди. Чопарга кўзи тушгач, бир муддат тикилиб қараб қолди ва докага айланган юзига боққанча бошини соллади. Унинг куч-қудрат, меҳр ва қаҳр қоришиқ ўткир нигоҳида жанг дегани шундай тирикчиликдир. Аскар дегани эса ўлим ва қолим чизиғи устида юргувчи бир шарпа деган фикрат қотиб қолган эди.

Амирлашкар Мустафо қутвол Эркин Қора қисматини айтиб келгандаёқ Эртўгрул изгиринда ўчган шамдек қотган, кўз олди қоронгулашиб кетган эди. Мана сенга Темур деган одамнинг хоҳиш иродаси, хаёлидан кечди ҳамон қарахтлиги ёзилмай.

Агар у кеча кўрсаткич бармоғини ўзи томон бурганидами? Ҳозир... У муҳаққақ бир ўлимдан қолди. Зўрнинг кети тегирмон тошини юритибди дегани шу экан. Одамлар сурув оёғи остида қолиб кетган қурт-кумурсқалар, қуршаб ов қилинган жониворлар каби ҳукмдорлар истагининг, кайфиятининг қурбонига айланиб кетаверар экан. У ҳеч қачон ўлимни бу қадар яқин ва аниқ ҳис этмаган эди.

Бек ва лашкар бошлиқлари бўрк, ёка ва тўнларини тўғрилаб хоқон саропардаси томон кетаётганда ҳам у майдон ўртасида қакқайиб турарди.

Ё Қодир эгам! Бевакт ўлиму ноҳақ тухматдан ўзинг асра! Кунни кеча оти бошини кўйиб, Исфаҳону Бағдод ора-

сидан чангитиб юрган соппа-соғ, чопарлиги боис, жангга кирмай, ажални ўйламай юрган одам бугун йўқ. Ақл бовар қилмайди. Ўлим, соғу хаста, ёшу қари деб ўтирмас экан. Улар кечаю кундуз бирга, бир парча қотган нонни бўлиб ер эдилар. Дизакнинг кунчиқишидаги Равот қасабасидан эди. У ҳам Эртўғрул каби охири бир кун қишлоғига қайтиб, бир сурувгина қўй қилмоқчи эди. Емай-ичмай шунга маблағ тўплар, беш-ўн тангасини қаерда сақлашни билмай ўзи билан олиб юрарди. Икки йил бурун йўл-йўлакай қишлоғига бош суқиб, топган-тутганини берганида ҳаётида бундай тилла тангаларни кўрмаган ота-онасининг бошлари кўкка етиб, болалар каби суюнганларини айтиб юрарди. Равотлик дўсти, сафдоши Эркин Қоранинг умри, ҳаёти, бир зумда эртатка айланиб қолди. Ота ўчоғига оташ тушди. Ўзи умр дегани ярим афсона, ярим ёлғон экан. Тирикчилик дегани, ўз бошингга ўл етим дегани экан. “Тирикчилик – тирриқчилик дегани, болам” дер эди қўшнилари Нозик момо. Тўғри экан. Одам вақти замони, фурсати келиб, оғир-енгилни кўргачгина бу сўзларнинг маъносига етар экан. Умрнинг бевафолигини, одамларнинг тошмехрлигини кўравергач, ҳаётдан ҳафсаланг пир бўлиб кетаркан.

Энг даҳшатлиси, оламнинг ярмини кўлида тутиб турган жаҳонгир Темур ҳам икки қитъада от ўйнатиб, якка хон, кўланкаси майдон бўлиб юрган Султон Боязид ҳам охир-оқибатда Эркин Қора каби ажал соқийси кўлидан ўлим чоғирини сипқорадилар. Буларнинг авлодлари бориб бир кўшховуч фотиҳа ўқиб, йўқламоғлари учун қабри, мақбараси бўлади. Бир ҳарвор жандаси ва битта отдан бўлак бити ҳам йўқ Эркин Қора кабилар эса эгасиз ит каби ўлиб кетаверадилар. Унинг қабри ҳам, қадри ҳам бўлмайди. Бу ёруғ дунёга келиб кетганлигини ҳам ҳеч бир инсон зоти билмайди ва эсламайди. Унинг қазойи қадари каби қисмат эрта бир кун мен ва мен кабилар бошида ҳам бор. Дунё чархпалаги шу тариқа айланаверади.

Юртга қайтганда энди қандай қилиб унинг шаҳид кетганлигини ота-онасига айтади? Бир инсон вафоти ҳақида

яқинларига хабар бермоқдан азоб-уқубатли ва қайғули юмуш бўлмаса керак. Ё Оллоҳ! Ўзинг сабр бер! Мусофир юртларда хору зор этма! Бир сиким ҳокини бегона тупроқларда қолдирма! Қисматини ота юртидан айри туширма?

– Бу жинойтни буюрган ва бажарганлар тириклайин кўмилсин! Қолган арманий ва насронийлар черикка қул ўлароқ тарқатилсин. Мусулмонлардан моли-омон олиниб, ҳеч бир зиён захмат етказилмасин! Қалъа бузиб ташлансин! – амр этди хоқон, ғазабнок овозда. – Шуни яхши аңгла, Мустафо! Бу ишга мени сенинг қайиқчидан чиққан тили саккиз қарич султонинг мажбур этди. Эртага ўзи ҳам сенинг ҳолинга тушганида мен сени олдимизга чақираман ва сен мана шу сўзларимни унга такрорлайсан! Тушундингми?

– Тушундим, султони акрам ҳазрати олийлари! – жавоб қилди Мустафо туркман. – Фармон хоқонимизнингдир!

– Яхши, даруға Мустафо меҳмон ўлароқ бизнинг кўшда, олий ўрду қароргоҳида қолади. Бул биродаримизга даруға иззат-ҳурмати кўрсатилсун! Янглишмасам, Малатияда сенинг ўғлинг хоқим эмасми?

– Шундай, аъло ҳазратлари!

– Кўп яхши, унинг олдига бирга бориб, мусофири бўламиз!

Худди шу дақиқадан Йилдирим Боязид сари қочиб бораётган Султон Аҳмад Жалойирнинг орқасидан қувишга тушган черик унинг эгачиси Дилшод оғо, бир хотини ва қизини асир қилиб олиб келганини хоқонга маълум қилдилар.

Темур энг кенжа хотини, саройда Бибиҳонимдан сўнг иккинчи мавқеида турадиган Тўкал хонимга ул ожиза асиралар билан суҳбатлашишини тайинлади ва бегимларга шохона чодир ва лозим бўлган ашёларни муҳайё этмоқни буюрди.

– Малика уларни яхши мусофир этсунлар, сўнгра қай томон истасалар кўйиб юборинг. Йўл учун лозим бўлган анжом ва от-улов беринг, – қўшиб қўйди гап сўнгида.

Бу дақиқада амирзода Шохруҳ ҳам Обулистон¹даги лаш-

¹ Каппадокия.

карнинг ўттиз минг отини ҳайдаб кетган туркманлар ишини битириб қайтганди. От, тева, хачир ва қўйлар икки баробар қилиб қайтариб олиб келинган эди.

Олий ўрду Малатия томонга кетар экан, даруғаси Мустафо туркманнинг ўғлига элчи юбориб, уни итоат ва фармонбардорликка даъват этдилар. Бироқ малатияликлар Темур элчисини зиндонга ташлашди. Улуғ Амир келаётганини эшитган туркман қавми борки, Малатиядан чиқиб қоча бошлади. Лашкар бу худудни ҳам забт этиб, гуржи ва арманларни асир олди. Мусулмонлардан моли омоний олиниб, озодлик берилди.

Темур амир Жаҳоншоҳга Кохта қалъасини ва қалъагача бўлган худудларни мусаххар қилишни амр этди. Малатияга Қора Усмон Туркман ҳоким ўлароқ тайинланди. Рум ва Шомнинг бу худудлари ҳам Турон давлати тасарруфига ўтганлиги узоқ-яқиндаги султонун ҳокимларнинг ақлини шоширди.

Улуғ Амир эса ўзига мушук дўк қилган Султон Йилдирим Боязиднинг сўнгги воқеаларга муносабатини кутарди. Салтанатга тегишли Сивос ва Малатия ўлкалари султонлик тасарруфидан чиққан эди. Темур лашкарни жанговар ҳолда тутганча Султон Йилдирим Боязиднинг келишини ёким кўшин юборишини бекларди.

Султон тарафидан ҳеч бир муждаю муносабат билдирилмагач, кичик бир қурултой ўтказилиб, Шом сари юрмоққа қарор қилинди. Сивос ва Малатия ўлжасидан мўл-кўл улүфа олган, маошини ойма-ой олиб турган лашкар шитоб билан йўлга тушган эди.

Бундан етти йил бурун Темур Султон Барқуқга шоҳона тухфалар ва хос ҳадялар билан Сова шаҳрининг машойихларидан ва қадимий хонадонларидан бўлган шарифу аслзода Муҳаммад Шарифни бир неча мулозимлар ҳамкорлигида юборган эди. Муҳаммад Шарифнинг кўлига тутқазилган Турон Султони Темур Муҳаммад Тарағай ўғлининг мактубида қуйидаги сўзлар битилган эди: “Сиз ва бизнинг мамлакатларимиз маликлари ўртасида неки низою жанжал-

лар бўлиб турмасин, биз бир аҳли сунна, ислом миллатимиз. Шоҳу султонлар сизу мен каби тахту мавқе талашиб ёвлашсалар-да, халқларимиз бир-бирларига биродарлик кўзи ила боқиб келганлар. Ҳеч бир халқ исломга бизнинг миллат каби хизмат кўрсатмаган. Хукмдорлар замон-замон низолашсалар-да, охирида элчилар ва ёзишмалар пайдарпай бориб, анжом топар эди. Бу маъни олам аҳлининг амну амонлигига олиб келар эрди. Сўнг замонларда турли тоифалар маликлари пайдо бўлдиким, жаҳон аҳволига шўришу нотинчлик йўл топди ва илгариги мустаҳкам қоидаларга путур етди. Ҳозирда эса комкор подшоҳ ҳазратларининг адолат сояси мамлакат тахтини мушарраф қилиб, у ислом соҳасини муфсидлардан пок этди ва бугун сизларга ҳамсояликка етиб келди, бу мамлакат ғалаба ёр аскарларга манзилгоҳ бўлди. Эндиликда вазифа шулки, кўшничилик ҳаққига риоя қилиб, дўстлик эшигини очайлик. Токи бундан буён ҳар икки томондан элчилар бориб-келиб турсинлар. Ҳар икки мамлакат савдогарлари учун йўллар очиб қўйилсин ва бу маъни халқ осойишталигига ва йўлларнинг эминлигига сабаб бўлсин”.

Муҳаммад Шариф бошчилигидаги элчилар Шом чегарасига етиб улгурмаган эди. Ҳеч бир сабаб ёким эски адоват бўлмаса-да, уларни қиличдан ўтказдилар. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг Чингизхон элчилари ва савдо карвонини ўлдиргани не оқибатларга олиб келса, бу фожиа ҳам айнан шу тарзда такрорланди. Шундан сўнг Темур Бағдодга юзланмоқ мажбуриятида қолган эди. Бу ишни қилганларнинг таъзирини бериб, салтанат пойтахтига қайтиб кетди. Аталмиш қавчинни Авник қалъасига қўйиб, ўзи Дашти Қипчоққа йўл олганида Малик Барқуқ ва Султон Аҳмад Жалойирдан оқ фотиҳа олган Қаро Юсуф Авникни босиб, Аталмиш қавчинни асир қилиб олиб кетди. Аталмиш қавчин айни замонда Малик Фараж қўлида банди эди. Фараж отаси ўрнига тахтга ўтиргач, Темур унга қуйидаги мазмунда мактуб ёзиб, элчи Гардун Ғулом орқали жўнатди: “Атонгдин ёмон ҳаракатлар кўп воқия бўлди. Бири улким, эл-

чиларимизни ўлдурдиким, ҳаргиз ҳеч подшоҳ бу ишни қилмас ва элчини ўлдирмак раво бўлмас. Ва Аталмиш Қавчинким бизнинг навкарларимиздан эрди, банд қилиб турур. Анинг иши қиёматқа тушди. Эмди сен керакким ўзунга ва вилоятингга раҳм қилиб, Аталмиш Қавчинни бизга юборгайсан. То сен фароғат бирлан Миср ва Шомда подшоҳлик қилгайсен. Менга сенинг на бир қарич еринг, на бир хурушлик молинг ва на бирор қулинг керак эрмас. Неки мулку сарватинг бор, ўзинга ва элинга буюрсин. Зотан, отанг каби қавмларинг ҳар нечук ёмонлик ва пасткашликлар қилмасун, биз уларни ҳазрати Пайғамбаримиз жанобларининг қавми ўлароқ, Муқаддас китобимиз Куръони Карим тилида сўзлашадиган улуғ улус ўлароқ ҳурмат этамиз. Сен бизнинг араб миллатига чин меҳр-муҳаббатимизни билмоқчи бўлсанг, юртимизга ташриф буюриб, ислом алломалари мозорлари устида тикланган мақбараларни келиб кўр. Менинг миллатим шу қадар содда ва тозаким, арабу ажамдан бориб, ўзини арабча сўккан одамни ҳам пайғамбаримиз ва динимиз ҳурмати бошига кўтаради. Миср каби мамлакатнинг султони ўлароқ сен буларни билмоғинг керак. Билмасанг ёким билишни истамасанг, бу сенинг инқирозингдан далолатдур. Мен сенинг ўтмишингни хотирлатмоқ истамайман. Муҳими, аслинг турк эканлигини биламан. Бироқ эндиликда араблашиб, арабдан-да баттар, фиску фасодчи бўлма! Кўзингни оч! Агар отанг каби хилоф ишлар қилсанг, бошингга ҳар неки келса ўзундан қўргайсен! Ва мусулмонларнинг қони сенинг бўйинида бўлгуси турур!”

Бу Темурнинг Миср султониغا юборган иккинчи элчиси эди. Элчилар Ҳалабга етганларида шаҳар волийси Темуртош элчиларни ушлаб туриб, Султон Фаражга хабар юборди. Султон Фараж эса уларни банди қилишни буюрди.

Бундан хабар топган Темур фурсатни бой бермай Ҳалаб, Беҳишти ва Айнтоб сари юрди. Энди уни на бирон бир султоннинг хати ёким амирларининг маслаҳати тўхтата олмас; улуғ Амир камдан-кам минадиган жаҳл отининг эгарига ўтириб қамчи ўйнатарди.

Эсини таниганидан бери жанг майдонида юргани боис, пайғамбар ёшидан ошган бўлса-да, ўзини урушмоқдан тия

олмас, гоҳида қўмондонликни бирорта амирлашқарга топшириб, оти жиловини жанг майдонига бурар, у от қўйган тўқнашувларда лашқар тез ғалаба қозонар, унинг олтинранг совут ва дубулғасига кўзи тушган навқару зобит шерга айланарди.

Улуғ Амир табиатан оқ, сариқ ва қизил рангларни ёқтирар, кийимлари ҳам асосан шу рангларда бўларди. Ёз ойларида унинг қўйлак ва шоҳона шалвари оқ ёки сариқ ипак парчадан, баҳор ва кузда тўқ қизил рангли қалин парчадан тикиларди. Қишда эса олмахон ёки оқсувсар териси билан қопланган пахталик енгли нимча киярди. У ёз, куз ва баҳор ойларида қандай оқ уй, чодир ва саропардада яшаса, қишда ҳам ўтовда яшайверар, у бу завқли, чўпон ва сайёҳ ҳаётини севарди.

Иккинчи Шом сафари эълон қилганида энг яқин амиру вазирлар бир-бирларига қараб, ўз-ўзларидан жимиб қолдилар. Улар бу дамда мажлислар ўтадиган катта саропардада қўр тўкиб ўтиришарди. Куз кирган бўлса-да, кунлар иссиқ, кечалари олисдаги денгиз томондан эсадиган ёқимли шабададан жонлар бир дам бўлса-да роҳат оларди.

— Бироз ўсаллашганингиздан менинг бу қарорим сизга маъқул келмади, шекилли. Бу ҳақдаги фикр-мулоҳазангизни эшитмоққа ҳозирман, — деди Темур босиқ оҳангда машварат иштирокчиларини зимдан кузатаркан.

Ҳеч ким сўз очолмай турди. Хоқон юзида илк норозилик аломати зоҳир бўлган амир Шохмалик билан Шайх Нуридинга қаради. Иккиси бирдек келиб, Темур қаршисида тиз чўкдилар.

— Бир қошиқ қонимиздан кечинг, Амир Соҳибқирон ҳазратлари! Сиз ҳар замон ва ҳар қачон улуғ беку оддий навқар бўлсин, ҳақми ноҳақми сўзини тинглагансиз ва шунга қараб амр бергансиз. Ўзингизга маълум, ўтган йил Ҳиндистон юришидан қайтдик. Арманистон ва Гуржистон мусаххар қилинди. Унинг кетидан салтанат соябони Рум устига соя солди. Лашқар ҳоримадимикан? Бунинг устига Миср ва Шом мамлақати қўшинининг кўплиги ва

қалъаларининг мустаҳкамлиги билан маълум ва машхурдир! Маъкул кўрсангиз ва ижозат берсангиз лашкар бир муддат уй-уйига қайтиб, бироз дам олиб, яроқ-аслаҳаларини қайта бошдан тузатиб, шундай катта мамлакатга юриш қилмоққа муносиб тартиб ва тажаммул билан келса! — дея бошини палос узра қўйди Шохмалик.

Темур Шайх Нуриддинга қаради.

— Мен ҳам шул фикрдамен, улуғ хоқон ҳазрати олийлари! — жавоб қилди Шайх Нуриддин. — Яна амри-фармон бермоқ ҳақ-ҳуқуқи султонлар сарваринингдир!

— Шундай қилсак яхши бўлади!

— Энг маъкул гап! — овозлар эшитилди саропарда бўйлаб.

Шунча йиллик ҳукмдорлиги давомида илк бор амиру вазирлар бир бўлиб, унинг фикрига қарши чиққан эди. Улуғ Амир буни кутмаганди.

Темур анча муддат саропарданинг куз эпкинида силкинаётган ипақдан қилинган, эшик вазифасини ўтайдиган, икки тарафга тортилиб боғланган пардасига тикилиб турди. Вужудида илоҳий бир ҳис уйғониб, тилига файзи илоҳийдан келган илҳом талқини—билан—ўтирганларга қараганча ўрнидан туриб, шундай деди.

— Душман устидан ғалаба қилишни аскарнинг кўнгли ва тартибига боғлаб қўйган эмас! Бу борада олийҳиммат, саботли ирода ва мардоналик куч-қудратнинг таъсири ҳал қилувчи омилдир! Неча марталар синадингизки, омаду қатъият қанча оғир ишларни бизга осон қилди. Ҳимматни баланд қилинглар! Дилни Аллоҳга боғланглар! Токи илоҳий нусрат сизнинг ҳолингизга мадад кўрсатгай! Тангри қўллови душманни мағлуб ва макхур қилгай! Аллоҳи Акбар! Аллоҳи Акбар! Аллоҳи акбар!..

Хоқоннинг вужудидаги илоҳий бир куч-қудрат унинг сўзлари орқали салафлари дилига ҳам ўтган эди. Улар ер ўпиб, узр тилаб, олий фармонга итоат этажакларини бир овоздан қасам каби сўйладилар, сўзларини қайтиб олдилар.



ЕТТИНЧИ БОБ

Душманингизни-да инсон эканлигини унутманг.

Ҳожи Бектош Вали.

Мансур черик Шом йўлига тушган эди. Улуғ Амир амирзода Шохруҳга илғор йўсини била бир жамоат беклар қуршовида илғари юриб, Беҳишти қалъаси забти учун ҳозирлик кўришни топширди. Қалъа дара ўртасида бўлиб, асоси ғоят мустаҳкам эди. Даруғаси Муқбил қалъа дарвозаларини беркитиб, жанг қилмоққа ҳозирлик кўриб қўйганди. Темур қалъа яқинидаги баланд бир тепаликка чодир тикдириб, ҳеч бир кўрсатма бермай, истироҳат учун чодирига кирди.

Қалъа ичидаги манжаниқдан отилган илк тош Темур чодирининг ёнига келиб тушди. Амиру лашкарбошилар бу кутилмаган хужумдан безовта бўлиб, бош қўмондон ҳузурига етиб келдилар. Темурнинг ҳам аччиғи чиққан эди. Уша заҳотиёқ қалъа забтига буйруқ берилди. Нақибчилар ишга киришдилар. Одатда нақб шундай ҳозирланар эди. Қалъа бурчаги ёки девори пойдеворининг остидан ҳандақ қавлашиб, қазиб олинган тупроқ жойига каттакон ёғочлардан шотилар ўрнатилиб, қалъанинг буржи шу тиргаклар устида турар, сўнгра бу устунларга ўт қўйилар эди. Ёки шу қалъа минораси баландлигида қаршисидан мезана кўтариб уни ўққа тутишар ёки нарвон орқали қалъага ўтишарди.

Усталар йигирмата манжаниқ ясаб, мусобақалашган ҳолда ёғий манжаниқини ишдан чиқармоққа киришдилар. Кўп тош отишга эҳтиёж ҳам қолмаган, дастлабки отилган тошлардан бири қалъа ўртасида турган Муқбил тошотарнинг манжаниқини ишдан чиқарган эди. Худди шу дақиқаларда нақбларга ўт қўйилди.

Қиёмат қоим топди. Қалъа девори ва буржларининг уч-

дан бири ўпирилиб тушган, ичкаридагилар бундай уста ва тадбирли жангчиларни илк бор кўришаётган эди. Ун етти кунлик Сивос қамали тажрибасидан сўнг қалъа забтига ихтисослашган нақбчиларнинг тажрибаси янада ошган эди.

Бу аянчли ҳолатдан талвасага тушган қалъадагилар олдиларига имом ва қозиларини солганча, туҳфаларини қўлларига олиб, Темур қароргоҳи томон келишарди. Амирзода Шохруҳ уларни ҳоконнинг султоний чодирига эргаштириб келди ва гуноҳларини афв этишни рижо этди. Амирзоданинг шафоати қабул этилиб, беҳиштликлар қонидан ўтилди. Улар миннатдорчилик ила дуолар қилиб, қалъага қайтдилар ва хутбани улуғ Амир Темур номига ўқиб, унинг исмида танга зарб этмоққа киришдилар.

Зафар туғли лашкар сархил мева-чеваси, айниқса, пистаси ила машхур Антеп шаҳри томон юра бошлаган эди. Бу шаҳар ҳақиқатан ҳам боғ-роғли, сўлим ва гўзал эди. Атрофини қуршаган муаззам тоғлар, тиниқ сувли сойлар, жаннат боғлари каби эди. Шаҳарнинг обрўли ва улуғ кишилари қочиб кетган, қолган қутган халқ ҳисорга кириб олганди.

Антеп қалъаси ҳам жуда мустаҳкам бўлиб, уни ўраган хандакнинг чуқурлиги ўттиз газ, эни эса етмиш газ атрофида эди. Хандақ лабининг атрофидан нақиб кавланган бўлиб, унинг ичида от билан бемалол юриш мумкин эди. Тоғни эса ковак-ковак қилиб ўйиб қўйган эдиларки, ҳеч бир зот жанг учун унинг яқинига йўлай олмасди. Қалъа деворларини икки томондан оқ тошдан кўтариб, тепасида ўқ отадиган махсус тиканлар ясалган ва хандақ устига суриладиган кўприк ҳам қурилган эди. Истаган пайтда кўприкни таноб билан ҳар тарафга тортиш мумкин эди.

Бир ҳамла билан Антеп қалъаси олинди. Ҳокон Турон элчисини қамаб қўйган Ҳалаб ҳокими Темуртош сари учиб борарди.

Темурнинг ўзи томон от қўйиб келаётганини эшитиб, пайтавасига қурт тушган малик ул-умаро-Темуртош аҳволни султон Носируддин Фаражга билдирди. Султон Фараждан Дамашк, Тараблус, Хўмс, Ҳамо, Антакия, Баалбак, Сафд,

Рамла, Куддус, Наблус, Кангон, Ғазза, Карак, Қалъайи ар-Рум ҳокимлари ва қолган барча амирлар ҳам ўз кўшинлари билан Ҳалабда йиғилиб, мужодалага кирсинлар деган фармон келди.

Айниқса, Темур билан тўқнашув иштиёқида уйқуси келмаётган Дамашқ маликул умароси Судуннинг кўшини жуда кўп ва пухта машқ кўрган эди.

Бутун Миср ва Шом вилоятларининг кўшинлари Ҳалабга тўпланган, сон-саноксиз лашкардан осмонга тош отсанг ерга тушмас эди. Урду таркибида фақат Малик Носируддин Фаражнинг хос чериги йўқ эди. Кўшин кўмондонлигини Султон Фараж Дамашқ бегларбеги Садун зиммасига юклаганди. Ҳалаб малик ул-умароси Темуртош унга ноиб эди. Улар бекларбегини малик ул-умаро дер эдилар. Бутун кўшин кўмондонлари Ҳалаб шаҳрига тўпланиб, Темур черигига қарши курашмоқ режасини муҳокама этмоққа киришдилар.

– Менга қолса, Темур балосидан қутулмоқнинг энг маъкул йўли элчиси Гардун Ғуломни қайтариб юбориб, ўзи сўйлагани каби яхши кўшничилик муносабатлари ўрнатмоқдур: Аслида у биздан ҳеч нима истаётгани йўқ-ку, – дея куйиниб сўз бошлади бекларбеги Темуртош.

– Чиндан ҳам биз барчамиз аҳмоқ ва ўз-ўзимизга ажални сотиб олаётган жоҳиллар эканмиз, – дея ўрнидан туриб, Темуртошнинг гапини маъқуллаганича қизишиб, сўзлай кетди Қалъатуррум туркманларининг сардори Шайх Ҳасан. – Бу Темур деган балога икки вилоятини тортиб олса ҳам иштонини хўл қилиб қўйган боладек жим ўлтирган Султон Йилдирим Боязиддек одам бас кела олмаган бўлса! Жуббамизни судраб биз бас келамизми? У билан англашган подшоҳу волий борки, мартабаси ошиб, мол-мулки кўпаймоқда, халқи эмну-омонда деб эшитамиз. Шу пайтгача унинг лашкари қиличидан калласи кетиб, бу бошлардан тепа ясалганлар худди бизга ўхшаб орқа-олдига қарамай, элдан бурун ноғора чалиб, унинг ярашу битим сўзига кулоқ солмай, қилич кўтариб чопганлардир! У бизга элчи юбориб,

қўлини узатиб, сулҳ сўраб турган бўлса! Яна нима керак ўзи бизга? Савашни сотиб олмоқ шартми? Шунинг учун бугун яхши ўйлаб тўғри қарор қабул қилмоғимиз керак! Мен урушмоққа қаршиман! Ундан ташқари Темур мусулмон! Динимиз бир! Қолаверса, у турк, менинг миллатимдан. Бир-биримизга қарши қилич кўтармоғимиз бориб турган гуноҳи азимдур!

Ҳаяжондан пешона ва бўйни терлаган Шайх Ҳасан белбоғи билан артинганча оғир чўкди. У ғоят таъсирли сўзлагани учун анча муддат ҳеч кимдан садо чикмади.

– Барчамиз муҳтарам Малик ул-умаро Садунбекдан рижо этсак. Ул кишим Султон Фараж ҳазрати олийларига вазиятни тушунтириб, ҳар икки элчини ҳам озод қилиб, сулҳ ила тинч-тотув яшамоқни англагасалар. Эрта-индин бориб кўрарсизлар Беҳишти ва Антеп қалъаларининг аҳволини. Енгсак хўп-хўп. Агар мағлуб бўлсак, барча шаҳар ва қишлоқларимиз ана шу аҳволга тушади. Бу хусусда қай бир қозига борсак, Темурни ҳақ дейди. Боиси, қусур биздан ўтди. Биз унинг яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатайлик деб келган элчисини зиндонга ташладик. Сиёсатнинг энг сўнги ва разил куролидан фойдаланмоққа ҳар замон ҳам улгураамиз. Шул боис, икки буюк ислом лашкарининг тўқнашувига ва мўъмин-мусулмонларнинг ўлимига сабабчи бўлмайлик, – деди амир ул-умаро Темуртош яна ўрnidан туриб мулоҳазали оҳангда.

– Жуда тўғри! – дея Темуртошнинг гапини илиб кетди Шайх Ҳасан Туркман! – Кичик хатоларни бир йўлини қилиб, тўғриласа бўлар! Тузатилмай қолиб кетса ҳам осмон узилиб ерга тушмайди! Бироқ буюк хатоларнинг оқибати ҳам фожиано фалокати буюк бўлади. Оллоҳ раҳматиға олган бўлсин, кечмишдаги халифамиз Ан-Носирнинг ислом аҳли зиддига қилган улкан бир хатосини эслатмоқчиман! Ул халифа Муҳаммад Хоразмшоҳга қарши Чингизхон ила тил-бириктириб, кофир-лашкарини-ислом-ўлкаларини-босиб-олмоққа даъват эди. Унга қадар ҳеч бир халифа бул каби янглиш ишга қўл урмаган эрди. Ғайридинлар мусулмон

юртларини вайрон, улусни талон этиб, яшнаб турган мамлакатларини сахро ва харобага айлангирдилар! Бағдод халифаси Ан-Носир дўст деб билган Чингиз авлодлари нима қилди? Шу саволимга бирортангиз жавоб бера оласизми?

Шайх Ҳасан гапидан тўхтаб, ўтирганларнинг кўзларига бирма-бир қараб чиқди. Амиру ҳокимларнинг барчаси бошини куйи эгганча, ундан нигоҳини олиб қочарди.

– Биласиз! Мендан яхши биласиз! Бироқ султондан чўчиб, виждонингиз ва имонингизга қарши бориб, ҳақ сўзни сўйламайсиз! Чингизхонга Хоразмшоҳларни яқсон этмоққа фатво берган Ан-Носирнинг Бағдод халифалигига Чингизхоннинг невараси Ҳалокухон бошчилигидаги элхонийлар барҳам бердилар. Бағдод халифалигини тугатдилар! Бугун сиз гўрига гишт қалаб, қонига ташна бўлиб ўтирганингиз ўша Темур Ан-Носир қилган хатони тўғрилаб, ўша кофиру чала кофирларни жойига ўтқазиб қўйди. Ҳокимиятни ёвуз мўғуллардан тортиб олиб, асл эгалари қўлига топширди. Бундан буён чингизийлар ҳеч қачон илгариги мавқеларига эга бўлолмайдилар! Аксинча, тавба қилиб, дини исломга кирмоқдалар! Султон Фараж ҳазрати олийлари ҳам буни яхши билсалар керак. Боиси, ул кишимнинг ота-боболари ҳам туронлик бўлиб, мўғуллар зулмидан азоб чекканлар. Бироқ султон ҳазратлари атрофини ўраган, сизу биз каби мўғул қиличи зарбини чекмаган ва кўрмаган араб амиру амирлашқарларига буни айта олмаётган бўлсалар ажаб эрмас! Табиб табиб эрмас, дард чеккан табиб дейдилар. Қоҳирада туриб, дунёнинг ярмини олган, Ҳиндистону Дашти Қипчоқ, Мўғулу Эронни тиз чўктирган жаҳонгир Темурга қарши урушинг дея олий фармон имзоламоқ осон! Юрагида ўти бор, султонлар султони экан, ўзи келиб Темурга юзма-юз бўлсин! Кўшинга қўмондонлик қилсин! Темурнинг ишини султон Йилдирим Боязиднинг ўзиёқ фурсат қайб этмасдан тўғрилаб қўя қоларди! Боиси, бу иш сиз ила султон ўйлаганчалик қулай ва осон эмас! Ўтгиз кусур йилдан бери мағлубият нелигини билмаган қўшинни енгиб бўладими? Энди бу ўрду

келиб-келиб, биздан енгиладими? Эртага бир фалокат со-дир бўлгач, қилинган минг бир афсус-надомат, бошни тошга урмоқдан фойда йўқ! Сўзимда қусур бўлса очиқ ай-тинг! Мен ҳам юрагимдагини рўйи-рост сўйладим! Эрта кунда орамиздан юз берган фалокатнинг айбдорини излаб, мағлубият мағзавасини ағдармоқ учун гунохкору жиноят-чи ахтариб, бир-биримиздан домангиру даъвогар бўлиб юр-майлик демоқчиман.

Терлаб-пишган Шайх Ҳасан дамсар урганча оғир чўкди. Солинга пашша учса эшитиладиган сукунат чўккан, араб хукмдорларнинг дами ичига тушиб кетган эди.

Шайх Ҳасаннинг сўзи Малик Садундан бошқа барчага маъкул келган, бироқ ҳеч бири оғиз очиб, туркманлар сар-дорининг сўзини қўллаб-қувватлай олмас эди.

Машваратни бошқараётган Дамашқ ҳокими муз усти-да ўтиргандек безовта бўлар, қош-қовоғини уйганча Шайх Ҳасаннинг сўзини тугатишини кутарди.

Вазият сулҳчилар томон оғаётганини кўрган Дамашқ Малик ул-умароси Садун сакраб ўрнидан турди-да, қўлини паҳса қилганча гапира кетди:

— Мен сиз-биродарларимни англамаётибман: Сиз ғоят ақлли ва тадбирли одамларга Малик Фаражнинг олий фар-монини муҳокама этиб, йўққа чиқармоққа ким ҳуқуқ берди? Қачондан бери сизлар бу қадар доно-ю фозил, бошқалар жоҳилу урушқоқ бўлиб қолди? Аслида, сизнинг буюк жиҳод олдидан урушсакми, урушмасакми дея фалсафа со-тиб ўтиришингизнинг ўзи ғоят ғалатдир! Мен сизларни ту-шунмаяпман. Гапларингиз душман жосусининг сўзларига ўхшайди! — дея елкасини қисиб жойига ўтирди Садун.

— Биз уларни яхши биламиз, — дея ўрнидан қўзғалди Қуддусдан келган ажамлик жамоанинг оқсоқоли Шайх Содик Сафо Садун тарафга қараб оларкан. — Бизнинг Эро-ну Хоразмда яшовчи ақраболаримиз аларни туриш-турму-шидан жуда яхши хабардорлар. Қимки унга муҳолифат-лик қилган бўлса — зиён тортган. Уни Оллоҳ томонидан қўлланилган бир зот дейдилар. Ҳақиқатан ҳам Чингизхон-

дан кейинги жаҳонгир ҳам шу дейдилар. Унинг тақдири ажойибот ва сирли ҳодисаларга тўладир! Мен ҳам сизни бир бандан мусулмон сифатида ғафлатда қолмасликка даъват этамен!

– Шайх Содиқ Сафо ҳақ сўзни сўйлайдур! Биродарларимиз Темуртош ва Шайх Ҳасан ҳам гапнинг индаллосини айтдилар. Ўз заволимиз ва ҳалокатимиз томон саъй этмайлик! Сулҳ йўлидан юриб, унинг саломига алик билан жавоб берайлик. Токи у бизнинг устимизга марҳамат этагини ёпиб, ўз иши ила машғул бўлгай! – деди Антепдан қочиб келган черикнинг лашкарбошиси Ахсен Сурёний. – Биз унинг гурзиси зарбини кўрдик! Бироқ сизнинг кўришингизни истамайман! Унга айни замонда ҳеч ким бас кела олмайди. Фалакнинг ақл бовар қилмас ўйинларини ва найрангларини кўрмаган одамгина бу хатарли чоғга ўзини отади.

– Сен ҳам ўша тарафдан келган бўлсанг, Шайх Ҳасанга қавмдурсан? – кесатди Дамашқ ҳокими Садун. – Балким эртага Темурни олтин эгарли от билан қарши олиб, хизматига кирарсан! Йўлида дуч келган сен кабилар мурсою мадора қилайлик, мол-мулкимизни, бола-чақамизни ўйлайлик дея ўша муттаҳамни мўғул саҳроларидан Қоҳирага қадар етиб келмоғига имкон яратдилар. Ахир уни кимдир, қаердадир тўхтатиши керак эмасми? Эй сиз, барчага яхшилик истовчи донолар, сулҳпарварлар? Нахотки, шуни ўйлаб кўрмасангиз? Хоразм ва Мовароуннаҳр ҳудудларида лой ва тупроқ қалъаларни фатҳ этиб, ўзидан кетиб юрган бу ёввойи галаларни жаҳонни Аллоҳнинг ҳақ дини ва иймонга чорлаган бизнинг буюк қавмимиз тўхтатиб қолмоғи ва жазосини бермоғи керак! Бу иш биздан ўзга миллатнинг қўлидан келмайди. Усмонли турклари мана ўн йилдирки, сарҳадларида от чоптириб, ақлига келган номаъкулчиликни қилиб юрган бу қароқчининг мушугини пишт демайди. Шайх Ҳасан таъкидлаганидек бу қавмларнинг тили бир! Уларнинг ўз-ўзига айтиб юрадиган туркнинг туркдан ўзга дўсти йўқ деган нақлини яхши биламиз. Биз ҳам оқсоқ Темур каби қўй кўрмаган бўлсак-да, қий кўрганмиз. Бу усмонли ва туронлиларнинг тили бир. Бизни лаққиллатмоқдалар.

Икки вилоятини бой бергандан сўнг ўтакаси ёрилган Султон Йилдирим Боязид авраб, йўлини қилиб, уни биз томон йўллаган. Улар душман кўзи англашиб, эрта кунда яна топишиб кетадилар. Ғат-ғат қилган карнайчи улар, балого қолган сурнайчи биз бўлиб қолаверамиз.

– Агар бу икки суяқ қонли мағрур турк сиз айтгандек англашиб иш юритганда, бугун бири Қоҳирада, иккинчиси Парисда ўтирган бўлур эди! – чидаёлмай кесатди Шайх Ҳасан.

Шайх Ҳасаннинг сўзидан довдираган Садун гапини йўқотиб, каловланиб қолди. Ўзини кўлга олиб, гўёки уни эшитмагандек, сен ҳам одаммисан дегандек сўзида давом этди:

– Ул мунофиқларнинг араб бор жой харобдир, татар бор жойда хатар бор деган гапларини Султон ҳазратлари айтганларида ҳайрон бўлган эдим...

– Султон ҳазратларининг ота-боболари сиз айтган ўша татарларнинг том авлоди, – бўш келмади Шайх Ҳасан.

– Менга қара, Шайх Ҳасан! Кўпам ўзингдан кетма! Султон ҳазратлари берган ваколат асосида ҳозирок бошингни олмоққа ҳаққим бор! Султон бош амирлашкарликни сенга эмас, менга берган. Қонимни қайнатма! Биз бу ерга Миср Султонининг насл-насабини суриштириш учун йиғилганимиз йўқ. Бу баҳсу мунозарамиз нафақат султон ҳазратларига, балки ҳар қандай эшитган қулоққа яхши эмас. Ўзимиз дини исломга киритиб одам қилганимиз қавму қабилалар, аскару хизматкорларимиз бугунга келиб бизга қарши қилич кўтарса... Бу хоинликдир!..

– Ҳеч ким сенинг хизматкоринг эмас! Оллоҳнинг олдида шоҳми-гадоми барча бирдек тенг. Оғзингга қараб гапир, – қони қайнаганича ўрnidан туриб кетди яна Шайх Ҳасан. – Сен ўзинг сотқинсан! Сенинг қавминг у, жарақ-жарақ олтинни кўрганда ҳар нарсасини сотадиган! Барчанингни бир ислом миллати эканлигимизга ҳам фаҳми фаросатинг етмайди сен аҳмоқнинг! Бизнинг динда асл ва ноасл миллат йўқ. Асл ва ноасл инсон бўлади. Сенга ўхшаган калтафаҳмлар айирмачилик қилиб, арабларни ажамиларга ёмон кўрсатиб қўйган!

– Эй аҳмоқ туркман, сен гапирганингда мен сўзингни бўлганим йўқ! Ўтир жойингга! Ҳозир бошингни ёнғокдек чақаман! – ўшқирди Садун, юзларига қон тепиб.

– Қавмимга ҳаром тилингни теккизма итдан тарқаган ишқирт! – қиличини қинидан чиқариб Садунга ташланди Шайх Ҳасан. – Ифлоснинг миллатиям, диниям бўлмайди, билдингни, ҳароми?

Ёнидагилар унга тармашдилар. Қўлидан қиличини олиб, ялиниб-ёлвориб жойига ўтқаздилар.

– Мен барибир унинг ўша хумга ўхшаган калласини оламан! Белингда белбоғинг бўлса бирма-бир майдонга туш! Талаб қилдим, талаб қилдим! Агар чиқмасанг...

Ҳамон ўзини боса олмай сўкинар эди Шайх Ҳасан. Дамашқ бекларбегиси Сайди Садун юзига сохта қиёфа бериб, рақибига сен ҳам одаммисан, кейин гаплашамиз дегандик, паст назар билан бир қараб кўйди-да, гўёки ҳеч нима бўлмагандек деди:

– Улар бизнинг қалъаларимиз каби истехкомларни ҳали кўрмаганлар. Бир ҳисоримизни олмоқ учун йиллаб урушишлари керак. Бунга қадар биз уларнинг ишини битирамиз. Ўйлаб қаранглар, биродарлар! Мамлакатимизда олтмиш мингдан ортиқ қайд этилган қишлоқ ва қасаба бор! Агар улар биттадан аскар берса олтмиш минг, иккитадан берса юз йигирма минг бўлади. Унинг саҳройи лашқари бундан кўп бўлмаса керак! Кўп бўлса уч нафардан аскар оламиз! Мен Дамашку Бағдод каби ўн минглаб чериги бор катта шаҳарларни ҳисобга олаётганим йўқ! Золим золимлигини қилганида сукут сақлаган, унга қарши жиҳод қилмаган ҳам ўша зулму зўравонликка шерикдур! Ахир уларнинг қуролсозлари ҳам биз томондан борган усталар эқанлигини наҳотки билмасангиз?! Уларни биз одам қилганмиз. Бугунга келиб, энди қулларимизга бўйсунамизми? Минг йиллардан бери миллатимиз шаън-шавкатини сақлаб қелаётган дамашқий камонларимиз, мисрий қиличларимиз, арабий найзаларимиз ва ҳалабий қалқонларимиз шундай ҳаётмамот кунларида иш бермас экан, у орамиздаги хоин ва

бўлгинчиларнинг юрагига санчилиб, бўйнига тушажак! Гап тамом, вассалом! Малик Носируддин Фараж ҳазрати олийларининг мўътабар фармони олийларини қулоғингизга етказиб, сизни ёвга қарши жиҳодга даъват этаман!

Бегларбеги Садун шундай деганча қиличини қинидан чиқариб, Ҳалаб ҳокимининг саройидан чиқди. Танг аҳволда қолган Темуртош ҳам ноилож унга эргашиди. Шундай вазият вужудга келган эдики, кимки бу тўқнашувдан ўзини четга тортса, ҳар балога мубтало бўлиши мумкин эди. Шу боис йиғилганлар бирин-кетин Садун ва Темуртошнинг орқасидан юрмоқ мажбуриятида қолдилар. Садун йўл-йўлакай ноибларидан бирига Қуддусдан келган Шайх Содик Сафони ҳибсга олишларини ва одамларини қуролсизлантиришни буюрди.

Эртаси кунидек араб йўлбошчилари мажлисида ўтирган махфий Нурулислам Нишопурий тўқлантининг барча тафсилотларини улуғ Амирга етказди. Ҳеч кимни маслаҳат учун ҳузурига чорламаган улуғ Амир черикка Антепдан Ҳалаб томон икки кунда етадиган йўлни бир ҳафтада босиб ўтмоқ амрини берди. Черик ҳар тўхтаган ерида хандаклар қазиб, тўсинлар қўйишиб, ўзларини чўчиб, мудофаага ҳозирлик кўраётганга солишлари буюрилди.

Темурнинг кимсага ошкор этмаган хийласи иш берди. Рақибни ўзларидан кўрқиб, тошбақа юриш қилиб келаётир деб ўйлаган Сайди Садун от ўйнатганча, энг яхши суворийлари ва камончиларига шаҳардан чиқиб, ёғийни ер билан яксон қилишни буюрди. Ўзи ҳам Темуртошни ёнига олганча, қўшин орасида у тарафдан бу тарафга от қўйганича хайқирар, кўрсатмалар берар, сўкинар эди.

Амирзодалар Абу Бакр ва Султон Ҳусайннинг илғорлари ёғийнинг илк қоровул бўлинмалари билан учрашиб, енгдилар ва учта навқарни асир олдилар. Бу нарса қутилмаганда арабларнинг бирлашган қўшинлари орасида саросима уйғотди. Жанг анжомларини мукаммал кийган ҳокон ҳам оти жиловини тортганча урушга кирмоққа шай турарди. Амирлардан ҳеч ким журъат этиб уни жангга кирмаслик-

ка даъват эта олмади. Бундай дақиқаларда ўзи чорламаса кимса яқинига йўлай олмас, фақат ахборот бериб, буйруқ кутардилар. Ўзи иштирок этадиган ва хоқон ихтиро этган бу усул, жанги султоний деб аталар, тез-тез жангга кириб, машқини такрорлаб турмаса, ўзини кўйрга жой тополмай қоларди. Жангга кирмаган подшоҳ ўзгаларга урушмоқ ҳақида фармон беришнинг ҳуқуқини йўқотган саналади, дея таъкидлар эди у лашкар бошлиқларига.

Турон ўрдуси ясол тартиб бўлган эди. Ўнг қўлда амир-зодалар Мироншоҳ ва Шоҳруҳ, беклардан Сулаймоншоҳ ҳамда Шоҳ Маликбеклар турарди. Сўл қўлга эса Султон Маҳмудхон ва Жаҳоншоҳ бошчилигида тартиб берилган эди. Хоқоннинг ўзи марказда, ғўлни эгаллаганди.

Дастлаб Жаҳоншоҳ ва Султон Хусайннинг кўшини тўша-тўғри Садун ва Темуртош лашкари томон оғ кўйди. Темур лашкарининг урушмоқ иштиёки шу қадар зўр эдики, буни кўрган ҳар икки бегларбегининг ҳам тарвузи қўлтиғидан тушиб, кўшинни бошқариш мувозанатини йўқотдилар.

Ақли шошган Садун ва Темуртошнинг Ҳалаб шаҳри томон қочганлиги ўша заҳотиёқ Темурга етиб келди ва у сўнгги буйруғини берди.

— Бизга қарши қаттиқ урушганларнинг жазоси берилсун. Ёғийлик мақомида қаттиқ турмаганларнинг қурол-аслаҳаси ва от-улови олиниб, ўзлари кўйиб юборилсун! Садун ва Темуртошнинг бир тола сочи ҳам тўкилмасун! Улар тириклайин ушланиб ҳузуримга келтирилсун! Агар яхши сўз билан топширмасалар, Ҳалаб қалъаси қамал қилинсун! Ёғийнинг мағлубияти уч кунга бормади. Шунга яраша чора-тадбирингизни кўринг! — ўнг қўлини ҳавода муаллақ кўтарганча ҳайқирди Темур. — Хотин-халаж ва бола-бақра қалъадан чиқмоқ истаса, кўйиб беринг! Аёллар чиққан дарвозага ҳужум қилинмасун!

Катта лашкар ҳал қилувчи жангга кираётган, бу жанг нафақат Дамашку Бағдод, бутун Шом тақдирини ҳал этаётган эди. Бирлашган кўшинлар Ҳалабда синса, бундан сўнгги

воқеалар интиҳоси кундай равшан эди. Ҳалаб таслим бўлса унинг баробарида ўнлаб Шом шаҳарлари ва ўн минглаб қасаба ҳамда кўйлар Турон салтанати тасарруфига ўтар эди.

Машҳур Ҳалаб қалъаси Миср султонлигининг таянч, химоя ва ҳужум нуқталаридан бири эди. Қалъа атрофини ўраган канал-хандақнинг эни ўттиз газ бўлиб, кемалар бемалол сузарди. Қалъа ҳокрезининг баландлиги юз газ бўлиб, унга чиқиб бўлмас, чиқилса-да юриш маҳол даражада ўткир эди. Унга мустаҳкам ерлашиб олган арабу ажам лашкарлари ногора қоққанча ўқ ота бошладилар.

Оти жиловини бўш кўйиб, қалъа яқинига етиб келган Темур баландроқ бир ерга шоҳона гилам тўшатиб, оғир чўқди. Унинг камончилари қалъа ичидагиларни бош кўтаришга кўймай, ўққа тутарди. Чоҳ қазувчилар бир кечадаёқ хандақни ғалвирдек тешиб, қалъанинг асосий деворига етиб борган, нақибчилар ўз ишларига киришган эдилар.

Улуғ Амир жанг манзарасини кузатиб ўтирар экан, ўзи томон от кўйиб келаётган суворий диққатини чекди. У оти жиловини силкитганча қамчилаб, бош кўмондон байроғи хилпираб турган баландлик томон учиб келарди. Темур атрофини ўраб турган хос лашкар ва қоровуллар бошлиғи нима қилайлик дегандек улуғ Амирга қарардилар. Темур “Индаманг, етиб келсун!” деган ишора билан ўнг кўлини кўтарди. Чопар улуғ амирга қирқ қадамлар етмасдан отдан тушиб, юриб келди ва тобуғ келтирди. Унинг юзида хавотирдан кўра табассумга мойил ифода кўпроқ эди.

– Менким Аҳмад Ўрмон амирзода Пир Муҳаммад Мирзонинг қоровул бегидурмен. Муҳтарам шаҳзодамиз мени сиз – ҳазрати олийлари, ҳузурига арзга юбордилар, – таъзим билан бурро-бурро қилиб сўйлай кетди чопар, ҳамон ним табассумда.

– Сўйла, авлодим! Не хабар келтирдинг? Қулоғим сенда, – деди Темур нигоҳи билан қалъа атрофини кузатар экан.

– Сизнинг фармонингизга биноан ғарбий дарвозадан аёлу бола чиқишига рухсат берилган эди. Бироқ аёлларнинг узун кўйлагини кийиб эркаклар ҳам чиқиб кетмоқда. Ҳозиргача йигирмата хотин киши кийимидаги эркакни уш-

ладик. Шаҳзода сиз — ҳазрати олийларидан уларга не жазо бермоқликни сўраб келишни буюрдилар! — чопар улуғ Амирнинг юзида пайдо бўлган кулгуни кўриб, беихтиёр жилмайди.

Бу гапни эшитган Темур жилмайиб турди-да, сўнгра ёзилиб кулди.

— Ростданми? Жуда ғалати хабар келтирдинг-ку! — ҳамон куларди хоқон, кўзларига ёш қалқиб.

— Рост, ҳазрати олийлари. Ёлғон айтсам ёрилиб ўлай! — энди чопар ҳам мириқиб хохолади.

— Хўйш, бориб амирзодага айт, ўша йигирма асирни олдинга солиб, хузуримга юборсин, — буюрди улуғ Амир.

— Хўп бўлади, ҳазрати олийлари! Амрингиз бош устига! — чопар мамнун қиёфада ортига қайтди.

Кўп ўтмай қоровулбеги амирзоданинг юзбошиси, Пиримқул Арлот билан бирга йигирма бир нафар арабни ҳайдаб келди. Улар аёлларнинг мовут, чит ва бўздан тикилган узун кўйлақларини кийишган, ўраган рўмолларини эса қўлларига олган эдилар. Улар эгниларидаги аёллар кўйлагини ҳам унутишганча афсонавий Темурга ҳайрат билан тикилишар, унинг ўзларига раҳм-шафқат ва табассум билан қараб турганидан бошлари ёнларига қолажагини сезиб, мамнун жилмайишарди.

Темур оғиз очиб, уларга бир нима демади. Сўрок ҳам қилмади.

— Сизлар шоҳ бўлсангиз ҳам, кул бўлсангиз ҳам бугундан бошлаб озодсиз! Тўрт тарафингиз қибла! Бола-чақангиз билан чиққан бўлсангиз уларга, етиб олинг! Сизларни жонингизни асраб қолган бу кийимларингизни ҳам асранг. Бироқ жуда кулайга ўхшайди-я! Ҳаммаёқ шамоллаб тураркан! — кулиб арабча сўзлади Темур.

Арабчада яхши сўзлаганини кўрган асирлар, ҳайрон бўлиб унга тикилишар, бошларини қайта-қайта эгиб таъзим қилишар, шукрона билдиришарди.

— Улар бу атрофда ўралашишмасин. Узоқроққа кетишсин! — буюрди Темур амирзоданинг мулозимларига. — Ўзимизнинг орамиздаги хонимчалишлар ҳам етиб ортади.

Нақбчилар ишини кузатиб ўтирган Темур бу турфа оламнинг кўз кўриб кулоқ эшитмаган ишларидан ҳайрон бўлганча хаёлга чўмган эди. Одам зоти яшамок, жонини асрамоқ ва қорнини тўйдирмоқ учун ўзини не кўйларга солмайди. Не-не тубанликларга бормайди. Хос мулозим, юртчи Довурбек Дуғлат оқ уй ҳозирлигини айтиб келганида хаёллари тўхтамакча бўлди.

Қалъа атрофидаги ғала-ғовур давом этар, химоячилар эса туйнуклардан пусиб, ўқ узишарди. Хотиралар оғушига чўмган ҳоконнинг хаёл ойнасида дўсти Ўткун Тегин Бахшининг сатирлари жонланди...

*Юртда яшаб юртин
Кумсаган, халқим!
Муттаҳамдан малак,
Ясаган, халқим.
Палов деб атала
Ошаган халқим!
Яшамай, ёшини,
Яшаган, халқим!..*



САККИЗИНЧИ БОБ

Ҳазрати Амир Соҳибқирон раҳмли Тангри ва ҳазрати раббилаламнинг соясидирлар. Тангрининг раҳмати муъминларга қаратилган бўлганидек, унинг карами кофирлар ва мушриклар учун ҳам насиба етказувчи ва нигоҳбондир, барча унинг раҳмати дастурхонидан насибадор. Карам ва эҳсонидан ҳиссадордир. Бизнинг иттимосимиз шулдирки, журмимиз устига афв этагини ёпиб, гуноҳимиздан ўтсалар ва бу навбат яна бизга муҳлат берсалар, токи бундан кейин илгариги подшоҳлар ва оталаримиз бу мамлакатлар султонлари билан қандай яшаган бўлсалар, биз ҳам шу тариқа ҳаёт кечирайлик. Божу хирож молларини хазинайи маъмурага етказайлик. Ҳарбий юришларда муқаррар қилинган миқдорда аскар жўнатайлик. Агар жисзя тўлаб турсак ва амонда эканлигимизни билсак “сизнинг динингиз ўзингиз учун, менинг диним ўзим учун”ни ўқияжасакмиз.

**Гуржистон князларининг бирлашиб,
Темурга ёзган мактубидан.**

Кўчма масжидда бомдод намозини ўқиган ҳоқонга кечаги араб асирларининг ҳолати, аҳволи-руҳияти қаттиқ таъсир қилган эди.

Масжиддан чиқиб яна қалъа томон назар ташлаган Темур ўзи билан бирга намоз ўқиганлар орасида турган тарихчи Низомиддин Шомий томон ўғирилди.

– Сизни йўқлатган эдим, муҳтарам битикчим. Қаерларда юрибсиз? – деди Темур унинг саломига алик олиб. – Олиму, фозилу фузалолар мияси минг бир ташвиш ила банд ҳукмдорларни эслаб, маслаҳат бериб турмоқлари лозим.

– Сўровингиз туяроқ Табриздан бу томон юзландим, аъло хазратлари. Мухтарам амирингиз Боботуркдан хабар олганим ҳамоно муборак дийдорлари орзусидаман. Бирок йўл-йўлакай Дамашқ Малик ул-умароси Сайди Садуннинг одамлари ушлаб олиб, бир ҳафта зиндонбанд этдилар. Сизларнинг шарофатингиз ила озод бўлдим.

– Садун биродаримизни асирга олиб, қаршингизга олиб келишларини буюраман. Не жазога лойиқлигини ўзингиз сўйларсиз. Уни шу тариқа жазолаймиз, – деди Темур кулиб.

– Куллук хазрати, олийлари. Менинг бул каби давлат ва маҳкама ишларига укувим йўқдур. Биздан ёзмоғу чизмоқни сўранг. Бошқа иш кўлимдан келмас, – таъзим ила эътироз билдирди Низомиддин Шомий.

– Зотан, сиз қилажак юмуш бор. Сизнинг бундан буён олий ўрдуда биз билан бирга бўлишингизни, нон есак нон еб, ош есак ош еб, лашкар ҳаёти яшаяжагингизни, бизнинг юришларимиз, қилган ишларимиз хусусида авомдан хат-саводли кишига қадар яхши англаяжак бир тил ила китоб ёзмоғингизни сўрайман, – деди Темур Низомиддин Шомийнинг елкасига қўлини ташлаганича, ўз қароргоҳи томон бошлар экан.

– Улуғ Амир хазрати олийларининг мартабаларига бу ёруғ дунёда жуда камдан-кам инсон муносиб бўлган ва ул кишим юрган йўлларини жуда оз сонли инсон зоти босиб ўтгандир. Абадиятга пайванд ушбу давлат соясида биз фақирнинг сўз санъати борасидаги озми-кўпми имкон ва кудратимни бахш этмакка сўз берадурман. Олимлар меҳнати ҳақида яхши ва равон сўз улдурким, авом халқ унинг маънисини англагай, хос кишилар эса унга айб кўймагай. Оллоҳ насиб этса биз битажак тарих китоби шундай бўлажак, – деди Шомий самимий оҳангда.

– Сиз учун бул китобни битмоқ оғир кечмас деган ўйдаман, – дея сўзида давом этди хоқон улар чодирга кириб, хонтахта атрофида ўтиришгач. – Битилмиш қайдларим ва бўлажак суҳбатларимиз воситасида бу хусусда сиз мухтарам биродаримизга кўмак бера билурман.

– Ҳазрати олийларининг муборак йўриқлари жорий бўлса, мен сиз сўйлаган йўлдан бориб, қудратим етгунга қадар бу вазифани муносиб равишда бажариш аҳдида бўлурман ва ушбу савобли хизматни умримнинг шарафи деб билгаймен, – дея масъулиятни ўз бўйнига олди Низомиддин Шомий камтарлик ва хокисорлик ила. – Вазият, фурсатингизни олиб, сиз ила тез-тез кўришиб турмоқни ижоб этадир, султони акрам ҳазратлари.

– Англашдик, мухтарам тарихчим. Мендан яна не сўровингиз бор? Не истасангиз буюринг, – деди Темур китоб хусусидаги гапга яқун ясаб.

– Менга ҳеч бир шай лозим эрмас. Вақт бемаҳал сизни безовта қилиб туришимга, шатранж ва нард ўйинларида қатнашмоғимга ижозатингизни сўраймен, улуғ амир жаноблари. Шу ўринда бир қошиқ қонимдан кечсангиз, Ҳалаб фатҳи хусусида бир фикрим ҳам бор эрди...

– Сўйланг, сўйланг!

– Нақибчилар ўз ишларини тўхтатиб, қалъани вайрон этмасалар. Элчи юборилса, қарши тараф сулҳга рози бўлади. Раиятнинг кайфияти шундай. Бекларбеги Темуртош ҳам шу фикрда. Фақат бепушт Сайфи Садун сувни лойқалатган, – деди Низомиддин Шомий улуғ Амирнинг ўзига қилган сидқидил муносабатидан руҳланиб.

– Биз бошда сулҳ таклиф этгандик. Рад этдилар. Энди улардан таклиф беклаётган эдик. Майли, сиз айтгандек бўла қолсин. Чопарлардан бирини чорланг! – Эшик оғасига буюрди хоқон.

Қопуда хос чопар Баёнкул Бурулдай пайдо бўлди.

– Энди бир неча дақиқа менинг ўрнимга ўзингизни кўйиб, уларга сулҳу яраш мактубини битинг. Бу мактуб ёзилажак китобнинг дебочаси бўлажак, – деди хоқон Шомийга самимият-ла.

Бу кутилмаган таклифдан шошиб қолган тарихчи хонтахта устида турган самарқандий қоғоз ва патқаламга қўл узатиб, ишга киришди.

“Тангри таоло ўз қўллови билан жаҳонни бизнинг

хукмимизга мусаххар қилди. Иззату шаъни улуғлангур Аллоҳ ўз иродати билан жаҳон мамлакатларини бизнинг кудрат панжамизга топширди. Истеҳкомлар бизнинг аскарларимизга монёъ эмас ва ҳисорлар бизнинг ғалабамизни даф қила олмаслар. Агар ўз жонларингизга раҳм қилсангиз ўзларингизга яхшидир. Акс ҳолда ўзингиз ва аҳлу аёлларингиз қасдига саъй қилган бўлурсизлар”.

Битикни овоз чиқариб ўқиган тарихчи Темурга қаради. У бош ирғаб, маъқул ишорасини қилди. Мактубни олган элчи Баёнкул Бурулдай қалъа томон қўшдай учди. Темур амиру лашкарбошиларга қамални ҳужумсиз ушлаб туришга амр берди.

Элчи кетганидан икки намоз ораси муддат кечди. Қалъанинг бош дарвозаси очилиб, мулозимлар ҳайъати Темур чодирни томон кела бошлади. Улардан олдин улуғ Амир ҳузурига от қўйиб етиб келган элчи Ҳалаб ноибни Темуртошнинг айтган сўзини етказди. “Мен Темурбек хазратларининг-садоқатли-қулиман!”

– Қадамнингиз ҳар тараф учун хайрли келди, Низомиддинбек. Қалъа сулҳга рози кўринадур, – деди Темур сарпарда саҳнидаги ғала-говурни туйиб, ташқари чиқаркан.

Улар биргаликда чодир ўнгидаги гилам тўшалган ялангликда ўтириб, Ҳалаб қалъасини кузатмоқда давом этдилар.

Тепалиқдан суворийларнинг от чопиши, қалъани тарк этишга ҳозирлик кўриб қўйган аскар ва шаҳар ахлининг тўп-тўп бўлиб Дамашқ сари қочиб кетаётгани кўзга ташланарди.

Қалъа ичида ёнган бинолардан кўтарилган оқиш тутун кунботар томон оҳиста сузарди.

Беғубор киш осмони барчасини совуққонлик билан мижда қоқмай кузатиб тургандек эди.

Темурни мардонавор кутиб олмоқ бобида оташин нутқлар ирод этган Миср султонининг Шом ноибни Сайфи Садун ҳам алақачон Ҳалаб қалъасига кириб дарвозаларни беркитиб олганди. Соғ қўй бир хуркканча, қар қўй икки

хуркади, дегандек қолган амиру ҳокимлар ҳам тумтарақай бўлиб кетган, кўпчилик жонини сақлаш учун ўзини қалъага урган эди.

– Энди у бизга омонлик бермайди. Бироқ сен орага тушсанг, яшамокдан умид қилсак бўлур, – деди Сайфи Садун Темуртошга сўник ва нажотталаб нигоҳини тикиб.

Темуртош унга жавоб бермади. Гапирадиган бўлса аввал юзига тупурмоғи керак эди. Бошини эгтанча, икки ёрдамчисини олиб, шаҳарга кириб улгурган ҳокон хузурига йўл олди.

– Малик Сайфи Садун куткусига учган ва Султон Фаражнинг олий фармонини рад этмоқдин кўрққан малику ҳокимлар хуружига қарши тура олмадим. Шайх Ҳасан Туркман иккимизни миллат ва дини ислом душмани ўларок машваратдаёқ чопиб ташламоққа тайёр эдилар. Бир қошиқ конимиздан кечиб, гуноҳимиздан ўтишингизни рижо этман, Амир Соҳибқирон ҳазрати олийлари! Яна фармон султонлар сарваринингдир! Арз этамен!

– Ул малику амирларнинг бирортасига ҳам тиф теккизилмайди. Роҳатсиз бўлмасинлар! – жавоб қилди ҳокон вазмин оҳангда. – Яхши ният-ла бориб, биродарларимизни хузуримга чорланг!

Темуртош икки намоз ораси фурсатида қалъага кириб яширинган беш нафар Миср ва Шом маликларини кўрага камалган уюрдек олдига солиб келди.

Қалаб амири таслим бўлган шерикларини ҳоконга қай тарзда тақдим этмоқни билмай, каловланиб қолди. Буни пайқаган улуғ Амир самимий оҳангда Темуртошга мурожаат этди:

– Муҳтарам мусофирларимизни юксак ва муносиб унвонлари ила танита билурсиз, Темуртошбек авлодим, – деди вазиятни юмшатган бўлиб.

– Дамашқ ноиби, қиличдор олий ҳазратлари Сайфи Садун, – деди биринчи бўлиб Садунни таништираркан Темуртош ва улуғ Амирнинг шу лаҳзада юзига қалққан ғазабини ҳам дарров илғади. – Таробулус ноиби, қиличдор олий

ҳазратлари Шайх ал-Хосакий, Садаф ноиби, қиличдор олий ҳазратлари Олтинбуға Усманий, Ғазза ноиби, қиличдор олий ҳазратлари Умар ибн ат-Таҳҳон, Ҳамо ноиби, қиличдор олий ҳазратлари Дўқмоқ! – дея қолганларни ҳам бирма-бир таништирди Темуртош.

– Мен сизларнинг тупроғингиз ва шахрингизни ҳимоя этмоғингизни қадрлайман ва сизларни ватанига боғлиқ инсонлар деб биламан; – оҳиста сўз бошлади Темур асир ноибларни зимдан кузатиб ва Садунга келганда нигоҳини тўхтатди. – Бироқ сиёсатда хоҳ уруш замони, хоҳ тинчлик даври бўлсин ўйин тоза бўлмоғи керак. Олий давлат тарбия ва тажрибаси шуни тақозо этади. Бизнинг буюк элчи Аталмишни кабоб қилиб емаган бўлсаларинг, аллақачон қайтариб юборишингиз лозим эди. Улуслараро муносабатларнинг бул оддий таомилига амал қилмадингиз. Бунинг устига, сен, Сайфи Садун, бизнинг бир элчини сўзини ҳам тингламасдан халойиқ кўз олдида қатл этдирдинг. Отулови, кийим-кечагигача таладинг. Бу ишинг учун сенинг терингни шилсак-да ҳақимиз кетар эди. Бироқ биз мусулмонлигимизга садоқат сақлаб, қонга қон ила жавоб бермаймиз. Сен каби пастлик қилмаймиз. Элчини ўлдирмоқ ҳеч бир мамлакатнинг тузугида йўқлигини сенга энди эслатмоқдан фойда йўқ. Боиси, сен бундан буён ноиблик ёки бошқа бир юксак мансабга ўтирмайсан. Еб-ичиб, бизнинг ўғруққа эргашиб юрадиган ўзинг каби мияси ғовлаган султонун ҳокимлар орасида яшайсан. Мана бу шерикларинг ҳам ёнингда бўлади. Зерикмай суҳбатлашиб юрасизлар. Бугундан эътиборан эса Ҳалабнинг амирул умароси этиб бизнинг бегимиз Мусо Ҳожи Тоғай тайинланади ва ул кишим сизларнинг емак-ичмагингизни таъминлаб, яшамоғингиз учун лозим бўлган ёрдамни беради. Сен эса, Темуртош, Ҳалаб шахри ҳокимлигини давом этдир! – амр қилди Темур.

Сўнгра хокон саропардада фақат ҳалаблик олиму уламолар қолишини айтди. Темурнинг хос-имоми Абдулжабор Нўъмоний, Ҳалаб қозиси Шарафуддин Шофиъий, қози

Қафасий ва имом Муҳаммад Қуммийларни улуғ Амир ёнига ўтказди. Бошқалар шу тартибда ўнг ва сўл томондан жой олдилар.

– Мен сизга бир савол ила мурожаат этмоқчиман? – дея қози ва имом томон юзланди Темур. – Кеча ва бугун бўлаётган жангда ҳар икки томондан одамлар қурбон бўлмоқдалар. Сиз айтинг-чи, бу ерда ким шаҳид? Сизнинг ўликларингизми ёки бизникими?

Саропардада ўтирганларнинг барчаси бир-бирларига қараб, ўйланиб қолдилар ва уларнинг ҳаммаси ҳам бирдек ислом илмида қувватли эмас эдилар. Муҳаммад Қуммий сиз жавоб беринг дегандек Шарафуддин Шофиъийга қаради.

– Бу савол бизнинг саййидимиз, тангрининг расулидан – худонинг раҳмати ва саломи унга бўлсин – ҳам сўралган ва ул киши бу саволга шундай жавоб берганлар. Ул жаноблари қай тарзда жавоб берган бўлсалар, мен шуни такрорлайман, – деди салмоқли қилиб қози Шофиъий. – Бир саҳройи араб келиб Расулуллоҳ ҳазратларидан сўрабди: Э, расулуллоҳ! Бир киши ўз шарафи учун уруш қилади. Бошқа бири жасорату шижоат кўрсатиш учун, яна бири ўз қудратини кўрсатиш учун урушади. Айтинг-чи? шулардан қайси бири шаҳиддур? – Шунда тангрининг расули дебдилар: “Кимки тангрининг сўзи ҳамма нарсадан олий бўлиши учун кўрашса – ана ўша шаҳид ҳисобланади!”

– Ғоят мукамал жавоб бердингиз, қози жаноблари! Сиз учун неки лозим бўлса муҳайё қилурмиз. Не тилагингиз бўлса, сўйланг? – деди Темур унинг жавобидан мамнун бўлиб.

– Бизнинг умматимизни афв этинг ва ҳар бир ишни сулҳ ила битказинг! – жавоб қилди қози.

– Сиз билан тонготар суҳбатлар қилса арзигулик тоза ва билимли бир зот экансиз. Яна бир нарса ҳақида фикрингизни билмоқ истайман. Ҳазрати Али, Муовия ва Язидлар ҳақида сизлар не ақидага амал қиласиз? Кимни ҳақ деб биласиз?

– Ҳеч шак-шубҳасиз ҳақиқат Али томонда бўлган эди.

Муовия эса халифалардан эмас. Чунки тангрининг расули томонидан “Мендан кейин халифалик ўтгиз йилдир” деган аниқ ҳадис содир бўлган. Бу муддат ҳазрати Али замонида тамом бўлган эди, – дея аниқ жавоб қилди Шарафуддин Шофийий.

– Демак, ҳақиқат Али томонда, Муовия золим деб айтсак бўладими? – сўради Темур.

– Сизнинг ватандошингиз Бурхониддин ал-Марғинович ўзининг машхур “Ҳидоя”сида “Жабр қилувчи волийлардан қозиликни қабул этиш жоиздир” деганлар. Дарвоқе, гарчи ўша пайтда ҳақиқат Али томонда бўлса ҳам, саҳоба ва тобе-ларнинг кўпчилиги қозиликни Муовиядан қабул этишган, – жавоб қилди қози.

– Офарин! Офарин! – деди Темур жавобдан қониқиб. – Бул олиму уламоларимиз елкасига хилъатлар кийдирилсин ва шарафларига шоҳона зиёфат тартиб этилсун! – деди уламоларни нигоҳи билан йўлчи этаркан улуғ Амир.

– Бугундан эътиборан хутбани сизнинг муборак исми шарифингизга ўқиймиз. Танга ҳам ўзларининг муборак исмлари ила зарб этилажак! – деди Ҳалаб шайхулисломи Муҳаммад Қумий таъзим бажо келтириб.

– Энди қалъага кирамиз! Жаҳоншоҳбек! Сиз кириб қалъани тозаланг! Биз Низомиддинбек билан биродаримиз Фаражга яна икки энлик мактуб битамиз! – деди Темур хос мулозимига тик туриб ёзиладиган хонтахтани олиб чиқишни буюрар экан.

Шомий қоғоз-қаламни ҳозирлаб, ёзмокқа шайланган маҳал, улуғ Амирнинг кўтаринки руҳда янграган овози саропарда бўйлаб ёйилди.

Улуғ Амир бир лаҳза сукут сақлаб, Шомийнинг юзидаги ифодага тикилди. Низомиддиннинг кўзларидаги ҳамфикрлиликни илғагач, сўзида давом этди:

– Эй, сен! Насл-насаби белгили бўлмаган Фараж Барқук ўғли! Ақли одамга мос бўлмаган ишларингга чек қўй! Ҳалаб шаҳрини мусаххар қилиб, Садун ва салафларини банди қилиб, ушлаб турибмиз. Уларни соғу-саломат кўрмок ис-

тасанг, Аталмишни бизга юбор! Мен энди сенинг қолган вилоят ва шаҳарларингни фатҳ этмоққа киришаман! Ўзинг ҳам ҳозир бўл! Аллоҳ насиб этса яқин кунда кўришиб қолсак ажаб эрмас! Тадоригингни кўр! Гап тамом! Вассалом! — дея мактубни қисқача баён этди улуғ Амир.

Темур Ҳалабда икки ҳафта бўлиб, шаҳар ва вилоят ҳаётини изга туширишга бош-қош бўлди. Ўғруққа бир неча бек ва лашкарбошиларни қўйиб, Ҳалаб атрофидаги вилоятларни кўздан кечирмоқ учун йўлга чикди. Ҳама шахри забтига кетган амирзодалар Пир Муҳаммад ва Абу Бакрлар изидан юрди. Улуғ Амирга етиб келган хабарга кўра Сулаймоншоҳ ҳамроҳлигидаги амирзодалар шаҳар ичкарисидаги қалъани ололмаётган эдилар.

Йўл-йўлакай тўрт кичикроқ қалъани забт этган Темурнинг Ҳамага етиб келгани шаҳар аҳлини чўчитиб, ақлини шоширган эди. Кўпчилик ҳокиму амирлар, лашкарбошию волийлар Темур ила олишмоқ бориб турган мағлубият эканлигини англагандилар. Ҳамаликлар ҳам шундай йўл тутдилар. Муносиб ҳадялар билан келиб, Темурни зиёрат этган шаҳар улуғлари ҳар бир ишни қон тўкмасдан ҳал этмоқ лозимлигини сўрадилар.

Ўрдунинг Ҳамада уч ҳафта қолиши ва от-уловга дам бериш эълон қилинган эди. Бу ерда шахзодалар ва беклар яна ўша, Сивосда айтган гапларини такрорладилар. Лашкару отуловга астойдил дам бериш учун табиати қулай бўлган Тараблус дарёси водийсида кишламоқ учун рухсат сўрадилар.

— Сиз, мухтарам амиру лашкарбошилар, жанг-жадалсиз юришимиз давом этадиган бир фурсатда истироҳат истамоқдасиз ва бул фикрингиз янглишдур. Мен йўлда давом этамен! Жуда толикиб, ҳорикқанлар чериги бирлан қола берсин! — деди Темур ҳеч бир кишининг юзига қарамай ва эрталаб саҳар пайти Хумс сари йўлга тушажагини маълум қилди.

Бомдод намозини ўқиб, масжиддан чиқар экан, оқшом чақиртириб қўйган беги Шоҳ Турон Сеистонийни Хумсга бориб, шаҳар элини яхши сўз билан эл бўлмоқликка даъват

этишини тайинлади. Бу тадбир ўзини оқлади. Ҳама каби Хумс ҳам Турон давлати тасарруфига кирди ва хоқон Али Акбарни Хумсга даруға этиб тайинлади.

Темур ҳеч бир амир ёки лашкарбошини ҳузурига чақирмай, девонбеги Хожа Масъуд Семноний, Али Туркаш, Амир Боботурк ва Низомиддин Шомийларни ёнига олганча уруш эмас, бошқа мавзуларда гурунглашиб борар эди. Амир ва қўмондонлари, қолаверса, амирзодаларнинг юртга қайтмоқ, таклифлари ўтмагач, нечук бирдан истироҳат истаб қолганларидан безовта бўлган хоқон охири Боботуркга ёрилди:

— Улар нечун қайтмоқ ва ҳордиқ чиқармоқни истаб қолдилар? — дея сўради улар бетакрор меъморий кўринишга эга Баъалбек қалъасига яқинлашишар экан.

— Менимча, бунинг икки сабаби бор! — дея жавоб қайтарди Боботурк улуғ Амирнинг кўнглига тегиб кўймаслик ва шубҳалантирмаслик учун бироз ўйланиб. — Биринчиси, оила-аъзолари ва бола-чақаларини соғиниш истаги бўлса, иккинчиси, оддий навкардан мингбошига қадар озми кўпми бойлик тўплаган. Бир амаллаб, уни уйларга етказмоқ ниятидалар.

— Менимча, кўпроқ шу, иккинчиси бўлса кераг-ов-жаҳлдан тушгандай кулимсиради улуғ Амир ва хотиржам тортиб, отига қамчи урди.

— Мумкин, устоз.

Улар қалъага етиб келган эдилар. Ундан оқ байроқ кўтариб чиққан одамларнинг қиёфасида дўстлик ва сулҳ аломатлари зоҳир эди. Қалъа тошларининг катталиги барчани бирдек ҳайратга солди. Ҳар бир тошнинг узунлиги ўн тўрт кадам, эни саккиз ва баландлиги уч ярим кадам эди. Шундан ҳисобда ҳар бир тошнинг ҳажми (бугунги кун ҳисоби) тўрт юз метр куб ҳажмида бўларди.

— Инсон зоти бундай тошларни кесиб, ташиб келтириб, бундай иншоотни қура олмайди. Миср эҳромларининг тошлари ҳам худди шундай. Менимча, буни осмону фалакдан фаришта ва малоика каби бир куч келиб қурган. Буни англамоққа инсониятнинг заковати етмайди, — деди хоқон қалъани айланиб кўрар экан.

– Уни Сулаймон пайғамбар қурган дейдилар, – суҳбатга қўшилди Низомиддин Шомий.

Қалъадагиларга зиён-заҳмат етказмасликка фармон берилган, шу боис, ҳеч ким уларнинг чиқишига монелик қилмаётган эди.

Қалъа озиқ-овқат маҳсулотларига тўла бўлиб, черикнинг кунига яради. Бу ҳолатдан мамнун бўлган Темур хузурига Шохмалик, Шайх Нуриддин ва Севинчакларни чорлади. Улар ўша икки таклифлари ўтмаганидан сўнг улуғ Амирнинг қаршисида ҳижолатда эдилар. Темур урду вазири ўлароқ черикнинг емак-ичмаги учун масбул амир Шохмаликка юзланди.

– Қўшиннинг иқтисодий туруми қандай, Шохмаликбек? Қозон ҳам, чўмич ҳам мой бўлиб қолгандур?

– Шундай, ҳазрати олийлари. Фақат бир нарсадан қийналмоқдамиз. Қўшин орасида ва аҳоли билан савдо-сотик қилмоққа нақд ақчага эҳтиёж сезилмоқда. Шу хусусда бошимиз қотиб турибди. Олтин ва кумуш тангалар одамларимизда сероб. Бироқ ҳар ким ҳам уни ишлатавермайди, – ҳисобот берди ўрду вазири.

– Демак, мол айирбошлаш учун пул вазифасини ўтовчи бирор воситани ўйлаб-топмоқ керак? Шундайми? Ўтмишда туз, янчилмаган мурч донаси каби ашёлардан фойдаланганлар. Ўйланг-чи, қани, амир? – Боботуркка қаради Темур.

– Суяклардан фойдаланишимиз мумкин, – савол назари билан хоқонга тикилди Боботурк. Уларни маълум шаклларда кесиб, устига киздирилган муҳр босиб, пул ўрнида қўллаш мумкин. Бу хусусда илгариги тажрибалардан ҳам фойдалансак бўлар ҳазрат.

– Эсладим, эсладим, – кулимсиради улуғ Амир Қорабоғдаги воқеани хотирлаб. – Маъкул кўрсангиз, бу ишга киришинг, – рози бўлди хоқон.

Шу кунгича амир Шохмалик усталарни хузурига чорлаб, лашкар фойдаланган суякларни тўплаб беш турда ақча ясашни буюрди.

– Сиз, уч амир, эрта эрталабдан Дамашқ сари юрасиз.

Ҳар бирингизда бир тумандан, жами ўттиз минг аскар бор. Биз ҳам изингиздан йўлга тушамиз. Тарихий фатҳлар олдида турибмиз! – деди хокон амирларга кетмоққа изн бериб. – Қаршилик кўрсатмаганларга тиг теккизилмасин! – Мен ҳазрати Нух пайғамбар зиёратини адо этиб, йўлга чиқаман.

Дарвоқе, Баъалбек қалъасига туташ тоғда, Нух алай-хиссаломнинг зиёратгоҳи бўлиб, Темур уни тавоф этмоқ орзусида эди. Улуғ Амир зиёрат расм-русумларини ўринлатиб, Дамашқ сари йўлга тушар экан, Сайда ва Байрутга кетган кўшинлардан чопар келиб, бу шаҳарлар ҳам жанг-жадалсиз кўлга кирганлигини маълум қилди.

...Улуғ Амир Нух алайхиссалом зиёратидан хомуш қайтар экан, тарихчи Низомиддин Шомий унинг диққатини бўлди.

– Яқинда бир ақрабомиз вафоти муносабати ила Тус шаҳрида бўлган эрдим, – деди у ибратли бир воқеани ҳикоя қилмоқ ниятида. – Фирдавсий ҳазратларининг боғлари ва сўнг манзилларини зиёрат этмоқ учун бордим. Халойиқ бу боққа тартиб бериб, қабрни обод қилмоққа сабаб бўлганингиз учун ҳақингизга дуо қилишаётганини кўрдим. Зотан, сизнинг бул каби саноксиз хайри савобли ишларингиз тақдирга шоёнدير.

– Хотирамда, – деди Темур. – У шаҳарда икки ҳафта турганман. Кўп латиф ва сўлим бир манзил. Сабзаворга юрмоқдан олдин ул кишимнинг номи ила аталадиган боққа бордик. Боғда бир туп ҳам оғоч йўқ, топталган ўтлоқ каби эрди. Ердан бирозгина кўтарилиб турган тупроқ уюмини Фирдавсийнинг қабри дея кўрсатдилар. Ақлим шошди. Жуда туйғуландим. Умуман, форс халқи авлиё ва мозорларга ашаддий сиғинувчи бир қавм бўлар экану, бу жойларни обод этмоқ хусусида бош қотириб ўтирмас экан. Мен боғни тиклаб, қабрни тартибга келтириб кўйишни буюрдим. Агар Фирдавсий ҳазратлари биз турк халқини бу қадар ерга уриб асар битмаганларида эди, мақбара ҳам тиклаган бўлур эдик.

– Одамлар сизнинг бу ташрифингиз хусусида ривоятлар

тўқишибди. Айтишларича, сиз қабрга бориб: Ўрнингдан қалқ, эй, Фирдавсий! Сен жон куйдириб қоралаган Турк хоқони юртингга келди! Сенинг юртинг Эрон эндиликда улуғ Турон тасарруфидаги бир вилоят, ўлкадир! Энди бу ҳақда ҳам бир “Хоқоннома” бит, деган эмишсиз, – дея эшитганларини сўйлади Низомиддин Шомий.

– Эл ўзи орзу қилиб юрган сўзларини машхур шахслар тилидан сўйлайдилар ва бора-бора бу ҳикоят ривоят ҳамда афсоналарга айланиб кетади. Бу гапда ҳақиқат бор аслида. Эрону Турон рақобати қанчалик вайронагарчиликлар келтирмасин, икки давлатнинг юқсалишига ҳам сабаб бўлган. Эрон маликалари дастлаб бизнинг хоқонларимиз қалбларини забт этдилар. Сўнгра эса араблар етакчилигидаги ўрдулари юртимизни. Шу-шу бу икки халқнинг қони кўшилиб кетди, – гурунғ бериб келарди хоқон.

Сайда ва Байрут фатҳини эшитган улуғ Амирнинг кайфияти кўтарилган эди.

Байрутдан келган чопар эса олий бош кўмондонга эргашганча, ортга қайтмоққа амр бекларди.

– Кўп яхши, кўп яхши. Борақалло! Демак, Фаражга яна икки энлик хат ёзамиз! – деди Темур Сайда ва Байрут-фатҳидан мамнун бўлиб Боботуркга қараркан. Мактуб шундай мазмунда бўлади. Шомдаги барча қалъа ва қасабаларингни фатҳ этиб бўлдик. Энди Дамашқ сари бормоқдамиз! Агар сенга Дамашқ керак бўлса, бунинг фикрини қилиб, чора-тадбирини кўр! Сўнгра биздан домангир бўлма!

Ушбу мактуб Миср султони Малик Носируддин Фаражнинг кўлига етиб борганида у аллақачон катта кўшини билан Қоҳирадан чиқиб, Дамашқ сари келаётган эди. Ёнидаги хос амирлари Шайх Хосакий, Наврўз Ҳофизий, Ёшбек ва Садун Тозлар билан оқсоқ Темурдек айёр ва кучли рақибга қарши қандай курашмоқ ҳақида фикрлашар эди.

– Яна барчаси яратган Аллоҳга маълумдир. Бироқ имкон қадар у билан очикдан-очик дуч келиб, урушмоқдан ўзимизни тиймоғимиз керак бўлади, – деди энг тажрибали

амирлардан бири, асли эронлик Наврӯз Ҳофизий. – Улар жангда тенгсиз. Енгилсалар ҳам кўп ўтмай қасос оладилар. Уларга қарши ҳийла билан курашмоқ керак.

– Не таклиф этасиз? – деди боши қотиб қолган Малик Фараж, уйкусизликдан қизарган кўзларини амир Наврӯзга қадаб.

– У билимли, хотираси кучли, дунё воқеалари ва сиёсатидан хабардор кишиларни яхши кўриб, ёнида олиб юради. Икки нафар шундай одамни топиб, уни маҳв этмоқ учун юбормоқ керак! – деди Наврӯз Ҳофизий паст овозда Малик Фаражнинг кулоғига. – Буни сиз ила мендан ўзга кимса билмаслиги лозим.

Султоннинг чехраси ёришгандек бўлди. Унга бу фикр маъкул келган эди. Бир амаллаб ўша азроилнинг устози Темурни маҳв этсалар бас. Сўнгра унинг бола-чақалари ота мулкани таланиб, бир-бирини еб битирмоқ учун ўз саҳроларига қайтиб кетадилар. Не масраф кетса-да, бу ишни амалга оширмоқ лозим. Султон бош ирғаб, кўзини қисганча, амирга бу иш билан ўзи шуғулланишини ишора қилди.

Наврӯз Ҳофизий бундай ишларга устаси фаранг эди. У жосуслар орасидан араб, турк ва форсчани яхши биладиган, хат-саводи жойида бўлган учтасини танлади. Булар Абдул Маннон Марвоний, Караматулло Карбалойий билан Шодмон Шибирғон эди. Уларга уч кун таълим ва тавсиялар берилди-да, сўнгра, муносиб совға-саломлар билан Султон Фараж номидан одилу жаҳонгир хоқон Темур хузурига хос элчилар сифатида юборилди.

Олий ўрду Дамашқдан йигирма чақирим масофада кўр тўкиб турарди. Баъалбек қалъаси ва унга яқин қорли тоғлардан эсаётган изғирин кечалари лашкарларни роҳатсиз қилаётгани боис, черик бу ерлардан узоқлашишни ва илиқроқ Дамашққа етиб олишни орзуламоқда эди. Бироқ доруссалом Дамашқ томон ҳам шоша-пиша от кўйиб, режасиз юриб бўлмас эди. Ҳалабда пароканда бўлган араб амирлари кўшини қайта тўпланиб, шаҳарга етиб келган Миср

чериги билан бирлашиб, қасос олмоқ ишгиёкида кечаю кундуз машқ қилар, шаҳарни ҳимояга ҳозирлар эди.

Малик Фаражнинг башанг кийинган уч элчиси Сайин Темур Баҳодирнинг қоровулбеги Ёвмурдга дуч келдилар. Ўзларининг Малик Носириддин Фараж томонидан одил жаҳонгир Амир Темур ҳузурига бораётганликларини расм-русумига кўра маълум қилдилар. Амир Сайин Темур Баҳодирнинг ўзи уларга йўлдош бўлиб, ҳокон ҳузурига олиб келди. Темур уларни илиқ қарши олди. Элчилар турк-мўғул одатига кўра тобуғ расмини бажо келтирдилар. Сидқидилдан келиб, ҳоконнинг шоҳона чопони этагидан ўпдилар. Улуғ Амир уларга элчилар ўтирадиган сўл тарафдаги махсус жойни кўрсатди.

— Авваламбор, Султон ҳазрати олийларининг элчилари ўлароқ хуш келдингиз! Бул ҳаракат ул кишим томонидан узоқ, беклаганимиз ижобий бир қадамдур. Ҳар ишда бир хайр бордир. Яратган Султон ҳазратларини бундин сўнг янглиш фикр этмоқ ва қарор бермоқдин асрасин, — дея элчиларга юзланди улуғ Амир. — Оллоҳнинг Расули, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом одамларга сиғиниш бошланиб кетмасин—дея муборак кўлларини ўпмоқларига ижозат этмаганлар. Бироқ биз хом сут эмган инсон авлодлари ҳақ эгамиз ва унинг Расули буюрганларини бажармоқда илмсизлигимиз боис, хато ва нуқсонларга йўл кўямиз. Ўзимизни улуғлаб, мақтовларга учиб, кўкларга кўтаришларини истаймиз. Ваҳоланки, пайғамбаримиз яна бир ҳадисларида “одамларга ўзини мақтамоққа мажбур этганлар дўзахнинг энг тўридан ўзларига жой ҳозирлайдилар” деганлар. Бу биз инсонлардаки донишмандлик ва комилликнинг ноқислигидир. Шул боис ҳам ҳозир сиз бажо келтирганингиз тобуғ расми-русумининг ҳақ динимизга ҳеч бир алоқаси йўқдир! Буни халқимизнинг эски бир урф-одати ўлароқ қабул этгайсиз, — дея хитоб қилди улуғ ҳокон ер ўпиб, таъзим этган элчиларга.

Ҳоконнинг дини исломни бу қадар чуқур билиши ва

ҳазрати пайғамбарга астойдил боғлиқлигидан ҳайратга тушган Миср элчилари бир-бирларига қараганча, гапни нимадан бошлашни билмай, каловланиб қолдилар.

Ниҳоят ўзини қўлга олган олимнамо элчибоши Абдулманнон Марвоний лаб-лунжини йиғиштириб, хоқонга мурожаат этди:

– Етти иқлим хоқони, султонлар сарвари Амир Темур Гурагон ҳазрати олийларига Миср султони Носуриддин Фараж ҳазрати олийларининг салом ва дуоларини етказмоқни тақдиримиз осмонининг энг шарафли ва савобли иши деб билгаймиз. Маликлар Султони атрофидаги бир гуруҳ узокни кўра билмаган нодонлар сўзига кулоқ солиб, хоқон ҳазрати олийларига нисбатан қисмату қадар наҳрининг мухолифат соҳилида турганидан ғоят таассуфдалар. Султонни чалғитиб, йўлдан адаштирганлар ҳақ жазоларини олажақлар. Султон ҳазратлари Амир Темур каби буюк жаҳонгир бир ғозийга, рубъи маскун подшоҳига қарши тадбирлар олиб хаго қилганларининг фаркидадилар. Минг бир узр ва тавбаларини олий эътиборлари ва муборак арзларига етказишимизни сўрадилар. Уфоқ совға-саломларини юксак даргоҳларига йўллаб, оз бўлса-да кўп ўрнига кўришларини таъкидладилар. Ўзлари тарафидан йўл қўйилган хато ва нуқсонлар доғи устига афв қаламини чекишингизни камоли эҳтиром ила сўрадилар.

Сўнгра Марвоний Темур давлати ва авлод-аждодлари шарафига узундан узок, теша тегмаган дуолар қилди.

Унинг маъноли, охиригача ўйланган сўзлари Темурга ёқди, қолаверса, султоннинг уч нафар хос мулозими қўлида эди.

– Муҳтарам инимиз, султон жаноблари бизнинг элчимиз Аталмиш Қавчин хусусида ҳеч нима демадиларми? Биз бу ҳақда ул кишимга бир неча бор мурожаат этган эрдук? – дея сўради Темур элчиларга самимий муносабатда бўлиб.

– Султон ҳазратлари элчи Аталмишни Қоҳирадан олиб келмоққа амр бердилар. Яқин кунларда муборак остонагизга етишадилар, ҳазрати олийлари, – тутилиб-тутилиб жавоб қайтарди Марвоний кўзини улуғ Амирдан олиб қочиб.

Элчилар билан муносабатда юксак тажриба соҳиби бўлган ҳокон бу жавобда қандайдир ноаниқлик борлигини сезмай қолмади. Марвонийнинг асир элчи Аталмиш ҳақида сўзламоққа ваколоти йўқлиги туришидан маълум эди. Акс ҳолда узундан узоқ дуои саломида бу ҳақида айтарди.

— Ҳурматли мусофирларимиз бўлингиз, бизнинг амиру мулозимларимиз ила танишинг. Лашкаримиз куч-қудратини кўринг ва султонингизга етказинг. Биз ул кишимдан илгари сўйлаганимиз каби ҳеч нарса талаб этмаймиз. Сизларга мухтарам девонбегимиз Хожа Масъуд Семноний мусофирпарварлик кўрсатадилар, — дея уларга изн берди. — Оқшом емагида баробар бўлурмиз!

Хожа Масъуд Семнонийга яқин турган Алп Туркаш девонбегига маъноли қаради. У эса тушундим дегандек, икки кўзини баробар қисиб кўйди.

Улуғ Амирнинг элчиларга алоҳида муносабатда бўлаётганлиги Алп Туркаш йигитларининг уларни таъқиб этмоқ борасидаги ишини мушқуллаштирган эди. Темури одатига кўра ёғий томонидан келган ўқимишли, билимли одамларга хос ҳурмат-эътибор кўрсатар, саводсиз, жоҳил навқару элчиларни жини суймас эди. Ҳаётида у жоҳил одамларнинг бир парча экмак учун ҳар нарсага тайёрлигини кўравериб, кўзи пишиб кетган, фозил ва комил кишиларга эса ортиқча ишонч ҳамда самимият билан қарар эди.

Миср ва Шом тарихини, Абу Язид ҳамда Муовияларнинг Муҳаммад пайғамбар авлодларига қилган жабрзулмларини мароқли ҳикоя қилиб берган Марвонийнинг суҳбатлари жозибали эди.

— Дунёда энг фисқ-фужурга яқин қавм бизнинг қавмдир. Мен ҳам шу қавм вакилидирман. Бу улуснинг табиатида моддият ва рутба учун ҳеч нарсадан ўзини тия олмаслик, меъёрни билмаслик, маълум мақсадга етиш йўлида кўлини қон этмоқдан-да ҳам қайтмаслик қусурлари борким, бунини ўз вақтида пайғамбаримиз ҳазратлари ҳам қайд этганлар, — барчани оғзига қаратиб гурунг берар эди буюк элчи. — Бу қавм фитнани ўзи қўзғаб кўйиб, биринчи душманини ик-

кинчи душманининг қўли билан бўғизлайди. Ўзига тажовуз этмасин дея иккинчи душманни махв этмоқ учун учинчи бир кучни алдаб-сулдаб, йўлга солади. Ҳазрат Темурдек буюк жаҳонгирни бу фитначи қавмлар устига Оллоҳнинг ўзи юборган...

Табиатан самимий Темур Марвоний ва шерикларининг бу каби кулоққа хуш ёқар сўзларига чин дилдан ишонган эди. Буларнинг юриш-туриши фидойиларга ўхшаётганидан гумонсираган Алп Туркаш Семнонийга ҳам билдирмай улар тунайдиган чодирга одам қўйди. Кечаси, ётиш олдидаги суҳбатларини эшитишни тайинлади. Бироқ улар ўзаро кўп гаплашишмас, Темур хузурида бўлган ажойиб суҳбатлар ва антиқа емаклар хусусида ҳам лом-мим дейишмас, хатти-ҳаракатлари элчиларга ўхшамас эди. Ниҳоят иккинчи кечаси Туркашнинг ернинг тагида илон қимирласа биладиган айғоқчиси Бойкул Пишағар керакли гапни эшитди.

– Бу аҳволда ҳеч бир иш қила олмаймиз шекилли, – деди иккинчи фидойи Караматулло Карбалойий шерикларига.

– Сабр бўтам, сабр, – жавоб қилди Марвоний паст овозда.

Шодмон Шибирғоний гапга кўшилмади.

Бўлиб ўтган қисқа суҳбат ҳақидаги маълумот етиб бурганида Алп Туркаш хали ухламаган, қора уйи ўртасидаги манқалга қўли ва юзини тоблаб ўтирар эди.

– Охиста бориб, девонбегини айтиб кел, – деди совуқдан тили зўрға айланаётган хабарчисига.

Ўзи эса қора уй олдида турган тўрт соқчи билан айланиб юргандек бўлиб, элчилар ўтови томон юрди. Бу орада девонбеги ҳам етиб келди. Навкарлар фидойиларнинг садо чиқармасликлари учун улар чодирига киргандаёқ шам ёқиб, қиличларини қиндан чиқардилар. Тинтув бошланди. Шодмон Шибирғоний этигини ечиб ётган, қолган иккиси этикда ўринларига чўзилган эди. Ечилмаган икки этик кўнжидан иккита мохирона тайёрланган устара каби ўткир ханжар чиқди.

– Ханжар учига заҳар жойланган кўринади, – деди Алп Туркаш бир девонбегига, бир элчиларга қараб, ханжарга боқар экан.

Масала ойдин эди. Алп Туркаш яна бир соқчилар ўнлигини келтириб, ўтов атрофига қоровул қўйди. Эртаси куни эрталаб эса бўлган воқеани Темурга баён қилди. Улуғ Амир бу ҳолатдан ҳайратга тушиб, анчагача жим қолди. Сўнгра уларни ҳузурига олиб келишни буюрди.

Уч фидойи муфсид хоқон саропардасига келтирилди. Улуғ Амир улар билан ортиқча сўзлашмади. Улар ҳам йиғлаб-сиқтаб Темурдан раҳм-шафқат тиламадилар. Энди барчаси бефойда эканлигини сезиб турардилар.

– Шу гаплар ростми, Марвоний? – дея бир савол билан элчибошига мурожаат этди Темур.

У бош ирғади. Қолган иккисининг ҳам боши эгик эди. Шодмон Шибирғонийнинг кўзидан ёш оқарди. Воқеадан хабар топган ўрду қозиси ҳозир эди. Шайхулислом ҳам икки ёрдамчиси ила маслаҳатлашиб, улуғ Амирнинг фикрини кутарди.

– Бизнинг ясо ва йўсунимизда элчини ўлдирмоқ ёхуд уни жазоламоқ йўқдур. Зотан, улуслараро муносабатлар шартлари ва элчилик расм-русумига кўра иш юритган кимсага дунёнинг тўрт тарафида завол йўқ! Бирок бул муфсид ва фитначиларни жазосиз ҳам қолдириб бўлмас? – дея қозига юзланди.

– Учовининг ҳам терисини шилмоқ лозим, – фикр билдирди қози.

– Бу ерда бош айбдор уларнинг сардоридир. Мени тингласангиз ана шу мурдорнинг ўзини заҳарли ханжари билан ўлдириб, нопок танаси муқаддас заминни булғамаслиги учун жасадини ёқиб юбормоқ керак. Иккинчисини эса қулоқ ва бурнини кесиб қўйиб юборинг. Ўзгаларга намуна бўлсин. Йиғлаб тургани, шунчаки бир бечора ижрочи. Уни озод этинг. Бўлиб ўтган бу воқеани муттаҳам малиги ва улусига бориб айтсин!

Саропардага қабристон сукунати чўккан бу нохуш воқеадан барча бирдек безовта бўлиб ғалаёнга келган, суиқасдчиларнинг қиймалаб ташлашни талаб қилишарди.

Улуғ хоқон ҳам ташвишли нигоҳ ила хузурида ўтирганларга боқар, кутилмаган бу ҳодиса ўғруқ ва кўшинни ларзага келтирган эди.

– Жониворлар кўклаша-кўклаша, инсонлар кўниша-кўниша англашадилар. Бу қони бузук, насли-насабининг тайин йўқ, қулдан тарқаган қулвачча малик қонимизни хидлаб кўриб биз-ла англашмоқчи бўлибди. Кимки бировга чоҳ қазимоққа киришдими, аслида билиб-билмай ўз бўйига ўлчаб қазийди. Бугунги қотиллар тушган чоҳга унинг ҳам тос тепаси ила тушмоғи муқаррар! Туркман қардошларимиз сўйлаганларидек, зотан семиз қўйнинг умри қисқадир! – дея йиғинга якун ясади хоқон.

Шайхулислом, аҳдос ва ўрду қозилари уч муфсид фидойининг ҳам ўлдирилишини маслаҳатлашиб ўтирган бўлсалар-да, хоқоннинг жазо чорасига рози бўлдилар. Улуғ Амир ҳар қандай шароитда ҳам қиличу кунда кучини сўнгига қадар қўлламасликка ҳаракат қилар, хайрсиз оқимларни ҳам хайриятлиғ ирмоғига бурмоқ жаддида бўлар эди.

Девонбеги Хожа Масъуд Семноний фалокатнинг олди олинганидан хурсанд бўлиб, махфийлар хизматига тасанно айтганча, шукрона саждаси учун худойи эълон қилди.



ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

*Ҳаққа етмоқ учун тангрини излаган дам-
ларимдагина ҳаёт кўзимга гўзал кўринади.*

Лев Толстой

*Сизлардаги ақл ва зако, мардлигу жасур-
лик мени ҳузурингизга етаклади.*

*Шомийнинг илк учрашувда Амир Темур-
га айтган сўзи.*

*Турк халқи ишонишни севган халқ! Шу
боис уни алдаш осон ва қулайдир.*

Профессор ОЛТУҒ.

Улуғ хоқонга суиқасд киришими катта-кичикни бир-
дек оёқлантирган, ҳар ким ўзича талашиб-тортишиб, бичиб
тўқирди.

Бундай хоинлигу суиқасдларни давлат тепасига илк кел-
ган дамларда кетма-кет бошдан кечирган улуғ Амир учун
ҳам бу ҳолат-тушга-да кирмас-бир ҳодиса каби рўй берган
эди.

Султон Фараждан сулҳга доир хайрли хабар кутиб
ўтирганида бу воқеанинг юз бериши унинг ўю фикрларини
алғов-далғов қилиб юборганди.

Теварак-тарофга ёйилиб, от-уловини боқиб, кийим-кечак
ва яроғ-аслаҳасини тартибга келтираётган лашкарга тезда
тўпланиб, Дамашқ томон юриш амрини берди.

Минг тўрт юз биринчи йил, биринчи ойининг ўртасида
шаҳар яқинидаги адирга қўш ташлашни буюрган улуғ Амир
вазиятни ўрганиб, тил тутишни буюрди.

Хоқонга бўлган суиқасддан қаҳрланган қоровул қисм-
лари ёғий қоровулини инигача қувиб бориб, қийратиб
қайтар, қўшин шаҳарга ҳужум қилмоққа фармон бекларди.

Олий бошқўмондон қўшинни кўчириб, Дамашқнинг

Миср йўли, яъни қибла тарафидаги кенг ва очик сахрони эгаллашни буюрди. Лашкар ҳаракати учун ҳар томонлама кулай бўлган шу майдонга истехком куришга амр берилди.

Қўмондон Мисрдан келган қўшиннинг қайтиб қочмаслиги учун, йўлини тўсиш мақсадида бу тадбирни қўллашни маъқуллаган эди. Киши бўйи баландликда тошдан девор кўтарилди. Хандақлар қавланди. Лашкарнинг ўнг ва сўл қисми, қалб ва қанотидан қоровул чиқариб, олдинга юборилди. Бир неча туман отлиқ ва пиёда, деворнинг нариги томонида тунги соқчиликда туриб, душман ҳаракатини кузатар эди.

Шу куни кечга яқин етиб келган хабар Темурнинг кўнглини янада хира қилди. Раҳматлик қизи Оғо бегимдан бўлган набираси амирзода Султон Ҳусайн бир тўда салтанат душманларининг куткуси билан чопқин яшаш баҳонасида Дамашққа кириб борган ва уни Султон Фараж шоҳона илтифотлар билан кутиб олганди. Мисрликлар бу ҳолатни яхшилик аломати ва зафардан нишона деб билган эдилар.

Бу нохуш хабар ўрдуда икки кун муҳокама этилди. Темур сўнгги элчини юборишга ҳозирлик кўра бошлаган эди. Буюк саропарда ичида наридан бери юрганча муншійга мактуб мазмунини айтиб турди: “Бизнинг ҳар бир ишда узоқни ўйлашимизни билдингиз ва олий ҳимматимизни ҳар бир кечмишдан фаҳмладингиз. Ҳар бир ишда одамларнинг этагидан тутадиган нарса ғайрат ва ор-номусдир. Подшоҳларнинг мамлакатларни фатҳ этмоқдан ниятлари ҳам аслида шулдир. Биз бир неча бор Аталмишни талаб қилдик. Юбормадингиз. Бу борада баҳона ахтариш ва сустлик кўрсатишни шу даражага етказдингизки, ирода жиловни бизни мана шул ҳудудларгача келтирди. Ҳолатнинг шунгача етишига қарамай, ишнинг оқибатини ўйлаб кўрсангиз ва уни юбориш билан, ўтган кечмишнинг тадорикини кўрсангиз, ўзингиз учун яхшилик қилган ва аҳлу аёлингизни ўзингиздан миннатдор этган бўласиз. Ҳамда биз билан дўстлик эшиги очилиб, ору номусингиз, молу манол ва мулкингиз бизнинг жаррор лашкаримиз зараридан сақланиб қолгай!”

Темур бу гал Дамашққа хос элчи Ҳиндубекни юборди. Ёғийнинг аскарлари ва қурол-аслаҳасини диққат билан кузатмоқни тайинлади.

Малик Носируддин Фараж элчини муносиб қаршилади ва ўзича элчининг ташрифидан Темурни чўчитиб учун фойдаланмоқчи бўлди. Элчи ҳамкорлигида шаҳар айланган бўлиб, яхши қуролланган, совутли суворийларини, эпчил пиёдалари ва ўқчиларини кўз-кўз қилди-да, Ҳиндубекни меҳмон қилиш учун хос саройи Қасри Аблаққа келиб тушди.

– Биз эртагаёқ муфассал ва сўнгги ижобий жавобимизни рубъи маскуннинг шарафли подшоҳи ҳоқон Темурбекка юборажакмиз. Бизнинг ул ҳазрати олийлари билан тортишажак ҳеч бир муаммомиз йўқдир, – дея Турон элчисини ҳадялар билан кузатди ва бир икки кун ичида ўз элчисини ҳоқон ҳузурига юборишини таъкидлади.

Орадан икки кун ўтиб, Темур саропардасида Миср малигининг элчиси Қаландар Қандаҳорий пайдо бўлди. У Темурга ихлосу садоқат билан подшоҳининг сўзларини етказди.

– Султон ҳазратлари Аталмишни беш кун муддат ичида муборак ҳузурингизга етказмоқ мажбуриятини оладилар. Агар Амир Соҳибқирон бундан сўнгра ҳам иноят кўрсатадиган бўлсалар, фармонбардорлик йўлида нимаики лозим бўлса, бажо келтирмоқ ва имкон қадар ул зоти олийнинг ризоликларини олмақликка аҳду қарор этганликларини таъкидлайдилар!

– Бизнинг сўзимиз биттадур ва сизга дўст ҳамда хайрихоҳмиз. Султон сулҳ имкониятини қўлдан чиқармасин. Агар ул кишим яна сўзидан қайтадиган ёким бошқа бир усул ила биз билан ўчакишадиган бўлсалар ўзларидан кўрсинлар. Ҳалок бўлажак беғуноҳларнинг қони унинг ва сизларнинг бўйингиздадир! – элчининг сўзларига ишонқирамай жавоб қилди Темур.

Сўнгра Қандаҳорийни шоҳона инъому эҳсонлар билан сийлашни буюрди. Элчилар қабули ила шуғулланувчи – шиқовуллар сардорига Қандаҳорийни кузатиб қўйишни тайинлади.

Эшик оғаси улуғ Амирга юртчилар арз билан келишганини билдирди. Темур хузурига юртчилар, яъни подшоҳ ва кўшиннинг кўчиб-кўниши билан боғлиқ ишлар билан шуғулланувчи етакчи юртчилар Бектош Найман, Туман Туркман ва Оқ Буға Баҳринлар кириб келишди.

– Бу ялангликда от-улов учун хас-хашак қолмади. Сув муаммоси ҳам қийнаётир. Модомики, Миср волийси беш кунлик муҳлат сўраган экан. Шу фурсатда Дамашқнинг сув ва ўт сероб жанубий шарқий тарафидаги Ғута ўтлоғига кўчиб ўтсак, – деди дўриллаган овозда афсонавий мўғул баҳодирларини эслатадиган қисик кўзли Найман. – Барча юртчилар шул фикрдалар ва Амир Соҳибқирон ҳазрати олийларининг фармони олийларига мунтазирлар.

Бош кўмондон юртчиларнинг таклифини маъкул кўрди. Кўчиш учун фармон жорий бўлди. Катта кўшиннинг иқтисодий омилдан кўчишини боши айланиб қолган ёғий янглиш англади. Шундай улкан лашкар биздан кўрқиб қочмоқда деган хаёлга борди. Кўчиш ташвиши билан банд черик тузук-куруқ қаршилиқ кўрсата олмайди деган ўйда турон ўрдуси орқасидан от кўйдилар. Шом лашкари лак-лак бўлиб хужумга ўтди. Шаҳар аҳли ҳам кўлига илинган нарсани олиб, суворийлар кетидан чопди.

Хабар етганида хоқон Низомиддин Шомий билан тик турганча шатранж ўйнарди. Воқеа тафсилотини совуққонлик билан тинглаб, пинагини бузмади. Амиру лашкарбошилар эса саропарда эшигида улуғ Амирнинг буйруғини кутар, лашкар урушга ҳозир эди.

– Узоқ давом этган масхарабозликка ўз эллари ила чек кўядиган бўлибдилар, – деди рақибни подшоҳига шоҳ бераркан улуғ Амир. – Эрта-индин Малик Фараж ҳам сизнинг шоҳингиз ҳолатига тушади. Агар қочиб бориб, эҳромлар орасидаги фираъвнларнинг ёнига кириб ётиб олмаса, – кўшиб кўйди рақибини чорасиз вазиятга солиб. – Энди ҳақиқий жангга киришамиз. Сиз ҳам юринг, Низомиддинбек. Тарихнинг ғоят нозик нуқталаридаги воқеаларга гувоҳ бўлинг ва тўғриси эзинг!

Отига минган улуғ Амир мулозимлари йўлдошлигида атроф яхши кўзга ташланадиган тепаликка чиқди. Намоз ўқимоқ учун жойнамозини ёзар экан, хонсоларга емакларни шу ерга келтиришни буюрди. Худодан фатху зафар сўраб, дастурхон бошига келди ва кўчма тахтга ўтирганча ўрик шарбатидан ичиб, Шом аскарининг ҳаракатини кузатди. Жавонғор лашкари етиб келгунга қадар хужумни бошламай турди. Амиру туманбошилар ҳам ёғий томонга назар ташлаганча, шоша-пиша шубат ва қимрон ичишар, ўзаро пичирлашиб, уруш маслаҳатини қилишарди. Султон че­риги тобора яқинлашиб келарди. Улуғ Амир муқаддима, қоровул ва манглайни тайинлади. Ўзи қошидаги хос черикдан юз нафардан суворий танлаб жавонғор, баронғор ва кул қисмлардан ҳам суворий олиб, илғорга қўмакка юборишни буюрди. Захирада фурсат пойлаб турган лашкарга эса тоққа орқа қилиб, турган жойларида амрни беклаш буюрилди.

Кўчишга қулай бўлмоғи учун кигиз ўтовлар эмас, енгил чодир ва хаймалар тикланди. Одам бўйи истехком курила бошланди. Суворийлар девордан ўтиб, ёғийни қарши олмоққа ҳозир эдилар. Бош қўмондон сўл қўлда турган амирзодалар Мироншоҳ, Шоҳруҳ, Абу Бакр ва амир Сулаймоншоҳга чопар юбориб, биринчи бўлиб, хужумга ўтишини буюрди. Ўнг қўлдан эса Султон Маҳмудхон, амирзода Халил Султон, амирлар Шаҳоншоҳ, Тўкал Ёдгор Барлос, Ғиёсиддин Тархон, Шайх Арслон, Туғлуқ Хўжа Барлос ва Пир Али Сулдузлар от суриб жангга кирдилар. Қўл ҳировули таркибидаги Шоҳ Малик, Шайх Али Баҳодир ва Севинчаклар қўшин беклари Сайин Темур, Дарёбек, Тўкал Бовурчи ва Муҳаммад Озод йўлдошлигида жанг майдонининг қоқ ўртасига ёриб кирдилар.

Душман саросимага тушиб қолди. Улар шу кунга қадар бундай тартибли ва жон-жаҳди билан урушадиган лашкарни кўрмаган эдилар. Шом суворийлари орқага чекиниб, ўз пиёдалари ва шаҳар ҳимоячиларини топтаганча Дамашк сари қайрилдилар. Миср султонининг кўп сонли қўшини кутилмаганда қоча бошлади.

Кеч кириб, қоронғулик тушиши билан шомликларни шаҳар четигача қувиб борган суворийлар қайтиб келдилар. Бугун лашкар ўлжа ва от-улов йиғишга киришди.

– Тонг ёришиши билан ҳужум бошлаб, ишимизни ниҳоясига етказамиз! – деди ўша тепаликка чодир тикдирган Темур. – Энди филларни олдинга қўямиз. Буни кўрган ёғийнинг ўтакаси ёрилади.

...Қасри Аблақ саройининг буюк машваратлар, тантанали қабул маросимлари ўтказиладиган мухташам солинида, тахтининг сўл томонидаги курсида карахт бир аҳволда ўтирган Султон Фараж тасаввур этмагани бир мағлубият ва шармандалик қаршисида отасидан танбех эшитган боладек мулзам ўтирар, шом туби қоронғу эди.

Кўп ўтмай ҳузурига рақиб зарбасидан кўпкак қувган мушукдек шаҳарга қочиб келган ноиб ва ҳокимлар биринкетин кира бошладилар.

Солин киришидаги паст-баланд масалар устига терилган шохона емак ва ичкилар кўкиси димокни китиқлар, бироқ кимса–қайрилиб қарамасди. Кун бўйи беҳуда от чоптириб, урушиб-урушмай қалъага қайтиб кирган амиру кўмондонларнинг томоғидан сув ҳам ўтмас эди. Бошларига тушган мағлубият алами, эртанги куннинг хатарли ва таҳликали сояси малику ошчидан тортиб, барчанинг ташвишли юзида акс этиб турарди.

– Нечун бу оқсоқнинг шу қадар кучайиб кетганини менга очик-ойдин, тушунтириб айтмадиларинг. Ахир улар одам эмас, шайтон каби урушадилар-ку! – деди тўпланганларга бир-бир тикилиб султон.

– Бундай гап-сўзлар бўлган... – дея ғудранди кўрқа-писа орқарокда ўтирган амир Шадун Тоз.

– Бўлган! Демак, сўзларингизга султон қулоқ солмаган! Айб менда! Сизлар оппоқсиз! – амирга қараб ўшқирди Султон Фараж.

– Ўтган гап-сўзларни бир-биримизнинг юзимизга солиб, баҳслашмоқдан мурод ҳосил бўлмайди. Тезроқ бу балодан эсон-омон қутулмоқ чорасини кўрганимиз маъқул, — гапга аралашди обрўли амир Наврўз Ҳофизий.

– Зудлик билан эртанинг тадоригини кўрмоқ лозим. Бу оқшом уйқудан воз кечиб, тадбиримизни белгиламасак, бошимизга Садуннинг куни тушмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди, – Ҳофизийнинг гапини маъқуллади амир Хосакий. – Шу боис, эсимизнинг борида этагимизни ёпиб, Дамашқни тарк этайлик. У орқамиздан қувиб, Қоҳирагача бормаса керак. Расман унинг ҳукмдорлигини тан олсак ҳам осмон узилиб ерга тушмайди. Ҳеч бўлмаганда бошимизни, халқнинг жонини, мол-мулкини асраб қоламиз. У ҳеч қачон бу худудларда узоқ турмайди. Қолганига эса Яратганнинг ўзи йўл кўрсатар, – гаплари бурро-бурро эди амир Хосакийнинг.

Малик Фараж ҳам шу ўй-фикрда бўлса-да, юрак ютиб айта олмаётган, шундай таклифни кимнингдир ўртага ташлашини кутаётганди. Бу гапга нима дейсиз дегандек у Наврўз Ҳофизийга қаради.

– Шундай катта кўшин, шунчалик мукамал курол-яроғ билан ҳеч бир иш қила олмадик. Қайтамга лашкару халқ қирилди. От-уловнинг ярмидан айрилиб ўтирибмиз. Шаҳардан зудлик билан, кимса билмас ҳолда чиқиб кетмоғимиз керак. Дамашқ халқи истаса ўзини ҳимоя қилсин, истаса у билан сулҳ тузсин. Балки биз чиқиб кетсак, у шаҳарликларга тегмас, – фикрини сўйлади Ҳофизий.

– Хавф-хатардан узоқлашиб олмоғимиз учун уни чалғитиб турмоқ лозим. Совға-салом билан яна элчи юбориш керак, – деди зийрак Хосакий. – Акс ҳолда яна унинг қопқонига ўз оёғимиз билан тушиб ўтирмайлик.

Султон Фараж эшик оғасига элчи Туркчи Жалойирни чақиритишни ва Темур учун хос ҳадялар ҳозирлашни буюрди. Сўнгра мактуб ёзмоққа киришдилар: “Ушбу содир этилган воқеалар биз тарафдан бўлмади. Бир жамоа жохил авом халқдин чиқди. Биз эса сўзимизда турибмиз. Амир ҳазратлари безовта бўлмасинлар. Бугун кеч бўлди. Эртага не талаблари бўлса бажо келтирамиз. Кечмиш воқеалар узрини тилаймиз. Сулҳ ва дўстлик бобида бундан илгари бўлиб ўтган мубоҳасамизни қиламиз”.

Султон Фаражнинг хийласи ўз натижасини берди. Амир Темурдек одамни доғда қолдириб, кўлидан сийрилиб чиқиб кетди. Ҳокон суворий ва пиёдаларнинг жанговар ҳолатини бекор қилиб, истироҳатга чекинишни буюрди.

Миср малиги тун яримдан оққанда давлат аркони билан учқур араб отларида дорулмулк Қоҳира томон от кўйди.

Шу кеча Тўплақ Қавчин шомликлар томон қочиб ўтган амирзода Султон Хусайнни тутиб, олий ўрдуга олиб келди. Араб лашкарбошилари кийимини кийиб олган Султон Хусайн сўнг дақиқада ўзини танитди. Акс ҳолда Тўплақ Қавчин суворийлари амирзодани чоғиб ташлашарди. Уни ҳеч ким таъқиб этмаган, тасодифан қўлга тушган эди.

– Туз ва қондошлик ҳақи, ҳеч кимни қутайтирмайди. Дунё дунё бўлибдики, ҳар доим ботир қони юракка, хоин қони челақка томгандир, – деди қўллари орқасига боғлоғлик амирзодани ҳайдаб келган Тўплақ Қавчин амир Боботуркга.

– Кўп ёмон иш бўлди. Набиралар улуғ ҳокон ҳазратларини устма-уст ранжитмоқдалар. Ул кишим яқин кишиларининг хато ва жиноятларини юракка оғир оладилар, – жавоб қилди амир. Саклаблар болаларинг тотли захардир дейишаркан. Улуғ ҳоконни бошларига кўтариб, қош-қовоғига қараб шулар асраши керак аслида. Ахир киши юраги тошдан эмас-ку?

Сўнгра биргаликда маслаҳатлашмоқ учун Шохруҳмирзо ҳузурига йўналдилар.

– Ул муттаҳам айни дамда қаерда? – сўради уларни безовта нигоҳ-ла қаршилаган амирзода.

– Ҳибсдадир! – жавоб берди Тўплақ Қавчин.

– Не қилмоқ керак дейсиз? – келганлар фикрини сўради мирзо.

– Бу нохуш воқеа хусусида ҳокон ҳазрати олийлари билан ўзингиз сўзлашсангиз. Мен унинг қўлга тушганлигини ва ҳибсда сақланаётганлигини билдирдим. Бироқ устоз бу ҳодисадан шу қадар хафаларки, оғиз очиб сўзламоқни ҳам истамадилар, – гапга кўшилди амир Боботурк.

Амирзода Шохруҳ бошини куйи эгганча қиблагоҳи ҳузурига жўнади.

– Ул ҳақ танимас анчадан бери бизнинг кўнгул косамизни синдириб келмоқда, – деди улуғ хоқон кенжа ўғлининг юзига ғамгин боқаркан. – Бироқ, афсуслар бўлсинким, бу нобакор ила тенг бўла олмаймиз...

Малик Фаражнинг Миср томон қочгани тонгга яқин шоён бўлди. Амирзода Рустам, Шайх Нуриддин, амирлар Шох Малик, Севинчак ва Аллоҳдодлар Миср қўшини ортидан от қўйдилар. Қувиб етиб, черикнинг асосий қисмини ўраб олдилар. Чопкир отлардаги суворийларгина қочиб кутулди. Лашкар мол, совут, от, хачир ва туяларини ташлаб кетган эди. Бир қисми қиличдан ўтказилган қўшин тўзган, ҳар ким ўз бошини қутқармоқ савдосига тушганича жон олиб, жон берарди.

Таъқибчи амирлар қайтиши билан Дамашқ шаҳрини ўраб олиш ҳақида олий фармон таъсис бўлди. Пиёдалар шаҳар ташқарисидаги боғлардан кўчиб, хурмозорларга туташ уйларга кўндилар. Емак-ичмак мўл, қўшин ҳаёти яхшиланиб қолган эди.

Дорулмулк Дамашқ сари отланган хоқон дастлаб Расулulloҳнинг ҳарамлари Умми Салама ва Умми Ҳабиба ҳамда Билол Ҳабашийларнинг сўнг манзиллари зиёратини бажо келтирди.

– Меъмор Жуйборийга айтинг, ул икки онамиз мозорлари устига иккита гумбаз тиклаймиз. Ерни ўрганиб, тархини чизиб олиб келсин. Сўнгра маслаҳат билан иш бошлаймиз, – деди Темур зиёратдан қайтар экан Амир Боботуркга.

Темур учун Миср султонининг қароргоҳи – Қасри Аблақ ҳозирланган эди. Дамашқлик улуғ зотлар, юрт катталари ва имому қозилар раҳм-шафқат сўраб, совға-саломлар билан улуғ Амир зиёратига кела бошладилар. Шу кун Темур беклари, лашкарбошилари ҳамда маҳаллий улуғлару уламолар билан Умайя масжидида жума намозини ўқиди.

Бироқ Дамашқ қалъасига беркиниб олган бир гуруҳ амирлар бўйсунмоқдан бош товлагани маълум бўлди. Улар яширинган қалъа эса ҳақиқатан ҳам забт этиш мушкул бўлган қалъалар сирасига кирар эди. Унинг асосидан тепа-

сигача каттакон харсанглардан тикланган, атрофини ўраган хандақнинг чуқурлиги ўттиз, кенглиги эса йигирма газ эди.

– Урдунинг буюклиги, ҳеч ким забт эта олмаган қалъаларни ақл-идрок ҳамда тадбир ила фатҳ эта олишидадир. Бизнинг қаршимизда Сивос каби яна бир ажойиб қалъа турибди. Бузмоққа кишининг қўли бормади. Бироқ унга термилиб ҳам ўтира олмаймиз. Улар ярим тунда қалъадан чиқиб устимизга ёпириладилар. Ёким Малик Фараж каби бир кечада ғойиб бўладилар. Ихтиёрий равишда уни забт эта билажак амирзода ва бекларнинг чериклари бу ишни ниҳоясига етказсун! – дея амр берди хоқон.

Бундай дамларда доимо Темурнинг ўғиллари ва набиралари биринчи бўлиб майдонга чиқарди. Амирзода Мироншоҳ ва Шохрухмирзо бир қадам олдинга чиқиб, ўнг қўлларини кўксиларига қўйганча бошларини эгдилар. Шу тариқа амирзодалар Пир Муҳаммад ва Халил Султон даврага чиқди. Катта амирлардан Шайх Нуриддин, Шохмалик, Бурундук ва Али Султонларнинг чериги қалъани занжир каби ўрадилар. Усталар нақиб кавлаш ва манжаниқ ясашга киришиб, сувли хандақ айланасига эса ёғоч, тош ва симтўрлардан девор кўтара бошладилар.

Қалъа деворлари устидан тинимсиз нефть суюқлиги ва камон ўқлари ёғилар, қалқонларини бошига тутиб олган аскарлар ҳеч бир таҳдидга парво қилмай ишга киришди. Ниҳоят қалъа атрофига қурилган манжаниқлар битиб, ёғий томон тошўқлар отила бошланди. Қисқа фурсатда нағамлар ҳозир бўлди. Олтун Бахши ишлаётган Тоир буржидаги нақиб биринчи бўлиб тугалланди ва нағамларга ўт қўйилди. Буржлар йиқилиб қалъага кирилажак ғорлар ҳосил бўлди. Қалъа ичидагилар бу ҳолдан талвасага тушиб қолган, бироқ астойдил урушишар, тўпланиб келиб, ҳосил бўлган ғорларни беркитишарди.

– Ҳазрати пайғамбаримиз авлод-аждодлари, Алийи Муртазо ва унинг фарзандлариға ёмонликлар қилиб ўрганган Муовия ва Язиднинг ҳамшаҳарлари бўлмиш бу қавмдан кимсага яхшилик келмайдурғон кўринадур. Модомики, улар

ўзларига келиб, сизга шафқат назари билан боқмас экан, сиз ҳам уларни аяманг! — деди хоқон лашкарга кўрсатма бериб.

Қалъанинг тенг ярми вайрон бўлгач, кутвол Диздор ёрдамчилари йўлдошлигида улуғ Амир хузурига келиб тиз чўкди. Унинг қўлида йиқилган қалъа калити бор эди.

— Энди бу калитни бошқа бир мақсадда ишлатмоққа тўғри келади, кутвол! — деди Темур унинг қайсарлигидан қахри кўзиб. — Кутвол Диздор катта жиноятлари учун ясоққа етказилсин! Бошқа ҳеч бир кимсанинг қони тўкилмасун! Машҳур Умайё масжидини ёнғин ва бузилишдан асрамоқ учун унинг муҳофазасига черик қўйилсун! Муқаддас маконларга ўзлари ўт қўйиб, бизни ёмонотликка чиқармоқ воқеалари кечмишда ҳам содир бўлгандир. Дикқатли ҳаракат этиб, ҳар бир масжид, мақбарани муҳофаза этинг!

Улуғ Амир фармони билан Умми Салама ва Умми Ҳабиба зиёратгоҳлари устига қурилажак обидаларда ишни таъқиб этмоқ учун Халил Султон, Абу Бакр, Шайх Нуриддин, Али Султон ва Менгли Хожалардан иборат ҳайъат тайин этилди. Оппок тошдан ясалган гумбаз тўрт ҳафтада қуриб битказилди.

Таслим бўлган Дамашқ қалъасида давлат ва маликларнинг хазинаси сақланар эди. Унинг ер ости омборлари дунга тўла бўлиб, минг бир турли нафис моллар қалашиб ётарди. Ҳеч бир ўлжага қўл теккизмасдан уни олий девон хисобига ўтказишга қарор қилинди.

Қалъа томон бораётган хоқон тўрт нафар қоровул аскарнинг бир кишини судраб олиб кетаётганига кўзи тушиб қолди ва бақириб-чақираётган Сарой Мулк тавачини таниди. Темур ва аёнлари келаётганини кўрган қоровуллар жойларида қотганларича туриб қолдилар. Тавачи Сарой Мулк эса мулзам ҳолда бошини эгиб турарди.

— Қоровулбеги ким? — сўради Темур оти жиловидан тортиб, тўхтатар экан.

— Мен, Кўпак Анқут, — жавоб қилди бир қадам олдинга чиққан қора юзли, дўнг пешона қисик кўзли, кампирдаҳан киши.

– Тавачи биродаримиз не гуноҳ қилди? Нечук уни суд-
рамоқдасан?

– Ҳоқон ҳазрати олийларининг фармонлари билан қалъа
омборларидаги ғалла олий девон ҳисобига ўтказилган эди.
Бу тавачи ҳеч кимдан сўрамасдан шаръий тоши ила юз бот-
мон арпа олмиш. Бу ўғирликка кирадур. Агар фармони олий
содир бўлмасдан бурун олганида эди, бир нима демасдик,
ҳазрати олийлари, – жавоб қилди қоровулбеги.

– Ҳақиқатан Кўппак экансан. Сўзларинг ҳақ. Сен яхши
иш қилмабсан, Сарой Мулк. Яхши эмас. Оддий навкар ёким
хизматчи бўлмасанг. Тавачи отинг бор. Сенга жазо қаттиқ
бўлади, – деди Темур айбдорга қараб. – Уни қозига олиб бо-
ринглар. Ўзларинг жазоламанглар, – қоровулларга буюрди
Темур.

Аҳдос қозисининг ҳукми билан тавачи Сарой Мулкнинг
орқа ва олдига йигирматадан дарра урилиб, юз ботмон арпа
ҳақи ундирилиб, Макка ва Мадинадаги масжидлар учун
маблағ тўпловчи ходимларга берилди.

Қасри Аблаққа кўнганининг иккинчи куни Темур
ўзининг қабулини кутаётган Дамашкнинг номдор киши-
ларини зиёфатга чорлаб, танишмоқ истади. Меҳмонларни
яхши биладиган Ҳалаб ҳокими Темуртош уларни ҳоқонга
тақдим этди. Темуртош уларнинг отлари ва ота исmlарини
айтар, меҳмон бош эгиб, таъзим бажо келтирар эди.

– Қозилар қозиси Муҳиддин Маҳмуд Ҳанафий ўғли!

– Қозилар қозиси Шаҳобуддин Аҳмад!

– Қозилар қозиси Тақиуддин Иброҳим Ҳанбалӣ – Наб-
лусий!

– Котиб ас-сир қози Носируддин Муҳамад ибн Абу Тайиб!

– Қози Шиҳобуддин ал-Жияний Шофийй!

– Қози ва вазир Шиҳобуддин Аҳмад ибн Шаҳид!

– Ҳоким ноиби қози Бурхониддин Иброҳим ал-Қуша
Ҳанафий! – дея келганларни номма-ном айтиб, улуғ Амирга
танитди Ҳалаб ҳокими.

– Мен бул маълум ва машҳур кишиларни яхши таний-
ман. Бироқ орангизда икки улуғ инсонни кўрмаяпман? –

дея меҳмонларга мурожаат қилди Темур. — Қозилар қозиси Бурхониддин аш-Шозилий билан қози Алоуддин Абул Бақалар Дамашкдаларми?

Орага қисқа муддатли сукунат чўкди. Темуртош бу хусусда билгиси йўқлиги учун қози Шихобуддин Аҳмадга қаради.

— Мухтарам қозимиз Бурхониддин аш-Шозилий Аллоҳ раҳматига қовушдилар, — деди бироз илгари чикиб вазир. — Қози Алоуддин Бақа эса Малик Носир Фараж билан Мисрга жўнаб кетдилар.

— Қози Бурхониддинни Аллоҳ раҳмат этган бўлсин! — деди Темур. — Мана бу улуғ инсон эса қозилар қозиси Валиуддин Абдурахмон Ибн Халдун бўладилар. Сизларни менинг хузуримга бошлаб келган инсон ҳам шу кишидир, — сўзида давом этди Темур Ибн Халдунни ўз амиру давлат арконларига таништириб.

Ибн Халдун Мисрга Малик билан бирга қочиб кетаётган эди. Таъқибчи черик уни ярим йўлда қўлга туширди. Улуғ олим ва қозилигини билган Темур унга маош тайинлатиб, Одилия мадрасасида яшаш истагини қабул этди. У араблар тарихи борасида тенгсиз ҳикоячи, маҳзаб ва қиёфада моликий эди. У енгил салласини ўраганча, қиш бўлса-да юпқа бир яқтақда ва нозик қора рангли дарвешларнинг кунуссимон қалпоғини бошига қўндиргани ҳолда Дамашк олиму уламоларини Темур хузурига етаклаб келди. Темур ҳақидаги ноҳуш ва ваҳимали миш-мишларни у эгаллаган худудлардан қочган араб ва форслар тўкиб тарқатишарди. Шу боис одамлар унинг қабулига киришдан чўчир эдилар.

Танишув маросими тугагач, Темур меҳмонларни ўтирмакка таклиф этди. Сўнг, дастурхон ёзилди. Келганларнинг бир нечаси емак емоққа киришган бўлса, айримлари ҳамон дастурхонга қўл узатишга чўчиб туришарди. Ибн Халдун эса олдига қўйилган гўштни паққос тушириб, устидан мева шарбатини сипқорди. Темур ҳам шарбат ичганча унинг ҳаракатини майин табассум билан кузатиб турар эди.

– Сиз гапирмасангиз, мухтарам Ибн Халдунбек, салафларингиздан садо чикмайдургон кўринадур, – деди Темур уни суҳбатга чорлаб.

– Эй, мавлоно Амир! Буюк ва улуғ тангрига ҳамдлар бўлсин! Мен ўз хузурим билан инсоний подшоҳларини мушарраф этдим ва ўз тарихларим билан уларнинг ўчиб кетажак кунларини барҳаёт қилдим. Не-не подшоҳу султонлар хузурда бўлмадим. Ернинг мағрибу машриқини мушоҳада этдим. Ҳар ерда амирлару ноиблар билан мулоқотда бўлдим. Лекин яратган ва ризқ берган тангридан миннатдорманки, у менинг яшаяжак кунларимни узайтирди ва у менга қайтадан ҳаёт бахш этиб, мурувват кўрсатди ва ниҳоят мен ҳақиқий подшоҳ ким эканини кўриб, салтанат шариатида тўғри сийратли маслакни руият этдим. Агар ўзга подшоҳлар таоми талофатни даф этиш учун татилса, сиз мавлоно, амир мурувват этган неъматлар фахру шарафга муяссар бўлмоқ учун тановул қилинади! – деди кўтаринки рух ва ишончли оҳангда Ибн Халдун.

– Подшоҳларга ёқадиган сўзларни сўзламоқни сиздан ўргансак бўлар экан, жаноби Ибн Халдунбек, – деди Темур унинг нотиклигига тан бериб. – Рухсат этсангиз энди динимиз йўли ва маҳзабларимиз хусусида биров суҳбатлашсак. Сизлар каби улуғ зотлар билан гурунглашмоқ бизга ҳар доим ҳам насиб этавермайди. Биз бу хусусларда ҳалаблик олимлар билан ҳам суҳбатлашиб хузурландик. Дамашқ эса жуда кўп тарихий воқеалар шоҳиди бўлмиш улуғ шаҳардур. Унинг олимлари ҳам ўзига ярашадур.

– Сўйланг, улуғ Амир ҳазратлари, сизни не мавзудаги суҳбат қизиқтиради? – сўради қозилар қозиси Ҳанбалий маҳзабидаги уламо Тақиуддин Иброҳим Ибн ал-Муфлах, Турон султони ва авлодлари шарафига муносиб сўзлар айтиб, дуо қиларкан.

– Ҳазрати Али ва Муовия муносабатлари атрофидаги воқеалар. Язиднинг ишлари. Бахтли шахид Хусайннинг қатл қилиниши. Бу ҳодиса ҳеч бир инкорсиз зулм ва фиску фасод эканлиги ва кимки бу ишни мақбул ҳисобласа, у кофир де-

йиладими? Барчамизга маълумки, бу воқеалар сизнинг ватанингиз Шомда юз берган. Сизлар бунга қандай қарайсизлар? Агар бу ишни қонуний эмас, деб ҳисоблаганлар итоатсиз, туғёнчи ва жиноятчи кишилар саналадилми? Мен шу масалаларга сизларнинг муносабатларингизни билмоқчиман? – дея ўтирганларга нигоҳини югуртирди улуғ хоқон.

Йиғилганларнинг кўзи бу хусусда беназир фикрловчи котиб ас-сир Носируддин ибн Абу Таййиба эди. Темурнинг саволларига энг муукамал ва ақлли жавобни у бера олар эди.

– Улуғ тангри мавлоно амир ҳазратларининг умрини узун қилғай! Мен бўлсам, насабим Умар ва Усмонга муттасил бўлиб, энг катта бобом ўша замон аъёнларидан бири саналган. Бобомиз сиз сўзлаган воқеалар жараёнида ҳозир бўлиб, ўша жангу жадалларда қатнашган. У ҳақиқату адолат шунқорларидан ва сидку садоқат баҳодирларидан бўлган. Унинг бизга етган ишларидан ва ҳар бир ашёни ўз ўрнига қўйишидан шу нарса маълумки, у саййидимиз Хусайннинг бошини қидириб топиб, у каллани хўрланиш ва таҳқирлашдан холис қилган. Кейин уни тозалаб ювиб азизлаган, улуғлаб ўпган ва хушбўй қилиб иззатлаган. Кейин уни тупроққа кўмган. У бу ишни тангри таолога яқинлик йўлида энг афзал фидолик деб ҳисоблаган. Шу сабабли, э ёмғирли булутлар, унга Абу таййиб (яхшининг отаси) деб куя берганлар. Не бўлса ҳам, эй мавлоно Амир, ул зотлар дунёдан ўтиб, ул булутлар ғам-ғуссалари симирган сувлари ҳамда тоттирган нарсалари хоҳ аччиқ, хоҳ ширин бўлсин, оламдан ўтдилар. Бу фитналарки, қайсики, тангри бизларни улардан халос қилиб, бизга роҳат бағишлади ва бу қонлардирки, тангри ундан қиличларимизни тозалади. Аммо ҳозир бизнинг эътиқодимиз аҳли сунна ва жамоа эътиқодидир! – дея сўзини тугатди Носируддин Абу Таййиб.

– Во ажабо! Сизлар шул сабабдан Абу Таййиб авлодлари деб ном олганмисизлар? – дея хитоб қилди Темур.

– Мен – Муҳаммад ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Абдулқосим ибн Абдулмуъним ибн Муҳаммад ибн Абу Таййиб ал-Умарий ал Усмонийдирмен!

Темурнинг кўзларида ўт чакнагандай бўлди. У даврадагиларга бир-бир қараб оларкан, ҳурматини ва эътиқодини яширмай, этироф этди!

– Сизлар узрга сазоворсиз! Эй салафлар сараси! Агар-ким менда зоҳирона маъзурлик бўлмаганда эди, сизларни елкамда кўтариб олар эдим! Барчангизга қўлимдан неки яхшилиқ келса, қилмоққа ҳозирмен! Эрта кечкурун сиз азиз инсонларни яна суҳбат ва зиёфатга чорлаймен!

Темур меҳмонларни таъзиму эҳтиром билан кузатди. Ҳадылар тақдим этди. Эртаси куни улар яна улуғ амир хузурида ҳозир бўлдилар.

– Сиздан яна бир мавзу хусусида фикр билдирмогингизни сўраймен, – дея сўзида давом этди улуғ Амир. – Айниқса, ота-боболари ҳукмдор ўтиб, энасининг қорнидан шахзода бўлиб туғилган бойваччалар орасида илм даражасига нисбатан мансаб даражаси юқори юради деган ғалати бир ақида бор. Бул хусусдаги фикрни орангиздаги билимли бир ойдиндан эшитмоқ истаيمان.

– Рухсат этинг, мавлоно Амир ҳазратлари, бу саволингизга ожиз ақлим доирасида мен жавоб берсам, – дея ўрнидан кўзғалди Ҳанбалий маҳзабидаги қози Шамсуддин ан-Наблусий. – Илм даражаси насаб даражасидан юқори бўлиб, бунинг мартабаси холиқ ва махлуқ наздида барча мартабалардан олийдур. Куйи табақадаги фозил киши юқори табақали жоҳил кишидан муқаддам қўйилади. Отаси ёки онасининг насаби паст бўлиб, ўзи пок бўлган киши халифаликка шараф насабли кишидан авлороқдир. Бу хусусдаги далил ҳаммага аёндыр. Ҳазрати Пайғамбаримиз саҳобаларининг ҳаммалари бир оғиздан Абу Бакрни Алдан муқаддам қўйгани барчага маълум ва сабоқлидур. Уларнинг барчалари Абу Бакрни саҳобалар ичида энг олим, исломда ва улар ичида даставвал иймон келтирган зот дея ихтиёрий равишда халифа этиб сайлаганлар. Бу жараёнда ҳеч ким бир-бирига тазйиқ ёки босқи ўтказмаган. Виж-

дон эркинлигига амал қилиб, ўз фикрларини баён этганлар. Пайгамбарнинг “умматимнинг кўпчилиги янглишмайди” деган хитоблари ҳам бу эътиқодни тасдиқлайди.

Кутилмаганда қози Шамсуддиннинг кўзлари олайиб, орқаси тутиб қолган кушночдек, беихтиёр, кийимларини ечганча, оғзи кўпириб сўйлай кетди:

– Ҳаётинг омонат! Ажал хоҳ узоқ, хоҳ яқин бўлишидан қатъи назар муҳаққак! Сен ўлим қадахини яқин замонда ичишинг муқаррар! Шаҳид бўлиб ўлмоқлик ибодатнинг энг афзалидир! Аллоҳ ҳузурига боришнинг, эътиқод қилувчи киши учун ибодатнинг энг яхшиси жабр қилувчи султон ҳузурида ҳақ сўзни айтишдир!

Темур ҳайрон бўлиб имом Абдулжабборга қаради. У эътибор берманг, бироздан сўнг жазаваси ўтиб кетади дегандек хижолатли бош ирғади. Қозининг жазаваси эса борган сари хуруж қилар эди:

– Эй жалолатли мавлоно! Сенинг аскар тўдаларинг гўё Бани Исроил умматлари каби чексиздир. Улардан баъзилари бир бидъат ўйлаб топдилар ва ўз мазҳабларида бўлак-бўлак бўлиб, бўлиниб кетдилар. Улар ўз динларини бўлиб юбордилару, гўёки алоҳида гуруҳлар туздилар. Ҳеч шубҳасиз, ҳазратларининг бу мажлислари ҳақидаги хабарлар нақл қилинади ва бу мажлислардаги баҳслар марваридлари қалбларга кириб у орқали ақлларга тизилади. Агар бу сўзларнинг мендан чиққанлиги исботланиб, сунний бўлмаган бирон киши бу гапларни эътиборга олса, айниқса, Алини дўст тутувчилардан биров эшитса-ю, ўз муртадлигида Абу Бакрга рофизий деб от қўйган киши бўлса, у менинг асл эътиқодимни аниқ билса ва менинг ҳомий ва кўмакчим йўқлигини ҳам билса, албатта, у мени очиқ-ойдин ўлдириб, куппа-кундуз куни қонимни оқизади. Агар иш шу тариқа кетса, унда мен бундай бахту саодатга ҳозирланаман ва қисмат ҳукмларини шаҳодат билан адо этаман!

Қози Шамсуддин сўзларини тугатар-тугатмас ҳолсизланиб ўтириб қолди.

Темурнинг имоси билан икки мулозим қози Шамсуддиннинг кийимларини кийдириб, солиндан олиб чикди.

– У нақадар фасоҳатли, сўзда қанчалик шижоатли ва дов-юрак! – деди Темур қозини олиб чиқиб кетишгач. – Бундай мард кишилар билан суҳбатлашганда инсон ўзига келади.

Қози Шамсуддиндан кейин ҳеч ким сўз олмади. Амир Темур уларни эртанги зиёфатга таклиф этиб, кетмоққа изн берди.

Мавлоно Жамолиддин ва Мавлоно Сулаймон каби машҳур табиблар хунармандлар карвонига бошлиқ тайин этилиб, Самарқандга жўнатилди.

Эртаси куні Ҳумоюн яловнинг Фирот дарёси томон силжишига фармони олий жорий бўлди. Темур Дамашқдан чиқар экан, қоровуллар унинг қаршисига бир дарвешни келтирдилар.

– Мен сенинг подшоҳинг Темурдан устунман, дея такрорлайвериб жонимиза тегди. Қувсақ ҳам кетмаётир. “У мени танийди! Ҳузурига олиб бор!” дейди! Биз эса аллақачон уни бошини олмоқчи эдик! – деди дарвешни судраб келган қоровулбоши Ясовур Қанглий уни силталаб Амир Темурнинг пойига-тиз-чўқтирмоққа-уринаркан.

– Шундай деган бўлса, демак, у дарвеш ёки шоирдур! – деди Темур асирни турғизишларига имо қилиб. – Кимсан, иним, нечун булар ила ғавғо қилурсан? – сўради Темур унинг абгор қиёфасига шафқат билан боқар экан.

– Кимлигимнинг сенга не алоқаси бор? Бироқ шоирлигимни тўғри топдинг. Сенга ва бизни шу аҳволга ташлаб қочган Носир Фаражга айтар сўзим бор, – деди дарвеш пешона терларини кўрсатгич бармоғи билан сидириб ташлар экан.

– Сўйла, сўйла, шоири замон. Мен сен каби ўткирлардан найзали шеърлар эшитавериб, қулоғим пишиб кетган. Сенларнинг касбинг муҳолифат ва танқиддур. Эс-хуши жойида бўлган ҳар бир ҳукмдор буні совуққонлик билан қабул этмоғи лозим. Сўйла, – деди Темур тахтиравонда ўтирганича. – Узр, хурматинг-учун-туша олмадим. Оёғимда қусур бор.

Дарвеш шоир бир хўрсиниб нафас олди-да, шеър айт-
моққа киришди:

– Юртда фалокат кўнди,
Ифлослар орқа ўнди.
Ожиз малик қочди-ю,
Ёвузи ортга тенди.

Фоҳишлар ўзларини
Фаришта эълон этди.
Фосиқлар имом ўтиб,
Қолганин талон этди.

Бул муқаддас дунёни
Муттаҳамлар ём этди.
Улусни ўтга ташлаб,
Фараж ишни хом этди.

Дарвеш шоир шеърини ўқиб бўлиб, энди нима қилсанг
кил дегандек кўзларини йириб Темурга ўкрайиб қаради.

– Жуда яхши шеър! Менга маъкул! Бунинг узокни кўра
билмайдиган ўша қочоқ маликингга юбор. У бу кал-
тафаҳмлигини давом эттирар экан, бугун мен билан тўқ-
нашиб, бели бертилган бўлса, эртага унинг юмшоқ жойи-
га усмонли султонлари тешиб, бир йўла умуртқасини ҳам
синдиради. Шунда сенинг янада қайғулироқ оҳангда ғазал
битмоғингга тўғри келади. Хайр, соғ бўл! Унга тегманглар!
Олса, емак ва кийим-кечак учун пул беринглар! Олмаса-да,
ўлдирманглар! Унинг гаплари тўғри! – дея кўрсатма берди
Темур қоровулбегига.

Сўзини тугатар-тугатмас от чоштириб келаётган амир
Боботуркга кўзи тушган хоқон яна тўхтади. Бекнинг хатти-
харакатидан муҳим хабарни етказмоққа шошаётгани
кўриниб турарди.

Тахтиравонга етмасдан отдан тушган амир қоровуллар
сафини ёриб хоқон томон келарди.

– Ғалат бир воқеа юз берди, аълоҳазрат, – деди амир хансираганча етиб келиб. – Кўшинимиз таркибидаги Хуросон ва Мозандарон шиаларининг амиру кўмондонлари Муовия, Язид ва ҳазрат Хусайнни ўлдирган жавшандор, хуллас, бани Умийя хонадонига мансуб барча кишиларнинг сағаналарини бузиб, ер-ла баробар этиб, нажас ва ахлатга кориштириб топтадилар. Бундай ҳолатга дуч келмаганимиз боис не қиларимизни билмай қолдик: Барча ҳайрон. Вазиру лашкарбошиларимиз мендан бу хабарни зудлик ила сизга етказишимни сўрадилар.

– Тавба! Тавба! Астағфируллоҳ! – деди улуғ хоқон ўйга толиб. – Не демоққа-да ҳайронман. Муовия ибн Абу Суфён, уммавийлар сулоласига мансуб биринчи халифа. Язид ибн Муовия шу сулоланинг иккинчи халифаси бўлиб, пайғамбаримизнинг неваралари Имом Хусайн ва олтмиш икки кишисини қатл эттирган. Шимр жавшандор, яъни со-вут кийган Шимр эса Имом Хусайннинг қотилидир, – деди хоқон мулозими келтирган хабардан таажжубланиб. – Ислом оламидаги сунний ва шиага бўлиниш, бу икки маҳзаб кишиларининг ёвлашуви Ҳазрат Али даври ва Ҳазрат Али даврида ва ана шу хунрезликдан бошланган. Бу қарама-қаршилиқ ва қонхўрлик борган сари авж олмоқдаки, замонлар келиб мусулмонлар бошига буюк фалокатларни сола-жак. Қотиллик ва қабихлик етти юз йил ўтибдики, ҳамон ўз баҳоси ва жазосини олмоқда, давом этмоқда. Демак, инсониятга, унинг илоҳий эътиқодига қилинган суиқасд минг йил кечса-да тарих саҳифаларидан қалқиб юзага чиқаверади. Шунингдек, ҳақу ҳақиқат, адлу адолат ҳам кечмиш тарих қаъридан қуёш каби порлаб туради. Бу хусусда бир суҳбатимизда баҳслашган эрдик. Ким бўлмасин, кишининг кўзи очиқлигидаги баҳо нисбийдир. Сўнгги баҳо, устига тупроқ тортилгандан кейин берилади, – деди хоқон ўйга толганча шаҳарнинг шимолидан денгиз каби тўлқинланиб адир томон ўрлаётган лашкарга тикилганча. – Ал қасос-ул мин ал-ҳақ! Тавба демоқ ва тавба қилмоқдин бўлак сўз ортиқчадир, авлодим!

Хоқон ўйга толганча кўзини юмиб, калимаи шаҳодатни қайтара бошлади.

Қарпсида ҳайкалдек қотган амир Боботурк нафас олишни унутгандек қотиб турарди.

– Мана, ҳазрат пайғамбаримиз ўрнига даъво қилиб, халифаликдек олий вазифани устланиб, хону хоқон, подшоҳу султонларга ёрлиғу нишон бериб, тахтга ўтқазиб, азл этиб юрган юксак мақомдаги кишининг вафотидан етти юз йил ўтгандан кейинги аҳволи! Барчамиз учун сўз ила ифодалаб бўлмас, буюк сабоқдир бу, Боботурк! Демак, эзгулиғу яхшилиқ, адлу адолатни ҳимоя этган қавм ва мамлакат устига Оллоҳнинг раҳмати ёғилиб тургани каби, жоҳилу қотил, золиму шарафсиз элу-юрт бошига ҳам хоҳ тирик, хоҳи ўлик бўлсин, унинг лаънати ёғилажак деганлари шудир! Тавба! Астағфируллоҳ! Ё Оллоҳ! Гуноҳларимизни ўзинг авф эт!



ЎНИНЧИ БОБ

*Бундан кейин улар қуллик мақомига до-
хил бўлиб, яхши бандалик вазифаси ва мақбул
хизматларни адо этишига киришсинлар!
Ёзишмалар ва борди-келди эшигини очсин-
лар! Муслмонларни ўз жойларида эмин
ва азиз тутсинлар! Бединлар қондаларини
мўминлар вилоятида ошкора этмасинлар...*

**Хоқон Темурнинг гуржи улуси
ҳақидаги олий фармонидан**

Улуғ амирнинг узоқ-узоқлардан товланиб кўринадиган осмонранг тахтиравони машҳур Қорайўлдан Хўжа сари илгарилар эди. Амирзодалар Халил Султон билан гуноҳидан ўтилган Султон Хусайнга вазиятни ўрганмоқ учун илғор сифатида олдинда юришга амр бўлди. Амир Бурундук, Али Султон, Давлат Темур ва Тўкал Қарқараларнинг сайланма суворийлари эса амирзодаларини таъқиб этиб, йўлга чиқдилар.

Хоқон бу черикларни бежизга жўнатмаган эди. Қора Юсуфнинг лашкари Фирот наҳри бўйидаги қишлоқ ва кентларни талаб, Темур ва унинг амирлари ўзлари учун қурган ҳашаматли биноларни бузиб, теп-текис қилиб кетган эди. Демак, Қора Юсуф осонликча жон бермайдиганга ўхшайди. Агар Қора Юсуф салтанат ерлари ва раиятига тажовуз қилмай юрганида Темур уни жазоламоқ фикрини ақлидан чиқарган бўлур эди. Бироқ у тез-тез ўзини кўрсатиб, эски ярани янгилар, табиатан тилига олган сўзни ўринлатмаса уйқуси келмайдиган Темурнинг жинини кўзитарди.

Фирот томон жўнатилган қўшин шу масалани бир ёқлик қилиб келиши керак эди. Бироқ туркман лашкари астойдил қаршилиқ кўрсатди. Кўмонлон Халил Султон жанг бу қадар

шиддатли бўлишини тасаввур этмаган эди. Орқадан етиб келган суворийлар кўмаги билан ёғийнинг бир қисми маҳв этилди. Қолгани эса кўч-кўрони, чорваю мол-мулкини ташлаб, тоғ томон қочди.

Ов ва истироҳат учун Ҳалаб орқали Фирот дарёси ёқасига келаётган Темур Ғута манзилига тўхтаганида амир Боботуркни ёнига чорлаб, Самарқандга бориб бошкентдаги вазиятни ва халқнинг яшам ҳолатини ўрганиб келишни топширди ва тегишли йўриқлар берди.

— Самарқандга етгач, ёрдамчиларингиздан бирини Мўғул сарҳадидаги валиахд Муҳаммад Султонга юборинг. Амирзода беклар Худойдод Хусайний ва Бердибек Сари Буға ва бошқа амирлари билан Эрон сари юрсинлар. Мен унга Хулогухоннинг тахтини бермоққа аҳд қилдим! Узингиз эса Туман оқа ва амирзода Улуғбекларни олиб, хузуримга қайтинг!

Амир Боботурк ёнига махсус чопар Доно Хожа ва қирк чоғли тажрибали суворийни олиб, қайдасан она Самарқанд дея йўлга тушди.

Барча амирзода катта беклар ва туманбошиларга Фирот дарёси соҳиллари бўйлаб кўш ташлаш буюрилди. Баҳорнинг илк кунлари бу ерлар ер юзининг жаннатига айланар эди. Амирзодалар-сувнинг юқори, беклар қуйи тарафидан саф-саф бўлиб келишарди. Улуғ Амирнинг осмонранг шоҳона чодирини тепасида Турон давлатининг саморанг байроғи юракларни тўлқинлантириб, хилпирарди.

Дарёнинг икки соҳили турли хил хайвон ва қушларга мўл эди. Айлана шаклидаги овнинг доираси торайганда товушқону кийик, ёввойи эчки каби турли жониворлар кўплигидан қўлда тутишарди. Гала-гала бўлиб, учаётган ўрдак, ғоз, қашқалдоқ ва ғуррақларни ўқ-ёйда овлашар, тузоққа бешта силовсин ҳам тушган эди.

Кўшин бу манзилда икки ҳафта мобайнида дам олиб ўзига келди. Серўт соҳилда кечаю кундуз ўтлаган отлар семириб қолди. Султониядан улуғ Амирнинг ҳарамлари Тўқалхоним, Туман оғо ва Сарой Мулкхонимнинг хос му-

лозимлари маликаларнинг хоқонга аталган антиқа ва анвойи ҳидларга буркалган совға-саломларини келтирди. Улуғ Амирнинг ҳар бир хоними, бир-бирини такрорламайдиган ажойиб ва ғаройиб ҳадялар ҳозирлаган эдилар. Чин ипагидан тикилган ички кийимлар, ҳинд ва мочин атирлари, киши куч-куватини оширадиган доривор ичкилар, тоғ писта ва бодомлари. Улар улуғ Амир ҳазратлари учун танқис емак ва ашёларни жўнатган эдилар.

Ўз навбатида Темур ҳам севикли хотинларига Мисру Шомнинг антиқа тухфаларини бир неча ҳисса қилиб қайтарди. Дамашқда ўзи ва Султон Махмудхон оти билан чиқарилган олтин ва кумуш тангалардан бир туядан юборди ҳамда бу тангаларни салтанат худудида тарқатишни тайинлади.

Ов ва истироҳатдан сўнг, ўрду Мордин томон юзланди. Бундан икки йил бурун Султония ҳибсидан озод этилиб, Мордин ҳокимлиги қайтариб берилган Султон Исо улуғ Амирга берган сўзларини бажармаган, сўровларини жавобсиз қолдирган эди. Хоқон уни Дамашқ сафарига лашкари билан етиб келишни, ёки бўлмаса, ўрнига ўғлини юборишни амр этганди. Султонияда хонабандликдан чиққандан сўнг Темурнинг оёғини ўпган Султон Исо унга ҳаёт ва тахт бахш этган кишининг сўзига эътибор қилмади.

У ҳумоюн ялов Мординга келганида Темур истиқболига чиқиб, садоқатини изҳор этса, яна марҳамат кўрар эди. Аксинча, кўрқиб, қалъага яширинди. Темур бошқа амир ва ҳокимлар қаторида ўзининг зиёратига келган Оқ қуюнлик туркманлар ҳокими Қора Усмонга Мордин қалъасини қамал қилиб туришни тайинлаб, ўзи Бағдод томон юрди. Мордин қалъасини нақиблар кавлаш ва манжаниқлардан тирбўрон қилиш билан олиб бўлмас, узоқ қамал учун теварак-атрофида катта кўшиннинг от-уловига ем-емиш йўқ эди.

Валиаҳд Муҳаммад Султоннинг Эрон тахтига ўтириши муносабати билан мўғул сарҳадидан чақирилгани боис, худуд назорати учун амир Оллохдод Ашпарага жўнатилди.

Осмон рангли байроқ кўтарган музаффар лашкар Мосул

ва Табриз томон борар эди. Қоровулбегилардан Қутбиддин Қангли Аланчиқ қалъасидан, амирзода Мироншоҳнинг мулозими Шайх Муҳаммад Даруга ва Шохруҳмирзонинг етакчи сарнавқари Ферузшоҳдан Қодирбек Қорақилич исмли чопар келганлигини улуғ Амир арзига етказди. Чопар Аланчуқ қалъасининг олинганлиги ҳақида хабарни келтирганди. Бу қалъа ўн йилдан бери қамалда эди. Юқоридаги икки мулозим қалъани қамал қилиб, ҳақ деб ўтиришарди. Қалъадаги одамлар очлик ва ожизликдан деярли қирилиб битган, қолган бир неча киши сўнгги озуқа, эски-туски терилар, пойабзалларни қайнатиб еб тугатгандан сўнг, дарвозани очиб, арвоҳ шаклида ташқарига чиққандилар. Қамалдагилар ичида озмаган юзидан қони томиб турган бир киши бўлиб, у ҳам қутвол Саййид Аҳмад Алишоҳ эди. Уни банди қилиб, хоқон хузурига жўнатдилар.

Улуғ Амир фармони билан Гуржистон томон йўлга чиққан амирзодалар Пир Муҳаммад, Абу Бақр ва Султон Хусайнлар бошчилигидаги беклар Авникга етганида бу воқеадан хабар топдилар. Темур Қофқоздан узоқлашиши билан гуржилар яна ғимирлаб қолган, мусулмонлар яшайдиган худудларда ғайриисломий одатларини жорий эта бошлагандилар.

Авник вилоятига Турон қўшини кирганини эшитган княз Гурбек зудлик билан Темурга қулликни бўйнига олган мактуб ёзиб, раҳм-шафқат тилади. Темурдан гуржилар ўзларини муносиб тутсалар уларга зиён-заҳмат етказмаслик ҳақида амр келди. Амирзода ва беклар кулай бир ўтлоққа қўш ташладилар. Султон Маҳмудхон, амирзода Рустам, Сулаймоншоҳ, Музроб Жаку, Рустам Тағай Буға, Севинчак Баҳодир ва Тўкал Барлосларни бошқа туман ҳамда қўшинлар йўлдошлигида Бағдод томон юриши ҳақида фармон бўлди.

Султон Аҳмад Жалойирнинг Фараж исмли лашкарбошиси Темурнинг Бағдодга қўйган волийси Хожа Масъуд Сабзаворийни ҳайдаб чиқариб, шаҳарда ўз ҳукмини юритарди. Унинг қўл остида катта турк ва араб чериклари бор эди.

Шахар ташқарисида тўда-тўда бўлиб юрган лашкар галалари ҳам саркарда Фаражни кўллардилар. Бу чериклар Султон Маҳмудхон бошчилигидаги қўшиннинг бир ҳамласи билан тўзиб кетди.

Султон Маҳмудхон амирзодалар билан маслаҳатлашиб, лашкарбоши Фаражга элчи юборди. Амирлашкар Фараж: ⁴⁴Султон Аҳмад Жалойир ҳазрати олийлари ҳар қандай лашкар келса, унга қарши тур, аммо Амир Соҳибқирон Темурбекнинг шахсан ўзи ташриф буюрсалар, шаҳарни топшир ва раиятни талафотга учратма деганлар. Мен Султоннинг сўзларидан чиқа олмайман, дея жавоб берди. Сўнгра эса, агар Амир Соҳибқироннинг ўзлари қадам ранжида этсалар, биз ҳаммамиз ул жаҳонгир ҳазратларига кул ва мутъедирмиз. Келмасалар, йўлнинг сўнги жангдир, дея пўписага ўтди.

Султон Маҳмудхон Дамашқ волийсининг жавобини улуғ Амирга етказиши билан у машҳур Олтин Кўприк йўли орқали Бағдод сари юзланди. Амирзода Мироншоҳга Дажла дарёсининг қарши тарафидан шаҳарни ўраб олишни топширди. Шахар-лашкар-томонидан ҳалқага олинган эди. Темурнинг волийси Хожа Масъуд Сабзаворий шаҳар қалъаси ва унинг буржу бораларини таъмирлаб, мустаҳкамлаган эди. Вазият ўзлари тиклаган қалъани бузиб, уни қайтадан фатҳ этмоқни тақозо этарди.

Бағдоднинг шимолидан етиб келган Темур Куббатул Уқоб дарвозаси қаршисига ўзининг шоҳона чодирини тикди. Темурнинг етиб келганига ақли етган Фараж, гўё ишонмагандек, улуғ Амирни яхши танийдиган мулозим Усмон Урфалини унинг қароргоҳига юборди.

– Сен бориб волий Фаражга айтгин. Биздан чўчимасун. Шахардан чиқиб келиб, мезбонлик одобини ерига кўйсин. У нени истаса раъйини қайтармаймиз ва ундан ҳеч нима талаб этмаймиз, – деди хоқон элчининг елкасига тўн ёпишни буюриб. – Зинҳор-базинҳор ул биродаримизга ёмонлигимиз йўқ. Бу антиқа Бағдод-шаҳрида бундан тўрт-беш юз йил бурун мусулмону яҳудий, насронийю бошқа катта-ки-

чик динларга мансуб кишилар биргалашиб байрамларини ўтказишган. Бағдод азал-азалдан сулҳ ва тантаналар шаҳри бўлган. Биз бу эътиқодга шак келтирмоқчи эмасмиз.

– Рухсат беринг, аъло ҳазрат! Мен бориб Фараж билан ўзим сўзлашиб келсам, – дея изн сўради девонбеги Хожа Масъуд Семноний.

– У сиз билан кўришишни истамайди, чамамда, – жавоб қилди Темур ўйга толиб. – Майли, юрагингиз чопса, боринг.

Фараж ўз элчисини ёлғончига чиқариб, қалтаклашни буюрди. Сўнгра зиндонга ташлатди.

Амирлашкарни сулҳга ундамоқ ниятида шаҳар дарвозасига яқин борган Хожа Масъуд Семноний билан Менгли Хожа қалъадан туриб отилган ёй ўқидан ҳалок бўлдилар. Куну тун ёнида бўладиган, катта-кичик ташвишларида унга кўмакчи бўлиб юрган одамнинг ўлими Темурга қаттиқ таъсир этди.

Луқмон Тавочини чақириб, Озарбайжоннинг Қалоғи мавзесида турган Шоҳруҳмирзонинг катта қўшини билан тезда Бағдодга етиб келишини тайинлади. Нақбчиларга чоҳ қавлашга фармон берилди.

Шаҳзода Шоҳруҳ-йўлнинг танобини тортиб, қисқа фурсатда етиб келди. Бундай катта қўшинни кўрмаган Бағдод аҳлининг ақли шошди. Фараж дуч келганга бақириб, ўз одамлари ичидан ўзига душман ахтаришдек худбин ҳукмдорлар ўйлаб топадиган қабих ишга киришиб кетган эди.

Худди шу дамда Муҳаммад Авбаҳий Аланчук қалъасининг собиқ ҳокими Саййид Аҳмад Алишоҳни олиб келди.

– Сен ўн йил мобайнида қалъани муҳофаза этдинг. Бу ишинг таҳсинга лойиқдур! Бироқ бу аҳмоқона ишингни жуда кўп одамларнинг хунига зомин бўлиш билан амалга оширдинг! Шулар боис ўлимга мустаҳиқсан! – деди Темур Алишоҳга. – Муҳаммад Авбаҳий Аланчук қалъаси ва унга туташ ерларнинг ҳокими этиб тайинлансин! Бир ҳокимга неки ашё лозим бўлса тақдим этилсун!

Амир Боботурк ҳам Муҳаммад Султоннинг ёнидан унинг хос мулозими Мусобек ҳамроҳлигида қайтиб келди ва валиаҳднинг туҳфаси юз йигирма мисқоллик Бадахшон лаълини улуғ Амирга тақдим этди.

Беклар ва амирзодалар бир неча бор Темурдан ёппасига ҳужум этиб, шаҳарни эгаллашга рухсат сўрадилар. Улуғ Амир жоҳил Фараж инсофга келиб, яхши сўз билан эл бўлар деган умидда рози бўлмади.

Ниҳоят улуғ хоқон қирқ кун муҳлат бериб, Фараждан жавоб кутди. Қирқ биринчи куни эса ҳаво шу қадар исидики, ҳимоячилар қалъа деворлари устида юролмай қолдилар. Уй-уйларига уриб кетдилар.

– Энди ҳужум фурсати келди. Шотилар кўйиб, сурон солиб шаҳарга бостириб киринг! – буюрди Темур Халил Султон билан Шайх Нуриддинга.

Тўрт тарафдан қалъага ёпирилган лашкар қисқа фурсатда қалъанинг тит-питини чиқариб ташлади. Фараж қизи билан кемага тушиб, Дажланинг юқори оқими бўйлаб қочган эди. Яраланиб, сувга йиқилдилар. Маллоҳлар сувга тушиб уларнинг жасадларини олиб чиқдилар. Бир инсоннинг ўжарлиги оқибатида Бағдод яна вайрон бўлган эди.

Темур Дажла суви бўйлаб юқорига қараб юрди ва имоми аъзам Абу Ҳанифанинг мазорига етиб тўхтади. Уни тавоф қилиб, ободончилиги учун тегишли маблағ ва одам ажратди. Ҳанафий мазҳабининг асосчиси, фақих ва муҳаддис Абу Ҳанифа ан-Нўъмон ибн Собит ал-Имам ал-Аъзам (699–767) Кўфада шойи сотувчи бой ироклик савдогар оиласида туғилиб, қирқ ёшигача билим олади. Кўфа, Басра ва Маккада илм билан машғул бўлади. Ота касбини ҳам давом эттиradi. Халифа ал-Мансур уни янги асос солинган Бағдодга қозиликка чақиради. Абу Ҳанифа бу таклифни рад этгач, халифа уни қамайди. Қалтақлатади. У бу азоблашдан сўнг кўп ўтмай вафот этади. Унинг қабри шу ерда эди.

Кўшин жилови Табриз томон бурилди. Олий ўрдуга етиб келган ўғиллари Шохруҳ ва Мироншоҳ, набираси Халил Султон қиблагохлари хизматида ҳозир бўлдилар.

Темур шаҳарларда кўп қололмас эди. Табризда унга муносиб қаср ҳозирлаб кутишган бўлишса-да, у шаҳардан йигирма чақирим узоқликдаги Оқ яйловга келиб тушди. Бунга қадар у Жағоту дарёси бўйида истироҳат этиб турган, ҳузурига Сарой Мулк хоним, Хонзода бегим ва амирзода Улуғбеклар келиб, бир неча кун жангу жадал ташвишларини унутган эди. Эрон мулкининг ҳокимлари келиб уни зиёрат этишар, шунинг баробарида ҳисоб беришарди.

Амир Соҳибқирон ўзи тайинлаган подшоҳ, ҳоким, волий, даруға ва қутволларнинг хатти-ҳаракатини изчил кузатар, уч марта оңгли равишда хатога йўл қўйган ва жиноят қилганларини кечирмас эди. Ўнлаб ҳокимлар унга бўлган ҳурмат ва садоқати учун олий мансабу мукофотлар олган бўлса, ўнлаб катта хато қилган ҳокиму султонлар олий ўрду қошида ярим чодир ҳибсида сақланган ҳолда ўғруқ билан бирга юришарди.

Дамашқ Малик ул-умароси Сайди Садун ўша воқеадан кейин шаҳардан чиқишдаги Ялбуғо қишлоғида ошқозон касалидан вафот этган эди. Сафад ҳокими Олтинбуғо Усманий ва Ғазза ҳокими Умар ибн Тахҳонлар Темурнинг кўлида эди. Ҳар икки шаҳарга ҳам ўша ерлик икки киши ҳоким этиб тайинланганди. Миср Султони Сафадга Олтинбуғони ноиб, Алоуддин Даводор исмли тажрибали тужжорни эса ҳожиб тайин этганди. Ҳар икки лавозимни эгаллаш учун ҳам салтанатга озми-кўпми хизмати синган кишилар танланарди. Ноиб йўқ пайтида унинг вазифасини ҳожиб бажарди. Бутун Шом ноиблари Ҳалабга тўпланишиб, Темурга қарши курашга бел боғлаганларида барча шаҳарларда ҳокимият ҳожибларнинг кўлига ўтди. Ҳалаб бекларбегиси Темуртошдан бошқа ҳеч ким қайтиб ўз мансаб курсисига ўтирмади. Шу тартибда Сафадда элбошилик Алоуддин Даводорнинг кўлига ўтган эди.

Шом юртбошилари ичидан Темур билан адолатли муносабатлар ўрнатилса элу юртга фақат фойда келишини илк бор англаб етган ҳоким шу бўлди. У Темурни улуғ мусофир дея иззатини жойига қўяр, кўнглини олиш учун ҳар нарса-

ни мухайё эта биларди. У Темурга чўғдек товланиб турган бир лаган олтин ҳадя этса, Темур унга бир уюр араб ёки қорабайир тулпорини туҳфа этар эди.

– Сизнинг қудратингизга энди инондим, – деди Темур Фирот дарёси бўйида бирга ов қилишиб, саропардага қайтишгач Алоуддин Даводорга. – Ва шундай фикрга келдимки, Миср султони ҳал эта билмайдиган ҳар қандай ишни сиз ҳамирдан қил суғургандек осон чўза билурсиз.

Дастурхончи ҳоқон ва ҳоким олдидаги хонтахтага юзига қуш этидан ҳозирланган сардакли кулчатой келтириб қўйди. Яхши тузланиб, кечаси чодир шифтига осиб қўйиладиган ва кундуз куни газмолга ўраб, салқин сопол товоқлар орасида сақланадиган бу хил сур гўштлар лашкарнинг асосий озукаси бўлиб, энг буюк аскар Темур уни хуш кўрарди. Марокли суҳбатлар узоқ давом этиб, турли емаклар ейилгач ҳам мусофирларни янада мамнун этмоқ учун бош мезбон қуш этидан палов ёки узоқ қайнатилган ичак-чавоқ шўрваси буюрарди.

– Хуллас, менинг илтимосим шундан иборатким, бизнинг Туркистон тарафларда, айниқса, Фарғона аталмиш музофотимизда бир ажойиб оқ сўғоң (пиёз)-бўлади. Нечундир бу худудларда шу пиёзни кўрмадим, – деди гап орасида улуг ҳоқон. – Саройларда узоғи билан бирор ҳафта тура оламан. Энг кўпи ҳали битмаган бўлса-да ота юртим Қешда қурганим Оксаройда яшадим. Унинг ҳовлисида ҳовуз бор. Қуёш тафтидан суви илийди. Сизни ота тупроғимга ташриф буюриб кезишингизни, ҳордиқ чиқаришингизни истайман, – мезбонни юртига таклиф этди Темур.

Шу пайт дастурхончи Лолабек олтин товоқда палов келтирди. Кийик гўшти гуруч устида хилвираб турар, ёнғоқ, бодом ва ўрик мағизи ёғидан тайёрланган ошга сепилган анор доналари шам ёруғида ялтирар эди. Чодир бўйлаб паловнинг ёқимли ҳиди таралиб, иштахани кўзгар, биллур қадахларга қўйилган қирмизи шароб патнисда товланиб турарди.

– Инқиллаб тўйсанг ун ошга, паловнинг ўрни бир

бошқа, дейдилар биз тарафларда. Қани ошдан олинг-чи, Алоуддинбек, — дея меҳмонни емакка даъват этди Темур. — Дунёнинг энг кучли, ҳафиф ва парҳезбоп емаги паловдир. Бойси, қовурилиб, қайнатилиб сўнгида димланадиган ягона емак ҳам паловдур. Бу бизнинг кулчатоӣ каби миллий емагимиз саналади.

Улар шароб ичиб, иштаҳа билан паловга қўл узатдилар.

— Мана шу палов мен сизга айтган ўша оқ пиёз билан ейлади. Оқ пиёз хонимлар сочининг толаси каби майда қилиб тўрғалиб, устига анор суви сепилади ва ош билан бирга тановул этилади. Машойхлар айтганларидек, вужуд машғул бўлиб келган юмушини давом эттирмоғи, мия эса янги ғоя ва фикрлар, кашфиётлар қилмоғи лозим. Шунда инсон ҳаёти завқли ва мароқли кечади. Ҳаётдан лаззат туйиб яшайди, — гурунг берарди улуғ Амир.

Орадан бирор ой, чамаси, вақт ўтди. Улуғ хоқоннинг шоҳона саропардаси эшигида уч қоп оқ пиёзни туяга ортирган кадрдони Алоуддин Даводор пайдо бўлди.

— Сиз айтган ўша Фарғона оқ пиёзини топдирдим, хоқон ҳазрати олийлари, — деди салом-алиқдан сўнг бола каби севиниб. — Ҳоқимликка мени Малик Фараж ва сиз хоқон ҳазрати олийлари мажбур этиб тайинладингиз. Биласизким, менинг асли касбим тужжорлик. Ўрнимга бирорта тузук одамни топсам, нишон берардингиз, улуғ султоним, — самимий сўзларди кутвол.

— Қойил. Дунёвий зақодаги ҳақиқий тужжор эканлигингизга тан бердим, — жавоб қилди хоқон меҳмоннинг қўлидаги икки дона пиёзни олиб. — Ҳақиқий кўнгил инсони эркансиз. Одатда бундай кишилар савдогарлар орасида кам бўлади. Мамнун бўлдим. Тиланг тилагингизни? Биздан не хизмат? — деди хоқон мусофирини ўтирмоққа даъват этиб.

— Сиз, дарёдан сув бағишлаган буюк жаҳонгирсиз, ҳазрати олийлари. Кимларга яхшилик қилмадингиз. Ана шу хайр ва савоб даргоҳингизни очиб, олий ўрду қошида бўлган бизнинг ноибимиз Олтинбуға Усманий билан Ғазо ноиби Умар Таҳҳонларни озод қилсангиз. Ўла-ўлгунча сизни дуо

қилиб яшар эдилар. Уларнинг хоинлик қилмасликларига ка-
филман, – ўнг кўлини гурсиллатиб кўкрагига урди Алоуд-
дин Ҳожиб.

– Айнан шу рижода бўлишингизни билардим, –
деди Темур суҳбатдошига мийиғида кулиб боқаркан. –
Олтинбуғани озод этсак, у не иш-ла машғул бўлади? Унинг
ўрнида сиз ўтирибсиз.

– Мен унга ноибликни топшираман ва ҳожиблигимни
давом эттираман. Бунга сиз рози бўлсангиз, албатта. Йўқ
десангиз, сиз нени истасангиз шу бўлғай. Мендан маслаҳат
сўрагудек бўлганингизда ҳам юқоридаги фикримни айтар
эдим, – жавоб қилди Сафад ҳокими. – Менинг ожиз фик-
римга кўра, ҳеч қачон мансаб, ақли-хуши жойида инсон
учун иқболу истиқбол бўла олмайди. Номуносиб ва ноба-
кор кишилар учун эса у умр ва ҳаётнинг мазмунидир. Бироқ
жуда камдан-кам ҳукмдор буни чуқур англаб етади.

– Сен ҳақиқий маънодаги мард ва танги одам экансан,
Алоуддин, – деди улуғ Амир унинг тўғрилигига қойил
қолиб. – Сен рози бўлмасанг, мен уни қайтариб ўз мансаби-
га қўймайман. Боиси, сен инсон сифатида ундан анча устун-
сан. Сиёсат ҳам улоқ чопмоқдек бир гап. Кўпқарида кучли
чавандоз улоқни маррага олиб келса, сиёсатда ақлли ва тад-
бирли одамгина қоқилмай манзилга етиб бора олади.

Сўнгра Темур эшик оғасига Олтинбуға Усманий ва
Умар Таҳхонларни чорлашни буюрди. Улар улуғ Амир чо-
дирига киришлари билан таъзим бажо келтириб, кўзларига
ёш олдилар.

– Иккинги ҳам ўз олий мансабингизда қарор топдингиз!
Олтинбуғабекка икки от, Умарбекка бир тулпор тақдим эта-
миз! Бундан буён бул азиз биродарларимизнинг ҳеч қачон
отлари қоқилмасин! Тулпор эғарида қандай мустаҳкам
ўлтирган бўлсалар, тахтларида ҳам шундай ўтирсунлар! –
деди Темур уларни дастурхонга тақлиф этиб.

Темурнинг бу илиқ сўзларидан Алоуддин Даводорнинг
ҳам кўзи ёшовлади. Сўнгра Темурнинг ишораси билан ик-
кисига ҳам олтин косаларда май қуйди. Ўрнидан туриб ке-

либ, улуғ Амирининг каттакон биллур қадахини тўлдирди. Ўз майкосасини тўлдиргач эса бир чимдим туз солиб кўйди. Темур суҳбатини жонлангирмоқ учун майин табас-сумда Алоуддин Даводор сари юзланди.

– Хў-ўш, адолатли ҳожиб жаноблари, сиз бу иримчилик одатингизни бизга тушунтириб беринг-чи? Не учун шаробга туз соласиз? Ёким ўзларининг тузлари бироз камроқми? – ҳазиллашди ҳоқон кўлига биллур қадахини олар экан.

Ҳоқон яхши кўрган, кўнглига яқин, самимий одамларгагина қаттиқ ҳазиллашар, бундан саросимага тушиб қолган суҳбатдоши анчагача ўзига келолмас эди.

– Май аталмиш жониворни табиий ҳолида ичмоқ ички ичмоққа киради. Озгина туз солсак, у емакка айланади, – бурро-бурро жавоб қилди Алоуддин Даводор кулиб ва илмоқли қилиб кўшиб кўйди: – Бул бандаи ожизнинг гуноҳига афв чизиғи тортилмоғига восил бўлсин деб...

– Ҳийлаи шарийий денг – ҳазилни давом эттирди улуғ Амир.

Қимтиниб, ер чизиб ўтирган Олтинбуға билан Тахҳоб ҳам кулиб юборишди ва емакка кўл уришди.

Олтинбуға Усманий билан Зайнууддин Тахҳоб Темур хузуридан канот боғлаб учиб чиқдилар. Эртаси куни эрталаб уларни шоҳона тулпору от-аравалар, кўриқчи ва мулозимлар хизматга бел боғлаган ҳолда кутардилар. Темур қошида банди ҳисобланса-да, аслида шоҳона яшаб келаётган бу икки Миср султонининг ноиблари ўзларига кўрсатилган иззат-ҳурмат ва меҳр-шафқатдан лол эдилар.

Ҳаяжондан иккисининг ҳам тун бўйи уйқуси келмади. Ўзларича турли режалар тузишиб, бундан буён Султон Фараж ва ҳоқон Темурдек икки катта ўт ўртасидаги қалтис ўйинда қандай сиёсат юргизмоқ устида бош қотирдилар. Сиёсат посангиси баробар ушланмаса бош кетар, нафақат бош, авлод-аждод, аҳли улус қатағонга дучор бўлар эди. Бўрига қилинган шафқат кўзига қилинган жабр бўлганидек, Темур томонидан шарафланмоқ, Миср Султони томони-

дак ёғий деб эълон этилмоқ-ла баробар эди. Қувончинг бу қоронғу сояси ҳар икки ноибнинг ҳам дамини ичига тушириб, ўз-ўзидан камгап ва ўйчан қилиб қўйган эди.

Ярим тунда, дунёнинг тенг ярмини забт этиб турган афсонавий турк хоқони саропардасида бошларига қайтадан кийгизилган ҳукмдорлик тожи аслида нақадар оғир ва таҳликали эканлигини вақт ўтиши билан янада яққолроқ ҳис эта бошлаган эдилар.

— Биз Малик Фаражга юзда-юз тобе эдик. Темур эса бизга қарийб мустақил озодлик тақдим этмоқда. Султонга ўхшаб, хирожу солиқларни тўлашни талаб қилиб ҳақ деб бошимизда турмайди, — деди Олтинбуға чодир шифтига осифлик янги ҳокимлик тўнини кияр экан, шериги Зайниддин Таҳҳобнинг ғимирлаб ҳаракатланишини зимдан кузатаркан.

Олтинбуға Усманийнинг асли келиб чиқиши турк эди. Ота-боболари бундан уч юз йил бурун Туркистондан араб юртларига келиб қолган, авлодлари она тилларини унутиб улгурган эдилар. Уларнинг юз қиёфалари ва онда-сонда учраб турадиган туркча исмларидангина насл-насаби, келиб чиқишларини билса бўлар эди. Бу ҳудудларда миллат у қадар аҳамиятга эга бўлмай, диний эътиқод муҳим эди. Турк ва мўғуллардаги уруғ-қабилачилик бу ерларда ҳам иқтисоду сиёсатда ҳал қилувчи омил бўлса-да, дин ва шариат бу манфаатларни изга солиб, тизгинлаб, йўналтириб турарди.

— Шу пайтгача эсимни таниб, бу турк хоқони каби одамни кўрмадим, — деди ҳамон ғимирлаганча ашқолдашқолларини йиғиштираётган Таҳҳоб. — Бундан сўнгра у каби жаҳонгир туғилмаса керак. Унинг заковат осмонида бир илоҳийлик, ҳар кимга насиб этмаяжак бир олийжаноблик бор. Ундаги куч-қудрат ва ғайрат-шижоат, одам зоти имкониятининг устидадир.

Олтинбуға Усманий гап-сўзсиз бош қимирлатиб, суҳбатдошининг фикрини маъқуллади. Улар ўзлари учун ҳозирланган карвон сари юрганларида жарчилар овозларини бараанла қўйганча бақирешарди:

– Ҳазрати соҳибқирон, етти иқлим ҳокони, улуғ Амир Темур ҳазрати олийлари ёшу қари бойу камбағал ким бўлмасин жабр-зулм кўрганларни арз учун ҳар куни ўз хузурларига чорлайдилар! Сиз келиб жаҳон подшоҳига ўз арз-додингизни айта билурсиз! Дардингизга чора топурсиз! Кимки кул ҳақини еса, боши кунда устида ўйнагай!

– Одатда подшоҳлар раиятдан қочиб, осуда ҳаётни афзал кўрадилар. Бу эса арзчиларни жарчилари орқали хузурига чорлаб, дардини эшитади. Қойил! – деди Зайниддин Тахҳоб Темур ҳадя этган зотли нисо¹ айғирининг жиловидан ушлаганча айланиб кўрар экан.

Темурнинг хос отбоқари Дадакул Олақўз Олтинбуға Усманийнинг кўлига асл тулпорнинг жиловини тутказган эди. Икки ҳукмдор ҳам бу эътибор ва шарафлашдан ҳайратланганча улуғ Амирнинг саропардадан чиқиб, ўзларига оқ фотиҳа беришини кутишарди.

Жарчилар эса, тинмай чақирар эдилар:

– Ҳазрат соҳибқирон бир ҳафтадан сўнг қишлоқ учун Қорабоғ сари жўнайдилар! Армонда қолмай, арз-додингизни Оллоҳнинг ердаги соясига етказинг!..

Шоҳона чодиридан чиқиб, об-ҳавонинг авзойини кузатганча шаффоф осмонга узоқ тикилиб қолган Темур ҳарорати қайтиб қолган куз куёшининг ёқимли тафтини туйди. Беғубор ва сарин ҳаводан тўйиб нафас олди. У болалигидан очиқ ҳавода, далаю дашт ва яйловларда ётиб қолишни ва шундай ғаройиб кечаларда содир бўладиган турли ғалати ва таҳликали саргузаштларни бошдан кечирмоқни хуш кўрар эди.

...У кўшниси Туркчи Жалойирнинг ўғли Ёрбек ва чўпонлари билан илк бор ўн ёшида сурувларини тоққа ҳайдаб чиққанда тунаб қолган эди. Икки ёш чўпон болага бойнинг Холбек исмли чўпони бош-қош эди. У бўлар-бўлмас иш учун болаларга бақириб-чақирар, оч бўрилар кўзичоқ каби ямламай ютиб юборишини айтиб, дўқ пўниса қиларди.

¹ Ахалтекин(ская) – русча ибора. Бу отни тақа туркманлари етиштирган.

Ўшанда раҳматли онаси уни эргаштириб келиб, Ёрбекнинг онаси Тошгул момога топширган, эртасигаёқ қайтиб келишини тайинлаган эди. Онаси уни Ёрбекларнинг уйига кўйиб кетгандан кейин содир бўлган воқеа бир умр хотирасида қолди. Тошгул момо иккисига биттадан кулча нон берди. Ўғли Ёрбекга берган кулча буғдой унидан сутга йўғрилган патир бўлиб, Темурга бергани қора арпанон эди. Темур нонни кўйнига солиб кўйди ва қайтиб бу ҳақда ўйламади. Хаёли тоғда содир бўладиган ажойиб ва ғаройиб воқеаларни тасаввур этмоқ билан банд эди.

Улар эшақда тушга яқин Холбекнинг сурувига етиб бордилар. Чўпон Холбек қотган нонларни булоқда оқизиб еб ўтирар, чашма атрофида унинг этиги, чопони ва таёқлари тартибсиз сочилиб ётарди. Шу дамда Темурнинг унинг ҳаётига жуда ҳаваси келган эди. Ёрбек кўйнидан чиқарган патирни эса у икки ямлаб, бир ютиб юборди.

– Сен бойваччалар ҳар куни патир ейсанлар. Мен шўрлик эса ҳафталаб туз тотмай юраман. Нон одамнинг жонига тегмайди. Ҳай-ҳай мана бу гўшт-а? Бир меъданга тегса қайтиб оғзинга ололмайсан, – деди у кўзларини бақрайтириб. – Мен сен бойваччаларга кўзи сўйиб бераман.

– Отам бизни баҳона қилиб кўй сўймаслигингни тайинлади, – жавоб қилди Ёрбек Жалойир.

– Ҳим-м. Шундай дегин. Сен ҳам том отангинг боласига ўхшайсан. Бир тукинг кам эмас, – киноя қилди чўпон.

Шу-шу Темур далаю даштларда, тоғу тошларда яшашни ва тунашни севиб қолди. У очиқ яйловда озгина мизғиса-да уйкуга тўяр, руҳи енгил тортар эди. Шу боис, шаҳар атрофидаги яйлов ва оромгоҳларда тунамоқни хуш кўрарди.

Улуғ Амир ўзи томон келаётган Олтинбуға билан Таҳҳобга кўзи тушиб, оҳиста улар томон юрди.

– Сизлар ҳеч замон султон Фараж билан алоқаларингизни бузманг. Бизга нисбатан бўлган ижобий муносабатингиз орага совуқлик солса, султонга сўйлангки, бу муҳолифатдан кимсага ҳайр келмас. Шундай катта кўшин Миср каби бир улуғ ва афсонавий мамлакат, Қоҳира каби

обида шаҳарни оёқ ости қилишини истамайман. Инсоният тамалининг бешиги бўлмиш бу заминларни урушу сўғушсиз асрамоқ керак. У бизнинг яхши қўшничилик ва дўстлик таклифларимизни рад этди. Энди эса биз унинг мамлакатини давлатимиз тасарруфида деб биламиз ва ўз вақтида солиқ тўлаб туришини талаб қиламиз. Мен Султоннинг бизга кўрсатган хурматсизлиги ва бу билан элига қилган ёмонлигини Ҳамодаги Нурий жомесининг мрамор деворларига ёздириб қўйдим. Йиллар ўтиб элу элатлар бу асоссиз қон тўкилишларда ким айбдор эканлигини билсинлар. Ҳар неки воқелик яратганнинг хоҳиш иродаси иладир! Мен Оллоҳнинг бир кули ўлароқ унинг амрини бажо келтираман! Сизнинг йўлингиз оқ, йўлдошингиз ҳақ бўлсин! Саодатли кунларда кўришмоқ насиб этсун! – дея юзига фотиҳа тортиб, мусофирларни йўлчи этди улуғ хоқон.

Тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтар эди...



ЎН БИРИНЧИ БОБ

“Ушбу жумлаларнинг ёзилиш тарихи шундай турур. Тангри таоло бизга етти иқлим мамлакатларини фатҳ этишни муяссар кўрдиким, Ироқ ва Бағдодгача бўлган ерлар Турон давлати тасарруфига кирди. Шунинг оқибатида биз Миср Султонига қушни бўлдик ва унга мактуб ёзиб, турли-туман туҳфаю ҳадялар билан бир неча бор чопару элчилар юбордик. Ул зот бўлса ҳар гал чопар ва элчиларимизни ўлдирди. Биз Миср Султонидан ҳеч нима истамаган эрдик. Биргина ниятимиз бўлиб, у ҳам бўлса икки томон ўртасида дўстлик ипини боғлаш, икки тараф ўртасида садоқатни сақламоқни таъкидлаш эди. Бу ҳолатлардан маълум муддат сўнгга, айрим туркманлар бизнинг кишилардан бир нечасини тутиб олиб, Миср Султони Барқўққа юбордилар. Султон уларни ҳеч бир заруриятсиз зиндонга солди. Мана шунга биноан муҳолифларимизни чангалидан ўз фуқароларимизни халос қилмоқ мақсадида йўлга чиқдик. Шул сабабли биз мана шул Ҳамода манзил тутиб, ушбу сатрларни ёзиб қолдирдик.”

Улуғ хоқон Амир Темурнинг Ҳамодаги Нурий жомъе масжиди деворига ёздирган битик.

Хижрий саккиз юз учинчи йил, раби ул охир ойининг сўнги.

Мелодий 8.XII.1400 йил.

Хоқон оти жиловини бўш қўйганча, хаёл суриб, узундан-узок юришни хуш кўрар эди. Худди ана шундай сокин дамларда руҳи ва виждони бироз бўлса-да ором олар, вужудида илоҳий бир куч-қудрат туяр, назарида, ўзини самода учиб юрган каби ҳис этар эди.

– Бугун-эрта жуда кўп мўътабар меҳмонларимиз келишади. Ана қара, қаршидан бир суворий чоғиб келмоқда. У меҳмонлар хабарини келтираётир, – деди Темур ўзидан орқароқда келаётган Алп Туркашга. – Кечаси тушимда аён бўлган эди. – Оллоҳ раҳматига қовушган қиблагоҳни кўрган эдим. Рўёда ўтганларни кўрсанг, ўнгингда тириклар билан учрашасан, дейдилар. Ҳа, айтгидек, Султониядаги насроний ибодатхонасининг попоси, Йўханнани хузуримизга чорланг. Ундан айрим билгиларни олмоғимиз лозим, – Туркашга ўгирилиб жиддий оҳангда буюрди Темур.

– Хатти-ҳаракатидан у фаранг ёким хочлиларнинг жосусига ўхшайди, устоз. Анчадан бери бу ҳақда сиз билан сўзлашмоқчи бўлиб юрган эдим, – жавоб қилди соҳибхабар.

– Аҳмоқ дўстдан кўра, Йўханнага ўхшаган ақлли душман афзалдир. Биз истаимизми, йўқми у ўз дини ва диндошлари манфаатини ҳимоя қилади. Бунга унинг ҳақи бор ва унинг виждон ишидир. Биз ҳеч қачон унга тазйиқ ўтказиб, жабр-зулм қилмадик. Бошқа насроний диндорлар ёким ана у ўжар гуржиларнинг акси ўлароқ ўз дини қонун-қоидаларини мусулмонлар юртида ахлоқу одоб ва андиша билан юритади. Шу боис, мен уни ёғий санамайман. Бизнинг бурнидан нарини кўрмаган чаласавод руҳонийларимиз қай тартибу усулда сиёсатга ёндошмоқни ундан ўрганмоқлари лозим. У доимо бизни Фаранг подшоҳи билан дўстлаштирмоқни ният қилади. Мен бу ишни Шохруҳмирзога топширган эдим. Амирзода ул қирол ила мактуб ёзишиб турибдилар, чамамда.

– Менимча, у аслида Византия попосининг одамидир. Боиси, насронийларнинг барча руҳонийлари шу попога боғлиқдир. Ундан доимий равишда маблағ олиб турадилар, – фикр билдирди Алп Туркаш.

– Ким орқали бўлмасин, биз ўз қобиғимизни ёриб, ўзга дунё ва подшоҳликлар билан муносабат ўрнатмоғимиз, ташқи оламга очилиб, уларнида ўзимизга жалб этмоғимиз лозимдир. Уни жосус, буни айғоқчи деяверсак, кимса ила муносабат қилмасликка, ҳеч кимнинг хизматидан фойда-

ланмасликка тўғри келади. Душманингдан бир ҳазар қил, дўстингдан минг деганларидек, юрт ташқарисидан келган ҳеч бир кимса бизнинг муаммоларни ҳал эта олмайди. Ўзимизнинг шайтонга дарс бергувчи жоҳил муттаҳамларимиздан эҳтиёт бўлмоғимиз керак. Араблар айтганидек қариндошларинг чаён, дўстларинг бўридир, Туркашбек.

– Бизнинг усмонли худудларида туришимиз барча оврупаликлар ва хочлиларга хуш келмоқда. Султон Йилдирим Боязид уларнинг юрагини олиб кўйган эркан. Не қилиб бўлса-да унинг яна қайтиб Оврупа томон юришини олдини олмоқ истадилар. Бу йўлда Турон ўрдусини Йилдирим Боязид чўчийдиган бирдан-бир восита деб билдилар, – Темурни ғоят нозик масала бўйича фикрлашмоққа ундади Алп Туркаш.

– Биз ҳеч қачон Усмонли турк давлати кўшини билан тўқнашмаймиз. Буни Султон Йилдирим Боязид яхши англаб етса керак. Уни авлиёсифат бир киши дейдилар. Ҳаракатларида номутаносибликлар, табиатида шошқалоқлик бўлса-да, у мард ва жасур бир подшоҳ. Тиз чўкиб яшамоқдан кўра, тик туриб ўлмоқни афзал биладиган асл туркқонли хукмдордир. Биз Туронни бирлаштирганимиз каби, Усмонли авлоди ҳам Румни бирлаштирмоқда. Бундай улуғ подшоҳлар бор экан, улус яшайди, равнақ топади. Шу боис, мана ўн беш йилдан ошиқдирки унинг сарҳадларида юрсак-да, ерига кўз олайтирмадик.

– Султон Боязиднинг бир кўзлари ожиз дейдилар, ҳазрат. Кўрмаслиги ҳам мумкин, – ҳазил қилди Туркаш.

– Кўрмасалар қолган кўзларига ҳам зиёнدير. Менда иккинчи оёғимдан ажралмаслик учун, ҳеч қачон султоннинг устига ва асоссиз бостириб бормаيمان. Савашларда асосан кўп сонли кўшин эмас, ҳақ бўлган тараф енгади. Айни дамда бизнинг Усмонли турк давлати устига юрмоққа ҳеч бир асосимиз йўқдир. Арзинжон бизнинг тасарруфимизга кирганида усмонлига бўйсунмайдиган беклик эди. Бу вилоятимизни оёқ-оғи қилгани учун унга сабоқ ўлароқ Сивос танбеҳини бердик. Биз ундан катта дўстлик талаб

қилмаймиз. Майли, бизга хайрихоҳлик ҳам кўрсатмасин. Фақат давлатимиз душмани бўлмиш Султон Аҳмад Жалойир ва Қора Юсуфларни намойишкорона саройида ушлаб, ўз кучини кўрсатмоққа уринмасин. Бошлари оққан томонга қўйиб юборсин. Биз уларни қўлимизга топширишни ҳам истамаймиз. Зотан, бу икки диндошимизни жазоламоқдан ҳеч бир муродимиз ҳосил бўлмайди, — мулоҳазали оҳангда сўзлар эди ҳокон.

— Султон бунга кўнмаса-чи?

— Биз жанг воситаси ила дўқ қилмасдан, муросою мадора йўли билан талаб этамиз. Охир-оқибат у буни англаб етади. Шундай буюк давлатни бошқариб турган, бутун бир қитъа хочлиларини тиз чўқтирган одамнинг сиёсатнинг бул каби нозик нуқталарини англаб етмаслиги мумкин эрмас. Бул хусусда амирзода Муҳаммад Тарағайнинг устози мавлоно Шайх Табризийнинг ҳам фикрини тинглаб кўрмоқ керак. Бу одам ернинг тагида илон қимирласа биледи.

— Элчилик муносабатларида Шайх ҳазратларидан фойдалансак-чи? — фикр билдирди Алп Туркаш.

— Кўнмайди. У бизга ўхшаб ҳокимият ва давлатбардорлик касалига мубтало бўлган эмас. Сарой ёлғон-яшиқлари ва фитналарини ҳазм эта олмайди. Сўнгги суҳбатида у мен амирзодага тўрт йил сабоқ бераман ва унинг улуғ олим ва инсон бўлиб етишмоғининг увол-савоби ўла-ўлғунимча бўйнимдадур. Бироқ сиз каби жаҳонгир подшоҳ бўлмоғига кафолат бераолмайман деган эди. Ғоят тўғрисиўз ва ҳақиқатчи одамдир. У билан суҳбатлашсам ҳали-ҳануз жуда кўп нарсаларни билмаслигимни англайман...

Улар йўлига қараб турган чопар ҳам етиб келиб, қирк қадамча нарида отдан туша бошлаган эди.

— Ассалому алайкум, етти иклим ҳокони, султони аъзам ҳазрати олийлари! Менким амирзода Халил Султоннинг хос чопари Алибек Уйротдурмен! — ҳаяжонли оҳангда муурожаат этди чопар.

— Ваалайкум ассалом, авлодим. Хуш келдинг. Не ҳаводису муждалар келтирдинг? — майин табассумда чопарга юзланди Темур.

– Муборак даргоҳларига улуғ амирзодалар Мироншоҳ ва Шоҳруҳ мирзолар, амирзода Халил Султон меҳру муҳаббат, соғинчу интиқлик ила бош урмоқ бахтига ноил бўлмоқдалар! Улар ортидан ҳазрати олия Сарой Мулкхоним, Хонзодабегим ва севикли набирангиз Мирзо Улуғбеклар йўл танобини тортиб дийдорингиз илинжида елмоқдалар! – дея икки кўлини кўксига кўйиб таъзим бажо келтирганча, эгилиб тисланди хос чопар.

– Тилингда бол, авлодим! Кўзга суртгулик хушхабар келтирдинг. Тусинг, қилиқ-қиёфату келбатинг ҳам менга ғоят маъқул келди. Мана мен Амир Темур қаршингда турибман. Тила тилагингни! Тортинмай сўйла! – деди Темур унга ҳамон ўша табассумда.

Алибек Уйрот ҳайрон бўлиб, Алп Туркашга қаради. Чангу тердан қорайиб кетган пешонасини чап енги билан артганча анграйиб турарди. Оддий бир чопар навкар учун Темурни кўрмоқ ва сўзлашмоқ тасаввур этиб бўлмас бир воқеа бўлиб, тили калимага келмас, кўз қорачуғлари коса-сида қотиб қолгандек эди.

– Уйланганмисан? – сўради Темур.

– У бошини чайқаб, йўқ ишорасини қилди.

– Уйланмоқни истайсанми?

Чопар не деярини билмай, бир лаҳза каловланди. Ҳазиллашмаяптимиқан деган маънода кўзлари гоҳ Темурга, гоҳ Алп Туркашга қараб жовдиради. Хокон юзидаги жиддийликни кўргач, бошини ирғаб “ҳа” ишорасини қилди. Темур ҳам, Алп Туркаш ҳам бу ҳолатдан мириқиб кулдилар. Чопар ҳам тишларини ярқиратиб кула бошлади.

– Қандай қизга уйланмоқни истайсан? – қизиксиниб сўровда давом этди Темур.

– Эрони қиз бўлса яхши, – жавоб қилди чопар тилга кириб, лекин жавобидан ўзи ҳам уялиб, қизариб кетди.

– Эрони қизларнинг нимаси яхши? – улуғ Амир жилмайганича чопарнинг кўзларига тикилди.

– Улар жуда иссиқ, қизикқон ва ҳаяжонли бўладилар, – энди улуғ Амирга кўшилганича кулди чопар Алибек Уйрот.

– Балосан-ку!

– Ёшинг нечада?

– Йигирма еттида.

– Асира канизаклар ичидан истаганингни танла. Хоҳласанг юнонини ол ёки ўзинг орзу этган эронликни танла, инон ихтиёр ўзингда. Салтанатга етарли хизмат қилибсан. Омон бўл!

Хос чопар апил-тапил юриб келиб улуғ Амир узангисига пешонасини теккизди. Бу эски турк одати бўйича сўзсиз ва чексиз садоқатни ва шу инсон учун ўлишга ҳам ҳозирликни билдирувчи удум эди.

– Оллоҳ сенга ёр бўлсин! – навкарни алқади Темур. – Сенга неки лозим бўлса хазинабонга сўйла, беражаклар. Аслида бу салтанатни сен каби оддий кишилар тиклаган. Биз нафси ҳакалак отганлардан ортиб, сен билан Боботурк бечорага хоним ҳам тегмаган, – деди кулиб Темур ҳамон чопарга завқ билан боқаркан.

Улуғ Амирнинг сўнги, ярим ҳазил, ярим чин сўзларини чопар эшитмади. Амир Боботурк қизарганча, ерга каради.

Кечга яқин меҳмонлар кўша-кўша совға ва сочқилар билан улуғ хоқоннинг шохона саропардасига кириб кела бошладилар. Жағату дарёсининг Сина мавзеи байрам тусини олган, бутун оламнинг қувончу шодлиги шу ерда жамулжамдек эди. Бу дарё Озарбайжондаги Урмия кўлига бориб қўшилар, форслар наҳрни Зарринруд дея атардилар. Дарвоқе, бу чексиз худудлар ва унда яшовчи инсониятнинг қисмати ҳақиқатан ҳам ўз даврининг энг етук ва мард кишилари тўпланган ана шу сокин дарё соҳилида ҳал бўлаётган эди.

Улуғ амир Сина мавзесидан кўчиб, Оқяйлоққа келиб тушди ва бу ерда йигирма кун, чамаси, бўлиб, салтанатнинг бундан буёнги ишлари режасини очиклади.

Улуғ Амир хузурига етиб келган Туркашнинг қиёфасида ташвиш аломати зоҳир эди.

– Султон Йилдирим Боязид, Султон Аҳмад Жалойир ва Қаро Юсуф Туркманнинг куткусига учиб, Арзинжонга бос-тириб кирибди ва шаҳарни эгаллабди, – деди соҳибхабар салом-аликни ҳам унутиб. – Ҳозиргина чопар келди.

– Кўнглим сезган эрди, – жавоб қилди хоқон Туркашга тикилиб боққанча таъби тирриқ бўлиб. – Султон ҳаракатининг тафсилотлари маълумми?

– Маълумдир. Амир Тахуртан Қаро Юсуф черигига асир тушган. Шаҳар халқи Султон ва Қаро Юсуфдан Тахуртаннинг гуноҳини сўрабди. Султон уни қайтариб, ўз ҳокимлигига кўйибди. Бироқ ҳарамни, бола-чақасини бошкенти Бурсага олиб кетмоқ ҳақида амр берибди, – жавоб қилди Туркаш.

– Султоннинг ўзи қаерда экан? – ўйга толганча сўради хоқон.

– Ўзи кўшини билан ортга қайтибди.

Худди шу пайтда эшик оғаси мавлоно Шайх Табризий етиб келганлигини билдирди. Шайхнинг асл оти Аҳмад Али бўлиб, Табризий унинг таҳаллуси эди.

Етмишлардан ошиб қолган ғоят одобли ва назокатли мударриснинг улуғ хоқонга бўлган меҳр-муҳаббати, эътиқоди ва садоқати чексиз эди. Унинг кўнгли Турон саҳролари каби кенг, Бухорои шарифнинг тўққиз дарвозаси каби очиқ эди. Гап келганда у кимсани аямас, юзингда кўзинг бор демай нуқсонини бетига айтаверарди.

– Замон Искандари ҳузурига етишмоқ ва ул кишимни бағримизга босмоқ буюк шарафдир, – деди у хоқон билан кучоқлашиб кўришар экан туркчанинг жанубий озарбайжон лаҳжасида. – Даврлар кечажак, замонлар келажак, авлодаждодлар бизни Буюк Темур замонасида яшаган бир мударрис сифатида эслагайлар!

Хоқон кутаётган кўноғи, мударрисга илтифот кўрсатиб, ёнига ўтказди. Ҳол-аҳвол сўрашдилар.

– Сизни бироз тараддудли кўрмоқдаман, хоқоним? – деди зийрак Табризий улуғ Амирнинг юзига самимий боқиб.

– Одатдаги салтанат ташвишлари. Ўзингиз нечуксиз? Ота юртингиз Озарбайжон шамоли кўксингизга тегиб, роҳатланаётгандирсиз? – шайхнинг кўнглини сўради хоқон.

– Айни дамда бу соғинч яримдир. Сиз-ла жаннатмакон

Қорабоғга боргач, у бутун ўлажақдир, — жавоб қилди Шайх.

— Султон Йилдирим Боязид Арзинжонга бостириб кирибди. Биз ундан бул ҳаракатни кутмаган эрдик, — деди Темур Шайх кутаётган янгиликни маълум қилиб. — Сиз ул қондошларингизни яхши биласиз. Лаҳжангиз ҳам яқин.

— Йўққа ўт ёқиб бўлмайди. Султон Йилдирим Боязиддан бундан бошқа ишни кутмаслик керак. У Никопол ғалабасидан сўнг ерга тушгани йўқ. Самода учиб юрибди ва ўша ҳавода муаллақ қолса ажаб эрмас, — дея ҳеч иккиланмасдан ва ўйлаб ўтирмасдан жавоб қилди Шайх Табризий. — Ул урушда лашқари сони рақибга нисбатан бир неча баробар кўп бўлганлиги учун енгган. Бу ғалабани бошқача талқин этмоқ ҳақиқатдан йироқ бир тирикчиликдур. Агар ўша кўшини, яъни уч юз минглик ўрду бугунги кунда юз минглик Турон Ўрдуси қаршисига келсун. Албатта енгилди. Бироқ Султон Йилдирим Боязид буни англаб етолмайди. Унинг фожиаси ҳам ана шунда. Шул боис у жаҳлдор султонга қарши урушга ҳозирланаверинг, Темурбек, — шартта-шартта фикрини баён қилди мавлоно Табризий. — Кўринган тоғнинг йироғи йўқ дейдилар. Зотан, султон ҳазратлари ғала асл диндошу қардошларча, сулҳу амният асосида муносабат ўрнатмоқ ниятидасиз. ”Сулҳ истасанг, урушга ҳозир бўл” ақидасига амал қилган ҳолда тадбир олмоқ ва чора кўрмоқ мажбуриятидасиз, Улуғ хоқоним.

— Бироз очириб юбормадингизми, шайх ҳазратлари? — Табризийга эътироз билдирган бўлди Темур.

— Мен ўз фикримни билдирмоқдамен. Қабул ёким рад этмоқ хоқон ҳазратларининг инон-ихтиёрларидадир, — жавоб қилди шайх. — Боқий амри фармон саодатли хоқонимизнингдир!

— Бизлар бир диндан, бир миллатдан деб билсак ўзимизни...

— У ўзини ҳам, сизни ҳам турк деб билмайди, — улуғ Амирнинг сўзини кесди Шайх Табризий.

— Бизни ким деб билади? — яна ҳайрон бўлиб шайхнинг юзига тикилди Темур.

– Мўғуллардан таркаган, чинга аралашган қандайдир бир қавм деб қарайди.

– Ўзини-чи?

– Ўзини усмонли қавми деб билади. Биласиз, у туркманларнинг қайи уруғидан. Халифаликка даъвогар. Ўзини туркман демоққа ор қилади, чамамда. Яна аниқроғи Аллоҳга аёндур.

– Аллоҳга аёндур денг, – дея Шайх Табризийнинг сўзини такрорлади Темур ўйга толиб. – Демак, Йилдирим Боязид ила тўқнашмоқни муқаррар деб биласиз? – қайта сўради.

– Менинг ожиз ақлим ва зехним, афсуски, шул нохуш ҳолатдин башорат этмоқда. Ишқилиб мен тили заҳар одам ноҳақ бўлиб чиқайин, – овозини пастлатиб деди мавлоно Табризий. – Ажали етган ит жоме деворига идрор қилганидек, у сиз-ла урушмоққа баҳона қидиради. Дўқпўписа, иғво ва ҳақорат этмоқдан ҳам тоймайди.

– Агар бу фалокат юз бергудек бўлса, у миллатимизгада, динимизга-да шараф келтирмас! – деди Темур ўкинчли овозда.

– Афсусу надоматлар бўлсинким шундай, улуғ-Амир ҳазратлари, – Темурнинг сўзини маъқуллади шайх. – Ноҳақ эрсам гуноҳим бўйнимдадир, – деди Табризий одатига кўра гапи сўнгида.

– Амир Йилдирим Боязиддан сулҳ ва дўстона муносабат кутмоқ фойдасиз денг. Демак, тошу тарозуни шунга кўра кўймоқ лозим бўлади, – дастурхонга тикилганча, беихтиёр вужуди тебраниб сўзларди Темур.

Улуғ хоқоннинг илк бор Усмонли султонини амир деб аташи суҳбатдошларининг диққатини тортмасдан қолмади. Амир Боботурк ялт этиб Алп Туркашга қаради. Соҳибхабар Боботуркга султон ўз султонлик шарафини сақлаб, ўшал мақомда турмаса, улуғ ҳазрат уни амирлик мартабасига тушириб кўймоқ мажбуриятида қоладилар деган маънода қаради.

Шайх Табризий камдан-кам адашар эди. У воқеа ва

ходисалар интиҳосини олдиндан сезар, ўз-ўзича гапириниб, безовта бўлаверарди. Бироқ содир бўлажак воқеага дахлдор кишининг ўзи келиб сўрамаса бу ҳақда кимсага оғиз очмас, имкон қадар одатига кўра, навбатдаги сафарига отланар эди. Мағрибу машриқда у сабоқ олмаган номдор мадрасаю дорулфунун, учрашмаган олим, фозилу фузало қолмаган эди. У расман Улуғбекнинг устози саналиб, давомли амирзода билан машғул бўлса-да, толиблар талабига биндан Самарқанддаги дорилфунунда ҳам дарс берар, орқасидан ўнлаб мурид ва талабалари она товукнинг жўжалари каби эргашиб юришарди. Табиатан сайёр дарвеш бўлган Табризий эса танҳоликни, ёлғизликда ўқишни ва хаёл суришни севарди. Уйланиб, оила қурмоқ ва бола-чақа орттирмоқ ҳақида сўз кетганда, мен бу ҳайвоний ҳисдан узоқмен, дер эди кулиб.

— Диндош ва миллатдошларимнинг, ҳаётимда менга дуч келган одамларнинг авлодлари менинг болаларимдур. Тана ва қон бирлиги эмас, руҳ ва иймону эътиқод бирлиги бирламчидур, — дерди у таъсирли оҳангда. — Ноҳақ эрсам гуноҳим бўйнимдадур!

— Биз Боязиднинг хочлиларга қарши жангида кўмак бермоққа ҳам ҳозир эрдик. Юнонлар ила жангини ҳам қўллаб-қувватлагандик. У ҳеч бирини ҳисобга олмади, — мунозарада давом этди Темур Шайх Табризийдан янада кўпроқ билгилар олмоқ ниятида.

Одатда Шайхга савол бериб аниқ бир нарсани сўрамасангиз у ўз ўзидан ҳеч қачон оғиз очиб, у ёки бу хусусда фикр билдирмас, табиатан камгап ва одамови киши эди.

— Унинг жаҳонгирлик даъвоси сиз хоқон ҳазрати олийлариникидан ўн чандоқ юксакдир. У аллақачон вазиру вузаролари, фозилу фузалолар маслаҳатини тингламоқ ва амал қилмоқ одатини унутган. Салтанатлар тажрибасига кўра, беш йилдан ортиқ тахтда ўтирган подшоҳларнинг тўксон фоизи ўзини беихтиёр Искандар ёхуд Хорун ар Рашид ҳис эта бошлайдилар. Бу истак анча-мунчасида бора-бора авлиқлик ёхуд пайғамбарлик даъвосига яқинлаша боради. Шу

боис, уни сулху суҳбатга чақирмоқ бефойдадир. Бироқ ичичида сиздан ўлгудек кўрқади. Қаттиққўл ҳукмдорлар табиатан кўрқоқ бўладилар. Қонидаги туркона жahl вазиятга очик кўз билан қараб, тўғри хулоса чиқармоғига ҳалақит беради. Бу нуқсон барча туркқонли ҳоқону султонларнинг бошига етган қусурдир. Ҳатто улуғ хоразмликлардан тортиб Султон Саржаргача бу нуқсондан холи эрмас эдилар. Ҳозирга қадар ёлғиз сизда бу хатони кўрмадим. Бироқ болаларингиз ва набираларингиз кўнусида бир нима дея олмаймакман. Сиздан сўнгра, уларнинг бошида ўзингиз каби бир шахс турмас экан, не воқеалар юз бермоғи ёлғиз яратганга маълум. Янада ноҳақ ўлсам, гуноҳим бўйнимдадир.

– Бу аҳволда сиз шайх ҳазратлари барча гуноҳу ташвишларни бизнинг бўйнимизга қўйиб кетадиганга ўхшайсиз, – деди ҳоқон шайх Табрисийнинг самимий ва беғубор боқувчи кўзларига тикилиб.

– Мен қалбим ва виждоним буюрганини сўзламоқдамен. Дилимдан тилимга келганини сўзламасам кучала еган итдек кечаси билан тўлғониб, ухлолмай чиқаман. Балки бу касалликдур, балки бошқа бир нарсадир. Менга ўзимдан кўра ўзгаларни ўрганмоқ осондур. Назаримда ўзимни ўрганмоққа ўзимнинг тишим ўтмайдурғон кўринадур. Яна Оллоҳ билгувчидир. Унинг иродасига бўйсунамиз. Бироқ у ҳам ҳар нарсани феълимизга яраша бергусидир, – кўзини юмганча ўнг кўлини ҳаракатлантириб оҳиста сўйлар эди мударрис.

Эшик оғасининг нигоҳидан улуғ Амир ҳурматли мусофирлардан яна кимдир келганини пайқади. Эшик оғасига сўйла дегандек нигоҳини қадади.

– Султония насроний масжидининг епископи Йўҳанна ташриф буюрди ҳазрати олийлари, – деди эшик оғаси икки кўлини қорнига қадаганча.

– Кирсун!

Саропарда этагида қиррабурун, қорачадан келган, кўкиш сочлари цилиндрсимон бош кийимининг четидан чиқиб турган, узун ва қора рангли ридо кийган теран нигоҳли насроний руҳонийси Йўҳанна Гринло пайдо бўлди.

– Кел Йуханна! – деди Темур унга кизиксиниб боқар экан. – Сўл тарафга ўтир, – уни ўтирмоққа таклиф этди саропарда сохиби.

Епископ Йуханна Алп Туркашнинг ёнига келиб, чўкка тушди. Икки қўлини кўксига қўйиб, Темурга ва даврада ўтирганларга ўзининг хурматини билдирди.

– Яхши юрибсанми Йуханна? – деди хоқон унинг рум хайкаллари эслатадиган юзига ажабсиниб боқар экан. – Султония жойида турибдими? Ўзинг ва қавминг тоатибодатингни қилаётибсанми? Саллани ол деса каллани олгувчи бизнинг диндорлар сизларга зулм ўтказмаётирми?

– Биз фақат бевосита сизнинг адолатли соянгиз остида яшамоқдамиз, хоқони акрам ҳазрати олийлари. Сиз бўлмаганингизда ҳаётимиз аянчли кечар эди, – жавоб қилди насроний руҳонийси туркчанинг озарий лаҳжасида.

– Илиқ сўзинг учун ташаккур! – жавоб қилди Темур. – Мен не қадар адолатли бўлмоқ учун тиришмайин, ўз-ўзимдан қоникмайман. Назаримда ҳеч бир ишни қойиллатиб бажармагандекман. – Сенга мавлоно шайх Табризий ҳақида сўзлагандим ва таништирмоққа ваъда берган эдим. Мана ўша юраги отининг калласидек, елкасида ёли бор инсон мавлоно шайх Табризий. Қаршингда турибди. У ҳеч кимдан кўркмайди. Бошига қилич келсада, дилидагини сўйлайди, – шайхни таъриф этиб таништирди Темур христиан руҳонийсига.

– Шайх Табризий ҳақида эшитганим бор. Чўх тили ботир ва кескир сўзли бир инсон деб таъриф этадилар, – шайхга ним таъзим қилиб, ўз эҳтиромини изҳор этди руҳоний Йуханна.

Шайх Табризий ҳам бошини ирғаб, ўз хурматини билдирди.

– Мен ҳам муҳтарам Йуханнабек ҳақида эшитганман. Танишганимдан ғоят мамнунман. Ўзларини ҳам собит фикрли бир руҳоний сифатида билурман. Рухсат этсангиз ўшал кескир сўзлар ила сизни бир синаб кўрсам. Боиси,

ўзлари ҳақида бироз ғалатироқ гаплар ҳам кулоғимизга ча-
лингандур, – очик чехра ва самимий табассум билан садаф-
дек тишларини ярқиратиб жавоб қилди шайх Табризий.

Кутилмаган сўз ўйини зарбасидан бироз шошиб қолган
руҳоний Йўханнанинг юзи қизариб, нигоҳини саропарда
узра тўшалган чўгдек кип-қизил туркман гиламларига тик-
ди. Сўзда улоқни чортоққа дангал ташлаб ўрганган шайх
Табризий Темурдек буюк турк хоқони хурмат кўрсатаётган
бу руҳонийнинг самимийлигига шубҳа билан қарар
эди. Ва Темур билан бўладиган тонготар суҳбатларида
бу ғайридинлар мусулмон, хусусан, туркларга дўстлик
қилмайди дея таъкидлар эди. Темур эса одатига кўра
суҳбатдоши тўғри ёким нотўғри сўз сўзласа-да, охиригача
эшитиб, сўнг фикр билдирарди.

– Сиз ўзингизнинг Фарангистон арманиси эканлигингиз-
ни, ўн саккиз ёшингизда хочлилар юришида бу тарафлар-
га келиб қолганлигингизни улуғ Амир ҳазратларига сўзлаб
бердингизми? – деди руҳонийга тик қараб шайх.

– Батафсил бўлмаса-да, сўзлаганман, – жавоб қилди Йў-
ханна чўнтагидан рўмолчасини олиб терлаган пешонасини
артар экан, шайхнинг гапларидан ғаши келиб, ўртада пай-
до бўлган ноқулай вазиятини текислаш баробарида. – Сиз,
хурматли шайх жаноблари, ҳақида жуда яхши фикрлар эшит-
ганман. Бойси, биз улуғ амир Султония шаҳрида ул улуғ зот-
нинг изни билан ўз ибодатхонамизни тиклаганмиз ва дини-
мизда муқиммиз. – Мен сизга эмас, Темурбек жанобларига
ҳисоб бермоқ мажбуриятидаги, “сен нега сукма қошиғингни
суқаяпсан” дегандай ёвқараш қилди ва жаҳли чикқанини
яширмади. – Лекин бул даража мени буюк Темурдай ҳукмдор
олдида сўроқ қилишингизга ҳуқуқ берармикин? Зеро, мени
улуғ хоқонгина сўроққа тута оладилар деб ўйлайман.

– Суҳбат оҳангини бузган бўлсам узр тилайман, – деди
руҳонийнинг терс гапи нафсониятига теккан бўлса ҳам
хамон ўша табассумда шайх тасбеҳини бир маромда айлан-
тирар экан. – Ва сўзларим нотўғри бўлса сиздан узр сўрашга

ҳар дақиқада ҳозирман. Ҳисобни эса барчамиз Яратганнинг олдида берамиз! Сиз менинг ҳар қандай сўзимга кўшилмаслигингиз, эътироз билдиришингиз ёки батамом рад этмоғингиз мумкин. Мен барчамизни безовта этаётган масалаларни муҳокама этмоққа чорлайман, холос. Шу мусоҳабада ҳақиқат юзага чиқиб қолар. Улуғ амир ҳазрати олийлари ҳакамлик қилсунлар, — дея Темурга ўгирилиб, хиёл бошини эгиб таъзим бажо келтирди шайх Табризий. — Ноҳақ ўлсам, гуноҳим бўйнимдадир! — одатдаги сўнгсўзини тақрорлади мударрис.

— Икки диннинг икки улуғ олимининг баҳсига ҳакамлик қилмоқ даввосидан йироқмен. Қай тарзда кечмасин, бу мунозарадан сабоқ олмоқ ниятидамен, — деди Темур бу ғалати суҳбатга иштиёқмандлигини яширмай. — Лекин кимда-ким суҳбату мунозара тартиб қоидасини бузса, ахлоқ-одоб доирасидан ташқарига чиқса, танбеҳ бермоқ ва тартибга чақирмоқ масъулиятини бўйнимга оламан. Боиси, ҳеч ким менинг ҳузуримдан ҳақсизлик, адолатсизликни ҳисси ила норози бўлиб чиқиб кетмоғини истамайман. Мен учун ҳақиқатга қарши борган жоҳил мусулмондан кўра, кўзи очик, оқ-қорани таниган, ўз дини иймонини сақлай билган ўзга диндаги инсон афзалдур. Шу боис, диндошим дея шайх ҳазратларига ён босмайман, бундан кўнглингиз тўқ бўлсин, Йўханна. Қолаверса, шайх ҳазратлари ҳам бировларнинг ҳимоясига муҳтож, ожиз бир шахсият эрмаслар. Ўз-ўзларини ҳимоя эта билмоқ салоҳиятига эгадирлар, — деди сўзи сўнгида шайхни ҳам диққатли давранишга чорлагандай.

Улуғ Амирнинг гапидан сўнг ўзини босиб олган руҳоний хижолат ичида сўзини давом эттирди:

— Мен муҳтарам шайх жанобларининг ҳар қандай саволу сўровларига жавоб бера билмоққа қодирмен. Ожиз ақлимга кўра барча диний фалсафаларни ўрганган, билган кишилар ҳақиқий олимдурлар. Лекин мени ҳайратга солган нарса шу бўлдики, зоти олийлари даргоҳларига етиб, ҳол-аҳвол

сўрашишга ҳам улгурмай, мўътабар шайх хазратларининг танқид найзаларига дучор бўлдик. Ноқис фикримча, бундай шартакилик дўстлик ва ҳайрихоҳлик аломати эмас. Шундан бироз ранжидим, холос. Тангридан яширмаганимни сиздан ҳам яширмайман. Боиси, мен ва қавмим сиздан шу пайтгача ҳеч кимдан кўрмаган яхшиликларни кўрдик. Сиз бўлмаганингизда биз уруғ-аймоғимиз билан қирилиб кетар эдик. Агар шайх жаноблари арман ёки гуржиларни севмасалар, бу нарса менга заҳарларини сочмоқликларига баҳона бўла олмайди деб ўйлайман. Шайх жаноблари боя эътироф этганларидай беш минг хочли лашкардан эллик киши қолдик. Қолганини Усмонли турклар ва Миср султонининг аскарлари қириб ташлади. Лекин бунинг учун мен мусулмон ҳоқон Темур ёким Султон Йилдирим Боязидни айблаётгани олмайман. Ҳар бир даврга ўша замон кўзи ила боқмоқ керак. Ҳар бир замоннинг қиличи ўша даврнинг таомили ва қонун-қоидасига кўра ишлатилади. Акс ҳолда бундай баҳсу мунозаралар яна қон тўқмоққа олиб келаверади. Энди эса мен ҳам сизнинг ҳар қандай фикрингизни тинглаб, жавоб бермоққа ҳозирмен, — дея шайх Табризийга ўғрилганича, фикрини ниҳоясига етказди.

— Бул тешик кулоқлар не гап сўзларни эшитмаган, биродар, — епископга юзланиб, куёшдан қорайган пешонасини тириштирганча, сўз бошлади шайх. — Сиз билан биз истаймизми, йўқми мусулмон ва насроний ёким дейлик мусулмон ҳамда яҳудий динлари ўртасидаги рақобат инсоният ўз тафаккурнинг энг олий нуқтасига етганда ҳам давом этаверади. Фақат у замонга келиб муносабатлар бироз пардалли, ёпик, андишали ва махфий тарзда юзага урар. Бугунги кунда рубъи маскунда иккита катта куч бор. Бу энг аввало, ҳоқон Темурнинг Турон ва сўнгра усмонлиларнинг турк султонлиги. Бу иккиси ҳам мусулмон, бунинг устига, турк миллатига мансуб салтанатлардир. Буни сизнинг она ватанингиздаги фаранглар ҳам, оёғига-латгани ўраб, ип билан боғлаб юрадиган ислованлар ҳам ҳазм эта олмайдилар.

Авруподаги бошқа насроний давлатлари ҳам худди ана шу фикрда. Устига устак ислом дунёсидаги асрий мавқеидан путур кетган араблар ҳам бу турумни хазм этолмайдилар. Шундай қалтис бир шароитда турк ва ислом миллатининг ёғийлари ана шу икки улуғ султонни тўкнаштириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Сиз бу ишлардан манфаатдор бўлган юнон, серб, олмон ёхуд бошқа хочлилар орасида юрган одамсиз. Бу хусусда не дея оласиз? – айлантириб келиб гапнинг индаллосини айтди шайх Табризий.

– Бу тагдор саволингиз жавобини мендан-да яхши билурсиз, шайх ҳазратлари. Тўғри, менинг Авруподаги жуда кўп қироллар ва лашқарбошилар билан салом-алигим бор. Бу дегани усқуф¹ Йўханна ислом ёки турк душмани деган маънога келмас. Улуғ хоқон Темурбек эса бир руҳонийнинг куткусига учиб, ул ёки бул мамлакатнинг устига бостириб борадиган инсон ва ҳукмдор эмаслар. Мен феълан диндорларнинг давлат ишларига, умуман, сиёсатга аралашувларига қаршиман. Бу ёруғ дунёдаги барча элу элатлар, қавму қабиалар тенгдир. Катта-кичиклигидан, оз-кўплигидан қатъи назар бир халқ улуғ ва қадимий, иккинчиси бундайроқ деганлар икки бора хато қиладилар. Фақат ҳаёт тарзи, ривожланиш ва фикрлашда фарқ бўлиши мумкин. Бу нарса эса бир миллатнинг иккинчи бир миллат устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, зулм ўтказмоғига баҳона бўлмаслиги керак. Агар хочлилар тек ўтирганида эди, Султон Йилдирим Боязид ҳам энг яхши ҳимоя хужумдир деган ақидага амал қилиб, Овропанинг қоқ ўртасига бостириб бориб, унинг бирлашган қўшинларини тиз чўктирмаган бўлур эди. Аслида бу каби номаъқулчиликларни бошлаганлар подшоҳлар эмас, сиз билан менга ўхшаган олиму руҳонийлардир. Ўша жоҳил диндорлар подшоҳларга ўзларини дину иймон ҳимоячиси, ватанпарвар ўлароқ кўрсатиб, бошларини айлантириб, динга хизмат этмоққа давват қилиб, қатли ому жангу жадалларга етаклаганлар. Мен

¹ Усқуф – Епископ дегани.

мухтарам хоқон Темурбекни Қуддусни фатх этган буюк ислом лашкарбошиси Салоҳиддин Аюбийга қиёс этамен. Ул кишим тўс-тўполон Қуддусга кирганида, ерда ётган бир хочни кўриб қолади ва уни олиб, шу пайтгача сақланган ибодатхонага элтиб, жойига қўйишларини буюради. Мен ҳам Амир Соҳибқирон қаршисида ўша улоқтирилган хоч ҳолида дуч келганман. Ул кишим менинг инсоний ва эътиқодий қадрқийматимни тикладилар. Шул боис, кўзим очик экан, улуғ хоқон ҳазратларидан розидурмен ва ўла-ўлгунча садоқат узангисидан оёғимни олмагайман.

Усқуф гапдан тўхтаб, Темур томон қараб қўйди. Боиси, масала жиддийлашгани сари чигаллашиб, мавзу нозиклашаётган эди. Хоқон Темур каби жаҳонгирнинг олдида оғзига келган гапни сўзлаш катта уят эканлигини яхши билган усқуф Йўханна давом этаверайми дегандек улуғ Амирнинг қош-қовоғига қараган эди.

– Фикрингда давом эт, Йўханна, – деди табиатан енгилелпи суҳбатларни хуш кўрмайдиган Темур ўйга толганча.

Дарвоқе, Йўханна шайхнинг бу қутилмаган хужумидан бироз шошган бўлса-да, эсанкираб қолмади. Уни Темур хурмат қилишини ва суҳбатлашиб туришини кўролмайдиган кишилар епископ ҳақида турли хил мишмишларни тўқиб чиқаришган ва хоқонга етказишган эди. Бир замонлар хочлилар сафида бу ўлкаларга келиб қолганлиги унинг ноҳайрихоҳлари учун дастак эди. У эса насроний мусулмон бўлсин, сулҳда яшамоқлиги ва бир-бирига биродар кўзи ила боқиш лозимлигини маърузаларида таъкидларди. Хочлиларнинг ўз динлари ҳимоясида Қуддуси шариф томон юриши жоҳиллик ва насроний қавмини қириб тугатиш йўлидаги жоҳилона ҳаракат эканлигини бот-бот таъкидларди.

Темур уни илк бор Султония шаҳри остоналарида учратди. Кийим-кечаклари йиртилган, юзлари шилиниб калтакдан кўқариб кетган абгор бир аҳволда дийдираб турарди. Қоровуллар насроний руҳонийси уни зиёрат этмоқчи экан-

лигини айтганда Темур зудлик билан олиб келишларини буюрди ва калтакланган ҳамда ҳақоратланган одамнинг юзкўзларига тикилиб, нигоҳида зако ва теранлик аломатларини кўрди.

– Салом, Буюк Темур! Сенинг қаҳринг қанчалик қаттиқ бўлса, меҳр-муҳаббатинг ҳам шу қадар юксак деб эшитганман. Жохил диндошларинг кўлидан бизни қутқар. Биз уларга ҳеч бир ёмонлик қилмадик. Гуноҳимиз бошқа динда эканлигимиз. Агар Тангри юрагингга биз мазлумларга яхшилик қилмоқ ҳиссини солмаса, барчамизни ўлдир. Қаердаги жохил, тубан одамлар кўлида эмас, сен каби бир жаҳонгирнинг қиличидан нажот топайлик! – деди у ёшли кўзларини хоқонга қадаб.

Гап-сўзлари дадил бу одам бир кўришдаёқ Темурга маъқул келган эди.

– Сени исломни қабул этмоққа мажбур этдиларми? – сўради Темур руҳонийга тикилиб.

– Ҳа, мажбур этдилар. Худо ҳақи, насроний руҳонийси бўлмаганимда қабул этган бўлурдим. Худо битгадир. Муқаддас Куръони Каримда динда мажбурлаш йўқ дейилади. Бу ишни қилганлар ўқиш нари турсин, ўз муқаддас китобларини ушлаб ҳам кўрмаганлар. Улардан жохилликдан бошқа нарсани кутиб бўлмайди, – жавоб берди Йўханна.

Сўнгра у бу юртларга келиб қолиш тарихини сўзлади.

– Юрт ва ҳаёт кўрган, ғоят тажрибали киши кўринадан. Хўш, мен сенинг бу ерда яшашинг ва муҳофазангга қафолат берсам не юмуш ила машғул бўлмоқчисан?

– Яратган ҳақ йўлини англамоқ учун ибодат билан машғул бўламан. Ўз динимдагиларнинг бошини кўшиб, мусулмонлар ила сулҳ ва биродарликда яшамок Оллоҳга маъқул келадиган иш эканлигини англамаман. Тилини яхши билганим учун буни мусулмонларга ҳам тушунтираман, – Темурнинг яхши муносабатидан тетикланиб жавоб берди Йўханна. – Хочлилар сафига эса ақлимни танимамай, мажбурий равишда кирганман. Сизнинг юртингиз Турон, Чин ва

Ҳиндистондан бўлак барча юртларни айланиб чиқдим. Ҳизмат қилмоққа лойиқ бирорта ҳукмдор зотини учратмадим. Энди бутун нажот сиздан.

– Мен сени ўз ёнимга дининг учун эмас, билиминг учун оламан. Тоат-ибодатинг билан машғул бўла билурсан. Иста-санг ибодатхонангни ҳам қур. Бироқ шариату тариқатда му-сулмонлар йўлини кесиб ўтма. Бойси, улар юртидасен. Кўзи қонга тўлган бу оломон бошида турганим учун оёғимни ўпади, юртимга қайтганим куни ақлдан озиб, менга қарши исён кўтаради. Дунё кезиб, кўзинг очилган инсон экансан. Орқа-олдинга қараб оёқ бос, – деди Темур Йўҳаннага самий оҳангда.

– Неки билганим ва кўрганим бўлса, сиз ила ўртоқ-лашмоққа ҳозирмен. Бутун Аврупо қироллари, айниқса, Фарангистон қироли Шарл тўртинчи сизни чексиз ҳурмат этади. Исмингизга икки сўзининг бирида гранд калимасини қўшиб сўйлайди, – ишончли оҳангда ҳикоя қилар эди усқуф Йўҳанна. – Гранд дегани буюк демақдир. Қироллар орасида ундан зўри ва кучлиси йўқдир.

Ўшанда Темур хазиначи Ҳиндушоҳни ҳузурига чорлаб, бу насроний руҳонийнинг шахсий эҳтиёжи учун неки лозим бўлса беришни тайинлаган эди. Орадан анча вақт ўтгач, Ҳиндушоҳ улуғ амирга усқуфнинг ибодатхона қурилиши учун ҳам маблағ сўраётганини айтганда рад жавоб олди.

– Шу ишни қилмоққа рухсат берганимизнинг ўзи катта кўмақдир. Сизлаб, ҳурмат этаверганимиз учун чориги билан тўрга ўтмасин, – деди Темур қовоғини уюб. – Мен бу юртларга насроний ибодатхонаси кураман деб келганим йўқ. Диндошларимиз буни тўғри тушунмайдилар.

Бироқ усқуф Йўҳанна ҳеч бир қаттиқ-қуруқ сўзни кўнглига олмас, улуғ Амир ёки амирзодаларнинг бир эшиги берк бўлса, иккинчисидан кириб, ишини битириб кетаверар эди. Унинг воситачилиги ила фаранг қироли Шарл тўртинчи Эрон ва Озарбайжон подшоси Мироншоҳга хатлар ёзиб, дўстона муносабат ва савдо-

сотикни ривожлантиришга чорлади. Шу-шу Йўханна Темурнинг ва амирзода Мироншоҳнинг ишончини қозонди. Бироқ улуғ Амир ва амирзода атрофидаги барча кишилар бу армани руҳонийсига ишончсизлик билан қарар, фақат Темурдан ҳайқишлари боис, оғиз очиб мушугини пишт демасдилар.

Бу баҳс аслида Темурга жуда лозим эди. Сабаби, Султон Йилдирим Боязид Арзинжонни олганлигини ҳозиргина Темурдан эшитган Йўханна эса бу воқеадан беҳабар эди.

– Мен ҳам ўз ақли идроким доирасида вазиятни таҳлил эта билурмен, ҳазрати олийлари, – деди руҳоний Темурнинг авзоига қараб оларкан ва унинг суҳбатга монелик қилмаётганини кўриб, сўзида давом этди: – Турон кўшини ила Усмонли ўрдуси тўқнашадиган бўлса... Билмадим. Худо кўрсатмасин, оқибат не кечажак? Агарда бу қиёмат юз берса, унинг бирдан-бир сабабчиси Йилдирим Боязид бўлажак. Боиси, у табиатан жаҳли чиққанида тилига эрк беради. Унинг бу одобсизлигини биров кечирса, биров кечирмайди. Бу ишни Византия папаси, фаранг қироли, ёким мен каби бир мусофир руҳонийдан кўрмоқ ақлнинг иши эмасдур. Мен ўз диним манфаатларини қаерда бўлмасин ҳимоя этишимни ҳеч қачон яширмаганмен. Бироқ бу фаолиятимни ҳеч бир динга ва кимсага зиён-заҳмат етказмай олиб бораман. Сўзимда хатолик, ишимда англашимовчилик бўлса, улуғ Амир ҳазрати олийлари сўйласинлар ва жазоласунлар. Ҳар кўнуда сўнг сўз ва одил қарор етти иқлим хоқонинингдир. Мен аллақачон бир ўлимни бўйнимга олиб кўйганман. Шул боис, мендан ислом ва турк душмани ясамоққа шошилмаслигингизни рижо этардим, шайх ҳазратлари, – дея сўзини тугатди ускуф Йўханна. – Сиз, насронийлар орзу этган иш – ўзларининг тарихдаги мағлубиятлари учун султон Йилдирим Боязидни Темурбек қойиллатиб бир жазолашини кутаётганликларини айтмоқчи бўлсангиз, бу рост гап. Мантиқнинг оддий қонуниятидан келиб чиқмоқ

керак. Курашда кимдандир бот-бот йиқилган одам умр бўйи ўша одамни бошқа биров йиқитишини кутиб яшайди. Истак воқеликка айланганида эса уни минг бир йўсунда талкин этадилар...

Ускуф Йўханнанинг сўзи шу жойга етганида Темур оҳиста ўнг қўлини кўтарди. Бу мунозарага нуқта қўйилганидан ишорат эди. Бурганинг орқасини кўрган арманини бир бошлаб тузлайман деб ўтирган шайхнинг сўзи оғзида қолди. Вазият қулай бўлганида у Темурдан рухсат сўраб, гапини гапирар эди. Бироқ Султон Йилдирим Боязининг Арзинжонга босиб кирганлиги катта-кичик барчанинг кўнглига раҳна солиб турар, баҳслашиб, фалсафа ўқийдиган фурсат эмас эди.



ЎН ИККИНЧИ БОБ

Қочқин хон Тўхтамшини, менинг душманимни менга топшир. Чунки мен унинг соғ-саломат, сенинг паноҳингда юрганлигини кўриб, тоқат қилолмайман. Уни менга тутиб бер... Унинг қўлидаги нарсаларнинг ҳаммасини ўзингга олиб қол...

Дашти Қипчоқ хони Темур Қутлуғнинг пойтахти Киев бўлган Литва князи Витовтга йўллаган мактубидан.

Эртаси куни эрталаб муншийи хос фармон матнини ҳозирлаганча улуғ хоқоннинг саропардага чорлашини кутиб, бош қароргоҳ ўнгидаги саҳнда наридан бери юарди. Бир муддат ўтгач, зар хошияли ўрама қоғозни кўлтиғига қисган муншийи хос Шайх Али Арғун Барлоснинг ёнига амирзода Шохруҳ келиб кўшилди. Сўнгра, амир Боботурк ва Алп Туркашлар ҳозир бўлдилар. Эшик оғаси саропардага таклиф этганида остонадан биринчи бўлиб Шохруҳмирзо ҳатлади. Кейин бошқалар ҳам бирин-кетин кирдилар. Барчалари улуғ Амирга таъзим бажо келтириб, саломлашдилар. Амирзода Шохруҳ отасининг олдига бориб, тиззасига бош кўйди. Темур кўчма тахтида ўтирар, ярадор чап оёғи остига эни икки қарич чамаси келадиған ёғоч курси кўйилган эди.

Хоқон саропардасида ҳар икки девон амиру котиблари ҳозир эдилар.

Турон давлати бошқарувида икки девон бўлиб, улар буюк аморат девони ва молия девони деб аталарди. Биринчи девон товачи девони ҳам деб юритиларди. Товачи девони беклари, хоқоннинг тўра ва тузугига кўра саройнинг энг юксак мартабали кишилари саналарди. Турклар ва турклаш-

ган мўғуллар яшайдиган ўлкаларни назорат этадиган бу девон Турк девони ҳам дейиларди. Бу девондаги амирларнинг асосий вазифаси аскар тўплаш, ўрдуда қонунга амал қилиш ва тартиб-интизомни сақлаш, ўлжани тақсимлаш, хоқон ҳузурида кечадиган расм-русумларни тартиб этиш ва бошқаришдан иборат эди.

Молия ёки сарт девонини эса девонбеги бошқарар, девондаги бир қисм вазифадор вазир, бир қисми эса нави-сандагони тожик, яъни тожик ёзар деб аталарди. Тузукка биноан бу девоннинг амирлари, товачи беклар билан вилоятлардаги даруғалар орасидаги муносабатни йўналтириб турарди. Олиқ-солиқни йўлга қўйиш, шаҳар қурилиши, деҳқончиликни бошқариш, ақча бостириш, ҳисоб тутиш, солиқлар билан боғлиқ ишлардаги ришват ва қонун бузарликлар шу девонда ҳал этиларди.

Бевосита хоқонга боғлиқ минг кишилик қавчин бўлуғи эса ҳукмдорнинг буйруқларига кўра ёрлиқлар чиқарар ва унинг амалга ошишини таъминлар, мингбоши ва юзбошиларга тегишли буйруқларни ёзма равишда етказар ҳамда уларнинг бу ҳужжатни олганликлари ҳақида қайд юри-тарди.

– Марҳамат, Арғунбек, олий фармонни ўқий билурсиз, – одатдагидек босиқ ва вазмин оҳангда муншийи хосга му-рожаат этди Темур.

– Бош устига, ҳазратим! Бизга етган маълумотларга кўра Рум қайсари Йилдирим Боязид Турон давлати тасарруфидаги Арзинжон вилоятига бостириб кириб, уни эгаллаган. Шаҳар ҳокими Тахуртаннинг оиласини асир этароқ ўзи ила Бурса шаҳрига олиб кетган. Бул одобсизликка қарши чора кўрмоқ мажбуриятига кўра, Оллоҳнинг садоқатли қули, Муҳаммад алайҳиссаломнинг содиқ ум-мати, Турон мулкининг хоқони менким Темур Муҳаммад Тарағай ўғли амр этамен! Салтанатимиз жавҳари амирзода Шохрухмирзо сараланган амирлар йўлдошлигида зудлик билан Рум мамлакати сари-мутаважжих бўлсун! Юриш да-вомида Қайсари Рум Боязид дуч келса, у билан урушга ки-

рилмасун! Қайсарни элчи орқали адолатли сулҳга чорлаб, қилган номаъқул ишини англатсун! Агар у хатосини тушунмай, Арзинжон даъвосидан воз кечмаса, уруш эълон қилмай тезлик ила менга хабар етказилсун! Ва менинг амримсиз ҳеч бир хатти-ҳаракатга қўл урилмасун! Қўшиндаги ҳеч бир кимса ҳар қандай шароитда Султон Йилдирим Боязиддан ўч олмоқ, унга бирон зиён-заҳмат етказмоқ жадди ниятида бўлмасун! Фармони олийнинг ҳар бир банди мукаммал бажарилсун! Уни бажармоқ давомида хатоға йўл қўйган кимса кимлигидан қатъи назар қаттиқ жазоланажак!

Муншийи хос фармони олийни ўқиб бўлгач, яна қайта ўраб, хоқонга қаради. Темур қўл ишораси билан фармонни Шохруҳмирзога узатмоқни ишора этди.

– Сафарингиз хайрли бўлсун, авлодим! Йўлингиз юзингиз каби оқ бўлғай! Олингу олдирманг! – дуо этди хоқон ўғлига меҳрли оҳангда. – Бизга нисбатан қай муносабатда бўлмасинлар, усмонли қардошларимизга душман кўзи ила боқманг. Бу қандайдир англашилмовчилик бўлса керак. Улар бизнинг асл қон-қардошларимиз, бир ўқ илдининг томирларимиз. Қондошлар эса бир-бирларини кечирмоқлари, дўсту душман кўз ўнгида бир-бирларининг шаъну шарафларини сақлай-билмоқлари керак.

Одатига кўра улуғ хоқон мажлису машварат, расмий тўплантиларида ўғил, набира ёхуд бошқа яқинларига сизлаб мурожаат қилар, ёлғиз суҳбатлашганда эса гоҳ сизлаб, гоҳида сенлаб гапирарди.

Тахтидан оғир кўзғалган улуғ Амир қаршисида тик турган ўғлининг ўнг елкасига ўнг қўлини қўйди.

– Ғоят эҳтиёт бўл, болам! – фақат ўғли эшитадиган паст овозда сўйлади ота фарзандининг кўзларига тик боққанча. – Ҳар замону маконда, ҳар имкону инсон-ла муносабатда яхши сўзу сулҳ пешида бўлгин. Қарши тараф хужум қилмаса, жангга кирма! Модомики, жанг қилмоқ мажбуриятида қолсанг, мақсадга етмоқнинг фақат битта йўли бор! Бу ҳам бўлса енгмоқ! Шу нарсага кўзи етмаган кўмондон жангу сиёсатда ўзга йўлни танламоғи ло-

зим. Бўлар-бўлмасга қиличини қиндан чиқараверган, Ясо ва йўсунни, шариату тариқатни жабру зулмга хизмат этдирган хукмдорлар, охир-оқибатда сиёсатни қиёматга айлантирадилар. Сўнгида бу гирдобга ўзлари ҳам тушиб кетадилар. Ҳар бир сўз ва жатғи-ҳаракатинга диққат-эътиборли бўл! Дўст ҳам, душман ҳам оғзингни пойлайди. Одамлар не қадар сенга тобуғ келтириб, этагингни ўпиб, патаки пайтава бўлмасинлар, толеи баланд, мартабаси улуғ ва қўли узун кишиларни ич-ичдан хуш кўрмайдилар. Ҳасаду хусумат деган хасталик озу кўп ҳар бир банда қонида бордир. Донолар бу туйғуларини жиловлаб яшайдилар. Жоҳилу нодонларнинг эса бу нуқсонларидан бошқа яроғи бўлмайди. Шул боис ота маконимиздан узоқ ўлкаларда енгилмоғимиз мумкин эрмас. Шармандали мағлубиятдан кўра шарафли ўлим афзалдир. Сен давлату салтанатимнинг таянч тоғисан! Рақибу нохайрихоҳларни кўпайтирмаслик, азиз фарзанди аржумандни кўз қорачиғидек асрамоқ мақсадида сени валиаҳд эълон этмадим! Менинг бу қароримни англаб етсанг-да яна бир бор таъкидламоқдамен! Сенинг бундан буёнги вазифа ва масъулиятинг валиаҳддан ўн чандон буюқдир. Ҳаёт қолган ёлғиз аканг Мироншоҳнинг аҳволи ўзингга маълум. Бироқ эт билан тирноқни ажратиб бўлмайди. Унинг-да буюқ қардошлик иззатини жойига қўймоғинг керак. Негадир унинг маънос ва ғамгин нигоҳи тубида даҳшатли бир фожеийлик кўраман. Яратганнинг ўзи уни бало-қазодан сақласин. Ўзингни асра. Сенга бирон кори-ҳол бўлса, аҳволим не кечийини тасаввур этарсан, албатта. Шунга кўра қадам бос. Дўст билан душмани аниқ ажратиб иш юрит! Билгинки, энг биринчи душманинг дўстингдир. Ён-верингдагиларга эҳтиёт бўл. Энг катта душман энг яқин дўстдан чиқади. Энди боравер. Истаган амирларингни қўшини билан ол! Сергак бўл! Кундузи бир хушёр бўлсанг, кечаси ўн бора эҳтиёт бўлмоқ лозим! Ҳар замон таъкидлаганим ва такрорлаганим каби пиру комил Шайх Баҳоуддин Нақшбанднинг кам егин, кам ухла, кам гапир деган насиҳатларига амал қил. Кам еганлар очарчилик

кўрмайдилар. Бой-бадавлат яшайдилар. Кам ухлаганлар мукамалликка эришадилар. Донолар эса кам гапирадилар. Бу насихатларнинг бирига амал қилмаган киши, қолган иккисига ҳам амал қила олмайди. Натижаю оқибатда эса умрида маъно, ҳаётида мантиқ бўлмайди. Разил, муттаҳам ва бориб турган аҳмоқларни атрофингда ўралаштирма. Энасини эмчагини қирқмоққа ҳозир бундай норасоларнинг кирдикорларини фош этиб, юзларига ва оммага айтиб турмоқ керак. Акси ҳолда келажакнинг етишажак сотқину муттаҳамлари босар-тусарини билмай, охир бир кун сўзсиз бошларига тўқат (мушт) емоқ муқаррарлигини туймай, карнайгулдек барқ уриб ўсиб, улғаяверадилар. Сафарингиз бехатар бўлсин! – фарзандини дуо қилди ота.

Темур шундай деб кенжа ўғлини бағрига босди. Шохруҳмирзо кучоқлаганда отасининг титраётган вужудини ҳис этиб, ғалати бўлиб кетди. Саморанг Турон байроғи хилпираётган бош қароргоҳдан чиқиб, ўз қўшини томон юраркан, отаси бағрига босганча титроқ оҳангда айтган сўзлари ақлу хотирасида такрорланар, ич-ичидан отилиб чиқаётган йиғи ёхуд хайқириқ каби бир сас бўғзига тикилиб қолгандек эди. Буюк қисматлар, буюк шону шуҳратлар – буюк қулликдир, ўғлим! Бу дунёда неки бор, омонат! Булар ичида энг омонати, энг муваққати мулку давлат, тахту салтанатдир! Хом сут эмган одам боласи учун йўқлик уят, тўқлик мурод эрмас! Ҳеч ким, ҳеч нарса, ҳеч бир чархи даврон абадий эмас! Ҳар ишда тадбиру тадоригинингизни шунга қараб кўринг, авлодим! Мулки давлат пешига тушиб, саройу қасрлар барпо этаман дея инсонлар кўнглидаги меҳр-оқибат тахтини, қалбидаги самимияту садоқат қасрларини йиқманг! Кўшқу тахтларнинг эрмас, инсонлар қалби қасрининг, кўнгиллар мулкининг султони бўлинг, амирзодам...

Амирзода тисланди, кўзи ёшовланганини кимсага сездирмаслик учун бошини қуйи эгиб борарди.

Бу дамда Темур Табризга яқинроқ бўлган Хуштруд мавзесида турарди. Сулаймоншоҳбек билан амир Шох Малик

амирзода Шохрухнинг узангисида эдилар. Хос мулозим Мизробек эса қирқ чоғли чериги билан Гуржистон томон юрди. У ердаги амирзода ва бекларни қўл остидаги лашкари билан буюк ўрдуга етиб келишлари хабарини етказмоқ учун йўлга тушган эди.

Салтанатнинг турли томонларидан Рум сари от қўйган кўшин-кўшин черик Мингқўл мавзесида тўплана бошлаган эди. Ўрдунинг сони ва қурол-яроғидан кўнгли тўлган амирзода Шохрух сўнги бор черикни кўздан кечиргач, Авник орқали Навин мавзеси томон юрди. Навинга етар-етмас қоровулбегилардан Қиёмиддин Бўриқалла Арзинжон ҳокими Тахуртаннинг қайниси Шайх Али етиб келганлиги хабарини берди.

– Бир ҳафта бурун Султон Йилдирим Боязиддан Тахуртанга одам келди. Султон қилиб қўйган ишидан пушаймон эмиш ва Тахуртандан Темур билан яраштириб қўйишини сўрабди. Икки тарафнинг ҳам мусулмонлигини қайд этиб, сулҳ ва яхшилиқдан бошқа йўл йўқлигини таъкидлабди, – дея Хуросон подшоҳи Шохрухмирзога ҳисобот берди Шайх Али.

– Сиз, амиримиз Тўқал Қарқара йўлдошлигида, ҳозирок падари бузрукворимиз хузурига жўнайсиз. Ул зоти олийлари айни дамда Табриздан унча узоқ бўлмаган Хуштруд сайхонлигида қўш ташлаб турибдилар. Воқеани тафсилоти ила сўзлаб беринг. Улуғ хоқон ҳазратларидан амру фармон келмагунга қадар биз Навин мавзесидан жилмай турамыз. Ул зоти олийнинг кўрсатмаларига асосан ҳаракат этамыз, – дея Амир Тўқал Қарқара билан Шайх Алини Табриз йўлига кузатиб қўйди.

Тўқал Қарқара билан Шайх Али от алмаштириб, мижжа қоқмай кечаю кундуз йўл юриб, улуғ Амир хузурига етиб келдилар. Бўлган воқеани арз этдилар. Тафсилотни эшитгач, анча хотиржам бўлган Темур хаёл сурганча, қаршисида қўл ковуштириб турган бек Тўқал Қарқарага юзланди.

– Сиз-бироз дамингизни олинг-да, яна йўлга тушинг. Амирзода Шохрух ўз урдуси билан ўша ерда қишлоқ тут-

сунлар. Амирзода Пир Муҳаммад ва Абу Бақр Наҳчивон томон юрсинлар. Сиз эса Шайх Алибек, Арзинжон томон йўлига тушиб, Тахуртанбекка билдирингким, Наҳчивонга етишимиз билан хузуримизга ташриф буюрсинлар. Султон Йилдирим Боязид билан ёвлашиб, раиятга захмат етишига йўл қўймасун! Боязидбек саккизта Арзинжонни забт этсада, ҳеч қаёққа қочиб кета олмайди. У оёғини эгри босгани куни пешонасига битилганини кўради. Яна қолганини яратганнинг ўзи биледи. Менинг номимдан ўзингиз Йилдирим Боязид хузурига элчи бўлиб борасиз. Муншийи хосимиздан бу хусусдаги ёрликни ҳам олинг. Султон ҳазратлари Тахуртаннинг ҳарами ва бола-чақасини Бурсадан Арзинжонга қайтариб, жўнатсинлар. Наҳотки, Йилдиримбекдек одам биз туркларда от, аврат ва силоҳ, кимса қўл ва тил теккиза олмас муқаддас бир урф-одат, эътиқоду анъана эканлигини билмасалар? Наҳотки, бир ҳокимнинг хотин-халажини олдига солиб ҳайдаб кетсалар? Бу қилмиши учун Тахуртан уни майдонга қиличбозликка даъват этиши ёки ўлтурмаккада ҳақлидир. Менинг сўзларимни унга айнан сўйланг ва Тахуртаннинг оиласини Арзинжонга ўзингиз олиб келинг.

Элчи Шайх Али Темурнинг ҳар бир сўзини жон кулоғи билан тинглар, бу афсонавий одамга ҳайрат ва ҳавас билан боқар эди.

Рум қайсари муаммоси юкидан бироз халос бўлган Темур хуш кайфиятида Ужон орқали Кўшки Арғун томон юрди. У ерда бироз истироҳат этиб, кенжа хотини Туман оғо, қизи Султонбахтбегим ва бошқа ойла аъзоларининг келишини кутмоқчи эди. Қизи ва хотини, набиралари Халил Султон ва Саъд Ваққослар дийдорига етган Темур бола каби суюнди. Улар биргаликда йўлга чиқиб, Озарбайжоннинг бошкенти Табризга етиб келдилар.

Олтин Ўрдадан олинган узуқ-юлуқ хабарларга кўра Темурга садоқатли саналган хон Темур Кутлуғ вафот этган. Ботухон тахти учун хонзодалар орасида кураш бошланган эди. Талабгорлардан Темур Кутлуғнинг ўғли Шодибек

хокимиятни қўлга олса, Темурнинг Жўчидан кўнгли тинчиши мумкин. Агар Ўрда тахтига от қўйганлардан Жалолиддин мақсадига эришса вазият оғирлашади. Жалолиддин Тўхтамишнинг ўғли. Ҳар қандай турумда уни сарой тахтига келтириб бўлмайди. Идику Шодибекни хон қилиб кўтара олмаса, яна Дашти Қипчоқ ишига аралашувига тўғри келади.

Унинг фикрича, бундан буён Турон бошига ҳар неки фалокат, фақат шу тарафдан келиши мумкин. Чину Эрон ёким бошқа бир давлату салтанат энди бир неча юз йил давомида бош кўтариб, икки дарё орасига қадам боса олмайди. Бирок жўчилардан ҳар нарсани кутиш мумкин.

Шу хаёллар билан Табризга етиб келган ҳоқон бу ерда ўн кун, чамаси, турди. Раиятнинг аҳволини ўрганиб, худуд ҳокимларининг арзу ҳисоботларини тинглади.

Табриз сафари қаригач, олий урдуга Гуржистон томон юрмоққа амр бўлди. Гуржистондан жангу жадалсиз ўтган черик Арас сувини ёқалаб, Наҳчивонга етиб келган эди. Эртаси куниёқ ҳоқон ҳузурда Арзинжон ҳокими Тахуртан ҳозир бўлди. Йилдирим Боязиднинг сўзларини оқизмай-томизмай унга етказди.

– Демак, бундан буён султондан кўнглимиз хотиржам деб ўйласак бўладими? – қайта сўради Темур Тахуртандан.

– Юзда юз дея олмайман, ҳоқон ҳазрати олийлари, – султонга унчалик ишонмаётганини очиқ тан олиб жавоб қилди Тахуртан. – Султон саройидаги эс-ҳуши бутун амиру лашкарбошилар унинг Турон ўрдуси билан тўқнашуви бориб турган фалокат, ўнганмоқ мушкул мағлубият бўлишини айтиб, ўтақасини ёрган кўринади. Ўзига қолса, ўлса, ҳам ундан бундай гап чиқмайди, – мулоҳазали оҳангда сўзлар эди Арзинжон ҳокими.

– Султон вақтдан ютмоқ мақсадида ўйин қилаётгандир балки?

– Мен ҳам шундай фикрдаман, олий ҳазрат. У кечаю кундуз сизнинг Самарқандга қайтиб кетишингизни кутаётганга ўхшайди, назаримда. Ўйинини шундан кейин кўрсатса керак.

– Султон Аҳмад Жалойир билан амир Қора Юсуф айна дамда қаердалар?

– Қайсар ҳузурида эрмишлар, – жавоб қилди Тахуртан.

– Демак, Йилдирим Боязид улар хусусидаги бизнинг сўровларимизни эътиборсиз қолдирмоқда?

– Менинг ҳам бошим қотди, улуғ ҳокон ҳазрати олийлари. Гапнинг очиги султон ҳазратларига бўлган ишонч ва эътиқодимни йўқотдим. Ул кишим эрталаб бир амри фармон берсалар, кечкурун тескарисини сўйлармиш, – фикрини очиқ-ойдин айтди Тахуртан.

– Мендаги билгилар фикрингизни тасдиқлайди, амир жаноблари, – деди ҳокон паст овозда. – Назаримда, у бирон бир ғавғони бошлайдурғон кўринадур. Ишқилиб, охири хайрли бўлсин.

– Ҳисоб-китобларга кўра султон Йилдирим Боязид истагани замон беш юз минглик лашкар тўшлай олади. Шу боис, у айна дамда ҳеч бир ҳукмдорни куч-қудратда ўзига тенг кўрмайди. Саройга яқин кишиларнинг узун-қулоқ гапларига қараганда, у зоҳиран Турон ўрдуси билан тўкнашишни истамаётган кўринса-да, ботинан бу ишга ҳозирланаётган эмиш. Имкон қадар у билан урушмоқдан четда турмоқ лозим, ҳазрати олийлари. Боиси, мусулмонлар, яъни туркий миллатлар кўпроқ қирилади.

– Биз ҳам у билан урушмоқ иштиёқда эмасмиз, Тахуртанбек. Шундай катта қўшиннинг ярми тутдек тўкилиб кетишига мен ҳам қаршиман. Мана учинчи йилдирки, улар уй-жой, бола-чақасидан йироқдалар. Шундай шароитда Йилдирим Боязиддек кучли бир ҳукмдор билан урушмоққа кимнинг кўзи учиб турибди, дейсиз, – жавоб қилди Темур ўйга толиб. – Бироқ феъл-атворига қараганда, кутилмаганда, бизни жангга даъват этиб қолиши мумкин. Бундай турумда тўкнашув муқаррардир. Унинг даъватини қабул этмай, юртга қайтмоқ ҳам мумкин эрмас.

– Ундан бундай ҳаракатни кутса бўлади, – улуғ амирнинг сўзини тасдиқлади Тахуртан.

– Урдусида хочлилар ҳам жуда кўп дейишади. Бу ростми?

– Тўғри, хоқон ҳазратлари. Косово майдонида бўлган даҳшатли жангда Йилдирим Боязиднинг отаси Мурад биринчи ҳам, серб қироли Лазар ҳам ўлдирилди. Турклар ғалабага эришгач, янги султон Лазарнинг қизига уйланди. Лазарнинг ўғли Стефан эса ўзининг йигирма минглик кўшини билан султон ўрдуси таркибига кирди ва ҳалихануз унга тобедур. Бу яхши курулланган серб кўшини барча юришларда Йилдирим Боязидга ёрдам бермоқда.

– Серб подшосининг султонга теккан қизи исломни қабул қилганми?

– Эшигишимча, йўқ, ҳазрати олийлари. Эвланиш шартларига кўра шундай англашилган эмиш.

– Ойдинўғиллари, қахрамонлилар каби эски турк бекликлари сулолаларининг қадари не бўлган? Усмонлилар улар ҳудудларини салтанатларига қўшиб олгач, ҳукмдорлари тақдирини қай йўсунда ҳал этдилар?

– Йилдирим Боязид бундан ўн сана бурун туркманларнинг афшар қабиласидан бўлган Қарамон ибн Нура Сўфий барпо этган бекликни тугатди. Бу беклик юз эллик йил, чамаси, яшади. Усмонлилар Бек Алоуддин ибн Халилни ўлдириб, ўғли Муҳаммад Иккинчини асир этганлар. Ўн бир йилдирки, у султон зиндонида ётибди. Ойдин ўғиллари ва бошқа сулолаларнинг аҳволи ҳам шундай. Агар сиз менга мурувват этмаганингиз-да, мен ҳам ҳозир Бурса зиндонининг тупроғини ялаб ётган бўлур эдим.

– Яратган асрасин! – деди Темур кўл ишораси ила дастурхончига шарбат келтиришни буюриб. – Биз ҳеч қачон Йилдирим Боязид билан жангга кирмаймиз. Мен уни улуғ бир турк ва ислом мужоҳиди деб биламан, – дея сўзида давом этди Темур Тахуртаннинг Наҳчивондан икки хоқон барибир тўқнашар экан-да, деган фикрда кетинини истамай.

Бундай фикр тарқалса Султон Йилдирим Боязид зудлик

билан жанг тайёргарлигини кўра бошлайди. У Темурдан гумонсирамаслиги керак. Жанг санъатининг сиру аъмоли шунда.

– Эшитган бўлсангиз салтанатимиз тобеъи саналмиш жўчи улусидаги хонимиз Темур Кутлуғ вафот этибди. Ўрнига ўтирмақ учун эса тўрт нафар чингизий шаҳзода тахт талашмоқда. Ўзим бориб Сарой тахтига Темур Кутлуғнинг ўғли Шодибекни ўтқазиб келмасам бўлмайдиганга ўхшайди. Агар имконингиз бўлса, бизга бир туман лашкар юборинг, – деди Темур хос мулозимининг кўлидан пиёласини олар экан. – Боиси, айти замонда салтанатимиз учун жўчинажот шаҳзодалардан ўзга хавф-хатар йўқ. Султон Йилдирим Боязиднинг эса бизга бир қарич ери ҳам, бир мисқол олтини ҳам керак эмас. Ўзимизнинг худудларимиз ва бойликларимизни эплаб, тасарруф эта билсак, катта гап. Лашкар ҳам урушдан чарчаган.

– Орадаги дўстлик ва ишонч ришталарини боғламоқ учун кўлимиздан неки келса ҳозирман. Ҳокиму амир дўстларимни ҳам бу савобли ишга сафарбар этаман, – дея жавоб қилди хоқоннинг сўзларидан таскин топган Арзинжон ҳокими.

Кеч куз кириб Наҳчивон боғлари шип-шийдам бўлган, япроқларини тўкиб қишни кутаётган оғочлар шохларини сўнг куз қуёшининг ним илиқ тафтида тоблар, шимол тарафдаги қорли тоғлар кузнинг қизгин қуёшида алвондек товланар эди.

– Наҳчивон кўп тарихий жой. Бу ер Нух пайғамбар авлодлари яшамисш муқаддас манзил саналган ўтмишда, – дея мавзуни бошқа ёққа бурди улуғ Амир. – Бироқ қишловни ўтказмоқ учун ҳаётимда шу пайтгача уч жойни манзур кўрдим. Бириси ота юртим, Кеш атрофлари. Яна бири Тошкент худуди. Учинчиси эса Қорабоғ. Насиб қилса бу қишни ўша ерда ўтказамиз. Ҳавоси мўътадил, қиши илиқ ва роҳатбахш экан. Ундан Дашти Қипчоққа кетмоғимиз ҳам қулай, – деди юракни орзиқтириб, вужудда сирли хислар уйғотадиган қорли тоғларга тикилганча. – Азал-азалдан юк-

сак тоғларга тикилсам рух ва қувват оламан. Тоғлар инсон зотига сўз ила тасвирлаб бўлмас бир рух ва куч ато этади. Тоғ одамлари сўзларида собит, аҳдларида қатъий, жанг майдонида ҳам беназир бўладилар. Шу боис, бизнинг аксарий навкарларимиз тоғли ўлкалардан. Сахро ва даштнинг одамлари эса сахротабиат бўлади. Улар ҳаётининг баҳоридан кўра, ёзу кузи кўп. Сурув ва уюрлари билан умр бўйи ўтли ва сувли яйловларни истаб кезганларидек, қаер тинч бўлса, ким кучли кўринса, ўша томон думларини буриб кетадилар.

Икки буюк султон орасидаги муносабатда илиқлик пайдо бўлганидан кўнгли тинчиган Тахуртан яхши кайфият билан Арзинжонга қайтди. Икки катта куч орасига тушган у каби кичик бир ижрочилар одатда замоннинг қурбони бўлади. Шул боис, етти ўлчаб, бир кесмаса, худо биледи, эртага аҳволи не кечади? Арзинжоннинг мушоҳадали ҳокими икки ўт орасига тушиб қолган эди. У аслида икки ҳукмдордан бирини оқлаб, иккинчисини қоралай олмас, қай бири кўпроқ ҳақлигини ўйлаб, ўйига етолмасди. Уларни мурсою мадорага келтирмаётган бир нарса бор. Бу ҳам бўлса шохлик ғурури ва рубъи маскунда кимнинг мавқеи биринчи даражали бўлиши керак деган тортишув эди. Бу қалла ва мавқе талашувда икки султон ҳам бир-бирига ён бермокни истамас, бу ғайирликнинг азобини Тахуртан каби ҳокиму нойблар, аскару райят тортмоққа мустаҳик эди.

Агар бу муаммода холисанлилло, ким кўпроқ ҳақу, ким озрок дея фикр юритиладиган бўлса, ҳоқон Темурнинг тарозуси тош босар эди. Бундан ўн йил бурун, энди султонлик тахтига ўтирган Йилдирим Боязид Темурнинг буюк ҳукмдорлигини тан олиб, ўша пайтдаги пойтахт Эдирнадан этана бўлиб мактублар битган, уни буюк жаҳонгир сифатида улуглаган ва барча фатху зафарларини тан олган. Ўзини унинг хизматкори эканлигини қайд этган эди. Энди эса сўзидан қайтиб, унинг иккита қочкин душманини ҳайдаб юборишдек арзимас сўровига беписанд қараётир. Бу хатоси билан эрта кунда унинг ўзи Султон Аҳмад Жалойир ёхуд Қора Юсуф Туркмандан беш-баттар кунга тушиши мум-

кинлиги ақлининг кўчасига ҳам келмаётир. Боиси, Темурни енгиб бўлмайди. У кўзи очик экан, инсон зотидан енгилмайди. Унинг руҳияти ва вужудида сўз ила тасвирлаб бўлмас илоҳий бир қудрат, ҳикмат бор. Ҳаёти ҳам қисмат ажойиботларига тўлиқ. Ҳар қандай мушкул вазиятдан тез ва осонгина йўл топиб чиқиб кета олишдек бир қобилият соҳиби. Ҳар қандай душмандан ақлли ва тадбирли. Султон Йилдирим Боязидда Темурдаги жанг ва давлат юритмоқ тажрибаси, донишмандлик етишмайди. Уттиз йил Усмонли давлатини бошқарган, не-не жанглардан омон чиқиб, Косо-вода турк аскарлари кийимида чодирига кирган серб Милош Обилич қиличидан шаҳид кетган отаси Мурод Худовандигар Ғозий жуда мушоҳадали, сиёсатнинг танобини тортадиган ҳукмдор эди. У олтмиш минглик турк кўшини билан юз минглик серб лашкарини енгган, бу муҳорабада Йилдирим Боязид ҳам қаҳрамонлик кўрсатиб, барчанинг меҳр-муҳаббати ва ишончини қозонган эди. Мана шу воқеага ҳам қарийб ўн икки йил бўлибди. Вақт кўз очиб юмгунча ўтиб кетар экан. Инсон зоти эрта куним яхши бўлади, ана ниятимга етаман, мана орзуим ушалади дея тираниб-тирмашиб, лаҳад ёқасига бориб қолганини сезмаскан. Ҳеч бир нарсага улгурмай, улгуролмай ҳайҳот дея барчадан норози бўлиб, бу ёруғ оламдан ўтиб кетаверар экан. Ишқилиб Султон Йилдирим Боязидга худо инсоф берсин. Арзинжон баҳона ўзига Темурдек душман орттирмасин. Бу икки буюк лашкар ўтган далалар, яйловлар ва қишлоқлар топталиб, раият азоб-укубатда қолади. Бу бевафо дунё шундай қурилган эканки, сон-саноксиз халқлар, қавм ва улусларнинг тақдири бир одамга боғлиқ бўлиб қоларкан. Унинг бир оғиз ақлли ёки аҳмоқона гапи инсоният қисматини ўзгартириб юборди. Олам қайтиб ўз ҳолига келганча яна қанчалаб одамлар қирилиб кетадилар.

Оғир ўйлар оғушида Арзинжон сари отини лўкиллашиб бораётган ҳоким Тахуртанининг кўнглига ғулғула тушган эди. У бундан уч ой бурун Султон Йилдирим Боязид билан учрашганди. Мана энди ҳокон Темур билан суҳбатлашиб

кайтмоқда. Гапларининг авзойига қараганда иккиси ҳам бир-бирига ён берадиганга ўхшамайди. Қарийб қирқ йилдан бери мағлубият нималигини билмайдиган Турон салтанатини тушуниш мумкин. У бошқа подшоҳлар билан ўзгача оҳангда гаплашмайди ва бунга ҳуқуқим бор деб ўйлайди. Боиси, у барчадан кучли, бунинг устига адолатли. Ҳар қандай ишни, аввало, яхши сўз, ақл-идрок ва сулҳ билан ҳал этмоққа киришади. Қарши тарафга адолатли қарор қабул қилмоқ учун фурсат беради. Арқонни узун ташлайди. Яхши сўзга эш бўлмагач, ўша ҳоким ёки султонга қарши бирон бир чора-тадбир қўллайди. Шунда ҳам сўзига кирмаган ҳукмдорни ўз рақиблари қўли билан йиқитади. Худо билади армани ва гуржилар Темур бўлмаганида бу ҳудудларда не “каромат”ларни кўрсатардилар. Ҳокон бу юртларга қадам босгач, мусулмонлар уларнинг босқин ва зулмларидан қутулдилар. Табиатан бу халқлар ҳеч нарсадан қайтмайдилар. Мақсадларига эришмоқ йўлида ҳар қандай хоинлигу хунрезликдан тап тортмайдилар. Қўйиб берсангиз мусулмонларни мусобақалашиб ўлдирадилар. Уларнинг бу каби қилмишларини Тахуртан ўз кўзи билан кўриб, қулоғи билан эшитди. Мусулмонларни жини суймайдиган яхудийлар ҳам уларга ўхшаб кетади. Бироқ яхудий ҳар қандай номаъқул ишни охиригача ўйлаб, энг ичида амалга оширади. Худодан қўрқмаса-да, ёмонлик қилаётган одамнинг ўч олишидан қўрқади. Бети қалин эмас. Сенинг ақлинг ва кучингга тан бергач, астойдил, хизматингни қилади. Бу ҳудудлар дунёнинг энг гўзал ва яшашга қулай ерлари бўлгани учун халқлари ҳам жуда эски ва қони бузилиб кетган. Миллат не қадар қадимий бўлса, дини ва ўзлигини сақлаш учун курашса, шу қадар қони айниб, дунёни бузишга уринар экан.

Султон Йилдирим Боязид Арзинжонни забт этганидан бурни осмонда эди.

– Эртага ана у оқсоқ устозингнинг бошига ҳам сенинг кунинг тушади. Балки ўшанда улоқиб келган ўша қумли саҳроларига қандай етиб олмоққа ҳам ақли етмай, аросатда

қолар? – деди у от устида туриб Тахуртанга дағдаға билан. – Сени давранишинг хоинлик билан баробардир! Ҳали буни тушуниб етасан. Англамоғинг учун эса ақлли бошингни танангдан жудо этмай тураман!

– Мен хоин эмасман ва ўз ҳаракатим билан халқим ҳаёти ва молу мулкани асраб қолдим! Сиз ҳам бир кун буни англаб етарсиз! – деди қўллари орқасига боғланган Тахуртан ўшанда.

– Шунча ишни қилиб туриб, тилим ҳам бор дегин ҳали! – қаҳрли нигоҳини Тахуртанга қадади Султон Йилдирим Боязид сарғиш соқолли оқиш юзи қизариб, титроқ овозда.

– Тилим ҳам бор, ақлим ҳам жойида. Гапимни ҳам ўйлаб гапирман! – жавоб қайтарди Арзинжон ҳокими. – Мен неники хато қилсам, кимгаким ноҳақлик қилган бўлсам, қаршимдаги мана шу халойиқ айтсин! – деди у тўпланиб турган одамларга юзланиб.

Султон Тахуртаннынг бу сўзига нима деб жавоб беришини билмай йиғилган халойиқ томон ўгирилди. Тўпланганлар ичларида Тахуртанны қўллаб-қувватласаларда, бирортаси юрак ютиб, Султон қаршисида уни ҳимоя этолмай турарди. Ниҳоят бўйнига бўйинбоғ боғлаган ёзар Сарухон отилиб олдинга чиқди.

– Бир қошиқ қонимиздан кечинг, Султон ҳазратлари! Менким битикчи Сарухондирман! Ҳоким Тахуртанбек рост сўйлайдур! Шу пайтгача у ҳеч кимнинг бурнини ноҳақ қонатмади. Унга ҳар қандай зулм этилса, Оллоҳгада, бандасига-да маъқул келмас! Биз сизни адолатли, одил ва шонли-шарафли подшоҳ деб биламиз! Ўзингиз ҳақидаги яхши таассуротларимизни бузманг! Тахуртанны ўз вазифасида қолдиринг! Шаҳарда у каби тажрибали, мушоҳадали одам йўқ! – шартга-шартга сўзлади ёзар Сарухон. – Мана бу ерда қози ва уламолар ҳам турибдилар! Сўзимни инкор этмасалар керак!

– Рост!

– Битикчи тўғри сўйлади!

– Адолатли ҳоким!

– Уни ўз ўрнида қолдиришингизни сўраймиз, Султон ҳазрати олийлари!

Халқнинг қутилмаган ҳимоясидан шошиб қолган Султон Йилдирим Боязид отдан тушиб, йиғилишиб турган халойиққа яқинлашди. Ипак қўлрўмолчаси билан бўйин ва пешонасини артиб, хос мулозимга курси келтиришни буюрди.

– Сизнинг ўз ҳокимингизни мана шундай ҳимоя этганингиздан жуда хурсанд бўлдим. Қани энди бутун Усмонли давлатининг бор табааси сизлар каби аҳил, иноқ ва бирдам бўлсалар эди. Улуснинг улуслиги мана шундай дамларда намоён бўлади. Тахуртан каби эл ишончини қозонган ҳокимлар кўп эмас. Мен унга тан бердим ва ўз ўрнида қолдираман!..

Султон шундай дейиши билан навкарлар Тахуртаннын қўлидаги арқонни ечдилар. Султон имо билан уни ёнига чорлади.

– Демак, у ҳар қандай оғир ва енгил шароитда миллатни ҳимоя қила оладиган ва қутқара биладиган элбоши! Биз салтанатимиз ҳудудларини ҳимоя этмоқ ва мустақкамламоқ мажбуриятидамиз. Ишончим комилки, Арзинжон бошкенти Самарқанд бўлган оқсоқ Темур давлатига эмас, Усмонли салтанатига боғлиқ бир ўлка бўлиб қолади! Ва султонга ҳисоб бермоқ учун Тахуртанми ёки бошқа бири Самарқандга эмас, Бурсага, келажакда Истанбулга боради! Шундай бўлишини барчангиз сезиб турибсиз ва бунга иймон келтирмоқдасиз! Тахуртаннын бўйнига мана шундай масъулиятли вазифа тушади. Айни замонда бу ҳудудларни оқсоқ Темур ёки бошқа бир босқинчидан ҳимоя этмоқ вазифаси ҳам унинг гарданидадир. Сўзларимга не дейсан, Тахуртан? – дея Арзинжон ҳокимига ўгирилди Йилдирим Боязид.

– Мен шу пайтгача ўз вазифамни қай даражада бажариб, элни рози қилиб келган бўлсам, шу тахлит чалишмоқда давом этамен! Бу борада ёрдам-лозим бўлса, маслаҳатга муҳтож бўлсам, сиз султон ҳазратларига мурожаат этурман!

— жавоб қилди Тахуртан. — Арзинжоннинг омонлигидан кўнглингиз тўқ бўлсин! Бизнинг ўлка ҳудудидан усмонли тупроқларига бирорта ёғий лашкари қадам босиб ўтмайди!

Тахуртаннинг сўзлари пухта ўйланган, икки ҳукмдорнинг эшигини ҳам қаттиқ ёпмаслик учун айтилган жавоб эди.

Бундан бирпас бурун кўли боғлиқлик турган бўлса-да, муносиб хатти-ҳаракати ва гап-сўзлари билан Тахуртан Султонда жуда яхши таассурот қолдирган, ҳурматини қозонган эди. Садриаъзам ёки девонбеги қилиб олиб кетадиган экан, ҳаёлидан ўтди султон уни тингларкан. Бироқ бу тарафларда ана у ёвуз Темур билан тенгма-тенг гаплаша биладиган, унинг шаштини қайтара оладиган бошқа одам йўқ. Шу боис, уни пойтахт Бурсага олиб кетиб бўлмайди. Бу ҳақда кейинчалик ўйлаб кўришга тўғри келади.

Арзинжон аҳолиси султоннинг қарорини олқишлади. Бироқ шунча илиқ гап сўзлардан сўнг ҳам Йилдирим Боязид Тахуртанга ишонмай, хотинлари ва бола-чақасини Бурсага олиб кетишга амр берди.

Султон Тахуртандан Темур ҳақида салбий фикрлар кутган эди. Бир сўзли Тахуртан эса ўзига яхшилик қилган инсон ҳақида бундай дея олмасди. Шунингдек, ўзининг салоҳияти ва иқтидорини тан олиб, вазифасига қайта тайинлаб кетган Йилдирим Боязид ҳақида ҳам ёмон фикрда эмас эди. Боязид ҳам унга Темур каби мардлик қилди. Нонкўрлик қилмоқ, яхшиликни унутмоқ Тахуртаннинг қонида йўқ эди. Икки буюк оташ ўртасида мардонавор турарди.

Арзинжон ёхуд сарҳад ўлкаларига беш нафар шахзода ўғилларидан бир нечасини юборса ҳам бўлади. Усиз ҳам саройда ота тахтини кўзлаб, ўлжа қизганган шерлардек бир-бирининг изини пойлаб, не қиларини билмай юришибди бу фарзанди аржумандлар, ўйлади Султон Арзинжон ишини бир ёқлик қилиб, Бурсага қайтар экан. Бироқ айна дамда бу тадбир оч қуртга ширвоз кўзини ҳады этмоқ ила баробардир. Темур илк мактубларидаёқ султонга ўғилларидан

бирини отаюрт Самарқандга келиб, дорулфунунда ўқишни, Кўксаройда хизмат қилиб, юришларида иштироқ этиб, тажриба орттиришини айтган эди. Султон унинг бу таклифини ҳақорат ўлароқ қабул этган эди ўшанда. Аслида Темур тарафдан жўяли гап бўлган экан. Шундай қилганида бугунги ташвиш-тахликалар юртни четлаб ўтармиди. Чуқур ўйлаб кўрмаган экан-да ўша дамларда. Темурдек хоқон ва кўмондон ёнида ва саройида сабоқ олмоқ келажакда ўғилларининг салтанатни бошқариш ва ҳарб санъатини эгаллашларида асқотишини чуқур мушоҳада этмаган экан. Бекорига турку туркманнинг эси тушдан кейин киради демас эканлар-да. Энди эса унинг хузурига бирор-та шаҳзодани юбормоқ, қўл-оёғини ўз қўли билан боғлаб бермоқ билан баробар. Машмашанинг бошидаёқ ўша Султон Аҳмад билан Қора Юсуфни ёнида қолишларига розилик бермаса бўларкан. Темур ундан амалга ошириш мумкин бўлмаган машаққатли бир ишни сўрамаган эди-ку. Хатида уларни хузурингдан ҳайдаб юбор деганди. Икки қочоқ ҳукмдорни деб бутун бошли улуси, салтанату мамлакатини хавф-хатарга қўймоққа ҳожати бормиди? Бу хусусда хатто мана шу Тахуртан ҳам ундан кўра узоқни кўра билибди. Темурдек одам билан ота-бола бўлиб, ҳадяларини олиб, элини бурнини қонатмай мурсоёю мадора қилиб ўтирибди. Ахир бу сарсону саргардон дунёда ҳамма нарса куч-қудрат, қиличу силоҳ билан ҳал этилмайди-ку? Битта аҳмоқ аскар ўттиз йил ҳукмдорлик қилиб, оламни сўраб турган отасининг жойини солди-қўйди. Мана сенга бир одамнинг қўлидан келган иш. Рубъи маскуннинг ярмини тиз чўктирган Темурдан эса ҳар балони кутиш мумкин. Ишқилиб эгаси тўғри йўлдан адаштирмасин. Шу пайтгача раҳми-шафқатини дариғ тутмади. Бундан сўнг-да меҳрмурувватидан бенасиб этмасин!

Султон Йилдирим Боязидни Султон Аҳмад ва Қора Юсуфларни усмонли тупроқларидан чиқариб юбормоққа кўндириш керак, ўзича мушоҳада қилиб борарди Арзин-

жон ҳокими. Акс ҳолда Темур Дашти Қипчоқ сафарини мўлжаллаб турган бўлса-да, эрта кунда орқаси тутиб, оти жиловини Бурса томон буриб юбориши ҳам ҳеч гап эмас.

Узоқ йўл юрган Тахуртан тун ярмидан оғиб, шаҳар аҳли қаттиқ уйкуга чўмганида Арзинжонга кириб келди. Ҳарами, бола-бақраси олисда эканлигидан сиқилиб, бирор манзилда тунаб дам олмоқ ҳам юрагига сиғмади. Қароргоҳида эса хизматкор, отбоқар, қоровул ва ўзи билан бирга келган жиловдордан бошқа ҳеч ким йўқ эди. У енгил ювиниб, ним-косадаги пўртаҳол сувини симирди-да, отасидан қолган қадимий қимматбаҳо оғоч ётоққа чўзилди.

Чарчаганидан ярим тунгача уйқуси келмади. Кўзи илин-гач, икки ораю бир дарада қолдирган хоқон ва султон уни рўёсида ҳам ўз ҳолига қўймас эди. Тушида Темур ва Султон отда тоққа туташ тепалик томон боришар, оч малла эшак минган Тахуртан уни халалаганча отлиқларга етиб юрмоққа ҳаракат қиларди. Энг қизиғи, икки хоқоннинг ҳам найза, қилич ва қалқонлари ёғочдан бўлиб, бошларига дарвешларнинг қора кўлоҳини кийиб олган эмишлар. Тепалик устида эса олов ёниб турганмиш. Ҳар иккиси кўлидаги найза, қилич ва қалқонларни оташга ташладилар. Сўнгра Султон хайрлашмасдан от жиловини эниш томон буриб, сойликка тушиб кетди. Хоқон эса юксак тоғлар, асрий музликлар қоплаган оппоқ қоялар томон оти бошини қўйиб борарди.

Тахуртан бор овозда жарлик томон энаётган Султонни қақирар, бироқ овози чиқмас эди. Тепалик ўртасида энаётган оловдан вужуди чатнаб кетган, алангадан узоқлашмоққа ҳоли етмас эди. Уйғониб кўзини очганда, ич кийим боши тердан жикқа хўл эди.



ЎН УЧИНЧИ БОБ

*Мен ҳеч бир динга эътиқод этмайман.
Бироқ барча динларни ҳурмат қилишларини
буюраман.*

Чингизхон

*Тангрига ҳамд бўлсинким, менинг қимма-
тимни биладиган, хизматимни қадрлайдиган
ва ҳурматимни ўрнига қўядиган Темурдек ки-
шини ато қилди.*

Ибн Халдун

Хоконнинг хушхаво Наҳчивон сафари қариди. Шохрух Мирзо ва хузуридаги амирзода ва бекларнинг улуғ Амир кўлини ўпмоқ шарафига муяссар бўлажаклари хабари етгач, яна бир неча кун бу манзилда қолмоқ қарори маълум қилинди. Амирзода Шохрух Эроғу Ажам худудлари ҳисоботини бериб, Усмонли Султони Йилдирым Боязид тарафидан Арзинжон воқеасидан сўнгра бошқа ножўя ҳатти-ҳаракат содир бўлмаганлигини қайд этди. Амирзода берган билгилардан хотири жам бўлган улуғ хоқон ўғруқ ва олий ўрду кўшини Қорабоғ йўлидаги Шохбуз дарасига кўчириш амрини берди. Кўкча Тенгиз мавзесига етгач, бутун кўшин учун шикор буйруғи жорий бўлди.

Улуғ Амир Шамкурга етиши билан Кермон волийси Идикубек совға-салом ила зиёратга келди. Идику Тархон амирзода Шохрухнинг қайнотаси, Темурнинг суюкли набираси Мирзо Улуғбекнинг волидаси Гавҳаршодбегим Ғиёсиддин Тархон қизининг биродари эди. Чингизхонни ўлимдан асраб қолганлиги учун тархонлик унвонига сазовор бўлган бу улусга Темур ҳам ҳурмат-эҳтиром кўрсатар, қуда-анда эдилар.

Сўнгра Гуржистондаги вазиятни таҳлил қилмоқ учун борган бекларга эргашиб келган гуржиларнинг улуғ князи, Георгийнинг укаси Темур остонасида пайдо бўлди. Антика кушлар, асл отлар ва қимматли совғалар келтирди. У гуржилар замон-замон қилиб турадиган бебошликлар учун узр тиламоққа келган эди.

– Оғам, сизга бир камина кул турур, – деди у титроқ овозда. – Эмди тавқиғи ул турурким, гуноҳидин кечиб, марҳамат ва лутф билан ани сўрғайсиз. Мундин нари то тирик турур, хизматдин ўзга иш қилмағусидир. Ва ҳар йил молу хирожни мукаммал равишда хазинага топшириб турғай. Ва не қадар черик лозим бўлса ўз вақтида инонихтиёрингизга юборгусидир!

– Мен Георгийнинг сўзларига ишонаман, – жавоб қилди Темур гуржи шахзодасини вазирлар қаторида туришига ишора этаркан. – Унинг гуноҳларидан ҳам кечаман. Вилоятини ўзига қайтариб бераман! Аммо битта шартим бор. Бундан буён ўз ҳаддини билсун! Мусулмонларни иззат ва ҳурматда тутсин! Аларга ҳеч жиҳатдан зиён-заҳмат етказмасун! Акс ҳолда ўз теварак-атрофини ўраб турган мусулмонларнинг буюк денгизида бутун бошли халқи билан бир тош каби чўкиб кетади. Бу сўзлар арманий қавмларга ҳам тегишлидур. Менинг сўзларимни уларга ҳам етказиб қўй! – деди Темур салмоқли оҳангда. – Денгизнинг тубидан қудук қазимасинлар.

Сўнгра гуржи князи елкасига зарбоф тўн ёпмокни ва шарафига зиёфат тартиб этмокни буюрди. Гуржи князи, усқуф Йўҳанна ва шайх Табрисийлар иштирок этган суҳбат қизиқарли бўлди. Бироқ Темурнинг исмини эшитса ўтакаси ёрилгудек бўладиган гуржи шахзодаси суҳбат давомида оғиз очиб кўнишмади.

– Булар мана шунақа, индамай туриб жонимизни олади, – деди шайх Табрисий суҳбат сўнгида Темурга арабчалаб.

Темур шайхнинг сўзларига кулиб қўя қолди. У ода-тига кўра қўл остидаги одамларнинг яхши томонларини кўрмоққа интилар, кўнгли қолмаслиги учун нуқсонларига эътибор бермасликка ҳаракат қиларди.

– Муҳтарам мусофиримиз Йўханна энг муҳим воқеани сўзламадилар, ҳазрати олийлари, – дея Темурга мурожаат этди шайх Табризий суҳбат сўнгида. – Рухсат этсангиз ҳикоя қилиб берсалар.

Барча ҳайрон бўлиб дастлаб Табризийга, сўнгра Йўханнага қаради. Шайхнинг ҳазилини пайкаган Йўханна кизариб кетди.

– Сўйла, шайх нимани назарда тутмоқда? – дея ўша майин табассумда руҳонийга қаради Темур.

– Ҳақиқатан ҳам Самарқанддан келган бул шайхнинг билмаган балоси йўқ экан, – деди иқрор бўлиб Йўханна. – У уйланган хочлиларнинг урушга жўнаш олдидан хотинларини не шаклда қолдириб кетишларига писанда қилмоқда, – кизариб-бўзариб сўзлар эди архиепископ.

– Сўйла, сўйла. Модомики бошладинг, сўнгига етказ. Даврамизда хонимлар йўқ, – далда берди унга хоқон.

– Буни асосан энди ўйланган, келинчагининг бўйида бола бўлиб қолмаганига ишонч ҳосил қилган ёш навкарлар қилар эдилар. Гапнинг очиғи мен ҳам қилганман.

Саропарда пашша учса эшитилар, ҳамма руҳоний Йўханнанинг оғзига қараб қолган эди.

– Юришга чиқадиган навқар хонимнинг вафодорлигига ишонмаса темирчи устага бориб унинг белига яраша калта ич тўн¹ шаклида темир кулф ясагар эдилар. Сўнгра бу кулфни хонимининг белига кийдириб, кулфлар эди-да, калитни ўзи билан бирга олиб, хочли сафарига кетар эди. Бор гап шу...

Даврада гуррос кулгу кўтарилди. Темур ҳам яқин замонларда бундай мириқиб қулмаган эди.

– Йўханнабек жаноблари сўнгига қадар айтмадилар, ҳазрати олийлари. Изн берсангиз қолганини мен ҳикоя қилсам, – деди шайх кулгудан ёшланган кўзларини енги билан артиб.

Темур куларкан, боши билан сўзламоқ ишорасини қилди.

– Дини учун жиҳодга чиққан хочли навқар шу кетишда

¹ Ич тўн – иштон сўзининг асли.

бир неча йил кетади. Аврати бир неча қадокли оғир темир ич тўн билан кулфланган жувон бечора қазои ҳожатни ҳам бир амаллаб эплаб, эрни кута бошлайди. Бироқ эрдан дарак йўқ. У ҳам тирик жон. Вужудида шахвоний ҳислар жунбушга келади. Бироқ аврат кулфланган. Иложи йўқ. Бирдан бир чора озмоқ. Шунда темир кулф сидирилиб пастга тушади ва танаси ёнаётган аёлнинг муроди ҳосил бўлади. Хўжаси келиши дарагини туйиши билан яна еб-ичиб, камини тўлдириб, танасини илгариги ҳолатига келтириб, кулфини кийиб оларкан.

Кулги яна авжига чикди.

– Сиз бу ишларнинг бевосита иштирокчиси каби ҳикоя этмоқдасиз, муҳтарам Табризий, – деди Темур ўзини зўрға кулгидан тўхтадиб.

– Сўққабош, бало бош дегандек, кўрмаган тирикчилигимиз қолмаган, улуғ ҳоқон ҳазратлари, – жавоб қилди Озарий йиғилганларни кулдирганидан мамнун бўлиб. – Зотан, мен Оллоҳнинг кулбандаси ҳар замон нуқсонларимни тан олурман, хато ва гуноҳларим бўйнимдадур.

Улуғ Амир Шамкурдан кўчиб, Қоровултепа маңзилли төмөн юрар экан, Темур Хожа Оқ буғани Самарқандга, амирзода Умар мулозиматида турмоқ учун йўллади. Ҳоқон валиаҳд Муҳаммад Султоннинг ҳам тезроқ етиб келишини кутаётган эди. Улуғ Амирнинг узанги йўлдоши Ҳожи Сайфуддин валиаҳд билан бирга келар экан, йўл-йўлакай Нишопурда вафот этганлиги боис, Муҳаммад Султон кўши кечикаётган эди. Бу хабарни эшитган Темур мулзам бўлиб, қайғурди. Ҳожи Сайфуддин унинг Жаку Барлос каби болалик ва узанги йўлдош дўсти, садоқатли амири эди. Кейинги икки йилда валиаҳдга ўз тажрибасини ўргатсин, отабегилик қилсин дея Темур уни набираси ёнига қўйганди. Сафдош ва тенгдошлари бирма-бир фоний дунёни тарк этмоқдалар. Эрта бир кун унга ҳам навбат келади. Беш кун олдин, беш кун кейин. Одатда камдан-кам кўзига ёш оладиган Темур бу айрилиқни оғир қабул қилди.

-- Инно ли-ллоҳи ва инно илайҳи рожиъуна, — деди кўз ёшларини артиб: — У миллатимиз тарихидаги шарафли бир инсондур! Оллоҳ раҳмат этган бўлсин!

Набираси етиб келгач, Қорабоғда махсус қурултой чақириб, Муҳаммад Султонни расмий равишда валиаҳд деб эълон этмоқ ниятида эди. Ҳожи Сайфуддиннинг қайтишидан сўнг, бу тадбир кўз ўнгида янада зарурроққа ўхшаб кўринди. Иссиқ жонга ишонч борми? Улим ҳам уйку каби бир гап.

Қорабоғ йўлидаги Қоровултепа манзилида бир ой, чамаси, бўлган олий ўрду Ганжа ва Барда орқали Қорабоғга етиб келди. Қўшин ва сарой амирларига лашкарнинг қишлоқ ёмак-ичмагини таъмин этиш учун улуфа тарқатиш юкланди. Улкан қўшин Дарбандга қадар чодир тиккан, оқ ва қора уйларнинг чек-чегараси йўқ эди. Ўтовлар кунгурасидан самога ўрлаётган қуюқ, аччиқ тутун аралаш, баъзан қовурдоқ ёки тандиркабоб кўкиси димоқларга урилар, бу ҳидларни туйган аскарлар бир-бирларига бошларини ликиллашиб, маъноли қараб қўйишар, ўзаро шивирлашиб, бир-бирига ҳазил-мазаҳли манзират билан сен же, мен же қилишарди.

Қарийб юз кунга чўзиладиган қишки истироҳат бошланган эди. Қишлоқ кечаётган жой каттакон бир шаҳарни эслатарди. Бу ерда катта-кичик бир неча бозор бўлиб, энг чаққон мол ўтин ва дон-дун эди. Теварак-атрофдаги овулларнинг одамлари қўлларига нима илинса олиб келиб, сотишар ва аскарлар ўлжага олган турли хил буюмларини харид қилишарди. Улоқ чопмоқ учун қулай бир камарга чортоқ қурилган, теп-текис сайхонликда пойга учун майдон ҳозирланган эди. Шоҳона саропардалар ва ёғочдан тикланган кўчма масжидлар катталиги билан чодир ва ўтовлар орасида ажралиб турарди. Қўшиннинг қишлоқ ҳаёти ғоят жонли ва завқли тарзда кечарди.

Амир Боботурк билан Алп Туркаш бундан буёнги воқеалар не йўсунда кечишини муҳокама этиб, улуғ Амир оқ-уйи ўнгида гурунглашиб туришарди.

— Катта урушларга чек қўйиш вақти етди. Айниқса,

биз Усмонли турклари билан тўқнашмаслигимиз керак, — деди Боботурк кейинги кунлардаги таранг вазиятдан норози бўлиб. — Онҳазрат ҳам кўлида катта куч ва ҳокимияти йўқ ўша Султон Аҳмад билан Қора Юсуфни тинч қўйсалар бўларди.

— Мен ҳам шу фикрдаман. Устозга айтиб ҳам кўрдим. Йўқ демадилар. Агар Султон Йилдирым Боязид тезоблик қилиб ўйинни бузиб қўймаса, ҳеч қандай тўқнашув бўлмайди, — жавоб қилди Алп Туркаш.

— Негадир кўнглим безовта. Назаримда, бу фожиали тўқнашув юз берадигандек. Ақлимдан шу фикрни чиқариб ташлайин десам-да, айланиб-ўргилиб миямда чарх ураётир.

— Сиз билан биз не чора-тадбир қўлламайлик, ҳақ таолонинг айтгани бўлади. Яратгандан хайрлисини сўраймиз.

Шу пайт амирзода Пир Муҳаммад қоровулбегиларидан Ойдинбек Оқйўл етиб келди ва Ўрда хони Шодибекдан элчи келаётганлигини маълум қилди.

— Мана, битта катта уруш чекинди, — деди юзига табасум ёйилиб Алп Туркаш. — Бу ёғига ҳам худо мушқулимизни осон қилиб қолар.

— Айтганингиз келсин, дўстим. Бу хабардан устоз ҳам хурсанд бўладилар. Гапнинг очиғи уруш ва юришдан итдек чарчабман. Устоздан рухсат сўраб одамларга ўхшаб кўш қўшиб, мол боқиб яшамоқни шундай орзу қилиб қолибманки, буни сўз билан тасвирлаб бўлмайди, — деди бу хабардан мамнунлигини яширмай амир Боботурк.

— Биз энди ҳазратга бу борада оғиз оча олмаймиз. Қаттиқ ранжийдилар. Шу боис, бошга тушганни кўз тортади қабалида тишни тишга қўямиз. Биз устоз тимсолида ўзимизни юрт ва улусга бағишлаганмиз, — жавоб қилди Алп Туркаш одатдагидек чап кўлини ҳавода ўйнатиб.

Орадан кўп ўтмай, ўзларини Шодибекхоннинг хос элчилари деб таништирган Тангриберди билан амир Алдашман улуғ Амир остонасида ҳозир бўлдилар. Ҳоқон уларни узоқ беклатмай, қабул қилди. Мусофирларнинг ташрифидан мамнун эканлигини таъкидлади.

– Биз ул тарафдаги аҳволдан безовта эдик. Энди бироз бўлса-да кўнглимиз жойига тушди. Бўлиб ўтган воқеалар хусусида батафсилроқ сўзлаб беринг – деди Темур элчи Тангрибердига мурожаат этиб.

– Шодибекхон ҳазратлари сизга ўзларининг самимий салом ва дуоларини йўлайдилар. Дашти Қипчоқни Турон мулкига боғлиқ бир ҳудуд ўлароқ кўрадилар ва тобеликларини изҳор этадилар. Хос фармон ва амрларингизни беклайдилар. Сиз Амир Соҳибқирон ҳазратларини етти иқлим хоқони, Буюк Турон салтанатининг асл султони ва ер юзидаги барча ҳукмдорларнинг сарвари, сиз тахтга ўтқазган раҳматли падари бузрукворининг устози, ўзлари учун ота қадрдон деб биладилар. Ва бундан буён ҳам сизнинг йўл-йўриқларингиздан чиқмаслик мажбуриятини оладилар! – дея сўзини мухтасар қилди Тангриберди.

– Кулоғимизга етган маълумотларга қараганда Маскўп ва Ўрусия юртининг бошқа подшоҳлари кучайиб, Ўрдага қарши бирлашмоқдалар экан. Идикубек ва Шодибекхонга сўйла, эҳтиёт бўлсунлар. Куликўпдаги каби яна икки урушда жўчи кўшини бузғунга учраса, тамом. Саройнинг шоху гадоси кўч-кўронини кўтариб, мўри-малахдай Туркистон сари ёпириладилар. Тўхтамишхонми, бошқа бир жўчинажот хонзодами, ким бўлмасин аҳил бўлиб, бирлашмасангиз, турумнингиз оғир кечажак. Сизни биз томонда ҳам, Ўрусия томонда ҳам босқинчи деб биладилар. Охир-оқибатда келган саҳроларингизга қараб қочасизлар ва қочоқ бўласизлар. Қочоқлик эса саҳройилик, дарбадарлик ва ит ётишу мирза туриш демақдир. Қочоқ ва кўчманчи халқнинг дини, тарихи, маданияти ва ҳаёт тарзи мустаҳкам, асосли бўлмайди, – деди Темур насихатомуз оҳангда.

Дастурхончи меҳмонларга шарбатлар тўлатилган биллур бардоқлар терилган лаган тутди. Шарбатларни олма, узум, шафтоли ва ўрикдан тайёрлаганини сўйлади.

– Қайси биринг Тўхтамишнинг сўнгги ҳаётини яхши биласан? Негадир уни кўп ўйлайман ва раҳмим келади. Сабоби, унда ҳақиқий подшоҳлик иқтидори мужассам эди.

Ўзини ўзи жувонмарг этди. Маскўп ҳам ундан ҳайиқар эди. Биз ҳам бошимиздаги тож каби эъозлар эдик. Аттанг, аттанг! Ўзи сотиб олмаса эр йигитга бало йўқ деганлари ҳақ экан. Ўн уч нафар ўғли бор деб эшитганман. Шу гап тўғрими?

– Собик хоннинг сўнгги ҳаётини озми-кўпми биламан, ҳазрати олийлари, – дея томоғини қириб қўйиб сўзламоққа тутинди амир Алдашман. – Тўхтамишхон Терак дарёси бўйида Турон урдусидан мағлуб бўлганидан сўнг, эски дўсти, Литва подшоси Витовит хузурига қочиб борди. Витовитга ҳам Маскўпга қарши курашмоқ учун Тўхтамиш каби ҳеч нарсадан тап тортмайдиган маъшур бир кўмондон керак эди. У Тўхтамишни тахтидан тушмаган Ўрда хони каби қабул қилади ва унинг Қиримни эгаллаб, у ерда кичикроқ бўлса-да ўз давлатини тиклашига кўмак беради. Бундан уч йил бурун у Резан князига ҳам элчи юборган экан. Ўз ғалабалари ва ҳамон тахтда ўтирганлигини таъкидлаб, бошқа мамлакатларга ҳам элчилар жўнатган. Раҳматли хонимиз Темур Қутлуғ Киевда, Витовит хузурига ўзига қарши фитна уюштирилаётганидан хабар топиб, Литва подшосига мактуб ёзади. Қисматни қарангки, ўша мактубни Киевга мен-олиб-бордим.

– Хатнинг мазмунини сўйла, – деди Темур элчининг гапини бўлиб.

– Хотирам алдамаса мактубда шундай дейилган эди, ҳазрати олийлари. “Эй Литванинг буюк подишоси Витовит! Менким, Темур Қутлуғ Чингизхоннинг ўғли Ботухон курган давлат тахтида айни кунда ўтириб, учи-қўйри йўқ мамлакатни сўрамоқдаман. Сен ақлли одамнинг ишини қилгин ва қочқин подшо Тўхтамишни, душманимни менинг қўлимга топшир. Чунки мен унинг соғ-саломат сенинг паноҳингда яшаб турганлигини кўриб, тоқат қила олмайман. Зудлик билан уни менга тутиб бер. Қўлидаги молмулкини эса батамом ўзинга ол”, дейилган эди.

– Витовит нима деб жавоб берди? – дея сўради Темур.

– Кўп сонли рицарларим билан подшоҳинг Темур

Кутлуғ устига бостириб бориб, кўтанини суғуриб оламан, деди ва кўп ўтмай кўшин тўплаб, устимизга бостириб келди, – кўрқа-писа жавоб қилди элчи.

– Янглишмасам, у Ўрда устига илгари ҳам босиб келган шекилли, – элчининг гапини тўғрилади Темур.

– Тўғри айтасиз, Амир соҳибқирон хазрати олийлари. Бу унинг Жўчи улуси устига Тўхтамишни қайта тахтга ўтқазмоқ учун қилган учинчи юришидур. У дастлаб Тана дарёси водийсига, бир йил ўтиб Узи дарёсининг этак тарафига хужум қилганди. Унда бизнинг кўшинлар тузук-курук қаршйлик кўрсата олмаган. Шу боис, у бир неча вилоятларни эгаллаган. Сўнгра бутун черигини тўплаб, учинчи юриш олдидан нутқ сўзлаган. Татарлар ерини босиб олиш учун борамиз, подшо Темур Кутлуғни енгиб, унинг мамлакатини эгаллаймиз. Бутун бойликлари ва ер-мулкани бўлишамиз. Темур Кутлуғнинг Ўрда подшолигига, Кафа, Азоқ, Қрим, Ҳожи Тархон, Ёйиқнинг нариги томонидаги Ўрда, бутун денгиз бўйи ва Қозонга Тўхтамишни подшо қилиб ўтқазамиз! Бу ерларнинг барчаси бизники бўлади. Подшоҳ ҳам бизники бўлади, дейди у.

– Ў-ў муттаҳам, Витовитбой-ей! Бизнинг мулкларимизга ҳам кўз олайтирган экан-да. Унинг урушмоққа иштаҳаси бу қадар зўрлигини билганимизда Қрим ва Қафадан сўнг Киевга бориб, яхшилаб бир пўстагини қоқиб кўярмидик. Бироз эрта қайтиб қўйган эканмиз-да, – деди Темур ҳазил аралаш амир Алдашманнинг ҳикоясидан завқланиб. – Сўзингда давом эт.

– Бундан икки ярим йил бурун ғилдиракларига темир занжирлар ўралган юк араваларига ортилган тўшлар, замбарак ва ўтсочар милтиқлар билан қуролланган чериги Ворскла дарёси бўйига етиб келди. Илгари икки бор литванияликлардан енгилган Ўрда кўшини, хоннинг ўзи ҳам урушмоққа рағбати бўлмай паришон бир аҳволга тушиб қолди. Яхши қуролланган катта кўшинни кўрган хон чўчиб, сулҳ таклиф этди. Бироқ сизнинг содиқ шоғирдингиз, машхур амиримиз Идику манғит Темур Кутлуғхонни яраш

битимидан воз кечиб, жангта киришмоққа кўндирди ва ўзи лашкарга бош бўлиб, урушга кирди. Тўхтамишнинг Ўрда тахтини қайта эгаллашига санокли дақиқалар қолгандек эди ўшанда. Улус илгари Тўхтамишни хоқон Темур тахтга ўтқазиб кетган эди, энди кофир Витовит ўтқазиб кетар экан-да, бу шайтон ҳеч бир замон ўз ақли ва кучи билан бирон нарсага эришмас экан-да, дея гапирди. Ёғий сафларида Тўхтамишхоннинг бир неча минглик қўшини, ҳатто жуда катта олмон урдуси борлиги ҳам кейин маълум бўлди. Худо ёрлақаб, хон ва Идикубек ғалаба қозонди. Биз уларни Киев ва Литваниягача қувиб бориб, юртини таладик, жуда катта миқдорда моли омон олдик. Шундан сўнг Тўхтамиш Олтин Ўрда тахтидан умидини узди. Литванияликлар ва уруслар мададига таяниб, Қутлуғ Темурхондан сўнг, тахтга интилган ўғли Жалолиддин Тўхтамиш ҳам Маскўпга қочиб кетди, — дея ҳикоясини тугатди амир Алдашман.

— Кўп тарихий воқеаларни кўрибсан. Кўнглинг тусаса, менинг хизматимда қол. Сухбатинг марокли, беғубор бир одам кўринасан, бек, — меҳмонга илтифот кўрсатди хоқон.

— Куллуқ, ҳазрати олийлари. Хонимиз амрларини ниҳоясига етказай. Сўнгра, ул кишим рухсат берсалар хизматингиз бошим ва кўзим устига, — назокат билан жавоб қилди элчи амир.

— Тўғри, тўғри. Сен подшоҳинг хизматидасан. Вазифангни сўнгига етказмоғинг керак, — деди Темур кўноқлар олдига дастурхон ёзмоққа буюриб. — Эрта-индин бу ерга валиаҳдимиз Муҳаммад Султон Жаҳонгир етиб келади. Катта тўйлар қиламиз. Сизлар ҳам ҳурматли меҳмонларимиз бўлиб, истироҳат этиб кетингиз, — элчиларни тантанага таклиф қилди хоқон.

Улар мамнуният билан улуғ хоқон даъватини қабул этдилар. Ўртадаги суфра йиғилмасдан хабар келди. Валиаҳд Муҳаммад Султон Ардабилдан ўтиб, Оқтомга етибди. Бир кун ўтиб, Қорабоғда бўлар экан. Йиғилганлар улуғ Амирни валиаҳднинг ташрифи билан қутладилар. Темур амир-

зода Шохрух бошчилигидаги амирлар Сулаймоншоҳ, Жаҳоншоҳ, Шайх Нуриддин ва Шох Маликларга Оқтомга бориб, валиахдни муносиб қаршилашни буюрди. Меҳмонлар ва мезбонлар Арас кўпригидан ўтгач, Ағлок ирмоғининг бўйида учрашдилар.

Шохрух Мирзо ҳамроҳлигида келаётган валиахд Муҳаммад Султон бобосини кўриб, кўз ёшларини тия олмади. Темур қулочларини ёзганича, набирасини бағрига босди. Назарида тўнғич ўғли Жаҳонгир ер қаъридан чиқиб кучоғига, бағрига отилиб келаётгандек эди. Улар узоқ муддат елкалари силкинганча бир-бирларини кўйиб юбормадилар. Бу ҳаяжонли, меҳр-муҳаббатли кўришувдан барчанинг кўнгли юмшаган эди.

Темурийлар сулоласининг таомилига кўра, тахт хоқондан сўнг, тўнғич ўғилга, у вафот этган бўлса, катта ўғилнинг энг тўнғич ўғлига тегар эди. Шу ички тартибга биноан салтанатда Темурдан кейинги одам валиахд Муҳаммад Султон Жаҳонгир саналар эди.

Улуғ Амирнинг бу қувончли кунда кўнглини хира қилиб турган бир нарса бор эдики, у бу каби нөхуш воқеаларни оғир оларди.

Шарқий Туркистон ва Мўғулистонга босқин уюштириб, бебошликлар қилган амирзода Искандар Умаршайх, Муҳаммад Султон қўши билан банди сифатида буюк бобо хузурига келтирилган эди. У одатдагидек ўз отида, барча баробар еб-ичиб келган бўлса-да, банди мақомида эди. Улуғ Амирнинг талабчанлиги ва қаҳридан чўчиган амиру лашкарбошилар хоқон масалани бир ёқлик қилгунга қадар унга ўзгача муносабатда бўла олмас эдилар. Мана шу бир неча ойлик ҳибснинг ўзи ҳам амирзоданинг кўзини мошдек очган, катта отаси хузурда бўладиган ёрғуни ўйлайвериб, чўпдек озиб кетган эди.

Валиахд Муҳаммад Султоннинг чап елкасига қўлини қўйганча ўз саропардаси томон юраётган Темур эшик отасига лашкар-ишлари билан шуғулланадиган аскар

қозиларини ва девон бекларини чорлашни буюрди. Олий девон беклари ва қозилар тўплангач, саропардага амирзода Искандарни олиб кирдилар. У кўзлари жиққа тўла ёш ила келиб бобоси оёғига йиқилди.

– Бизнинг гуноҳимиз шулким, авлодим, сизни меъеридан зиёда яхши кўрганлигимиз ва ардоқлаганимиздур. Модомики, шуурингизда ҳали ота-она меҳр-муҳаббатига гўзал хулқу одоб билан жавоб бермоқ закоси шаклланиб етилмаган эркан, бундин буён шунга қараб чора-тадбир кўрмоқ мажбуриятида қоламиз, – деди бобо йиғига ўхшаган овозда.

Набираси саропардага кириб келмасиданок унинг кўнгли бузилган, кўз олдига иккинчи марҳум ўғли Умаршайх келган эди. Бундай шароитда қандай қилиб ўз суюкли набирасини жазолай олади? Бир бармоқни тишласанг, иккинчиси оғрийди.

Темур қайтиб, бу хусусда оғиз очмади. Ўпкаси тўлиб, қаршисида тиз чўкиб ўтирган набирасига, унинг боши оша саропарда эшигига тикилганча қотиб қолди. Тилига калима келмай, хаёли қочган эди. Лашкар қозиларининг етакчиси Мирзобек Олтинтошга қўл ишораси билан ишни давом эттирмоқни буюрди. Қўл қовуштирганча, улуғ Амир буйруғини кутиб турган Олтинтош томоғини қириб қўйиб, машаққатли вазифага киришди.

– Мухтарам амирзода Искандарбек! Сиз йўл қўйган хатойнгизни бўйнингизга оласизми ва бундан афсусдамисиз? – сўради бош қози расмий оҳангда.

Ўрнидан туриб қўл қовуштирганча, тисланиб, қози қаршисига келган амирзода бош ирғаб, ризолик аломатини билдирди. Кўзларидан эса ҳамон ёш қуюлар, сўзласа хўнграб йиғлаб юборгудек эди.

– Амирзодамизнинг туруш-турмушидан белгиликим, ул кишим содир бўлган воқеа хусусида чуқур таассуфдалар. Зотан, амирзода бул ишни салтанат барқарорлиги дея қилганлар ва онгли равишда бу ишларга қўл урмаганлар. Шу боис, бир неча ясоқ таёғи уриб, бандини кўтармоғимиз лозим! Сизлар бу хусусда не дейсизлар? – икки ёнидаги қозиларга ўгирилиб қаради бош қози Олтинтош.

– Маъкул!

– Розимиз!

– Етарли, – жавоб қайтарди аҳдос қозилари.

– Бўлмаса, бул иш ила боғлик маҳкамамиз тугади. Қозиларимиз ўз ишларини давом эттира билурлар, – дея амирзоданинг кўлидан олиб, ташқарига қараб юрди Олтинтош.

Амирзодани чодирини томон етакларкан, ясоқ таёғи билан бир неча бор енгилгина уриб кўйди. Улуғ бобосининг маслаҳатсиз бундан буён ҳеч бир катта-кичик ишга кўл урмаслик ҳақида панду насиҳат қилди.

Амирзоданинг елкасидан тоғ ағдарилгандек эди.

– Билган одамга буюк хоқоннинг авлоди бўлмоқ, у билан замондош ўлароқ яшамоқ жуда катта бахт ва имкондур. Одам боласи доимо олдидан оққан сувнинг қадрига етмайди. Бу бизнинг она сути билан вужудимизга кирган нуқсонимиздур. Сизнинг бўйнингиздаги масъулият эса бир неча баробар буюқдир, амирзодам. Шунга кўра оёқ босинг, хато ва нуқсонларингизни гуноҳу жиноятга айланторманг, – дея амирзода Искандар билан хайрлашди Мирзобек Олтинтош.

Индинига эса Муҳаммад Султонни расман тахт вориси этиб тайинлаш маросими белгиланди. Девон хизматчилари ва баковулларга тантанага муносиб ҳозирлик кўриш топширилди. Хос мулозимлар ошчилар билан биргаликда валиаҳд учун тўққизта асл той ҳозирладилар. Отларнинг эгар ва юганлари соф олтиндан эди. Улуғ Амирникидан нусха кўчириб тайёрланган тож ҳам миср тиллосидан эди. Темурнинг хос сандиғида турган ва ўзи асраб кўйган ўша, Амир Хусайн Нисо бозорида сотиб олиб унга тақдим қилган Миср султонининг олтин камари ҳам бугун янги эгасининг белига тақилар эди.

Инсон умри ҳатто буюмлар умри олдида бир чақалик экан. Қирқ йил бўлибди шу камарни олганига. Такса ўн-ўн беш маротаба тақди. Шундан буён сандиқда ётибди. Набираси ҳам ҳар куни Миср султонининг олтин камарини тақиб юрмайди. Олтин буюмнинг эгаси бўлмайди дегани шу экан. Ким эга-чиқмасин, мол эгаси, мулк эгаси, қани унинг илк эгаси дегандек, навбатдаги соҳибига ташлаб кетаверади.

Ҳаво илк баҳор куни каби илиқ ва мўътадил бўлганлиги учун маросимни улуғ хоқон саропардаси олдидаги ям-яшил ялангликда ўтказишига қарор қилинди. Хоқоннинг олтин қопламали тахтининг чап тарафидаги ундан кичикроқ, самур оғочидан ясалиб, садаф ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган тахтда ворис Муҳаммад Султон, ўнг томонда эса одатдагидек Султон Маҳмудхон ўтирар эди. Девон сўзчиси валиахдни эълон этмоқ маросимини очиб, сўзни улуғ Амирга берди.

— Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим! — дея сўзини бошлади хоқон. — Барчангизни соғ-омон кўриб турганимдан беҳад мамнунман ва ҳар бирингизни буюк салтанатимизнинг суянч тоғлари, кудратли устунлари деб биламан! Сиз, мухтарам биродарларим, давлатим ҳамда мулкимнинг шеригисизлар! Сизлар мен учун, Буюк Турон давлати учун, ота юртимиз учун кўп хизматлар қилдингиз! Заҳмату машаққат чекдингиз! Жон фидо этдингиз! Бизга мана шу саодатли дақиқаларни, улуғ фатҳу зафарларни ато этган Оллоҳ бунинг барчасига шоҳиддур! Ҳар бир яхши, савобли ишимиз миллатимиз қалбига, хотирасига ўчмас битиклар-ла ёзилажақдир. Хатолиғ ва нуқсонларимиз ҳам етарли қадардур! Биз уни ҳаспўшламаймиз ва сабоқ оламиз. Бойси, нуқсонлардан ва хато қилмоқдан чўчийдиган даражада ожиз ҳамда кўрқоқ эмасмиз! Бироқ куч-кудратимизни пеш қилиб, кимсанинг бурнини қонатмаймиз! Бу яратганга маъкул келадиган иш эмасдур! Салтанатимиз худудидан ишлар адолату рафоҳият ила давом этмоқда. Бойнинг бечорага, кучлининг кучсизга жабр-зулм этмоғининг йўллари тузуқларимиз асосида чекланган! Ясо-йўсунни бузганлар эса айбларига яраша қаттиқ жазоланажақлар! Салтанатимизнинг бир худудидан икинчи худудига бошида олтин тўлдирилган лаганни ёш бола кўтариб ўтса ҳам, унинг мулкига ҳеч ким дахл эта олмаслиги керак. Ана шунда биз давлатимизнинг улус олдидаги ва улуслараро эътибори ва шаъну шавкатини сақлай биламиз. Ўғри ва қароқчисини тия билмаган, тизгинлай олмаган қавм бора-бора ҳирсиз бир оломонга айланади.

Темурнинг сўзи шу ерга етганида, нигоҳи шаҳзодалар ичида эмас, амирлар орасида кўзлари мўлтираганча мулзам бўлиб ўтирган набираси Искандарга тушди. Яна кўнгли алланечук бўлиб кетди. Фикрларини жамлаб, тин олди.

— Биз ҳаммамиз хато қилмоқдин холи туғилмаганмиз. Аҳамиятлиси, ана шу хатолардан хулоса чиқариб, тўғри йўлни топиб олмоқдур. Суюкли авлодимиз амирзода Искандар ҳам хатога йўл қўйдилар. Бироқ бул янглиш иш ул кишимга буюк бир сабоқ бўлгувсидир. Биз уни кечириб, ҳар галгидек бағримизга босамиз, — сўз орасида қистириб кетди бобо. — Бугунги курултойимизнинг мақсади шулким, барча салтанатларда хоқон бўлгани каби тахт вориси валиаҳд ҳам расман фаолият кўрсатмоғи лозим. Сулоламизнинг ички тартибига биноан тўнғич ўғилнинг бош фарзанди тахт вориси саналадур. Бугунги кунда бу мўътабар унвон соҳиби суюкли амирзодамиз Муҳаммад Султондур, — дея чап томонда ўтирган набирасига ўтирилди хоқон.

Валиаҳд Муҳаммад Султон ўрнидан туриб аввал бобосига, сўнгра мажлис аҳлига таъзим бажо келтирди.

— Бугундан эътиборан Турон мулкида Темурийлар давлатининг тахт вориси, валиаҳд Муҳаммад Султон Жаҳонгир ўғлидир! — Сўзида давом этди улуғ Амир. — Мен иштирок этмаганим курултой ва мажлисларда ва мен сарфарда бўлганимда унинг сўзига кулоқ тутишингизни ва амри-фармонларига амал қилишингизни сўрайман! Валиаҳд Муҳаммад Султон мамлакатнинг барча бурчакларида ва хорижий ҳукмдорлар ила менинг номимдан, валиаҳд сифатида ўз номидан иш юритмоқ ҳуқуқига эгадир! Барчангизнинг мен каби унга ҳам хизмат этиб, садоқат кўрсатишингизни амр этаман! Фарзандларим, барча набираларим ва хеш ақраболаримдан унинг сўзига кулоқ тутишни, валиаҳд бошчилигида аҳил ва иноқ бўлмоқликни рижо этамен! Бу дунё кимсага вафо қилган эмас! Жумладан, менга ҳам. Ҳеч биримизга вафо қилмас! Буни ёдингизда тутмоғингизни ва хушёр бўлмоғингизни сўрайман! Боиси, хушёр ва сергак, ўзга инсонларни ўйлайдиган мурувватли

инсонлар, Куръони Каримда таъкидланганидек, бир нарсага муҳтож, ўзга бир кишининг шу нарсага муҳтожлигини ўзлариникидан устун қўядилар. Ана шундай одамларгина эл-улус бошида турмоқнинг маънавий ҳақ-ҳуқуқига эгадирлар! Подишоҳ, хон, султону амир бўлсин, вазиру садразам бўлсин, ана шу сифатларни ўзида мужассам этмаган ҳукмдорнинг қисмати маълумдир! У тириклигида ўзини авлиё эълон этмасин, устига тупроқ тортилгач, миллат унинг ҳақиқий баҳосини беради! Мен сизни огоҳ этмоқ, янада инсофли бўлмоқ учун бу сўзларни сўзламоқдамен! Турон салтанатининг тахти битгадур! Унга бир варакайига бир неча кишини ўтказиб бўлмас! Шундай хатоликқа йўл қўйган буюк Хоразмшоҳлар тарихини кўз олдингизга келтиринг! Тахт таллашиб, ўзингизни, улусни, хешу акрабонгиз ва салтанатни хароб этманг! Бу чексиз сарҳадлардан иборат мулк барчангизга етиб ортади! Бунинг қадрига етмасангиз хору зор бўласиз! Авлодларингиз сарсону саргардонликда тўзиб, дини, иймони, миллати ва ватанларидин мосуво бўладилар! Инсон ва ҳукмдор ўлароқ ҳар замон шаън-шарафингизни сақланг! Паст кетманг! Бошингизга қилич келса ҳам ҳақ йўлдан чекинманг! Бугунги саодатли фурсатда сиз ҳурматли шахзода ва беклар, юрт сўровчи ҳокиму амирларга мурожаат этамен! Ҳар бир ҳолат ва вазиятнинг назокати ва ҳассосиятини теран англаб қарор беринг! Ҳар бир ишда тадбирли ва тамкинли бўлинг! Қўлингиздаги давлат отлиғ ҳокимият жиловини, бил хосса курол-яроғни адлу адолат ила замон ва макон таомили, шарт шароитга кўра ақл-идроқ, кенг мушоҳада ила қўлланинг! Акс ҳолда бу тадбирни сиздан пухта ўйлаб, тез ва оқилона истифода этган рақиб қаршисида бўйин эгишга, бунинг оқибатида тожу тахт, иқтидор майдонини тарк этмоққа тўғри келади. Улуснинг мард ва улуғ, фозилу доно кишиларининг қадрига етинг! Бундай шахсиятлар ҳар куни туғилавермайдилар. Ақли закосидан шубҳаланиб, уларни таъқибу тазйиққа дучор этманг! Ҳасад ўтида қаҳру ғазаб билан алардин оту

эшак ўғрилари ясаманг! Бир нафар доно ва комил инсонни йўлдан олиб ташламоқ билан ўзингиз ақлига айланиб, дунё сизга қолмагай! Аксинча, ўз улусингиз, давлат ва мамлакатингиз йўлини ёритиб турган бир юлдузни сўндирган бўласиз! Бу ёруғ оламда бундин буюк гуноҳи азим йўқдур! Менким, Турон мулкининг хизматчиси, миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи, туркнинг бош бўғини вакили саналмиш, Оллоҳнинг қул бандаси, Расулulloҳнинг садоқатли уммати Амир Темур Муҳаммад Тарагай сўзим шул турур!

Темур сўзини тугатиб, амирлар Шайх Нуриддин ва Шоҳ Маликга валиахд учун тайёрланган ҳадяларни тақдим этишни буюрди. Хос чавандозлар олтин эгар-юганли тўққиз асл араб отини, даврага етаклаб келдилар. Олтин тожни шайхулислом, камарни улуғ Амирнинг хос имоми валиахдга тақдим этдилар. Совғаларни қабул қилиб олган Муҳаммад Султон юкуниб келиб, буюк бобоси тиззасига пешонасини кўйди. Бобо эса ўрнидан туриб набирасининг пешонасидан ўпди ва елкасидан кучганча валиахдлик тахтига ўтқазиб кўйди.

Шундан сўнг минглаб кўйлар ва қора моллар сўйилиб, бутун кўшинда меҳмондорчилик, базму жамшид бошланди. Карнай-сурнайлар ва довулу ноғоралар овозидан Қорабоғ тоғу тошлари ларзага келди. Соқийлар бўзчининг мокисидек елиб-югуришиб мешу кўзалардан қосаларга чоғир, шароб, қимизу қимрон қуйишар, барча бирдек истироҳат этмоққа киришган эди.

Бу кунлар Буюк Амир Темур қурган, Чиндан Африкога қадар, Масковдан Ҳиндга қадар узанган Буюк Турон давлатининг энг саодатли, куч-қудрати юксакка кўтарилган, қўлини қаерга узатса етадиган, шонли-шарафли дақиқалари эди. Улар дунёнинг қоқ марказида тўпланишиб, фараҳли кунларини байрам қилишар, буюк салтанатга дахлдорлик туйғусидан барча баробар сармаст эди.

Дилхушдирсан, дилхундирсан, зиёдасан, пиёдасан, тонг отар, кун ботар, умр сувдек оқар эди...



ҮН ТҮРТИНЧИ БОБ

Хон урганидан, худо ургани маъқул.

Халқ сўзи

Зиндон пайгамбарлар ювасидир.

Ҳасан ал-Аскарӣй

Сарой аҳлини ўзидан тортинмасдан бемалол истироҳат этсин деган ўйда зиёфатни эртароқ тарк этган хоқон сароларда саҳнида бироз айланиб, қароргоҳи томон юрди.

Очиқ майдонда қурилган кўшк ва айвонларда базми жамшид давом этар, ҳазин мусиқа садоси сарин куз оқшомига айрича бир тароват бахш этарди.

Хос кўрима амири ва эшик оғаси қўл қовуштирганча хоқонга эргашди. Эшик оғасига даврада тик турганча амр беклаётган Ориф Бухорий, Тоҳир тарихчи, амир Боботурк ва Алп Туркашларни хузурига чорлашни буюрди.

Мулозимлар етиб-келиб, ҳос-хона тўрида ўтирган хоқон қаршисига чўккаладилар.

— Роҳат-ла, бемалол ўлтирамиз. Дўстона гурунглашамиз. Фикр алмашамиз, — деди хоқон мусофирларга ҳам шарбат келтиришни буюриб. — Боя, валиаҳд эълони мажлисимиздаги фикрим давомини сизлар-ла ўртоқлашмоқ истадим. Зотан, бу борада илгари ҳам сўзлашган эрдик. Сўзимда кусур бўлса, чекинмай айта билурсиз. Ақл ақлдан қувват олгусидир. Мен сизлар каби энг яқин кишим бўлган ориф инсонларла мудом кўнгил тили ила сўзлашиб келдим. Ойдин одамларла ўзга тилу оҳангда сўзлашиб бўлмас. Орифга эрса, Бағдод таъриф этилмас. Шахслар ва халқлар оғир дамларда олган тўғри ва нотўғри қарорлари ила тарихда қоладилар. Тарихнинг ҳукми эса битта ва қатъийдир. Ожиз тушунчам бўйинча шуни ёдда тутмоқ жоизки, тожу тахт, исёну муҳолифат доимо ёнма-ёндир. Бу ғавғонинг охир-

оқибати эса маълумдир. Кишилар кўз олдиларига келтирганларида юраклари орқага тортиб кетадиган зиндонлар фақат қалъалар, сарой ёхуд тахт остида бўлмайди. Аҳли золим борки, хуш кўрмаган кишилари, ўзидан устун фикрлайдиган ва эл ишончига сазовор, фозил ҳамда шарафли шахсиятларга зуғум ўтказиб, бола-чақасини оч-яланғоч қолдириб, хешу ақрабосини сарсону саргардон қилиб, улар учун бу ёруғ дунёни жаҳаннамга айлантирадилар. Шул боис Ибн Сино ва Беруний каби юртимизда етишган улуғларимиз ноиложлику, жабр-зулм туфайли хижратни ихтиёр этганлар. Тун бўйи Лутфий ҳазратларининг девонларини мутолаа этдим. Бул битик Юсуф Хос Ҳожиб ва Маҳмуд Кошғарийдан сўнг она тилимизда ёзилган учинчи буюк асар, назаримда. Ҳаяжонланиб тун бўйи мижажа қоқмадим. Салтанатимиз туфайли юзага келган муътадил сиёсий ва маънавий иқлим шундай улуғ зотларни етишмоғига васила ўлмиш эркан, яратганга чексиз ҳамду санолар бўлсин! Мавлоно Лутфий каби буюк заколарибиз лутфида-улуғимиз ўзининг ойдин ва умидли келажаги сари шаъни шараф-ла боражакдир. Мавлононинг ўша мисраларини тингланг-а?

*Йўқ турур ёлғиз бу Лутфий, жонига жаври рақиб,
Қайда бир доно турур, ул жаври нодон тортадур.*

– Не қадар киши қалбига етиб боргувчи сатрлар! – деди Тохир тарихчи тебраниб.

– Сиз бу олижаноб эътибору муносабатингиз, юксак кўнглингиз-ла биз учун дунёларни бахш этдингиз, хоқоним! – Офарин! – деди китобдор Ориф Бухорий улуғ хоқоннинг завқ ва ҳаяжон ила қўнишиб, шеър ўқиганидан таъсирланиб. – Ўқиган инсонлар не қадар гўзал суҳбатлашадилар. Фикрларингизга юзда-юз қатилурмиз, хоқони ақрам ҳазратлари. Биз Оллоҳнинг гуноҳкор бандалари ҳеч бир замон сиз зоти олийларига муносиб мулозим ўлмақдин ўзга лутф истамадик!

– Китоб ўқимаган киши ўқиган инсон ила мулоқот эта билмас, – китобдорни қувватлади тарихчи. – Сизнинг вата-

ний рағбатингиз ва инсоний химматингизсиз Кўксарой ва дорулфунунимиз кутубхонаси бунчалик зангинлашмаган, ўзимиз ҳам бу қадар дунё кезиб, фикримиз тарҳи очилиб, ойдинлашмаган бўлур эрдик.

— Зоти олийлари оқ фотиҳа берсалар, мавлоно Лутфий ҳазратларининг девонлари нусхасини кўчиртириб, бутун мадраса, дорулфунун ва кутубхоналаримизга тарқатсак, — фикр билдирди Ориф Бухорий улуғ хоқоннинг қўлидан китобни олар экан.

— Бу бизнинг инсоний, виждоний ва имоний бурчу вази-фамиздир. Не қадар масраф лозим ўлса хазинадан ола билурсиз. Ҳаттотлар хизмат ҳақи эса менинг ҳисобимдан, — деди улуғ хоқон бу хайрли ватаний юмушдан лаззат туйиб.

— Оллоҳ сиз зоти олийларидан рози бўлсин! — миннатдорчилик билдирди китобдор.

— Дунё тургунча туринг, хоқони акрам ҳазратлари, — унга қўшилди Тохир тарихчи.

— Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Билмуқобил! Билмуқобил! — деди улуғ хоқон хонтахта устида турган китобларни бир-бир олиб кўраркан. — Модомики, сўз, тахт соҳиби ўлмок, уни қўлда тута билмак, унга орзумандлик ҳақида кетар экан, анча бурун мусоҳаба этганимиз Ҳиндистон фотиҳи, шарафли подшоҳ Кутбиддин Ойбек ва Хурсон султони Шихобуддин Муҳаммад ибн Сом ал-Ғурий ўртасида бўлиб ўтган ғоят ибратли воқеани хотирламоқ ва сабоқ олмокда катта ярар бордир. Муҳтарам Тохирбек биродаримиз бу хусусда билганларини ҳикоя қилиб бериб, кўзимизни очсалар ғоят улуғ иш бўлур эди, — дея тарихчига бокди хоқон мулозим узатган косадан сабзи шарбати хўшларкан.

— Бош устига, хоқоним. Сизнинг аждодимиз, улуғ фотиҳ Кутбиддин Ойбекка бўлган эътимодингизда ҳикмат бордир. Боиси, ул зот фотиҳлик ва давлат юритмоқ санъатида беназир бўлиб, тажрибаси жуда кўп ҳукмдорлар учун дорулфунун вазифасини ўтагандир, — қироат билан сўз бошлади тарихчи назокат-ла. — Тарихдан маълумким,

Дехли хижрий беш юз саксон тўртинчи йил (мелодий — 1188 йил) Ғурийнинг кўшин кўмондони, турк асилли бек Кутбуддин Ойбек томонидан фатҳ этилди. Сўнгра у Лаҳор шаҳрини забт этди ва бу шаҳарни ўзига макон тутиб яшадди. Одил, кучли ва адолатли бўлганлигидан обрўси ошиб, шуҳрати ўзга ўлкаларга ҳам тарқалади. Ҳасадгўй ва ожиз фитначилар бирлашиб, бўҳтон қилиб, уни йўлдан олиб ташламоққа ахдлашадилар. Уни султон Ғурийга қарши исёнга ҳозирланиб, Хуросон тахтини эгаллаб, яккахоким бўлмоқчилиги ҳақида иғво тўкиган фасодчилар гуруҳи ишга киришади. Амир Кутбуддин бу фитнадан хабар топгани замон Ғазна йўлини тутиб, султон хузурига ошиқади. Ярим тунда султон саройига етиб келади ва бўлаётган воқеани сўзлаб беради. Эртаси куни ҳукмдор ўзи ўтирадиган тахт остидаги бўш жойга амир Ойбекни яшириб кўяди. Сарой аёнларини хузурига чорлаб, ҳеч нимани билмагандек гап орасида Ойбек ҳақида сўрайди. Улар ишончли билгиларга кўра унинг подшолик даъвосида эканлиги, ҳеч ким билан ҳисоблашмай кўйганлигини бичиб-тўқийдилар. Шунда султон тахтни оёғи билан тақиллатганча икки кўли билан қарсак уриб: “Эй Ойбек!” дейди. Ойбек: “Лаббай!” деб тахт ортидан чиқиб келади. Яқину хослар, фитначи мулозимлар ер ила баробар бўладилар. Амирни айбламоқ учун бир оғиз сўз айтмоққа тилларига калима келмайди. Палос ўпиб, йиғлаб-сиқтаб султондан гуноҳларидан ўтишни сўрашади. Доно ва бағри кенг султон уларни афв этади. Ойбек яна Ҳинд ўлкасининг ҳукмдори сифатида Лаҳорга қайтади. Шундан сўнг у Дехлини фатҳ этади ва дини исломни қарор топдиради.

— Мошоллоҳ! — деб юборди ўтирганлар тарихчининг ҳикоясидан таъсирланиб.

— Агар султон ўнлаб фитначиларнинг сўзига қулоқ тутиб, амирни жазолаганда, улус ва тарих ана шундай буюк бир фотиҳ ва одил подшоҳдан маҳрум бўлар эди. Буюк кишилар энг оғир дамларда олган тўғри қарорлари билан тарих саҳифаларини безайдилар. Тарихчимиз сўзларидан ху-

лоса шулки, демак, тахт тагида фақат зиндон эрмас, адолат ҳам бўлади. Кусурга боқманг, Тохирбек, сўзингизни бўлдим. Давом эта билурсиз.

– Тўғри сўзлайдурсиз, хоқони аъзам ҳазрати олийлари. Ҳақу ҳақсизлик бор жойда тўра ва тузук тўғри олиб борилмаса, ҳаққа адолат қилиб, ҳақсиз жазоланмаса, улуснинг салтанату ҳукмдорга ишончу эътиқоди қолмайди, – сўзида давом этди тарихчи. – Ҳикоясини қилганимиз Амир Ойбекдан сўнг Дехли ҳукмдори бўлган Султон Шамсуддин Лалмишнинг ҳам инсонлик ва ҳукмдорлик қисмати бул хусусда ғоят ижобий ибрат намунасидир. Лалмиш Ойбеклар даврида унинг содиқ хизматкори, сўнгра кўшин кўмондони ва ниҳоят ноиби вазифасида хизмат қилади. Маълумингизким, хизматкорлар доимо куллардан танлаб олинган. Ойбекдан сўнг ҳокимият унинг кўлига ўтади. Раият унга байъат қила бошлайди. Бу ҳолатни кўрган қозилар не қиларини билмай тараддудланиб қолади. Сабаби, улар ҳамон Лалмишни кулликдан озод қилинмаган бўлса керак деб ўйлашади. Ниҳоят қозилар қозиси Важоҳуддин ал-Косоний бошчилигидаги фақиҳлар султон хузурига келадилар. Таомилга кўра қози султоннинг ёнига ўтиради. Хонага қабристон сукунати чўқади. Султон фақхларнинг не демоқчилигини англайди ва ўтирган гиламнинг бир четини кўтариб, уларга ўзининг хур инсон эканлиги тўғрисида далолатномани тақдим этади. Қоғоз билан танишган қози ва фақиҳлар унинг қонунийлигига инонгач, бир овоздан унга байъат берадилар. Кулликдан султонликка юксалган Шамсуддин Лалмиш ғоят адолатли, солиҳ ва фозил киши эрди. У йигирма йил ҳокимиятни тасарруф этади.

– Келмиш-кечмиш замонларда мазлум ҳақини ҳимоя этмоқ бобида Лалмиш каби ҳукмдор ўтмаган деган жумлани ўқиганим бор. Зеро, Исмоил Сомоний ҳам мени топмоқ учун азоб чекмасун дея ёғин-сочинда от миниб сарой ҳовлисида арз ила келувчиларни кутган дея ёзганлар. Бу хусусда ҳам бизни бироз билгилангирсангиз, – деди хоқон тарихчини диққат билан тинглар экан.

– Билхосса, тўғри сўйладингиз, зоти олийлари, – жавоб қилди тарихчи диққатини жамлаб сўзида давом этаркан. – Султоннинг ўзи мазлумлардан чиққани боис, эзилганлар ҳақини ҳимоя этмоқ, золимлар йўлини тўсмоқ ва адолатсизликка барҳам бермоқ борасида ақлбовар қилмас тадбирларни қўллайди. Султон фармониغا биноан мамлакат ҳудудида жарб-зулм кўрган кишилар бўялган кийим кийиб юришларини амр этади. У замонларда маҳаллий ҳинд аҳоли оқ кийим кияр экан. Султон уловдами, одамлар орасида пойипиёда юрадими, бу кийимларни тезда кўриб, дардини тинглаб, зулм ўтказган шахсга нисбатан чора кўрар экан. Султон кишиларга янада кўпроқ ва тезроқ адолат ва яхшилик қилмоқ ниятида янги бир тадбирни ҳам қўлламоқни лозим топади. Раиятига кечаси тунда ҳам зулм етади, мен эса бу пайтда ухлаб ётган бўламан. Уларга тезроқ кўмак бериб, тун бўлишига қарамай, адолатни ҳамон тиклашим керак деган мақсадда қасрининг дарвозаси олдидаги икки минорага мрамардан ишланган икки шер ҳайкалини ўрнаттиради. Уларнинг бўйниларига темир занжирлар илиниб, катта қўнғироқ осилади. Адолатсизликка учраган, жабр кўрган одам тунда келиб, қўнғироқни чалар, султон қўнғироқ жарангини эшитиб, арз этувчининг олдига чиқар ва вазиятни ўрганиб, адолатни қарор топдирар экан, – дея сўзини мухтасар қилди Тохир тарихчи таъзим бажо этаркан.

– Ҳазрати олийлари рухсат этсалар Исмоил Сомоний ҳақидаги билгини мен ҳам пойлашсам, – дея улуғ Амирга юзланди, Ориф Бухорий.

– Табиий, табиий. Сўйланг, – китобдорга диққатини қаратди хоқон.

– Маълумингизким, ўша пайтда юртимиз Хуросон давлатига боғлиқ бўлиб, бошкент Нишопур шаҳри эрди. Халифа Тохир ибн Ҳусайнни Хуросон ва Мовароуннаҳр ноибни этиб тайинлайди. Эллик йил давом этган тоҳирийлар сулоласи ҳокимиятни Сомонийларга топширади. Саккиз юз етмиш бешинчи йил Наср Биринчи Сомоний, сўнгра саккиз юз тўқсон иккинчи йили Исмоил Сомоний

Мовароуннаҳр ноиблигини эгаллайди. Бу ноибликнинг ҳукмдорлари вақти-вақти билан ерли халқнинг адолат истаган жасур вакиллари бошини Бағдодга, Халифага жўнатиб, ўз ҳокимиятларини сиёсий, моддий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамлаб турадилар. Билганимиз каби ерли нуфус эса турклардан иборат эди. Халқ лашкари, ҳатто ҳукмдорнинг хос қўшинини ҳам ўша, эски турк хоқонлигидан қолган туркий улуслар ташкил этар эди. Ўз-ўзидан маълумким, бу кўшинларга Қорахон, Маҳмуд Ғазнавий, Султон Санжар Салжук, Ануштекин Хоразмшоҳ каби турк баҳодирлари амирлик қилганлар ва биз билган мустақил-туркий давлатларга асос солганлар.

– Тўғри сўйлайдурсиз, Орифбек, – деди фикрини жамлаб, улуғ Амир. – Тарих воқеаларнинг тақрорланишидан иборат бўлганидек, кул султонликка кўтарилиб, авлодлари шаҳзодаларга, сўнгра султонларга айланмасин, улар охиروқибатда тахту салтанатни ўзлари каби бошқа бир кулга топширадилар. Сўзланган ҳикоятлар ғоят ибратлидур. Тан олишимиз керак, бизнинг баъзи бир ҳокиму волий, ноибу вазирларимиз арз ила келганлар билан кўнишмоққа вақт топа олмайдилар. Кўча-кўйда алар дардини тингламак ҳақида оғиз очмасак ҳам бўлади. Кишилар-арз-ла муурожаат учун ҳузурларига келганда қочиб кетган ҳоким ва қозиларни биламен. Бемаҳал безовта этгани учун раиятни қалтақлатган қутволу даруғалар хабари ҳам қулоғимизга етган. Икки фуқарони хазинага тегишли арсадаги ғўзани тозалаб термадинг дея урганда ўлиб қолганлиги учун вилоят амири Ўкматбуға Исмоилнинг боши дорга етганлигини эса бутун улус билди. Бу дунёда ноҳақ қон тўкмоқ ва жон олмоқдан буюк гуноҳ йўқдир. Дарё тўла сув бўлсада, ит тили билан сув ичганидек, бизнинг бағркенглигимиз ва андишамизни англаб фарқига етмаганлар, икки бор хато қиладилар. Улар унутмасинким, жиноят бор экан, жазо муқаррардир. Ўйламасинларким, ҳеч кимнинг жиноий қилмиши ёнига қор ўлароқ қолмас. Ердан ажрасанг ҳам, элдан ажрама деганларидек, шу эл бор эканким, биз ярат-

ганнинг гуноҳкор бандалари уларнинг тепасида туриб, алар ортидан экмак еймиз, ризку насибамиз улус устидадир. Сарой аҳли ва худудлардаги ноибларимизни тўшлаб, шу тарзда суҳбатлар уюштиринг. Мулку давлатдан бошқа нарсани кўрмайдиган кўзлар ҳеч очилмаганидан кўра кеч бўлса-да очилиб, элга фойдаси тегар балким. Инсон табиатан шундай. Шоҳми, вазирми, ноибми, ким бўлмасин, ўзгалар тақдири ўзига боғландими, тамом, ўзидан кета бошлайди. Яна Тангри билгувчидир.

– Амри фармонлари кўзу қошимиз устигадир, Амир Соҳибқирон ҳазрати олийлари. Салтанат саодати ва улус рафоҳати бобида кўлимиздан не келса ёпгусимиздир. Сўйлаганингиз каби иқтидорда такаббур, раиятга паст назар билан боқувчи, менсиз бу улусни ўзга халқларга кул этиб, эли эл, юрти юрт бўлмай, очидан ўлар эди дея фикр қиладиган бир шарафсизни ёқламоқ гуноҳи азимдир. Жиноятларини оқламоқ учун не қадар масжиду мадраса, ҳаммому такаялар қурмасин, хайри саховат суфрасини кенг очмасин, аҳмоқ ўзин овулар, қўлтиғини совулар қабилда ўзига ҳамду сано ўқитиб, битиклар битдирмасин бефойдадир. Миллат унинг ҳар қандай ишига нафрат ва жирканиш туйғуси ила қарайди. Унинг оний қарор-ла амалга оширган, маддоҳлари кўкларга кўтариб мақтаган ишларининг ҳам пойдевори бўш, ўткинчи эканлигини билган ҳолда шубҳа, гумон ва нохайрихоҳлик билан боқадилар. Боиси, кўли қон одамнинг улусга берган бир парча экмагида ҳам шу ноҳақ тўқилган қоннинг изи бўлади. Бундай бадкирдорнинг адолатсиз иш тутуми оқибатида бошқа миллат ва мамлакатлар душманга айлантирилади. Юртимиздаги нуқсон ва муаммоларнинг айбдори деб шулар кўрсатилади. Тўқилган ёлғони иш бермагач, у айбдорларни ўз халқи орасидан излайди. Бу шафқатсиз қилмишларининг жабри жафосини эса халқи ва авлодлари тортади. Муқаддас китобимизда қайд этилганидек, улусга сеvimли ўлмоқ учун яратганнинг қулларини яратгандан ўта сева билмоқ лозимдир! – дея фикрини якунлади китобдор.

— Ғоят ҳақ сўйлайдурсиз. Яратган эгам барчангиздан рози ўлсун! — дуо этди хоқон мулозимларига меҳр ила боқаркан. — Сухбатимиз толиқтирмаган бўлса, Султон Лалмишнинг кейинги тақдири ҳақида ҳам билги берсангиз.

— Изнингиз ила Султон Лалмиш ва унинг кейинги қисмати хусусида билганларимни сўйлайин, — ҳикоясини давом эттирди Тохир тарихчи. — Султондан уч ўғил бир қиз авлод қолади. Шамсуддин вафотидан сўнг ота тахтига тўнғич ўғил Рукниддин ўтиради ва ҳукмдорликни қардоши Муъиззуддиннинг қонини тўкиш билан бошлайди. Унинг бу ишига синглиси Розийа эътироз билдиради. Ўлдирилган шахзода Розийанинг туғишган акаси эди. Иродасига қарши борганлиги учун синглисини ҳам маҳв этмоқчи бўлади. Акасининг жабрига қарши тадоригини кўриб юрган Розийа жума кунларидан бирида султон Рукнуддин намозга чиққанида эғнига мазлумлар либосини кийиб, энг катта жомеъ масжидга яқин манзилидаги халқ давлатхона дея аталувчи эски қаср томига чиқиб, улусга мурожаат этади. “Буюк қардошим Рукниддин ўз жигарини ноҳақ ўлдириб, қўлини қонга бўяди! Қотилнинг тахтда ўлтирмоғи мумкин эмас! Энди у мени ҳам хунимга зомин бўлмоқчи! Сизлар отам Султон Шамсуддиннинг яхши ва хайрли ишларини, одил ва адолатпарварлигини биласиз! Уни тахтдан азл этинг!” дея халққа хитоб қилади. Масжиддаги халойиқ султон Рукнуддинни тутиб, Розийанинг олдига келтиради. “Қотил қатл қилинади” дейди Розийа. Султонни қатл этадилар. Кенжа шахзода Носируддин ҳали ёш бўлганлиги боис, халқ Розийани султон қилиб кўтаради.

— Ана халқнинг кучи, — деди бу ҳикоядан таъсирланган китобдор Ориф Бухорий кўзлари ёшовлаб:

— Аксар ҳукмдорлар салтанат тепасида турибманми, ҳокимият мутлақ менга тегишли, айтганим айтган, деганим деган қабилида иш тутадилар. Юқоридаги ҳолат асл ҳокимият кимнинг қўлида эканлигини кўрсатувчи буюк бир сабоқдир, — китобдорнинг фикрини қувватлади улуғ хоқон. — Лекин малика Розийанинг султонлиги ҳам хайрли тугамаган дейдиларми?

– Шундайдир, хоқоним, – сўзида давом этди тарихчи. – Аёлдан подшоҳ чикса, эчкини икки қирқади, деганларидек, эркаклар каби отда, уруш яроғларини таққан ҳолда юрадиган малика тўрт йил подшоҳлик этади. Уни тахтга ўтқазган ўша халойиқ ҳабаш кули билан ишрат қилмоқликда айблаганидан сўнг, тахтга қандай ўтқазган бўлса, худди шундай тушириб, эрга бермоққа қарор қилади. Собиқ малика ақраболаридан бирига турмушга чиқарилади.

– Аёл подшоҳга ҳарам ножоиз экан-да, – Тоҳир тарихчига ҳазил қилди китобдор ва гапи улуғ Амирга ёкмаганини сезиб дами ичига тушди.

– Мастуралар бизнинг волидамиз, эгачи ва ҳамшираларимиз, завжаи муҳтарамаларимиздир, улар ҳақида сўзланганда доимо диққатли бўлмоқ даркор, – деди улуғ Амир китобдорга ҳам, тарихчига ҳам алоҳида-алоҳида тикилиб. – Рум Қайсари бу каби масалаларини ўзининг сенат дея аталмиш қурултойида ҳал этган бўлса, деҳлиликлар жомеъларда амалга оширишган экан-да, – дея ўртадаги сукунатни бузганича гапни суҳбатга улади хоқон бошини маъноли ирғаб.

– Сўйлаганингиз кабидур, хоқоним. Тахт кенжа шахзода Носируддинга қолади. Бирок ҳукмдорликнинг ҳавосини олган Розийа тинчимайди. Эри билан бирга атрофига одам тўплаб, энди ўзи ҳам укасини ўлдирмоқ ҳаракатига тушади. Бу қарама-қаршилик, тўқнашувгача бориб этади. Носируддин ўша сиз айтган, сув ташувчи қул бўлган ва сўнг тахтга ўлтирган Фиёсиддин Балабан билан бирга опасига қарши жангга чикиб, ғолиб келади. Розийанинг қўшини тарқаб, ўзи қочади. Далаю даштда оч-наҳор тентирааб юрган малика ҳолдан тойганча ер ҳайдаётган бир деҳқонга дуч келади. Егулик сўрайди. Деҳқон унга бир парча нон беради. Аёл нонни еб, ҳолсизликдан уйқуга кетади. Розийа одатдагидек аскар кийимида бўлади. Ухлаб ётган кишига синчиклаб боккан эркак унинг устки кийими остида қимматбаҳо тошлар ва жавоҳирлар билан безалган хонимлар либосига кўзи тушади. Уни ўлдириб, кийим-кечак ва яроғ-аслаҳаларини олади. Отини ҳайдаб юбориб, жасадини даласига кўмади.

Эртаси куни бу қимматбаҳо ашёларни бозорга олиб чиқади. Сотувчи қўлидаги шоҳона либосларни кўрган одамлар уни тутиб, ҳоким ҳузурига элтадилар. Жаллодлар қийноққа солгач, жиноятини бўйнига олади ва жасадни дафн этган жойга олиб боради. Мусулмонлар майитни чиқариб, ювиб, кафанлаб, ўша ерга дафн қилишади. Сўнгра устига гумбаз барпо этилади. Эндиликда унинг қабри табаррук саналиб, зиёрат этилади ва Дехли шаҳридан бир фарсах узоқликда, Жамна дарёси соҳилидадир.

— Қиссадан ҳисса чиқармоқ ҳар биримизга ҳавола. Баракалло, мухтарам Тохирбек, — деди хоқон миннатдор оҳангда. Ғоят мароқли ҳикоялар. Тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг такрори аслида ибрат. Маликанинг қисмати Султон Жалололдин Хоразмшоҳнинг тақдирига ўхшаб кетар экан. Султонни ҳам жоҳил бир курд уйида найза санчиб ўлдириб, оту кийим-кечакларини Аҳлот бозорига олиб чиққанида одамлар унинг ўлимидан хабар топадилар. Инсониятнинг жоҳилият даврдан ойдинлик замонасига етмоғи учун ҳали жуда кўп қорлар эришига ва қонлар тўкилишига тўғри келади, чоғи.

— Ўша маълум гап, хоқон ҳазратлари. Одамлар ҳўкизнинг думидан тутганча унинг ортига қараб юраверсалар, алар бошига шунга муносиб одам келади, — жавоб қилди, тарихчи.

— Маликадан сўнг тахтга ўтирган султон Носируддин Қуръони Каримдан нусха кўчириб, тирикчилик қилган деб эшитганимиз бор. Шу тўғрими?

— Тўғридир, ҳазратим. Салтанатимиз кутубхонасида ул кишим қўли ила пухта ва равон ёзилган мусҳаф бордир, — тарихчининг ўрнига жавоб қилди китобдор Ориф Бухорий сўз олиб.

— Султон Носируддин ғоят солиҳ, ақлли, доно ва шунинг баробарида хуснихати чиройли подшоҳ бўлиб, йигирма йил юрт сўраган, — китобдорнинг фикрини тўлдирди тарихчи. — Султон Ғиёсиддин Балабан хусусида ҳам қисқача тўхталсак, Султон Шамсуддин Лалмиш, Самарқанд Бухо-

ро ва Термиздан мамлуклар (яъни ҳарбий хизмат учун сотиб олинадиган оқ танли кул, ҳарбий навкар) сотиб олмоқ учун бир кишисини юборади. Кул савдогари юз нафар мамлук харид қилади ва уларни кўрсатмоқ учун султон хузурига олиб киради. Хунук ва кўримсизлиги учун Балабан ҳукмдорга ёқмайди ва уни олмаслигини айтади. “Эй худованди олам! Мана бу мамлукларни ким учун сотиб олдингиз?” – сўрайди Балабан. “Ўзим учун” жавоб беради султон. “Мени Аллоҳ учун сотиб олинг” дейди кул. Бу савол-жавобни кутмаган султон уни кулларга кўшиб қўйишни буюради. Султон хузуридан чиқаётиб, кул ўзига ўзи “Ташвиш чекма, тахтинг ва ҳинд мулки менга қолади” дейди изтиробли оҳангда. У навкарликка олинмай камситилиб, сув ташувчиликка қўйилади. Ўзини кўрсатиб, сув ташувчиларга бошлиқ бўлади. Сўнгра кўшинга олинади ва кўшин бекларидан бири даражасига кўтарилади. Султон Шамсуддиннинг ўғли султон Носируддин подшоҳ бўлишидан олдин унинг қизига уйланади. Носируддин подшоҳлик тахтига ўтиргач, йигирма йил унга ноиб ўлароқ хизмат қилади. Обрў-эътибори ва шон-шавкати султонниқидан оша бошлагач, ўз қайнотасини махв-этиб, тахтга ўтиради. Йигирма йил ҳукмдорлик қилган Султон Балабан адолатпеша киши бўлган. У “Дорул-омон” деган сарой курдирган. Қарздор кишилар бу уйга кирса қарзи ўталар, бировдан қўрққан бош суқса омон қолар, бировни ўлдириб қўйган киши қочиб келса, жабрланганнинг розилиги олиб берилар, жиноятчилардан кимдир кирса, жабрланувчи рози этилар эди. Қазойи қадари етгач, султоннинг ўзи ҳам шу уйга дафн этилади, – дея ҳикоясини мухтасар қилди Тохир тарихчи.

Кўзини ярим юмганча ҳикоятларини тинглаётган хоқон бошини маъноли ирғаганча ўйга толганди.

– Машхур подшоҳ Ғиёсиддин Тўғлуқшоҳ қисматини эшитиб ҳам киши қалбини ларзага солади, – деди хоқон анчадан сўнг чуқур нафас оларкан. – Ўғли Муҳаммад отасини махсус ясағтирган ёғоч қасрга бостириб ўлдирган дейдилар. Бу воқеа тафсилотини биласизми?

– Ўқиганим бор, Амир соҳибқирон ҳазратлари, – жавоб қилди тарихчи.

– Тўғлуқшоҳ туркларнинг қайси уруғидан бўлган?

– Ул кишимнинг аждоди туркларнинг синд ва турк ўлкалари оралиғида яшовчи машҳур каравна деган сўйидан келади. Юқорида сўйлаганимиз каби Тўғлуқшоҳ ҳам Синд ўлкасига бир тужжорнинг чўпони ва отбоқари ўлароқ султон Алоуддин даврида келиб қолади. У пайтда Синднинг амири султоннинг укаси Улухон бўлади. Тўғлуқ унинг хизматига киради. Ўзини кўрсатгач, пиёда сўнгра отлик аскарлар сафига олинади. Кичик амир рутбасига етишгач, Улухон уни отлик кўшинга бек этиб тайинлайди. Ниҳоят улуғ Амир даражасига кўтарилгач, унга “ал-Малик ал-Ғозий” унвони берилади. Мўлтонда бўлганимизда бир жоме масжидига кириб намоз ўқидик. Унинг киришида Тўғлуқшоҳ ёздирган шундай ёзув бор экан. “Мен мўғуллар билан йигирма тўққиз марта жанг қилиб, уларни мағлуб қилдим ва шундан сўнг “ал-Малик ал-Ғозий” номини олдим”...

– Бу дунёда уларга қарши курашмаган инсон зоти қолмаган экан-да, – деди хоқон тарихчининг гапини бўлиб.

– Улар шу қадар томир отганларки, ҳали жуда кўп наслар бу золимларга қарши курашадилар, – гапга қўшилди Ориф Бухорий. – Боиси, ҳеч бир қавмга бул улусдан хайр келмас. Бизнинг турку тожикларда меҳмон атою худо, яъни мусофир худонинг тухфасидир деган аждодлар ақидасига амал қилинади, уни иззат-ҳурмат билан қаршилаб, шу тарзда кузатадилар. Уларда эса бунинг акси. Келган кўноққа тунаш ёки талаш мумкин бўлган манба сифатида қаралади. Аввал сўраб кўрадилар. Бермаса ўғирлайдилар. Тунамоқнинг имкони бўлмаса талайдилар. Бу ишни ўзлари амалга ошира олмасалар, бошқа бир қочоқ уруғ-аймоғига хабар етказиб, уни йўлда қароқчи уриб кетгандек каби уюштирадилар. Буларда суруву уюр, подаю карвонни қай тарзда из қолдирмасдан ҳайдаб кетиш ва талашнинг минг йиллардан бери келаётган кўз кўриб; қулоқ эшитмаган, етти ухлаб тушингизга кирмаган усул ва услублари бор.

– Афсуски, ҳақсиз авлодим, – деди хоқон бошини ирғаб.
– Алқисса, ўғли Муҳаммаднинг ўзига қарши қилиб юрган ишларидан хабардор ота уни жазолашни лозим топмайди, – ҳикоясини давом эттирди тарихчи. – Фарзандкуш номини олмоқни истамайди. Ўғлининг ҳокимиятхўрлик васвасасини қондирмоқ истаган ота ҳатто бошкент Дехлини унга қолдириб, ғазот учун сафарга чиқиб кетади. Бироқ ношукур авлодни бу ҳам қониқтирмайди. Сафардан қайтаётган шох ўғлига Дехлига етмасдан, Афғонпур водийсида ўзига бир қаср қурдиришни буюради. Жазавакор шайх Базонавийнинг Тўғлуқшоҳ Дехлига қайтиб кира олмайди деган башорати қулоғига етган эди. Муҳаммаднинг вазири хожа Жаҳон лойихаси бўйича уч кунда ёғочдан қурилган қасрнинг сири бўлиб, унга фил оёғини қўйиши билан ичидагиларни босиб қоларди. Султон қасрда зиёфат беради. Меҳмонлар тарқалгач, шаҳзода отасидан безатилган филни кўрсатишга рухсат сўрайди. Туғлуқшоҳнинг ёнида иккинчи ўғли Маҳмуд ҳам бўлади. Фил қаср сахнига оёқ босиши билан султон ва ўғли устига кулаб тушади. Муҳаммад чўккан қасрни кавлаш учун асбобларни шошилмасдан олиб келишни буюради. Кеч киргач, ишга киришган кавловчилар Султон ўғли Маҳмудни ҳимоя этмоқ учун уни гавдаси билан тўсган ҳолда жон таслим қилганини кўрадилар.

– Ҳеч англай олмадим. Инсонлар тахт учун, ҳукмдорлик учун кечаю кундуз бош котириб, отани ўлдирмоқнинг бу қадар разил ва тубан йўлини ўйлаб топганларини ақлга сиғдириб бўлмайди, – деди хоқон ҳайрат ва паришон нигоҳла Тоҳир тарихчига боқаркан. – Инсон боласи не қадар ёвуз-а? Бундан чиқди, ҳинд султонлари орасида энг золими айнан шу султон бўлиб чиқади. Боиси, отасини қатл этган махлуқдан кимса хайр кутмас.

– Айнан сўйлаганингиз кабидур, хоқоним. Сарой эшиги олдидаги сахнда одам ўлдирилмаган кун бўлмаган. Жума кунидан ташқари қабулхонасига зиндондан юзлаб махбуслар келтирилиб, азобланар, калтакланар ва ўлдирилларди. У олиму шайх, фозилу доно деб ўтирмай ки-

шиларни ўлимга ҳукм қиларди. Бу жазолар тириклай бўлиб таълаш, терисига сомон тиқини каби усулларда амалга оширилган. Энг даҳшатлиси, тишига ханжар каби ўткир қолип ўрнатилган филлар воситасида тилкалаб ўлдириш бўлган. Бунда ўргатилган фил одами хартуми билан ҳавога отиб, найза тиши билан илиб олган. Бир кунда энг кўпи уч юз эллик кишининг боши кесилган. Булар бошқа диндаги аҳолини босиб олиш учун султон айтган манзилга кечикиб йўлга чиққан аскарлар бўлган.

– Ўғлини тахтга ўтириш маросимида онаси кўр бўлиб қолганлиги ҳақидаги гап ҳам тўғрими?

– Тўғри, хоқоним. Ўғли Муҳаммадшоҳ тахтга чиққанида ҳинд ўлкасининг барча подшоҳу амирлари уни табрикламоқ учун чексиз миқдорда олтин, гавҳар ва қимматбаҳо тошларни тақдим этиб, тилла тахтда маликани табриклайдилар. У ўтирган олтин тахт қаршисида дуру жавохир, олтин гавҳар тоғи пайдо бўлиб қуёшга басма-бас жилоланиб, кўзни қамаштириб ялтирайди. Хайрат-ла олтин тоғига узоқ тикилган маликанин қамашган кўзи бирдан кўрмай қолади. Шу-шу, дунёнинг манаман деган кучли табиблари ҳам кўзини очолмайди. Халқ бу ҳолатни ўғлининг отасига қилган хиёнатини қўллаган малика Маҳдума Жаҳонга Аллоҳнинг жазоси дея-изоҳ этади. Лекин Султон онасини қаршилаганда отидан тушиб сарой аҳли ва халойиқ олдида оёғини ўпган. – дея маликаларга нисбатан оқловчи тарзда сўзларини юмшатди Тоҳир тарихчи. – Малика ўтирган йиғма олтин тахт тўрт бўлақдан иборат бўлиб, ҳар бирини ўн киши зўрға кўтарган. Бу тахт олдида буюк қоон Чингизхоннинг олтин тахти ўйинчоқ кабудур, хоқоним.

– Отани тириклай кўмиб, онани олтин тахтга ўтқазиб, оёғини ўпмоқ. ...Мана сизга бу бевафо ва ўткинчи дунёнинг, инсон аталмиш жонзоднинг ақли етмас жумбоғи.

– Маликалар ҳукмдор эрлари тарафда бўлмаслигининг боиси ўгайликда деб, ота тахтини ўзлари туққан ўғиллари не замон ва тезроқ эгаллаши орзуси билан яшайдилар.

– Бул фикрда ҳам жон бор, – деди улуғ Амир ўйга толганча.

– Султоннинг Деҳли шаҳрини буздириб, халқини сургун қилиши, шаҳардан чиқа олмаган бир майиб кишини манжаникқа солиб оттиргани ва бир кўрни эса қирқ чақирим масофадаги янги пойтахт Давлатободгача отда судратгани каби жазоларини сўзламокқа тил ожизлик қилади.

– Недан султон шаҳарликларни бошкентни тарк этмокқа мажбурлаган? – сўради хоқон.

– Улар султоннинг қилмишлари ва жинойтлари ёзилган мактубларни қабулхонасига улоқтиришган. Шунинг учун, хоқоним.

– Унга бул каби қотилликларини юзига айтган кишилар бўлганми?

– Бўлган, хоқоним.

– Кимлардир улар? – яна диққат-ла сўради хоқон. – Билсангиз сўйланг.

– Буларнинг бошида султон Қутбуддин ва султон Тўғлуқлар алоҳида хурмат ва эътибор кўрсатган шайх Шайхобуддин келади. Султон уни саройга хизматга чақиради. Шайх икки бор ҳам бу таклифни рад этади. Қаҳрланган ҳукмдор шайх ва улуғ олим Зиёвуддин ас-Симнонийга унинг соқолини юлишни амр этади. Симноний: “Мен бундай қилолмайман” дейди. Баттар қаҳри кўзиган султон энди иккисининг соқолини юлдиради ва шайх Шайхобуддин Давлатободга сургун қилинади. Етти йилдан сўнг чақириб, девони мустахраж, яъни жазолаш ва зўравонлик орқали волий ва хизматчиларнинг қарзларини ундириш билан шуғулланувчи девонга тайин этади. Султон пойтахтни Деҳлидан кўчирганда у шаҳарда қолишни сўрайди. Яна даргазаб бўлган султон унга Деҳлидан олти мил узоқликдаги кимсасиз даштда яшамокни буюради. Шайх ўша худудни обод қилиб, деҳқонлари билан ғорларда икки ярим йил яшайди. Деҳлига қайтган султон яна уни хузурига чорлайди. Шайх яна бош тортади. Султоннинг ғазабидан сақланишни маслаҳат берган улуғ амирларга “Мен асло золимнинг хизматини қилмайман” дейди. Шотирлари шайхнинг оёғини ерга теккизмай саройга олиб келадилар. “Сен мени золим де-

дингми?” дея сўрайди султон. “Ҳа, сиз золимсиз” дея унинг Дехлини вайрон этгани, бутун бошли шаҳар аҳолисини қувғин қилгани, бошқа шаҳарларни харобага айлантириб, аҳолисини Дехлига кўчиргани каби қатор жиноятларини бетига айтиб солади. Султон тахтдан тушиб, қиличини қинидан суғуриб, ёнида турган Садри Жаҳрига бериб: “Менинг золимлигимни исботла ва шу қилич ила бошимни танамдан жудо эт” дейди. Шайх унга: “Ким бунга гувоҳлик бериб, калласи кетишини истайди. Сиз ўз зулмингизни ўзингиз яхши биласиз” дейди. Шайхни қўллари боғланиб, оёғига тўртта кишан урилади. У ўн тўрт кун зиндонда оч ётади. Уни ҳар куни султон қабулхонасига олиб келишар факиху машойихлар унга сўзидан қайтмоқни насихат қилишади. Шайх сўзидан қайтмасликни, шаҳидлар сафида бўлмоқ истагини айтади.

Тарихчи бироз тин олиб, шарбат хўплади. Толиқтириб қўймадимми дегандек хоқонга қаради. Улуғ Амир бош ирғаб, давом этмоқ ишорасини қилди.

– Нихоят ўн тўртинчи кун султон унга егулик юборади. “Ердан ризқим узилган, емакни унинг ўзига элтиб бер” дейди шайх олиб келган кишига. Бу ғапни эшитган ҳукмдор унга беш истор (бир истор тахминан тўрт юз грамм, демак, икки килограм) инсон ахлатини едиришни буюради. Султоннинг бундай ишларини амалга оширувчи, мусулмон-бўлмаган ҳинду гуруҳи ахлатни сувда ивитиб, шайхни чалқанча ётқизганча оғзини қисқич билан очиб ичиришади. Эртаси куни қози Садри Жаҳоннинг уйига олиб бориб яна насихат қилишади. Сўзидан қайтмагач, боши кундага етказилади, – дея даҳшатли ва қайғули ҳикоясини якунлади тарихчи.

– Алҳазар, алҳазар! Эшитгандан нари! – деди бу ҳикоядан қарахт ҳолга тушган хоқон хона эшиги томон ғамгин тикилиб. – Бундай ҳукмдорлар замонасида раиятнинг ҳаётида ҳаловат, умрида мазмун қолмайди. Уйқуси ҳаром бўлади. Аксинча, улар каби эл ишончини қозонган кишиларни бошимизда тутиб, олий маслаҳатчи ўлароқ юксак мақомга кўтариб, нуқсон ва камчиликларимизни бот-

бот айгиб, ҳақ йўлни кўрсатиб туришларини рижо этсак. Бундан давлат ва салтанат ютса ютадики ютказмайди. Зеро, мен ҳам ким бўлмайин бир кишиман. Эгасининг хом сут эмган бандасиман. Қилган ва қилаётган барча ишларимни тўғри дея фикр қилиб, бошқаларнинг мулоҳазаларини тинглаб, хулоса чиқармасам, таҳдиду тадбиқ этиб, улар билан ҳисоблашмасам, ўз-ўзидан аввал улус, сўнгра ўз одамларим назар-эътиборидан қоламан. Бир қалдирғоч билан баҳор ёхуд бир қарға билан киш келмаганидек, тахт соҳиби бўлиб, Кўксаройдаги Кўктошга орти теккан ҳар кас эл наздида одилу хушёр, оқилу кўзи очиқ ҳукмдор бўлиб қолмас, – босиқ оҳангда сўзлар эди хоқон. – Кўрқоқ ва ожиз ҳукмдорлар эътирозу танқиддан азроилдан кўрққандек чўчийдилар. Ботирни ботир қилган қилич билан билаги, хоинни хоин қилган қора юрак тилагидир. Золимлар кишиларга қай тарзда жабр-зулм ўтказган бўлсалар, айнан шу тахлит жазоларини чекадилар.

– Султон Муҳаммад аҳмоқона сахийликда тенгсиз бўлган, хоқони ақрам ҳазрати олийлари. Масалан, Термиз Худовандзодалари вакили Шарафулмулк лақабли Амир бахтни синглисига уйлантириб, вазни оғирлигида олтин тортиб беришларини бўюрса, яна бир суйган амирига хазинадан кўтарганича олтин олмоққа амр этган. У ўн олти халта олтинни икки кўлига саккизтадан тизиб зўрға ўрмалаб хазинадан чиққан. Аммасининг ўғли, отасининг тахтига ўтирган Муҳаммадшоҳга байъат беришдан бош тортган Сагарда вилояти ҳокими Баҳоуддин Куштасбни тириклайин терисини шилиб, гўштини гуруч билан пишириб, фарзандлари ва аёлига юбортиради. Жасадининг қолган қисми идишга солиниб, филлар олдига ташланади. Бироқ филлар уни ейишмайди. Терисига эса сомон тикиб бошқа бир исёнчи Баҳоуддин Буранинг тулуми билан бирга мамлакат бўйлаб айлантиради. Султоннинг бундай қонхўр ва қотилликлари шу қадар кўпки, буни сизга ҳикоя қилиб, таъбингизни хира қилмоққа ҳожат йўқдур, хоқоним!

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ – тақрорлади хоқон асабийлашганча тасбеҳ ўтираркан. – Зотан, золимнинг ели-

дан унвону мукофот олмоқ — ўзлигини билган, шарафини сақлай олган киши учун буюк ҳақоратдир. Шарафсиз шараф ҳақида тасаввурга эга бўлмаганидек, ўзини билмаганга этагингиз тегиб кетса, кесиб қочинг. Бизнинг диндорлар шоху гадо бўлмасин, мудом дунёга дунёвий кўз ила қарамокда оқсаб келганлар. Киши дунё кўрмай, уни англамай дунё кишиси бўлмас. Зиғирдек ақлу ва саводлари билан динда чуқур кетмоққа уринадилар. Қай бир ўлкалардан қочиб-пусиб, келганлардан пиру авлиё ясаб, юрти ва улусини улар кўлига қул қилиб топшириб қўядилар. Оламга эса барча фалсафалар даричасидан боқмоқ керак. Шундагина инсон соғлом фикр соҳиби бўлиши мумкин, — мулоҳаза оҳангида сўзларди хоқон.

Ғамгин ҳикоядан таъсирланган хоқон китобдор ва тарихчи ўртасида суҳбатга қўшилмай ўтирган амир Боботуркга қаради.

— Нечундир бугун сукутдасиз, авлодим Боботурк. Кўнишдигимиз мавзуларда ҳассос эдингиз. Ҳар галгидек сизни тингламоқ бизга завқ бахш этади. Лутфан буюринг. Сиздан доимо кимсадан бекланмаяжак хайратомиз фикрлар чиқади, — шогирдига майин нигоҳла тикилди устоз.

— Астаффируллоҳ! Бош устига устози аъзам. Ҳар замон сизнинг ҳаётбахш сўзларингизни тингламоқ ва сабоқ олмоқни бурчу масъулият ўлароқ билиб келганмиз. Биз не демайлик, тангрининг иродаси ила сўнгги сўз соҳиби Амир Соҳибқирон зоти олийларидир. Лутфу марҳаматингиздан баҳраманд бўлиб келган биз каби шогирдларингиз бул самимий мулоқот, бул оталарча давранишдан мудом фахри ифтихор туяжакмиз...

— Муддаога кўчинг, амирим. Ҳузуримга ташриф буюрган хорижий элчилар каби ғоят сермутавазесиз. Аллоҳ рози бўлсин барчангиздан, — дея шогирдининг сўзини бўлди хоқон.

— Сиздан-да Аллоҳ рози бўлсин, устоз. Бизни сизга ўз меҳр-муҳаббатингизни изҳор этмоқдин туяжак лаззат ва қониқиш ҳиссидан маҳрум этмаяжаксиз деган умиддамен, — дея бўш келмай сўзида давом этди амир.

– Айтдим-ку, амир Боботурк шоҳматда ён бермаганидек, баҳсу мунозарада ҳам ҳеч кимга улоқни ушлатмайди деб. Мана сўзимиз исботи, – яна ҳазиллашди хоқон.

– Бўш келмаслик сабоғини устоздан олганмиз, – жавоб қилди шоғирд тавозе ила.

– Энди сизни тингламоқдин ўзга чорамиз йўқдур. Буюринг, муҳтарам амирим.

– Мен ҳам қадрли Тохирбек дўстимизнинг бу қайғули хикояларидан мутаассир бўлганим боис, тилимга калима келмади. Сусганлигим сабаби ҳам шундадир, улуғ устоз. Сўйлаганингиз каби, улус азизу мўътабар билган, эл эътиборини қозонга зотларни хор қилганлар вақти замони етиб авлодлари ила баробар улардан беш баттар хору зор бўладилар. Инсониятнинг бир нафаслик бекати саналмиш бу ёруғ очуннинг ёзилмаиш қоидаси шулким, киши нени хор этса, шунга зор ўлажақдир. Меҳр-шафқатини одам зотидан, билхосса қўли калталар ва мазлумлардан дариг тутганлар замони келиб, бир оғиз илиқ сўзу бир лўкма сижоқ эқмаққа муҳтож ўларок, улус тарафидан унутилган кўйи фоний дунёни тарк этадилар. Табиийки, бу кунга қадар барчадан ақлли, доно ва улуғ саналган олтин боши сапчадек узилиб тушиб, қурғу кўмурсқаларга-ем-бўлиб кетмаса. Хотирангизда бўлса керак, устоз. Масковга етганимизда хузурингизга ўз подшоҳидан арз қилиб, саватсоқолли Пудий отлик киноз келмиш эрди? – дея устозига меҳр-ла тикилди амир Боботурк.

– Эсимда, эсимда, авлодим, – жавоб қилди хоқон завқ-ла шоғирдини тингларкан.

– Ўшанда сиз ила суҳбатлашаркан “дин сизда, иймон бизда” деган эди.

– Тўғри. Кечагидай хотирлайман, – ҳаяжонланди хоқон.

– Сиз унга бу каби сўзларни бошқа такрор этма, ҳозир мен бўлмасам мана бу ўтирганлар бошингни танангдан жудо этардилар дегандингиз ярим ҳазил, ярим чин.

– Дегандим, дегандим, – деди бош ирғаб хоқон.

– Аелида у ҳақ эди, устоз. Улар динларида биз каби

чукур кетмайдилар ва ҳар нарсада динларини қурол қилиб, одамларни эзмайдилар. Зотан, барча динларнинг яратувчилари ва уни байроқ этганлар, қавму қабилаларни қилич тифи қон билан ўз ғояси ортидан эргаштириб, одамлар устидан ҳокимият ўрнатмоқ ва уни қўлда тутиб турмоқнинг воситаси сифатида қўллаганлар. Ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам пайғамбарлик баробарида давлат ва ҳукумат бошлиғи бўлган. Қиз туғилса тириклайин кўмиб, опа ёки синглисига уйланиб юрган жохил қавмларни одам қилмоқ, йўлга солмоқ учун дини исломга асос солганлар. Барча динлар эҳтиёж ва зарурият маҳсули ўлароқ вужудга келгандир. Агар Ҳинд ўлкасида бир доно зот чиқиб, сигирни муқаддас дея эълон этмаганида одамлар сут берувчи бу жонзодни еб тугатиб, ўзлари ҳам очарчиликдан қирилиб кетардилар. Бу жонивор берган суту қатик, ёғу қаймоғини еб, миллат яшаб қолган.

Амир Боботурк сўзини тугатиб, ўрнидан турганча бош эгиб, устозига таъзим бажо келтирди. Ҳоқон самимий нигоҳ-ла боқиб ўрнидан қўғалмаслик ишоратини қилди.

Орага бир муддат сукунат чўқди. Диний давраларда бул каби суҳбатлар бўлмас, ислом фалсафасига сал танқидийроқ ёндашган кишини Аллоҳга шак келтирдинг, дея дину имонсизга чиқарадиган ва бу ишни тирикчилик манбаига айлантирган, дунёвий илмлардан беҳабар диндорларни ҳоқон хуш кўрмас, бошқа дин вакиллариغا ижобий муносабатда бўлиб, улар билан сидқидилдан суҳбатлашар, фикрларини диққат билан тинглар ва уларни ҳимоя этиб, ёрдам берарди.

Энг яқин мулозимларининг яна бирортаси фикр билдиришини кутган ҳоқон ниҳоят сўнгги сўзни айтди:

— Мана эшитдингиз. Ҳар галгидек амир жанобларининг ҳар бир сўзлари манжаниқнинг ўқидек залворли ва доимо мўлжалга аниқ тегади. Ўз-ўзидан маълумки, бу фикрларни тушунмоқ ва ҳазм этмоқ учун ҳам маълум даражадаги заколозимдир. Ҳақлими, ҳақсизми кишилар қайси динга мансуб ўлмасин, ўз фикрини айтмоқ ҳуқуқига эга бўлмоғи лозим. Билимсиз ва дунёни англаб етмаган кишиларгина ўзга

фикр ва қарашларни ҳазм эта олмайдилар. Ва инсон зотида ўзи англамаган ҳамда ақли етмаган нарсаларга яғийлик кўзи ила қараш одати бўлади. Назаримда, амир Боботурк бир неча юз йил бурун туғилиб қолганга ўхшайди. Мунозара этдигимиз кўнуда яна бир муаммони ҳисобга олмоқ жоизки, бу, турли диндаги одамларнинг бир-бирларига бўлган чексиз нафрат ва душманлигидир. Бу эса уларнинг китобларида кўп такрорланган раҳм-шафқат, қон тўкмаслик таълимотига амал қилмай, аслида бир-бирларини инкор этмоқларидан бошланади. Эски динлар вакиллари ўзларининг динларини ҳақиқий ҳақ ва адолатли дин, дея талқин этадилар. Кейинроқ пайдо бўлган дин вакиллари эса яратганнинг ҳақ дини бизники, дея дам урадилар. Бутун дунёни жаҳаннам оташига соладиган ғавғолар мана шу, динлар вакилларининг тор дунёқарашидан келиб чиқади. Бир кунлар келар балким, инсоният Тангри таълимотини иқтисоду сиёсат, урушу сўғиш ишларига аралаштирмай, ахлоқ мезони ўлароқ амал қилар. Бу фикрга не дейсиз, жаноб амир? — дея Боботуркга қаради хокон.

— Мутлақо кўшилурман устоз, — жавоб қилди амир. — Румлар-ла кўнишиб, улар тилини бироз ўрганган эдим. Қўстантанияда бўлганимда, улар тилида сиёсатни политика дер эканлар. “Пўли” дегани кўп, “тика” дегани юз демак экан. Яъни кўпозлилик деган маънони ҳам-англатар экан. Шу нуқтаи назардан қараганда айтганингиз каби сиёсат илоҳий ҳис-туйғулардан айри бўлмоғи лозимдур.

— Демак, сиёсатчининг оғзига, боланинг орқасига ишонма деган нақл ҳам улардан чиққан экан-да, — деди Тохир тарихчи гапни ҳазилга буриб.

Даврада енгил кулгу кўтарилди.

— Ҳақсиз, — деди Боботурк ҳам жилмайиб, салтанатимиз устунларидан бири ўлмиш амир дўстимизга мантиқли фикрлари учун Аллоҳдан узоқ умр, барчамиз каби бир ювали ўлмоқ орзусини тилайман! Ушбу гўзал суҳбатимиз очик кўнгиллик-ла кечган кечамиз хайрларга васила ўлсин дея дуо этамен!

— Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Мен улуғ устознинг оддий бир шогирдлариман! Ижобий тарафимдан кўра нуқсонларим кўпроқдир! Бироз ошириб юбордин-

гиз, Тоҳирбек! – деди хижолатдан қора терга тушган амир кизариб. – Бу мақтов шоҳсупасидан тос тепам билан-тушиб, чил-парчин бўлмайин тагин.

Амир Боботуркнинг терлаб-пишганича бор эди. Улуғ хоқон ҳузурида ҳеч бир мулозим иккинчисини бу қадар мақтамас, бу нарса сарой таомилида йўқ эди.

Бироқ хоқон бу сўзлардан мамнун эди. Барча баробар ўзини мақтаб, ҳамду сано айтганидан ғаши келар, ортиқча кўтар-кўтарларни ҳақорат ўлароқ қабул этарди. Тарихчининг шогирдини мақтаганидан бола каби севинган, бу муносиб сўзларда озми-кўпми ўзининг ҳам ҳиссаси борлигидан боши кўкка етганди.

– Сиз барчанинг дилидаги фикрни айтдингиз, Тоҳирбек, – дея шогирдини ўнғайсизликдан қутқарди устоз. – Мен қарийб ўттиз беш йиллик сафдош иним, жигарим ва асл авлодим Боботурк билан фахр этаман. Узоқ йиллар мобайнида сон-саноксиз кишилар-ла мулоқотда бўлдим. Бироқ улар орасида бир кишим борки, бу ўз манфаатини ўйламайдиган, кўнгили кишиларининг султони амир Боботуркдир.

Хоқондан бу қадар юксак таърифни кутмаган бек сапчиб ўрнидан туриб таъзим этди. Илгариги ўнғайсизлик буниси олдида ҳолва эди. Енги ила пешонасини артганча, хансираб нафас оларди. Хукмдорларнинг қаҳри не қадар даҳшатли бўлса, уларнинг меҳри ҳам шу қадар хавфли эканлигини эсини таъинигидан бери саройма-сарой юрган, кўнишмаган хону подшоҳ гадойу дарвеш қолмаган амир яхши биларди. “Недан гап мавзуси бирдан айланиб унга келиб қолди? Хоқон ҳазратлари недан бундай илиқ, меҳрли муносабат кўрсатмоқдалар? Шоҳрухияга даруға ўлароқ жўнатмоқчи бўлсалар, кўнглини кўтармоқ учун шундай демоқдаларми?” хаёлидан кечди.

– Шу нарсани очик-ойдин сўйламам лозимки, атрофимиздаги аксар катта-кичик мансаб эгалари мол бозорининг қоровуллиги каби уфоқ бир вазифа бўшаса-да ўз хеш-ақраболарини, турк туркни, мўғул мўғулни, тожик тожикни, араб арабни тикиштиради. Маҳаллийчилик ва миллатчилик қиладилар. Гўёки бу юртда бошқа элу элатлар

яшамаетгандек. Бу хусусда ғариб-ғурабо, бева-бечора, факир-фуқаронинг ва орқасида ҳеч кими йўқларнинг орқатоғи ҳамда йўқловчиси амир Боботуркдир. Мен хузуримизга арзу шикоят ила келгувчиларни доимо диққат ила кузатаман. Оддий кишилар, дардига ҳеч ким қулоқ солмаган кўли қисқалар амир қабулига ошиқадилар. Менимча, бундан шарафли ва савобли иш йўқдур. Уларни ҳам кимдир ўйлаб, хонадонига бир парча экмак ва бир бўлак эт киритиш учун суянчиқ бўлиши керак-ку! Тўғри, аввал ҳеш, кейин дарвеш деган нақл бор. Менимча, бу хайр-саховат маъносида айтилган ота сўзидир. Бу насл-насабинг, ҳешу ақрабонг, таниш-билишинг билан давлату мамлакатни мўри малаҳдек босиб егин дегани эмасдир. Ҳокимият тепасига келган қавму қабила борким, ўзга улусларга кун нари турсин, нон ҳам бермаслик жаддида бўлади. Сулоласидан амиру вазир, қўмондону ноиб чиқмаган аймоғу элатлар ўзгаларнинг қулу қароли бўлиб қолавериши керакми? Худудлар, жуғрофия – бу инсонларнинг тақдири демак. Юксак давлат ва ҳукумат пиллапояларида миллати ҳамда динидан қатъи назар барча элу юртларнинг асл, иқтидорли вакиллари бўлмоғи шарт. Ўтира билурсиз, амирим, – деди ҳоқон ҳамон тик турган Боботуркка сўзида давом этиб. – Жуда кўп улусларда фаросат-сўзининг таржимаси йўқ экан. Киши машаққатли меҳнат ва тадбирли иш юритмоқ-ила мол-мулк топиши, бою бадавлат бўлиши мумкин. Бироқ юксак фахм-фаросат, заковату одилликка соҳиб ўла билмоқ ҳар кимга насиб этмас. Бу мароқли суҳбат учун барчангизга ташақкур билдирган ҳолда суҳбатимиз қаҳрамони муҳтарам амиримизга оид бир хушxabар мактубини ўқимоқ учун гурунгимиз бошидан бери ўз касби корларига содиқ ҳолда сас чиқармай ўтирган соҳибxabаримиз Алп Туркашбекка бераман. Менинг отимга битилган мактуб салтанатимиз тожидаги гавҳаримиз Пирмуҳаммад Жаҳонгир Мирзо ўғлидандур.

Ҳоқон шундай дея хонтахта остидан зар боғичли ўрама мактубни олдида биринчи ва сўнгги варағини олиб қолиб, орадаги бир саҳифани Алп Туркашга узатди. Туркаш чаққон ўрнидан туриб, хатни олди ва ўқишга тутинди.

“...Билхосса Дехлидаги ноибим амир Самандарнинг хузурига шаҳид тоғамиз Амир Хусайннинг жиянлари Салима Султон бегим келиб, бир рижода бўлибдилар. Биз билмаган эканмиз. Ул мухтарама зоти олиянинг Дехли, қолаверса, бутун ҳинд ўлкасида мавқелари жуда юксак эркан. Нафақат, мусулмонлар адолатли инсон бўлганлари боис, ҳиндлар ҳам ул кишимнинг сўзларига қулоқ солар эканлар. Динлар ва қавмлараро келишмовчиликларни ҳал этиб, улус тинчиги ва осойишталигини сақламоқда ғоят фаоллик кўрсатаётган, сўз соҳиби эрканлар. Бизнинг розилигимиздан сўнг зоти олиялари икки ёшли эгиз фарзандларини ҳузуримизга жўнатдилар. Исми шарифлари Бобоҳасан ва Бобоҳусайн эркан. Авлодларини сизнинг соянгизда мухтарам авомиз амир Боботурк жанобларига етказмоқни мендан рижо этибдилар. Улар ота юртларида, она тилларида савод чиқармоқларини орзу этганларини қайд этиб, номимга мактуб битибдилар.

Хатларида мен ғурбату мусофирчиликда элим ва юртим меҳрига зор қолиб кетдим. Бул аянчли қисматни авлодларимга раво кўрмайман. Аллоҳ ҳеч бир кимсани ўз улуси ва тақдири туташ, киндик қони тўкилган тупроқдан айирмасин. Ким бўлмасин, ғарибликда инсон қанотсиз қушга айланар экан. Ота-юртимни эсласам, юрагим сув бўлиб кетади, дея ўз арзи ҳолларини баён этибдилар. Бобоҳасан ва Бобоҳусайн саройимизни тўлдириб, чопқиллаб амирзодаларимиз-ла бирга ўйнаб юрибдилар. Иккиси-да сиз Собиҳқирон ҳазратлари ва оталари амир жанобларини кўрмоқ орзусида кечалари миҳжа қоқмай чиқадилар. Мен уларни ўз фарзандим каби қабул этдим ва бошим устида ерлари бордир. Боиси, амир Боботурк авомизнинг биз амирзодаларга кўрсатган фидокорликлари олдида барчамиз бирдек қарздормиз.

Сиз – қиблагоҳ ҳазрати олийлари, рухсат этсалар, амир жаноблари рози бўлсалар, уларни бағримизда асраб-авайлаб етиштиражакман.

Бошимиз узра қуёш каби нур сочиб турган Сиз – азиз бобожоним, жони жаҳоним, жонимнинг ичинда жононим бобомнинг кўзлари ва кўлларини ўпиб, амри фармонларини беклагайман!”

Алп Туркаш мактубни ўқир экан, кўзидан шашқатор ёш куйилар, бўғзидан сўз эмас, йиғи чиқаётгандек эди.

Амир Боботурк ҳам ичидан отилаётган йиғини тўхтата олмади. Елкаси силкиниб, бўғзига тикилиб қолган ўкирикни аранг босиб турарди. Бу хушхабардан барча бирдек ҳайратга тушган эди. Китобдор ва тарихчи амирнинг елкасига пешоналарини тираганча кўз ёши тўкарди.

Кутилмаган хабардан хаёли қочган амир Боботурк ҳамон ўзига келмасди.

Ҳокон ишорати билан Алп Туркаш амирни биллагидан олиб, саропарда даҳлизи томон етаклади. Улар бир зум бир-бирларини бағрига босиб турдилар. Дўстининг бахтидан боши кўкка етган Туркаш ҳам унга қўшилиб кўз ёши тўкди. Юз-қўлларини ювган амир ва соҳибхабар ҳоконни беклатмай қайтдилар.

Қўл қовуштирганча ҳокон қаршисида тик турдилар.

– Авлод муборак бўлсин жигарим, – деди бўғик овозда ҳокон самимият-ла.

– Қуллук, устоз. Аллоҳ сиздан рози бўлсин. Бу мужда ила бошимни кўкларга етказдингиз – жавоб қилди амир йиғига ўхшаган сасда.

– Ҳиндистон сафари олдидан қилган башоратингиз тўғри чиқди. Ул мамлакатга юришимиз не қадар янглиш ўлса-да, бир савобли иш қилдикким, салтанатимизнинг энг ёш ва кекса куёви амир Боботуркни оилали ва қўш ўғилли қилдик.

– Фарзанд муборак!

– Умри билан берган бўлсин!

– Қадами қутлуғ бўлсин! – тилак билдирди уни қучоқлаб табриклаган тарихчи ва китобдор.

– Шундай қилмоғимиз ижоб этади, авлодларим. Амирзодамизга ташаккур билдирган ҳолда Бобоҳасан ва Бобоҳусайнбек авлодларимизни Самарқандга олиб келсак. Таҳсил ва тарбияси бошкентда бўлгани маъқул. Зотан, улус миллат ўлароқ бошкентда шаклланажак. Авлодим Туркашбек, сиз ҳозироқ Қандаҳорга чопар юборинг. Пирмуҳаммад Мирзо фарзандларимизни муносиб равишда

Самарқандга йўлчи этсунлар. Амир Боботурк ҳам эртага йўлга чиқадилар. Икки тараф чопарлар орқали қай манзилда дийдорлашадилар, ўзлари ҳал этсунлар. Набираларим учун неки масраф лозим бўлса, менинг ҳисобимдандир. Муншийга айтинг, бу хусусда хазиначи учун лозим бўлган авроқни ҳозирласун.

Хоқон сўзини тугатиб, ўрнидан турди. Хонтахтани айланиб ўтиб, кўл қовуштириб турган амир Боботуркашни бағрига босди.

— Эртан сабоҳ сафарга отлана билурсиз. Лозим бўлган черик ва масрафни олинг. Йўлингиз юзингиз каби оқ бўлсин, авлодим, — дуо қилди хоқон кўнгилни ийтиб юборадиган меҳрли оҳангда. — Самарқанднинг тошу тупроғига, оғочу гиёҳига мендан салом айтинг! Юртни жуда соғинибман. Ортингиздан биз ҳам етиб борамиз. Бошкентга етишингиз билан шаҳардаги турум, райятнинг аҳволи хусусида батафсил ҳисобот ёзиб, чопар орқали менга еткуринг. Қаландару дарвешлар шаҳаншоҳига мендан алоҳида дуо ва салом сўйланг. Янги битикларини мактубга кўшиб юборинг. Айтгандай унинг сўнги айтувларидан келмадими? — шогирдини чалғитиш учун мавзунини ўзгартирди хоқон.

— Бор, устоз. Ўтган куни олгандик, — жавоб қилди амир ҳамон ҳаяжони босилмай, кўйнидан ўроғлиқ қоғозни чиқарар экан.

— Қолдиринг, лутфан. Сўнгра, ўқийман, — деди хоқон мулозимларга кетмоққа изн бераркан.

Саропарда ўртасидан тик турганча, беихтиёр, амир узатган қоғозга кўз ташлади. Шоҳи Қаландар туркиларида шаҳардаги ҳаёт мароми, одамлар кўнишаётган муаммолар акс этар, жойлардаги, билхосса пойтахтдаги кутволу даруға, жоҳил муллаю қозиларни сўз ила аёвсиз савалар, улуғ хоқоннинг алоҳида эътибори туфайли кимса унга оғиз очиб бир нима дея олмас, қаландарлар қиролининг ҳақлигини, оқни оқ, қорани қора дейишини шоҳу гадо бирдек билар эди. Шоҳи Қаландар одатдагидек нишонга урганди:

Дема, насли хоиндан
Садоқатли дўст чиқар.
Ҳаволанганга учма,
Тобонданким, паст чиқар.

Қулпошишодан қулмижсоз
Кутма, юксак, уст чиқар.
Дунёи дун бир камдур,
Исодан кам-кўст чиқар.

Олимлар ёқалашар,
Маймунданми, кас чиқар.
Йўқ, аксинча, одамдан,
Шайтон деган нас чиқар:

Кўкайда кин кўртугун,
Қош кўярда кўз чиқар.
Вақти соат етганда,
Қасрдан ҳам яс чиқар.

Косовни мулк деганнинг
Виждон саси суст чиқар.
Бир арслон терисидан
Қирқ тулкига нўст чиқар.

* * *

Ҳақ танимай, инсоф деган,
Очиқ кўзли қодирларга.
Ер-ла баробар этдингиз,
Етмай туриб қадрларга.

Шукрлар ҳам увол ўлди,
Юрак тўлди сабрларга.
Гуноҳларни юкладингиз,
Ношуд, нодон садрларга.

Оёқ учида боқдингиз,
Асил, азим кабирларга.
Тузук жиловни тутдингиз,
Хом-хатала дабирларга.

Ўтар замон, кечар даврон,
Аксин уриб асрларга.
Эй воҳ, ҳеч кунинг қолмасин,
Руҳи абад асирларга.

Осмонларга етган бошлар,
Сизмаганлар қасрларга.
Сассиз, садосиз инарлар
Қора тупроқ қабрларга.

Шоҳи Қаландар, инонма,
Ҳамду сано, садрларга.
Тахтлар тафти ёмон ёқар,
Тоқат айла чодирларга.

* * *

Аҳли жўмард сусганда,
Қабиҳлар бир, қур бўлар.
Золим ҳаддан ошганда,
Кўлда қамчи жўр бўлар.

Кўрнамак жону жигар
Ҳақдан топар, кўр бўлар.
Насли ноқис нокаслар
Ўлмай туриб, хор бўлар.

Шоҳ Қаландар, отдан қолмас байталиг,
Давринг кечди, айтиб қолгин айтаринг.
Зардолию пистадан бодом чиқмас,
Сендек далли шоирдан одам чиқмас.



ЎН БЕШИНЧИ БОБ

...Бағдод халифаларининг қўлларидан ишларини ола билиб, тиладикларинча мамолики исломиятни ифода этувчи султонлар, Оврупо аҳли салибина шонлар, сабоқлар ва маориф ўргатувчи салжуқийлар, айубий мамлакатларини, Афғон ва Ҳиндистонга қадар етишдирмиш газнавийлар, Африқо шимолларини ва Миср мулкани Оврупо аҳлининг ҳужуминдин ҳифз этувчи мамлукийлар, барчаси туркийлар эдилар.

Ҳасан ато АБУШИЙ

Бирор жиддий иш билан банд бўлмаса, беихтиёр, асабий ҳолатда сарой кўринишхонасида наридан бери бориб келадиган Султон Йилдирим Боязиднинг пайтавасига қурт тушган эди. Уйқусидан ҳаловат қочиб, кечаю кундуз хаёлини банд этган оқсоқ Темурний ўйлайверганидан ҳар кеча тушларига кириб чиқадиган бўлиб қолди. Бў ҳолат унинг кайфиятини бузиб, баттар асабийлаштирар, бўлар-бўлмас иш учун сарой мулозимларига бақириб-чақирарди. Кейин эса овозини баландлатганидан хижолат чекиб, ўша маъмурининг кўнглини кўтармоқ мақсадида, бирон-бир илиқ сўз айтиб кўярди.

Тез фикрлаб, ажала қарор қабул қиладиган султон тўқнашгудек бўлса Темурнинг жойини солишига шубҳа қилмас, бошлаб бир таъзирини бериб қўйиш иштиёқида ёнар эди. Шундай қилса жуда кўп мамлакатлар у саҳройи босқинчининг зулмидан қутулар ва султонни ўзларининг нажоткорлари деб билардилар. Саройда бир неча қўмондондан бўлак барча бу тўқнашувга қарши. Турли оҳангда унга бу сўнги йўлдан юрмасликни маслаҳат

бермоқдалар. Вазиру мулозимлардаги бундай кайфият билан қандай қилиб Темурдай душман билан юзма-юз келади? Султоннинг энсасини қотириб, асабини кўзиётган ҳолат шу эди. Ҳе йўқ, бе йўқ Қора Юсуфнинг оёқ-қўлини боғлаб Темурга жўнатиб юборса, бутун туркман улуслари нима деб ўйлайди? Бу унинг ғозий, султонлик обрў-эътиборига тўғри келмайди-ку! Бироқ не бўлса бўлсин, Султон Аҳмад Жалойирнинг рухсатини беради. Кетсин Жазирасиғами ёки Темур ер билан яқсон қилган Бағдодигами. Қаерга кетса кетсин! Усмонли табааси султон касофатига қолмаслиги керак.

Султон оғир ўйлар оғушида кўринишхона олдига келиб, қопуни очди. Даҳлизда хос мулозим қўл қовуштириб турарди.

– Амир Темуртош зудлик билан хузуримга етиб келсин! – деди султон ичкарига киратуриб. – Тезда етиб келсин.

Амир ва лашкарбоши Темуртош кўринишхонага кириб келганида Султон Йилдирим Боязид сарой ҳовлисига боққанча ўйга толган эди.

– Кел, Темуртош, – деди у паст ва ғамгин овозда. – Аҳволинг нечук? Чақирмасам келмайсан?

– Сиз ҳазрати олийларини роҳатсиз этмоқ истамайман, султоним. Бўлмаса, сиз ила баробар бўлмоқ мен учун буюк бир саодатдур, – самимий жавоб қилди амир Темуртош.

– Бу оламда не гаплар, Темуртош? Оқсоқ дўстимиз тарафдан бирор бир ҳаводис борми? – сўради султон амир-лашкарни ўтирмоққа даъват этиб.

– Билганингиздек. Ўша-ўша гап. Талаби битта. Султон Аҳмад Жалойир билан Қора Юсуф Туркманни салтанат худудидан чиқариб юборишимизни ёки хузурига жўнатишимизни талаб этмоқда.

– Менинг сезишимча уни Султон Аҳмаддан ҳам кўра Қора Юсуф астойдил қизиқтиради, чамамда.

– Шундай, Султон ҳазратлари. Султон Аҳмад бир неча бор мактуб ёзиб Темурнинг ҳукмронлигини тан олган. Унга қарши астойдил кураш олиб бормаётир. Темур ҳақида ҳам Қора Юсуф каби ҳақоратомуз сўзлар айтмайди. У Сул-

тон Аҳмадни ўз ҳолига қўйиши мумкин. Боиси, жалойир уруғига ҳурмат билан қарайди. Бу уруғ барлос, қавчин ва арлот уруғи билан биргаликда Чингизхонни буюк қоон қилган. Ундан ташқари қўшинида ҳам ўн мингдан ортиқ жалойирлар бор. Бироқ Қора Юсуфни кечирмайди. Қора Юсуф одамлари мелини талаган ўнларча карвонбошилар Темурга арз қилиб, ҳамон шаҳид кетганлар учун Қора Юсуфнинг хунини талаб этиб турибдилар. Қора Юсуф тилига эрк бермаганида ҳам бу аҳволга тушмаган бўлур эди. Темур яроқ жароҳатини унутиши мумкин, бироқ сўз ярасини унутмайдиганлар хилидан дейдилар.

– Султон Аҳмад аини дамда қаерда? – сўради Йилдирим Боязид амир Темуртошнинг ҳикоясини диққат билан тинглар экан.

– Ўзингиз тайин этган манзил, Енишаҳар яқинида хайма тикиб ўлтирибди. Еб-ичишидан хабардор бўлиб турибмиз, – жавоб қилди амир Темуртош.

– Гап бундай, бей. Бу суҳбат ва сўз иккимиз орамизда қолсин. Ҳозироқ йўлга чиқ-да, Султоннинг хузурига бор. Усмонли тупроқларни зудлик билан тарк этсун. Ҳеч бир изоҳ берма. Унга бу сўзларни айтганингни чевраси, навқарлари ҳам туймасун. Аслида ўзи буни англаб етиб, хулоса чиқармоғи лозим эрди. Бизнинг турку туркман қавмини туртмасанг билмайди, – дея амирига йўриқ берди Султон Йилдирим Боязид табиатига хос бўлмаган ғалати бир оҳангда.

Дарвоқе, аини замонда Бағдод халифалигини жалойирлар бошқарса, асли туркий бўлган Миср султонлари араблашган черкесларнинг авлодлари эдилар. Султон Йилдирим Боязид султон Аҳмаднинг асли турклигига писанда қилиб кесатган эди.

– Ғоят адолатли қарор, – деди амир Темуртош султоннинг фикрини қувватлаб. – Бу борада менга яна не амрингиз бор, султоним?

– Йўл-йўлакай Арзинжон тарафлардан маълумот ол. Мен Истанбулга бориб, шаҳар қамалини давом эттирмоққа бош-

кош-бўламан. Шундай бир дамда Темур билан урушмоқ биз учун ортикчалик қилади. Бунинг ўрнига тезроқ Истанбулни ва Измир қалъасини қўлга киритишимиз керак.

Сўзини тугатар-тугатмас, ўрнидан турган султон амир Темуртош ҳамроҳлигида сарой ҳовлисига чиқди.

— У тарафга кетаётганингни кимса билмасун, — деди ҳовлига чиққач паст овозда. — Вазифани адо этиб, тезда ортга қайт. Сафар тафсилотини сўзлаб берасан. Қаерда бўлсамда хузуримга келавер. — Ха, айтгандек, Қора Юсуф қаерда? Ундан не хабар бор?

— У муқим бир жойда турмайди. Темур унинг улуси яшайдиган ҳудудларга яқинлашса, бизнинг мамлакатимизга ўтади. Туронлилар чегараларимиздан узоклашса, улар тасарруфидаги ерларга от қўяди. У Озарбайжонни ва туркманлар яшайдиган барча ҳудудларни ўз мулки деб билади ва Темурни авлод-аждоди билан йўқ қиламан, деб очик айтиб юрибди. Аскарний қуввати ҳам анойи эмас.

— Қора Юсуф Туркман ҳақ! Унинг айби бошқаларга ўхшаб Темурга бўйин эгмаганлигидадир. Шу боис, мен уни ҳурмат қиламан. У ҳақдаги “мусулмонлар молини талаб, қароқчилик қилмоқда” деган гапга келсак Темур каби худонинг бир балосидан този қувган тулкидек қочиб-қусиб юрган киши бошқа қай тарзда кун кечира биларди. Вақтисоати етиб, биз унинг мушқулини осон этамиз. Кета билурсан. Хайрли йўлчиликлар!

Унг қўлини кўксига босиб, эгилиб таъзим бажо келтирган амир Темуртош ўн қадамча тисланиб борди-да, сарой отхонаси томон бурилди.

Бир замонлар бутун эрону араб дунёсини титратган жаллоийрлар сулоласининг сўнгги вакили Султон Аҳмаднинг нигоҳи Қорабоғ томонда бўлиб, егани ичига тушмас эди! Ортами кеч Темурнинг усмонлилар устига бостириб келишидан чўчиб, ҳаловати йўқолганди. Унинг беш юз чоғли навқар ва мулозими бўлиб, уларни боқмоқ ҳамда от-уловга ем-хаштак етиштирмоққа қийналар, халифалиқни, Мадинату усе-салом (“Тинчлик шаҳри”) Бағдоддек афсонавий ва маъмур шаҳар ва Ироку Ажамни сўраб турган султон қувғинда яшар эдинг.

У Темурга нисбатан бир хил муносабатда бўлмай хато килди. Турон ўрдуси Самарқандга қайтиши билан берган сўзини унутиб, Темур қўйган волий ва даруғаларни ҳайдамокка киришди. Темурнинг фатҳларини вақтинчалик, ўткинчи бир тўкнашувлар деб қаради. Мана қарийб ўн йилдирки, улар сичқон-мушук ўйини ўйнайдилар. Темур истаса, уни қисқа фурсатда тутиб олиб жазолаши мумкин. Лекин у шу пайтгача қўлига тушган ва ўзига қарши жангга кирган бирорта ҳам ҳукмдорни ўлдирган эмас. Савашга кириш олдидан навкарларига нафақат подшоҳларни ва ҳатто амирларни ҳам ўлдирмасликка кўрсатма беради. Уларни асирга олиб суҳбатлашишни, сўнгра давлатини қайтариб беришни хуш кўради. Султон Аҳмаднинг икки хотини ва синглиси ҳам қўлига тушганда уларга шоҳона илтифотлар кўрсатиб, от-улов бериб, хузурига қайтариб юборди. Султон Аҳмад унга нисбатан нозикроқ сиёсат юргизганда эди, бугунги кунда мавқеи Йилдирим Боязид ёки Миср султони Носируддин Фараждан кам бўлмас эди. Юрти ҳам таланиб, Бағдод ҳам оёқ ости бўлмасди. Тўғри, у Бағдодда бузилган иморатлар ўрнига янгиларини тиклашни буюрди. Ўнлаб масжидлар ва юз йигирма мезана тиклатди. Лекин барибир уруш урушдир. У келтирган талофатини қоплаб бўлмайди. Энди у билан тил топишмоққа кеч бўлди, чамаси. Жалойирлар мўғуллар билан тенгма-тенг сўзлашиб, Чингизхон ва унинг ўғилларига сўзини ўтказиб, Хўжанд, сўнгра Ироқда ўз давлатларини қуриб, юрт сўраб юрганларида бу ўпкаси йўқ барлос турклари мўғулларга навкарлик қилардилар. Қаердан ва қандай пайдо бўлди бу Темур дегани? Инсон зотининг ақли етмайди. Ҳинду афғон, Хуросону Эрон, Дашти Қипчоқу Мўғулистон, Ироқу Озарбайжон бир зумда унинг мулкига айланди-қолди. Худо кўрсатмасин, эртага Султон Йилдирим Боязид билан тўкнашса борми, уни ҳам ит талаган мушукдек қилади. Боязид эса самодда учиб юрибди. Темур эса ҳаводагини эмас, товадагини ўйлайдиган ҳокон. Унинг ҳеч қачон ва ҳеч кимдан енгилмаслигини чуқур англаб етмаётир. Шарқнинг одамла-

ри ғарбликларга қараганда шафқатсиз ва янада ёвузрок бўладилар. Туркларнинг ҳукмдори ақлли бўлса бас, улар дунёни фатҳ этадилар.

Ўзининг ўрганиб қолган оти Қоранорда Қалъатуррум йўлидан кетиб бораётган Султон Аҳмад Жалойирнинг миясида шу фикрлар ғужғон ўйнар, ўй сураверганидан боши шишиб кетгандек эди. Қорамтир ва ғўштдор юзи кўқарган, оғир танасини от устида ҳам зўрға кўтариб бораётгандек эди. Аллақачон султонлик тожини киймай қўйган, тож ҳам бошига оғирлик қилаётгандек туюларди. Шохлик ҳам эплаб отилмаган сопқон каби экан. Тахтга ўтирганидан бери тинчлиги йўқ. Энди эса на тахт бор, на кечаси тинчгина тунайдиган бир бурчак. Оқшом қаерда ётишини билмай йўлга чиқади, чўпон каби оёқ устида овқатланиб, ярим-ёрти ечишиб ётади.

Меҳмон меҳмонни, уй эгаси эса иккисини ҳам ёмон кўради деганларидек, Йилдирим Боязид ишора этмаса-да султон Аҳмад Усмонли худудидан чиқиб кетмоқчи эди. Олдинроқ шу қарорга келганида, Темуртош сўйлаган нохуш гапга ўрин қолмаган бўлур эди. Бироқ унинг кетиши ҳам Йилдирим Боязид ва ўғилларини Темурнинг қаҳригазабидан қутқариб қола олмайди. Бир бошга бир ўлим! Султон Аҳмад Жалойир бошига не кўргулик тушса дош бермоққа қодир. Ҳазрати пайғамбаримиздек улуғ инсонким не-не кунларни бошларидан кечирмадилар. Бу ҳам яратганининг синови бўлса керак. Оғир кунларда сабру қаноат берган даргоҳи кенг Эгам ёруғ кунларидан бенасиб этмасин!

– Ё қодир эгам! – дея от устида туриб қўлини фотиҳага очиб самога тикилди Султон Аҳмад кўзи жикқа ёшга тўлиб. – Сенинг ҳақ дининг ва Расулulloҳ йўли учун қўлимдан неки келса қилдим! Раҳм-шафқатингни, меҳр-мурувватингин дариғ тутма! Мушкулларимни осон, салтанатимни барқарор эт! Дўсту душман орасида юзимни ёруғ қил! Етар бу қадар азоб-уқубат! Ўзингдан бошқадан нажот йўқ! Мадад бер!

Султон Аҳмаднинг кўз ёшлари султонлик тўни ва оқ

ипак кўйлагининг ёқасини ҳўл қилган, ёш боладек елкаси силкиниб йиғлаб борар эди. Навкар ва мулозимлар эса султоннинг Оллоҳга илтижосига халакит бермаслик учун ўттиз кадамча орқада келишар, кимсадан садо чиқмас эди.

Кальатуррум йўли Фирот дарёси ёкалаб ўтган, сафар учун кулай эди. Ёғий курукликдан хужум қилиб қолса сувга тушиш, сувдан келса соҳилга уриб кетиш мумкин эди. Бу кадрдон наҳрга қарагани сари султоннинг яралари янгила-нарди. У ич кўйлақда икки маротаба ўзини сувга ташлаб, жонини кутқариб қолган эди. Дарёга тикилгани сари кўз ўнгида ўша укубатли кечалар жонланарди.

Кун тикка келиб, пешин намози пайти бўлиб қолганда, Султон отини кирғок томон бурди. Орқасидан келаётган карвон ҳам таққа тўхтади. Барча баробар наҳр бўйида таҳорат қилиб, ибодатга киришди. Султон Аҳмад доимо қумғонда сув олиб четроқда таҳорат қилгани учун одамлари ҳам шу тахлит таҳорат қилар эдилар. Эски туркларда сув мукаддас бўлиб, унга туфуриш ва ахлат ташламоқ гуноҳ эди. Бироқ султон қанчалик ҳаракат этмасин, буни тартиб-сиз арабларга ўргата олмади. Улар ётиб-турган жойни бир кун тозалашга тўғри келарди.

Султон ибодатни битирганича, ошпази Чалабош куйрук ёғига ковурилиб, хумга солиб кўйилган кўй гўштини иситди. Устига пиёз тўғраб, зираворлар сешиб, султоннинг тез тикланадиган хаймасига олиб кирди.

– Чодирга киришга ҳам токат йўқ. Очиқ ҳавода ўтирайлик. Юрагим сиқилиб кетмоқда, – деди соҳилдан оҳиста кадам босиб қайтган Султон Аҳмад.

Султон ёлғиз ўтириб емак еди. Унинг кайфияти жойида бўлмаганида ёнига оила аъзолари ҳам йўламас, фақат ўғли Тохир кела биларди. Султоннинг дилини ғаш қилган яна бир омил бор эдики, у ҳар доим бу нуқсондан нолиб, ўғлига ганбех бера эди. Шу пайтгача юкори мансабга тайинланган садраъзамлардан тортиб вазирларгача, лашкарбошиларидан амирларигача бирортасига катта-кичик ишни топши-

риб, кўнгли тўлган эмас. Недан? Бу кишиларнинг барчаси чала туғилганми? Ёки Султон Аҳмад подшоҳ ўлароқ уларни бошқара олмаяптими?

Темурнинг иккинчи бор Дамашққа киргани, ундан Мординга ўтиб, сўнгра Бағдодга юзланажагини жосуслари Султон Аҳмадга етказдилар. Темур Омуд, Мосул ва Қантари каби тасарруфидаги мулкларни кўздан кечиргач, унинг юртига қараб кетди деган гап тарқалди. Устма-уст омадсизлик ва мағлубиятлардан юраги олиниб қолган Султон Аҳмад бу гапга ишонмади ва Султон Йилдирим Боязид саройининг йўлини тутди.

Лашкарбоши Бағдодга Фаражни ноиб этиб қолдирди. Унга маслаҳатчи этиб, Ибн ал-Балиқийни тайинлади. Ўзи эса фурсатни бой бермай Қора Юсуф Туркман йўлдошлигида Рум сари юзланди. Шаҳар дарвозасидан чиқиб кетаркан, ёнида отини қистаб бораётган ноиби Фаражга сўнги кўрсатмаларни берди:

– Зинҳор-базинҳор Темур келса шаҳар дарвозаларини ёпма! Ҳеч қачон у билан урушмоқ ниятида бўлма! Ниманики истаса, олсин. Унинг ҳеч бир хатти-ҳаракатига монелик қилма! – дея қатъий оҳангда тайинлади Султон Аҳмад.

Бироқ қачонлардир бу келгинди жалойирлар кўлидан Султонликни тортиб оламиз дея ички-бир туғён билан юрган бағдодлик араблар ҳокимият қўлларига ўтганидан истифода этиб, Султон Аҳмад ва Амир Темурдек икки душмандан бирийўла кутулмоққа қарор қилдилар.

Ноиб Фараж Темурга Бағдод дарвозасини очмади. Унга қарши урушга киришиб, Темурни Султон Аҳмадга қарши янада бағтар қайраб, вазиятни чигаллаштирди. Темур эса буни Султон Аҳмаднинг яна бир хийласи деб ўйлади. Қисмат шундай экан. Кишидан омад юз ўгирса, иши юришмаса туянинг устида ҳам итлар копиб, битлар тарамашар экан.

Султон Аҳмад Жалойирнинг чидамоқдан бошқа иложи, сабри-шукрдан ўзга тасаллиси йўқ эди.

Бунинг устига у хузурига мадад истаб келган Қора

Юсуф билан топишди. Бу ҳам дард устига чипқон бўлди. Темурнинг фиғонини фалакка чиқарди. Охир-оқибатда вайронага айланган она шахрига девонага ўхшаб кириб бормокда. Шаҳарда уни не кўргуликлар кутиб тургани эса ёлғиз яратганга аён.

Оғир ўй босган Султон Аҳмад ҳорғин бир қиёфатда Хит қалъасига етиб келди. Қалъа доруғаси Туркаш Жалойир ҳам ўз уруғидан эди. Султонни кўриб, боши осмонга етгудек бўлди. Қаршилиқ кўрсатмагани учун Темур ҳам унга тегмаган, доруғалиқ вазифасида қолдирган эди. “Доруға Туркаш Жалойирчалиқ тинчлигим йўқ. Темурга ҳеч бўлмаганда шу доруғачалиқ сиёсатда бўлганимда ҳам бу каби сарсону саргардон бўлиб юрмаган бўлар эдим” – хаёлидан ўтди Султоннинг.

Султон Аҳмад икки кун қалъада дам олган бўлдида, Бағдодга қараб жўнади. Вайрона шаҳарда уни ҳеч ким кутмаётган, кутадиған одамнинг ўзи йўқ эди. У эски саройни таъмирлашга киришиб, тарқалиб кетган одамларини кута бошлади. Ишчи ва қурувчилар озлиғидан мулозим ҳамда навкарларини лойхонага солди.

Султоннинг ҳар бир хатти-ҳаракатини эътибордан қочирмайдиган Темур унинг Бағдодга кирганлигини туйиши табиий эди. Зудлик билан кенгаш қақирилди. Алп Туркаш Султон Аҳмаднинг усмонли ерларини тарқ-этиб, Бағдодга етиб борганини ва тарқалиб кетган лашкарини кутаётгани ҳақида маъруза қилди. Тўпландида шайх Табризий ҳам иштирок этаётган эди.

Ускуф Йўханна эса ҳокон Темурнинг элчиси сифатида Рим папаси ва Фаранг қироли ҳузурига жўнаб кетган эди.

– Бу хусусда кимда не фикр бўлса сўйласун, – ўтирганларга мурожаат қилди ҳокон.

– Султон Аҳмад мамлакати пойтахтига бормай бошқа бир ерда тек турганда унга эътибор бермасак бўлар эди. Бироқ пойтахтга намойишқорона кириб, саройини тиклаётганлиги бизга қақирқ эмасми? Менимча, уни таъзири-ни бериб кўйиш керак; – биринчи бўлиб ўз фикрини айтди амирлардан Шайх Нуриддин.

– Тўғри, у ўзини биздан бир неча бор енгилган одамдек тутмаётир. Шунинг учун уни Бағдоддан кувиб чиқармоқ лозим. Майли Жазиранинг бошқа бир ерида кунини кўрсин, – кўшилди Шох Малик.

– Маъкул!

– Кўшиламиз!

– Унинг таъзирини бериш керак.

Темур бу хусусда нимадир демоқни истаётган шайх Табризийга қаради.

– Сўйланг, шайх ҳазратлари, – деди у томон ўгирилиб.

Шайх Табризий ўрнидан оғир кўзгалиб, чуқур нафас олди. Аввал Темурга, сўнг тўпланганларга зехн солди-да, сўз бошлади:

– Бу қадар абгор бўлган, беш-ўн йилда шаҳар нари турсин, яшайдиган уйини ҳам тиклаб ололмайдиган бир номи улуғ супраси қурук бечора подшо билан тирлашмоқ қандай бўларкин, мухтарам амирлар! Шундай обод ва кўркам Бағдод кунпаякун бўлди. У келиб, Бағдодни тиклаётган чоғи, бориб уни маҳв этсангиз, эл-юрт сиз ҳақингизда не дея сўйлаши ва тарихнинг не дея ёзишини ўйлайсизми? Каттакон ўрдуга эгасиз, кўлингизда шундай улуғ салтанат бор, лекин ўрдуингиздаги бир-бирига қайнаса қони кўшилмайдиган бу жоҳил қавму қабилалар илону чаёнлигини ҳам унутманг. Фатҳу зафарларнинг ҳам иккинчи бир учи, тесқари томони ва интиҳоси бор! Агарким, Султон Аҳмад Жалойир бемалол Румдан чиқиб, Бағдодга кириб борган ва у ерда ишини давом этдираётган экан, унда сизнинг фатҳ этилган ерлардаги давлатчилик сиёсатингизга не бўлди? Бағдод учун жавобгар одамингиз қаерда қолди? Хато кетмасам, у ерда анча-мунча мезаналар қурилиб, масжиду мадрасалар таъмир этилаётган эди. Буларнинг барчаси хўжа кўрсинга эдими? Бунинг устига қаршингизда Аврупони тиз чўктирган Султон Йилдирим Боязиддек бир подшо тишини қайраб турган бўлса!? Билмадим, яхшироқ, чуқурроқ ўйлаб кўришингизни маслаҳат бераман. Мен фикримни сўйладим. Хато қилсам, гуноҳим бўйнимдадир, –

дея сўзини тугатиб, уни завқ билан тинглаётган Темурга хиёл эгилиб, таъзим қилди-да, ўтирмасдан унинг жавобини кутди.

Хоқон шайхга ўтирмоққа ишора этди.

– Жавоб берингиз, мухтарам амирлар! Мен бугун сизларга ҳакамлик қилмоқчи эмасан. Гапнинг очиги, ҳакамлик қилавериб ҳам чарчадим. Ўзингиз бир қарорга келинг, – дея беихтиёр Шайх Нуриддинга қаради.

Шайх Нуриддин гапга чечан мавлоно Табризийнинг оташин нутқидан сўнг нима дейишини билмай шошиб қолган, унинг фикрига кўшилмаса-да, айтиш дамбада айтиши лозим бўлган сўзлар тилига келмаётган эди.

– Мен фикримни жамлаб олай, ҳазрати олийлари. Биродаримизнинг эътирозларига албатта жавоб бергумдир, – деди тутилиб Шайх Нуриддин.

Бу пайтда Шоҳ Малик ўрнидан турган эди.

– Рухсатингиз ила, шайх ҳазратларига мен жавоб берсам, – деди у биров қизаринқираб. – Сўзингизни эшитган ҳар қандай одам бу инсонпарварлик олдида боши ерга етгунга қадар таъзим қилади. Сиз улуг олимсиз. Бироқ жангу жадал ва уруш давом этаётган даврда қандай сиёсат юргизмоқ ҳақида балки билгингиз йўқдур. Билмаслик айб эмас. Вазиятни тушунинг, шайх ҳазратлари. Чексиз ҳудудларни тасарруф этган ўрду сифатида фатҳ этган ўлкаларимизда бизнинг розилигимизсиз эски ҳукуматлар тикланишига йўл қўя олмаймиз. Бугун Султон Аҳмад бош кўтарса, эртага Ван кўли атрофига келиб, Қора Юсуф ўз давлатини эълон этади. Индинига эса Султон Аҳмаднинг ўғли Султон Тохирни бизга қарши қайраб, асраб-авайлаб юрган гуржилар, сўнгра арманилар ўйин кўрсатади. Ташаббусни қўлдан чиқардикми, замон чархпалаги бизнинг фойдамизга айланмайди. Боиси, бизнинг хайрихоҳимиз, дўстимиз қадар душманамиз ҳам бор. Бу дегани биз кўпчиликка ёмонлик қилганмиз дегани эмас, табиатан кучсиз, ожиз ва омадсизлар кучли, шижоатли ва иши юришганларни хуш кўрмайдилар. Султон Аҳмад Жалойир сиз

айтган даражада юксак иззат-хурмат ва меҳр-мурувватга сазовор шахс эмас. Она ўрнида оналик қилиб сут эмизган аёл зотини қатл этган подшоҳга худонинг ўзи мана шу азоб-укубатларни юбораётгандур балки. Шу боис, сиз аввал Султон Аҳмад Жалойирнинг кимлигини, насл-насабини чуқур билинг, мушоҳада этинг. Бироқ, улуғ инсонпарварлигингиз, илмингиз, самимиятингиз олдида бош эгаман, устоз шайх ҳазратлари. Қусурга боқманг, сиз неқадар очиқ ва наштадли сўзлаган бўлсангиз-да, бизни ёмон кўрмайсиз; биламиз! Сизнинг ҳам бошимиз устида ерингиз бор!

Амир Шох Малик сўзини тугатиб, Темурга қаради. Улуғ Амир ўтирмакка ишора қилди. Саропарда ичида пашша учса эшитилар, сув селгандек жимлик чўкканди. Темур бирор сўзингиз бўлса марҳамат, дегандек, Шайх Нуриддинга қаради.

– Шох Маликбек менинг фикримни-да гўзал бир йўсунда ифода этдилар. Шунини қўшимча қилишим мумкин-ким, Қайсари Рум Йилдирим Боязид билан муносабатларимиз нари-бери бўлиб турганида, айнан Бағдод воқеасига эътиборсиз қараб бўлмайди. Бутун Араб Ироқи унинг атрофига тўпланиб, бизга қарши кураш бошлаши мумкин. Яна бир нарсани айтмоқчи эдимки, ҳазрати олийлари, ҳарбий машваратларимизга бевосита алоқадор кишилар қатнашса яхши бўлар эди. Йўқса уларнинг барчасига изоҳ бериб, ҳар бир хатти-ҳаракатимизни тушунтирмакка мажбур бўламиз. Бунинг устига ҳарбнинг ўз сир-асрори борки, уни баъзан, энг сўнгги дақиқаларгача ошкор этмаслик мажбуриятида қолурмиз. Бу бобда фикрим шудир, ҳазрати олийлари, – сўзини тугатди Шайх Нуриддин.

Темур бош ирғади. Шайх Нуриддин ўтирди. Бу қутилмаган ва асосий эътироздан шайх Табризий ҳам изза бўлиб терга тушди. Улуғ Амир бироз тин олди-да, қарама-қарши фикрларни мушоҳада этароқ, кенгашга якун ясади. У мубоҳаса бундай тус олишини кутмаган эди.

– Биз туркларни туғма аскарый улус сифатида қаровчи кишилар аслида ҳақдурлар. Эрон шоҳи Феруз Турон юртига ҳарб учун аскарга ҳозирлик кўришни буюрганда,

қўмондонлар ва навкарлар бир овоздан: “Бизни жонларимиздан айирмоқ шоҳимизга жуда зарур экан, бизни туронликларга қарши юбориб, Эрон юрти ва халқига мангу шармандалик келтиришимизни кутмай, барчамизни у ёққа юбормай шу ерда ўлдирса яхши бўлади” дейишган экан. Шу боис, бизнинг ишимизга ўзга кўз ёхуд танқидли нигоҳ ила боқувчилар фикрини эшитганимизда совуққон бўлишимиз керак. Қолаверса, кенгашда ким қатнашиш-қатнашмаслигини мен айтганман. Бағдодга кўшин юбориладиган бўлса-да жуда оз миқдорда ва тартиб-интизомни сақловчи куч юборилади. Лекин мухтарам шайх ҳазратларининг гапларида ҳам жон бор. Одатда ҳар бир шаҳар ёки мамлакат бир марта фатҳ этилади. Икки ёки уч марта забт этилса, у илгари фатҳ этилмаган ҳисобланади. Мен ҳар икки фикрни ҳам қабул этиб, сизнинг ҳукмингизга ҳавола этаман. Кўпчилик не деса шу бўлгай.

Шайх Табризийни фақат амир Боботурк қувватлади. Бошқалар кичик бўлса-да Бағдодга кўшин юбориб, Султон Аҳмадни қувиб юбориш керак деган фикрда эдилар. Улуғ амир Боботуркга ҳайрон бўлиб, бир қаради-да, сўзида давом этди:

— Яна шуни ҳисобга олмоқ лозимки, қиш қаттиқ келди. Қор қалин. Балки айрим жойларда ерга кигиз тўшаб юришга тўғри келар. Катта кўшин билан бундай об-ҳавода юрмоқ жуда хавфлидир. Шу боис, тўртга ихчам черик кетма-кет йўлга чиқади. Амирзода Пир Муҳаммад билан амир Сулаймоншоҳнинг чериги Луристон тарафга, Жаҳон Малик ва Пир Али Тознинг лашкари Ҳузистонга, Амирзода Абу Бакр билан Жаҳоншоҳбек Бағдодга, амирзодалар Халил Султон билан Султон Ҳусайн Жазирага борадилар. Ғанимларимиз одатдагидек қиш ойларида ғимирлаб қоладилар. Шу боис, бул чериклар салтанат худудида бебошлик ила машғул бўлган галаларни жазолаб, элнинг тинч-тотув яшашини таъминламоғи керак! — дея амр берди хоқон. — Шул билан машварат тамом. Барча ўз ишига киришеун! Саропардада ҳазрат Табризий қолсунлар!

Шайх Табризий саропарданинг ўртасида серрайиб турарди. Темур тахтидан туриб, охиста унинг ёнига келди. Саропарда ичига шоли похоли тўшалиб, устига қирмизи эрон ва туркман гиламлари ёзилган, ҳар бурчакда хушбўй хидли антиқа шамлар ёниб турарди. Саропарданинг зарҳал боғичлари шам ёруғида товланарди.

– Аскарнинг авлиёси ҳам аскар, хазрат, – деди Темур шайхнинг кўзига боқиб. – Уларнинг қаттиқ-қуруқ гапларига эътибор берманг. Халқнинг халқлигини аскар эмас, сиз каби инсонлар исбот этадилар. Лашкар қавми йўлбарсга ўхшайди. Уни бирон бир юмуш билан банд этиб қўймасанг, ҳатто ўзинга ташланади. Аслида улар билан маслаҳатлашмай, жангга жўнатсанг, янада хурсанд бўлишади. Менга эса фикрлайдиган лашкар ва лашкарбошилар керак. Ўзга ҳукмдорлардан фарқим ҳам шунда.

– Бундай ҳолатларни биринчи кўраётганим йўқ, Темурбек. Терим қотиб кетган. Ақлни ҳам аҳмоқдан ўрган дейдилар-ку. Бироқ сизнинг амиру лашкарбошиларингизни ақлсиз дея олмайман. Улар ўз ишларини жуда яхши биладилар, – жавоб қилди шайх Табризий хотиржамлик билан. – Мен ҳақми ноҳақми ўз фикрига эга бўлган одамларни яхши кўраман. Жуда камдан-кам ҳукмдорлар бундай кишиларни ёнларида асрайдилар. Аксари подшоҳларга сафдошў салаф эмас, қулсифат югурдаклар керак. Қулни эса исталган пайтда сотиш, юмшоқ жойига тепиш ва бошини олиш мумкин. Чингизхоннинг дин ва диндаги амаллар хусусида Бухоро қозиси Ашраф билан қилган суҳбатини ривоят қиладилар. Эшитганингиз борми? – сўради шайх Табризий.

– Йўқ. Сўйланг! Шунақа ибратли ҳикоятлардан сўзлаб, урушларда занглаб кетган фикримизни бироз тозаланг, – деди Темур шайхнинг бўлиб ўтган ноҳуш баҳсни кўнглига олмаганидан хурсанд бўлиб.

– Чингизхон Бухоройи шарифни олгач, ҳузурига шаҳар қозиси Ашрафни чорлайди ва мусулмон динининг талаб ҳамда тадбирларини билмоқ учун у билан суҳбатлашади. Мусулмон худонинг бандасидир. Худойи таоло ўзи бир ва

ёлғиз, ҳеч кимдан туғилмади ва ҳеч ким они туғдирмади. Унинг назири ва ўхшаши йўқдур, дейди қози Ашраф. Жуда яхши, мен ҳам Тангрини шундай деб биламан дея жавоб қилади Чингизхон. Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо алайҳиссалом ва ғайр расуллар Тангрининг элчиларидир. Амр ва наҳйни бандаларига айтмоқ учун юборилгандур дейди яна қози. Жуда маъкул ва қабул этурман, дейди Чингизхон. Ашраф беш вақт намозни таърифлаб берганида буюк ҳокон уни ҳам қабул этади. Сўнгра ҳажни баён этади. Бутун олам худойнинг юртидир. Бир ерни белгилаб, унга бормоқнинг маънисини не дидир, англамадим, дейди Чингизхон эътироз билдириб. Қоон ҳаж амалининг фалсафа ва ҳикматини сўраб-суриштирганда Бухоро уламолари асосли бир жавоб бера олмайдилар. Шундан сўнг Чингизхон бу масалада ўз фикрида қолади. Замон ўтиб Мовароуннахрнинг подшоси бўлган ўғли Чигатой эса бир мусулмоннинг бошини келтирган аскарига олтин танга беради. Менга сабоқ берган устозим шу мисолни келтириб, дунёдаги барча динларга ҳурмат билан қараш кераклигини таъкидлар эди, – дея ҳикоясини тугатди шайх Табризий.

– Инсон Ҳаққа етмоқ учун ўқиб изланмас экан, тўтиқушга ўхшаб, эшитган ва кўрганларини сайраб юраверади, – шайхнинг фикрини қувватлади ҳокон.

Улар оҳиста юриб саропардадан чиқдилар. Об-ҳаводан илк баҳор кўқиси келар, бир неча кун бурун ёққан кавуш ботар қор эриб, майсалар ниш ура бошлаган, оппоқ қор қоплаган тоғ тарафдан этни жунжиқтирувчи совуққина эпкин эсарди.

Темур булутлар орасидан гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай мащриқ томон ўрмалаётган кўёшга қараб, шом яқинлашаётганини пайқади. Улар гурунглашиб, улуғ амирнинг хос масжиди томон юрдилар.

Амирзода Абу Бакр билан амир Жаҳоншоҳ йўлнинг танобинини тортиб, қор кечиб, Бағдод томон кетиб боришарди. Улар Қорабоғдан узоклашгани сари қор қалинлашар,

тоғлардан куйига энишлари билан яна сийрак торгар эди. Бағдодга якинлашганлари сари хаво иликклашиб, лашқарга жон кириб қолди.

Черик Бағдодга кечаси, шовқин-суронсиз, тўсатдан кириб борди. Султон Аҳмад йигирма минглик Темур кўшини келганидан хабарсиз қолди. У тунги узун кўйлагига ухлаб ётарди. Кийимларини ҳам алмаштиролмай шу аҳволда ўғли Тоҳир билан доимо сафарга тахт турадиган кемасига ўзини отди. Нафаси бўғзига тикилиб, кемачига Ҳилла томон сузишни айтди.

Амирзода Абу Бакр Жаҳоншоҳга Султон Аҳмадни таъқиб этмоқни буюрди. Амир Султонни Ҳиллагача қувиб борганида у Фирот нахридаги кўприкни буздириб, дарёнинг куйи оқимидаги Холид ва Молик оролларига етиб яширинди. Амир Жаҳоншоҳ бўлиб ўтган воқеани батафсил ёзиб, хос чопар билан Қорабоғга, улуғ Амир арзига етказди.

Бағдоддан келган, ўзини қониқтирадиган хабар шарафига ов уюштиришни буюрган хоқоннинг кайфияти яхши эди. Қиш пайтида, тоғ этаклари ва қирларда ов қилмоқнинг ўзгача гашти борлигини яхши биладиган хоқон сарой аъёнлари ва амирлар билан сўзлашиб, Арас дарёси бўйида отда сайр ётарди. Бир жуфт товушқонни камон билан отмоққа шайланаётган Темурнинг кўзи дарё ўзанига туташ ва замонлар ўтиши билан лойқага тўлиб, кичрайиб қолган ариққа тушди. Товушқонлар ариқ рошини паналаб жон ҳолатда қочардилар. Темур беихтиёр камонни ёнида турган хос овчиси Олқишбекка узатди. Олқишбекнинг қўлидаги овчи қушнинг сергак кўзи ҳам товушқонларга тушган ва эгаси қўйиб юборса, иккисини бирваракайига тутишга чоғланар эди.

— Қирғийни қўйиб юборайми? — сўради Олқишбек хоқоннинг ўқ отмаганига ҳайрон бўлиб.

— Йўқ, — деди Темур ғалати овозда. — Бу икки жонивор бизга улуғ бир савобли ишнинг амалга оширмоқни ишорат этди. Шулар боис, жониворлар жони омон қолсин! Улар қочиб кетаётган ариқ ўзанига қара. Пастликдаги водий бир вақтлар шу ариқдан сув ичган бўлса керак. Қара, кўмилиб

кетибди. Қалбимга худо шу арикни қаздирмоқ ишқини солди. Эртагаёқ бошлаймиз. Арикнинг отини Наҳри Барлос кўямиз.

Темур отини ниқтаб юрганча, арикнинг сўнгига қадар борди. Унинг узунлиги ўн йағочдан ортиқ эди. Ҳар куни арик қазийётганлар ишидан хабар оларди. Бир ойда уни қазиб битирдилар. Темур бу арикни мусофирлардан илк бор султон Йилдирим Боязиднинг элчиларига кўрсатди. Султон элчилари ақл бовар қилмас қисқа муддатда бундай кенг ва узун каналнинг қазилишини туйиб, ҳайратландилар. Наҳри Барлосда кемалар ҳам бемалол суза олар, Кўшкчекиши ва Сурхапул оваларига ундан оби ҳаёт оқарди. Элчилар Темурнинг қўлларини ўпиб, кўзларига суртишар, эсларини таниб бундай улуғ ишни уддалаган султонни кўрмаганликларини таъкидлашарди. Темур усмонли элчиларини бежизга овга таклиф этиб, йўл-йўлакай Наҳри Барлосни кўрсатмаган эди. Биз Султон Йилдирим Боязид-ла бирлашиб ана шундай улуғ ишлар қилмоғимиз лозим демоқчи эди. Элчилар буюк фотиҳнинг шаъмасини тушундилар.

Қора Юсуфни ўз ҳолига қўйган Султон Йилдирим Боязид бехосдан уруш васвасасига тушиб қолди. Никопол каби яна бир буюк ғалабани қўлга киритиб, бутун дунёни лол қолдирмоқдек ички бир туйғу ақли-идроқини жунбушга келтирган эди. Агар у оқсоқ Темурни енгса Никопол бунинг олдида ҳолва бўлади. Балки бу унинг султонлик юлдузининг янада ярқираши йўлидаги бир имкониятдир. Боиси, айнаи дамда ер юзида унинг қўшини каби черик йўқ. Буни Темур ҳам билади. Шундай экан, у саҳройи билан ади-бади айтишиб ўтирадимиз? Танобини тортиб қўя қолади. Шу билан у Темур фатҳ этган барча элу-элатларнинг халоскорига, якка ҳокимига айланади.

Айнан шу дақиқада, сарой кўринишхонасида асабий равишда тез-тез наридан бери бориб келаётган Султон Йилдирим Боязид ҳеч иккиланмасдан Темур билан урушмоққа астойдил қарор қилди. Амиру лашкарбошилари тайсаллашлари мумкин. Султоннинг эътиборидан қолган дақиқадан

бошлаб уларнинг барчаси ҳеч ким эмас. Бузукнинг қочгани сомонхонагача. Амиру қўмондонликни кўзлаб, керак бўлса Самарқандгача борамиз деб турган ёш зобитлар бор. Уларга бойлик, ҳуқуқ ва амал беринг. Дунёни тўнтардилар.

Султоннинг бу кайфияти ва нияти эртаси куниёқ барчага маълум бўлди. Қорабоғ томондан ҳам Темур Рум сари юрармиш деган нохуш хабарлардан бутун усмонли қавм-қабилалари безовта бўла бошлаган эди.

Бурсадаги Усмон Ғозий жомеъ масжидига тўпланган ақобиру азимлар, уламою сулаҳолар ўзаро маслаҳатлашиб, Султон Йилдирим Боязид ҳузурига боришга ва уни Темур ила урушмоқ ниятидан қайтаришга аҳд қилдилар. Қози Садриддин Салим бошчилигидаги қирқ чоғли фозилу фузалолар султон қароргоҳига келдилар.

Кутилмаган бу ташриф Йилдирим Боязидни шошириб қўйди. Кўринишхона одамга тўлган эди.

— Бир қошиқ қонимиздан кечинг, Султон ҳазратлари, — дея сўз бошлади қози Салим Йилдирим Боязид тахтига ўтиргач, таъзим билан икки қадам олдинга чиқиб. — Элчига ўлим йўқ. Биз сиз кудратли хонимизга бир рижо ила келдик!

— Қулогим сизда, қози жаноблари. Бемалол сўйлайверинг, — жавоб қилди Боязид совуқ оҳангда, ҳузурига келганларни зимдан кузатиб.

Оқсоқ Темурнинг феъл-атворини билганларида эди, оёқларини оғритиб ҳузуримга келиб юрмас эдилар, дея ўйлади Султонга уларнинг ташрифи маъқул келмай. Бу илтимосларини ўша оқсоққа бориб айтсалар яхши бўлар эди.

— Султон ҳазрати олийлари! Ростми, ёлғонми, раъятни Темурнинг юртимиз сари юражаги безовта этмоқда. Билдигимизга кўра, шу пайтгача у билан муҳолифат қилган ҳеч бир ҳукмдорнинг ови юрмаган. Хосият-сулҳу иттифоқликдадир. Бу тарихдан хабардор кишилар ўлароқ биз ҳам тинчгина уйимизда ўтира олмадик. Ватанимиз бошига кулфат тушса кимса роҳатла яшай олмас. Сиздан рижойимиз шулки, яхши сўз ва сулҳ ила бул балони дафъ

қилсангиз. Юртимиз оёқ ости, зироатларимиз пайҳон ва миллатимиз сарсон бўлмаса. Оллоҳ хайрингизни берсин, Султон ҳазратлари! – йиғига ўхшаш овозда юкуниб гапирди қози Садриддин.

Йиғилганлар ҳам бу фикрни астойдил қўллаб-қувватладилар. Барча бирдек султондан шу нарсани сўрадилар. Ташриф этганларни ёвқараш билан қарши олган Йилдирим Боязиднинг кўзига ҳақиқий уруш манзараси ва даҳшати кўришиб кетдими ёки бир шумлик ўйладими, ҳеч бир эътирозсиз аҳли илм ва диндорлар таклифини қабул этди.

– Маъкул, биродарларим. Мен ҳам шу фикрдаман. Ҳеч қандай жангу жадалга орзуманд эмасман. Ёнингизга Темуртошбекни кўшай. Биргаликда элчи бўлиб бориб, Темурнинг оғзини ҳидлаб, бизнинг тинчлик ва сулҳ истагимизни етказинглар! – деди Султон қози Салимнинг оғзидан чиққан гапини ёқасига ёпиштириб.

– Розимен. Миллат хизмати бош устига! – жавоб қилди қози кутилмаган таклифдан эсанкираб.

Бойси, Темур ҳақида сўз кетса ёки унинг ҳузурига элчи хифатида бормоқ масаласи кўтарилса унча-мунча одамнинг илига сўз келмай, тиззаси қалтирар эди.

Султон Йилдирим Боязид Садриддин Салимдан бошқа лусофирларга ўз ишлари ила машғул бўлмоқни айтиб, қатъан қозини ҳузурида олиб қолди ва Темуртошни чақириб келмоқ учун чопар юбортирди.

Амир Темуртош етиб келгач, улар Темурга мактуб ёзмаққа киришдилар. Чиндан ҳам Султон Йилдирим Боязиднинг бундан бир кун бурунги шашти йўқ эди. Усмонли давлатининг етук олиму фозиллари, уламою киромларининг ташвишли ташрифи унинг попугини пасайтириб қўйган эди.



ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

Менинг қалбимни қирсанг-да, қайнотанг шайх Эдиболининг қалбини қирма...

Эртўғрул Ғозининг ўғли, Усмонли салтанатининг асосчиси Усмон Ғозийга васитидан.

Турк уруги жуда улуг. Дунёда бу кунда ҳам туркий қавмлар жуда кўб ўлсаларда, аммо ўзларини мустақил ҳукумат ила қолгонлари ёлғиз ушбу Усмонли турклардир.

Бу кунда бутун аҳли исломнинг қибласи Каъбатуллоҳнинг ходими ва ҳарам аш-шарифни Маккаи Мукаррама ва Мадинаи мунавваранинг ҳомийси ва расулимиз Муҳаммад соллаллоҳи алайҳи васалламнинг халифаси ва аксар анбиё мазожеъ ўлан Байтулмуқаддаснинг соқчиси Усмонли султонлари ҳам турк ўғли — турклардир. Турклар ичиндан ўзларига фавқулодда кўп халқни муҳаббат этдирган ва итоат қилдиргон мударббир ва сиёсий ҳокимлар, ерларга молик ўлгон жаҳонгирлар ўшандоқ бутунлай бошқа қавмларга ҳам ҳукумат этмишлар, шул қадар кўп чиқмишларки, бошқа қавмлар ичиндан бу қадар чиқдиги йўқдир демакка сазовордир.

Абуший

Темур хос мулозимдан ҳузурига шайх Табрисий билан унинг ўқувчиси, саккиз ёшли Мирзо Улуғбекни чорлашни буюрди. Устоз шогирд узун-қиска бўлиб, хушнуд табассумла улуғ Амир саропардасида ҳозир бўлдилар. Темур бу икки сеvimли кишисини бағрига босиб кўришди. Ҳол-аҳвол сўради.

– Муҳтарам устозимиз шайх ҳазратларининг ҳоллари нечук? Сиз бул улуғ мударриснинг ҳар бир дақиқаларидан унумли истифода эта билдингизми, амирзодам? – дея наби-расини сўроқка тутди Темур.

– Муътабар устоднинг сўзлари баробарида ҳар бир хатти-ҳаракатлари ҳам ибратли бир сабоқдир, бобожон! – таъзим билан жавоб қайтарди амирзода Улуғбек бурро тил билан.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! – деди шайх Табризий хижолатдан ўзини ноқулай сезиб.

– Бирок севикли мураббийимнинг менга сабоқ бермоқлари лозим бўлган тўрт йиллик муддат тўлмоқда эмуш. Сизга янги мударрис келади дейдилар. Мен эса муаллимнинг кетмоқларини истамайман, – сўзида давом этди амирзода.

– Устозингиз ўз ҳаракатларини асослаб, сиз ила бизни ишонтира билсалар, эътироз маъносида бир сўз дея олмаймиз, амирзодам. Муҳтарам муаллимнинг ўзлариндан тинглайлик-чи, – дея шайхга юзланди Темур.

– Биринчидан, шуни таъкид этмоғим жоизки, улуғ ҳокон ҳазрати олийлари ва муҳтарам амирзодам. Сизнинг сабокинги ила ўзга устоз шуғулланмоқни давом эттиргани, биз тамоман ажралиб кетдик деган маънога келмайдур. Истаган пайтингизда мен ҳузурингизда ҳозир бўлиб, сабоқ бермак ва хизмат этмоққа ҳозирмен. Мен қароримни сизга шундай изоҳлаб бермоқчиман. Улуғ ҳокон бобонгиз ва сизнинг олдингизда ҳар доим юзим ёруғ бўлмоғи керак. Ўзимдаги неки бор илм ва кўникмани тўрт йил мобайнида сизга бериб бўламан. Турли китобу дарсликларни ўқиб, бу сабоқни давом эттиришим, сизнинг баҳонангизда саройда яшаб, ўз кунимни ўтказишим мумкин. Бирок бу адолатдан бўлмайди. Машгулотларимиз илгаригидек жонли ва завқли кечмайди. Янги устоз янги бир олам, янги таассурот ва янги уфқлар демақдир. Имкони қадар сиз кўп ҳамда турли мударрислардан сабоқ олишингиз, диний ва дунёвий илму фаннинг барча кирраларини ўрганиб, ун-

дан бахраманд бўлмоғингиз лозим, — ўз қарорини ишонарли оҳангда исботлаб сўзлар эди мударрис шайх. — Мен сизни шундай ташлаб кетмайман. Бундай қилсам қатта хатолиғдир. Сабоғимни давом эттира билажак инсонни тавсия этиб, унга сизнинг кучли ва кучсиз томонларингизни англатаман. Менинг назаримда, бундай инсон Қозизода Румий ҳазратларидир. Сиз ул буюк зотдан илму нужум, фалакиёт ва алжабрни ўрганмоғингизни истайман. Ул кишим каби улуғ олим ва инсон айна дамда ғарбу шарқда бармоқ ила саноқлидур. Мен ҳам, Румий ҳазратлари ҳам сизга илму фанни, қатта олим ва фозил киши бўлмоқ сирларини англата билурмиз. Айна чоғда сиз Етти илқим хоқони Амир Темур ҳазратларининг табарруқ авлодлари экансиз, юртни бошқармоқ ва мамлакатни сўрамоқ илмини ҳам мукаммал эгалламоғингиз лозим бўлади. Бу борада эса тавсия этажам энг улуғ ва бетакрор устоз азиз меҳрибон бобонгиз Амир Темур ҳазрати олийларидир! Оллоҳ бул ёруғ дунёда кимсани дўстга зор, душманга хор, номардга муҳтож этмасун!

— Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! — деди Темур бу кутилмаган фикрдан ҳайрон бўлиб.

— Сиз шу пайтгача хоқонлик экмагини едингиз. Энди биз каби устозлик нонини ҳам татиб кўринг, улуғ хоқоним, — деди ҳазилу чин аралаш шайх Табрзий.

— Бошим устига. Зотан, мана тўрт ойдирки, амирзодам бизнинг ёнимиздалар. Ул кишимга сиздан кам сабоқ бермадик, — ҳазил билан жавоб қайтарди бобо.

— Ҳали қилични сиз каби қўлда сермай билмасмен! — бобосининг сўзларини тўғри тушунган Улуғбек Мирзо болаларча фахр билан қўлларини ҳавода сермади.

Улуғ Амир ва шайх мамнунлик билан жилмайишди.

— Яна озроқ, сабр этасиз, амирзодам, — Улуғбек Мирзонинг елкасига қўл ташлаганича сўзлади улуғ Амир. — Бир йилдан сўнг чап қўлингиз машқини ҳам бошлаймиз.

Улуғбек Мирзо мамнун бош эгди.

— Зотан, сизнинг ёнингизда бўлмоқ, мажлису маш-

варатларингизда иштирок этмоқ мен учун ҳам буюк бир дорилфунундир. Буни англаган англар, англамаган бурда нону, парча матоҳ кўйида яшаб ўтар. Сиз улуг хоқонимиз хузурида амирзодамга сўнги сабоғимни бермоқчиман. Ул кишим шу насиҳат ва тавсияларга амал қилсалар, иншооллоҳ, буюк олим, адолатли ва хушёр султон ўлажақлар, — деди шайх Табризий кўйнидан тери қопламали дафтарини чиқариб, кўз қирини ташлар экан.

— Бош устига, — деди Темур завқланиб. — Сиздан қанча ўргансак оз. Буюринг, шайх ҳазратлари.

Табризий курсида ўлтирганча, Мирзо Улуғбекка қараб, оҳиста қўл ҳаракатлари билан сўзини бошлади:

— Буюк ақл соҳиби ўлмоқнинг энг биринчи шарти ёлғон гапирмасликдир, амирзодам. Ёлғон ақлсизликнинг уруғидир. Ундан дунёда неки бор салбий хислатлар ва ёмонликлар униб чиқаверади. Унинг кемасига тушган одам адолат соҳилига етмай охири бир кун чўкиб кетади. Ақлли кишида эса уч хислат мужассам бўлмоғи лозим. У ҳар доим одамларга яхши муомалада бўлади, ёмонликка яхшилик билан жавоб беради ва халқи учун фойдали фикр ҳамда амалда бўлади. Сиздек пошшоода учун бу ғоят муҳимдир. Давлат бошида турмоқни истаган одам ҳеч қачон одамларнинг ақл-заковати даражасидан қатъи назар кўкрагидан итармаслиги, аксинча, ўзига эш ва эл қилмоқнинг сирини билмоғи керак. Ақлли одам шундай кишики, у ҳар қандай қийин вазиятдан осонликла чиқа билади. Доно одам эса ҳеч қачон қийин вазиятга тушмайди. Бунга имкон бермайди. Бунинг учун киши жаҳли чиққанида ғазаб отининг жиловини ўз вақтида тортмоқни билмоғи шарт. Боиси, ғазаб шундай бир оловки, у охир-оқибатда ўз соҳибини ҳам ёндиради. Сўз ва ҳаракат ўқини ўз вақтида ва мўлжални аниқ олиб отинг! Сабаби шамни кундуз ёндирган одамнинг туни қоронғу бўлади. Ҳеч кимга ва ҳеч қачон амалга ошмайдиган ваъдани берманг. Бу душман орттиришнинг бир йўлидир. Тилингизга эҳтиёт бўлинг. Тил борки бол келтиради, тил борки бало келтиради. Ҳатто чаламулла ёки бориб турган аҳмоқ

қаршисида ҳам бир гапдан қолинг. Сиз ютасиз! Аҳмоқдан аччиқланмоқ эса ўлик устида ашула айтмоқ билан тенгдир. У билан мулоқотда бўлмоқ ҳам шу кабидур. Ўзингиздан кейингиларга ибрат бўлай десангиз, ўзингиздан олдингилардан ибрат олинг. Улар хатоларини такрорламаслик ҳаракатини қилинг! Тинч-тоғув яшашни истасангиз пасткаш билан душманчиликка борманг. Боиси, тубан тубанлигини тубига етказмаса тинмайди. Бундайлар умр бўйи асл ва улуг одамларга нисбатан чексиз ҳасаду нафрат билан яшайдилар. Эзгулик ва мангуликка дахлдор ишлар илди-зига болта урмоқдан лаззат туядилар. Сиз ва авлод-аждодингиз эл устида юриб, эл оғоси бўлиб, элнинг нон-тузини еб юрган одамлардир. Сиз буни ҳар доим элга қайтариб туришингиз, суфрангизни очиқ тутмоғингиз лозим. Боиси, дўстсиз, кўноқсиз ва хайр-садақасиз уй суви қуриган те-гирмондир. Инсоннинг қолдек қорни ва енгдек ичаги йўқ. Топганингизни ҳеч бир яхшилик кутмасдан миллат билан пойлашинг. Шунда ҳаққа яқинлашасиз. Ана шу савоблар қанотида одамлар меҳр-муҳаббати осмонида парвоз эта-сиз. Руҳиятингиз тозаланади. Синамаган отнинг сиртидан ўтма дегандек, синамаган кишининг маслаҳатига диққатли бўлинг. Айниқса, ҳукмдорлар бу хусусда эҳтиёт ўлмоқлари лозим. Узрингни қабул этмайдиган ва хатоингни кечира билмайдиган киши номарддир. Буларни айирмоқ лозим. Боиси, аччиқ мевали дарахтни бол билан суғорсангиз ҳам тотли бўлмайди. Қарға тухумини какликка очирсангиз ҳам ҳеч замон гўшти ҳалол бўлмайди. Сиз хоқонзодасиз. Ҳар ким эшигингизга келиб, манфаат кўрмоқ истайди. Булар ичида дарвешдан туякашгача ҳар тоифадан одамлар бўлади. Туякаш билан дўст тутинган кишининг эса дарвозаси кенг ва баланд бўлмоғи лозим. Минг кишини ўзингизга дўст қиламан дея бир кишини душман қилманг. Душманнинг биттаси ҳам кўпдир. Замонага боқинг. Унга тесқари юрган одам сув ичидан олов қидирган одамга ўхшайди. Замонанг бўри бўлса този бўлиб қув дейдилар. Иншооллоҳ, сиз улуг олим ва султонлиги бардавом подшоҳ бўласиз! Оллоҳ сиз-

ни тасодифий хатолар ва янглишмоқликдан сақласун! Ҳар замон улуғворлик ва давлатмандлик жиловини, адлу адлат байроғини буюк бобонгиз каби ақлу идрок тадбиру зако кўлида тутинг! Омин биробилоламин! Оллоҳ кимсани дўстга зор, душманга хор, номардга муҳтож этмасун!

Улар баробар кафтларини юзларига сийпадилар. Бобо ва набира сочидан тирноғигача илм ҳамда ақлга йўғрилган шайхга ҳавас билан қараб турар эдилар. Шайхнинг, пешонасига танғилган тасмаси, тиззасига етар-етмас ёқасиз кўйлаги ва узун хирқаси уни ғоят улуғвор ва афсонавий киёфада кўрсатар, ҳар қандай одамда унинг шахсиятига кизиқиш, меҳр ва самимий туйғулар уйғотарди.

– Мен сиз улуғ инсонларни қайтадан топмоқ ва кашф этмоқ учун кетиб, яна қайтаман. Дунёни кезмоқ, кўрмоқ ва ўрганмоқ учун юрмоғим, янги-янги суҳбат ва мулоқотдошлар топмоғим керак. Сўнгра келиб кўрган-билганларимни сизга сўзлаб бераман. Суҳбатларимиз янада завқли ва мароқли ўлажак. Замон – юрган дарёдир. Сизлардан Оллоҳ рози бўлсин!

– Сиздан сўнгги сабоқни олайлик унда, мавлоно! Усмонли турклари ҳақида кўп маълумотлар эшитган бўлсамда, сизнинг билгиларингизни мен учун қадрли. Сизда доимо ҳеч ким билмайдиган ва кишини ҳайратга соларлик манбалар бўлади, – деди хоқон шарбат хўплар экан.

Темурийлар хонадонидида кичикларнинг улуғлар ўлтирган хоналарга кирмоғи ва улар олдида емак емоқлари одобдан саналмас эди. Бу тартибга барча бирдек амал қилар эди. Ҳатто ёши улуғ кишилар ўлтирган уй ёким чодир эшиги олдидан ҳам кесиб ўтилмас эди. Бобоси ва устозига хизмат қилаётган амирзода Улуғбек ҳам бу тартибга риоя қилиб, олдида қўйилган шарбатга қўл урмади.

– Усмонли султонларининг аждодлари ўғиз туркманларининг қойи тармоғиндан келади. Бу уруғ турк қавмларининг ота макони саналмиш Туркистон дашт ва саҳроларида яшаб, Аббосийлар халифалиги замонида бу тарафларга силжимишлар. Бешинчи асри ҳижрияда Ху-

росон тупрокларига кўчиб, Мохон саҳроларига ерлашадилар. Улар Чингизхон давридаёқ эллик минг хонадонлик бир элат эдилар. Атиллахон Оврупони забт этишни бошлаган бўлса, сўнгра Чингизхон бу фатҳларни такрорлайди. Бу даврда барча баробар ёвуз мўғуллардан қоча бошлайдилар. Сулаймоншоҳ бошлиқ қойилар ҳам Хуросондан мағриб томон йўл олиб, Ван кўли атрофидаги Ахлат шаҳри чеврасига ерлашадилар. Сўнгра жануб томон, Фрот дарёси ёқаларига кўча бошлайдилар. Сулаймоншоҳ Фрот наҳридан кечиб ўтаётганда вафот этади. Отасини тупрокқа берган ўғиллари Эртўғрул ва Дендор яна мағриб томон юрадилар. Йўлда эса урушаётган икки лашкарга дуч келадилар. Булар Мойжубак кўмондонлигидаги мўғул-татар ва Камолиддин Комёр етакчилигидаги рум салжукли турклари эди. Эртўғрул энгилаётган салжуклиларга ёрдам беради ва улар биргаликда ғалаба қозонадилар. Бу кўмақдан хурсанд бўлган сўнгги салжукий хукмдор Алоиддин Кайкубод византияликлар билан ўртасида парда вазифасини ҳам ўташини ҳисобга олиб, Эртўғрул Ғозийнинг қойи қавми ва қабиласига Анқара атрофидаги Сакуд қасабасини беради. Эртўғрул Ғозий султон Кайкубоддан беш минг лашкар олиб, Рум-Византияликларнинг Қароҳисор шаҳрини ҳам олади. Қирқ йилдан ортиқ бек ўлароқ давр сурган Эртўғрул Ғозий хижрий олти юзу етмишда вафот этади. Қабила беклиги ўғли Усмонбекка ўтади. Куч-қуввати ортган Усмонбекка салжукли султони тўралик унвонини беради. Алоиддин Кайкубод салтанати Чингизийзода Ғозонхон томонидан азл этилгач, милодий минг икки юз тўқсон тўққизинчи йилда Амир Усмонбекнинг қойи улуси ўз истиклолига қовушади. Демак, қойи қабиласи Усмонбек замонида мустақил бўлганлиги учун бу улуснинг туркларига Усмонбекка нисбат берилиб Усмонли турклари, усмонли ҳукумати деб атала бошланади. Византия императори Эндиру ҳам, чингизий Ғозонхон ҳам кучайиб бораётган жасур усмонлилардан хавфсирай бошлайдилар. Усмонлиларни битириш йўлида император ўз қизини ўша пайтнинг машҳур

султони Ғозонхонга беради ва ундан усмонли туркларини йўқ қилишни сўрайди. Хотин зоти ва бойликни кўрса ўзини томдан ташлайдиган турк-мўғул қавмига эски касали панд беради. Она тили қолиб хотин тилида сўзлаша бошлаган хоқон Ғазонхон туркман ва манғул лашкарини Усмон Ғозий ўғли Урхонхон устига юборади. Бироқ усмонли кўшини туркман ва манғулларнинг бирлашган кучларини тормор этадилар. Шундан бери бу давлат юксалишда давом этмоқда. Биз Туркистон ва Турон турклари усмонли турклари билан ҳар қандай шароитда ҳам яхши муносабатда бўлишимиз, орага тушадиган катта-кичик совуқликни сулҳу иттифоқлик ила ҳал этмоғимиз лозимдур, — дея сўнгги ҳикоясини яқунлади шайх Табризий. — Ё Эгам, кимсани дўстга зор, душманга хор, номардга муҳтож этмагин!

Буюк бобо ва турун мударриснинг ҳикоясини мароқ-латингладилар. Улуғ Амир ҳикоя сўнггида набирасининг устозига бўлган меҳрдан кўзи ёшланганини пайқади ва ундан нигоҳини олиб қочди.

— Энди қаерга борасиз, устоз? — сўради Мирзо Улуғбек йиғига ўхшаш овозда болаларга хос соддалик билан. — Уйингиз йўқ-ку?

— Менинг уйим бор, авлодим. Бу сизга ўхшаган илмаърифатга ташна одамлар. Улар нурга, эзгулик ва яхшиликка ташна эканлар, мен бошпанасиз қолмайман. Ҳозир эса Озарбайжонга, Табризга ота қишлоғимга бориб боладигимда кўй боққан дала-даштларни, тоғу қирларни кезиб, она ўлкамининг дийдорига тўяман. Ундан сўнгра ҳинд ва чин сафарига чиқаман. Имкон топсам йўл-йўлакай фардавсмонанд Самарқанд ва Бухорога кириб ўтаман. Оллоҳ насиб этса кўришамиз. Тоғ-тоғ билан учрашмас, инсон инсон билан учрашажак! Сўнг маконим эрса орифларнинг кўнглидадир.

Темур оҳиста хонтахта ёнидан туриб, тахт орқасидаги сандиқчадан кичик бир халтачани олди. Унда олтин тангалар бор эди. Ҳадысини шайхнинг қўлига тутқазди. Хижолат чекароқ уни қўлига олган шайх боғичини ечиб ундан санаб ўн дона олди.

– Қолгани сизда турсин, ҳазрат. Бу олтинлар ғоят қимматли. Менинг бошим эса ўзимга керакдур, – деди кулиб.

Бу ҳолатдан туйғуланган амирзода Улуғбек жажжи бармоғидаги ёқут кўзли қимматбаҳо узугини олиб, устозига узатди.

– Мендан сизга эсдалик бўлсин, устоз! – деди йиғламоқдан бери бўлиб.

Шайх Табризий шогирдига не дея жавоб беришини билмай, бир зум ўйга толиб, туриб қолди.

– Шунини унутмангки амирзодам, бу совғани сизнинг шаштингизни қайтармаслик учун олмоқдаман. Илм бор жойда бойлик, бойлик бор жойда илм бўлмайди, – деди жиддий қиёфада. – Модомики, сўнги суҳбатимиз усмонли турклари ҳақида бўлган экан, мен ҳам эсдалик учун сиз азиз амирзодамга бир мактуб қолдираман. Ўз кўлим билан кўчирган бу матн шайх Эдиболининг куёви Усмон Ғозийга насихатидир. Бунини мен кетгач, жаҳонгир бобонгизга ўқиб беринг ва ҳар замон ёдингизда ҳамда ёнингизда тутинг, – дея чантасидан самарқандий нозик қоғозга ҳуснихатда битилган битикни узатди.

Амирзода Улуғбек ҳадяни ўпиб, пешонасига теккизди. Шайх аввал улуғ Амир билан, сўнгра шогирди билан кучоклашиб хайрлашди. У йиғлаб юбормоқдан ўзини зўрға тутиб турар, яна бир неча оғиз кўнишса кўзидан дувуллаб ёш куюларди.

– Биздин ўнжа бошкент Самарқанду фирдавсмонандга кадам ранжида этсангиз, саройимиз бош иш юритувчиси Муҳаммад Кушчи Самарқандий¹га учрашинг. Саломларимизни етқурган ҳолда сўйлангким, сизга Кўксарой ёким Бўстонсаройдан хос бир хона таъсис этсунлар, – деди ҳокон шайх Табризийнинг елкасидан кучар экан.

– Сизнинг чексиз марҳаматларингиз олдида мудом жи- жолатдамен. Турк улусининг ота кенти, шаҳарлар султони

¹ Султон Мирзо Улуғбекнинг шогирди Али Кушчининг отаси Муҳаммад Кушчи Самарқандий Турон давлатининг бош қароргоҳи, Кўксарой бошлиғи, иш юритувчиси бўлган.

Самарқанднинг азиз тупроғига бош қўйиб ётмоқ ҳам биз учун буюк шарафдир, хоконим! Мурувватингизни бошу кўзим устига қабул этурман, – жавоб килди шайх одатига кўра назокатли оҳангда.

Бобо ва набира устозни кузатиб, саропардадан чиқдилар. Шайх Табризий одатига кўра, пиёда йўлга тушди. Ҳовлида тўпланиб турганлар шайх ҳазратларининг кораси кўринмай кетгунга қадар қараб қолдилар. Бу айрилиқ оғир ва соғинчли эди. Табризийни барча бирдек севар, у ўз ғанимларини ҳам бағрига босиб, уларга тўғри йўл кўрсатишга ҳаракат этадиган авлиёсифат бир инсон эди. У билан суҳбатда, мулоқотда бўлган киши сўзсиз шайхга меҳр қўярди.

– Устозингизнинг сўнги уй вазифасини бажаринг. Шайх Эдиболи насихатини ўқиб беринг, – деди Темур ғамгин овозда амирзода Улуғбекнинг елкасига кўлини қўйиб яна саропарда томон юрар экан.

Мирзо Улуғбек хатни хонтахта устига қўйганча бобосининг қаршисига тиз чўкиб, ўқимокқа киришди.

– *Ўғил!*

Инсонлар бордир,

Шафақ вақтида туғулурлар!

Оқшом азонида ўлурлар!

Бардам бўл, ўғлим!

Кучлисан, қувватлисан.

Ақллисан, каломлисан!

Аммо буларни қаерда ва

Қай тарзда қўлламоқни

Билмасанг,

Қизиққонлигинг ва нафсинг

Бир бўлиб ақлингни енгса,

Тонг шамолидек

Соврилиб кетарсан!

Доймо сабрли,
Саботли ва иродангга
Соҳиб бўл!
Дунё сенинг кўзларинг
Кўргани каби буюк
эмасдур!

Бутун фатҳ этилмаган
сир-асрорлар,
билилмаганлар, кўринмаганлар,
Сенинг фазилат ва
Хислатларинг-ла
Кун кўзига чиқажакдур!
Отани, онани сев!
Баракот буюклар-ла
Баробардур!
Бу дунёда ишончингни
йўқотсанг,
Кўм-кўк бўлсанг
кўрурсан!
Чўлларга айлансан!
Очиқ сўзли бўл!
Ҳар сўзни устингга олма!
Кўрганингни сўзлама,
Билганингни билма!
Севилган ерингга
тез-тез кетма!
Эътиборинг кетар,
Муҳаббат бўлмас!
Уч кишига ачин!
Жоҳиллар орасидаги
фозилга!
Бой экан, қашшоқ
бўлганга!
Ҳурматли экан,
Эътиборини йўқотганга!

*Унутмаки!
Юксакда ер тутганлар,
Куйидагилар қадар
Муқим эмаслар!
Ҳақ экансан,
Мужодаладан қурқма!
Биласанки, отнинг
Яхшисини тўриқ,
Йигитнинг яхшисини
Далли дерлар!..*

– Офарин! – деди бобо набираси насихатни ўқиб бўлгач анчадан сўнг. – Не қадар ибратли ва доно сўзлар. Бу сўзларга амал қилган инсонгина дунёни сўрай билади. Бу насихатни ёдлаб олинг ва замон-замон сиздан сўраб турман, авлодим. Шунини айтадиларда, донолар олдида тилингни, авлиёлар олдида дилингни тий деб.

– Бош устига, буюк бобожон! Эртагаёк ёддан айтиб берман! – жавоб қилди Мирзо Улуғбек. – Шундай улуғ инсонлар, усмонли турклари билан урушмайлик, бобожон! Улар яхши одамлар экан! Қаранг!

Ҳаяжонланган амирзоданинг кўзлари самимий боқарди. Набирасига тикилган ҳоқон унинг беғуборлиги ва юраги тозалигидан ҳаяжонланди. Қани энди барчамиз сиз каби сидкидил, ҳалол ва тоза бўла билсак эди. ҳаёлидан кечди улуғ Амирнинг. Бошини ирғаб маъқул ишорасини қилди. Буюк бобо ва набира бир-бирларини бағриларига босароқ, хайрлашдилар.

Саропарда саҳнидаги кўчма тахтга оғир чўккан ҳокон беихтиёр, мағрибдаги тоғлар ортидан мўралаб чиққан тўлин ойнинг тераклар баргини силаб-сийпаб кўтарилишини кузатганча ўйга толди.

Салтанат бошкенти, кадрдон, меҳр-муҳаббатли Самарқандни кўрмаганига ҳам анча бўлди.

Ота Туронга илоҳий нигоҳ ила бокиб турган қадим ва шаън шавкатли она Самарқанд.

Унинг ҳар бир кўчаси, оғочу окар сувлари, теграсидаги яйлоқ ва дараларни, барча-барчасини ўзлади. Юртдошлари билан тўлиб-тошган тўкин-сочин бозорлар, илонизи сўқоқлар... Шаҳарни кафтида тутиб турган она Туркистон тизмалари... Воҳага оби-ҳаёт бергувчи Оқдарё, Қорадарё. Ойқорнинг турнакўз булоқлари, шаркирок сойлари...

Бунинг барчаси бир бутунликда кўзингга тўтиё қилиб суртгулик муқаддас эътикод – Ватан, улус, ота юрт, она тупроқ демақдир. Бу кенгликларда кезиб, тўйиб-тўйиб нафас олмокнинг ўзи буюк бир илоҳий неъмат.

Не қадар азиз ва қадрли, не қадар соғинчли ва армонли она ватан, ота юрт туйғуси! Бу муқаддас, жаннатмисол юртининг усти не қадар ҳаётбахш ва жонга якин бўлса, унинг тупроғин бағри ҳам қалби ватан ва улус туйғуси билан нурланган инсон учун шундай азиздир.

Бу юрт, бу замин дарвеш Шоҳи Қаландардан тортиб, олис, киши оёғи етмас бир кўйда умргузаронлик қилаётган бир чўпонгача, барча-барчаси унинг учун қадрли, азиз ва севимлидир. Бу ҳаёт азалдан шундай қурилган. У Вотвот мунажжим каби онгли ҳаётида фақат улусдан, жамоа ва давлатдан олиб яшаганлардан тортиб, Ўткин Тегин бахши каби миллат фидойилари билан тўқисдир. Яхши-ёмони, тўғрию ўғриси, очу тўки билан улус улусдир. Буларнинг ҳаммасига бир кўз ила боқиш, кимлигидан қатъи назар кишиларнинг инсонлик қадр-қийматини жойига қўйиб муносабатда бўлмок керак. Инсонларни айириб, кўксидан итарганни, Эгаси айиради. Кўксидан итариб қўяди.

Бу дунёнинг энг буюк гуноҳи инсон қалбига озор бермок, кўнглини синдирмокдир. Зотан, каъба – инсон кўнглидадир. Кўнгил кирини эса етти дарёнинг сувида ювсанг ҳам кетмас. Унга паст назар билан қараб, ерга урсанг кўнгли чўкиб, ер билан битта бўлиб кетаверади. Рухини кўтариб, далда бериб шаъну ғурурини, қадр-қимматини жойига қўйиб, рағбатлантирсанг, борган сари шахсияти камол топиб, юксалади. Ўзини катта ишларга ҳозирлаб, юрт ва улуснинг кунига ярайдиган инсонга айланади. Бу ёруғ

оламнинг энг буюк савоби ҳам ана шу муқаддас илоҳий эътиқод жо бўлган дил, кўнгил дея аталмиш қасрни обод этмоқдир. Атрофингдаги кишилар қалбини ёритмасдан, йўлини ойдинлатмасдан туриб, буюк ҳадафларга эришмоқ, улусни миллат ўла билмоқ шарафи ва шоҳсупасига кўтармоқ, дунёнинг етакчи эллари сафига олиб чиқмоқ мумкин эмасдир.

Яратганини яратгандан ортиқ севмасанг, унинг марҳаматига сазовор бўла олмайсан. Оллоҳнинг қулларига меҳрингни бахшида эта билмасдан унинг севгисига эриша олмайсан. Иймони эътиқоди улус ғам-ташвишини чекмоқдан роҳатланганларгина унинг бошида турмоққа, улус номидан иш кўрмоқнинг маънавий ҳақ-ҳуқуқига эгадирлар. Парча экмак, тирикчилик учун кўй боқадилар ёхуд кетмон чопадилар. Салтанат тахтини банд этиб, қасрларда кайфи-сафо қилмоқ учун саройларга кириб чиқмайдилар. Улусни улуғ ишларга йўналтирмоқ, байроғини мудом юксак кўтармоқ, қадр-қийматини, шаъну шарафини, ору номусини сақламоқ учун уни йўнатмоққа даъвогарлик қиладилар.

...Шом намозини ўқимоқ учун ўрнидан кўзғалиб, кўчма масжид томён юраркан, ақлига беихтиёр, яна шайх Табризий келди. Бундай улуғ инсонларни кўриб туриб, суҳбатлаша туриб соғинасан киши, хаёл қилди ҳоқон. У ҳар кўнишганда нутқини “гуноҳим бўйнимдадир” ёхуд “Дўстга зор, душманга хор, номардга муҳтож қилмасун”, дея яқунлайди.

Бир суҳбатда ҳоқон унга сўнги сўзига изох бермоқликни сўради.

Сиз дўстга зор, душманга хор, номардга муҳтож бўладиган шахсият эмассиз, шайх ҳазратлари, – деди уни сўзлатмоқ учун.

– Зотан, ҳаққа етмоқ, ҳақни топмоқ йўлида юрганларнинг дўсти кўп бўлмайди, улуғ ҳоқоним, – дея жавоб қилди Табризий ўйга толиб. – Инсониятнинг олдида юриб, уни улуғ ишларга бошловчилар, даҳо ва авлиёлар ёлғиз бўладилар. Одамлар орасида уларни тушуниб етгувчи ки-

шилар бармоқ билан санарлидир. Сизга эргашиб, буюк салтанатни, қудратли давлатни барпо қилишда иштирок этаётган сон-саноксиз кишиларнинг барчаси ҳам фикру ғояларингиз, тадбиру амалларингизни юрак юракдан англаб етмаслигини, ета олмаслигини мендан яхши билурсиз. Бунинг иложи ҳам йўқ. Инсониятнинг зиғирдек бир қисмигина комиллик, мукамаллик ҳақида тасаввурга эга. Бир юнон файласуфи таъкидлаганидек, дунё аҳмоқларга тўла. Ер юзи мавжуд экан, бу – комилу нокомил кишилар ён-ёна, елкама-елка яшайверадилар. Эгаси ҳар кимнинг феъли-хуйи, акли-зақосига яраша қисмату қадар ато этади.

Нимадир эсига тушгандек таққа гапдан тўхтаб, кўйин чўнтагига қўл солган шайх бағдод шойисидан тикилган мўъжазгина халтачани олиб, ундан бир чеким седана уруғини кафтига қўйиб, оғзига солди. Седанани чайнаб ютиб, устидан сув ичди. Шайхнинг седана кашандалигидан завқланган ҳоқон ҳам суҳбатдошига кафтини тутди. Табризий каби седанани чайнаб ютиб, сув хўплади.

– Бу носу тарёқдан яхши, ҳоконим, – деди шайх беғубор табассум-ла улуғ Амирга тикилиб, асосий сўзни айтмоққа ҳозирланар экан ва терлаган пешонасини артиб-сўзида давом этди. – Мен айтган дўст-биз-билган дўстлар, биз билган душман-ва атрофимизни ўраган марду номардлар эмас. Мейга буни найман улусининг оқсоқоли саналмиш кишининг волидаси, Найман она айтиб берган эдилар раҳматли. Дўст – қизинг, душман – келининг куёвинг, номард – ака-уканг ва ўғлингдир, болам, дегандилар кўзларида шашқатор ёш билан. Шундан буён бу сўз, бу хайқирик, бу нидо қулоқларим остидан кетмайди. Шу сўздан сўнгра эвланмоқ, оила қуриб, бола-чақа қилмоқ фикридан воз кечдим. Зотан, бола зотига авлиёмисан, чўпонмисан, барибир. У сени кўз очиб кўриб, эсини таниганидан бери қараб, боқиб, асраб-авайлаб келган бир киши деб қарайди. Олахуржун бошига тушгач, кўрсатган ғамхўрлик ва меҳр-оқибатингни сенга эмас, бола-чақасига кўрсатади. Менинг бу кўнидаги тўпори фалсафам шундай, улуғ ҳоконим. Сизга маъқул келмаса,

кусурга бокманг. Дўст танласанг дўстсиз, ёр танласанг ёрсиз қоласан дейдилар. Танламай туриб ёрсиз қолдим. Бирок мудом дўст қидираман. Бойлигим, дўст ва шогирдларимдир. Бу дунё аслида афсус-надомат ва пушаймонликнинг устига қурилгандир. Одам бөласи ҳеч бир ишни ниҳоясига етказа олмай, от қўйган манзилга етишга улгурмай дунёдан ўтиб кетади. Сўзимда хато бўлса, гуноҳим бўйнимдадир.

– Киши ҳукмдор ўлса авлодлари тожу тахт умидида ўзга кўз билан боқишар балким, шайх ҳазратлари? – сўради хоқон мударриснинг сўзини диққат билан тинглар экан.

– Билхосса, шундай улуғ хоқоним. Машоихлар болаларингиз балоларингиздир деганларидек, сўйлаганингиз каби ўша тожу-тахт учун ўз отаси ёхуд қардошлари қонини тўккан не-не ҳукмдорлар борким, улар қотиллигини сўйламоққа тил ожиздир. Бунинг тарихдаги ўрнаги сифатида Ботухон рағбати ила Тулуйхоннинг ўғли Мангу қоон амри билан саксон нафар хонзоданинг қатл этилишини келтириш мумкин. Булар ҳам жон-жигар, қонқардош эдилар. Мулку давлат, тожу тахт, манфаатлар тўкнашганда ҳар қандай девору чегара бузилади. Усмонли салтанатининг ички тузугида ҳам шунга ўхшаш битик бор. Шахзодалар ичида энг ақлли ва кучлиси тахтга ўтиришга ҳақли дея қайд этилган. Бу дегани кучли даввогар, қонуний валиаҳдни истаган пайтда ва раво қурган усулида йулдан олиб ташлаши мумкин демакдир. Тузукка кўра хонзодалар қон чиқарилмай, бўғиб ёки сувга чўктириб махв этилади. Хоқимиятга эришмоқнинг йўлларини ҳеч ким башорат эта олмайди. Бу ишда омад ва куч-қудрат бирламчидир. Сўнгра ақли-идрок ва донишмандлик келади. Тахт деган оҳанграбо шундай нарсаки, унга ўтирган одам бир зумда яратганининг ердаги соясига айланиб, ёрдамчилари воситасида энг ақлли одамга дўнади.

Шайхнинг фикрларидан ўйга толган хоқон оҳиста бошини сермаб, унинг гапини маъқуллаган бўлди.

Улуғ Амир шуларни хаёлан хотирлаганича ўрнидан турди.



ҮН ЕТТИНЧИ БОБ

Агар миллатоа шон-шараф бўлса, мен ҳам шон-шарафлиман. Агар орангиздан бири чиқиб, шону шараф ортидан қувса ва менг-зарсиз, тенгсиз бўлмоқни истаса, бешингки, бошингизга балодур, балодур.

Ататурк.

Эртаси куни эрталаб амир Боботурк Арзинжон ҳокими Тахуртан етакчилигида Султон Йилдирим Боязиднинг элчилари қози Садриддин Салим ва амир Темуртош етиб келганлигини маълум қилди. Бу хушхабар Темурни мамнун этди. Демак, усмонли султони ҳар нарсага ақли етадиган, орқа олдига қараб иш тутадиган бутун одам экан, хаёлидан ўтди. Сулҳу иттифоқ ила иш битганда эди, баҳорга қолмай қўшин юртга қайтарди. Лашкарнинг ватандан чиққанига уч йилдан ошди. Дашти Кипчок хусусида ҳам яратган мушкуллимизни осон қилди.

Қози Садриддин Салим ва амир Темуртошни-хоқон саропардасига эргаштириб келган Боботурк уларни Темурга таништирди. Улуғ Амир мусофирларни одатдагидан илик ва самимий қаршилади.

– Йўл азобидан толиқмадингизми? Салтанатимизга хуш келибсиз. Биз ҳар бир усмонли табаасини ўз ватандошимиз ва миллатдошимиз каби кўрамыз. Ўзимизни ҳам сиз каби усмонли тупроқларининг бир фарзанди деб биламыз. Орамызда бўлинажак худуд ва бойлик йўқдир, – деди хоқон хуш кайфиятда.

– Султон Йилдирим Боязид ҳазратлари ҳам худди шу фикрдалар. Султон ҳазратлари рубъи маскунга подшоҳлик қилиш ва бахту иқбол хилъати Ҳазрати Соҳибқироннинг муборақ қоматига ярашгандур. Шу боис, биз ҳам он

ҳазратга итоат ва хизматкорлик мақомида турурмиз. Бундан буён оёғимизни итоат ва инқиёд ва хизмат этмоқ ҳалқасидан зинҳор олмағаймиз дея яна таъкидладилар, — деди қози Садриддин Боязидхоннинг сўзларини Турон султониغا айнан етказар экан. — Бу сўзлар султон ҳазратларининг мактубларида ҳам қайд этилган, — дея кўшиб кўйди таъзим ила эгилиб мактубни Темурга узатар экан.

Темур мактубни элчининг кўлидан олиб, ўзи ўкиб чиқди. Уқиди-ю, юз қиёфаси ўзгарди. Қошлари чимирилиб, беихтиёр тишини тишига кўйди.

— Ушбу мактубда мухтарам султон жаноблари бизнинг асосий талабимиз, Қора Юсуф ҳақида оғиз очмабдику? Буни қандай тушунмоқ керак? Менсимасликми ёки? — сўради Темур сўз оҳанги ўзгариб.

Икки элчи бир-бирларига қараб қолдилар. Ҳеч бири бу саволга жавоб бермоққа ҳозир эмас ва ваколат олмаган эди.

— Бу хусусда бизга султон ҳазратлари ҳеч нима демадилар, — жавоб қилди амир Темуртош.

— Сизлар элчиларсиз ва ҳеч бирингизнинг гуноҳингиз йўқ. Қабоҳат султон ҳазратларида. Сизни ўзга бир ҳукмдор олдида бундай ноқулай аҳволга солмаслиги лозим эди. Менким Оллохнинг қулбандаси, Турон султони Темур Муҳаммад Тарағай ўғли, сўзим шулдир. Буни бориб султон Боязидхонга айтингиз. Мен ул томонга-юзланиш ва ул мамлакатга лашкар сурмокни хоҳламайман. Боязиднинг хочлилар ва динимиз душманлари билан қилаётган ғазоту мужодаласини юксак қадрлайман ҳамда ҳар дақиқада кўмак этмоққа ҳозирмен. Мен аҳли ислоннинг кучсизланиб, унга қарши кучларнинг қувватланишини истамайман. Аммо шуни очиқ-ойдин айтаманки, Қора Юсуф қароқчи ва йўлтўсардир. Унинг фитнаю фасодидан мусулмонлар шаҳар-қишлоқларига етган зарар атрофдаги ғайридин ва бегонларниқидан ортиқдир. У бизга нисбатан душманлик тўнини кийгани етмагандай гуржи ҳамда армани қавмларла бирлашиб, аларни ҳам бизга қарши гиж-гижламоқда. Бу ишга Султон Аҳмад ва унинг ўғли Тоҳирни ҳам жалб этди.

Биз ўз вақтида бу хоинлик ва фитнанинг илдизини кесдик. Бироқ шундай бош фитначи Султон саройининг меҳмони бўлиб юрибди. Биз бу ҳолатга тоқат қила олмаймиз. Боязид унинг ҳимоясидан воз кечиб, уч ишнинг бирини қилмоғи керак. Аввало, унинг кирдикорини тўхтатмоқ учун шамшир ишлатиб, бу ишни охирига етказсин! Ёки бўлмаса, уни бизга юборсин. Токи биз уни сўраб, савол этиб, қилган ишига яраша жазосини берайлик. Агар султон Боязид бу икки ишнинг бирини ҳам амалга оширмоқни хоҳламаса, уни мамлақати ҳудудидан чиқариб юборсин! Биз ундан мумкин бўлмаган вазифани талаб қилмаётимиз! Ана шунда ўртамиздаги ота-болалик, дўстлик ва иттифоқ тикланади. Қиз бериб, қиз оламыз. Кофирлар билан қилган ғазотларида негаки қодир бўлсак, ёрдам этамыз. Ул кишим не қадар биз билан сичқон-мушук ўйнаган каби мулоқотда бўлиб, чап бермоқликка уринсалар, бу найрангларга жазо ўлароқ кўрадиган чораларимиз қаттиқлашади. Талабларимиз ортиб бораверади. Подишоҳ одил ўлса юрт ўзар, золиму такаббур бўлса юрт тузар деган, нақлни ул биродаримиз биздан кам билмасалар керак. Бу машаққатли ва масъулиятли ташвишу таҳликанинг оғир юки ва гуноҳи, қолаверса, тавқи лаънати султон ҳамда усмонли сулоласини беэмайдди. Фикрларимни сўзма-сўз ва ҳарфма-ҳарф авлодимизга етказингким, эрта кунда биздан домангир-бўлмасинлар, — дея сўзини тугатди ҳоқон-самимий оҳангда.

— Модомики, султонимиз сиз ҳазрати олийларига хизматкорлик мақомида туришни қайд этдилар, биз ҳам бу олий буйруқларни ўз вақтида ул зоти олийларига етказурмиз, — дея жавоб қилди амир Темуртош.

— Йилдирим Боязидбек бизни суймаса-да, мен сизларни яхши кўраман ва ўз авлодим деб биламан! Сиздек улуғ инсонларнинг сўзларига кулоқ тутмай халқини уруш майдонига олиб чиққан подшоҳ катта хато қиладур. Садриддинбек ва Темуртошбекларга хос хилъатлар кийдирилиб, олгин камар ва қилич ҳадя этилсун! Шоҳона кулоҳлар кийдирилсин, ва шарафларига муҳташам зиёфат тартиб этилсун!

Улуғ Амирнинг буйруғи ижро этилгач, Темур уларга сўнги сўзини айтди:

– Мен энди сиздан ва ўз одамларимдан ҳеч нарсани яширмайман. Хузурингизда ошкора айтаман. Бу қиш мавсумини лашкаримиз мана шу Қорабоғда ўтказади. Эрта баҳорда эса ҳаракатга келиб, Рум чегараларига борамиз. Сизларнинг қайтиб, элчилик жавобини келтиришингизни кутамиз. Менинг мактубимни олиб, элчимиз Чимбой Элчикдай ҳам сиз билан Боязидхон хузурига боради. Агар талабимиз бажарилса – мурод ҳосил! – деди Темур қатъий оҳангда. – Султонга биздан салом сўйлаб, ҳурматимизни еткуринг! Шунини унутмангким, улусни йўқ сайиб унинг орқасидан пинхона иш кўрган ҳеч бир ҳукмдор муроду мақсадига эришмаган. Ожиз инсоний ҳис-туйғуларини тизгинлай олмаган бундай нодон ва тадбирсиз юрт сўровчилар азал-азалдан миллат ҳаётини заҳар, улус турумини хароб қилганликлари тақдирга шоёнду. Ҳаққини ва ҳаддини билмаган мудом адашади.

Ўйга толганча бироз сукут сақлаган хоқон фикрини жамлаб саропардани тўлдирган кўноқ ва хос мулозимларига хитобан деди:

– Авлодларим! Унутмангиз! Бугунги кунда адолат ва аҳли ислом таянчи ўлмиш Турон ва Усмонли салтанатлари осмондан тушмади ёхуд ердан кўзиқорин каби чиқмади. Бу қудратли давлатлар Ёфас ўғли Або Турк аждодлари, ота-боларимиз тўккан қон, тер ва кўз ёшлари эвазига қад рўстлагандир! Бу ўғурда чекилган ватаний заҳмат, миллий мужода-ла машаққати ва масъулиятини англамай васвасага берилиб, янглиш қадам босганлар, ўша муқаддас қону кўз ёшларига хиёнат этган саналурлар! Қўмондону қоровул, ҳукмдору фуқаро, ким бўлмайдик, бизни бу исноду тавқи лаънатдан ўзи асрасин! Сўзларим ҳарфиян, калима-калима, жумлама-жумла қулоғингизда турсинким, эрта кунда орамиздан эшак ўғриси ахтариб овора бўлмайдик. Сўзим тамом, вассалом!

Садриддин Салим ва амир Темуртош хоқоннинг олий буйруқларини қабул этиш мақомида туриб, итоат изҳор этдилар. Сўнгра юртларига қайтмоқ учун изн сўрадилар.

– Биз билан бирга Арас дарёси бўйида бир ов қиласиз. Сўнгра сизга яқинда қаздирган каналимиз Наҳри Барлосни кўрсатамиз. Сизларга Муҳаммад Озод билан Тўкал Бовурчи йўлдошлик қиладилар. Сўнгра жавоб берамиз, – деди Темур уларнинг хурматини жойига қўйиб.

Элчилар таклифга рози бўлдилар. Темурнинг одабийлиги, меҳмондўстлиги ва самимийлигидан ҳеч бир шубҳа қилмай яхши ниятлар билан Турон султони элчиси Чимбой Элчикдай ҳамроҳлигида Истанбул томон жўнадилар.

Усмонли элчилар кетганининг тўққизинчи куни валиаҳд Муҳаммад Султоннинг қудратли лашкари олий фармонга биноан Рум ҳудудлари сари юрди. Бу тўқнашувнинг бошланишига туртки эмас, Турон салтанати ҳудудларини кўриклаш билан боғлиқ эҳтиёт чораси эди.

Темурийлар давлати амиру лашкарбошилари орасида ҳам Рум сафари борасида икки фикр мавжуд эди. Оддий аскардан тортиб қўмондонларгача усмонли урдусининг Темур урдусидан кўплигини билар ва бу нарса ҳар қандай одамнинг кўнглига ғулғула солар эди.

Усмонлилар билан тўқнашувга қарши кайфиятдаги амирлар ниҳоят Шамсуддин Муҳаммад Алмолиғийни Темурга бу фикрни айтмоққа кўндирдилар. Ниҳоят Алмолиғий бу гапни Темурга айтди.

– Маъқул, – деди Темур совуққонлик билан. – Бу масалани тўпланиб, машваратда муҳокама этамиз ва кўпчилик не дея қарор берса амал қиламиз, – деди мударрисни диққат билан тинглаб.

Эртаси куни саройнинг барча еткили кишиларини тўплаган Темур мунажжим Мавлоно Абдуллоҳ Лисонга муурожаат этди.

– Мухтарам Абдуллоҳбек, барчамизнинг тепамизда яратган турибди. Биз Рум қайсари билан урушамиз дея қарор бермадик. Бироқ анча-мунча одамларимиз ўзларича ташвишга тушиб, подадан бурун чанг чиқармоқдалар. Худо кўрсатмасун, мободо Қайсар ила ишимиз сулҳ ва иттифок воситасида ҳал этилмай, тўқнашув юз бергудек бўлса сиз-

нинг юлдузларингиз не дейдилар? Ҳеч нарсани мендан яширмай очик-ойдин айтинг, – деди Темур ўлтирганларни зимдан кузатар экан.

– Бу йилнинг тақвимида битмишларига кўра, сизнинг черикдаги баҳодурларнинг толиёе воқийе турур. Чун Зу дувоба ҳамал буржида зохир бўлса, машрик соридин черик келиб, Рум вилоятини олғай ва Румнинг подшоҳи эликка тушкай, – дея ўз ҳисоб-китоблари ва чизмаларини номдор мунажжим Муҳиддин Мағрибий нусхаларига қўшиб, хоқонга тақдим этди. – Бу тўкнашув содир бўладурғон эрса, ғалаба Турон ўрдуси тарафиндадир. Юлдузлар башорати шундан далолат бергусидир.

– Маъкул, – деди Темур ҳамон саропардада ўлтирганларни кузатар экан. – Бу хусусда кимда не фикру таклиф бор? Сўйлай билурсиз?

– Биз қароримизни ўзаро суҳбатларимизда ҳам айтганмиз, хоқони акрам хазратлари. Модомики, султон бизга ёғийлик мақомида тураверса, таъзирини бериб қўймоқ жоиздур, – деди амир Шоҳ Малик ўрнидан туриб.

Бу фикрни шайх Нуриддин ҳам маъқуллади. Бошқа кимсадан садо чикмади.

– Бу деганимиз, биз Рум устига юрмоқ демак эмас. Сиёсатда урушдан бошқа ҳам қурооллар бор. Лашкар шу қуроолларни ишга солиш учун қафолат вазифасини ўтайдиган кўмакчи воситадир. Ўрдунинг иши бевосита урушдан иборат эмас, ёғий унинг куч-қудратидан хайқиши ҳамда ҳисоблашиши керак. Агар дунёдаги жамики ҳукмдорлар лашкарни фақат урушмоқ учун сақлаганларида ва қўллаганларида эди, ер юзида одам зоти аллақачон йўқ бўлиб кетар эди. Буни фарқламоқ лозим. Сафар тадоригини кўринг, якин кунларда йўлга чиқа билурмиз.

Қорабоғнинг ёқимли қиши охирлаб борар, атрофдан бутун мавжудод интиқ бўлиб кутаётган баҳор иси уфура бошлаган эди. Кунгай уватлар ариқ бўйларида ҳулволар нишлаб, далаларда исмалоқлар барг ёза бошлаган, киши қалбига соғинчли хотиралар солиб баҳор келаётган эди.

Ҳижрий тарих саккиз юз тўрт, ражаб ойининг ўн учи, пайшанба кунда ўрдунинг кўчишига фармон бўлди. Бир манзил йўлдан сўнг Қорабоғ жанубидаги ўтлоққа кўш ташланди. Бу яйловда кунлар янада илиб, борлиқ қишлоқ либосини аллақачон ечиб улгурган эди.

Урду бу манзилда бир ой, чамаси, ўзини тартибга келтириб, сафар ҳозирлигини кўрди. Катта лашкарнинг бир жойда туриб қолиши атроф-муҳит ва табиатга таъсир кўрсатар эди. Шу боис, тўрт тарафни ўрганиб, суворийлар учун емашак ва ўтлоқ муаммо бўлмайдиган манзилларни излаб топишга тўғри келарди. Кўшинни сабзавот билан таъминловчи экинчи кўшин сони ҳам эндиликда ўн мингга яқин эди. Олий фармонга кўра лашкар наврўзи жалолий бошида, шаъбоннинг еттисида Қорабоғи Аррондан Шамкур дашти томон юрди. Дашт ва саҳроларга илк баҳор келганлигидан ҳаракатга тушган чорвадорлар сурувларини ҳайдаб йўлга чиққандилар. Қиш бўйи куруқ хашак еган айғирлар ҳафсала билан кўк майсага интилар, бияларни кўрганда, насл қолдириш иштиёқи билан ер депсиниб кишнашарди.

Суворийлар бир-бирларининг устига от қўйганча ҳазиллашиб, тоғ этакларига тушиб борардилар. Улуғ Амир валиаҳд Муҳаммад Султонга Кура дарёси соҳили бўйлаб юришни амр этди. Мавлоно Абдуллоҳ Садрни эса Исфаҳоннинг молини йиғиш учун жўнатди. Садр Қутбиддин Куммий Шерознинг солиғини тўпламоқ учун йўлга тушди. Лашкар қишдан чиққан, захиралар озайиб, емак-ичмак ва кийим-кечакка эҳтиёж ошган эди. Бош қўмондоннинг ўзи эса Ганжа орқали Шамкур саҳроси томон от сурди. Гуржистон синирига етгач, Табдур дарёси бўйига етиб, кўш ташлади.

Шу куни, рамазон ойининг тўртида, ҳижрий тарих саккиз юз тўртда, яъни мелодий минг тўрт юз иккинчи йилнинг тўртинчи ойининг ўн еттинчи куни чопарлар Шохруҳ Мирзо ўғил кўрганлигини айтиб келдилар. Буюк бободан амирзодага от қўйиб беришни сўрадилар.

– Ўғулнинг исми Муҳаммал Жўки бўлсун ва унинг тарбияти келинимиз Хонзодабегимга тобшурилсин! – дея амр

берди буюк бобо хузурида ўтирган Сароймулкхоним бошчилигидаги малика ва амирзодаларнинг кутловини қабул қилар экан. — Сизлар эса буюк бибингиз раҳнамолигида Султонияга дўна билурсиз. Ёзда салқин Табризда, кузда эса мўътадил Султонияда яшамонингизни тавсия этамен. У ерда мендан амр-бекланг, — деди улуғ Амир олдига келиб қўлларидан ўпган Мирзо Улуғбекнинг пешонасидан ўпиб, бошини силар экан. — Сизни не қадар соғинсам-да, маълум бир муддат айрилмоғимизга тўғри келади, бўтам. Янги устозингиз мавлоно Қозизода Румий ҳазратлари билан Табризда кўришасиз. Табризга бориб, ул зоти олийни кутинг. Румий ҳазратлари ғоят улуғ олимдирлар. Мавлононинг сиз ила кечажак ҳар бир дақиқасидан унумли истифода этинг.

— Сўзларингиз бошим ва кўзим устига, бобожон! — бийрон тил ила жавоб қилди Мирзо Улуғбек. — Мен ҳар бир сабоғим ва ишимда сиз улуғ бобожонимга муносиб бўлмоқ жаддида бўлурмен!

— Умид ҳам шунчалик! Оллоҳ сиздан рози бўлсин, авлодим! — кўнгли ийиб кетди бобонинг.

Мирзо Улуғбекни, сўнгра бошқа набираларини бир-бир бағрига босиб хайрлашди. Султонияга йўл олган хос карвон сафида амирзодалар Ўброҳим Султон, Муҳаммад Жаҳонгир, Ийжал, Бойсунғур ва Суюрғатмишлар бор эди. Турон мулкининг шаҳзодалари, Озарбайжону Эроннинг яшил кенгликларида от ўйнатиб, мусобақалашиб кетиб борардилар. Буюк биби Сароймулкхоним улар мулозиматида бўлган Одинабекка ҳай-ҳайлаб, амирзодаларга эҳтиёт бўлмоқни тайинларди.

Асосий қўшин тўхтаб-тўхтаб, Шамкур саҳроси томон борарди. Усмонли элчилари кетганига икки ой бўлишига қарамай ҳамон Йилдирим Боязиддан жавоб йўқ эди. Темурнинг хос элчиси Чимбой Элчикдай ҳам сувга тушган тошдек ғойиб бўлганди. Темур хузурига Шайх Нуриддин билан Шоҳ Маликбекни чорлаб, маслаҳатлашди. Амир Боботурк билан Алп Туркаш бу тўкнашувга сиртдан қаршилиқ

кўрсатмасалар-да ич-ичдан қарши эканликлари боис, бошқа ишлар билан шуғулланар эдилар. Одатига кўра, хоқон маълум бир ишга астойдил киришмаган ва рағбати бўлмаган одамга ўша вазифани юклагмас эди.

Шу жараён давомида у бир нарсани пайкамай қолмади. Форс, араб ва мўғул қонли лашкарбошилар Султон Йилдирим Боязид томон юришга ташаббус кўрсатиб, тезроқ бу ишни амалга оширмоқни истардилар. Амир Боботурк ва Алп Туркаш каби турк асилли амиру мулозимлари эса ботинан бу тўқнашувга хайрихоҳ эмасдилар. Вазиятни чуқур ўрганган бош кўмондон бу тўқнашув бориб турган хатолиф эканлигини борган сари чуқур хис этарди. Ҳар қандай шароитда Султон Йилдирим Боязид билан муросою мадорага бормоқ лозим дея қарор қилди. Бироқ унинг мактубига жавоб бермай ҳурматсизлик кўрсатаётганини бутун кўшин туйган эди. Бу нарса унинг нафсониятига тегар, қаҳрини кўзгарди.

Кичик машваратда аҳволни бу ҳолатда қолдириб бўлмаслиги, Боязидга мактуб билан яна бир элчи жўнатмоқ керак деган қарорга келинди. Бу унга сўнги огоҳлантириш бўлади, хаёлидан кечди Темурнинг, яна сулҳ ва ўзаро англашмоқ қоидаси ва илоҳий суннатга амал қилиб Султон Йилдирим Боязидга элчи юборди. Элчининг қўйнида қуйидаги мазмундаги мактуб, қўлида ва унинг обрў-эътиборига муносиб султонона совға-саломлар бор эди.

“Агарчи ғалаба ёр Турон лашкари у томонга юзланган бўлсалар ҳам, аммо сўзимиз ўша, аввалги айтганимиздекдир. Қора Юсуфни мамлакатингдан ҳайдаб, уни ҳимоя қилишдан кўл тортасан! Чунки у йўлкесардир. Осмоний китоб – Куръон ҳукмига биноан унинг жазоси ўлдириш ёки дорга осиш, оёқ қўлини кесиш ёки мамлакатдан сургун қилишдир. Биз билан самимий муносабатда бўлмай, сўзларингда турмаганинг жазоси ўлароқ Кемок қалъасини бизга топширасан. Бойси, бу қалъа ҳар доим Арзинжон ўлкасига тегишли бўлиб келган. Арзинжон эса айни замонда бизнинг тасарруфимиздаги вилоятдир. Рум мамлақати

сенга мусалламлигича қолгай. Агар у худудда ислом динига муҳолиф бўлганларга қарши ҳар ниманики илтимос қилсанг, қудратимиз етгунча мадад ва ёрдамимизни дариф тутмаймиз. Биз ҳам ғазот савобида сенга шерик бўлғаймиз! Тамом! Вассалом!”

Элчи Тоғаймурод Тулқичи Рум йўлига тушди. Хабарларга кўра Султон Йилдирим Боязид Истанбулни фатҳ этмоқ ниятида шаҳарнинг улкан деворлари ёнида жанглар олиб борар эди. Шу орада Қора Юсуф Йилдирим Боязиддан юз ўгириб, Румдан чиқиб кетибди деган овоза тарқалди. Темур бу хабарни ҳисобга олди. Махфийлар бу гапга унчалик ишончлари комил эмаслигини, бу ўзаро келишув асосида тарқатилган ёлғон бўлиши мумкинлигини қайд этдилар. Бу хабарга ўз муносабатини билдирган Темур Йилдирим Боязидга мактуб билан яна бир элчини жўнатди. “Агар аҳвол шундай бўлса, унинг хонадонини бу томонга жўнат. Токи муқаррар қоидалар таъкид топиб, биз ўша айтилган қарорга мувофиқ сулҳ қилайлик” дея қайд этди.

Темур деярли ҳар куни салтанатнинг турли чеккаларидан ҳузурига келган кишиларни қабул қилар, улар мушқулини осон этмоқ пайида-бўлар эди. Элчини жўнатгач, у шу яқин атрофдаги Тартум дея аталмиш манзилдан келган ўн беш чоғли мусулмонни қабул қилди.

– Биз бир неча йилдирки сизни кутамиз, хоқон ҳазратлари. Қисмат эркан бугун кўришмоқ насиб этди, – муурожаат қилди ўзини Ҳайдар Бозор дея танитган эл ўтоғоси. – Юз йилдирки, авлод-аждодларимиз бу худудларда яшайдилар. Биз билан ёнма-ён бошқа дин ва қавм кишилари ҳам истиқомат қиладилар. Бир-биримизга ёмонлигимиз йўқ. Бироқ бизни эзиб, инсоний нафсониятимизга тегадиган бир нарса борким, арзимизни кимса тингламайди. Султон Йилдирим Боязиднинг бундан муҳимроқ юмушлари кўп бўлса керак. Бунинг устига жуда узокда яшайди. Ўлкамиздаги Тартум қалъасини икки юз чоғли христиан гуржи эгаллаб олган. У ерга бирорта мусулмоннинг қадам босгани кўймайдилар. Бироқ элни роҳатсиз этаётган нарса бу эмас.

Ўз ҳоким, волий ва қозиларимизга ишимиз тушса, шу гуржилар орқали битирамиз. Раҳбарларимиз ришватни биздан шулар орқали оладилар. Бу ғайридинлар кўзга кўринмас ишлар билан бизнинг қўл-оёғимизни боғлаб қўйган. Фойда келадиган, пул чиқадиган амалу мансаб борки, уларнинг қўлида ёки улар орқали ўз халқи тақдирини гуржи ва армани махфиясига топшириб қўйган. Бизнинг додимизга сиз етмасангиз, бошқа бир подшоҳ етмас, хоқон ҳазрати олийлари, — дея йиғламоқдан бери бўлиб арз этди Ҳайдар ўтоға. — Қора Юсуф буларнинг олдида тўйга борса бўлади. Улар ҳеч кимга, на маҳаллий аҳолига ва ўтган-кетган карвонга раҳм қилмайдилар. Улар ўлдирган савдогар ва мусофирларнинг алоҳида қабристонни бор. Бирорта амирингиз бориб кўриши мумкин.

— Сўзларингизни диққат ила тингладим ва аларнинг сизларга жабр этганликларига ишонч ҳосил қилдим, — деди хоқон ўтоғони диққат билан тингларкан. — Бироқ шуни ҳам унутмангким, ҳеч бир замон уфоқ-тефак баҳоналар билан насронийу мусулмон, мусовийу зардуштий низоларини кўзғамаслигимиз, ҳар бир ишимизда мезон, олий адолат ўлмоғи лозим. Барча динлар вакиллари яратганининг яратикларидир. Диний тўйғу ва эътиқодлар баҳонаю қурол этилароқ қилинган савашу адолатсизликлар ҳеч бир халқнинг юраги ва хотирасидан учмайди. Мамлакатимиз худудларида дунёдаги барча дину элатларга мансуб кишилар яшайди. Биз катта ва ҳукмрон улус ўлароқ улар бошини силашимиз, хато ва янглиш ишларга қўл урганларида дарҳол жазоламоққа шошилмай, панду насихат, инсофу адолатга чақирмоқ воситаси ила йўлга солмоғимиз жоиздир. Бойси, улар бизнинг халқимиз, табаамиздир. Халқидан кўрққан зеҳният ва ҳукумат ўз давлати ва салтанатининг илдизига болта уради. Отган ҳар бир одимимиз, ўйлаб-ўйламай сўзлаган сўзимиз учун аҳли башар кўз ўнгида бугунда, эрта кундада юзимиз ёруғ ўлмоғи лозимдир. Биз бу вазифани мухтарам амиримиз шайх Нуриддинга топ-

ширамиз, — дея арзчилар рижосини ҳал этди хоқон. — Ва эсингиздан чиқмасинким, сиз ғофилликда яшаганлигингиз, ўз ҳақ-ҳуқуқларингизни кўриб, химоя эта билмаганингиз боис бу қавмлар бошингизга чиқиб олганлар. Акс ҳолда турум бу қадарга етиб бормаган бўлур эди. Ғафлатда қолган киши ва улус эса охир-оқибат фитна қурбони бўлади. Яшадигингиз ҳаёт ва толе тажрибасидан кўзингиз очилиб, ибрат олмас экансиз, эл ўлароқ ўзга элатларнинг овига айланасиз. Менинг сўзларимни ушбу худудларда яшагувчи хосу омга етқуринг. Ва билингким, тегрангизда яшагувчи қавму қабилалар юз, балки минг йиллардан бери бир кун дўстлашса тўрт кун ёвлашиб келган. Отаси ёв от бермас дегандек, ҳеч қачон ўзга бир киши ва элнинг мададига кўз тикманг. Кучли бўлинг. Шундагина сиз рақиблар ўйинини буза оласиз. Пайғамбаримиз ҳазратлари сабоқ берганларидек, кишининг кишидан кўмак сўраши — маҳбуснинг маҳбусдан мадад сўраши кабидур. Сизларни Аллоҳга омонат этгум! Яратган ёру ёрдамчингиз ўлсун! — деди хоқон мусофирларни йўлчи этаркан.

— Эй валлоҳ! — деди Ҳайдар Бозор тиз чўкканча хоқон пешини ўпаркан. — Бизнинг энг буюк ғожиамиз бошимизда сиз каби раиятла кўнгил тили ила кўнишадиган бир улуг, кучли ва адолатли инсоннинг йўқлиги экан! Эй воҳ!..

Тартум қалъасининг ҳоқими Таги исмли гуржи бўлиб, Гуржин деган даруғаси бор эди. Шайх Нуриддиннинг яхши сўз ва сулҳ ила бир қарорга келмоқ таклифини Гуржин қабул этмади. Қалъага хужум бошлаб, беш кунда олдилар. Ўтакаси ёрилган Таги Темур хузурига етиб келиб, оёғига йиқилди. Хоқон унинг гуноҳини кечиб, мусулмонларни хурмат ва иззатда тутмоқ аҳдномасини олиб, омонлик берди.

Шамкур саҳросидан кўчган олий ўрду Авникга етиб келган эди. Ўзи билан бирга бўлган севимли хотини Туман оғони валиаҳд Мухаммад Султоннинг ўғли амирзода Саид Ваққосга кўшиб, Султонияга юборди. Хоқон ўзи

курдирган бу шаҳарни яхши кўрар ва авлодларининг шу ерда яшашини тавсия этарди. Ўзи эса Авникдан кўчиб, Арзирум тўқайзорларига келиб тушди. Бу манзил яшамоқ ва ов солмоқ учун кулай, табиати мусаффо бир манзил эди. Ироқи Арабда тартиб ўрнатган амирзода ва беклар қўшинлари билан дарё каби Арзирум томон оқиб келардилар.

Боши қотган Темур хузурига Рум сафарининг ташаббускорлари шайх Нуриддин билан Шоҳ Маликни чорлаб, уларга маслаҳат солди.

– Бу Йилдирим Боязид дегани бизни одам ўрнида кўрмаётир. Худо ҳақи у билан тўқнашмоққа кимсанинг кўзи учиб тургани йўқ. Бироқ бундай ҳурматсизликка бефарқ қараб бўлмайди. Сизлар бу хусусда не дейсизлар? – энг яқин амирларидан фикр сўради у.

– Биз ўз фикримизни айтганмиз, Амир соҳибқирон хазратлари. Лозим бўлса яна такрорлаймиз. Боязиддан маъноли бир гап кутиб бўлмайди. У фурсат пойламоқда ва кўшин тўпламоқда. Бизга яқин турадиган қаротатар туркларига ҳам тавачи юбориб, эллик минг аскар сўратибди. Шу ишларни қилаётган одамдан сулҳ ва иттифоқдошлик кутиб бўладими? – дея жавоб қилди Шоҳ Малик. – Сўйлаганингиз каби сулҳ истасак, урушга хозир ўлмоғимиз жоиздир.

– Султондан мужда-бекламасдан Кемох қалъасини фатҳ қилишимиз ва Сивос томон юришни давом эттирмоғимиз лозим, – уни қувватлади шайх Нуриддин. – Бошқа чоратадбирни кўрмаётирман.

– Биз Йилдирим Боязиднинг етарли қадар хотирини сақладик. Иззат-икром ва сиёсатнинг барча расм-русумларини бажардик. Бироқ у эса бизга нисбатан ғайирлик ва менсимаслик йўлидан бораётир. Агар ўз хатти-ҳаракатини давом этдирса, у томон юришга тўғри келади. Бироқ унинг молу мулкига таъмамиз йўқ! Ҳар неки бори ўзига ва авлод-аждога буюрсин. Фақат биз уни ва қўшинини синдириб, яхши бир танбеҳ ва сабоқ берамиз. Ўғилларидан бирортасини тахтига ўтказиб қўямиз. Шунда у бизнинг самимиятимизга

иймон келтиради, – деди Темур ниҳоят сўнг қарорга келиб. – Қолгани яна яратган нени буюрса шул бўлғувсидир! Бу ёруғ очунда шундай ҳақиқатлар бўладики, одамлар бу катта ҳақиқатларни англаб етмайдилар ёки тан олмайдилар. Ҳақиқат ўлароқ тақдим этилган буюк ёлғонларга эса ишониб, унинг ёлғонлигини тасаввур ҳам этмай яшайверадилар. Бизнинг султон ила муносабатимиз ҳам шу каби, сичқонмушук ўйинига ўхшаб қолди... Инсон аталмиш номукамал яратик ҳукмронлик этар экан, ҳеч қачон ер юзини сўғишу саваш балоси тарк этмайди. Аксинча, кишилар унинг ақлга келмас усул ва услубларини ўйлаб топаверадилар.

Бу сўзларни машваратга кечикиб келган валиаҳд Муҳаммад Султон ҳам диққат билан тингларди. Хоқон сўзини тугатиши билан қўлини кўксига қўйганча бобосига таъзим бажо келтириб, ўрнидан турди.

– Ушбу қалъани фатҳ этмоқни менга буюрсалар, буюк бобожон! – деди у ўнг қўлини кўксига қўйиб. – Энди сизни кўп уринтирмайлик. Фақат бебаҳо маслаҳатларингизни бериб турсангиз етарлидир.

– Мушқулингизни худо-оёон-қилсун! Розиман! – деди Темур набирасининг таклифидан қониқиш туйиб. – Иншооллох, зафар сизга ёр бўлғай!

Валиаҳд Муҳаммад Султон тисланганча саропардадан чиқиб шахдам қадамлар ила ўз чодирини томон кетди. Ўттизга қоралаб қолган бу хушбичим ва жасур набирасини кўрганда хоқоннинг кўкси тоғ каби кўтарилар, ўзи ажал тери тўкиб тиклаган давлат ва салтанатининг келажагидан кўнгли тўлгандек бўларди.

Оламини-адолат обод этажак!

Дунёни ақлисалимлик, теран идрок ва фаҳм аҳли кутқаражакдир!

Туғум ва ўлим орасидаги икки қадам масофани инсон умр-деб атади.

Шарафлисан, шарафсизсан, тарафлисан, тарафсизсан,
тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтар эди...

Туннинг энг қоронғу дамлари тонгга яқин онлардир!..

Саропарда саҳнига чиқиб, кун ботишдаги, Туркистон
тизмалари, Ойқор қояларини эслатгувчи тоғларга тикилган-
ча ўйга толиб қолган хоқон ақлидан дўсти Ўткун Тегиннинг
сатрлари кечарди...

*Ўзни топган, халқни топар,
Юрт ташвишин сўроқлар.
Тошу гиёҳини ўтиб,
Ҳар қадамда туроқлар.*

*Ботир боши қўшилмаса,
От қамчилар тўпроқлар.
Шерлар майдонни тарк этса,
Кезар шоқол, бароқлар.*

*Эл кезганнинг эси очик,
Чорласа-да йироқлар.
Она кўкси каби ортда,
Беклар қутлуғ байроқлар.*

*Она ердир, бу Ватанни
Ватан этган тупроқлар.
Бағри ҳам бизга Ватандир
Ватан қўққан тупроқлар.*



ОҚҚАН ДАРЁЛАР

ёхуд

Бобуршоҳ тўғиё этган тупроқ

Сўнгсўз

*Фалончига эрурсан қандайин хеш,
Дебон мендан сўрар девона дарвеш.
Дедим: тожикману ул турки барлос,
Жудо бўлмас эту тирноққа биз хос.*

Абдурахмон ЖОМИЙ.

...Бахмал туманининг маркази – Ўсмаат кўрғонига тугашган қишлоғимиз Туркистон тизма тоғларининг Ойқор қоялари ўнгирида жойлашган бўлиб, уни Каттасой тенг иккига бўлиб оқар, этакдаги ўнлаб қишлоқ ва овулларни суғорадиган биллурдек тиниқ сойнинг оқаваси Сангзор дарёсигача етиб борарди.

Туркистон тизмаси бўйлаб Ўсмаатдан Зоминга ёки Галлаоролдан Форишга, ундан Нуротага қараб юрар экансиз, сирли тарих этагидан тушиб қолгандек сизни хайратга соладиган қишлоқ, сой, дара, тепалик ва яйлов номларининг ҳар бири буюк ва шарафли ўтмишимизнинг гувоҳлари ўлароқ қаршингизда жонланади.

Сарой, солин, барлос, мўғал, қангли, кенагас, минг, юз, қирқ, турк, туркман, кўнғирот, қатағон, манғит, жалойир, қипчоқ, эскиараб, қавчин, қорахитой, қурама, орлот, катағон, нуғой, найман, қозоқхўжа...

Кечмиш элагидан тушиб қолган қадрдон атамалар.

Бу уруғ-аймоқларнинг барчаси Ўрта ва Кичик Осиё, Кавказ ва Кавказусти жумҳуриятларида ҳам бор. Бу улусларга мансуб нуфус Ўзбекистонда Ўзбек, Туркманистонда туркман, Қозоғистонда қозоқ, Озарбайжонда озарий, Тур-

кияда турк дея аталадилар. Бу улуслар Навоий “бир қалам” қилган турк тилининг турли лаҳжа ва шеваларида гаплашадилар.

Қишлоғимизнинг кунчиқар томонидаги қадимий Дунётепа ва кун ботишидаги Қўрғонтепа қадим давр шаҳарчилик санъатининг намуналари ўлароқ ҳамон кўкка бўй чўзиб турибди. Улар атрофида ўйнаганимизда топиб олган қилич ва дубулға синиқлари, найза, ўқ ва қалқон бўлаклари биз болаларга уйқу бермас эди.

Тут ва тол шохларидан ўқ-ёй, қилич, найза, эски тоғоралардан қалқон ясаб, ўзимизча ўша давр жангчилари қиёфасига кириб, иккига бўлиниб, “Амир Темур ва Йилдиirim Боязид” ўйнар эдик. Археологлар тезроқ қелишиб, Дунётепа ва Қўрғонтепанинг сиру асрорини очишларини интиқлик билан кутардик.

Зотан Бобур Самарқандни иккинчи бор фатҳ этганида Андижондан келиб, Ўсмаатда тўхтаганини, ундан Темурийлар бошкетига етиб борганини “Бобурнома”да қайд этади. (“Бобурнома”да Вусмаат деб аталиб, арабчада водий қошидаги ўсма маъносини англатади)

Барча болалар каби ёзги таътилда мен ҳам сурувдан ажратилган кўзиларимизни тоғ этаклари яйловларига ҳайдаб чиқардим. Биздан олдинги авлод-оталаримиз сурувлари билан қишлайдиган манзилларни қишлоқ, ёз мавсумини ўтказадиган тоғ бағирларини ёзлок, чорва боқиладиган дараларни эса яйлоқ ёхуд яйлов деб атардилар. Биз билан бирга Қирғизқишлоқнинг камгап тарих ўқитувчиси ҳам ўн чоғли эчки ва қўйларини ҳайдаб чиқар, негадир ёши катта кишилардан ўзини олиб қочиб, биз болалар билан гурунглашарди.

У бизни излаб келар ва узоқ хангамалашардик. Очикдингми дея менга нон ва тутмайиз берарди. Биргалашиб булоқ бўйида нонни оқизоқ қилиб ердик. Менинг уруғим, авлод-аждодимни сўраб-суриштиргандан сўнг муносабати янада илиқлашди.

– Биласанми, мана бу тоғни нима учун Туркистон тизмалари деб аташади?

– Йўқ! – дея жавоб қилдим.

– Бу дегани шу тоғ этакларида турк халқлари япайди дегани. Биз барчамиз Турк атанинг балдаримиз. Юртингда юмрон ўйнагур Сталин турк сўзини йўқ қилди. Минг тўққиз юз йигирма учинчи йилда Туркия жумҳурияти эълон этилгач, Туркистон республикасини йўқ қилдилар. Дунё харитасида турк сўзли икки давлат турмаслиги учун. Ота юртимизни сўйилган кўйдек нимталадилар. Бошингни эгиб, елкангни қисиб юрма, сен Амир Темур, Бобур ва Улуғбек каби чўнг инсонларнинг авлодидан! Бу улуғ шахсиятлар бутун турк улусининг катта аталаридир! Туркияда яшовчи турклар сўнгги ўн аср мобайнида Турондан у ерга бориб ерлашганлар. Улар бизнинг қондош ва диндошларимиздир. Биз қирғизу қозоқ, ўзбегу туркман, озарбайжону қорақалпоқлар сўзлашган тил турк тили деб аталади. Рус, украин, белорус ва болқон жумҳуриятлари славян тилида сўзлашганларидек. Яғий ва рақибларимиз бизнинг яқинлашувимизни истамайдилар. Ватани, миллати ва дини ноқис элатлар бора-бора ўзга эллар орасига сингиб, йўқ бўлиб кетади.

Катта энамнинг киши дилига таскин берувчи, уни ҳар қандай қийинчиликларга чидаб, тақдирга тан бериб яшашга ундовчи ибодатлари олдида бу мутлақо янги, ўзгача бир олам эди. Мен тарихнинг сеҳрли ва жумбоқли ҳалқасига тушиб қолгандек эдим.

– Бизнинг кўп сонли туркий халқларимизни кўятур, улар ҳатто битта Амир Темурнинг борлигини ҳам ҳазм қила олмайдилар, – деди у анчадан сўнг йиғига ўхшаган овозда. – Агар Темур каби инсон ўзларидан чиққанда эди...

Қирғиз муаллимнинг кўзи ёшланиб, овози бўғиқ чиқа бошлаган, мен ҳам хомуш тортиб, бир-биримизга тикилишиб, туриб қолгандик. Ниҳоят муаллим Қирғизқишлоқ томон жўнади. Орқасидан қараб турдим. Қандайдир бир ички

туйғу уни бошқа кўрмаслигимни дилимга солаётгандай. Бу ҳис уйғотган кўркувдан аъзойи баданим музлаб, карахт бўлиб қолгандек эди.

Шу-шу муаллимни қайтиб учратмадим. Узоқ изладим. Ниҳоят мактаб-интернатда бирга ўқиган қирғиз синфдошларим билан бирга кидирдик. Изини топганда, эшитган сўзларимга инонмас эдим. Эллигинчи йиллар охиридаги сиёсий-маънавий катағонда муаллим Сибирга жўнатишган ва қайтиб келмаган экан...

...Билга қооннинг руҳи саросар кезиб чирқирар, нидо қиларди!

Эй турк ва ўғуз беклари! Миллатни эшит! Устингдан осмон босмагани, остингдан ер тишламагани ҳолда сенинг ўлкангни ва тузугингни (давлат низоми) ким бузди? Итоатинг шарофати билан сени юксалтирган ҳоқонингга ва мустақил давлатингга ёмонлик қилган сенсан! Йўқса, қурол-яроғли кўшинлар келиб сени парчаладимми? Эй муборак Ўтукан халқи – сиз шарқу ғарбга кўчдингиз. Хулоса шу бўлди: Қонинг сувдек оқди, суякларинг тоғдек йиғилди. Ўғилларинг қул, қизларинг жория бўлди. Эй турк элати, титра ва ўзлигингга қайт!..

Буюк Темур ва темурийлар улус, ҳақ ва ҳақиқатга интилиб яшай бошлаган эди. Ҳақу ҳақиқатга интилмаган қавм ўзлигини топмасдан йўқолажак оломондир. Миллатнинг миллатлиги адолатга садоқати билан ўлчанади, белгиланади. Куч – бирликда, қудрат – адолатда деганида Буюк Темур ҳам шуни назарда тутган.

Ҳақиқат эса аччиқ, даҳшатли бўлади. Уни айтмоқ учун қанчалик ақл-заковат ва жасурлик лозим бўлса, тингламоқ ҳамда амал қилмоқ учун, ўн чандон кўпроқ мардлик, салоҳияту илму амал керак.

Халқимиз ўз иймону виждонида бу куч-қудратни бир топса, бирда топа олмади. Бундан унинг буюк салтанату подшоликлари, хонлигу бекликлари завол топди. Шоҳи асирга, асири қулга айланди.

Улусимиз ўз замонида ва ўз фурсатида қурол кучидан

кўра маданий ва маънавий куч устун эканлигини англаб етмади. Маданияти ўзга маданиятлар олдида енгилди. Бунинг оқибатида ҳоқонлари ёв ҳукмдорларига таслим бўлди.

...Ватан тупроғи насиб этмаган Ибн Сино, Беруний... Она шаҳри Бухорони тарк этмоққа мажбур этилган имом Бухорий... Ислом тарихида шахс ўлароқ ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан сўнг турадиган бу улуг шахсият кимни ёхуд кимларни безовта қилган эди? Шундай буюк олими сиғмаган юртга ким сиғиши керак? Бухорий қисмати бу ўринда бизга сабоқ бергувчи бир ўрнақдир. Маккаи мукаррама кўникмаларидан сўнг ислом оламини кезиб, уни мукамал ўрганган олим ҳадис илмида камолотга эришиб, ватани Бухорога қайтади. Нишопурдан чиқиб, Туркистон йўлига тушганида Хуросон амири Холид бин Аҳмад ўғилларига сабоқ бермоқ учун саройига чақиради. “Мен илмни фақат амир болаларига эмас, элу улусга тарқатмоқ ниятда ўрганганман!” дея жавоб қилади Бухорий Хуросон амирига. У замонларда камдан-кам олиму уламо хон ва амирларнинг илтимосини рад этар эди. Бундай муносабатга чидай олмаган амир Аҳмад бутун Бухоро диндорларини Имом Бухорийга қарши кўзгайди. Имомнинг пешини кўзига суртиб юрган ўз шогирду маслакдошлари Бухорий ҳақлигини билиб турсада, унга қарши оёққа турадилар. Унинг ота-боболари форсада туғилганлигини, мазҳабида ноаниқлик бор дея тухмат ва таъна билан Бухородан сургун қилмоққа эришадилар. У ҳам Мирзо Улуғбек каби Каъба йўлида Ҳақ раҳматига қовушади ва ҳайит уни пешин намозидан кейин тупроққа берилади.

Худди шундай бир фожиа ота-боболари тўрт юз йилдан бери Самарқандда шайхулисломлик қилиб келган, замонасининг энг илғор олимларидан бўлиб, Бурхониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя”сига “Шарҳи мухтасари виқоя” асарини ёзган шайхулислом Абулмакорим билан Шайбонийхон орасида юз бергандир. Қавми мўғулдан аҳли Самарқандга яхшилик келмаслигини, Бобуршоҳдек олийжаноб қалбли ҳукмдорнинг юртидан бадарға этилишини ҳазм этолма-

ган мавлоно Абулмакорим Шайбоқхон билан ҳамкорликдан бош тортади. Жаҳонгирлик васвасасига тушган хоннинг шариату тариқатга мос келмас ишларига рағбат кўрсатмайди. Бундан ғазабга келган, оёғи ердан узилган хон шайхулислом ҳазратларининг бошини арралаб, қатл этишни буюради...

..Мана сизга зулму ваҳшат, ёвузлигу қаттолликнинг, жабру жаллодликнинг энг разил ва қабих намунаси. Самарқанд раияти бу воқеани эшитиб ақлдан озади. Олиму уламолар, билим ва санъат одамлари шаҳарни тарк этиб, боши оққан томонга кета бошлайдилар. Шаҳар ўша замон таъбири билан айтганда золиму бузғунчилар маконига айланади.

Ал қасосул мин ал-ҳақ! Ҳеч бир зулму қотиллик жавобсиз ва жазосиз қолмайди. Бу фожиадан кўп ўтмайди. Марвда Исмоил Сафавий кўшини билан бўлган тўқнашувда қилич зарбидан Шайбоқхоннинг боши танасидан жудо этилади. Фақат арра билан эмас, қилич билан. Унинг териси шилиниб озарий ҳукмдорга, оёғи кесилиб усмонли султониغا, кўли қирқилиб, афғон подишоҳига юборилади. Бош чаноғига олтин қоплаб, май ичадилар. Этини аскарлар пишириб ейдилар.

Шоҳ Имоил тупроққа айланган сўнгакларни Чингизхон каби таҳқирлашда давом этади. Олтин қопланган бош чаноғини Шайбоний каби сунний бўлган ва уни хурмат қилган Миср султони Кансу-Гаврини таҳқирлаб, қуйидаги байт билан унга юборади.

*Қилич ва ханжар бизнинг ҳидимиздир,
Туф бўлсин нарғиз ва сумбулимизга.
Душманнинг қони ичкилимиздир,
Айлансин бош суяк қадаҳимизга.*

Бу ғайри инсоний ва ғайри ахлоқий қилмиш сунний маҳзабдаги Миср ҳалқининг қаҳрини келтиради. Султон хоннинг бош суягини хурмат билан дафн этиришиб, Шоҳ Исмоилга Шайх Носуриддин Таҳҳим ёзган ушбу шеърини жўнатади.

*Ҳидлаб юрсанг бундай «Хушбўй» нарсаларни,
Кўзгайсан даҳшату қўрқувларни.
Жангда душманни ўлдирши жоиз эрур,
Фақат ит ялағай бош суюқларни.*

Бу Исмоил Сафавийнинг Шайбонийхоннинг шайхул-ислом Абулмакорим ҳазратларига кўрсатган жабру қотиллигига жавоби эди. Унинг Бобурни Туркистон мулкидан қувиб чиқаргани учун эмас! Пайғамбар авлодлари, Бухорийга ўхшаган диннинг олий даражали пешволарига шу хил муносабатда бўлган бирорта ҳукмдорнинг салтанати узоқ яшамаган. Ўзи эса шарафсиз ўлим топган.

Тупроққа айланган мурдани таҳқирлаган, шиаликни қабул этмаган Ҳирот шайхулисломи Тафтазонийнинг юрагига ўқ узиб ўлдирган Исмоил Сафавий ҳам озарий турки эди. Бу қассобликдан сўнг у ҳам узоққа бормади. Бировга кўтарган қиличи ўз бўйнига тушди. Уни ҳам суиқасд-ла маҳв этдилар.

Недан буюк Бобур: “Вафот этсам мени киндик қоним тўкилган она-ваганим Андижонда тупроққа беринг!” демади. Ёки недан улуг бобом хоки ёнига, Самарқандга қўйинг дея васият қилмади? У буни орзу этмаганмиди? Афсуслар бўлсинким, этган эди! У-ватан тупроғи солинган хуржунда қовун эктириб еган ва бу тупроқни асраб-авайлаб олиб қўйиб, кўзига тўтиё этмаганмиди?

Бироқ у бошқа, кимсага ичини ёриб айта олмайдиган ҳақиқатни ҳам алам ва армонла ҳис этар эди. Тириклигида сиғмаган Ватан тупроғига унинг жасади сиғармиди? У ўз миллатдоши, диндоши ва қондоши бўлмиш инсонлар ота юртига сиғдирмаган вужудни жасад шаклида ҳам тинч қўймасликларини сезганмиди? Шу боис умрининг сўнгги дақиқаларида хокини Кобулга элтиб тупроққа беришларини кўзу, кўнгил ёши ила дили сўкик, ичи тўкик бир аҳволда васият этган эди!..

Темур она шаҳри Кешда бино этдирган, дунё меъморчилиги кўрмаган тенгсиз Оқсарой, Самарқанддаги Кўксаройу Бўстонсаройни рус ёки чин императори келиб буздиргани

йўқ! Ўзаги ўзимиздан чиққан, ўзича ўзини Темурдан кам деб билмаган Абдуллохону Убайдуллохон каби хону хончалар вайрон этганлар! Шундай улуг ва тарихий биноларнинг ғиштларини каламуш каби емириб ташиб, ўзига бошпана ёки оғилхона қурган кимсалар ва оломонни қандай аташ керак?!

Бу шарафсиз оломон сўқир, қалбу нодонликлари билан маданиятимизга, авлодлар сабоқ олиши мумкин бўлган буюк эътиқодларимизга ақл бовар қилмас, ўрнини қоплаб бўлмас зиён-заҳмат етказганини англашармиди?

Самарқанд ҳокими Ҳожибий Оталиқ Дўрмон 1591 йилда юз эллик йил Самарқанд осмонини ёритиб турган Улуғбек расадхонасини буздириб, Кўҳак дарёсидаги Шодимулк кўпригини таъмирлашни буюрганда ақлидан нелар кечган? Наҳотки Самарқанддек шаҳри азимда бошқа ғишт қуриб кетган бўлса? Қолаверса, кўлида Абдуллохоннинг фармони ҳам йўқ эди!

Бироқ Ҳожибий оталиқ бу разил иши учун Абдуллохон иккинчидан танбеҳ эшитмаслигини жуда яхши билган. Боси. — кўп ўтмай Сароймулкхоним мадрасаси хоннинг теурийларга бўлган хусумати туфайли махсус фармон билан бузиб тащланганлиги бунинг жонли исботидир.

Ҳозирги кунда Бибиҳоним номи билан аталадиган обидани Амир Темур Ҳиндистон сафаридан қайтгач, 1399–1404 йилларда қурдирган ва Амир Темур мадрасаси деб аталган. Бироқ тоқорида қайд этилган хусумат давом этиб, мадрасани унинг номида аташни истамаганлар.

Мустақиллигимизнинг йигирта тўрт йиллиги кунларида Буюк жаҳонгирнинг она бешиги Шахрисабзда эдик. Маҳобатли Оқсаройни ўраган юз гектарли майдоннинг ўша давр тарихий қиёфаси айнан тикланиб, Кеш қалъасининг афсонавий деворлари қайта қад ростланаётганини кўриб кўксимиз қаршимиздаги оқ қалпоқли Ҳисор чўққилари каби юксалди.

Бу бетакрор, сўз ила ифодалаб бўлмас вағаний, тарихий ишга бош бўлган Жумхуриятимиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовни барчамиз бирдек дуо этдик.

Демак, Оқсаройу Кўқсарой, Бўстонсаройу асл Бибиҳоним

масжид ва мадрасалари каби кўплаб темурийлар даври обидалари ҳам қайта тикланиб, халқимиз шонли тарихининг олтин зарварақлари қайта очилажак саодатли кунлар узоқ эмас.

Зотан бугунги кунда дунёни ҳайратга солиб турган Тож маҳал — Оқсаройу Кўксаройнинг неварасидир.

Юрак-юрақдан тўлиб-тошиб келган битикларни улусимизнинг бир сўзли ва мард шоири Тохир Қаххор билан бирга мутолаа этамиз:

*Буюк даҳо қаршисида,
Шайтонлари қўзганлар.
Кўксаройу Бўстонсарой,
Оқсаройни бузганлар.*

*Тахта тахтнинг завгосида,
Нўхтасини узганлар.
Шох битганда оталиқлар,
Расадхона сузганлар.*

*Жоҳилият уммонида,
Мудом узоқ сузганлар.
Одил кечмиш тўфонида,
Мисли хазон тўзганлар.*

*Уфқи кенгиш, ҳур заколар,
Ҳар мушкулни чўзганлар.
Энди сиздан мужда беклар,
Вақт, замондан ўзганлар.*

*Регистону Тож маҳал,
Шонли тарих ёзганлар.
Элга байроқ бўлиб қайтар,
Юрт деб тузук тузганлар.*

Амир Темур авлоди бўлмиш шоиран даврон, оқилаи замон Нодирабегим ва унинг ўғли Муҳаммад Алихонни Литва қироли эмас, Бухоронинг манғит амири Насрулло.

осдирди! У бу разолатли ишга кўл ураётганида ўз илди-зига болта ураётганини, эрта-индин бу худудлардаги бар-ча боши қўшилмаган, тарқоқ ва ноқобил хонликлар Ру-сия империясига қарам бўлишини, барчаси бирдек ўз эрку мустақиллигини йўқотишини англамаганмиди?

Нечун Оқ пошшо Хоразм хонлигини босиб олаётганда Бухоро амири босқинчиларнинг бутун бошли кўшинини ем-хашак билан таъминлаб турди?

Нечук дунё сирларини миллатига очиб берган, халқига йўлчи юлдуз бўлган Мирзо Улуғбекдек алломанинг боши сапчадек узиб ташланди! Нечук Усмонли султони икки куёви, уч ўғли ва икки ўғил набирасини ўлдириб, Қонуний Султон Сулаймон номини олди? Замонлар кечиб бундай фармонни Саддам Хусайн берди. Амакиваччалари бўлган икки куёвини, набираларининг отасини Бағдоднинг марка-зий майдонида осдирди. Нечук Бобурийзода Аврангзеб сак-киз йил отаси, Тожмаҳалдек бу дунё мўъжизасини барпо этган улуғ инсон Шохжаҳонни уй қамоғида асради?

Халқ ичида бул каби буюк адолатсизлик, миллат илдизи-га болта урадиган ноҳақ ишлар бўлаётганини кўриб-билиб турадиган кўз ва виждонлар бор эди. Бироқ жуда оз эди. Ҳар замон ва даврда бўлганидек бойлик ва мансаб, ман-фаат ва мавқе учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган жоҳил ва ярим жоҳил оломон-кўпчиликни ташкил этар эди. Олий даражадаги манфаатлар тўкнашганда жоҳил, шафқатсиз ва қаттиққўл тараф босиб кетади.

Биз билган тарихда Амир Темургина юқоридаги каби оний қарор-ла яқину бегонани қақшатқич жазолашдек хатти-ҳаракатдан ўзини тийган. Не қадар жиноят қилмасин, ўзи не қадар ҳақ бўлмасин, ўғли ёки қардошини ўлдирган хукмдорга эл-юрт ўзга назар билан қарашини яхши билган.

Фақат доно ва кучли миллатгина ўз нуқсонини англаб, камчиликларидан хулоса чиқариб, келажаги учун теран зако ва олийжаноблик билан мардонавор курашади. Акс ҳолда у шаклланмаган миллат, бутунликка эришолмаган халқ сифа-тида изсиз йўқолиб, тарих сахнасидан тушиб кетади.

Ҳаёт ҳақиқатининг аянчли ҳукми шундайдир! Унга тик ва тўғри кўз ила бокмоқ, яшамок ва курашмоқ керак!

Юкорида қайд этилгани каби, тарихий сабоқлардан бири, суҳбатларда кўзгаладиган мавзу – Темур ва Йилдирим Боязид тўқнашувидир.

Анқарада бўлганимда бу икки буюк жаҳонгир ўрдуси тўқнашган Чубук водийси ва Маликшоҳ оваси ҳамда Эсенбоға кенгликларида узоқ кездим.

...Кун булутли, ёмғир эзиб ёғар эди. Мен лойга беланиб, хотира учун бир парча бўзтупроқ олмоққа уринаман. Йўлдошларим Эсенбоға шаҳарчаси валадия бошқони Усмон Янги, миллий таълим вазирлиги маслаҳатчиси Умар Гул ва профессор Малик Муродовлар менинг ҳаракатларимни завқ ва ҳайрат билан кузатадилар.

Ҳаёлимда булар мени ердан кузатмоқдалар. Булутли Анқара осмонида, самога санчилган қоялар тепасида икки буюк бобомиз Амир Темур ва Йилдирим Боязид руҳи ҳам бизни кузатиб тургандек эди...

Бундан олти юз йил бурун мана шу тарихий манзилда икки буюк турк султони тўқнашган, икки буюк ҳокон вужудида оқаётган суоқ ва сижок турк қони бу савашнинг олдини ололмаган эди. Улус тарихидаги энг катта жаңг худди мана шу ерда, биз оҳиста босаётган, табиат шаҳидларга кўз ёши тўкаётгандек, ёмғир қуяётган шу манзилда юз берган. Бежизга Ўрхун битикларида: турк тўйгунча очикажагини, очикқанича тўяжагини билмас, дея ёзилмаган экан дея ақлимдан кечади.

Бу ерда киши руҳий мувозанатни йўқотгандек сезади ўзини. Тарих сени адашган бола каби ўз қаърига етаклаб кетади. Ўзининг ғадир-будур тошлоқларидан, тиканзору чакалакзорларидан олиб ўтади. Сени одил ва оқил хулоса чиқармоққа, боболар ҳаётидан, телба тақдиридан сабоқ олмоққа чақиради. Кўзи очикликка, ойдинликка чорлайди.

...Усмонли қўшини енгилиб, Оврупани титратган Султон Йилдирим Боязид Турон урдусига асир тушган эди. Темур қардош ва диндошлар устидан қозонилган ғалабадан у қадар мамнун эмасди. Унинг қиёфасидан кошқи шу саваш юз бермасайди, деган маънони уқса бўларди.

Кўпни кўрган, метин иродали ҳокон фикрларини жамлаб, лашкарга мурожаат этмоқда. Овози дарада, тоғу тошларда акс садо беради.

– Азиз юртдошларим! Ғалабангиз муборак бўлсун! Озчилик бўлсак-да, бу савабда Оллоҳ бизнинг кўлимизни баланд қилди! Бу тўқнашувнинг юз беришини кутмаган ва истамаган эрдик! Икки бургут талашиб бир эмас, бир қанча қарғага ем тушди. Шаҳидларни Оллоҳ раҳмат айласун! Тирикларни йўлдан адаштирмасун! Бизга Усмонли турки тупроқларининг бир қаричи ҳам, бир дона тоши ҳам керак эрмас! Фақат бу кутсол тупроқларда адолат тарозуси бузилмаслиги, бу замин динимиз, улусимиз бирлиги душманларининг маконига айланмаслиги керак! Бизнинг мухтарам биродаримиз Султон Йилдирим Боязидбекдан сўровимиз ҳам шул эди! Бироқ дўстимиз аввал бизга сўз бериб, сўнгра тондилар! Энди эса гина-кудуратнинг замони эрмас! Динимиз ва улусимиз вужудини бирлик ва адолат ила суғориши лозим бўлган сувлар оқиб ўтиб кетди! Қонимиздаги тезоблик ва ғайирлик устун келди! Бир-биримизга олийжаноблик қила олмадик! Бироқ айни дамдаги хатти-ҳаракатимизга ўзимиз баҳо бера олмаслигимиз мумкин! Буни хулоса этмоқ ва сабоқ чиқармоқни ойдин ва очик фикрли авлодларга қолдираамиз!..

Улуғ-ҳокон тин олди. Овози бўғилгандек чиқаётган эди. Хос мулозим узатган шарбатдан бир неча қултум ичиб, сўзини тугатди.

– Барча беклар ўз ўринларида қоладилар! Мухтарам биродаримиз Султон Йилдирим Боязиднинг беш нафар фарзанди аржумандлари ҳам усмонли тупроқларини тасарруф этаверадилар! Халққа зулм ўтказган ва дини исломга хиёнат қилганларнинг ҳар замон жазоси тайин! Сиз лашкаримга яна бир рижойим бор! Буни яхши тингланг ва амал қилинг! Мана шу заминда юз берган фасод иши ва тупроғи бошқа турк ўлкаларига тарқалмасун! Шунинг учун отингиз оёғини тозаланг! Бул фиску фужур чангу ғубори шу ерда қолсун! Турон тупроғига етмасун! Оллоҳ бизни

шундай кунлардан асрасин! Йўлингиз юзингиз каби оқ, йўлдошингиз ҳақ бўлсин! Омин! Оллоху акбар!!!

Улуснинг миллий иродаси ва ватаний ахлоқи, маънавий-маърифий салоҳияти, даврнинг муҳим, ҳал қилувчи бурилишу жараёнларида ўз тарихига ҳаққоний ёндашмоқ, ундан тўғри хулоса чиқара билмоқ, дунёвий ва ҳуқуқий давлатчиликни такомиллаштирмоқ, барча динларга тўғри ва адолатли муносабат каби эътиқодий тамалларда намоён бўлади.

Турли саваш, жангу жадалларда не қадар кўпроқ душманни маҳв этиб, қўли баланд келган кишиларни қаҳрамон дея атамоққа ўрганганмиз. Табиийки, юртингизга босиб келган яғийга нисбатан Султон Жалолиддин Мангуберди Хоразмшоҳ каби мардонавор қаршилик кўрсатмоқ ҳақиқий қаҳрамонликдир. Биз воқеа ва ҳодисаларга кечмиш ва бугуннинг теран кўзи ила адолатли боқмоққа ўрганишимиз, кишиларимизда ўз тарихига ёндашув маданиятини шакллантирмоғимиз керак.

Бугунги кунда ўтмишда қилич кўтариб савашгандек, «Қалашников»ни елкага осиб қаҳрамонлик кўрсатмоқ – жоҳил, илмсиз, маданиятсиз ва аҳмоқона догматик ғоялар билан тарбияланган қабиаларда қолди, холос. Зотан қаҳрамон сўзининг маъноси қаҳрингга омон бер, жаҳлингга эрк берма, бировни ҳақ-ноҳақ жазолама деган маънони англатади. Шонли тарихимизни ўқиган ҳолда, инсоний тафаккур олий нуктага етган бир замонда бир-биримизга янада раҳм-шафқатли, бағрикенг ва кечиримли бўлайлик демоқчиман. Зеро, авлиё Толстой қайд этганидек, ҳақиқий доно киши бировга берган маслаҳатига ўзи амал қилади, ҳақиқатга қарши бормайди, атрофидагиларнинг нуқсон ва камчиликларига тоқат қилади. Зотан инсоннинг инсонлигини белгилайдиган энг ноёб жавоҳир – унинг қалбидаги меҳр-мурувват чашмасидир. Бу чашмадан не қадар кўп киши баҳраманд бўлса, ўша қалб эгаси шу қадар юксакликка кўтарилади.

Нурали ҚОБУЛ

ТАРИХИЙ ВОҚЕЛИКНИНГ ТЎҒРИ ИДРОКИ

Аввало шуни айтиш керакки, Нурали Қобул ёзувчилар орасида Амир Темур фаолияти билан боғлиқ тарихий воқеликни анча чуқур ўзлаштирган ва тўғри идрок этган ёзувчидир. У буни ўзининг аввалги уч романи “Буюк турон амири ёхуд ақл ва қилич”, “Етти иқлим хоқони ёхуд аҳд ва тахт” ҳамда “Султоннинг сўнгги куни ёхуд Амир соҳибқирон ва Тўхтамишхон” асарларида исботлаган эди.

Ўқувчига тақдим этилаётган “Чингизхоннинг олтин тахти ёхуд тахт тагидаги зиндон” ва “Жаҳон мулкининг султони ёхуд Фотиҳ Темур ва Йилдирим Боязид” романлари эса 1402 йилнинг ёзигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Ҳар икки китобнинг ҳам кишига анча ёқадиган тарафи шуки, муаллиф асарнинг бошидан охиригача жонли халқ тилида воқеа ва ҳодисаларни тасвирлар экан, кўплаб масал ва маталлар, афоризмларни асарга сингитиб ўз жойида, ёритилаётган масалага мослаштириб келтирган. Улар шу қадар кўпки, ҳатто ёзувчи уларни қаердан топганига ҳайратда қоласан. Шубҳасиз, асарда бундай халқ оғзаки-ижоди элементларининг мавжудлиги адабий тилни анча бойитади ва унга ҳаётбахш озуқа бағишлайди.

Ёзувчи шундай оригинал, ўқувчи диққатини жалб этадиган қизиқарли воқеа ва ҳодисаларни топиб, жозибали равишда тасвирлайдики, катта насрдаги асарни ана шундай, китобхонни бефарқ қолдирмайдиган воқеа, ривоят ва нақллар тафсилоти кўтариб туради. Бадиий тарихий асарнинг қадри қиймати ҳам ана шундадир. Кечмиш тарих воқеаларини қайд этмоқ, ёзувчининг эмас, тарихчи олимларнинг, илм аҳлининг ишидир.

Бадиий адабиётда энг аввало ижодкорнинг санъаткор ва шахс сифатидаги позицияси, ғояси, ўқувчини қай томонга йўналтира олиш маҳорати муҳимдир. Шу нуқтаи назардан қараганда муаллиф ўз олдида қўйган мақсадга эриш-

ган. Асарлардаги ҳар бир боб ўқувчини ҳайратга солиб, кўз ўнгида янги бир олам, ҳаёт мушоҳадаси, дунёни ўзгача тасаввур этмоқ фалсафасини тақдим этади. Тарихнинг, инсон шахсияти намуналарининг қабарик қирралари кўз ўнгингизда жонланади.

Ҳар икки китобда ҳам бармоқ вазида кўплаб шеърлар келтирилади. Албатта, бу шеърлар муаллифнинг ижодига мансубдир. Улар ҳам асарга ўзига хос шира бағишлайди. Эслатилган масаллар, халқ ота сўзлари, ҳикматли афоризмлар билан уйғунлашган бу шеърлар асарга завқ ва руҳ бағишлаб, қизиқишни орттиради. Ўқувчига китобга иштиёқ уйғотади. Адибнинг беш китобдан иборат романларини мутолаа этаркансиз, беихтиёр ундаги шеърый сатрлар ёдингизда қолади. Мана, шундай мисралардан мисоллар...

*Бу не замон, қарга булбулга лисондан дарс берар,
Имкон кетиб, даврон оти шоху гадодан терс дўнар.*

Асардаги бундай жиҳатлар унинг бадиий тарихий қийматини таъминлаган бўлиб, адибни тарихий романчи сифатида анча юксак поғонага кўтаради.

Ашраф АҲМЕДОВ,
Тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон республикаси биринчи даражали Давлат мукофоти лауреати.

ЎТМИШ ШАХСЛАР УЛУҒВОРЛИГИ ЁХУД ИБРАТЛИ ХУКМДОРЛИК ВАСФИ

Бадииятда икки жиҳат — тарихий фактларга муаллифнинг ёндашуви ва ўз замони руҳини тарихий давр руҳи билан омухта қилиб юбориш даражаси билан ажралиб туради.

Нурали Қобул “Буюк Турон амири”, “Етти иқлим хоқони”, “Султоннинг сўнги куни”, “Чингизхоннинг олтин тахти” ва “Жаҳон мулкининг Султони” тарихий романлари билан ўзбек насрида янгилик яратди.

Бу янгилик — Темурнинг оддий бир туркистонлик турк жанговари даражасидан хоқонлик мартабасига юксалиш йўлидаги тинимсиз ғайрати, ватани ва миллати, дини равнақи учун курашларини қизиқарли воқеалар орқали кўрсатиб бера олди. Темурнинг ҳаётга боқиш фалсафаси, буюк салтанат яратиш йўлидаги мужодаласига йўғрилиб кетган бу тарихий воқеа ва ҳодисалар китобхонни ўзига жалб этиб, шонли кечмишимизнинг сеҳрли оламига олиб киради.

Темур характеридаги тўғрилиқ, адолатпарварлик, соддалик, курашчанлик, қаттиққўллик, кўпчилик манфаатини доимо устун тутиш каби хислатлар ғоят ишонарли тасвирланган.

Романдаги персонажлар тили ҳам ўзига хос. Эски туркий сўзлардан, мақол ва халқ ибораларидан унумли фойдаланилган. Асарларда тасвирланган Темур — сўзи ва иши бир, адолатдан бир қадам бўлсин чекинмайдиган, халқпарвар инсон. Бу жиҳати билан замонамизда ҳам ибратли хукмдорлик васфи билан ўқувчи меҳрини қозонади.

Асарда Темур билан бир қаторда, унга баъзи хислатлари

билан якин турадиган шайх Нуриддин, амир Худойдод, Аббос Баходир, амир Боботурк, Жаку Барлос ва Али Туркаш каби ўнлаб ибратли ижобий персонажлар борки, улар ҳам Темур каби китобхоннинг сеvimли қаҳрамонларига айланиб қолиши шубҳасиздир.

Зотан бадий асарнинг вазифаси, бизнингча, тарихий воқелик тасвири орқали замон инсонларига руҳ ва маънавий тарбия беришдир.

Нурали Қобулнинг тарихий романлари, менимча, бошқа адибларимизнинг бу йўналишдаги китобларидан фаркли ўлароқ, Туркистон халқларининг миллий бирлик ва баробарлик руҳини ташиши, ўтмиш шахслар улуғворлигини содда ва ишонарли акс эттириш билан ажралиб туради. Ҳар бири айрича тугал роман сифатида олти китобдан иборат асарларнинг ютуқларидан бири ва энг муҳими шунда деб ўйлайман.

Тоҳир ҚАҲҲОР,

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
филология фанлари номзоди, доцент.*

Мана салкам қирқ йилдирки, етук адибимиз Нурали Қобулнинг ижодини кузатиб келаман. Унинг асарлари ҳикоядан ҳикояга, қиссадан қиссага, романдан романга сайқалланиб, қалами чархланиб, ўткирлашиб бормоқда. Бир замонлар, фалон юртнинг фалон адиби трилогия ёзган, эпопея ёзган, юзлаб қаҳрамонлар образларини ҳаракатлантирган дея ҳайратланиб юрардик. Шукрим, мана, халқимиз ижодкорлари орасидан ҳам нафақат трилогия, Нурали Қобул каби олти китобдан (ҳозирча) иборат эпопея ёзадиган адиблар етишиб чиқди. Ана шундай ёрқин, кенг қамровли, ҳар қандай китобхонни бефарқ қолдирмайдиган асарлар адабиётимизга янги эпкин, ўқувчи қалбига сурур бахш этувчи руҳ олиб келишига ишонаман.

Муҳаммад ПИРРИЕВ,
*Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзоси, адиб.
Бухоро ўлкаси, Қорақўл эли.*

МУҚАДДАС ЭЪТИҚОД ВА ВАТАНГА МУҲАББАТ РАМЗИ

Нурали Қобулнинг “Султоннинг сўнгги куни ёхуд Амир соҳибқирон ва Тўхтамишхон” романини ўқиб...

Шаҳрисабздек қадимий ва тарихий шаҳарда яшаган бир инсон сифатида дуч келган хорижий бир муаллифнинг битигини ўқимай дастлаб шу заминда туғилган соҳибқирон бобо Амир Темур ҳақида ёзилган юртдошимиз Нурали Қобул асарларини ўқиш лозимлигини билдим. Бу асарларда турк халқларига хос орият, меҳр, бағри кенглик бор экан. Бошқа асарларда учрамайдиган ўзбекона руҳ бор бу романда.

Нурали Қобул ёзган “Султоннинг сўнгги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон” романи куйидаги жиҳатлари билан ғоят қадрлидир.

1. Романдаги воқеалар, очик услубда тасвирланган. Очик ёки экстенсив романларда одамнинг тақдири, ижтимоий турмуш билан алоқадорликда бадий тасвир этилади.

2. Ёзувчи одамнинг ижтимоий қимматини, унинг руҳияти, ички дунёси ва ўйлари манзарасини бадий сўзлар воситасида акс эттира олган.

3. Романда инсон хусусиятининг аралаш кўлланилиши ҳам модернизм ва реализм бадииятининг юксаклигига сабаб бўлган. Роман халқчил. Бадий куввати кучли. Тасвир воситалари гўзал.

4. Муаллиф узок тарихда яшаб ўтган Соҳибқирон Амир Темур ва Тўхтамишхон тимсолларининг зоҳирий ва ботиний дунё қарашларини, билим, ақл заковатини очик-ойдин баён этиш орқали, Амир Темурга нисбатан ўқувчи қалбида фахр, ифтихор туйғуси ва хурмати, Тўхтамишхоннинг саҳройи очкўзлик қиёфасини кўрсата олган. Бу романни ўқиган ҳар бир китобхоннинг фикри.

Ёзувчининг усталиги шундаки, у роман қаҳрамонлари тимсолларини тасвирлар экан, қадим-қадимдан ота-боболаримиз томонидан ишлатиб келинган иборалар орқали ўзи тасвирланаётган салбий қаҳрамон Идику Манғитнинг ички дунёсини ёрқин бўёқларда очиб беради. Масалан:

“Сухбат қизимаса-да, “бурганинг кетини кўрган”, ҳар қандай юксакликдан улоқтирсанг-да мушук каби оёғи билан тушадиган Идику Манғитнинг оғзига қараб ўтиришга тўғри келди”. Мана шу жумланинг ўзидан Идику Манғитнинг қандай одам эканлигини очик-ойдин билиб олса бўлади. Бошқа таърифга ҳожат йўқ эди. Аммо, шонилмаслик керак. Идикунинг ҳаётий тажрибаси ва ҳақиқий ботиний фалсафаси билан таништиради ёзувчи. (160-177 бетлар).

Нурали Қобулда киши билмас шундай моҳир сўз уста-

лиги мавжудки, романни ўқиб бўлгач, ўйлаб қоласиз. Наҳотки Идику Манғит босиб ўтган ҳаёт йўли фалсафаси ҳозир ҳам эскирмаган? У сизнинг ва бизнинг умр асносида бошимиздан ўтган ва ўтаётган тажрибаларимизни, меҳроқибатларимизни, ишонч ва эътиқодимизнинг ҳам яхши, ҳам ҳаётгий реал томонлари-ку? – дея сиз ҳам ўтган умр сарҳисобини қиласиз. Оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичади, деганларидек, биз ҳам умр синовларига бир назар ташлаймиз. Роман ичидаги фалсафага қаранг. Биз қисқача бундай қиёмига етган фикрларга ўз муносабатимизни билдирамиз.

Мана улар:

“Болаларингиз – балоларингиз – дея ёзади ёзувчи, Идику Манғит тилидан. Ана шу иборани раҳматли онам Иззатой Холмуҳаммад қизи куйидагича такрорлар эдилар: “Бола – ёшлигида бола, катта бўлса бало бўлади”. Ушбу фикр А.Авлонийда ҳам бор. Бу ўринда болага берилаётган тарбия назарда тутилган. Агар боланга яхши тарбия берсанг, сен учун у доимо ҳақиқий фарзанд, ёмон тарбия берсанг балога айланади, демоқчи ёзувчи.

Дунё беҳабар (ўқимаган) илмсиз, билимсиз, динга муккасидан кетган – жоҳил. Ҳар бир ишни қандай поёнига етказиш учун билим олинади. Аввал, билимга, кўникмага кўп такрор қилиш орқали эришилади. Кейинроқ малака ҳосил қилади. Малака олган киши билимини ҳаётга татбиқ қилса, ўзи, халқи ва ватани ҳам фойда кўрсагина у малака бўлади. Илм эса бир неча касб-ҳунар ҳақида олинган билимлар мажмуасидир.

Кўнгилнинг кири етти дарёда ювса кетмайди. Каззоб – ёлғончи одамнинг кўнгли кир бўлади, ёлғончи кишини мусулмон деб бўлмайди. Соқол кўйиб, салла ўраб, намоз ўқиб, рўза тутиб, ўз ака-укаси, синглиси, қариндошлари би-

лан йиллаб гаплашмаган инсоннинг кўнгли кир бўлади. Афсуски, бундайлар билан ёнма-ён яшаб келмоқдамиз. Роман ана шу жихати, яъни миллий руҳи билан бизни ўйлашга мажбур қилади.

Қариндошлар чаён, дўстлар бўри бўлади. Бу фалсафада тўқима йўқ. Ақл элагидан ўтказиб кўрсак, ҳаммамизнинг ҳаётимизда учрайди. Бир қарич ер учун юз кўришмас бўлиб кетган хожи қариндошларнинг ҳажи қабул бўлармикин?! Мана бу сизга Идику Манғитнинг ботиний ҳаёт фалсафаси. Шунинг учун ҳам биз Идикуни салбий тимсол дея олмаймиз. Бундай тасвир Нурали Қобулнинг узоқ кузатишлари, тажрибалари натижасидир. Шунинг учун ҳам бу романи тарихий фалсафий роман деб ўқиш керак.

Идику Манғит “Қуръон”ни ўқиган. Амир Темур соҳибқирон бобомизнинг ҳурмати қозонган амир. Шунинг учун ҳам ғанимлари наздида у “бурганинг кетини кўрган”. Халқона тилда айтсак, ўта эҳтиёткор, мулоҳазали, оқ-қорани таниган, яхши-ёмонни ажрата оладиган ишбилармон, тадбиркор саркарда. Олтин ўрданинг энг муносиб амири дея ўқувчини ишонтира олади ёзувчи.

Романдаги ҳар бир ижобий ва салбий русумли ишлатилган ибора, мақол ва қочиримларнинг биттаси бир қитоб маънисига эга. Амир Темурга бағишлаб ёзилган бошқа китобларда бундай ҳаётийликни кўрмадик.

Соҳибқирон Амир Темурнинг тарих саҳнасига чиқиши бутун Турон аҳлига нажот юлдузи бўлиб балқиди. Айниқса, Шаҳрисабз ва Самарқанд шаҳарларидаги халқлар учун ва бутун Ўзбекистон учун янгидан тикланиш даври бўлди, десак хато бўлмайди. Бу руҳни ҳозирги меъёрида кунда Шаҳрисабз, Қарши ва бутун Ўзбекистоннинг гўзаллашуви мисолида кўриш мумкин.

Романда Олтин ўрда тахтига Амир Темурнинг ёрдами

билан ўтирган Тўхтамишхоннинг ношукурлик хасталигига чалингани, отаси ўрнида оталик қилиб, от, қурол ва аскар берган олижаноб инсонга нисбатан нонкўрлиги, унга қурол кўтариши лавҳалари ҳаёт ҳақиқат асосида ёритилган.

Ёзувчи учун ҳаётнинг реаллиги эмас, балки маънавий моҳиятнинг реаллигини тасвирлаш муҳим ўрин тутганига гувоҳ бўламиз. Муаллиф ўз эътиборини романда тасвирлаган ҳар бир катта-кичик тимсолнинг маънавий-ахлоқий моҳиятини акс эттиришга қаратади. Унга хос халқона ибора ва ташбеҳ топади.

Ёзувчининг мақсади Амир Темур ҳаётининг изчил тарихини ёзиш эмас, балки, унинг шахсиятига хос хусусиятлар ҳамда унга инсон ва саркарда сифатида тенгсиз куч-қудрат берган руҳий омилларни бадий лавҳаларда акс эттириш бўлган, деб ўйлайман.

Романни ўқир эканмиз, Соҳибқирон (тўққиз планетани бир чизикда жойлаштириш ҳар саккиз юз йилда рўй беради шу пайтда туғилган ўғил бола соҳибқирон бўлади) бобомизнинг ички дунёси, мақсади, руҳий ҳаёлотини босқинчилик эмас, узоқ вақт мўғуллар томонидан кадр-қиммати топталган, хонлик ва амирликларга бўлиниб кетган давлатни мустаҳкамлаш, элу юрт фаровонлигини оширишни йўлга қўйиш, орзуси кўркам боғлар, пурвиқор саройлар қуриб, дунё аҳлини лол қолдириш эканлигини англаб етамиз.

Романда Амир Темурга хос инсоний сифатлар:

Саркардалиқ, буюқ истеъдод, босиқлик, ҳалимлик, кечиримлилик, синиқлик, кўзи тўқлик, қўли очиклик, садоқат, айни пайтда жисмоний куч-қудрат ишонарли тарзда бадий ташбеҳлар, ўхшатишлар орқали, таъсирли ва ширали ёрқин табиат тасвири воситасида берилади.

Амир Темур шахси илоҳийлаштирилмайди.

Ҳурматли ёзувчи Нурали Қобул Соҳибқирон бобомиз-

нинг ташқи кўринишини моҳирлик, санъаткор рассомларга хос рангли сўзлар ва усталик билан буюк шахсият сиймосини кўз олдимизда намоён қилади. Бундай тасвир ҳеч бир хорижий ва маҳаллий муаллифда йўқ. Нурали Қобул бобомиз портретини шундай чизиб берганки, улуғ Амирнинг ташқи кўриниши узун бўйли, кенг елкали бақувват гавдаси, оч қизил ранг жонлантириб турган оқиш юзи, кенг пешонаси, мускуллари ўйнаб турган кучли қўллари, жарангдор овози, ўтли ва ёниқ нигоҳи, журъатлилиги ва жасорати ўрни-ўрнига қўйилса, буюк саркарда бобомизнинг расми кўз олдимизда намоён бўлади.

Романда Амир Темур тимсолини ҳар томонлама мукамал қилиб тасвирлаш мақсадида ёзувчи ҳикоя ичида ҳикоя усулидан фойдаланган. Масалан: “Ҳотам той” ҳикояси.

Романда соҳибқироннинг ўсмирлик даври Кешда бўлган баъзи воқеалар, амакиси Ҳожи барлоснинг боғидаги олмаларига ўғирликка кириши, болаларга хос ўйинқароқ вақтлардаги хотиралар, болаликдаги аравакаш дўсти Бобомурод Тошмурод тимсолида ҳаётий берилган. Ҳаммамиз ҳам ўспирин давримизда бундай қитмирликлар қилганимизни эслаб қулиб қўямиз.

Амир Темур кибр ҳаводан йироқ, адолатни ўзига байроқ қилиб олган шахс.

У Турон деган давлатда еркаси йўқ, ақрабоси амир бўлмаган, оддий камбағал ҳам яхши яшаши керак-ку деган ғоя тарафдори.

– Сизди кўрар кун бор экан-ку, ай жўражон-а!

Бобомуроднинг ана шу гапи айнан Шаҳрисабз халқи шева-сига жуда мос. Амир Темур хулқи ва характерида ўрни келганда қаҳр ва меҳрни тўғри, адолатли қўллаши, унинг кулгуга мойиллиги, аммо ҳазилни ошириб юбормаслиги шахсий ошчиси Обид тимсолида ҳаётий берилган.

Сохибқирон халқ оғзаки ижодига, адабиёт ва тарихга жиддий эътибор беради. У “истеъдодли кишилар маст бўлсалар, маймунга айланиб, сўнг шайтонга айланадилар”, деб энг тўғри баҳо беради.

Шоирлар “Қуръон”нинг “Шуаро” сурасида кўрсатилгандай ёзишлари кераклигини таъкидлайди. У шох Қаландарга: “Бизни танқид қилиб, нуқсонларимизни айтиб тур. Бироқ меъёрдан ошган танқид фитна келтириб чиқаради” дейди.

Бир кунлик адолат – юз кунлик тоат ибодатдан устун, деб ёзади Нурали Қобул. Амир Темурнинг энг буюк комилликка кўтарган ҳам ана шу адолатдир.

Муаллифнинг ёзишича, Туркон хотун ва Хоразмшоҳнинг кўпол хатолари туфайли Ўрта Осиё, Туронзамин аянчли урушлар олови ичида қолди. Кўплаб бегуноҳнинг қон тўкилди. Романнинг 200-220-бетларидаги мисралар ўтмиш ҳаёт ҳақиқатининг дурдоналари. Ана шунинг учун ҳам тарих саҳнасида Кеш ўғлони Амир Темур сохибқироннинг юлдузи порлади.

– Ассалому алайкум! Дўрмон юзлитининг юзбошиси Дўрмон Дархон хизматингизда, ҳазрати олийлари! Хўш келдингиз! – таъзим билан улуғ амирни қаршилади юзбоши.

– Ваалайкум ассалом! Биз отда келдик, сиз пиёда эдингиз, Дўрмонбек, салом биздан! – деди Темур юзбошига меҳрибонлик билан.

Ана шу диалогдаги Темурнинг “салом биздан” дегани, унинг солиҳ инсон эканлиги, ислом дини, унинг фалсафасини аъло даражада билганлигини кўрсатади. Одоб ахлоқимизга кўра эшак минган киши қанчалик улуғ бўлмасин, пиёда кишига, от минган киши эса эшак минган кишига салом бериши шарт эканлиги кўрсатиб ўтилган. Биргина салом-алиқдан инсон қалбида “уя” қўйган кибр-

ҳавони кузатиш мумкин. Кўпинча баъзи мансабдор, бой, илмли, олим кишиларнинг ҳам салом бериш қоидасига зид ҳаракатларини кўрамиз. Уларнинг қалбидаги аканг олим, бой, билиб қўй, деган кибр-ҳаво, мағрурлик хислати намоёнлигини илғаб олиш қийин эмас.

Романни ўқир эканмиз, ёзувчининг тарих илмининг моҳир билимдони эканлигини кўрамиз. У хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин, яратган тимсоллар хусусида, уларнинг ташқи қиёфасини чизар экан, ўз шахсий муносабатини билдирганини кўрамиз. Шу ўринда ёзувчи ўз асарининг асосий қаҳрамонидир деган ақидага қўшилмасдан бўлмайди.

Роман бахши шоирларнинг шеърлари билан янада кўркем жилоланган. Худди Оқсарой деворларининг рағдли кошнларидек, шеърлар романнинг янада бадий, гўзал бўлишини таъминлаган.

Шеърларда юксак миллий фалсафа, унинг иқтидорли ёзувчиси Нурали Қобул ҳикматлари, дарди, армонлари, орзулари акс этган. Ана шу жиҳатлари билан бу роман ҳам тарихий мавзуда ёзилган Ойбекнинг “Навоий” романи каби юксак даражадаги қадрли асар дея баралла айта оламиз.

Романда кўплаб тарихий шахслар билан бирга тўқима образлар ҳам борки, ўқувчи уларни ҳақиқий тарихий шахс деб қабул қилади. Бу Нурали Қобулнинг моҳир санъаткорона тасвирларининг жонли ифодаси маҳсулидир. Унинг тили XV асрга тааллуқли.

Романда Амир Темур адолатли саркарда сифатида тасвирланади. У ёлғонни ёмон кўради. Ўз сўзида туради. Ислому фалсафасининг юраги бўлган Куръон ва ҳадисларда подшоҳми у, гадоми у, ёлғон сўзламаслиги керак. Ёлғон гапириш имонсизлик белгисидир. Ёлғон “кибрнинг укаси”. Шунинг учун “Ал каззобу ло уммато” деган ҳадис бор (ёлғончилар умматимиз эмас).

Амир Темурнинг буюклиги шундаки, у ўз боболари

Қочули баҳодир, Чингизхоннинг отаси Туманайхон (Мўғул-турк) кавми ўртасидаги аҳдномага содиқдир. Уни ҳеч қачон бузмаган. Романдаги Тўхтамишхон образига ҳам фақат қоралаш йўлидан бормай, адолатли ёндашилган.

Романда мўғул уруғидан чиққан Қоон, (Темучин) Чингизхоннинг портрети, ички ва ташқи дунёси шундай моҳирлик билан тасвирланганки, ўқувчи унинг чиркин хулқ атворидан жирканади. Масалан: "...Чингизхон барча кўриши учун Султон ҳоки солинган сандиқни (унда Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг суяклари бор эди...) энг баланд тепаликка олиб чиқиб ёқишни буюрди. Ҳаётда энг катта душмани сўнгаларига қараган Чингизхон тахтга оғир чўккан, ичра ловуллаб ёнаётган оташни кўриб роҳатланди". Султон ва ўғлидан эшитган ҳақоратларнинг алами чиққандек бўлди. У ўғли Угадойга: "Шуни унутмаки, ўғлим, кичик балиқни катта балиқ эмас, тез суза оладиган балиқ ёйди." деб насиҳат қилади.

Қашқирнинг боласи қашқир бўлади деб бекорга айтишмаган. Ана шу деталнинг ўзи Чингизхоннинг асл башарасини кўрсатади. Тарих ва ҳаёт ҳақиқати асосида буни бадиий ифодалай билган Нурали Қобулга офарин!

Нурали Қобулнинг бу романи адабиёт оламида Амир Темурга қўйилган сўзлар, ташбеҳлар, мақоллар, ривоятлар билан безалган олтин ҳайкалдир! "Султоннинг сўнгни куни ёхуд Амир соҳибқирон ва Тўхтамишхон" романи унинг ҳаёт ва ижод йўлидаги энг самарали маҳсулидир.

Насрда ақл, мантиқ ва фалсафа бирламчидир. Бу асарда ўқувчи кутадиغان ҳамда маънавий қувват оладиган ана шу муҳим ҳаётбахш ва умуминсоний омиллар етарли қадардир. Қолаверса, мен шу пайтгача адабиётимизда бундай бадиий таъсирчан ҳар қандай ўқувчининг фикрини ва қалбини ларзага соладиган романни ўқимадим.

Ушбу роман самимий, муқаддас эътиқод ва Ватанга муҳаббат рамзи сифатида қадрлидир.

Амир Темурни бобом, она юртимизни суюкли ватаним деган ҳар бир инсонга аввал Нурали Қобулнинг ушбу романини қайта-қайта ўқишини тавсия қилардик. Ушандагина она бағрига тўйган гўдакдек хумордан чиқади киши.

Романда қиёмига етган фикрлар анча. Масалан: “Аввал уругига, сўнгра туркига бок”. “Тирикларга тирикдан манфаат бор”. “Дунё кизик, ҳисоби бузуқ”. “Тўқни тўйдириб бўлмайди...”

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Нурали Қобулнинг “Султоннинг сўнги куни ёхуд Амир соҳибқирон ва Тўхтамишхон” романи шу вақтга қадар комил инсон, буюк саркарда Амир Темур бобомиз тимсолини ҳаёт ҳақиқати асосида энг тўғри, ёркин очиб берувчи романлар ичида энг юксагидир.

Бу бетакроп асарлар ўз баҳосини олади ва адабиётимизнинг энг етук намуналари сифатида дунёнинг етакчи ва кўплаб тилларга таржима этилишига ишончим комил.

Абдураҳим АБДУСАМАДОВ,

*Олий тоифали тил ва адабиёт ўқитувчиси,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.*

*Шаҳрисабз, Чоршанбе қўргони,
Темирчи қишлоғи.*

МУНДАРИЖА

Биринчи боб	3
Иккинчи боб	31
Учинчи боб	47
Тўртинчи боб	67
Бешинчи боб	79
Олтинчи боб	99
Еттинчи боб	117
Сакқизинчи боб	131
Тўққизинчи боб	151
Ўнинчи боб	172
Ўн биринчи боб	188
Ўн иккинчи боб	209
Ўн учинчи боб	228
Ўн тўртинчи боб	245
Ўн бешинчи боб	274
Ўн олтинчи боб	293
Ўн еттинчи боб	309
Оққан дарёлар	324
Тарихий воқеликнинг тўғри идроки	337
Ўтмиш шахслар улуғворлиги ёхуд ибратли хукмдорлик васфи	339
Муқаддас эътиқод ва Ватанга муҳаббат рамзи.....	341

Адабий-бадиий нашр

Нурали ҚОБУЛ

ЧИНГИЗХОННИНГ ОЛТИН ТАХТИ

ёхуд

ТАХТ ТАГИДАГИ ЗИНДОН

Тарихий роман

Масъул муҳаррир: *У.Холдэрова*

Муҳаррир: *Н.Қидиралиев*

Тех.муҳаррир: *О.Қанаев*

Саҳифаловчи: *Н.Муҳитдинова*

Босишга берилди 29.12.2015. Қоғоз бичими 60x84^{1/32}.
“Times New Roman” гарнитураси. Офсет босма. Шартли
босма табоғи 22,0. Нашр босма табоғи 22,0.
Адади 3000. Буюртма № 44.

*«КАМАЛАК» нашриётида нашрга тайёрланди.
100069. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Нашриёт лицензияси: П №193 10.05.2011*

*«Dizayn-Print» МЧЖ УИЧК босмахонасида чоп этилди.
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28а-уй.*